

Адаб
ва
жамият



ОТАУЛИ

Отабек ва Кумуш
достони

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

Адиб
жамият

ОТАУЛИ

Отабек ва Кумуш достони

“Ўткан кунлар” романини янгича уқиш
ёхуд қодирийхонлик

(Бадиа)



ТОШКЕНТ
«MASHHUR-PRESS»

2019

APM inv № 1982(α)

уўК 398.2(=512.133)
КВК 84 (5Ў)6

Отаули

Отабек ва Кумуш достони [Матн]: Бадиа / Отаули.
– Т.: «MASHHUR-PRESS» нашриёти, 2019. – 384 б.

ISBN 978-9943-5672-7-6

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Х. БОЛТАБОЕВ, филология фанлари доктори
М. МАҲМУДОВ, филология фанлари номзоди

Ўзбек адабиётида романчилик мактабининг тамал тошини қўйган улуғ адибимиз Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ҳар жиҳатдан етуклик касб этгани боис, хоҳ адабиёт аҳли бўлсин, хоҳ оддий китобхон бўлсин, ҳар биримизнинг қалбимиздан чукур жой олган.

Қодирийхонлик йўналишидаги мазкур китобни мутолаа қиласр экансиз, “Ўткан кунлар”га ёзувчи назари билан қараб, янада теранроқ уқиш мумкинлигига амин бўласиз. Зоро, “Қуш тилини қуш билар” деб бежиз айтилмаган.

Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
«Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.

ISBN 978-9943-5672-7-6

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Элимизда узоқ ўтмишдан достонхонлик, қиссаҳонлик, яссавийхонлик, рабғузийхонлик, навоийхонлик, бобурхонлик, машрабхонлик каби шеърхонлик ва насрхонлик анъанаси бор. Камина кейинги ўттиз беш йил ичидаги шу анъанага хос ва мос бир неча бадиалар ёздим. Жумладан, “Бир асар таҳлили” рукнидаги “Ҳикматлар карвони” (О. Ёқубов, “Кўхна дунё” романни, 1983), “Буюк учлик” (О. Ёқубов, “Оққушлар, оппок кушлар” романни, 1987), “Тонг юлдузи шуълалари” (Чўлпон, “Кеча ва кундуз” романни, 1988), “Тасаввур зиёси” (Чўлпон, “Ёрқиной” драмаси, 1989), “Халқнинг ўлмас руҳи” (“Алпомиш” достони, 1999), “Тақдир тақозоси” (Ч. Айтматов, “Тоғлар қулагандага (Мангу қайлиқ)” романни, 2008) бадиаларимда номлари кўрсатилган асарлар эстетик таҳлил қилинган. Ва ниҳоят, “Шарқ юлдузи” журналининг 2016 йил 11–12-сонлари ҳамда 2017 йил 1-сонида чоп этилган “Қиссалардан ҳиссалар (Миркарим Осим китоблари мутолааси ёхуд қиссаҳонлик)” бадиамда тарихнавис адаб Миркарим Осимнинг бадиий жиҳатдан етук олтита тарихий қиссасини (“Элчилар”, “Ўтрор”, “Зулмат ичра нур”, “Жайхун устидада булатлар”, “Ибн Сино қиссаси” ва “Алжабрнинг туғилиши”) эстетик таҳлил этиб қиссаҳонлик қилдим. Деярли қирқ йил тўплаган ижодий тажрибамга таяниб, мана энди етмиш ёш остонасида қодирийхонлик қилишга ботиндим.

Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари “Ўткан кунлар” романни яратилганидан кейинги тўқсон йиллик даврда “Ўткан кунлар” номли танқидий китобча ёзган шўро мунаққиди Сотти Ҳусайндан бошлаб, то, дейлик, “Қатлнома” хужжатли қиссасини ёзган журна-

лист Набижон Боқийга қадар кўпгина олим, ёзувчи ва журналистлар бу адид ижоди ҳақида ёзганлар. Улар орасида, табиийки, устозга яраша шогирд Ойбекнинг “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли” тадқиқоти билан отага яраша ўғил Ҳабиулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” ва “Қодирийнинг сўнгги кунлари” ёднома асарлари ажралиб туради. Етакчи қодирийшунос олимимиз Матёқуб Кўшжоновнинг “Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати” рисоласи (1966) билан “Ўзбекнинг ўзлиги” китобида (1994) адид асарларининг бадиияти теран таҳлил қилинган. Олимнинг “Қодирий – эркисизлик қурбони” китобида (1992) эса, Сотти Ҳусайн, Миёнбузрук Солиҳов, Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Собир Мирвалиев, Ҳафиз Абдусаматов, Бердиали Имомов каби кўпгина мунаққидлар томонидан Қодирий ижодига ёндашишдаги бирёқламаликлар тўла очиб кўрсатилган. Яна бир қодирийшунос олим Умарали Норматовнинг “Қодирий боғи (Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди ҳақида)” (1995), “Ўткан кунлар” ҳайрати” (1996), “Қодирий мўъжизаси” (2010) китобларида адид ҳаёти ва ижодининг турли томонлари кенг ёритилган. Бу икки устозга яраша шогирд Баҳодир Каримнинг “Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин” (“Фан”, 2006) китоби, “Абдулла Қодирий ижодининг янгича талқинлари” (2013) мақоласи ва бошқа бир қатор тадқиқотларида юқорида исмлари тилга олинган олимлардан ташқари, Матёқуб Кўшжонов, Аҳмад Алиев, Исройл Мирзаев, Умарали Норматов китоблари, Хайриддин Султонов, Тоҳир Малик, Абдуғафур Расулов, Азим Раҳимов, Муртазо Қаршибой сингари кўпгина ёзувчи ва олимларнинг мақолалари, шунингдек, чет эллик қодирийшуносларнинг илмий тадқиқотлари, умуман олганда, қодирийшунослиқдаги қарашлар кенг кўламда ёзиб кўрсатилган... Бизнинг ниятимиз

қодирийшунослик эмас, қодирийхонлик: бир ўқувчи ва ёзувчи сифатида бадий матнинг мағзини чақиб ўқиш завқи ва уқиш шавқини туйиш, адебнинг бош асаридаги ҳар бир бўлим ва боб, жумла ва ҳатто гап билан сўзнинг салмоғини ақл тарозисига қўйиб ўлчаш, шу орқали ёзувчининг маҳорат сирларини англашга уринишидир.

Аввало шуни уқтириб айтиш керакки, жаҳон романчилигидаги янги бир мактабнинг булоқбошида турувчи бу илк тарихий роман, айни чоғда, ўзбек давлатчилигига бағишлиланган дастлабки йирик асар эди! Диққатни асардаги бу ўринга қаратиш шўро даврида мумкин эмас эди, зотан, мустамлака давлатда мустақил давлат борасида ошкора сўзлаш таъзиқланган эди! Шунинг учун ҳам кўпгина муҳлислар ҳамда издош ёзувчилар тўнғич романда айтилган гапларнинг теран тагмаъноларини яхши англар эдилар-у, бироқ уларни очиқ айта олмасдилар! Зотан, шўро давлати таркибидағи ўн бешта республика номигагина республика, аслида, улкан империянинг мустамлакалари эдики, уларда мустақил давлат тўғрисида қўнгилларда тотли тилаклар бор, лекин тилак айтадиган тил-забон йўқ эди-да! Ўзбекистон давлати том маънода мустақил бўлгачгина XX аср адабиёти “Янги ўзбек адабиёти” деб аталгани ҳолда бу адабиётга ҳар қандай таъзиқ ва чекловларсиз, эркин қараш шаклланмоқда. Бу ҳол ўз-ўзидан янги бир романчилик мактабининг илк намунасига ҳам янгича қараш – асарни давлат мустақиллиги йўлидаги курашлар нуқтаи назаридан янгича уқишини қатъий буюрмоқда.

Янги ўзбек адабиёти, хусусан, драматургияси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1913 йилда нашр этилган “Падаркуш” драмасидан бошлангани барчага аён. Бу асар таъсирида яратилган бир қатор драмалар орасида, менимча, икки асар ажralиб туради. Булардан

биринчиси Абдулла Қодирийнинг 1915 йилда битилган “Бахтсиз күёв” драмаси, иккинчиси Абдулҳамид Чўлпоннинг 1920 йилда яратилган “Ёрқиной” драмаси. Олдинги икки драма (“Падаркуш” билан “Бахтсиз күёв”) турмуш мавзуида эди, лекин “Ёрқиной”!.. Ўзбек адабиётида, давлатчилигимиз бўлмаса-да, эски давлатни асраб қолиш ва янги давлат қуриш йўлидаги Ўлмас ботир ва Пўлат ботир ўртасида ҳокимият ташлари тасвиrlанган ижтимоий-сиёсий мавзудаги илк асар эди бу! Қолаверса, халқ ривояти асосида яратилган бу драма янги ўзбек адабиётидаги халқ оғзаки ижодига таяниб яратилган биринчи йирик асар ҳам эди! Агар Қодирий “Бахтсиз күёв” драмасини “Падаркуш” драмаси таъсирида ёзган, лекин, афсуски, бу асар бадииятини биринчи ўзбек драмасидан оши-ролмаган бўлса-да, биринчи ўзбек романи айнан мана шу “Ёрқиной” драмаси таъсирида дунёга келди ва бу асар ўз бадиияти, мавзу қўлами ва халқ оғзаки ижодидан руҳланиш кучига кўра наинки мазкур драма, балки биринчи араб романлари (масалан, Жўржи Зайдоннинг тарихий асарлари!), биринчи усмонли турк романлари (масалан, Рашод Нури Гунтекиннинг “Чолиқуши” асари), биринчи татар романлари (масалан, Исмоилбек Гаспиралининг “Дорулроҳат мусулмонлари” асари)дан ҳам устун бўлиб чиқди! Бу асар, мана, тўқсон йилдирки, ўзининг бадиий жиҳатдан етуклигини бутун жаҳонга кўз-кўз қилмоқда. Жаҳон адабиётидаги кўпгина адиллар бу асардан ижодий руҳланганлари бежиз эмас! Масалан, қозоқ адаби Мухтор Аvezов, қирғиз адаби Чингиз Айтматов, қорақалпоқ адаби Тўлепберген Қаипбергенов, туркман адиллари Берди Кербобоев ва Хидир Деряев, тожик адаби Жалол Икромий... Бу қон-қардош халқлар адилларининг барчаларига нисбатан, табиийки, ўз адилларимиз мазкур шоҳ асардан яна-да кўпроқ ижодий таъсирилан-

ганлар. Масалан, буюк Абдулҳамид Чўлпоннинг айни шу ўзбек давлатчилиги ҳақидаги бош асарлар (“Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” тарихий романлари)га ўзига хос жавоб ҳам издошлик истагида битган “Кеча ва кундуз” роман-дилогиясида давлат тузиш ва уни тутиб туришдек ҳар бир ҳалқнинг ҳаёт-мамот масаласини оламшумул миқёсларга кўтариб, башариятнинг тарихий тақдирида мустамлакачи давлат, яъни империянинг қудратию инқизорозининг туб сабаблари (жаҳондаги энг қудратли инглиз, француз, португал, испан, немис ва рус империялари бирин-кетин тугаб, жаҳон мустамлака тизими ёппасига емирилишидан неча ўн йиллар аввал!) санъаткорона очиб кўрсатилди. Буюк Ойбек эса бу империялардан бирига қарши миллий озодлик қурашига жонини фидо қилган чинакам миллий қаҳрамон Йўлчи (Иккинчи турк хоқонлигини тузган Кутлуғ Элтариш хоқон ва бу давлатни жон-жаҳдлари билан сақлаган Тўнюқуқ, Билга хоқон ва Култегинларнинг шарафли ишларини муносиб давом эттириб, шу йўлда жонини фидо қилган Йўллуғ тегиндек шарафли қураш йўли, шаҳидлик йўлини танлаган Йўлчи!) сиймоси яратилган “Кутлуғ қон” романини ёзди. Ойбек бу романда тўплаган ижодий тажрибасига таяниб, аввало “Ёрқиной” драмаси, сўнгра “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Кеча ва кундуз” романлари қаторида барқарор тура оладиган “Навоий” тарихий романини яратиб, унда темурий шаҳзода Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлик қилган Хуросон давлати ва унинг тарихий тақдирида буюк мутафаккир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг тутган беқиёс ўрнини ҳарёқлама кўрсатди. Шу маънода бу қаҳрамон “Ёрқиной” драмасида отаси Ўлмас ботир ва севгилиси Пўлат ботир ўртасидаги ҳокимият талашларида, уларни келиштиролмай қийналган санъаткор Ёрқинойга ўхшаб кетади. Айни чоғда, бу қаҳрамон ҳалқ

ривояти асосида яратилган романтик асар қаҳрамонига нисбатан реалистик тарихий роман қаҳрамони, қолаверса, тўқима қаҳрамон эмас, аниқ тарихий шахс, буюк сиймо сифатида ҳаққоний ва ёрқин қиёфага эга. Иккинчи жаҳон урушининг чўйқисида – 1943 йилда битилган-битказилган бу тарихий романдан кейинги чамаси йигирма йилга чўзилган жимжитлик (сокинлик, турғунлик, танаффус...)дан сўнг, ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари бошларида, тарихий романчилик бўлмаса-да, ҳарқалай, тарихий қиссачиликда янги булоқ кўз очди: ўзбек тарихий қиссачилигининг асосчиси Миркарим Осимнинг “Элчилар” ва “Ўтрор” асарлари, худди “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари каби, кутиб-кутилмаган бир тарзда бирин-кетин дунёга келди. Ўзбек адабиёти тарихида “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари қанчалик улкан бурилиш нуқтаси бўлса, мазкур икки тарихий қисса ҳам худди шундай улкан бурилиш нуқтаси бўлди. Биринчи қиссада ўзини “Иккинчи соҳибқирон Амир Темур” деб билган ҳукмдор Абдуллахоннинг Бухоро давлати билан Иван Грозний ва Борис Годунов даврида оламшумул куч-қудрат касб этиб бошлаган Россия давлати (Россия империяси) ўртасидаги тарихий муносабатлар, иккинчи қиссада ўзини Бағдод халифаларидан ҳам қудратлироқ деб ўйлаган Муҳаммад Хоразмшоҳ билан унинг ўғли Жалолиддин Мангуберди давлати, хусусан, Ўтрор ҳокими Инолчиқнинг босқинчи мўғуллар давлатига қарши қураши ёрқин бадиий бўёқларда кўрсатиб берилди. Айни шу икки тарихий қисса ўзбек тарихий романчилигидаги янги бир қудратли тўлқиннинг ўзига хос даракчилари бўлиб қолди, дейиш мумкин. Кейинги қирқ йил ичида Мирмуҳсин (ўзбек адабиётида энг кўп тарихий роман ёза олган заҳматкаш!), Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Мақсуд Қориев, Эркин Самандар, Саъдулла

Сиёев, Асад Дилмурод, Ғулом Каримий, Рисолат Ҳайдарова, Шаҳодат Исахонова, Тўлқин Ҳайит каби тарихий романнависларимиз эришган ижодий ютуқлар шу кеча-кундузларда Муҳаммад Алиниңг темурийлар давлати кенг миқёсларда бадиий тадқиқ этилган “Улуғ салтанат” тарихий эпопеяси билан Нурали Қобулнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳаёти атрофлича қаламга олинаётган туркум тарихий романларида, айтиш мумкинки, ўзининг ҳадди аълосига чиқди ва чиқмоқда! Худди “Ўткан кунлар” романи каби, биз тилга олган ва тилга олмаган жамики тарихий романларимиз хусусида кўплаб мақолалар, китоблар, хотирилар, бадиалар ва бошқа асарлар яратилган. Зотан, чинакам бадииятнинг bemisл сир-синоати шундаки, зўр бадиий асар замиридаги тилсимларни наинки бир-икки тарихий шахс ва давр, ҳатточи бир-икки авлод билан бир-икки аср ҳам очиб беролмайди. Бинобарин, “Ўткан кунлар” романининг 1926 йилги илк нашрига муаллиф ёзган “Ёзувчидан” деб аталган уч жумла сўзбошининг учинчи жумласидаги бир гапни тағин такрорлаш керак бўлади: “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар”.

Шояд, бизнинг ушбу “мозийга қайтиб иш кўришимиз” ҳам хайрлик бўлса!

“Ўткан кунлар” романини текширишда, ўйлашымча, романда тасвирланган халқнинг, юқорида айтиб ўтганимдек, давлатчилик хусусидаги сиёсий қарашлари билан бирга диний эътиқодини ҳам ҳисобга олиш ўта муҳимдир. Худосиз шўро тузуми даврида ҳар қандай диний ақидаларга қатъий чеклов кўйилгани, ҳатто диннинг ўзини афюн деб жамият ҳаётидан бутунлай сиқиб чиқаришга турли йўллар билан уринилгани барчага аён. Модомики, “Ўткан кунлар” романи айнан шўро тузумининг энг таҳликали бошлангич йилларида яратилган экан, бу роман ҳам диний қа-

рашлар юзасидан муайян босимларга учрамаган бўлиши мумкин эмас. Биргина мисол: роман сўнгида бош қаҳрамон Отабекнинг Авлиётада шаҳид кетгани ҳақидаги жумлага тузумнинг сиёсий қоровуллари кескин қаршилик кўрсатишган. Муаллиф бу қаршиликка жавобан бутун бошли асарни айни шу жумла учун ёзганини айтиб қаттиқ турган ва уни эълон қилишга эришган! Саволлар туғилади: қандай қилиб муаллиф бу қаршиликни енгиб ўтди, яъни нега сиёсий посбонлар асарнинг чоп қилинишига ва ўша жумланинг сақлаб қолинишига йўл бердилар? Мафкура тарғиботчилари кўзлари билан қараганда романдаги кўпгина сиёсий ва диний қарашлар бузиб талқин қилинганидир балки бунинг сабаби? Дейлик, асарда, муаллиф таъбири билан айтганда, “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари” тасвиrlангани, яъни бу халқнинг ички низолардан боши чиқмаслиги ёки кўпхотинлиликнинг, турли диний ва ижтимоий хурофотларнинг фожиавий оқибатлари шўро мафкураси ва тузуми учун қулай имконият эмасмиди? Ахир, жамият онгига таъсир ўтказиш йўлларини излаётган шўро мафкураси бундан усталик билан фойдаланиши мумкин-ку! Яъни шўро тузуми ўзини халқ халоскори дея атаб, бу каби муаммоларга чек қўйисин-да, ўзини халқнинг тинчлиги-фаровонлиги, баҳт-саодати йўлида курашчи қиёфасида кўрсата олсин! “Ҳар жойнинг тулкисини ўша жойнинг тозиси билан овлаш керак” деганлариdek ёки француз ҳукмдори Наполеон Бонапарт “Душманим хато қилаётганида унга халақит бермайман” деганидек, эҳтимол, бу романни чоп қилишга изн беришида шўро тузумининг ўз ғаразли мақсадлари бўлгандир? Балки муаллиф тузум посбонларининг кўзларини шамғалат қилиш ҳамда улар билан имкони борича муросага келиш учун зарурий ва шартли усуllарни қўллаган-

дир?.. Хуллас, айтмоқчиманки, романни таҳлил қиласр эканмиз, ҳам миллий, ҳам умумбашарий қадриятлар, шу жумладан, дин эркинлиги ва диний бағрикенглик тамойилларини ёдда тутишимиз шарт.

Камина “Бир асар таҳлили” рукнида шу кунгача ёзган ва юқорида саналган бадиалар орасида фақат иккитасида асарнинг бошидан адогигача бобма-боб, ҳатто жумлама-жумла, гапма-гап эстетик таҳлил этилган. Булар “Алпомиш” эпосимиз ҳақидаги “Халқнинг ўлмас руҳи” деб аталган “алпомишхонлик” (достонхонлик) билан Миркарим Осимнинг олтига тарихий қиссаси ҳақидаги “қиссаҳонлик” эди. “Хайр учгача” дейдилар. Шоядки, мазкур қодирийхонликда ҳам асарнинг бекиёс бадиияти, бадиий ва ғоявий жиҳатлардаги уйғунликлар ва айрим номутаносибликлар, жамики мусбат ва манфий томонларни тугал ва ишонарли тарзда ёритиш иши кўнгилдагидек уddаланса.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари ўртасида ўша пайтдаги отахон газетамиз “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”)да Тоғай Мурод, Рауф Парфи ва бошқа бир қатор адиллар ижодидан “ғоявий хатолар” топиб, уларни кескин қоралаб чиқсан бош мақоланинг номи, ёдингизда бўлса, “Ғоявийлик – бош мезон” эди. Айтиш мумкинки, бу бош мақола ҳар қандай асарга ёлғиз ғоявийлик мезони орқали бирёқлама ёндошиб, “бадиий” дея белгиланувчи асарнинг бадииятини ҳамиша ғоявийлик (сиёсийлик, партияйийлик, коммунистик мафкура, социалистик реализм...) йўлида қурбон қилиб келган мустабид шўро тузумининг ўзига хос сўнгги жон талvasалари, сўнгги бақириқ-чақириқлари, сўнгги қўнғироғи эди. Айтиш мумкинки, айни шу “сўнгги қўнғироқ” қа қарши кучли исён сифатида кейинги ўттиз йил мобайнида энди, аксинча, бадиий асарнинг ўзаро тенг кўш қаноти (ғоявийлик ва бадиийлик)дан бири (ғоявийлик) кўп ҳолларда унутилиб, фақатгина

иккинчи қанот (бадийлик) күкка құтариладиган бүлиб қолди. Гүёки чинакам бадий асар коммунистик ғоядангина эмас, ҳар қандай ғоядан холи, ҳеч бир ғоясиз (мағкурасиз, тайинсиз, мақсад-маслаксиз...), енгилтак, тутуриқсиз (абсурд) бўлмоғи керакдек! Гүёки жаҳонда тенгсиз ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз ёзма адабиётимиз, масалан, дейлик, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамонлари Ҳакимбек билан Барчиной, ўзбек халқи бадий тафаккурининг ёзма адабиётдаги чўққиси бўлмиш “Хамса” асари марказида турувчи “Фарҳод ва Ширин” қаҳрамонлик достонидаги Фарҳод ва Шириндеқ қаҳрамонлар миллий ғоя, миллий мағкура, миллий ўзликка эга эмасдек! Ҳолбуки, улар шунинг учун ҳам халқнинг истак-иродасини ўзида ифодалаган тўлақонли миллий қаҳрамон саналадики, буюк мутафаккир Алишер Навоий “Одами эрсанг демагил одами, Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами” деб ёзганидек, бу қаҳрамонлар халқнинг ёруғлиги (эркинлиги, кўр-қути, тўкин-сочинлиги, бирлиги, тотувлиги, яратувчилиги...) йўлидаги аёвсиз курашларда ўзликларини кўрсатадилар. Бу йўлдаги ҳар қандай заҳмат-машққатлар, қийноқлару тўсиқларни мардонавор енгиб ўтиб, охир-оқибат ютуққа эришадилар ва айни шу энг олий мурод-мақсадларига етадилар. Бу улуғ йўлда “бир бошга бир ўлим” дея ўлимдан қўрқмай, ана ўша энг олий мурод-мақсад манзилига жон-жаҳдлари билан интилиб-талпиниб яшайдилар, керак бўлса, шу йўлда жон берадилар. Нафакат Ҳакимбек ва Фарҳоддек ўлмас адабий қаҳрамонлар, балки Яссавий, Навоий ва Машрабдек эл-юрт дея яшаб ўтган фидойи зотларнинг бутун ҳаёт йўллари ҳам мана шундан яққол далолат бериб турибди. Яссавий ҳазратларининг ҳикматли сатрларидан бири “Бу йўлларда жон бермасдан имкони йўқ!” экани бежиз эмас, албатта. Агар бу адабиёт ва ҳаёт қаҳрамонлари “Менинг

эл-юрт билан нима ишим бор?! Нега мен эл-юрт ҳақида жон күйдиришим керак, әркин шахс эканман, күнглим тусаган ишни қиласверишга ҳақли эмасманми?!" қабилида ўйлаб, шунга яраша ўзбошимча хатти-ҳаркатлар қилганларида... "қаҳрамон" дея улуғланишга лойик топиларми эдилар? Ё "адабий қаҳрамон" билан "адабиёт қаҳрамони" ва "ҳаёт қаҳрамони" бутунлай бошқа-бошқа зотларми? Ҳақиқий "замонамиз қаҳрамони"-чи? Ким, айнан қандай сифатларга эга у? Табиатан мард-танти ва енгилмас бўлолмаган, аксинча, ярамас ва енгилган одамни асл қаҳрамон, халқ қаҳрамони деса бўладими?! Шу сингари саволларга тайинлироқ жавоб топиш учун ҳам алпомиҳонлик билан қиссанхонликдан кейин қодирийхонлик қилиш керакдек, токи "Кейинги қарийб бир асрлик адабиётимиз қай манзилдан қай тарзда чиқиб, қай йўллардан ўтиб, энди қай манзилга қараб кетмоқда?" янглиғ қўшимча саволларга ҳам тўғри жавоб топилса зора!

Мустақил Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти Ислом Каримов томонидан 2001 йилда ёзувчиларимиз олдига замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш энг муҳим вазифа қилиб қўйилган эди. Ўшанда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошлигига ўтказилган бир кенгашда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев "Бир ойдан кейин замонамиз қаҳрамони ҳақидаги йирик насрый асар столингиз устида бўлади, Абдуллажон!" дея ўз қалвидаги кучли ижодий иштиёқни билдирган эди. Шундан кейин ёзган "Динозавр" романи (аниқроғи, романнинг иккинчи китоби!)да адиб ўзи сўз берганидек замонамиз қаҳрамони сиймосини анча ҳаётий ва ҳаққоний яратиб берган эди.

Биринчи президентимизнинг муносиб вориси, мустақил Ўзбекистон давлатининг оламшумул довруғига янги довруқ қўшиш кўйида ибратомуз

ғайрат-шижоат ва ташаббускорлик намуналарини амалда кўрсатаётган президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 августдаги ижодкор зиёлилар билан чинакамига тарихий аҳамиятга эга учрашувида аввало адибларнинг олдига қўйилган улкан вазифа замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш бўлди. Шундан буён ўтган бир неча ой ичида кўпгина ёзувчиларимиз бу анча оғир ва масъулиятли вазифани шараф билан уddeлашга сўз бермоқдалар. Бу сўзларнинг устидан қанчалик чиқилади – ҳамиша одил ҳакам бўлган вақт кўрсатади, албатта. Зотан, замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш йўлида қарийб бир асрлик интилиш-талпинишлар ниҳоясидаги энг қутлуғ мурод-мақсад манзилига бир неча ой, ҳаттоқи бир неча йил ичида етиб олиш ўта қийин! Биринчи ўзбек романи – “Ўткан кунлар”дан бақувватроқ ва шу сабаб халқ меҳрини қозона оладиган, кўзларга тўтиёдек суртиб, қўлма-қўл қилиб ўқиладиган, ёд олса арзийдиган, ҳар қандай чекловларга қарамай ўқилаверадиган асарни яратиш... осонми?! Осон бўлса, тўқсон йилдан буён нега яратилмаяпти?! Шу тўқсон йил мобайнида дунёга келган жами тўққиз юзга яқин романлар... биринчи ўзбек романидан ошиб ўтиш тугул, унга яқинроқ келолдими ўзи?! Ўттиз ёшнинг нари-берисида битилган биринчи ўзбек романидан бақувватроқ асарни қирқ-эллик йиллик ижодий тажрибага эга, жаҳон адабиётини яхши билган, қалами обдон ўткирланган, ижодий етуклик чўққисида турган етмиш яшар адиблар ҳам нега амалда яратолмаяптилар?! Нега улар ёзган асарлар қаҳрамонларини Отабек билан Кумушнинг ёнига қўйиб, “ХХ аср адабиётининг энг машҳур қаҳрамонлари улар эди, биз яшаб турган XXI аср адабиётининг энг машҳур қаҳрамонлари эса, мана, булар!” дейишга қийналиб турибмиз ҳали-ҳануз?!

Айниқса, бугунги кунда замонамиз қаҳрамони сиймосини яратишдан аввал “Замонамиз қаҳрамони ким ўзи?” деган саволга атрофлича жавоб топиб, замон қаҳрамонининг белги ва мезонларини кўз олдимизга келтириб олиш керак бўлади, албатта. Бундан ҳам олдин “Замонамиз қаҳрамони сиймосини яратиш вазифаси кейинги ўн етти йилдагина ёзувчилар олдига кўндаланг қўйилиб бошландими ё бунинг ҳам ўзига хос ўтмиши борми?” деган саволга тайинли жавоб тошишимиз лозим.

Шўро тузумининг етмиш тўрт йиллик кечмишида замона қаҳрамонини яратиш адилларнинг олдига энг долзарб вазифа сифатида ўқтин-ўқтин қўйилиб турилган эди. Масалан, хотин-қизлар озодлиги ва паранжи ташлаш, босмачиларга қарши кураш, колективлаштириш-колхозлаштириш сиёсати, Улуғ Ватан уруши, ишчи-хизматчилар ҳаёти, чўлқуварлар жасорати... сингари энг долзарб мавзулардаги “давлат буюртмаси” асосида озмунча асарлар яратилганми! Бу ишни ҳам дастлаб Абдулла Қодирий ўзининг “Обид кетмон” қиссаси билан бошлаб берган ва барча адилларга ўзига хос ўrnak кўrsatgan эди. (Қодирийнинг икки романи ҳам замон талаби, ҳам муаллифнинг қалб даъвати билан, айни шу қисса асосан расмий буюртмага биноан ёзилгани қўпчиликка маълум!) Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида дунёга келган Ойбекнинг “Навоий” тарихий романи, Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна”, Мақсуд Шайхзоданинг “Жалолиддин Мангуберди” тарихий драмалари,Faфур Гуломнинг “Сен етим эмассан”, “Кузатиш”, “Соғиниш” каби энг гўзал фалсафий шеърлари, аслида, давлат буюртмаси ва ҳукмрон сиёsat талаби билан дунёга келгани ҳам барчага аён! Кейинчалик яна Ойбекнинг “Куёш қораймас” ва “Олтин водийдан шабадалар” романлари, Абдулла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” драмаси, “Синча-

лак” қиссаси ва “Күшчинор чироқлари” романы, Шароф Рашидовнинг “Ғолиблар” ва “Кудратли тўлқин” романлари, шунингдек, Иброҳим Раҳимнинг “Ихлос” (чорвадорлар ҳаёти) ва “Тақдир” (Газлидаги газчилар ҳаёти), “Генерал Равшанов” (Генерал Собир Раҳимов жасорати ҳақида), Ҳамид Ғуломнинг “Машъал” (босмачиларга қарши кураш қаҳрамонлари ҳақида) романлари сингари не бир асарлар ғоявий талабларга “лаббай” деб жавоб берилган асарлар сифатида дунёга келди. Бугунги кунда бадиий савияси турлича бўлган бу асарларга ўткинчи коммунистик ғоялар нуқтаи назаридан эмас, умрибоқий ва умумбашарий ғояларнинг бадиий талқини, ғоявийлик ва бадиийликнинг ўзаро мутаносиблиги нуқтаи назаридан ёндашиб, уларни қайта англаб етишга бурчлимиз. Аввало, бу асарларнинг қаҳрамонлари бугунги кунда “қаҳрамон” деган таърифга қанчалик мос келади, бу қаҳрамоннинг жонсиз шиор ёхуд кўргазмали қурол эмас, жонли одам тарзидаги қиёфаси қанчалик ҳаққоний ва бадиий гавдалантирилганини аниқлаб, яшашга лойиқларини саралаб-сайлаб олмоғимиз керак бўлади. Шўро тузуми даврида у ёки бу ғоя, сиёсий талабларга кўра долзарб мавзуда шошилинч ёзиб ташланган кўплаб вазни енгил асарларнинг ғоя ташувчи жонсиз-руҳсиз шиорбоз қаҳрамонлари, жони бўлмагач, аллақачон тарих ахлатхонасига итқитиб ташланди ва тўғри қилинди. Ҳаттоқи “Она”, “Пўлат қандай тобланди”, “Ҳамза” романлари сингари кимсан Максим Горкий, Николай Островский, Комил Яшиндек улкан адиллар яратган ва ўз пайтида байроқ қилиб кўтарилиган не бир асарлар ҳам аллақачон унутилишга юз тутди. Лекин чала жонроқ бўлса-да, ҳарқалай, жони бор адабий асарлар ва уларнинг қаҳрамонлари, яъни, “замонамиз қаҳрамонлари сиймоси”ни яратиш бобида адабиётимиз тўплаган ижодий тажриба намуналари биз учун ўзи-

га хос мактаб вазифасини ўтамоғи мұмкин ва керак! Нафакат адабий қаҳрамонлар, балки ҳаёт қаҳрамонлари ва адабиёт қаҳрамонлари, хусусан, "Социалистик мекнат қаҳрамони" деган унвон сохиблари бўлган адилар ҳам қанчалик қаҳрамон эди, аслида ҳам чин қаҳрамонми ё сохта қаҳрамонми – аниқлаб олишимиз керак бўлади. Масалан, дейлик, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзидек мураккаб тарихий шахс ҳам ўз вактида замон қаҳрамони сифатида роса идеаллаштирилиб, "ўзбек совет адабиётининг асосчиси", "инқилоб чавандози", "инқилоб куйчиси" дега талкин этилди. Хусусан, "Ҳамза" романни билан "Оловли йўллар" киноэпопеяси бу йўлдаги савъ-ҳаракатларнинг чўққилари бўлиб колди. Бундай тарихий шахслар ва адабиёт ҳам кино ва театр санъети қаҳрамонларининг қанчалик соҳталаштирилгани буғунги кунда барчага мальум! Масалан "Яша, Турон, яша Турон, Сен яшайтурғон замон!" шеърий сатрлари "Яша, Шўро, яша Шўро, сен яшайтурғон замон!" дега сиёсий тузум томонидан ўзининг ғаразли ғоявий мақсадлари йўлида ўзгартирилганини эсланг! Гўё Ҳамзадек улкан шоир "Шўро" сўзи билан "замон" сўзини коғиялаш мумкин эмаслигини билмайдигандек! Гўё "Турон" сўзи "шўро" сўзи билан алмаштирилса, "Турон" сўзи халқнинг ёдидан буткул ўчиб кетадигандек ва асл ҳаётй ҳақиқат ҳеч қачон тикиланмайдигандек! Афсуски, сохта қаҳрамонларни кўпайтириш билан бирга ҳакикий қаҳрамонларни йўқотиш ва сохталаштириш ҳам авж олдирилди. Биргина мисол: мекнаткаш ва жафокаш халқ минг азоб-укубатлар билан ўзлари истаган экинларни эмас, марказ кўрсатмасига биноат факат пахта етиширишга жон-жаҳди билан харакат қиласа-ю, оқибатда раҳмат эшишишнинг ўрнига "пахта иши", яъни кўшиб ёзишда, ишёқмаслиқда, ғирромлиқда айланса, бу қандай ноҳаклик, бу қандай бедодлик? Ахир, бу халқ ҳамма

замонларда дәхқончилик, чорвачилик, хунармандлик, савдогарлик, илм-фан, косиблик, мудофаа, халқ таълими, қўйинг-чи, жамият ҳаётининг барча тармоқларида етакчи бўлиб келган. “Алпомиш” халқ дostonида алп ва ҳаким Алпомишнинг касби шоҳлик, сипоҳилик, яъни давлат бошқаруви экани, гўзал ва оқила Барчинойнинг касби чорвадорлик бўлгани бежиз эмас, албатта. Бу халқ жаҳонда тан олинган озмунча олим, руҳоний, хукмдор зотларни етишириб бердими? Қаҳрамон қилиб кўрсатса арзийдиган сиймолар бу халқда топилмайдими, истаганча топилади. Лекин мустамлакачи шўро тузуми мустамлака халқнинг ўзлигини, ўз қудратини, ўз қаҳрамонларини кўриб, таниб, ҳавас қилиб, фахрланиб, уларга интилиб, улардан ўзишга ҳаракат қилишига йўл бермай, халқнинг кўзини очирмай келди. Шўро тузуми оқни қора, қорани оқ қилиб кўрсатишга, халқ қаҳрамонини халқ душмани, халқ душманини халқ қаҳрамони дея хаспўшлашга ҳар боб билан уринди. Халқ душмани дея қораланган зиёлиларимиз, радикал диндор дея қораланган уламоларимиз, золим дея қораланган ҳукмдорларимиз, унуттирилган олиму фузалоларимизни, хайрият, бугунги эркинлик замонида оқлаб, уларни чинакам халқ қаҳрамонлари, ҳамма замонларнинг қаҳрамонлари дея баралла айтипмиз...

Биринчи ўзбек романи “Ўткан кунлар” фақатгина муаллифнинг қалб даъвати билан эмас, энг аввало, бу жаҳон айвонида эндингина қад ростлаб келаётган янги давлатнинг ёзувчилар олдига қўйган энг долзарб вазифаларига жавоб сифатида дунёга келганини ҳам бугунги кунда рўй-рост айтишга бурчлимиз. Давлат буюртмаси билан ижодий ният, талаб ва таклиф ўртасидаги бу қадар тўғри келиш-тўғри келтириш-келиштириш, мақолда айтилганидек, қаловини топиб қорни ҳам ёндириш бутун башарият тарихида ҳам кам-

дан-кам бўлади! Асар бундан қарийб бир аср муқаддам – ўтган аср бошларидағи замон қаҳрамони қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тасаввурларни очиқ-ойдин кўрсатиб турибди, дейишимиз мумкин. Асарнинг 1926 йилги биринчи нашрига “Ёзувчидан” деб битилган уч жумланинг биринчи жумласиёқ бундан яқол далолат: “Модомики биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш достончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир ва Зуҳра”лари, “Чор дарвиш”лари, “Фарҳод ва Ширин” ва “Баҳромгўр”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”.

Ўтган тўқсон йил мобайнида, бутун асар каби, шу илк жумла ҳам турлича талқин қилиб келинди, лекин, афсуски, сатрлар замиридаги тагмаънолар тушунилмади ёхуд тушунилса-да, атайин хаспўшлаб келинди. Ибрат намунаси сифатида келтирилган тўрт асар номининг мағзини яхшироқ чақишига уриниб кўрайлик. Бу тўрт асардан дастлабки иккитаси халқ достони, кейинги иккитаси эса, буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий “Хамса”сида ўзбек тилидаги ёзма адабиёт мулкига айлантирган халқ достони! Яна шуниси ҳам борки, тўртала асар қаҳрамонлари, аслида, ҳаёт қаҳрамонлари, ҳаётда яшаб ўтган қаҳрамонлар, тарихий шахслар бўлиб, кейинчалик халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт қаҳрамонига, яъни, адабий қаҳрамонга – барча даврлар учун “замона қаҳрамони”га айланиб кетган! Бошқачароқ айтганда, муайян бир замоннинг қаҳрамони аввало ўлмас бадиий асар дунёга келган замоннинг, қолаверса, келгуси барча замонларнинг қаҳрамонига айланиб қолган!

Янги давр ўзбек насида яратилган энг ёрқин замонамиз қаҳрамонлари, ўз даврининг ҳам, асар яра-

тилган даврнинг ҳам, бугунги кунимизнинг ҳам энг нурли ва энг түлаконли адабий қаҳрамонлари "ўткан кунлар" романидаги Отабек билан Кумуш экани барчага аён. Ундан кейин яратилган "Мехробдан чаён" романи бош қаҳрамонлари Ашвар билан Ратьо, Абдулла Қаҳхорнинг "Сароб" романидаги Раҳимжон Сайдий билан Мунисхон, Ҷўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидаги Зеби билан йўлмас, Ойбекнинг "Кутлуғ кон" романидаги йўлчи билан Гулнор, кейинроқ яратилган Навоий, Улугбек, Бобур, Ҳумоюн билан Акбар, Яссавий, Торобий, Жалолиддин Мангуберди, Оғаҳий, Амир Темур.. Қўйинч-чи, жамики романларнинг бош қаҳрамонлари бу биринчи ўзбек романнинг бош қаҳрамонларига соя ташлаётмайди, аксинча, Уларнинг яна-да ёрқинрок кўзга ташланишига хизмат қиласди, дейиш мумкин. Аксарият асарларда эса, Ҳакимбек билан Барчиной, Фарход билан Ширин, Отабек билан Кумуш, Ашвар билан Ратно, йўлчи билан Гулнор сингари жуфт қаҳрамонлар – қаҳрамонлар жуфтлиги хам йўқ, бор бўлса, улар, дейлик, Ҷўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романидаги йўлмасдек асар марказида ярқ этиб кўзга ташланмайдиган ва Зебининг такдирада ўзининг тайинли ўрнига эга бўлмаган "ўтқинчи-иккиламчи" қаҳрамонлар! Бинобарин, Отабек билан Кумушдан ҳам ёрқинрок замонамиз қаҳрамонлари сиймосини яратиш учун бу қаҳрамонларнинг нурли, хира ва нурсиз жихатларини нисбатан аникроп тасаввур килиб, кариб бир асрравалги "янги давр"га нисбатан минг карра янгирик ҳозирги даврнинг етакчи ҳусусиятларини янги замонанамиз қаҳрамонларида (қаҳрамонлар жуфтлигидан!) кўрсатиш керак бўлади.

Бунинг учун аввал кўйидаги саволларга коникарли жавоб топишимиз лозим: хўш, бундан кариб бир аср муқаддам "Мана, замонамиз қаҳрамонлари!" дея

тақдим этилган асарнинг бош қаҳрамонлари бизнинг бугунги кунимиз – замонамиз қаҳрамонлари ҳам бўла оладиларми? Бизнинг замондошимиз бу адабий қаҳрамонларнинг қай бир хатти-ҳаракатини оқлаб, қай бир хатти-ҳаракатини қоралайди? Қай бир гапини тўғри, қай бир гапини нотўғри деб билади? Умуман, мазкур адабий қаҳрамонлар замонамиз қаҳрамони бўлишга қанчалик ҳақли ва яроқли?.. Бундай саволларга тугал жавоб топмай туриб, адабиётимиз, хусусан, бадиий насримиз яна тўқсон йилми-тўқиз юз йил “Ўткан кунлар” романи атрофида байни шам теварагидаги парвонадек беҳуда айланавериши, том маънодаги замонамиз қаҳрамонлари сиймоларини яратолмай қийналиб қолиши мумкин! Бас, шундай экан, келинг, “Ўткан кунлар” романини янгича ўқиш ва янгича уқишига ҳаракат қиласайлик!

БИРИНЧИ БҮЛІМ

“Үткан кунлар” романы уч бўлимдан таркиб топган бўлиб, уларни шартли равишда шундай икки параллел (уйқаш) мавзуга ажратиши мумкин: бош қаҳрамон Отабекнинг шахсий ҳаётида: 1) ота-она розилигини олмай Кумушга уйланиши ва ичкүёв бўлиши, 2) ота-она хоҳиши билан Зайнабга уйланиши, 3) кундошлар можароси; жамият ҳаётида: 1) Тошкент ҳокими Азизбекнинг Кўқон хонига қарши исёни ва Тошкентнинг қамал қилиниши, 2) Азизбек ўрнига Кўқондан Нормуҳаммад ҳоким этиб тайинланиши, 3) қипчоқ қирғини. Руҳий уйқашлик (психологик параллелизм) санъатидан моҳирона фойдаланиб, оила ва жамиятнинг бундай ўзаро мутаносиблиги-ўйғуллигини ўта табиий ҳам аниқ тасвирлаган муаллифнинг юксак маҳоратига қойил қолади киши. “Ёзуви – инсон ва жамият руҳияти муҳандиси” экан, Абдулла Қодирий ушбу асарида инсон руҳини табиат ҳодисасига, оила ҳаётини жамият ҳаётига параллел қўйиш усулидан кўп ва хўп фойдаланади. Асадаги биринчи бўлимнинг етти бетлик биринчи боби шундай аталади: “Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли”. Илк бобда муаллиф ўқувчига ўз қаҳрамони Отабекнинг оти ва зоти билан бирга унинг маънавий олами ва бош ғанимини ҳам танишитиради. Айтиш мумкинки, мазкур боб буюк достонимиз “Алпомиш”нинг бош қаҳрамони Ҳакимбекнинг ота-боболари, пушти-палаги ҳақидаги илк жумлага ҳамоҳанг! Бобдаги ҳар бир жумлада ортиқча чўзмай, тўғридан-тўғри мақсад ва ғоя томон илдам қадам ташланган. Чунончи, Юсуфбек ҳожи халқ эпосидаги Бойбўри ва Бойсари каби шоҳ ва бой бўлма-

са-да, ҳарқалай, ҳам “Тошкентнинг машхур аъёнлари-дан”, ҳам ҳожилик унвонига эга олий мартабали зот. Унинг халқ әпосидаги каби ёлғиз ўғли Отабекни худодан тилаб олгани, “Аввало бобосига муносиб набира, қолаверса, Одам ота, Ёфас ота ва Турк отадан сўнг яшаб ўтган Авлиё ота, Яссавий ота, Олма ота, Чўпон ота, Чўлпон ота ва бошқа кўплаб азиз-авлиёлардек асл Ота бўлсин” деган қутлуғ ниятда унга “Отабек” деб от қўйгани сингари кўпдан-кўп тафсилотлар тилга олинмайди. Чунки муаллиф ишонадики, зукко ўқувчи бу гапларни айтмаса ҳам англай олади! Илк жумлалардаёқ мазкур бош қаҳрамон яшаб турган замон ва макон аниқ қайд этилади: “1264 ҳижрий, далв (январ) ойининг ўн еттинчиси, қишки кунларнинг бирі... қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир... Дарбозаси шарқи-жанубийга қаратиб курилған бу донгдор саройни Тошканд, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари эгаллаганлар...” Шу бир дастлабки қисқагина жумлаларда муаллиф ўқувчини қуёшдан мосуво, шом азони айтилаётган қоронғу кеча қаърига бошлаб киради! Бу оқшомда худди Зухра юлдузи каби Кумуш Мирзакарим кутидорнинг қизи сифатида йилт этиб кўриниш беради. Бугина эмас, айни шу жумлада кейинчалик мазкур асар таъсирида дунёга келган бир қатор мумтоз романларимиз, аввало Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” роман-дилогиясининг ўзига хос ҳамиртуруши бор, дейиш мумкин.

Иккинчи жумлада бош қаҳрамон қўним топган карvonсарой, учинчисида эса, “Саройнинг тўрида бошқаларға қарағанда кўркамроқ бир ҳужра”, бу ҳужранинг жиҳозларию соҳибининг уст-боши, афт-ангари, руҳий ҳолати ва ниҳоят, кимлиги тилга олинади. Тасвир шу қадар аниқ-тиниқки, ҳар икки жумлада бирон ортиқча гап, ҳаттоки сўз йўқ! Ўзбек адабиётидаги илк романнинг илк боби, ҳаттоки илк жумлалари шу

қадар пишиқ-пухта! Муаллиф сўзбошисида ўз замонининг Тоҳир ва Зухраси билан таништиришни мақсад қилганини таъкидлар экан, Отабекни “оғир табиатли, улуғ гавдали, кўркам ва оқ юзлик, келишган қора қўзлик, мутаносиб қора қошлиқ ва эндиғина мурти сабз урган бир йигит” дея, Ҳомидни эса “узун бўйлик, қора чўтири юзлик, чағир кўзлик, чувоқ соқол, ўттуз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши” дея таърифлаб, Отабекни Тоҳирга (арабча “таҳорат” сўзига ўзакдош бу сўз “тоза”, “соф” деган маънони англатади), яъни Оқботирга ва Ҳомидни Қоработирга менгзайди. Дарҳақиқат, муаллиф айни шом палласида – кун билан тун туташган пайтда икки ботирни учраштиради. Атиги уч жумладан сўнг ҳолат тасвиридан ҳаракат тасвирига ўта табиий равишда ўтилади: Отабекнинг ота қадрдони – марғилонлик Зиё шоҳчининг ўғли Раҳмат тоғаси Ҳомид хотинбозни эргаштириб келиб, хужра соҳибиға уни юзма-юз қилаади. Мазкур тасвир ва ундаги исмлар, ҳатто лақаб замиридаги маъноларни шарҳлайдиган бўлсак, қоронғу кеча бағрида ота қадрдони Зиё шоҳчининг ўғли Раҳмат баайни тавқи лаънатдек бир Ҳомидни (хомутни!) бош қаҳрамоннинг бўйнига ўзи билиб-билмай осади! Қани энди бу хомутми-бўйинтуруқдан тириклайн қутулиб бўлса – ё ўлиб, ё ўлдирибгина қутулиш мумкин, холос! Ота қадрдонининг “Зиё шоҳичи” деб аталиши ҳам бежиз эмас, албатта. Зотан, зулмат ичидаги зиё-да бу! “Шоҳичи” лақаби ҳам камида уч маънони ташийди: ҳам чинакам зиёли, ҳам шоҳи билан иш кўрадиган савдогар, ҳам шоҳ билан муомала қила оловчи саройнинг хос кишиси! Сирасини айтганда, “шоҳи” (“шойи”) сўзининг туб луғавий маъноси “шоҳлар кийими”, “шоҳона либос” бўлиб (қадимда шойи матолардан либос кийиш фақатгина шоҳ ва шоҳзодаларга насиб қилган), шунинг учун ҳам Абдул-

ла Қаҳҳорнинг “Шоҳи сўзана” драмасида құдратли бүнёдкор қўллар томонидан боғ-бўстонга айлантирилган чўл, хиёбонга айланган биёбон шунчаки шойи мағодан тикилган сўзана эмас, аввало шоҳона сўзанага менгзалади!.. Хуллас, ота қадрдон Зиё шоҳичининг ўғли Раҳмат бош қаҳрамон Отабекка бош рақибини таништиргач, эътибор беринг, ҳужрага Отабекнинг бош ҳомийси, ота ўрнидаги отаси, “Алпомиш” достонидаги Қултойга ўхшаган донишманд қул, айтиш мумкинки, Кул Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари қадар улуғвор, нуроний бир авлиёсифат зот, тутинган ота Ҳасанали кириб келади. Отабекнинг отаси “Юсуфбек ҳожи”, тутинган отаси “Ҳасанали” деб номланиши-ю, бу номларнинг келиб чиқишида ҳам, табиийки, теран тагмаънолар бор! Булар ўзига хос тимсоллар бўлиб, тарихни яхши билган муаллиф ўз қаҳрамонлари орқали нозик ишоралар қилмоқда. Отабек Марказий Осиёда яшовчи халқнинг тимсоли бўлса, Юсуфбек ҳожи туркий, Ҳасанали форс-тожик элларининг тимсоллариридир. Муаллиф Ҳасаналини болалик чоғида Эрондан ўғирланиб келиб Отабекнинг бобосига сотилганини айтади. Маълумки, қадимдан Эрон билан Турон ён қўшни-жон қўшни бўлиб яшаб келганлар, ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистондек кўпмиллатли мамлакат аҳолисининг катта қисмини туркий ўзбеклар билан форсий тожиклар ташкил этиши бунга яққол далолатdir. Одатда азиз меҳмонни “Хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанот!” дея олқишлиданади. Отабекнинг тутинган отаси “Ҳасанали” бежиз бундай аталмаган, сабаби бу сўзга ўзакдош “ҳасанот”, “эҳсон”, “таҳсин” сўзлари “элга эл қўшилса – давлат”, “элга эл қўшилса, эл кўпаяр” деган ақида билан яшовчи туркий халқнинг, ҳозирги атамалар билан айтганда, менталитетини ва толерантлигини ифодалайди. Бу ҳам, муаллифнинг арабча сўзлар, айниқса, исмлар маъносини қанчалик

чуқур билгани ва уларга қанчалик теран тагмаънолар юклай олганини аён кўрсатиб турибди. Бундай асли арабча исмлар қаторида Кумуш, Зайнаб, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Мирзакарим қутидор сингари бир қатор туркий ва арабий исмлар, ҳаттоти “кутидор” деган бир қарашда оддийгина лақаб замирига чуқур сингдирилган маъноларни ўйлаб ҳам теранроқ бўйлаб қарасангиз, муаллифнинг чинакам сўз санъаткори сифатидаги ёзувчилик маҳоратига тасанно айтмасдан иложингиз йўқ! Чунончи, кўпмаъноли туркий, арабий ва форсий сўзларни ўзида жамлаган она тилимиз кумушдек ялтироқ ва жарангдор, уни гўзал қилган кучлар эса, буюк Ойбек ташбеҳи билан айтганда, “куёш ҳам кўрмаса соғиниб қоладиган” шу азиз Ватаннинг офтоби билан ойи (Офтоб ойим!), қолаверса, “Каримнинг Мирзаси”, яъни, худо берган илоҳий қалам соҳиби, тағин денг, бу илоҳий қалам соҳибининг лақабига кўра “кутидор”лиги!.. “Тангриқут”, “Кўрқут ота”, “Кутадғу билиг” сингари не бир қадим туркий сўзларнинг ўзаги бўлмиш “қут” сўзидан ясалган бу сўзнинг тагмаънолари атторнинг қутисидаям йўқ! Кумушбибининг айнан Мирзакарим қутидор ва Офтоб ойимнинг ягона қизи, нуридийдаси, топган-тутгани, бор бисоти, бутун хазинаси, дафинасию ганжинаси эканидан ташқари, унинг асли марғилонлик экани ҳам бежиз эмас, албатта. Зотан, Марғилон ўзбек тилининг бутун бойлигини ўзида сақлаган ва ҳозирги ўзбек адабий тилига таянч бўлган шевагина эмас, ўзбекона тикувчилик хунари ва тўқимачилик саноатининг маркази ҳамдир! Туркий тилдаги “Кумуш” сўзи “қимматбаҳо маъдан” маъносинигина эмас, аввало “кўмилган хазина” маъносини англатувчи сўз ҳисобланади. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида “кумуш” сўзи “кўмўш” тарзида берилган! “Кўм” ўзагидан ясалган “кўмач” (кўмоч, иссик

кулга кўмиб пишириладиган нон), “кўмир” (ёғочни кўмиб ёндириш усули билан тайёрланган ёқилғи, ердан қазиб олинадиган қаттиқ ёнилғи), “кўмма” (кўмилган нарса), “кўмик” (одам ва кўпгина умуртқали ҳайвонларнинг суюк бўшлиғини тўлдириб турадиган тўқима) сўзлари каби яна девонда кўрамизки, “кўмчў” сўзи “хазина, кўмилган мол ва йиғилган нарса” дебе изоҳланган. Хуллас, “кўмўш (кўмиш, кўмош)” сўзи ҳам “кумуш” деган қимматбаҳо металлни, ҳам “бойлик” маъносини англатади. Қолаверса, арабча “Зайнаб” исми “зийнат”, “зеб”, “безак”, “кўрк” деган маъноларни англатиб, ёзувчи “Кумуш” чинакам бойлик, “Зайнаб” шунчаки безак эканини таъкидламоқда! Бундай ўзак маънолари байни булбулдек сайраб турган сўзлар қадим туркий тилимизда беҳад-беҳисоб! Шунинг учун, дейлик, Отабек асарнинг бир ўрнида Кумушбибининг ўзини “Тупроқбиби” атаб, киноя, пичинг, истехゾ ва сўз ўйинларига тўла мактубига жавобан йўллаган мактубида уни “Кумушбиби” эмас, “Олтинбиби” деб атайди! Зотан, ўзбек тилидаги ҳар бир сўз ўйини асл тиллога teng ва сўз ўйинига қурилган асқиянинг асл ватани ҳам, худди тикувчилик хунари ва тўқимачилик саноати каби, Марғилон ҳисобланади! Дастребки сухбат тасвиридаёқ муаллиф ҳали Кумушни учратмаган бош қаҳрамон тилидан шундай бир таърифни келтиради: “Марғилон Туркистонимизнинг тўқуғучилиқ хунарида биринчи шаҳардир”. Яна бир ўринда Кумуш ўз бошига кундош балосини орттирган Отабекка шундай бир тагдор гапни айтади: “Иккюзламалигингиш ва тил тагида тил сақлаганингиз...” Бу гапдаги “иккюзламалик”ни “икки хотинга эрлик” деб тушунса бўлади, бироқ “тил тагида тил сақлаш”ни қандай тушуниш керак?.. Бундай имо-ишоралар, гап тагидаги гап, коса тагидаги нимкосаларни англағанингиз сайин ёв томондан олинган

тутқун одамнинг ҳам, рус тилида қўшиннинг орқа томони ҳам нима учун “тил” деб аталганини англагандек бўласиз. Хуллас, Марғилон шаҳри ўзбек тилининг бутун бойлигини ўзида мужассамлаштирган, ундаги сўз ўйини ва асқия санъатини дунёга келтирган қутлуғ макон эканига бутун асар давомида кўпдан-кўп ва бири-биридан нозик имо-ишоралар қилинади. Бу тагмаъноларга асар мутолааси мобайнида мавриди билан ҳали яна тўхтalamиз, албатта. Умуман олганда, Қодирий “Ўткан кунлар” романида қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш орқали ўзига хос тимсолларни яратди. Юқорида айтганимиздек, Отабек бу ёруғ оламда ва Туркистон ерида яшаб ўтган Одам Отадан бошлаб, Ёфас Ота, Турк Ота, Авлиё Ота, Яссавий Ота, Олма Ота каби кўпдан-кўп Оталарнинг издошидир. Эллинг “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Ота рози – худо рози”, “Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин”, “Ота бўлиш осон, одоб бериш қийин”, “Болага ота – кўрғон”, “Ота-она – олтин қанот”, “Ота қарғиши – ўқ, она қарғиши – дўқ”, “Ота олдидан ўтма, Одоб олдидан кетма”, “Ота олқиши – олтин”, “Ота-онанинг дуоси ўтга-сувга ботирмас”, “Ота-онасин танимаган – Тангрисин танимас”, “Ота-она қадрини ота-она бўлганда биласан”, “Ота молига ишонма, ота сўзига ишон”, “Отанинг юввоши – боланингроҳати”, “Оталар сўзи хитоб бўлур, Ани йиғсанг китоб бўлур” каби ота-онага боғлиқ ўнлаб-юзлаб ҳикматли ибора ва гапларидан кўринадики, ота ва она ўғил-қизига одоб-ахлоқ, тўғри сўзни ўргатувчи зотлардир. Шундай экан, Отабек – Адабиёт, яъни Миллий Адабиёт, Кумуш эса – Тил, яъни Она Тили, Миллий Тил тимсоллариidir. Қолаверса, Отабекнинг рақиблари Комилбек ва Ҳомид – Ўзга Адабиёт, Чет Эл Адабиёти, Кумушнинг кундоши Зайнаб эса – Ўзга Тил, яъни Ўзлашма Тил, Чет Тилининг тимсоллариidir. Отабекнинг Кумушга кўнгил қўйиши, ўзига

ер қилиб Кумушни танлаши, Зайнабга эса, кўнгилсиз бўлса-да, муҳтожлик ва мажбурият юзасидан уйланиши остида ҳам теран маънолар бор.

Икки меҳмон ва бир мезбон, аникроғи, аксинча, икки мезбон ва бир меҳмоннинг суҳбати тасвиrlанган дастлабки бобда, аслида, суҳбат, “бир боғдан, бир тоғдан” деганларидек, об-ҳаво, нарх-наво ва ҳоказо мавзуларда бўлғанлиги табиий, албатта. Лекин муаллиф ортиқча тафсилотларга берилиб кетмай, диққатни асосий мурод-мақсадга қаратади: китобхоннинг кўз ўнгида уйланиш остонасида турган балоғат ёшидаги бош қаҳрамоннинг оти-зотигина эмас, дунёқарashi, чунончи, оила қуриш бобидаги ўйларини ҳам ёзиб кўрсатади. Маълумки, оила жамиятнинг негизи ҳисобланади. Ҳамма халқларда оила муқаддас, оиласий ришталар юксак қадрланади. Сабаби, халқнинг тинчлиги, фаровонлиги ва ўсиб-униши аввало оиласларнинг тинчлиги, фаровонлиги ва ўзларидан кўпайишига боғлиқ. Худди мана шу нозик масалада Отабек, Раҳмат ва Ҳомиднинг ўзаро баҳси орқали уларнинг қарашлари ёритилиб, қай бири бунёдкору, қай бири бузғунчи экани яққол кўрсатилади. Бу уч қаҳрамонни ўзбек халқ эртагидаги уч йўл – борса келмас, борса хатар ва борса келар йўловчиларига қиёслаш мумкин. Отабек кенжা ботирдек борса келмас йўлида, сабаби, у тўғри йўлни танлаган ва ортига қайтмайди – охири баҳайр! Раҳмат тўнғич ботирдек борса хатар йўлида, сабаби, у тўғри йўлни ё топади, ё топмайди – охири ё баҳайр, ёвой. Ҳомид эса, борса келар йўлида, сабаби, у нотўғри, боши берк йўлда адашиб кетяпти, шунинг учун у ортига қайтиб тўғри йўлга тушишга мажбур, қайтмаса – охири вой! Бу ҳаёт ҳақиқатини муаллиф шундай қисқа суҳбат асносида санъаткорона тасвиrlаб кўрсатади. Дарҳақиқат, Раҳмат ота-онаси танлаган қизга уйланиб, хотинининг ўзига мувофиқ

эмаслигидан ўртанади. Отабек Раҳматнинг фикрини тўлдириб, нафақат хотин эрга, балки эр ҳам хотинга мувофиқ бўлиши кераклигини айтади. Бу билан оиласнинг устунлари бўлмиш эр ва хотин бир-бирларининг ҳақларини адо қилишлари зарурлигини ёқлади. Буларга жавобан Ҳомид оиласда хотин кишининг ҳақларини адо қилиш шарт эмаслигини, хотин учун “эр” деган исмнинг ўзи кифоя эканини айтади. “Ақл ёшда эмас, бошда” деганларидек, йигирма тўрт ёшли, бўйдоқ Отабек ўзидан бир ёш катта, уйланган Раҳмат билан ўн бир ёш катта, қўшхотинли Ҳомидга тўғри йўлни кўрсатяпти-ю, бунга Раҳмат оқилона, Ҳомид жоҳилона муносабат билдирияпти. Ҳатто Ҳомид Раҳматга хотини кўнглига мувофиқ келмаса, иккинчисини, учинчисини олишни маслаҳат беради. Юқорида айтганимиздек, муаллиф шўро тузуми даврида диний ақидаларни эркин ёза олмаган, бироқ у шарқ адабиётига хос услубни қўллаб, гап тагида гапга нозик ишора қиласди. Аввало, нега Отабекнинг ўши айнан йигирма тўрт ёш қилиб олинган? Ҳойнаҳой, бу билан ҳожи ўғли Отабек суннатга амал қилаётганига, уйланишга ҳали бирор йил борлигига нозик ишора қилинмоқда. Буни зукко ўқувчи пайқай олади, албатта. “Ўткан кунлар” романида ҳам, бу асар таъсирида дунёга келган “Кеча ва кундуз” романида ҳам кўпхотинлиликнинг фожиавий оқибатлари моҳирона тасвирланган. Турли даврларда, турли халқларда кўпникоҳлилик (полигамия) ва якникоҳлилик (моногамия) амал қилган. Буни диний ва дунёвий шарт-шароитлар тақозо қилган. Маълумки, ислом дини таълимотига кўра, агарда бунинг шартлари, яъни ислом шариати талаблари тўла бажарилса, эркак киши тўрттагача хотинлик бўлишига изн берилган. Бу шартларга эрнинг бир неча хотинни моддий таъминлашга қодир бўлиши, хотинларининг розилигини олиши ва бошқалар киради. Бу шартлардан

биронтасига риоя қилмаган эр хотинларига ҳам, ўзига ҳам зулм қилган бўлади. Демак, Ҳомид икки хотинининг ҳақларини адо қилмай, учинчи хотин олмоқчи бўлган, Ҳомид исмининг “сабр-тоқат, қаноат қилувчи” деган маъноларига зид равишда яшовчи, яъни исми жисмига тескари бўлган золим эр. Минг афсуски, оқил Отабек ҳам охир-оқибат ўзи истамаган ҳолда золим эрга айланади ва ҳаёти фожиавий тугайди. Модомики, гап уйланиш борасида кетган экан ва Отабекнинг кўнглига ёқадиган қиз топилмаётган экан, Раҳмат “Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, шундօғ қўҳликки, бу ўртада унинг ўхشاши бўлмас” дея Марғилон гўзалини таърифлаб мақтайди ҳам тавсия қилади-да, у гўзалнинг отаси Мирзакаримбойнинг савдогарлигини, Тошкентда қутидорлик қилганини, уйи пойафзал раастасининг бурчагида эканини батафсил тушунтира кетади. Бу гапларни эшитган тоғаси Ҳомиднинг тоқатсизланишидан икки нарсани уқса бўлади: ҳам унинг ана ўша Марғилон гўзалига кўз тикканини, ҳам у гўзални Отабекдан қизғанаётганини. Севги – кўнгил иши, кўнгилга эса буюриб бўлмайди, уни фақат Худо одамнинг кўнглига солиши мумкин. Худо Раҳмат орқали Отабекка ўз раҳмат-марҳаматини кўрсатиб, унинг кўнглига севги муждасини соляпти. Кейинчалик, ўн биринчи – “Кутилмаган баҳт” бобида маълум бўладики, Отабек Марғилонга келганининг иккинчи кунида пойабзал бозорига борган, аср намозига таҳорат олиш мақсадида тасодифан қутидорнинг ҳовлисига кирган, тасодифан ўша гўзални бир кўргану ошиқи беқарор бўлган. Ўқувчи “Бу тасодифми ё қонуният?” дея ўйлаб қолса, ажабмас. Аслида, ҳар иккиси: “Сендан ҳаракат, мендан баракат” деганлариdek, ҳам Худо унинг дилига солган, ҳам ўзи қизиқиб ўша қизнинг кўйида айтилган жойга борган. Суҳбат якунида Раҳмат ўз ташрифининг сабабини айтади: отасининг топши-

риғига кўра, Отабекни ўз уйига чорлаш ва ўтиришга бегона, бироқ яқин ва аҳил кишиларни чақириш мумкинми-йўқми – билиш. Мирказарим қутидорнинг ҳам бу ўтиришга чақирилиши ҳақидаги гапга Отабекнинг яна бир бор тебрангани бежиз эмас. Буни, юқорида айтганимиздек, Худонинг қурдати ва кўнгилнинг орзиқиши, дейиш мумкин.

“Хон қизига лойиқ бир йигит” деб номланган иккинчи бобда ҳам ёзувчи ижобий ва салбий бош қаҳрамонларни қарама-қарши қўйиб тасвирлаш (контраст) усулини қўллайди. Бу галги йифинда аввалги суҳбатдошлар қаторига тағин уч киши – Раҳматнинг отаси Зиё шоҳичи, биринчи бобда қисқагина таърифлаб ўтилган, Отабекнинг отаси Юсуфбек ҳожининг яқин дўсти Мирзакарим қутидор, андижонлик катта савдогар Акрам ҳожи қўшилади. Суҳбат чоғида Мирзакарим қутидорнинг Отабекдан “Мени эслай оласизми, бек?” дея сўраши, сўнг “Мен Тошкандда қутидорлик қилған вақтимда тахминан, сиз беш-олти ёшлиқ бола эдингиз... Гўёки, мен Тошкандда кечагина турғандек ва кечагина сизнинг ҳавлингизда меҳмон бўлғандекман... Ул вақтда бобонгиз ҳам ҳаётда эдилар” дейишидан англашиладики, Отабекнинг ўтган бобда айтилган кўнгил сезимлари, эҳтимол, ўзининг болаликдаги қадрдонини эслаганликдан бўлган. Бунга қўшимча Ҳасанали Отабекка “Амакингиз сизни саройларга олиб ҳам тушар эдилар!” дея қутидор билан уни янам яқинлаштиради. Мана шундай ҳолатларга асосланиб донишманд халқ “ўхшатмасдан учратмас” деган-да. Гапга Акрам ҳожи аралашиб, Отабекдан унинг ҳожи отаси бу кунда нима иш қилишини сўрайди. Ўтган бобда Юсуфбек ҳожи Тошкентнинг машхур аъёни дейилган бўлса, энди унинг мартабаси аниқлаштирилади: “Тошкент беги ёнида мушовур (маслаҳатчи)”. Бу билан Отабек Юсуфбек ҳожининг, яъни шунчаки

аъён эмас, балки энг катта аъённинг ўғли экани яна бир бор ўқувчига таништирилади. Ўтган бобдаги учрашувдаёқ кўнглида ғайирлик ҳисси туғилган Ҳомиднинг Отабекнинг бундай улуғ мартабали одамнинг ўғли эканига ғаши келади, албатта. Шунинг учун Азизбекнинг Тошкент ҳокими экани айтилиши билан у шундай луқма ташлайди, тўғрироғи, ўт ёқади: "Сотқи бек кетсин, Азиз бачча, денг. Яқиндағина Мусулмон чўлоқнинг базими шу Азиз бачча билан қизир эди". Бу билан у Азизбекнинг маслаҳатчиси Юсуфбек ҳожини ҳам, унинг ўғли Отабекнинг ҳам попугини пасайтириб, обрўсизлантиришга ҳаракат қиляпти. Бундай томдан тараша тушгандек гапга йифин иштирокчилари ҳайрон бўлиб бир оз жим қолишади. Сўнг Акрам ҳожи Тошкент ҳокими Азизбекнинг жуда золимлиги, нега маслаҳатчиси Юсуфбек ҳожи уни тўғри йўлга солмаслиги ё нега аҳоли унинг устидан хонга арз қилмаслиги ҳақида сўрайди. Отабек унинг гапини тасдиқлаб, аҳоли Азизбекнинг зулмидан тўйганини, Азизбек Юсуфбек ҳожининг маслаҳатини писанд қилмаслигини, жафокаш одамлар билан бирга хонга ўнта шикоят ёзганларини, бироқ ҳеч бир наф бўлмаганини айтади. Биринчи бобда Отабекнинг оила хусусидаги қарашлари айтилган бўлса, бу бобда энди унинг жамият, иқтисод ва сиёsat ҳақидаги қарашлари ёрқин тасвирланади. Биринчи бобда Отабек икки шеригидан бамаънироқ ва ўқимишлироқ бўлса, иккинчи бобдаги янги танишлари бу борада Отабекка устозликка ярайдилар. "Зар қадрини заргар билар" деганларидек, улар Отабекни яхшигина синаб, уни хон қизига, ҳатто хон бўлишга лойиқ деб топадилар. Эътибор беринг, Отабек эл-юрт учун қайғуриб, халқ манфаати йўлида ҳақ сўзини дангал айтмоқда. Ҳатто мажлис аъзолари унинг бундай тўғрисўз ва дангалчи эканига таажжубланишади. Бу лавҳада ҳам муаллиф Отабек ва Ҳомид

қиёфаларида ўқувчининг кўзига ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиб, ҳаётда оқ ва қора, яхши ва ёмон, эзгулик ва ёвузлик ёнма-ён бўлишини уқтироқда. Бир томонда Отабек халқ манфаати қўйида ўртаниб, унинг юксалиши учун курашмоқда. Иккинчи томонда Ҳомид ўзининг шахсий манфаати ва бузғунчи феълидан келиб чиқиб ҳукмдорларни ҳеч бир асоссиз бўралатиб сўкиб, бузғунчилик, айрмачилик қилиб, халқнинг аҳволини баттар оғирлаштироқда...

Иккинчи бобданоқ асарнинг ўзбек давлатчилиги тарихи бўйича илк бадиий асар экани яққол қўрина бошлайди. Суҳбат мавзуси давлатнинг ички ишларидан ташқи ишларига ўтиб, Отабек савдо важидан кўп шаҳарлар, жумладан, русларнинг Шамай (турк ва рус савдо маркази ҳисобланган) шаҳрига борганини, у ерда русларнинг идора ишларини, “сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётларини” кўриб қойил қолганини айтади: “Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукуматдорлиғимизни кўриб, бошқалар ҳам шундайдир деб ўйлар эдим, лекин Шамай маним бу фикримни ост-уст қилиб, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўрусларнинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг ҳудди бир ўйинчоқ бўлғанлигини иқрор этишкан мажбур бўлдим. Бизнинг идорамиз букунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишига ақлим етмай қолди. Шамайдага эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсан, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсан-да, ўрусларнинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсан, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб ўрусларнинг идора тартибини дастуриламал этишкан буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрусларни билан бир қаторда кўрсан...”

Бугунги кунда бу гапларни ҳам ижобий, ҳам салбий талқин қилиш мумкин, албатта. Масалан, XVIII-XIX асрларда ғарб давлатларида ижтимоий-иқтисо-

дий инқилоблар, саноат инқилоби рўй бериб, улар билан яқиндан алоқа қилган рус империяси ҳам бундан тўла-тўкис фойдаланган. Шунинг учун ўша даврда рус давлати Ўрта Осиёдаги хонликларга қараганда кўп соҳаларда етакчилик қилган. Рус давлатида илм-фан, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларда кўплаб буюк кашфиётчилар ва жаҳоншумул сиймолар етишиб чиқди. Ломоносов, Менделеев, Мечников, Павлов, Боткин каби олимлар, Пушкин, Толстой, Лермонтов, Гогол каби адиллар, Репин, Крамской каби рассомлар рус фани ва маданиятини жаҳонга олиб чиқдилар. Айниқса, Карамзиннинг “Россия давлати тарихи” номли кўп жилдли асари улкан жаҳоншумул воқеа бўлди. Худди Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур каби ҳукмдорлар даврида юртимизда илм-фан, адабиёт, санъат, меъморчилик, қўйинг-чи, жамият ҳаёти-нинг барча соҳалари жадал ривожлангани каби, рус ҳалқининг бундай ютуқлари, албатта, рус ҳукуматининг идора усулига бевосита боғлиқ эди. Қодирий ўз қаҳрамони тилидан ана шу идора усулига, бу идора усулининг унумдорлигию юксак кўрсаткичларига ишора қилмоқда. Отабекнинг “Бизнинг идорамиз бу-кунги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳолимизнинг нима бўлишифа ақлим етмай қолди...” ва юртбошилик қилаётган Мусулмонқул ҳақидаги куйиб-ёниб айтган “Мусулмонқулни ким холис одам деб ўйладир? Унинг юрт учун қон тўкишдан бошқа нимага фойда-си тегди?..” каби гаплари ҳам хон замонининг аянчли ҳолати ҳақида, ҳам чор Россиясининг Ўрта Осиёга бостириб келишининг туб асослари ҳақида дарак бераётгандек. Айтиш мумкинки, Отабек қўйган бу оғир саволларга ёзувчи бутун асарда тўла жавоб беради. Ўртда тартибсизлик, қонунсизлик, бошбошдоқлик, ҳокимиятсизлик, режасизлик давом этаверса, ё ҳалқ исён қиласи, ё четдан ғаним бостириб келиб ўз тарти-

бини ўрнатади. Чиндан-да, асарда ёритилишича, ҳам халқ исён қилиб, Азизбек ва Мусулмонқул каби “ўзи хон, кўланкаси майдон” ҳоким ва бекларни ўринларидан ағдаради, ҳам четдан рус аскарлари бостириб келади. Ҳар икки ёвга қарши эса, Юсуфбек ҳожи ва Отабекдек қаҳрамонлар мардларча курашадилар... Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Истиқлол даврида ўз тарихимизни ҳаққоний ўрганиб, ўзбек давлатчилик анъаналари уч хонликдан аввал шайбонийлар давлати, темурийлар салтанати, ундан аввал қорахонийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, хоразмшоҳлар, улардан ҳам аввалроқ Буюк Турк хоқонлиги ва ҳатто эрамиздан аввалги Хун империяси, Алп Эр Тўнга – Афросиёб ва Ўғизхон давлатларидан бошланганини, ривожланиб келганини англамоқдамиз, ўша давлатларнинг энг қуттуғ ва яшовчан анъаналарини қайта тикламоқдамиз. Хўш, бу тарихий ҳақиқатларни Қодирӣ билмаганми, ўз замонасининг илғори ва зиёлиси бўлган қаҳрамони Отабек билмаслиги мумкинмиди? Нега унда ўзбек давлатчилиги тажрибалари қаттиқ камситилиб, аксинча, рус давлатчилиги (“ўруснинг идора ишлари”) ибрат намунаси сифатида мақталиб турибди? Худди Фурқатнинг “илғор рус фани ва техникаси”ни улуғловчи шеърлари каби, бу гаплар ҳам муаллифнинг ҳукмрон сиёsat талабларига мослашиш намунасига ўхшамайдими? Юсуфбек ҳожидек дунё кўрган, юртпарвар ва миллий давлатчилигимиз намояндаси бўлган инсоннинг тарбиясини олган ўқимишли йигит Россия империясининг босқинчилик сиёсати, аслида, ҳавас қиласа арзигулик даражада ибратли эмаслигини яхшигина тушуниши керак эди. Худди Қодирӣ хонлик замонини “тарихимизнинг энг кир, қора қунлари” деб атаганидек, қадимги русда ҳам чоризм (царизм, шоҳлик) замони рус халқи тарихининг топ-тоза, оппоқ кунлари бўлмаган, балки муста-

бид тузум ҳисоблангани маълум. XX аср бошида чор Россияси тугатилиб, ўрнига “кўпчилик”лар (“большевик”лар) тузуми ўрнатилгани ҳам бежиз эмас... Шундай экан, муаллифнинг, бир томондан, ўзбек давлатчилиги ютуқларини яшириб, камчиликларини ошириб, бошқа томондан, рус давлатчилиги ютуқларини ошириб, камчиликларини яшириб кўрсатишини мутлақ ҳақиқат деб ҳисоблаш қийин. Шундай бўлса-да, таъкидлаш лозимки, муаллиф қаҳрамонлар тилидан ўзбек давлатчилиги камчиликлари ва муаммоларининг туб илдизларини ҳамда унинг ечимларини жуда тўғри очиб кўрсатади. Зиё шоҳичининг “Бизнинг бу ҳолга тушишимиз ўз феъли бадимиздан!” деган фикрини Акрам ҳожи “Тўғри!” дея маъқуллайди. “Сезиги бор секиради” деганлариdek, Ҳомиднинг “Худо кофирнинг бу дунёсини берган!” деган луқмаси ҳам шоҳичи айтган бадфеълни, ҳам бузғунчиликни кўрсатади. Бунга жавобан Отабек: “Манимча, ўрусларнинг биздан юқоридалиғи унинг иттифоқидан бўлса кепрақ, аммо бизнинг кундан-кунга орқаға кетишимиизга ўзаро низоъимиз сабаб бўлмоқда... Бу кунги қорачопон ва қипчоқ низоъларини сизга бир тимсол ўрнида кўрсатайин”, – деб бу икки халқ орасига низо ва адсоват уруғини сочиб юргувчи иғвогар ва айирмачи кимсаларни қаттиқ қоралайди. Ёзувчи бу ўринда ҳам қаршилаш (контраст) усулини қўллаб, ўқувчига яхши ва ёмон, оқил ва жоҳил, эзгу ва ёвуз, тузғунчи ва бузғунчини аниқ кўрсатиб турибди. Афуски, ҳамма замонларда ҳам диний ақидапараст, хурофотчи, жоҳил кимсалар ўзларини чин художўй кўрсатиб, ўзгаларни худосиз кофирга чиқариб келганлар. Бугунги кунда дунёнинг бир қанча давлатларида рўй бераётган уруш-жанжалларнинг туб сабаби ана шундай ола қарашга бориб тақалади. АҚШ, Англия, Германия, Франция ва бошқа ғарб давлатларининг илм-фан, саноат,

иқтисод, телеалоқа ва бошқа соҳалардаги ютуқлари-га ҳавас қилиб ўрганишнинг, ўрнак олишнинг ўрнига уларни кўролмай, кофирдан олиб золимга согланлар жоҳил кимсалардир. Шу маънода Отабекнинг гапла-ри “Илмни Чиндан бориб бўлса ҳам ўрган” деган ҳади-си шарифга тўла мос келганини англаб, унинг нечоғ-лик оқил ва ҳаким эканини кўрамиз. Асарда “қорачо-пон” сўзига берилган изоҳда “Қипчоқларнинг бой ва амалдорлари ўзбекларни қорачопон деб атаганлар” дейилади. Аслида, худди ўтмишда ўзбекларни чет эл-ликлар “сарт” дея таҳқирлаганларидек, бу ерда ҳам ўзбекларни “қорачопон” дея таҳқирлаб турилибди. Шундай экан, Юсуфбек ҳожи, Отабек ва бошқа ижобий қаҳрамонларнинг “ўзбек” сўзи ўрнига “қорачопон” сў-зини қўллашлари мантиқан мумкин эмас эди. Бунда шўро сиёсатининг “ўзбек”ларни имкон қадар чеклаб таҳқирлаш, ўзбекнинг ўзлигини англаттирмасликка уриниш кўриниб турибди. Қолаверса, халқлар ора-сига ким адоват уругини сочаётгани, ким халқларни бир-бирларига гижгижлаб, айрмачилик қилаётгани англашилиб турибди. Отабек ўз сўзида давом этиб, шундай оқилона ва чинакам билга хонларга мос ечи-мини билдиради: “Модомики ўз ғарази йўлида ис-тибдод орқали эл устига ҳукмрон бўлғунчилар йўқо-тилмас эканлар, бизга нажот йўқдир, магар шундай ғаразчиларни, улар ким бўлсалар ҳам, иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва холис одамларни ўтқузиш нажотимизнинг ягона йўлидир!” Бу гапдаги “ғараз” сўзини шахсий манфаат, порахўрлик, маҳал-лийчилик, миллатчилик, шовинизм, айрмачилик, талончилик каби кўплаб иллат ва қусурлар маъно-сида кенг тушунмоқ керак, албатта. Отабек тилидан айтилган бу гаплар улуғ билга Форобийнинг “Фозил шаҳар одамлари” асарида билдирилган фикрларга қанчалик уйқаш-а!..

Кези келганды шуни айтывынан керакки, ҳар қандай бадий асарни таҳлил қилишда бирёзламалыкка йўл қўйиб бўлмайди. Шўро тузуми даврида адабий танқидчиликимиз бир ёзувчини мағтаб кўкларга кўтариш ва аксинча, бошқа ёзувчини ёмонлаб ерга уриш бобида жуда кўп “тажрибалар” тўплагани маълум. Ёзувчига муносабатда холислик ва меъёрни сақлаб, унинг ижодидаги ютуқ ва ютқизиқларни тенг ва тўғри англаш кўникмасини орттириш ҳозирги адабий синчиларимизнинг энг муҳим юмушлари дандир. Зотан, давлатдаги каби, адабиётда ҳам шахсга сиғиниш ҳеч қачон яхши оқибатларга олиб келмаган, олиб келмайди ҳам!

Араб тилидаги “акрам” сўзи билан “мирзакарим” қўшма сўзининг ўзаги битта: бу сўзлар каримнинг карамию кароматини англатади! Шу маънода Акрам ҳожи Мирзакарим қутидордан ҳам мукаррамроқ ва караматлироқ инсон, чунки у Юсуфбек ҳожига ўхшаб, ҳожилик шарафига эришган зот! Инсоний табиати ҳам, албатта, шунга яраша. Отабекнинг иқтисодий ва сиёсий қарапарини билган Акрам ҳожи, у ташқарига чиқиб, ўзлари холи қолганларида таассуротини билдиради: “Йигитларимиз ичиди энг ақллиги экан... Агарда хон кўтариш маним кўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим!” Қаранг, бу гапда халқимизнинг кўхна ва қутлуғ удумларидан бири тилга олинмоқда. Қадимда ҳукмдор “баҳт қушини учирин”, сулоловийлик сингари ўткинчи ва нодемократик сабабларга эмас, айни ўша “хон кўтариш”га асосланган ҳолда таҳтга ўтирган. Бунда эл ишонган, кўпни кўрган билга оқсоқолларнинг тавсияларига кўра юртдаги энг ақлли, мард, юртпарвар, ғайратчан, том маънодаги элчи-элсуяр-элпарвар инсон танлаб олиниб, унинг номзоди қурултойда очиқ овозга қўйилган, голиб номзод оқ кигизга ўтқазилиб, тегишли мәро-

симиудумлардан сўнг “хон” деб эълон қилинган. Бу сайлов “хон кўтариш” деб юритилган. Демократик ва холис сайлов бўлган бу! Зотан, бу ерда, сулолавийликдаги нобоп шаҳзодаларнинг ва ё уларнинг “ҳомий” ларининг ашаддий тож-тахт талашишлари, эл-юртни эзишдек ярамас ишларга йўл берилмаган ва у, айтиш мумкинки, ҳозирги “президент сайлови”нинг ўзига хос андазаси бўлган... Хуллас, ўз эл-юртининг келажагини ўйлаб, унинг истиқболи ҳақида қайғуриб, юрт тақдирини зиммасига олишга қодир инсонларни қидириб юрган чинакам юртпарвар ҳожининг сидқидил гаплари бу “хон кўтариш” ҳақидаги гаплар! Ёзуви Отабек тилидан “ўз идорамизнинг худди бир ўйинчоқ бўлганлиги” хусусида ўта нозик, тагдор ишора ҳам қиласди. Сирасини айтганда, “ўзбекча идора усули” айнан ўзини “Иккинчи Соҳибқирон Амир Темур” деб билган Бухоро амири Абдуллахон билан Россия давлати ҳукмдори (Иван Грознийнинг ўғли!)нинг отабеги Борис Годунов давридан орқага кета бошлиди. Нега? Нима учун, айнан қандай сабабларга кўра бутун Ҳурросон ва Мовароуннаҳри ўзининг қудратли қўллари остида бирлаштирган Абдуллахон давлати емирилиб, бир бутун ўзбек давлати уч хонликка бўлиниб кетди? Ким, қай бир куч бўлди уни?! Худди ўз вақтида бу жаҳон айвонидаги маккор кучлар аввалига Тўхтамиш билан Боязидни Амир Темурга қарши зидан гижгижлаб, кейин бу уч қудратли ҳукмдорни уриштириб томошасини кўрганлари ва мурод-мақсадларига етганларидек, айни шундай маккорона кучлар бус-бутун ўзбек давлатини аввалига уч хонликка ажратиб ташлаб, кейин уларни бир-бирларига зидан гижгижлаб, ниҳоят, вақти-соати билан учласини бирин-кетин ўз империясига қўшиб олмадиларми?! “Қўшиб олишми-босиб олиш”, аслида, Петр I замонидан ҳам аввалроқ, Иван Грозний билан Борис

Годунов давридаёқ бошланган эди! Бу аччиқ тарихий ҳақиқатни Абдулла Қодирий билмасми? Абдулла-хондан мерос қолган Бухоро амирлиги, қолаверса, Хива ва Кўқон хонликлари, айниқса, 1924 йилда эндиғина ташкил топган “озод” Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, аслида, империя қўлида шунчаки бир ўйинчоқ бўлганини билмасми эди? Билар эди, албатта. Шунинг учун ҳам ёзувчи “ўйинчоқ” сўзига камида икки маънони юклайди: “империянинг ўзига хос вассали” ва “ўйинчоқдек жиддий ишларга яроқсиз”. Боб Мирзакарим кутидорнинг Отабекни ўз уйига меҳмонга чақириши билан якунланади. Бунинг сиртқи сабаби қутидорнинг Отабекни болалик чоғларидан билиши, уйларига кўп боргани, Отабекнинг бобосини танигани бўлса, ички сабаби “Киройи куёвинг шундоқ бўлса” бобида батафсил ёритилади.

Биринчи бобда китобхонни “Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли” билан таништириб, иккинчи бобда бу бош қаҳрамоннинг “Хон қизига лойиқ бир йигит” эканини аён кўрсатган ёзувчи “Бек ошиқ” деб номланган учинчи бобда энди унинг кўнглига кўл солади. Бунда аввалги икки бобдан бошқачароқ тасвири усулини қўллайди. Аввалги бобларда етакчи усул муайян даврадаги сұхбат, гурунг тасвири бўлса, энди китобхон тутинган ота Ҳасаналининг боқиши орқали қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини сездирмай синчков кузатади. Ҳасанали Отабекнинг ўйттарқоқ ва тушкун ахволини кўриб савдодаги бирон хатоликдан қайғуряптими, ё бирор ери оғрияптими деб турли тахминлар қиласи. Бобда илк бор Отабекнинг отонасининг гаплари келтирилади. Отаси Юсуфбек ҳожининг “Ўғлим ёш, сен дунёning иссиқ-совугини татиған ва маним ишонган кишимсан. Ўғлимнинг ҳар бир ҳолидан хабар олиб туриш сенинг вазифангдир!” дея Ҳасаналига тайинлаши, кўзи ёшли онаси Ўзбек

оіймнинг “Сени худога, Отамни сенга топширдим!” дея Ҳасаналига ёлвориши, зорланиши орқали улар ўқувчига меҳрибон ва жонқуяр ота-она сифатида таништириладилар. Ҳам Отабекка оталиқлик бурчи, ҳам Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек оіймнинг омонатини сақлаш бурчи Ҳасаналига тинчлик бермайди ва алаҳсираб ётган Отабекнинг ҳужрасига пойлоқчилик қилиб бўлса-да, унинг дардини топади. “Қора кўзлари, камон қошлари... Ой каби юзлар, кулиб боқишлар, чўчиб қочишлар... Уфф!” сингари астайдил оҳ-зорини эшитган Ҳасанали ўзича “Бек ошиқ!” деб тусмол қиласиди-ю, лекин худди ўқувчи каби қаттиқ таажжубланади: Марғилонга келганларига беш-олти кун бўлган бўлса, қачон қаерда кимни кўриб ошиқ бўла қолди экан? Муаллиф мана шу сирни то ўн биринчи бобгача – Отабек билан Кумушнинг тўйи ўтиб, чимилдиқда кўришгунларича сақлаб, ўқувчини ширин орзиқтиради. Дарҳақиқат, аввалги икки бобда Отабек маънан ва жисмонан комил инсон сифатида тасвирланиб ўқувчининг меҳри ва ихлоси қозонилгач, ўқувчи севимли қаҳрамонининг тезроқ ўз баҳтини топиб, орзусига етишишига тилақдош бўлади. Отабекнинг кўнгил оғриқларини билган ўқувчи кўнгил ишининг жуда нозик эканини, севги одамни телба-девонага айлантириб, уни ақл ва мантиқ билан эмас, кўр-кўрона кўнгил тусагани билан иш тутишга мойил қилиб қўйишини ич-ичдан ҳис қиласиди. Ҳатто туйғу ақлдан устун келади. Зеро, дунёга келтириб, вояга етказган ота-онага билдиrmай, гарчи бунга узрли сабаблар бўлса ҳам, уларнинг розилигисиз уйланиш мантиқдан кўра кўнгил буйруғи эканини англатади. Ўт кетаётгани йўқ эмас, кетаяпти, Отабекнинг аҳволи оғирлашиб боряпти, тезроқ севгилисисининг висолига етмаса, ҳоли сўлғин! Муаллиф инсон руҳиятидаги бундай эврилишларга ўқувчини ишонтиради.

“Марғилон ҳавоси ёқмади” деб аталган түртинчи бобда Ҳасанали Отабекни боплаб синайди! Эрталабки нонушта пайтида Ҳасанали “Бир неча кундан бери хомушроқ кўринасизми?” дея ундан сўрайди. Отабек “савол ташлагувчи”дан ўзининг хомушлиги сабабини яшириб, сир бой бермай, “хомушлигим сизга ҳам сезилдими, билмадим... Марғилон ҳавоси мижозимга тўғри келмаганга ўхшайди” дея гапни чалғитмоқчи бўлади. “Савол бермоқ”қа нисбатан “савол ташла-моқ” ибораси қўққисдан берилган, одамни довдира-тиб қўядиган савол моҳиятини аниқроқ ифодалайди. Ҳасанали ўз сўзининг босимини кучайтириб атайин “Марғилондан тез жўнамасақ, мен ҳам ишдан чиқа-дирған ўхшайман” деб Отабекни синайди. Марғилон-да кўнгли боғланган ошиқнинг кўнгил узиб Тошкент-га қайтиши осонми?! Нима дейишни билмай боши қотади, ниҳоят, шундай баҳонани рўкач қиласиди: “мол баҳолари тўғрисида битишолмай турамиз – олғувчи-лар арzon сўрайдилар. Шунинг учун тағин бир неча кун қолишимизга тўғри келармикан... Билмадим...” Ҳасанали ўз синовидан Отабекнинг сирини билган-дек бўлади, лекин бу сирни унинг оғзидан эшитиш учун энди бошқа томондан келади. Ёзувчи қаҳра-мон кўнглидаги бу ниятни шундай очиб кўрсатади: “Ҳасанали, бекнинг ҳар бир сирига ўзини маҳрам ҳисоблағанлиқдан, дарҳақиқат, Отабекка маҳрам бў-лишға лойиқ бир меҳрибонлиққа эга бўлғанлиқдан, бек билан очиқ сўзлашиб фикрига келди”. Бу гапда-ги “маҳрам” сўзи кўп маънони англатади! Маълум-ки, қадим замонлардан буён бойларнинг қуллари икки тоифали бўлган: маҳрам ва мулозим! Маҳрам – ишончли кул, мулозим – шунчаки хизматкор, малай. Мулозимга кўп ҳолларда сир бой берилмайди, лозим топилганида мулозимат кўрсатилади, холос. Лекин маҳрам – бу сирдош, дардкаш демакдир. Қолаверса,

“маҳрам” инсоннинг энг яқин қариндошларини англатади. Ҳасанали “Ўғлим, Отабек! Айтингиз-чи, мен сизнинг кимингиз?” деб очиқ сўрайди. Ана шунда Отабек “Отам бўлмасангиз ҳам, мени оталиқ муҳаббати билан суйган содиқ ва меҳрибон бир кишимсиз, яъни маънавий отам” дея маҳрамига хурмат-эҳтиром (арабча бу сўзлар бир ўзакка эга) кўрсатади. Ўзининг маҳрам эканини тан олдирган Ҳасанали энди “сизнинг менга сақлаған ишончингиз тугалганга ўхшаб, ўзимдан қандоғ камчилик ўтканига ҳайратдаман!” дея ўпкалайди. Отабек унинг “хайриҳоҳона кенгашлали”га муҳтож эканини айтади. Ана шунда Ҳасанали унинг тили бошқа, кўнгли бошқа эканини, ўзидан яширган сири борлигини, “Марғилон ҳавоси ёқмади” дея баҳона қилса-да, сир сақлаш билан бирор натижага эришиб бўлмаслигини айтади. Бу гаплардан “Отабек қип-қизил қизариб гуноҳкорлардек ерга қараған эди”. Отабек ўз кўнглидаги яширган сирини очиқ айтмаса-да, маҳрами, тутинган отаси Ҳасанали буни яхшигина тушунади ва меҳрибон-сирдошларча ўгит қиласиди: “Айби йўқ, ўғлим, муҳаббат жуда оз йигитларга мұяссар бўладиған юрак жавҳаридир. Шунинг билан бирга кўб вақтлар кишига заарлик ҳам бўлиб чиқадир. Шунинг учун куч сарф қилиб бўлса ҳам унтиш, кўп ўйламаслик керакдир”. Бу гаплар айтишгагина осон! Зотан, чинакам ошиқ маъшуқаси ҳақида ўйламай тура оладими, уни унута оладими?! Бу бобдаги тасвирда Ҳасанали Отабекнинг ошиқлигини сезиб, унинг кўнглини ўқий олганини уққан китобхон кейинги бобларда очиқ айтилмаса-да, у Отабекнинг қайси дилбарга ошиқ бўлгани, қаерда яшashi-ю кимнинг қизи эканини аниқлай олганига ишонади.

Агар бешинчи бобда бош қаҳрамонга тутинган ота кўзлари билан қаралган бўлса, “Киройи куявинг шундоғ бўлса” деб номланган олтинчи бобда бош қаҳра-

монга бўлажак қайнотанинг кўзлари билан боқилади. Бу боқишда, айтиш мумкинки, туғдирган ота ва ҳатто тутинган ота меҳридан ҳам кучлироқ меҳр нури ба-айни қуёшдек балқиб туради. Зотан, ўғил тарбиялаб ўстириш баҳтидан бенасиб ота учун ёлғиз қизининг бўлажак эри ўз ўғлидек ардоқли туюлиши ғоят таби-ийдир.

Боб уч мўъжаз бўлакдан тузилган. (Айни шу бобдан бошлаб айрим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи ва энг қизғин боблар муайян бўлак, парча, синиқларга ажратиладики, бу хусусда ҳали кўп мулоҳаза юритамиз!) Мирзакарим қутидорнинг кўнгил қаъридаги энг эзгу тилаги, астойдил орзиҳиши (“Киройи куявинг шундоғ бўлса”) ва умуман, бўлажак куёвига муносаба-ти билан узвий боғлиқ тасвир, айтиш мумкинки, хона-дон соҳибининг остонасидан бошланади. Биринчи бўлакда “шарти кетиб, парти қолган” дарвоза, остона ҳатлаб ичкарига кирилганида, Бухоро зинданлари-дан бирига ўхшатилган қоронғу йўлакдан бошланган жонли тасвир ўта табиий равишда ташқи ва ички ҳов-лилар, уй эгалари – қутидорнинг хотини Офтоб ойим, қайнонаси Ойша буви, чўри Тўйбека ва ниҳоят, бу тўрттовлоннинг, бу уйнинг, Марғилон кентининг, бо-рингки, бутун ўзбек элининг бебаҳо ва тенгсиз бой-лиги, кўмўши-ю ганжинаси деса дегудек Кумушбиби-нинг ҳар бир қилиғи ва сўзи мароқли тасвирланади. “Онасини кўриб, қизини ол” деганлариdek, она сий-моси шундай улуғланади: “Юзидан мулойимлик, эри-га итоат, тўғрилик маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси – Офтоб ойим”. Ўзи мулойим бўлса, эрига итоаткор бўлса, ўйи, сўзи ва иши тўғри бўлса, исми жисмига мос Офтоб бўлса, унинг қизи Кумуш ойпари бўлади-да, шундай эмасми? Бунинг усти-га, “қариси бор уйнинг париси бор” деганлариdek, “Офтоб ойимнинг онаси – етмишлардан ўтган Ойша

буви" лигига нима дейсиз?! Ёзувчи Кумушойни уста рассомдек гүзал чизиб күрсатади: "...түлған ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликға айланган-да, кимдандир уялған каби... Шу вақт күрпани қайириб ушлаган оқ құллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста құли билан құндирилған қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб үлтурди. Сариқ рупоҳ атлас күйнәкнинг устидан унинг ўртача күкраги бир оз күтарилиб турмоқда эди. Туриб ўтургач, бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғифан соч толалари ўраб олиб жонсўз бир суратга киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак қутидорнинг қизи – Кумушбиби эди!" Ойнинг ҳам доғи бор, лекин Кумушойнинг оқ юзи ғуборсиз, уятчан қиз юзининг қизиллиги-ю қора холи чиройига яна чирой қўшган. Бу гўзал санам "хон қизига лойиқ Отабек"ни ўзига ошиқ шайдо қилиб бўлган! Гарчи ёзувчи буни ўн биринчи – "Кутилмаган баҳт" бобигача ўқувчига билдирмай, сирсақласа-да, Кумушбибининг бу бобдаги тасвири худди Отабекнинг ўтган "Бек ошиқ" ва "Марғилон ҳавоси ёқмади" бобларидаги тасвирига уйғун, сабаби Отабек ва Кумуш бир-бирларини кўрган чоғидаёқ бир-бирларига кўнгил қўйиб бўлишган. Кейинги жумла Кумушбибидаги ана шу руҳий ўзгаришга ишора қиласди: "Кумушбиби бир неча кундан бери совуқ ҳаво тегдирив, бош оғриғи ва кўз тинишка ўхшаш оғриғлардан шикоят қилиб юрар, шунинг учун онаси "тинч ухласин, ортиқ уринмасин!" деб бугун номозга ҳам уйғоттирмаған эди". Айвондаги оила аъзоларининг Кумушбиби соғлиғи ҳақидаги ҳол-аҳвол сўрашувларидан ва Ойша бувининг "Нах кечаси билмапсиз, нах мени кўрқитиб энка-тенкамни чиқарди. Иситмаси аралаш алланучка сўзларни айтиб чиқди..." дейишидан зийрак ўқувчи, "Бек ошиқ" бўлганидек, "Бекачим ошиқ"

эканини англайди. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” и ўзбек адабиётининг энг нодир асарларидан бири ҳисобланади. Уни бир марта ўқиб, бутун гўзаллиги ва маъно қатламларини уқиб бўлмайди. Бу бадиияти юксак асарни қайта-қайта ўқиш керак, ана шунда ўқувчи асардаги сўзлар бағрига кўмилган маънавий бойликни топа олади. “Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласди” деганларидек, ўқувчи Кумушбибининг иситмаси ёки унга ҳам “Марғилон ҳавоси ёқмагани”нинг туб сабабини, яъни у ҳам Отабекка ошиқ бўлганини, асарни биринчи бор ўқиганда бироз иккиланса ҳам, иккинчи бор ўқиганда тўла ишонч билан англай олади. Чунончи, Ойша бувисининг гапини эшитган Кумушнинг ялт этиб унга қараб қўйишидан “сиirimни билибдилар”, “сиirim очилмаса эди” деган маъноларни уқиш мумкин. Қизининг сирини, ҳойнаҳой, ота ҳам, она ҳам, буви ҳам аллақачон англаған бўлса керакки, шу боис қутидор “Ўша ҳарорати ғаризаники (табиий ҳарорат), букун бирар ҳакимдан сўраб қарай-чи...” деб гапни чалғитади. Сўнг ўрнидан турар экан, “Мен сенга айтиб қўяй, Кумуш” дея гапини бошлияди, кейин Офтоб ойимга қараб “бу кунга бир меҳмон айткан эдим. Чўрингни чиқариб меҳмонхонани тозалат...” дея кўрсатма беради. Ҳар бир отанинг бурчи бўй етган қизини тезроқ тенгига узатиб, бахтини очиш. Шундай экан, Мирзакарим қутидор тошкентлик Отабекни ўз уйига чақиришдан кўзлаган қутлуғ ниятларидан бири – уни ўзига куёв қилишдир. Зеро, ота яхши биладики, қизининг ҳакими – Отабек, қолаверса, “яхши ният – ярим давлат” деб эл бежиз айтмаган. Ёзувчининг сўз усталигини кўрингки, у ёқда тутинган отаси Отабекни, бу ёқда ота Кумушни бир-бирлари билан топиштириш қўйида. Икки ота ўғил-қизларининг бахтларини очиш учун баравар ҳаракат қилмоқда. Кумушбибининг “хомушлиги”, “на-

мозшомгулга ўхшаб ёпиқлиги”, “бувисининг ҳикояла-
рига эринибгина қулоқ бериши ва қизиқ сўзларига
илжайиши”, “ошхонадаги онасининг юмишиға бир оз
қараб турғани” каби тасвирлар унинг кўнгли нотинч
эканини кўрсатувчи аломатлардир. Шундан кейинги
тасвир унинг кўнглини яна-да ёрқинроқ кўрсатади:
“... айвоннинг ўрта устунига келиб суюнди. Энди бо-
яғиға қарағанда бир оз енгиллангансумон, жон олғу-
чи қора кўзлари ҳаракатлана бошлиған, буғриққан
қизил юзлари очилинқираған эдилар. Айвон устуни-
га суюнғач, қора қийиғ қошларини чимириб кўча
йўлак томонға қаради, бир оз қараб турди-да, айвон-
дан ерга тушиб йўлак томонға, ариқ бўйига кетди...”
Кумушбиби кўча йўлак томонга нега қаради? Нега бу
ерда у ўзини енгилроқ туйди, нега чиройи очилди?
Ошиғи йўлига кўз тикканидан-да, албатта. Бўлак
ички ҳовли ўртасидаги ариқда юз-қўлини юваётган
Кумушбиби хатти-ҳаракатининг чиройли шоирона
тасвири билан, айтиш мумкинки, ўзининг чўққисига
етади. Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг
туркигўй устозларидан бири Отойининг “Ул са-
намким, сув ёқосида паритек ўлтуур, Фояти нозукли-
гидин сув била ютса бўлур” деб бошланувчи машхур
ғазали ёдингиздадир? Буюк мутафаккир ўзининг
“Мажолис ул нафоис” асарида мазкур матлани кел-
тирган ушбу гўзал ғазалдаги, айниқса, “қўлни сувда
эмас, сувни қўлда ювар” қабилидаги нафис шоирона
муболаға ва сўз ўйинларини эсланг! Романдаги та-
свир Отойи қаламига мансуб гўзал тасвирдан сира қо-
лишмайди десак, муболаға қилмаган, балки айни
ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, шоир ғазалида сув
ёқасида ўтирган санамнинг тасвири бор, лекин бу
“соҳиранинг сеҳрига мусаҳҳар” сувнинг тасвири йўқ!
“Унинг кўзлари мулойимғина сув устига оғдилар,
арикнинг мусаффо тиниқ суви ювошғина оқиб келар,

Кумушбилининг қаршисиға етканда гүёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган соҳиранинг (сехрчи қиз) сихрига мусаххар (таслим бўлган, бўйсунган) бўлған каби тағин бир каттароқ доирада айлангач, оҳистағина кўприк остиға оқиб кетар эди". Ушбу тасвиридаги, айниқса, "соҳиранинг сехрига мусахҳар" сўз бирикмасига хос гўзалликни, айни чоғда, араб тилининг беқиёс ифода қудратини ҳис қилинг! Биринчидан, ёзувчи "сехр" сўзини уч карра қайтариш орқали санамнинг сехрини кучайтириб кўрсатяпти. Иккинчидан, унинг сехри шу қадар кучлики, худди авлиёлар сувни тескарисига оқизиш сингари каромат кўрсата олганларидек, Кумушбиби қаршисида сув ҳам унинг гўзаллигига тан бергандек ва гўё боши айлангандек, сехр таъсирида терс оққандек бўлади. Қолаверса, агар "сехргарнинг сехридан сехрланган" деб ёзилса, шунчаки қайтариқ ва ифода ғализлиги бўлар эди, бу ерда эса, баайни шоҳбайтдек ўйноқи, ёқимли, кўркам, жозибадор сўзлар, шундай эмасми? Сув тасвирики, шундай гўзал, юз-қўлинни сувда юваётган сув парисининг тасвири... ҳар қандай шоирнинг ҳам ҳавасини келтиргудек! "Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатка келиб чайқалди. Гўёки сув ичидаги бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди..." Навоийнинг "Оразин ёпқач кўзумдин сочиур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш" шоҳбайти билан ҳам бадиият, ҳам мазмун жиҳатидан бемалол бўйлаша олади бу насрый шоҳбайт. Навоийда "ораз" ва "қуёш", Қодирийда "юз", Навоийда "ёпғоч", Қодирийда "тушган", Навоийда "кўздан сочилган ёш", Қодирийда "сув томчилари", "чайқалиш" ва "фитна"... Халқимизда "сувдек чайқалди" ибораси "безовта, беҳаловат бўлди" маъносини англатиб, сув парисининг

юзини ўпид түшгән сув томчилари ариқдаги сувни ҳам түғри, ҳам құйма маңноларда чайқалтирди, яъни безовта, беҳаловат қилди. Арабча “фитна” сўзи “қутқу”, “ғулғула”, “макр-хийла”, “исён”, “жанжал”, “бузғунчилик”, унга ўзакдош “мафтун” сўзи “жалб қилмоқ”, “маҳлиё қилмоқ”, “йўлдан урмоқ (оздирмоқ)”, “сехрламоқ” каби маңноларни англатади. Бинобарин, сув ёқасида ўтирган пари ҳам фитна, ҳам мафтун қилияпти! Яъни, сув ичиде қўзғалган фитна ҳам пари учун жанжал, ҳам маҳлиёликдир. Юқорида айтгани миздек, ёзувчи бу ерда ҳам “юз ювиш”ни уч карра қайтариш орқали санам фитнасини кучайтириб кўрсатмоқда. Колаверса, халқимизда “Умр – оқар сув” деган нақл бор. Бу “оқар сув”даги нафақат жамики фитна-фужур, балки ҳар қандай мардлик-қаҳрамонлик ва номардлик-ғирромлик ўртасидаги муросасиз курашлар, уларга боғлиқ жамики мажаролар ана ўша гўзал ғазал билан мана шу гўзал бобда тасвирланган санамдек соҳибжамол пари-пайкар, ҳаттоқи унинг “фаттон” кўзлари атрофида рўй беради! Чунки шоири замон Асқад Мухтор ёзганидек, “Сенинг кўзларингда ором яширин, Шундан атрофингда барча беором”.

Кезикелгандамуаллифтасвиридаги номутаносибликни ҳам айтиш жоиз. Ушбу бобни қўшиб ҳисобланганда жами беш бобда муаллиф Отабекни ўта мард, танти, оқил, фозил, оққўнгил, барно, илғор ва ҳоказо сифатлар билан осмону фалакка олиб чиқиб қўяди ва бунга қўпдан-кўп мисоллар келтиради. Унинг хон қизига лойиқ эканини ҳар боб билан далиллайди. Бироқ ўқувчини Кумуш билан танишитирувга келгандা, унинг ҳуснини маҳорат билан таърифлайди, Зиё шоҳичининг ўғлига “Бизнинг Марғилонда бир қиз бор, шундай қўҳликки, бу ўртада унинг ўхшали бўлмас, деб ўйлайман” деб мақтатадиу, бироқ қизнинг ички оламини, таълим-тарбиясини, дунёқарашини,

у ҳам хон ўғлига мос ёки йўқлигини таърифлаб-тав-
сифламайди. Ҳатто, биринчи танишувда қизнинг
боши оғриши, хомушлиги, намозшомгул каби ёпиқ-
лиги, намозга ҳам турмаслиги, бувисининг ўтган-кет-
гандан қилган ҳикояларига эринибгина қулоқ бери-
ши ва қўнглини очиш учун айтилган қизиқ сўзларига
иљайиш билан жавобланиши, ошхона юмуши билан
қоришиб ётган онасиға бироз қараб тургандан кейин
ташқари томонга кетиши ва бошқа хатти-ҳаракат-
лари ўқувчининг меҳрини қозониш эмас, аксинча,
ихлосини қайтаришга хизмат қиладигандек. Гарчи,
үн биринчи – “Кутимаган баҳт” бобидан сўнг ўқув-
чи унинг бу ҳолати Отабек билан ногаҳон учрашиб,
бир кўришда бир-бирларига ошиқи бекарор бўлгани
билан боғлиқлигини англаса-да, моҳият ўзгармайди.
Аслида, севган-севилган одам қувноқ ва яшовчан бў-
либ, бошқаларни ҳам ўз меҳри ва қувончидан баҳра-
манд қиласди. Ҳатто, севиб-севилмаган одам ҳам ода-
мийлик фазилатларини қадрлаши, миллий қадрият-
ларга содиқ қолиши керак эмасми, айниқса, асарнинг
Кумушдек ижобий қаҳрамони? Ишонаманки, Отабек
билан Кумушнинг бўйи бўйига, ўйи ўйига мос кели-
шини, Отабекдаги фазилатларни кўрсатган муаллиф
Кумушбибининг ҳам фазилатларини очиброқ кўр-
сатса яхшироқ бўларди. Қолаверса, асарнинг боблари
номларини кузатар эканмиз, унда Отабек, Юсуфбек
ҳожи, Ўзбек ойим, Зайнаб, Ҳасаналидан сўнг Кумуш-
бибининг исми учинчи бўлимнинг ўн биринчи – “Ку-
мушбибининг сўз ўйини” боби номида тилга олинга-
нини кўрамиз. Ўйлашимча, асарнинг биринчи тўртта
 (“Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли”, “Хон қизига лойиқ ий-
тиг”, “Бек ошиқ”, “Марғилон ҳавоси ёқмади”) бобла-
ридан кейинги бешинчи – “Киройи қуёвинг шундоғ
бўлса” бобини икки қисмга ажратиб, биринчи қисми-
ни “Кумуш Мирзакарим қутидор қизи” дея, иккинчи

қисмини “Киройи күёвинг шундоғ бўлса” дея номлаб, биринчи қисмида Кумушнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан гўзаллиги яна-да аниқроқ таъриф-тасвири қилинса, иккинчи қисмида киройи келин-куёвлар шундай бўлиши айтилса, асар яна-да гўзал бўлар эди...

Бобнинг иккинчи бўлакчасида ҳам бевосита қутидорнинг мезбон сифатидаги саъй-ҳаракатлари тасвири йўқ, балки меҳмондорчилик асносида ташқи ва ички ҳовлилар ўртасида зув қатнаб турган чўри Тўйбеканинг азиз меҳмон ҳақидаги оғзидан бол томиб гапирганлари келтирилади: “Нах сиз ёш меҳмонни кўрмабсиз, дунёға келмабсиз, бир чиройли, бир ақлли, тағин ўзи ҳаммадан юқорида ўлтурадир; ҳали йигирма ҳам бормағандир, мўйлаби ҳам эндиғина чиқа бошлиған... Нах бизга куяв бўладиган йигит экан”. Бунга жавобан Офтоб ойим “Ана, Кумуш, эшилдингми, опангнинг сўзини! Тўйбека сенга эр топган, сен бўлсанг бошим оғрийдир, деб ётасан” дея қизининг дарди севги дарди эканини сезганини англатади ҳамда уни синайди. Кумуш аввалига “сезилар-сезилмас кулимсирайди”, бироқ зум ўтмай “тундлашади”. Яъни, Кумуш аввалига сирли ошиғини хаёл қилиб кулимсирайди, сўнг уни бегона одам дея ўйлаб тундлашади. Унинг “менга эр топишдан бошқа ишингиз йўқми”, “ўзингиз тегиб олаверинг” каби кесатиқларига жавобан Тўйбеканинг “Кошки эди тегалсам, мен унинг бир тукига ҳам арзимайман. Аммо сен бўлсанг унинг билан тенглашар эдинг. “Тенг тенги билан, тезак қопи билан” ха-ха-ха” каби муқотишлари келтирилади. Кумушбибининг шоирона тасвири ва бу таъриф ёнма-ён қўйилганида бир-бирига қанчалик ярашиб турибди! Зотан, бу оламда ҳеч бир гўзаллик бир-бирларига ҳар жиҳатдан тенг ва узукка кўз қўйгандек муносиб қиз билан йигит, бир-бирини чинакамига баҳтли қилиб турган келин-куёв қадар

кўзларимизни астойдил қувнатолмайдики, бу ҳам бизнинг ҳайвоний эмас, асл инсоний табиатимиздан энг ёрқин далолат, дейиш мумкин. Қўркут (қўрли-қутли) ота қалбидаги асл инсоний туйғуларнинг эса, айтгулиги йўқ! “Тенгини топсанг текин бер” деган мақолни Мирзакарим қутидордек чинакам Оталар яратган бўлсалар, не ажаб! Иккинчи бўлак якунида Тўйбеканинг қоронғида гилос дараҳти остида яшириниб турган “аллаким балога” туртиниб кетиши, уни “қора Ҳомид”га ўхшатганидан Ҳомид бу галғи меҳмондорчиликка чақирилмагани, шунга қарамай ҳасад ўтида ўртанган бу Қоработир айғоқчилик қилиш учун ўғринча келгани тушунилади. Аввалги бобларда Ҳомиднинг қора экани асосан тасвири орқали уқтирилган бўлса, бу бобда энди Тўйбека тилидан Отабек оқ, Ҳомид қора қилиб таърифланяпти. Отабек чақирилган меҳмон бўлиб уй ичкарисида, ҳаммадан юқорида – тўрда қўр тўкиб ўтирибди, Ҳомид чақирилмаган меҳмон бўлиб уй ташқарисида, ҳаммадан настда қўрқа-писа турибди!

Шундай қилиб, бобда уй эгаси, оила бошлиғи, Кумушбиибининг отаси Мирзакарим қутидорнинг ота сифатидаги беором-безовта қалби, орзу-тилаги ҳам билвосита, ҳам бевосита, баайни уста мусаввирнинг мўйқалами билан жонли чизиб кўрсатилади. Шунда ҳам фақатгина учинчи – энг қисқа ва лўнда! – бўлакчада, меҳмондорчиликдан кейин ётиш олдидан қутидорнинг умр йўлдоши билан “икки оғизгина” суҳбати чогида бош қаҳрамон мақтovi келтириллади, холос. Бу суҳбатдаги, айниқса, икки орзиқиши (“худо кишига ўғил берса, шундайини берсин-да” ва “киройи куявинг шундоғ бўлса”) нафақат бош қаҳрамон тасвирига янги бир мақом, ўта юксак мавқе-мартаба бағишлайди, балки ота кўнглининг тиниқ сурати ҳам бўла олади. Бобдаги уй остонасидан бошланган тасвири мана

шундай уй эгасининг дил қаърига кириб борадики, муаллифнинг тасвир маҳоратига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Эски дарвозадан кирганда зиндондек қоронғу ва кўримсиз, лекин йўлакдан ўтилганида ҳар икки ҳовлиси ёруғ бу уйда хотини, қайноаси, чўриси ва ниҳоят, қизи – жами тўрт нафар ожиза қуршовида, ўзидек бир елқадош эркак, ўғил бўлмаса-да, ўғилдек куёвлик бўлишга тилакчи ҳолда яшаб турган қутидорнинг руҳий ҳолати ва ёруғ ўйларини бундан-да таъсирчан тасвирлаш мумкин эмасдек!

“Тошкент устида қонли булутлар” деб номланган олтинчи бобда уруш арафасида турган Тошкентнинг таҳликали кунлари тасвирланади. Бунга Тошкент ҳокими Азизбекнинг Кўқон хонига солиқ тўлашдан бош тортиши сабаб бўлади. Халқ урушларни кўра-кўра кўса бўлган, шунинг учун кўпчилик бу уруш хабарини ажабсинмай, совуққонлик билан қаршилайди. Бироқ Отабек “бундай ўзбошимчалик орқасидан ўзининг очиқ кўзи, ўткир зеҳни орқалиқ мудхиш, фалокатлик манзаралар кўрар, миллатини – халқини – мусулмонини қўрқунч жар, тегсиз жаҳаннам ёқасида, йиқилиш олдида топар эди-да, сесканиб “ўзинг сақла, тангрим!” дер эди”. Бу жумладаги “ўзбошимчалик” дея ҳоким Азизбекнинг исёни назарда тутиляпти. Одатда халқ бошига ёғиладиган кулли балолар мана шундай ҳукмдорнинг ўзбошимча қарорлари оқибатидир. Бундай вазиятларда халқ тинчлиги ва осойишталигини до-нишманд маслаҳатчилар таъминлаши, яъни ҳукмдорга тўғри йўлни кўрсатиб, урушнинг олдини олишлари зарур. Бироқ зуқко ўкувчи Азизбекнинг ўзбошимчалигини, Юсуфбек ҳожи каби маслаҳатчиларининг гапларига қулоқ солмаслигини фаҳмлайди. Шунинг учун Юсуфбек ҳожи ўз муносабатию маслаҳатларини Марғилондаги ўғли Отабекка мактубида йўллайди. Хатдаги “мунда Азизбек қандоғдир кучка таяниб

Кўқонға исён этди... Фуқаронинг тағин қандоғ кўргуликлари бор экан, ўғлим” деган жумлалари Юсуфбек ҳожининг изтиробларини яққол кўрсатиб турибди. Айниқса, қуйидаги гаплар нафақат Юсуфбек ҳожи ва унинг ёлғиз ўғли, балки шаҳар аҳли, бутун бир халқининг аҳволи нақадар танглигини яққол кўрсатиб турибди: “Кечагина қонлиқ қиличини фуқаро устида юргузиб турған Азизбекка, унинг тифи зулми билан қора қониға белангтан ўғлининг, отасининг, онасининг, оғасининг мазлум гавдаси тупроқ остида ҳали чириб битмай туриб буқун халқ яна Азизбекка, ўша қонхўрға ўз қони билан ямин этди; Азизбекни то ўзининг бир томчи қони қолғунчалиқ ҳимоя қилмоққа онд ичди... Ана, ўғлим, бизнинг халқнинг ҳолига йиғлашни ҳам билмайсан, кулишни ҳам!” Ҳокимият ва ҳақ-хукуқ талашиб турган икки қонхўрнинг ўртасидаги бечора халқ ва унга руҳий йўлбошчилик қилиш азмидаги билга оқсоқол – ҳожининг аҳвол-руҳиясини бундан-да ерқинроқ чизиб кўрсатиш мумкинми?! “Үёққа қараса отаси, буёққа қараса бўтаси ўлади” дейди кўпни кўргани халқ! Йўқ, бунга нисбатан халқнинг бошқа бир ҳикматли гапи айни ҳолатни яна-да ёрқинроқ ифодалай оладигандек: “Тошни тухумга урсанг ҳам тухум синади, тухумни тошга урсанг ҳам тухум синади”. Худди шундай, икки қонхўр “тош”дан қай бири зўр чиқса ҳам, икки ўртада бечора халққа жабр! Ҳар икки ҳолатда таёқ халқнинг бошида синаверади! Бошига яна бир марта уруш балоси ёғилиб турган тинчликсуръ халқининг аҳволи бу! Оғир аҳволни тушунтиргач, куюнчак ота ўғлига ўғит беради: “сиёsat тўғриларида ўйланиброқ сўзла! Арзимаган сабаблар билан талаф бўлган жонларни ҳамиша кўз олдингда тут! ... Фарғонада мени Азизбекнинг шерикидир, деб ўйлашлари ва сени бир фитначининг ўғли деб танишлари эҳтимолдан йириқ эмасдир, шу жиҳатларни мулоҳаза қилиб оёғ бос!

... бу тинчсизлик босилмағунча Тошкандга келмаслигинг маслаҳатдир". Иккинчи бобда Отабек Зиё шоҳининг уйидаги мажлисда қонхўр Азизбек ва Мусулмонқулларнинг кирдикорлари ҳақида гапирганида ўқувчи унинг эҳтиётсизлиги, ҳали синашта бўлмаган одамларга кўнглидаги ҳақ гапларини рўй-рост айтәётганига хавотирланган бўлса, эҳтимол. Бу ерда сиёсий пишиқ-пухта ота ҳали нисбатан пишмаган-садда ўғлига сиёсий ўғит бериши билан ўқувчидаги ана ўша хавотир кетказилади. Шундай бўлса-да, келгуси – ўн иккинчи ("Чақимчилик") бобда ўша мажлис қатнашчиси қора Ҳомид Отабекнинг устидан чақимчилик қилиши Отабекнинг сиёсий бўшлигини кўрсатиб, ўқувчининг хавотири ўринли эканини тасдиқлади. Отабек отасининг хатини қайта-қайта ўқиб, Азизбекни "тулки" деб юборишига сабаб унинг ўзи зулм ўтказган халқдан энди ўзини ҳимоя қилишни сўраб турганига ишора қилинмоқда. Отасининг "бу тинчсизлик босилмағунча Тошкандга келмаслигинг маслаҳатдир" гапини ўқиганида Отабек "ундоф бўлса, сира тинчимангиз!" дейди-да, "ёвошғина илжайиб" қўяди. Бу билан Отабек ҳам бироз тулкилик қиласи. Зийрак ўқувчи Отабекнинг халқпарвар ва тинчликтарвар эканини яхши билгани учун бу ерда унинг маъшуқасидан узоқлашишни истамаётганини сезади. Қолаверса, бу ерда гап шунчаки ишқ-муҳаббатнинг ўзидагина кетаётгани йўқ! Юқорида кўриб ўтганимиздек, модомики Кумуш тилга тимсол экан, тилга шайдо тил-адабиётчи, айниқса, ёзувчи, яъни, сўз санъаткоридан "Тил бирламчими, элми?" деб сўрасангиз, "Тил бирламчи, чунки эл тил билан тирик, тилидан мосуво эл киройи эл эмас, шунчаки омма, оломон, фуқаро!" дейиши аниқ! Яна шуниси ҳам борки, элнинг ўзлигини кўрсатувчи шоҳ асар кўпинча элнинг тинчлиги-тотувлиги даврида эмас, аксинча, эл қаттиқ безовта-бехаловат бўлиб турганида ўз муаллифининг

уч юз олтмиш томирларини тебратиб, тўрт юз қирқ тўрт суякларини сирқиратиб дунёга келади. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит-турк” асари, Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асари, Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асари, Алишер Навоийнинг “Хамса” асари, Бобурнинг “Бобурнома” асари, Абдулла Қодирийнинг мазкур “Ўткан кунлар” романи, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” роман-дилогияси, Ойбекнинг “Кутлуғ қон” ва “Навоий” романлари тил ва элнинг тарихий тақдири, уларнинг бутун ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган “Ё ўлиш, ё қолиш!” палласида худди шундай дунёга келгани барчага маълум. Бадий асарни фарзандга қиёслашлари бежиз эмас, албатта. У нафақат ўз муаллифи, балки бутун бир халқнинг “тинчсизлиги” – қаттиқ безовта-беҳаловатлиги, ҳаёт-мамот тўлғоқларининг қонуний ҳосиласидир.

Буни “Мажбурият” деб номланган навбатдаги, ет-тинчи боб ҳам аён кўрсатиб турибди. Унда тилга олинган “гўшанишинлик” шунчаки айрилиқ қийноғидаги ошиқнинг кўксини захга бериб ётиши эмас, балки бу сўз изоҳланганидек, “хилватда яшовчи дарвиш”лик демакдир. Унда ота ўрнида оталик ва оғирини енгил, мушкулини осон қилиш кўйидаги Ҳасанали ёнига киргани айтилганидан кейинги “Отабек “Бобурнома” мутолааси билан машғул эди” деган гап ҳам бежиз ёзилмаган. Нега энди айнан “Бобурнома” танланган? Биринчидан, қайғураётган одам юрагини ўртаётган оғриқларини кўнгил ёриб бировга тўкиб солгиси келади. Шунинг учун инсоният “кундалик, эсдалик, хотира” каби ижод турларини яратган. Маълумки, “Бобурнома” эсдалик (мемуар) асар бўлиб, у кундалик шаклида ёзилган, унда буюқ Бобур кўрган-боқсанларини, ҳис-туйғуларини батафсил ёзган. Муаллиф бу ерда ҳам Отабекнинг ҳолатини Бобурнинг ҳолатига параллел кўйиб турибди. Отабек ўзига Бобурни

дардкаш билиб, ўз дардларини унга достон қиляпти. Бу муаллифнинг “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилидаги адабий усулидир. Иккинчидан, ўзбек тили ва адабиётида мисли қўрилмаган янги бир асарни яратиш азмидаги гўшанишин дарвиш айни шу ўзбек бадиий насрининг энг гўзал намунасидан ўзига куч олмоқчи, гап мана шунда!

Бобнинг “Мажбурият” деб аталишида ҳам теран тагмаънолар бор! Зотан, бу ерда нафақат Отабек, балки унинг отаси, тутинган отаси, отасининг бир қадрдени уйига совчи бўлиб боришга чоғланиб турган иккинчи қадрдени – барча-барчаларининг зиммасига бехос тушиб қолган мажбурият ҳақида гап кетмоқда! Отабек “Бобурнома”дек шоҳ асардан қўмак олишга мажбур. Юсуфбек ҳожи юртнинг осойишталиги йўлида ёлғиз ўғлини “Тошкандга келмай тур!” деб, тақдир хукмига топшириб қўйишга мажбур. Тутинган ота Ҳасанали ўзининг қуллик ҳаддини билмай, туғдирган ота зиммасидаги мажбуриятни (ўғил уйлантириш мажбуриятини!) ўз зиммасига олишга мажбур! Юсуфбек ҳожининг эски қадрдени Зиё шоҳичи, ҳар қалай, Мирзакарим кутидорнинг уйига совчи бўлиб боришга мажбур эмас, ихтиёри ўзида, албатта. Лекин у, модомики Зиё шоҳичи экан, бу одам ҳам танг аҳволда қолган қадрдон дўстининг мушкулини осон қилиб, унинг номидан Мирзакарим кутидор хонадонига совчи бўлиб боришга мажбур – буниси энди ихтиёрий мажбурият!

Шу ерда савол туғилади: ўғил туғиб-туғдириб, ўстириб-ундириб, камолотга етказган ота-она Тошкентда – бир чеккада қолса-да, аллақандай Ҳасанали деган қул билан Зиё шоҳичи деган дўст ёлғиз ўғилни уйлантириб қўйса – бу ўзбекчиликка, умуман, одамийликка қанчалик тўғри келади, айниқса, агар ота кул билан дўстга бундай ваколатни бермаган бўлса?! Хусусан, ўғилга ёзган мактубида “Марғилонда уйланиб

тура қол” демаган, балки “Тошкент тинчигунича келмай тур!” деган бўлса! Буниси қандоқ бўлди? Ўзбекона урф-одатлар ва асрий таомиллар ҳар боб билан бузилаётган шўро тузуми даврида халқнинг совчилик ва ўғил уйлантириш бобидаги асрий удумини ҳам бузиб кўрсатиш ва тескари талқин қилиш намунаси эмасми бу?! Жиддийроқ ўйлаб қарасангиз англашиладики, Қодирийнинг чинакам сўз санъаткори экани айни шу бўлиши мумкин бўлмаган ишни бўлиши мумкин бўлган иш сифатида кўрсатиб, бунга ўқувчини ишонтириш маҳоратида яққол кўзга ташланади. Аввало бобда Ҳасанали билан Зиё шоҳичининг бу хусусдаги гаплари келтирилади. “– Нозик гап, – дейди Зиё шоҳичи. – Агар биз Отабекни бу ердан уйлантириб кўйсак, ҳожи биздан хафа бўлмасмикан?” “Кўп яшанг, бой ака! – дейди Ҳасанали. – Кулингиз ҳам бу тўғрида кўп ўйлади. Хафа бўлса нима чораким, биз шу ишга мажбур бўлган бўлсак. Шунинг билан бирга Юсуфбек ҳожи ҳам унчалик ақлсиз кишилардан эмаски, бу гапга хафа бўлса”. Дарҳақиқат, қай бир ота ёлғиз ўғлининг севиб қолиши, севганига уйланиши ва баҳтли бўлишини истамайди? Қолаверса, қай бир ота ўз ўғлининг халқ кўнглини ёриштирувчи шоҳ асарни яратишидан хафа бўлади?! Алишер Навоийнинг отаси Ғиёсиддин кичкина баҳодир билан Абдулла Қодирийнинг отаси Қодир бобо дилидаги энг муқаддас орзу эмасми эди бу?! Ўзи алғов-далғов бир замонда эл ташвишида юрганида қули билан дўсти шундай савоб ишга қўл уриб, ўғлининг баҳтини очиб, мурод-мақсадига етказган бўлса, бунинг нимасига хафа бўлиш керак, аксинча, икки карра (ҳам ўғлининг баҳтини топганига, ҳам қули билан дўсти қўллаб-қувватлагани, савоб иш қилганига!) суюниши-суюнчи бериши керак эмасми?!.. Ҳасаналининг мантиқан асосли гаплари нафақат Зиё шоҳичи, балки ўқувчининг ҳам кўнглидаги иккилланишлар-у

иштибоҳларни кетказа олади. “Бир болага етти маҳалла ота-она” дейди болажон-болапарвар халқимиз. Мутлақо бегона етти маҳалла аҳлики, боланинг комил инсон бўлиб улғайиши ва ўз тенги – ўз баҳтини топишига масъул экан, тутинган ота билан қадрдон дўст ота ўрнида оталик қилишса нима бўпти, бу иш масъулиятгина эмас, мажбурият ҳам-ку! Қолаверса, бу ерда, тағин таъқидлаймиз, асосий гап шунчаки ошиқ-маъшуқнинг баҳтини топиши ҳақида эмас, тил деб аталаувчи тенгсиз мўъжизага чинакамига эгалик-эгаманлик бўлиш устида кетмоқда! “Устоз отангдек улуғ” деганлариdek, чинакам сўз санъаткорига кўпинча ўз отаси эмас, айнан тутинган ота мақомидаги пири комил ва қадрдон дўст-ёрлар ҳаёт ва адабиёт тугунини ечувчи – кўр-қутга элтувчи ёрдам қўлини чўзсалар, не ажаб! Боб сўнгидаги Ҳасанали билан Зиё шоҳичининг савол-жавоби замираида ҳам теран тагмаънолар бор. Ҳасанали савол сўрайди: “Маним ҳам бирга борганим маъқулми, ёки ёлғиз ўзингиз?” Зиё шоҳичи жавоб қайтаради: “Сизнинг боришингиздан зарар йўқ”. Ҳа, шундай. Кўпинча у ёки бу сўз санъаткорининг тарихий тақдирида ва мурод-мақсадга етишида ота-она эмас, зиёли замондошлар ҳал қилувчи ўрин тутади, бу сўз санъаткори алоҳида ихлос кўйган (“Бобурнома” муаллифидек!) ғойибона пири муршиддан эса, табиийки, фойда бўлса бор, лекин зарар йўқ! Ҳасаналининг андишасини тушунса бўлади: ичдан қараганда Ҳасанали Отабекнинг тутинган отаси, лекин сиртдан қараганда у бор-йўғи бир қул. Одатда хўжайн қулнинг тақдирини белгилайди, аксинча эмас. Зиё шоҳичининг жавобидан эса икки маънони уқиш мумкин: Отабекнинг айнан Мирзакарим қутидорнинг қизига ошиқлигини аниқлаганлик масъулияти Ҳасаналида эканини ҳамда унинг Отабекнинг маънавий отаси эканини ўзи ҳам, Мирзакарим қутидор ҳам яхши билгани учун.

Шундайликка шундай, бироқ барибир, муаллиф тагмаънони деб юза маънога путур етказиб, ўзбекнинг миллий ўзига хослиги ва асрий қадриятларига зид йўл тутаётгани йўқми? Юсуфбек ҳожи “Бу қанақа гап бўлди? “Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир” дегани-ку бу, ўғилни тарбиялаб вояга етказган мен билан онаси бир четда қолиб, сизнинг уйлантиришга қандай ҳаққингиз бор? Менга хушхабарини етказсангиз, биргалашиб ҳаракат қиласардик-ку!” сингари гапларни айтиб, Ҳасанали билан Зиё шоҳичидан ростдан ҳам аччиқланишга ҳақли-ку? Қолаверса, модомики, инсон жамият аъзоси экан, унинг жамият фикри билан келишмасликка ҳаққи ҳам, хуқуқи ҳам йўқ. Шундай экан, муаммо фақатгина ота-она ризолигида эмас, балки эл-юртнинг, жамиятнинг бундай ноанъянавий ҳолатга қандай қарашида. Зеро, “кенгашли тўй тарқамас” деганлариdek, отаси Юсуфбек ҳожи ҳам, онаси Ўзбек ойим ҳам юрт олдида қандай бош кўтариб юрадилар, “халқقا ақл ўргатиб, тўғри йўл кўрсатишдан аввал ўғлингни эплаштириб ол!” деган иснод-маломатга қолмайдиларми?! Ҳар қанча оғир бўлмасин, ишқ кўзини кўр қилиб қўйган Отабек ҳам, унинг ишқ ўтида ёниб телба-девона бўлиб қолганини кўрган Ҳасанали, Зиё шоҳичи, Мирзакарим қутидор ва бошқа тегишли кишилар ҳам қўпам ҳиссиётларига берилмай, ақл ва мантиқ билан иш тутишлари зарур эмасмиди, келгусидаги фожиалар мана шу ҳиссиётга берилиш, ўзбилармонлик ва шошқалоқлик оқибатида келиб чиқмадимикан? Бу ерда, худди буюк эпосимиз “Алпомиш” достонидагидек, ўзбекнинг ўзлиги яққол бўй кўрсатиб турибди, дейиш мумкин. Маълумки, “ўз” ўзагидан “ўзбек” сўзидан ташқари яна бир қатор сўзлар ҳам ясалган. Масалан, ўзак, ўзан, ўзлуғ, ўзар-ўзғир-ўзағон, ўзибўлар, ўзбилармон, ўзбошимча. Шунга яраша анчагина халқона иборалар ҳам бор. Ма-

салан, “Алпомиш” достонидаги “Бўшалса ўзади ўзбекнинг оти” сатридаги “ўзар, ўзғир, ўзағон от”, “Ўзи хон, кўланкаси майдон”, “Ўзи ўзига хон, ўзи ўзига бек”... Биз истаймизми-йўқми, ўзбекнинг табиатида ўзғирлик, ўзакдошлик (туркий халқларни ўзида бирлаштириш, марказлаштириш, ўртоқлаштириш) каби фазилатлар билан бирга ўзбилармонлик, ўзбошимчаликдек “қўндоқда теккан касаллик” ҳам бор ва бу дарди бедаво бу халққа ҳамиша қаттиқ панд бериб келган. Табиийки, бу қизиқ феъл энг буюк ва яшовчан халқ қаҳрамони – халқона қаҳрамон Насриддин Афандида аниқ кўзга ташланади. Латифаларда Афандининг ўзбилармонлиги гоҳ унга қўл келиб, оқибатда ўзи ҳам, бошқалар ҳам тилакларига етсалар, гоҳ нокулай келиб, оқибатда ўзи ҳам, бошқалар ҳам кулги-масхарага қоладилар... Агар “Алпомиш” достонидаги “китоб ўқиб ўтирган” (бу ўринда муқаддас китоб ҳақида гап кетаётгани айтилмаса-да, англашилиб туради!) Ҳакимбекдан закот ҳақида эшитган отаси, юртбоши Бойбўри ўзбошимчалик қилмай, укаси Бойсари ва юрт аҳли билан кенгашганида, кейин Бойсари ҳам ўзбошимчалик билан қайтарлик қилишнинг ўрнига акаси билан муносабатларни аниқлаштирганида, бутун бир эпосда тилларда достон қилинган кўргиликлар юз бермаслиги мумкин эди, албатта. Худди шундай, тутинган ота Ҳасанали ҳам, дўст Зиё шоҳичи ҳам, Мирзакарим қутидор ҳам, ҳаттоки бош қаҳрамон Отабек ҳам ўзбошимча табиати ва “ўзини кўрсатиб қўйиш иштиёқи”га асосан иш кўрадилар ва бунинг жабрини етарли даражада тортадилар ҳам! Хуллас, Отабек ота-она розилигини олмай, уларга нисбатан ноҳақлик-зулм қилди, дейиш мумкин. Ҳойнаҳой, ўғилнинг мана шу кенгашсиз иши учун кейинчалик Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойим урфодатга кўра тўла-тўқис, эл қатори тўй қилиш истагида бўладилар. Яъни, йўл қўйилган хатони ўзларича тузади.

тишга уринадилар. Лекин афсуски, “қош қўяман деб, кўз чиқарди” деганлариdek, энди хатолик ота-онадан ўтади. Чунки улар ўғлиниг кўнглига қарши бориб, у ва бўлажак келини Зайнабга нисбатан зулм қиласидилар. Бунинг фожиавий оқибати маълум. Бунга қўйида ҳали батафсил тўхталамиз.

“Қутлуғ бўлсин” деб аталган саккизинчи бобда қутидорнинг уйида совчи бўлиб ўтирган Ҳасанали билан Зиё шоҳичи ўзлари холи қолганларида униси “Тақдир битган бўлсин-да” деб орзиқади, буниси “Иншоолло битар, шундоқ йигитни куёвликка қабул қилмаган бир кишини биз одамга санамаймиз” дейди. Бу гаплардан биринчиси тақдир, яъни, умр савдоси бандасининг эмас, Яратганнинг иродаси эканини, иккинчиси эса, кимсан Юсуфбек ҳожининг ёлғиз ўғли Отабекка қайнота бўлиш ҳам ўзича бир улкан баҳт эканини уқтириб турибди. Баҳт бўлганда ҳам қутидор чин юракдан тилаган баҳт, севишганлардан ҳам олдинроқ қутидорга кутилмаганда кулиб боққан баҳт! Зиё шоҳичи Мирказарим қутидорга асл мақсадини шундай назокат ва андиша билан тушунтирадики, худди эпчил дорбоз дордан мувозанатни усталик билан сақлаб ўтганидек, ўқувчи Зиё шоҳичининг ҳам, демакки муаллифнинг ҳам чинакам сўз устаси эканига тан беради: “Муҳаббат деган нарса жуда оз кишиларга насиб бўладирған бир дурри бебаҳодир. Қадрдонингиз Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек бир неча кунлардан буён бениҳоя бир дард билан оғрир эди. Қўринишда унинг қули, аммо ҳақиқатда Отабекнинг маънавий шадари бўлған Ҳасанали ота унинг махфий дардининг асли омилини излайдир, бекнинг ўзи бўлса ўз ҳоли тўғрисида ҳеч нарса сездирмай дардин яширадир. Шундоқ қилиб, хўжасига ихлосли Ҳасаналининг тажрибали кузатишиданbekнинг махфий дарди узокқа қочолмай, натижада сир очиладир. Шариъат ишига

шарм йўқ, дейдирлар, ўртоқ, агарчи сиз билан менга бирмунча оғирроқ бўлса ҳам яна сўзлаб ўтишга ҳожат бор: кунлардан бир кун тақдир шамоли юрадир-да, бир кимсанинг ифрат пардаси остида ўлтурган қизининг юзидағи ниқобини кўтариб, иккинчи томондан бизнинг Отабекни шу афифага рўбарў қиладир..." Гап учинчи шахсада айтилганига эътибор беринг: қадрдо ни Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабек ишқ дардига чалинган, буни унинг маънавий падари Ҳасанали ота аниқлаб совчи бўлиб келган ва тақдир Отабекка "бир кимса"нинг қизини кўрсатган. Етарлича имо-ишоралардан туппа-тузук тушуниб турган бўлса-да, қутидор у кимнинг қизи эканини сўрайди ва Зиё шоҳичи "Сизнинг каримангиз" деб хulosса ясайди. Гарчи қутидор Отабекни күёв ўрнида ўғил қилиб олишни қаттиқ истаб турган бўлса-да, таомилга кўра онаси билан кенгашиш кераклигини айтади. Ўйлаб қарасангиз, уларда нафақат очиқкўнгиллик ва кўнгилчанлик, балки юксак бир ички маданият, оқиллик, фаҳм-фаросатлилик, умр йўлдошига иззат-икром сингари юксак инсоний қадриятлар ҳам бўй кўрсатиб турибди. Бироқ шундай фаросатли одамнинг "Отабекнинг ота-онаси розими, оқ фотиҳаларини берганми?" деб "бир оғиз" сўрамаганини қандай тушуниш мумкин? Отадан изн олмай дабдурустдан ўғилга ота бўлиш иштиёқими, нима ўзи бу? Ўзбекона андиша ва мулоҳазакорликдан далолат бўла оладими бу?

Қутидор билан Офтоб ойимнинг совчиларга боғлиқ маслаҳати шунчалик табиий ва жонли чизиб кўрсатилганки, ундан Офтоб ойимнинг қутидордек маданиятли, оқил ва меҳрибон инсонга муносаб умр йўлдоши эканини яққол тую оласиз. Айниқса, "Марғилондан олиб кетмаслик шарти билан рози бўлинг" деган талаби ва Отабекнинг мусофирилигига боғлиқ сўзлари бу аёлнинг ўйчанлигини кўрсатиб турибди.

Лекин у ҳам “Бундай ўзбошимчаликни Юсуфбек ҳожи ва айниқса, Ўзбек ойим қандай қабул қилас экан?” дея зифирча иккилланмагани, бу хусусда ўйлаб ҳам кўрмаганини оқлаб бўладими? Боб сўнгидаги мезбон тилидан айтилган “Тўйлар муборак бўлсин!”, унга жавобан айтилган “Сизга куёв ўғил муборак бўлсин!” ва ниҳоят, сўнгги тилак – “Қутлуғ бўлсин!” – булар яхши тилаклар, яхшиликдан нишоналар, албатта. Лекин бу ўзбошимчалик ва шошма-шошарлик билан қилинган яхшиликлар (ота-онасиз унашув!)нинг охири ростдан ҳам қутлуғ бўлармикан, охиривой бўлмасми экан, ота-она бу унашувга унармикан, ақалли кўнармикан? Кутидорнинг иши қутлуғми ёки қуткуми? Бунисини энди олий синчи бўлган вақт кўрсатади.

Уч ярим саҳифа ва икки бўлакдан иборат тўққизинчи боб шунинг учун ҳам “Қаршилаш” деб аталадики, унда аввало тўй қаҳрамонлари – бўлажак куёв билан келин ўз тақдирларига боғлиқ хушхабарни қарши олади, қолаверса, икки бош қаҳрамоннинг руҳий ҳолатлари бир-бирларига қарши қўйилади. Гап шундаки, бобнинг биринчи бўлаги Отабек, иккинчи бўлағи эса, Кумуш теварагида айланиб-ўргилади. Унаштирув, тўй хушхабарини етказиш олдидан тутинган ота – Ҳасаналининг орзу-ҳавасларини ўқиган китобхон таъсиранмай қолмайди: “Бечора! Суйганинг тўғрисида ўйлай-ўйлай бошларинг оғриб, оҳлар тортиб ётадиргандирсан... Ёрдамчинг йўқлиғидан умидинг кесилиб, ҳасратингни кимга айтишни билмайдирғандирсан! Қайғирма, бегим! Ҳасанали отанг у тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармади... Бу кеча сенинг қайғулиқ кечаларингнинг энг кейингиси ва ойдинлик ҳам шеъриятлик тунларингнинг арафасидир, бегим! Ёшим олтмиш тўртка етди, ўғлим-қизим бўлмади... Дунёдан чароғчисиз бораман... Дарвоқиъ Отабек менга ўғуллиқ қиласми, хотини менга қиз бўлмасми,

уларнинг болалари мени “бобо” деб кетимдан югурмасмикинлар? Тупроқ осталарида унутилиб ётқан кезларимда: “Бир вақт Ҳасанали отамиз ҳам бор эди” деб ёдласалар, яхшилиқ билан эсласалар етар менга шу”. Халқ “Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди” деб билиб айтган. Тутинган ота Ҳасаналининг бу тушуниши-ю сидқидил тилаклари туғдирган ота Юсуфбек ҳожининг тушуниши-ю тилакларидан ортиқ бўлса ортиқки, сира қолишмайди. Ҳатто, айтиш мумкинки, бутун асар давомида Юсуфбек ҳожи ўғлиниг ошиқ қўнглини Ҳасаналичалик тушунолмайди. Ёзувчи Ҳасаналининг руҳий ҳолатини кейинги гапда яна-да ёрқинроқ чизиб кўрсатади: “Отабекдаги сукут, хаёл, фикр каби ҳолатларни юлиб-юлқиб олиб, улар ўрнига чечак доналари экиб, умид сувлари сепмакчи бўлган Ҳасанали: “Энди муборак бўлсин, сизга” – деди”. Бу гапдаги “Ҳасанали”ни Хизр алайҳиссаломга, “умид сувлари”ни “тириклиқ суви”га ўхшатса бўладигандек. Отабекнинг сўлғин ҳолатини гуллатиб-яшнатадиган тириклиқ суви-да улар. Отабекнинг “Нима муборак бўлсин?!” деган саволига Ҳасаналининг “Сизга иффатлик ва севимлик рафиқа билан қутидордек қайнота, Ҳасаналига келин”, деган жавоби Отабекни баттар довдиратиб қўяди. Ҳасаналидан ўзини қутидорнинг қизига унаштириб келишганини эшитганида Отабек “Қайси қизиға унашиб келдингиз?” деган биргина саволдан нарига ўтмайди. Аввалги бобда Мирзакарим қутидор била туриб “У кимнинг қизи эмиш?” деб сўраганидек, бу ерда энди Отабек қутидорнинг ёлғиз қизи борлигини билса-да, содда-муғомбирлик билан сўраб турибди. Гарчи ичидаги қарши кучлар жунбушга келган бўлса-да, у Ҳасаналига “яхши қилибсизлар” ҳам, “чакки қилибсизлар” ҳам демайди, деёлмайди. Ҳаммасидан кўра сукут сақлашни, тақдир измига бўйсунишни, андиша ва истиҳола қилишни маъқул

күради. Мирзакарим кутидор ич-ичидан Отабекни қүёв қилишга юлқиниб турган бўлса-да, совчиларга хотини билан кенгашиб олиши кераклигини айтганидек, Отабек ҳам ғишт қолипдан кўчганини фаҳмлаб, аслида кутидорнинг қизига уйланишга жон-жон деб турган бўлса-да, эҳтимол, бунинг оқибатларини чуқурроқ ва ҳар томонлама ўйлаб қўрмоқчи бўлган-дир. Ҳасанали эса, унинг сукутини кўниши деб билиб, Зиё шоҳичи билан тўй кенгашларини қилишни айтади. Шундан кейин ҳам, кейинги бобларда ҳам ана ўша "кенгаш" тилга олинмайди – бутунлай четлаб ўтилади, бош қаҳрамон руҳиятидаги мажхул бир ҳолатни қайд этиш билан бобнинг биринчи бўллаги тугайди: "Отабекнинг устида хурсанд ва хафалиги мажхул бир ҳолат бор эди. Унашиш масаласига қарши тушмаганидек, севинчини ҳам ошкор қилмади". Нега севинчини сездирмаяпти, севинмаяптими ё? Наҳот биттагина саволдан бошқа саволи бўлмаса? Ўғил уйлантиришдек ҳар бир ота-онанинг қонуний ҳаққи-хуқуқидан кўра-била туриб кўз юмиш, балки, тутинган ота Ҳасанали, қадрдон дўст Зиё шоҳичи, бўлажак қуда Мирзакарим қутидор ва бўлажак қудағай Офтоб ойимлар учун мумкин бўлса мумкиндири, бироқ муаллиф ҳам, барча қаҳрамонлар ҳам суйиб-ҳавасланиб қарайдиган, ҳар томонлама етук ва баркамол бош қаҳрамон Отабекнинг Ҳасаналига "Сизни отамдек қадрлайман, бироқ туққан ота-онамнинг розилигисиз, улардан бемаслаҳат уйланишга ботинолмайман. Бу ишимизга отам Юсуфбек ҳожи билан онам Ўзбек ойим, қолаверса, кўни-қўшни, эл-юрт қандай қарайди? Мен ҳам эрта бир кун уларнинг юзларига қандай қарайман?" қабилицадаги саволларни бермагани унинг нафақат ошиқи бекарорлиги, айни чоғда, ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзбошимчаликка мойиллигини кўрсатиб турибди. Муаллифнинг Отабек руҳиятида содир бўлаётган қара-

ма-қарши түйғуларни, ўй-хаёлларини, теварагидаги воқеаларга муносабатини етарлича очиб кўрсатмагани ўқувчи кўнглини ҳам бир қадар синиқми-ғаш қиласди.

Бу ерда бошқа жиҳат ҳам йўқ эмас. Маълумки, шўро тузумининг сиёсатида “озодлик”, “тенглик”, “ота-онага қарамлиқдан озод бўлиш”, “шахс эрки”, “эркин муҳаббат” сингари талай шиор-чақириқлар, аслида – туб моҳияти бузғунчилик бўлиб, ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган ёш-ёш йигит-қизларни “Ёши улуғлар билан ўйлашиб-кенгашиб ўтирмасдан ўйингга келганини қилавер, ана ўшанда бахтли бўласан!” қабилидаги қутқуларга солар, натижада нафақат “синфий курашдаги қарама-қарши кучлар”ни, балки ўғил-қизни ота-онага, кичикни каттага зимдан қайраб, не бир мустаҳкам оилани ҳам хонавайрон қилиб, шу орқали ўзининг ғаразли ниятларига етишга уринар эди. Мана шундай бир пайтда бош қаҳрамон, замона қаҳрамони сифатида мақталаётган ва ҳамманинг кўзини қувнатиб турган Отабекнинг ота-онасидан bemaslaҳat уйланиши, худди унинг Шамай сафари таассуротлари сифатида “ўриснинг идора усули”ни мақташи каби, хукмрон сиёsat тегирмонига кўра-била туриб сув қуяётганга ўхшайди.

Бобнинг иккинчи бўлагида қутидорнинг уйидаги тўй тараддуди ва бу “хушхабар”га Кумушнинг муносабати шунақсанги жонли чизиб кўрсатилганки, ўқувчи Кумушнинг безовта қалбини юракдан сезиб туради, шу билан бирга, унинг айнан нима учун безовта-бехаловат ва тажанглигини билолмайди. Аввалига Кумуш ўзидан бесўроқ уни узатмоқчи бўлганларига ажабланади. Сўнг Тўйбекадан ўзини айнан кимга узатишмоқчилигини билгач, баттар хуноби ошади. Тўйбеканинг куёвни қўкка қўтариб мақтаганига ҳатто “Оҳ, ўламан, кўп сўзлама!” деб ҳайқиради. Офтоб ойим буни қизи-

нинг уятчанлигига йўяди. Бироқ аввалги боблардаги воқеаларни хаёлидан ўтказган ўқувчи «ё Кумушнинг кўнгли Отабекда эмас, ё у ҳали Отабекка ошиқлигиги-ни ўзи билмайди» деган гумонга боради. Бу қандай дардки, ариқ бўйида ўтириб, сувгагина айтилса? “Түшингни сувга айт” деган гап бор. Сирдош-маҳрами йўқ одам боласи тушини ҳам, хафалигини ҳам, хурсандлигини ҳам сувга айтиб, у билан хаёлан сирлашиши мумкин, албатта. Кумушнинг дарди нима ўзи? Боб шундай бир сир-синоатли имо-ишора билан ўзининг ҳадди аълосига етади: “Кумушнинг дардини ҳеч ким билмас, унинг хаёлига ҳеч ким тушунмас, магар шу ариқ бўйи тушунгандек, билгандек... Сирли ариқ бўйи унга нималарнидир сўзлар, ундан нималарнидир тинглар, бунга четдан ҳеч ким воқиф бўла олмайдир-да, бўлмоғи ҳам мумкин эмас”.

“Тўй, қизлар мажлиси” деб номланган ўнинчи боб баайни икки табақали эшикдек (арабча “боб” сўзи “эшик, дарвоза” деган маънони англатади) икки бўлакдан ясалган. Биринчи бўлакда қутидорнинг ташқи ва ички ҳовлисида ўтаётган тўй манзаралари, шунингдек, ёлғиз қизини узатиб, ўн саккиз йиллик орзуси ушалаётган она Офтоб ойимнинг аҳвол-руҳияси уста санъаткор қалами билан ёрқин рангларда чизиб кўрсатилади. Унаштирилганидан бўён ўтган етти кун (етишган кун, етилган кун, етказган кун!) бўйи чиройи очилмаган, қаршинча, тўхтовсиз йиғлаб-сиқтаган қизининг аҳволи ва бунинг асл сабабини билолмай куйиб турган Офтоб ойимнинг кўпни кўрган кайвони хотин билан сухбати ва бош-оёқ сарпо ваъдаси билан келишуви, нима деса бўлади, “Қассобга мол қайғуси, эчкига жон қайғуси” деган аччиқ истеҳзоли мақолни беихтиёр ёдга солади. Начора, Кумушнинг дардини онаси Офтоб ойим, онаизорнинг дардини қайвони эгачи ҳис қилиш ва тушунишдан ожиз!

Икки бўлакдан иборат бобнинг “Тўй” бўлагига нисбатан “Қизлар мажлиси” бўлагининг ўлчами уч баравар катта-ёв! Бу табиий. Модомики, тўйнинг бош сабабчиси Кумуш экан, модомики, у “лолалар ичидаги бир гул ва ё юлдузлар орасидаги тўлган ой”дек мажлиснинг ўзига хос ўзаги бўлиб ўтирган экан, “гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси”нинг қоқ ўртасида гул-гул ёниб ўтирган ана ўша бош қаҳрамонга асосий диққат-эътибор қаратилиши табиий-да!

Агар “Қизлар мажлиси” асарнинг энг гўзал боби, бу мажлисда ўтирган Кумуш мажлис аҳлининг энг гўзал малаги бўлса, унда келтирилган “Йиғларман” ғазали ҳам ошиқона ғазалларнинг энг гўзали десак, орттирган-бўрттирган бўлмаймиз. Умуман, “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романларида келтирилган ғазалларни буюк Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг ўлмас “Қисасул анбиё” асарида, хусусан, асарнинг энг гўзал қисми – “Юсуф алайҳиссалом қиссаси”да келтирилган ғазалларга чоғиштириш мумкин. Гап мазкур ғазалларни, аслида, асарлар муаллифлари, яъни, носирларнинг ўзлари ёзганидагина эмас, балки уларнинг ўзбек ғазалчилигининг энг мумтоз, энг сода, энг тўқис намуналаридан эканлигига ҳамдир.

Келинг, ушбу ғазални яна бир карра тўла ҳолда ўқиб-уқайлик!

Ўртоқларим, қўлга олсам торимни,
 Беихтиёр ёдлайдурман ёrimни!
 Бир кўриниб яғмо қилган кўнглимни,
 Қайтиб яна кўролмадим ёrimни.
 Агар қўрсам эди яна ёrimни,
 Бағишлардим унга йўғу боримни!
 Билурмикан, билмасмикан у золим:
 Кунлар, тунлар тортган оҳу зоримни!

Чинни айтинг, ўртоқларим, менга сиз,
 Қайта бошдан қўрарманми ёримни?
 Кетди тоқат, кетди сабрим... кетдилар...
 Синдиарман уриб ерга торимни!

Агар Рабғузий ҳазратлари насрни қўйиб, фақат-гина шеър ёзиш билан машғул бўлганида, дейлик, “Юсуф алайҳиссалом қиссаси”даги наврўзга бағи-шланган ўзбек шеъриятидаги энг гўзал ғазални ёза олган бу шоир буюк мутафаккиримиз Алишер Наво-ийдан қолишмайдиган улуғ шоир бўлиши муқаррар ғиди. Худди шундай, агар Абдулла Қодирий “Ўткан қунлар” ва “Мехробдан чаён” романларининг ўрнига мазкур ғазал ва ё Анвар билан Раъононинг баҳри байти сингари мумтоз ғазаллар ёзиш билан машғул бўлга-нида, бу улуғ носир Отойи, Лутфий, Навоий, Бобур ва Машраблар қаторида тура оладиган улуғ шоир бўли-ши муқаррар ғиди! Начора, Қодирий, худди Рабғузийга ўҳшаб, насрни шеъриятдан ортиқ кўрди ва айни чоғда, насрға бетакрор бир шоирона руҳ бағишлиади. Келти-рилган ғазалнинг ўта соддалиги, қуймалиги, пишиқ-лиги, тўқислиги, энг муҳими, айни қизлар мажлисида ўтирган Кумушбиби қалбининг ўзига хос тиниқ кўз-гуси эканини шарҳлаб кўпдан-кўп бетларни тўлди-риш мумкин! Бу ўринда икки ҳолатга эътибор беринг! Кумуш мўлтайиб ўйга чўмиб ўтирган бўлиб, қўшиқчи қизлар ғазалнинг илк байтини куйлаганларида у бир сесканиб тушади-да, уларга қизиқсиниб қарайди. Бай-тдан-байтга унинг қароғи кучайиб, ҳатто жиққа ёшга тўлади. Унинг бу қарашида орзиқиши, хавотир, армон, илтижо, нажот, умид, хотирлаш, кўмсашиб ва яна кўпгина ҳис-туйғулар бирваракайига зухур кўрсатади. Кейин-ги “Кутилмаган баҳт” бобидан сўнг ўқувчи бу қараш-нинг асл моҳиятини англаб етади, бир кўришда ошиқ бўлиб, кўнглини олдирган Кумушнинг аҳвол-руҳияси-

ни ҳис қила олади. Газалдаги “тор” ва “ёр” радифлари камида икки маънони ўзида ташийди: ҳам кўнглини изҳор қилиш, кўнглини “ёр”иш воситаси бўлган “тор” асбоби, ҳам “ёр” фироқида асаблари-ю сабр-бардоши таранг “тор”тилганини. Газал торни қўлига олишдан бошланиб, ёр кўйида ҳасратга тўла куйдан сўнг торни ерга уриб синдириш билан тугалланадики, гўё Кумушнинг кўнгли чил-чил бўлиб сингандек. Кумушнинг ёнида ўтирган қизга осилиб йиглашга тушиши бош қаҳрамон кўнглида кечётган туғён-эврилишларнинг гўзал бадиий ифодаси!.. Қизлар мажлисининг якунида қизларнинг янгаларга “йўқ, биз Кумушбибини сизларга бермаймиз!” деб ўйнаб айтган сўзлари бош қаҳрамонга чинdek бўлиб туюлиши, маъсуманинг “янгалар билан уйдан чиқар экан, кўмак сўрагандек қизларга термулиб қараши” тасвиrlанган гап эса, айтиш мумкинки, ўз бадииятига кўра бу оламдаги ҳеч бир шоҳбайт ва шоҳона фарддан қолишмайдиган гўзал тасвир! “Чўкаётган одам чўпга ёпишади” деганларидек, ўзини тақдир ҳукмига топшириб турган маъшуқанинг қизлар ўйнаб айтган сохта манзиратни рост деб ўйлаши ва улардан нажот кутиши! Қанчалик табиий, қанчалик маъсумона, қанчалик гўзал! Сирасини айтганда, “оға-ини адиблар” (Қодирий ва Чўлпон) нинг “оға-ини романлар”и (“Ўткан кунлар” ва “Кеча ва кундуз”)даги “опа-сингил”лардан Кумушбибининг ҳозирги руҳий ҳолати Зебинисанинг ҳолатига нақадар ўхшаш! Ҳар иккови ҳам табиий, ҳам гўзал, ҳам маъсума. Ҳар иккови ҳам ўз севган ёрига эмас (Кумушбибининг хаёлида, Зебинисанинг ўнгидат), ўзгага зўрлик билан узатиласяпти. Ҳатто ҳар икковининг ҳаётлари фожиавий тугаши... Аммо бу романлар – ишқ достонларининг якунлари бир-биридан кескин фарқланади: биринчисида Кумушбиби ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, ёрига етишиб қўрли-қутли бўлди, иккинчи-

сида эса, Зебиниса ёрига етишолмай қўрсиз-қутсиз бўлди; Кумушбилининг севгилиси Отабек уни зўравонларнинг чангалидан қутқариб олиб чиқа оладиган бирламчи қаҳрамон, Зебинисанинг севгилиси Үлмас уни зўравонларнинг чангалидан қутқариб олиб чиқа олмайдиган иккиламчи қаҳрамон...

Кейинги, ўн биринчи боб “Кутилмаган баҳт” деб аталади. Унда шу пайтгача қаҳрамонларни ҳам, ўқувчини ҳам ўйлантириб келаётган бир неча тугунлар бирваракайига ечилиб, сирлар очилади. Ўзбекнинг “тўйга етказсин”, “ўғил-қизингизнинг тўйини, роҳатини кўринг”, “тўйингизда хизмат қиласай”, “тўйгача битиб кетади”, “Тўй устига тўй бўлсин, бало-қазо йўқ бўлсин” каби қутлуғ тилаклари, “Тўйнинг “бўлди-бўлди”си қизиқ, Келиннинг “келди-келди”си қизиқ”, “Тўйнинг овозаси карнайидан маълум”, “Тўйнинг бўлса, томошагўй топилар”, “Тўйганга – тўй, тўйманга – томоша”, “Мақтанганинг уйига бор, керилганнинг тўйига бор” каби мақоллари кўрсатиб турибдики, халқимиз учун тўй энг улуғ ва энг қадрли маросим. Чунки “тўй” ўзи емай едириб, ўзи ичмай ичириб, минг машаққат билан ўғил-қиз ўстириб, тарбиялаб балофатга етказган ҳар бир ота-она учун узоқ кутилган, орзу-ҳавас қилинган, унум-ҳосилини кўрадиган, ўғил-қизнинг баҳтини тўйиб-тўйиб туюдиган кундир! Ота-она билан бир қаторда ўғил-қизни ўстириб, тарбиялаб, тўйга етказишда ўзининг катта улушини қўшган эл ҳам нафақат еб-ичиб, балки шу эл болаларининг қадди-камолини, эл қаторига қўшилганини кўриб туюдиган кун бу! “Бу ҳаётдан армон билан кетма, бутун умр орзу қилган ниятингга етгин, қилган эзгу амалларингга совға сифатида берган неъматларимга тўйгин, тўй, бандам!” дея Тангри ҳам ёрлақаётгандек. Демак, барча учун кутилмаган баҳтарга тўла боб бу! Рус киноси усталари яратган “Ду-

шанбагача бир гап бўлар” бадиий филмининг қаҳрамонларидан бири, ўрта мактабни битириш арафасида турган бўлажак шоир биргина гапли иншо ёзди: “Сени тушунсалар – шунинг ўзи баҳт!” Дарҳақиқат, одам боласи учун бу оламдаги энг катта баҳт мана шу! Мазкур бобдан яна англашиладики, ошиқ билан маъшуқанинг хоҳиш-иродаси уларни қуршаб турган мардум (чунончи, тутинган ота, қадрдон дўст, бўлажак қайнота ва қайнона), хуллас, ота ва онадан бошқа ҳамманинг хоҳиш-иродасига тасодифан мос келиб қолгани ҳам баҳт, ҳатто айтиш мумкинки, кутилмаган баҳтнинг энг каттаси мана шу! Зотан, Тоҳир билан Зухра, Фарҳод билан Ширин, Вомиқ билан Узро ва бошқа севишганлар яшаб ўтган олис тарихларда ҳам, яқин ўтмишимизда ҳам, бугунги кунда ҳам улар ўртасида баайни Қоработирдек “оқ гул билан қизил гул ўртасидаги чақиртиканақ”, ўтиб бўлмас ғов ва тўсиқ бўлиб турганлар озмунчами! Юзаки қараганда ҳамма бир-бирига узукка кўз қўйгандек ярашиқли икки севишганнинг бир-бирларига етишиб, қовушиб, баҳтли-саодатли бўлишини астойдил истайдигандек, лекин, аслида, ҳар ким ўз кўмочига кул тортганидек, севишганлар атрофидаги мардум кўпинча ўзининг шахсий манфаати йўлида уларнинг шахсий ҳаётига дахл қилиб, керак бўлса, шахсий баҳти-саодатига чанг солишдан ҳам қайтмайди! Шу нуқтаи назардан қараб, бир кўришдаёқ бир-бирларини илоҳий муҳаббат билан севиб қолган икки ошиқ кўнгилнинг висол оқшоми қойилмақом тасвирланган бобнинг ўзи ҳам ўқувчи томонидан кутилмаган баҳт сифатида қабул қилинса, эҳтимол. Зотан, бутун бир роман бошдан то охир мисли кўрилмаган бир завқ-шавқ билан мутолаа этилади, лекин айни шу “Кутилмаган баҳт” бобини ўқиши чоғида китобхон бошидан ва кўнглидан кечирган туйғуларни фақатгина завқ-шавқ дея таърифлаш

камлик қиласы, бу руҳий ҳолатни “қизиқиши-ёқтириш, мафтунлик-маҳлиёлик, ошиқлик-шайдолик” дәе таърифлаш түғрироқ бўлади.

Боб Кумушбибидан ваколат олишнинг қийин бўлганини айтиш билан бошланади. Унинг амакиси Мұхаммадраҳим Йўлдошга ўз ваколатини беришга аранг ризолик билдиргани унинг нозини эмас, аслида, норизолигини, ўз севгилисига эмас, ўзгага ёр бўлаётганидан сиқилаётганини кўрсатади. Бунинг сабаби эса, куёв ва келин тўйгача бир-бирларини расман кўрмаганликларидир (гарчи улар бир-бирларини яширинча кўрган бўлсалар-да, гарчи йигит қизни билса-да, қиз йигитнинг айнан ўша ўзи кўрган йигит эканини билмайди), яъни улар бир-бирларига расман юзлашиб-рилмаганликларидир. Бугунги ўқувчига бу ҳолат ғалати туюлса, эҳтимол. Чунки “ҳар ким суйган ошини ичади” деганлариdek, бугунги куннинг одатига кўра ёш йигит ва қиз ўз яқинлари, масалан, амма-холалари ҳамроҳлигига бир-бирлари билан юзлашиб гаплашадилар, токи улар бир-бирларини кўрсинлар ва синасинлар. “Кечки соат бешларда қутидорнинг ҳовлиси тўрт кўз билан куёв келишини кутадир. Куёв учун наловлар, қуюқ-суюқ ошлар, неча турли неъматлар ҳозирланиб, булар ҳам куёвнинг интизорида турадилар”. Бу тайёргарликлар куёвнинг келиб келинни олиб кетиши учун эмас, балки тўй қутидорнинг уйида ўтказилмоқчилигини билдиради. Бунинг сабаби – Отабек Марғилонда карвонсаройда яшайди, ўз уйи йўқ, ўша замонларда ҳозиргидек тўйхонаю ресторандар, табиийки, бўлмаган, шунинг учун тўйни қайнотасининг уйида ўтказишга мажбур. “Ошларини еб бўлсалар ҳам, жўрттага, куёв кўриш учун ўтирган маҳалла кишилари бир-бирларини туртишиб: “Тузук-тузук, куёвликка арзигундек, чаки-чаккига тушмабди; олма-ю анор!” – дейишидилар”. Юқорида айтганимиздек, тўйчиликлар-

нинг бош мақсади ош ейиш эмас, балки күёв-келинни күриш, уларнинг нақадар бир-бирларига мос эканини, баҳтини кўриб қаноатланиш, яъни тўйиш ва уларнинг кўша қаришлари, ували-жували бўлишларини тилаб дуои-фотиҳа қилишдир. “Кўп тортишқандан сўнг, қуидаги маблағлар маҳр қилиб белгуланадирлар: уч юз олтин пул, бундан кейин олиб бериш ваъдаси билан Марғилондан ўрдадек бир ҳавли, соғиши учун сигир, асбоби рўзгор...” Асарда “маҳр” сўзига шундай изоҳ берилган: “эски одат бўйича куяв томонидан келинга тўланадирған пул, мол-ашё бўлиб, бир қисми нақд, қолгани кейинчалик тўланиб келинган”. Бу гандаги “эски одат” иборасини шўролар замонида “эскирган одат, истеъмолдан чиққан одат, эскилик сарқити” деб талқин қилинган. Аслида, ёзувчи буни “кўҳна, кўп вақтдан бери турган, қадимдан сақланиб қолган” деган маънода қўллаган, албатта. Араб тилидаги “маҳр” ўзбекча “қалин”га бирмунча мос келади. Гарчи “маҳр” келинга, “қалин” келиннинг ота-онасига бериладиган мулк бўлса-да, ҳар иккиси, моҳиятнан олиб қараганда, янги рўзғорнинг бисотини қалинлаштиришга, оиланинг “қаловини топиш”га, мулк устига мулкни қалаштиришга қаратилган. Қалин ўз номи билан қалин-да, ахир!.. Домла “Сизким, Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли, Кумушбиби Мирзакарим қизини ўзингизга шаърий хотинликка қабул қиласизми?” дея Отабекдан қайта-қайта сўрайди. Аслида Отабек биринчи сўроқдан кейиноқ розилигини билдирадар эди, бироқ халқнинг “ўлиб турган экан!” деб ўйлашидан чўчиди. Таомилга кўра, уч бор сўралгандан кейин розилик бериш кераклигини яхши билса-да, у учинчисигача сабри етмайди. Тўғрироғи “энди олмас экан” деб ўйлашларидан чўчиб, иккинчи саволдан сўнг “қабул қилдик!” дея барала айтади. Шундан сўнг бир неча соатлик тўй зиёфати, Отабек таъбири билан

айтганда, “томуқ мажлиси” ниҳоясида куёвни чимилдиққа киргазадилар. Илк висол онлари ҳаяжонининг тасвири нақадар шоирона! “Уйнинг тўрида ёнини Отабекка бериб, рўмолининг учини тугибми, йиртибми Кумушбиби турадир ва ким келди, деб ёнига қарамайдир. Рўмол тугиш билан машғул латиф қўлларни чет қўл келиб сиқди:

– Жоним!

Кумушбиби бегона қўлдан сесканди ва қўлларини кутқазмоққа тиришиб:

– Ушламангиз! – деди ҳам сиқувчи қўлдан қутулиш учун орқага тисланди.

Титраган ва қовжираган бир товушда:

– Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?! – деди бек, Кумушбиби шу чоққача қарамаган ва қарашни ҳам тиламаган эди. Мажбурият остида, ёв қараш билан секингина душманига қаради... Шу қарашда бирмунча вақт қотиб қолди. Шундан кейин бир неча қадам босиб Отабекнинг пинжига яқин келди ва эсанкираган, ҳайжонланган бир товуш билан сўради:

– Сиз ўшами?

– Мен ўша! – деди бек. Иккиси ҳам бир-бirisига беихтиёр термулишиб қолдилар”.

Шундан сўнг келтирилган “икки лаб ўз-ўзидан бир-бirisига қовиши”, “Кумушбиби Отабекнинг юзига узоқ тикилиб турди-да: – Кутимаган бир баҳт!

– деди ва ўзининг исмидек бир нарсанинг товуши каби қилиб кулиб юборди. Бу қулиш ҳовлиларгача эшитилди” деган гаплар кўпдан кутилган висол ва кутимаган баҳт тасвирининг ўзига хос чўққиси! Кумуш “Сиз бўлғанинғизни билганимда бошқача қаршилар эдим” ва Отабек унинг билагига узук таққач, “Мен сизга ҳеч нарса ҳам ҳозирламаған эдим...” дея узр сўрагандек бўлади. Отабек Кумушбибининг лаблари устидаги қора холидан ўпиш беришини сўрайди ‘ва

Кумушбиби қизаринади... Парнографияга оғиб кетмagan ҳолда висол онларини бундай назокат-у нафосат билан шоирона тасвирлаш камдан-кам ёзувчига мұяссар бўлади, албатта. Шу билан бобнинг биринчи бўлаги якунланиб, иккинчи қисқа бўлагида Отабек ва Кумушнинг илк тасодифий учрашувлари Отабекнинг Марғилонга келганининг иккинчи куни содир бўлганининг тафсилотлари айтилади. “Шундай қилиб, икки ёшнинг ҳам соғ муҳаббатлари қовишиш билан натижаланади”.

Кези келганда икки муаммони айтиб ўтиш лозим. Халқ эртак ва достонларида ошиқ маъшуқаси васлига етишиш учун минг бир тўсиқларни енгиб, йўлида тоғчиқса кемириб, сув чиқса симириб, арслон, дев, аждар ва бошқа маҳлуқларни йўқ қиласди-да, шунинг эвазига ёрига эришиб орзу-тилагига етади. Шу нуқтадан қараганда, роман қаҳрамонлари Отабек ва Кумуш қандай каромат кўрсатдилар, бир ёқда Отабек, иккинчи ёқда Кумуш оҳ-воҳ қилишдан бошқа қандай амалий ҳаракат қилишди, фаоллик эмас, сустлик қилишмадими, деган саволлар туғилиши табиий. Эҳтимол, уйлангач, ўз уйини, оиласини сақлаш учун жонбозлик кўрсатиб, курашишганини айтиш мумкинdir. Бироқ унда ҳам ютуққа тўла эриша олишмайди-ку. Бас, шундай экан, Отабек билан Кумуш эртагу достонларда мақталган қаҳрамонлар билан нечоғлиқ бўйлаша олади? Буни синчи ўқувчининг ҳукмига қолдириб, иккинчи муаммога ўтамиз. Отабекнинг ўзбек йигитларига хос орият, ғуур, нафсоният сингари қадриятларга тескари, ўзига ва умуман, “бош қаҳрамон”, “замонамиз қаҳрамони” деган улуғ номга доғ туширадиган бир “қилмиши” ҳам китобхоннинг беихтиёр ёшланган кўзларига кўринмай қолади чоғи. Унинг масалага бошқачароқ (сергакроқ, туйғунроқ, ўйчанроқ...) қарашига имкон бермайди. Масалан, шундай ўйларга: “Ие, кимсан

Юсуфбек ҳожининг ёлғиз ўғли, катта савдогар, ориятли эр йигит, ота-онасидан бекенгаш уйлангани етмайдандек, худди ўзининг шахсий манфаати йўлида ҳар қандай ишдан тап тортмайдиган етимча-етти кулчадек, қайнотаси Мирзакарим қутидорнинг уйига ичкуёв-кучуккуёв бўлиб кириб бордими, нима бало?! Ё Марғилондан бир данғиллама уй сотиб олиб, бўлажак умр йўлдошини шу уйга туширди, яъни, том маънода “уйланди”ми? Уйсиз қандай уйланиш бўлади, ахир?! Тўғри, маҳрга турли мол-мулк қаторида Марғилондан ўрдадек бир ҳовли олиб бериш ваъдаси билан уйланяпти, бироқ бу моҳиятни ўзгартирадими? Унинг қайнота уйида ичкуёвлигини тўртта ожизанинг қуршовида бир елкадош эркакка зор Мирзакарим қутидор суюна-суюна кутиб олса, кутиб олгандир, лекин... ориятли ўзбек йигити ҳақида аниқ қарашга эга қайнона Офтоб ойим-чи? Қандай кутиб олди экан? Ичкуёвлик жаҳон айвонидаги баъзи бир халқларда одатий ҳол, ҳатто ўзига хос шараф, агар қайнота-қайнонанинг мартабаси юқорироқ бўлса, унча-мунча йигит етиша олмайдиган юксаклик, орзу, кутилган ва кутилмаган баҳт. Шунинг учун ҳам уларда қайнона-келин эмас, аксинча, қайнона-куёв муносабатлари теварагида кўплаб латифалар тўқилган, лекин ичкуёвликни ўзининг йигитлик шаънига ҳақорат, кечириб бўлмас уят деб қаровчи ўзбек йигити ҳам... қайнотасининг уйига ичкуёв бўлиб кириб борса!.. Бундай йигит ҳавас қиласа арзигулик бош қаҳрамон ва замонамиз қаҳрамони бўла оладими?! Бу қанақаси?!

Агар Отабек қайнотасининг уйига ичкуёв сифатида кириб борган бўлса, бундай тақдирда, масалан, кейинги бобда тасвирланган Ҳомиддинг чақимчилиги, аслида, чақимчилик эмас, балки ўч олиш ва адолатни тиклаш дея тушунилиши ҳам мумкин! Ўзингиз ўйлаб кўринг! “Тошкентдан бир олғир йигит келиб,

бутун Марғилон аҳлини мафтун-маҳлиәттеган шаҳарнинг энг гўзал қизини бир кўришдаёқ ўзига ром қиласа, буниси етмагандек, унинг уйига ичкуёв сифатида кириб талтайиб ўтириб олса, бу қандай олғирлик, устомонлик, ярамаслик, ноҳақлик, ҳатто, айтиш мумкинки, жиноят бўлди?! Наҳот жиноят жазосиз қолиб кетаверса?!” Агар Кумушбибига ошиқи бекарор бир уйланмаган йигит Ҳомид қилган чақимчиликни қиласа ва ўз қилмишининг асл сабабини юқоридаги саволлар билан изоҳласа, бундай тақдирда Отабекми ё ўша йигит – ким ҳақроқлигини жиддийроқ ўйлаб кўриш керак бўлади. Афтидан, шунинг учун ҳам муаллиф Отабекнинг ашаддий рақиби – икки ўртадаги “чақиртиканак” – тўсиқ, ғов сифатида икки хотини устига учинчисини олиш кўйида юрган хотинбоз Ҳомидни танлайди. Бу ерда ҳам, чамаси, ҳукмрон сиёсатнинг талаби ва муаллифнинг бу сиёсатга мослашгани яхшигина кўриниб турибди. “Ўткан кунлар” романидан олдин ва кейин яратилган “Бой ила хизматчи”, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон” сингари бир қатор асарларда кўпхотинлиликни кескин қоралаш ҳукмрон сиёсат талабига кўра ўзига хос одат тусини олган эди. Шу сабабдан ҳам, агар “Бой ила хизматчи” драмасида СолиҳбойFaфурнинг хотини Жамилани иккинчи хотин сифатида олмоқчи бўлса, “Қутлуғ қон”да Мирзакаримбой жияни Йўлчи уйланмоқчи бўлган Гулнорни учинчи хотин қилиб олади. “Кеча ва кундуз”да эса, Акбарали мингбоши Зебинисани тўртингичи хотин қилиб олади. “Нима учун дини исломда “Агар эркак ҳамма хотинларига адолат кўзи билан қарай олса, тўрттагача шаръий хотин олиши мумкин” деган қоида жорий этилган? Бу, аслида, яхшими ё ёмонми? Жамият учун хотинбозлик-фохишабозлик кўпроқ фожиа келтириб чиқарадими, ё кўпхотинлилик? Масалан, “Кеча ва кундуз” романидаги мустамлакачи Ноиб тўранинг “Акбарали

аҳмок! Тўртта хотин олиб, бошини ғалвага қўйгунча биттга хотин олиб, бемалол тараллабедод қилиб айшингни суравермайсанми!" қабилидаги ўйларида у ҳақими-ноҳақми? Бундай қараш турфа хил бузуқликларга кенг йўл очиб бермайдими?!" Шундай саволларни ўртага кўндаланг қўйиб, масалага ҳар қандай сиёсатдан холи, холис кўз билан қараш қарийб бир аср муқаддам мумкин эмас эди, албатта. Хўш, бугун, асар яратилганига тўқсон йил бўлганида жиддийроқ ўйлаб кўриш керак эмасми?!

"Чақимчилик" деб номланган ўн иккинчи бобда қора Ҳомид Отабекнинг қутидор қизига уйланганидан қаттиқ ғазаблангани, шунинг учун қўрбошига Отабек ва Мирзакарим қутидор устидан чақимчилик қилгани тасвирланади. Бу орқали у бир ўқ билан икки қушни урмоқчи! Бошқача айтганда, икки тўсиқни бирйўла ошиб ўтмоқчи! Яъни Кумушнинг ҳам эрини, ҳам отасини ўртадан кўтариб ташлаб, унга эга чиқмоқчи! Ҳомид Кўқонда юргани учун Отабекнинг Кумушга уйланганини орадан етти кун ўтибина эшитади. Алами келганидан икки хотинини яхшигина калтаклади. Унинг бу қилифи ҳам хотин зотига бағритошлигини, ҳам хотинлари қиёфасида Кумушдан ўч олаётгандек бўлишини кўрсатади. Золим эридан куйган хотинлари ҳам унга ич-ичдан ўлим тилайдилар. Қора Ҳомид ўйлай-ўйлай бир шумликни топади. У қўрбошига "қорачопонлиқлар ҳануз тинч ётмай, юртни қипчоқ оғаларға қарши оёғландирмоқчи бўладирлар..." Биз бундай бузуқилар ёлғиз Тошканнадаги Азизбек билан унинг йўлбошчиси бўлған Юсуфбек ҳожи деб билган эдик. Бироқ уларнинг уруғи бизнинг Марғилонға ҳам сочилған экан" дея Отабек ва Мирзакарим қутидор устидан чақимчилик қиласди. Қаранг, Ҳомид юртдаги сиёсий аҳволнинг танглигидан усталик билан фойдаланяпти, яъни у томонда Тошкент ҳокими Азизбек ва

унинг кенгашчиси Юсуфбек ҳожи Кўқонга қарши исён қилган, бу томонда ҳожининг ўғли Отабек Марғилондаги мажлисларда хукуматдан норози эканини очиқ айтяпти! Бироқ қора Ҳомиднинг чақимчилиги шунчаки чақимчилик эмас, балки туҳмат, сабаби у “Мажлиснинг бошлиғи бўлған Отабек қипчоқларнинг зулм ва таъаддисини... сўзлаб, Марғилоннинг ҳам мундан сўнг оёққа қалқиши кераклигини айтди... Мажлис аҳли, айниқса, Мирзакарим унинг сўзини кучлаб тушди” дея Отабекни исёнга ундовчикек кўрсатиб ўзидан кўшиб-чатади. Эл “сув балоси, ўт балоси, туҳмат балосидан Ўзинг сақла” дея бежизга айтмаган. Қора Ҳомиднинг туҳмати шунақангি балоки, нафақат Отабек билан Мирзакарим қутидорни дорга остириши, балки қипчоқ ва қорачопоннинг бир-бирига адоватини янада кучайтириши, натижада эл аҳволини баттар оғирлаштириши мумкин эди. Кўрбошининг мажлис кимнида бўлгани ҳақидаги саволига Ҳомид довдирайди. Чунки у поччаси билан жиянини бу можарога аралаштирасликни истайди. Шунинг учун у кўрбошига “нозик бир жой эди” дея ўнтacha олтин пора беради. Бу билан ҳам қариндошларини, ҳам ўзини қутқармоқчи, сабаби улар Отабекка ён босишлари, яъни унинг исёнга тарғиб қилмаганига гувоҳлик беришлари орқали Ҳомид туҳматчига чиқиб қолиши мумкин эди-да. Иккинчи бобда Отабек “Фақат бундан фойдаланувчилар икки халқ орасига адovat уруғини сошиб юргувчи бир неча иғвогар бошлиқларгинадир” деб айни мана шу сотқин кўрбошига ўхшаган бошлиқларни айтганини кўриш мумкин.

Биз кўпинча ёзувчини ошириб мақтаб бошласак, кўл етмас (танқид қилиб бўлмас) юксакликларга кўтариб қўямиз-да, унинг ёзганини истисносиз бир ибрат намунасига айлантириб ташлаймиз. Бу билан издош ёзувчининг олдига ошиб ўтиш ўта қийин бир ясама

төң, бузилмас тўсиқ қўяётганимизни ўзимиз ҳам англаб етавермаймиз. Ҳомиднинг ўйга чўмган ҳолатига ина бир бор эътибор қилинг: “Шу ҷоқда унинг тузидан йиртқичлик, бир гуноҳсизнинг устига ҳужумга ҳозирланган ваҳшийлик белгулари кўрилур эди. Ҳар ҳолда, ул яхшилиқка эмас, қандоғ ҳам бўлса бир ваҳшийликка йўллар, режалар излар эди. Охири унинг юзида истеҳзалик бир илжайиш кўрилди-да, бир нарсага қарор қўйгандек бир ҳаракат ясади ва ўрнидан сакраб туриб қолиқдағи кирлаб кеткан салласини қўлиға олди ва ҳовлига чиқди”. Агар келтирилган жумлага ақл кўзи билан қараб, уни холис текширсангиз, кўрасизки, Абдулла Қодирий ҳам, тўғри, маҳорати беназир ёзувчи, лекин уни бенуқсон, беками-қўст, деб айтольмаймиз! Бир гапда деярли ёнма-ён такрорланган учта “бир” да иккита “ва” сўзлари, шулар каби имловий-услубий гализликларни қўя турайлик, қаҳрамонни “йиртқич”-дан олиб “ваҳший”га солиш... муаллифнинг унга холислиги ва ҳақгўйлигидан далолат бера оладими? Майли, Ҳомид хотинбоз, модомики, хотинбоз экан, унининг шахсий манфаати ва айш-ишрати йўлида ҳар қандай йиртқичлик ва ваҳшийликдан қайтмайдиган бир нокас дейлик, лекин у... аслида, қўлидан иш келадиган уста-хунарманд, ақлли, бой, икки хотиннинг эри эмасми?.. Бинобарин, “Нима қиляпман ўзи? Бу ошкора тухматим нафақат яқин қариндошларим Зие шоҳичи билан Раҳматга, балки ўз бошимга ҳам бало бўлиб ёғилмайдими мабодо?” дея зиғирча ўйлаб кўриши керак эмасми? Тўғри, кўрбошининг Ҳомид учун кутилмаган “Мажлис кимницида эди?” деган саниполидан (Нега энди “кутилмаган”, ахир, бу ўта табиий санол эмасми? Ҳомид кўрбоши олдига келаётганида режасини пухта ўйлаб олмаганми?) у тараддуланиб “мажлис ўрнини айтса, поччаси билан жияни Раҳматнинг ҳам қўлға тушишлари аниқ ва бунинг билан у

ўз оёғига болта қўйган бўлар эди" дея ўйлаб мажлис жойи ва ўз қариндошларини яширади-да, бунинг эвазига кўрбошига олтинлар беради. Лекин, тергов чоғида барибир мажлис жойи билан унинг барча иштирокчилари фош бўлишини Ҳомид англамасмиди? Яна шу ҳолга эътибор берингки, Солиҳбойнинг Жамила-га, Мирзакаримбойнинг Гулнорга, Акбарали мингбoshининг Зебинисага уйланиш режаси орқа-олдини ва оқибат-натижани бойларга хос ақл билан ўйлаб пишитилган, ўзини оқлайдиган, ишончли асосларга эга бўлган пишиқ-пухта режа эди. Ахир, уларнинг қўллари шу қадар узун, анави хотинларнинг эри билан отаси-ю севганининг эса, аксинча, қўллари шу қадар қисқа хизматчи, қарол, сўфи, аравакашки, оқибати ўзи учун ҳам, ўзи уйланётган қиз билан унинг ота-онаси учун ҳам хайрли бўлишига шак-шубҳа йўқ! Лекин Ҳомиднинг икки хотин устига учинчи хотин қилиб айнан Мирзакарим қутидордек бойнинг қизи, бунинг устига, кимсан Юсуфбек ҳожидек давлат одамининг ёлғиз ўғлига куни кечагина шаръий хотин бўлган Кумушбиини олиш йўлида йиртқичлик ва ваҳшийлик қилишдан қайтмаслигини нима билан изоҳлаш мумкин? Анави бойларнинг қудрати билан ўзининг қудратини чоғиштириб, қилаётган ишининг оқибатини жиддийроқ ўйлаб кўриши керакми-йўқми? У, гарчи ўзини ошиқи бекарор қилиб кўрсатишга уринса-да, аслида, Кумушни севмаслиги аниқ, кўнглида "Марғилоннинг энг гўзал қизи"ни учинчи хотин қилиб олиш иштиёқидан бошқа нарса йўқ, бас шундай экан, бу бой ўзи ва бошқа бойларнинг ҳолларини чамалаб кўриб, қалтис йўлга юриш ўрнига, тақдирга тан бериб, замонавий қўшиқда айтилганидек, "Сен бўлмасанг, бошқаси!" дея, ўзига учинчи хотинликка бошқа бир гўзални – қўли қисқароқ бир йўқсулнинг қизини мўлжал қилиши ҳаётий ҳақиқатга яқинроқ. Қуйидаги гаплар

шамирида ётган фикрларни салмоқлаб кўриб, уларни аслли одам айтаётганига ишонмайсиз: “Жаноби падарни аруси шоҳаншоҳи Мусулмонқул баҳодир замони идолатларида ҳам қорачопонлиқлар ҳануз тинч ётмай, юртни қипчоқ оғалариға қарши оёғландирмоқчи бўладирлар, ишни яна тадбирсиз қорачопонлар қўлига олиб, мамлакатни бузғунлиққа солмоқчи бўладирлар... Биз бундай бузуқилар ёлғиз Тошканддаги Ализбек билан унинг йўлбошчиси бўлған Юсуфбек ҳожи деб билар эдик. Бироқ уларнинг уруғи бизнинг Марғилонға ҳам сочилган экан. Биттаси – машҳур булуқи тошкандлик Юсуфбекнинг ҳозирда Марғилонда турғучи ўғли – Отабек исмлиқ бир йигит, иккинчиси – унинг ҳаммаслаки ва қайин отаси бўлған Мирзакарим қутидор!”

Тагин такрорлаймиз: бу гаплар шунчаки чақимчилик эмас, ижтимоий мавқеи ўзидан баландроқ иккита бегуноҳ жонни мавжуд ҳокимиятга қарши исён ўюнтиришда айблаш, ўтакетган туҳмат, учига чиққан бўхтон! Ҳомид жуда яхши билиши керакки, аввало бўлажак қайнотаси Мирзакарим қутидор устидан туҳмат қилиш ғоят табиий равищда унинг қизига уйланиш имконини йўққа чиқариши аниқ! Қолаверса, ҳамма замон ва маконда амалдаги ҳокимиятга қарши исён ҳамиша ана ўша ҳокимият томонидан ўта шафқатлилик билан бостирилган. Нафақат исёнчилар, мавжуд ҳокимиятга қарши норозилик кайфиятида юрганилар, ҳатто бу норозиларга яқинроқ юрган мутлақо бегуноҳлар – жонли гувоҳлар ҳам аёвсиз қириб ташланган! Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий “Ултирур маҳрамни султон ганж пинҳон айлагач” шоҳ сатрини бежиз ёзмаган! “Урушда туриш йўқ” дегандаридеқ, ниҳояти ганжина (бойлик)ни яшириш эмас, ҳокимият талашлари ва ҳокимиятни қўлда маҳкам тутиб туришда раҳмдиллик-қўнгилчанликка ўрин

йўқ, шафқатсизликка эса, чек-чегара йўқ! Масалан, Сталиннинг номига боғлиқ қатлу қирғинлар “акси-линқилобий ҳаракат, совет ҳокимиятига қарши кураш иштирокчиси” сингари айловлар билан амалга оширилгани барчага мълум. Бундай ишларда, “Ўрмонга ўт кетса, ҳўл-у қуруқ баравар ёнади” деганлариdek, ҳамиша бегуноҳлар ҳам гуноҳкорларга қўшилиб ёппасига жазоланаверган. Ҳомид ошкора тухмати оқибатида ўзи ҳам жабр кўриб, бирорвга қазиган чуқурга ўзи ҳам ийқилиши мумкинлигини билмайдиган даражада гўлми ё? Гўл бўлса, қандай бойиб, қўш хотинни қандай тутиб турибди?!

Хуллас, демоқчимизки, бу ўринда бўлиши эҳтимолдан йироқ ҳодисалар ҳукмрон сиёsat талаби ва муаллифнинг хоҳиш-иродасига кўра “бўлиши мумкин бўлган ҳодиса” сифатида бериляптики, ёзувчига хос беқиёс тасвир маҳоратининг шарофати билан аксарият ўқувчи бундай ғоявий-бадиий жиҳатдан заифроқ ўринларни сезмай, бу ҳақда ўйлаб ҳам ўтирамай, шиддатли воқеаларнинг қизиқарли тасвирига мафтун-маҳлиё бўлганча ўтиб кетаверади.

Ҳомиднинг оқибатини жиддийроқ ўйлаб кўрмай қилган ошкора тухмати ва берган олтиналарининг кучи билан “Қамоқ” деб номланган ўн учинчи бобнинг биринчи бўлагида Ҳолиқбек қўрбоши Марғилон ҳокими Ўтаббой қушбегига “Давлатлари ёри берса, ҳукуматимиз учун қўрқинч бўлган бузуқилар уясини топгандекман... дунёда қорачопонликлардан ҳам кучлироқ бузуқилар бўладими?..” қабилидаги ваҳимали гаплар билан бу “бузуқилар” – “бузғунчилар” рўйхатини беради. Қушбеги уларни дарҳол тутиб келтиришга буюради. Иккинчи бўлакда эса, қушбеги Отабек билан қутидорни, аникроғи, асосан Отабекни тергов қиласди. Отабек ўзининг ҳам, отасининг ҳам бир-бирларини қириб-йўйиб турган уришқоқлардан на қорачопонлар,

на қинчоқларга тарафдор эмаслигини, “бу икки томон бир-бirisидан мумтоз, идора ишида бири-биридан ортиқроқ халқлар эмас” лигини таъкидлаб, ўзларини “ҳар икки томоннинг иш бошига интилганлардан” на “фақат эл таламак, бойлик орттирмоққагина бўлган гараз” ли тоифага, на “кўркли хотинлар, юқори турмушлар учун бўлган мақсад” ли тоифага, балки “элни тинчитай, эл ҳам роҳат тирикчилик қилсин” деган учинчи бир олий мақсадли тоифага мансублигини ўқтиради, лекин бундай куйиб-ёниб, юраги ўртаниб ўқтиришлар йтаббой қушбегидек нисбатан адолатпарвар ҳокимга ҳам кор қилмайди. Натижа шу бўладики, ўлим жазоси кейинга қолдирилиб, қамоқ жазоси тайинланади. “Ҳар ҳолда, сизнинг яхши ниятли кишинар бўлмаганлигингиз кўзимиз ўнгидадир, – дейди қушбеги. – Шунинг учун то ҳақиқат ошкор бўлгунчалик ҳар иккингиз зинданда қоларсиз!”

Мазкур бобни ўқиб, ўзаро қарама-қарши икки уришқоқ тарафдан на унисига, на бунисига ён босмай, ҳар қандай тўқнашувларда холис туриш, ҳамиша тинчлик-тотувлик йўлини тутиш нечоғлик қийинлигини теран туясиз. Айниқса, қандайдир бир кўзга кўринмас кучларнинг кутқуси билан бутун бир халқ “қорачопон” ва “қипчоқ”қа, “сарт” ва “келгинди”га, “шаҳарлик” ва “қишлоқи”га, “бой” ва “камбағал”га, шуларга ўхшаш фаразли ниятларда қоқ икки тарафга бўлиб-айириб ташланган, ҳар икки томоннинг олонига ёғ сепиб турилган бўлса! “Орачига олти таёқ” деганлариdek, бу икки томоннинг орасига тушиб, уларни муросага келтирмоқчи бўлган тинчликпарварнинг бошида таёқ синавериши тайин! Одатда олти таёқдан атиги иккитаси бир-бирлари билан савашаётган икки “душман”га, ундан икки баравар кўпроқ – тўрттаси эса, уларни бир-бирларига зимдан тижкижлаб турган “бошлиқ”ларга тегишли бўлади!

Мана шу бобдаги воқеалардан сүнг ўқувчи Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабекка ёзган хатидаги “сиёsat түғриларида ўйланиброқ сўзла!”, “мулоҳаза қилиб оёғ бос!” дега уқтиргани нақадар ўринли ва ҳаётий эканига амин бўлади. Айниқса, халқ тақдирига мастьул кишилар нима деб, нима қўяётгандарини аввалдан яхшилаб ўйлаб кўришлари шарт. Токи Ҳомидга ўхшаган бузғунчилар, айирмачилар, хуфялар, балоҳўрлар бундан қинғир ишларида фойдаланолмасинлар. Хўш, энди, бундай вазиятда ким қаердан қандай нажот қидириши керак бўлади?

Нажот ҳамиша ақли бутун, донишманд, тадбиркор инсондан! “Нажот истаб Тошкандга” деб аталган ўн тўртинчи боб, айтиш мумкинки, асарнинг энг қисқа бобларидан биридир. Бу табиий. Куни кечагина обод ва гавжум уйдаги икки эркак бараварига қамалиб, қолган тўртта ожиза йиғига зўр беришдан бошқага ярамай турганида, нажот йўлини қидириб топиш, гарчи кекса қул бўлса-да, ягона эркак Ҳасаналининг зиммасига тушиши, бундай танг вазиятда кўп гапга ўрин йўқлиги табиий-да! Яқиндагина “Ўғлингизни ўйлантираверайми, тақсир?” деб бир оғиз сўрашни ўйламаган Ҳасанали энди ўзи нима қилишни билмай боши қотганида асл отага – тегирмондан ҳам бутун чиқишига қодир тадбиркор инсонга “Ана, қамоқдаги ўғлингизни ўзингиз кутқаринг!” дейишга мажбур! Бобдаги Ҳасанали тилидан айтилган халқ мақолига айланадаётган “Ажалингнинг етиши қилган ёзиғингдан эмас – бек акангнинг қонсираши!” деган гапи нафақат Ўтаббой қушбегига, балки ўша даврдаги Азизбек, Мусулмонқул ва бошқа каттаю-кичик золим бекларга, ҳатто айтиш мумкинки, барча даврларга тегишли. Бу гапни “Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урап ҳар боб билан” деган ҳикматли гапга қиёслаш мумкиндек. Бунда арбоб, яъни халқ томонидан сайланган расмий,

давлат одами ҳам ўз манфаати йўлида ваколатини суюистеъмол қилиши ҳеч гап эмаслигига ишора бор.

Навбатдаги ўн бешинчи боб (“Тошканд қамалда”) аввалги бобдан атиги бир жумлага кўп! Чунки Тошкентдаги аҳвол Марғилондагидан ҳам тангроқ, зотан, қамал балоси қамоқ балосидан ҳам қўрқинчлирок! Унда тасвирланган манзаралар эса, ҳар қандай зиндан минг карра даҳшатлироқ. Тошкент қамалининг эллик биринчи кунида эрталабдан бошланган қонли тўқнашув натижасида “Камолон дарбозаси билан Смарқанд дарбозасиғача бўлган қўрғон ослари бошсиз ва иштондан бошқаси туналган инсон гавдалари билан тўлибdir! Бу очиқ мозористонни қўрғон кунгиралири устида мудофаадан сўнг чарчаб, қуёшда жилиниб ўлтурган саллалик, қалпоқлик ва попоқлик Тошканд мудофиълари минг турли шодликлар ичида томоша қиласидирлар”. Тасаввур қиляпсизми: пастда – бошсиз инсонларнинг қарийб яланғоч майитлари, тепада эса, уларни минг турли шодликлар (!) ичида томоша қилаётганлар! Буниси ҳали ҳолва! Қўрғон ичкарисида манзара баттар қуюқлашади: “Биз яна эллик-олтмиш одим юриб ҳалиги сўзлашиб турган беклар яқинига борсак, қўрғон ташқарисида кўрган даҳшатларимизни ўзининг кўланкасида қолдиртурган яна бир “даҳшатлар тепаси”га кўзимиз тушадир-да, қўрқувимиздан соатлаб хушимизни йўқотиб қўйишга мажбур бўламиз. Уч-тўрт юз инсон бошидан турғизилган бир тепа!” деб ёзилади бобда! Давомида бу танасидан жудо этилган жонсиз каллаларнинг жонли тасвири, табиийки, яна-да ёмонроқ! Истар-истамас ўйлаб қоласиз: мана буни чинакамига ваҳшийлик, йиртқичлик, даррандалигу газандалик деса бўлади! Ростдан ҳам тарихда – бундан қарийб икки аср муқаддам азим Тошкентимизда шундай даҳшатли воқеа ҳаётда содир бўлганми экан, ё муаллиф муболаға қиляптими? Бир пайтлар шўро

тузуми сиёсатдонлари Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларини минглаб инсон каллаларидан баланд-баланд “хирмон”лар тиклаган ашаддий қонхўр, ёвуз бир кимса сифатида таърифлаб, ҳатто Верешагин каби рассомлар чизиб, Бородин каби ёзувчилар ёзиб кўрсатиб, халқни ишонтиришга ўзларича роса уринган эдилар. Бу “Россия империяси Туркистонни ўзига қўшиб олиб, ваҳшийликларга чек қўйди ва ҳақни қарор топтириб, адолатни тиклади” дея ўз босқинчилигини оқлаш ва асл ҳақиқатни хаспўшлаш учун жуда-жуда керак эди! Юқорида келтирилган тасвиirlарда ҳам ҳукмрон сиёсат талабларига жавоб бериш, шу йўл билан халқ дарди ва аҳвол-руҳияси ҳаққоний акс эттирилган шоҳ асарини тезроқ ёруғликка олиб чиқиш мўлжали йўқми экан? Бир муғомбир одам “Ҳақиқатни паст овозда айтсанг, ҳеч ким ишонмайди, ёлғонни баланд овозда айтсанг, ҳамма ишонади” деганидек, асарнинг ишончлилик, таъсир кучини ошириш мақсади йўқми экан бу ўринда? Одам боласи бошсиз ва ҳатто қарийб яланғоч танани кўриб шодланиши, шунингдек, юзлаб танасиз бошлардан тепа ҳосил қилиши учун нақадар ёвуз бўлмоғи керак?! Наҳотки атиги икки аср муқаддам икки минг йиллик тарихга эга Тошкентда мана шундай ёввойилар, ваҳшийлар яшаган бўлсалар?! Бир пайтлар Шўро сиёсати “пешволари” ўзларича жаҳон меъморчилик маданиятининг беқиёс намуналари бўлмиш осмонўпар минораларимизни аzon айтилиб мусулмонларни беш вақт намозга чорлаш, қолаверса, тинчлик-осойишталикни сақлаш учун ташқаридан келаётган душмандан огоҳ бўлишдек энг олижаноб мақсадларда бунёд этилган бу ноёб курилмаларни бегуноҳ одамлар ерга ташлаб ўлдириладиган қатлгоҳлар сифатида талқин қилган эдилар. Бундай ёвуз усувлар бошқа империяларга ҳам хос бўлган! Масалан, қадимги Майя тамаддуинининг Миср эҳромларидан қолишмай-

диган эҳромлари ҳам, гарчи йил-ой ҳисоби учун қурилган бўлсалар-да, империячилар тарафидан улар қатлгоҳ сифатида талқин этилган! Юқорида келтирилган тасвирлар асл ҳақиқатга зид, лекин мавжуд сиёсатга керак бўлгани учун ҳам муаллиф уларни имкон қадар қисқароқ қилишга урингандир? Бобнинг қисқалигига сабаб балки мана шундадир?..

Худди шу ўн тўрт ва ўн бешинчи бобларнинг қисқалиги каби, “Азизбек” деб номланган ўн олтинчи боб билан “Юсуфбек ҳожи” деб номланган ўн еттинчи бобнинг ёнма-ён келтирилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Гап ҳоким билан унинг отабегининг ҳамиша ёнма-ён юришидагина эмас, асосий гап бу икки одамнинг қанчалик бошқа-бошқа олам, бир-бирининг тамомила зидди эканини, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини кўрсатишда. Масалан, униси каллалар хирмонини кўриб қанчалик суюнса, буниси шунчалик изтироб билан юзини четга буради. Униси дарвозани ташқаридан тақиллатиб отини ногоҳ чўчитиб юборган Ҳасаналини ўлимга ҳукм қилишга шайланса, буниси “Бизнинг кишимиз эди” дея хокисорланиб-эланиб унинг жонини сўраб олади. Айниқса, Юсуфбек ҳожининг Ҳасанали билан қилган савол-жавоби бу одамнинг қанчалик билга-билгамиш, соқчи-кўриқчи, авлиёсифат зотлигини кўрсатиб турибди! Марғилонда катта-ю кичик адолат кўриқчилари асл ҳақиқатни ойлаб тафтиш қилиб билолмай турганларида бу одам атиги икки-уч дақиқада Ҳасаналидан сўраб-сuriштириб, гап нимада – нима гаплигини, балонинг боши қайдалигини аниқ-тиниқ билади-кўяди! Лекин шундай одам ҳам “ўғлига ҳужум қилган бу фалокатнинг тадбиридан ожиз қолди, мияси ишлашдан тўхтади ва шундан сўнг “Парвардигор! Кексайган кунларимда доғини кўрсатма!” деди ва кўз ёшлари билан соқолини ювди”. Шундай ҳолатда ҳам (“мияси ишлашдан тўхтаганида”, яъни

боши қотганида ҳам!) Ҳасаналига тайинлайди: “Ҳасанали, унинг қамалғанини зинхор онаси билмасин!” Юсуфбек ҳожининг айни шу гапи, айтиш мумкинки, ўзбек ҳикоячилиги устаси Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий жиҳатдан энг зўр асарларидан бири “Асрор бобо” ҳикоясидаги ёлғиз ўғлидан қорахат олганини кампирига билдирамай, ўз ёғига ўзи қоврилиб юрган қаҳрамон, адаб ижодидаги энг донишманд инсон қиёфасини ёритишда ҳал қилувчи ижодий туртки берган бўлса, эҳтимол!

Тошкентда Юсуфбек ҳожи нима қилишини билмай ва дилидаги дардини энг яқин танмаҳрамига ҳам айттолмай чора излаб юрган бир пайтда – ўн саккизинчи бобда тасвир тағин Марғилонга кўчади-да, боб олдидан шундай бир хабар (табиийки, хушхабар эмас, шумхабар!) келтирилади: “...Бу кун соат ўн иккida Отабек ила Мирзакарим қутидорнинг исёнчилик гуноҳи билан дорға осилишларини жарчи шаҳарга хабарлаб юрар ва халқ оғзида Отабекларнинг эмиш-мемиш ҳикоялари эди”. Лекин “Жар” деб номланган бобнинг ўзида жарчининг фаолияти, яъни, жар солиш билан боғлиқ тафсилотлар эмас, бутунлай бошқа маънодаги жар (жарлик!) тасвирланади. Бинобарин, бобга қўйилган “Жар” атови бир неча маъноларни англатади: жарчининг жар солишини, тухматга қолган Отабек ва Мирказарим қутидорларнинг жарга қулашлари, яъни ўлимга маҳкум бўлганларини, тухматчилар Ҳомид ва қўрбошиларнинг ўzlари виждан азоби-ю гуноҳи кабиралар жарига яна-да чуқурроқ ботишлари ва ҳатто Отабекнинг қатл этилиши Тошкент билан хонлик ўртасидаги жарликнинг яна-да катталashiшига сабабчи бўлишини! Бобда икки тухматчи ҳамтовоқ ўртасидаги “қуюқ” суҳбат, аниқроғи, ҳисоб-китоб қаламга олинади. Ҳомиднинг ёлғонини қушбегига ҳақ-рост каби топширган қўрбоши, табиийки, ҳамтоворигидан бу

“хизмати” учун қўшимча ҳақ тاما қилади. Бу тамаси, табиийки, ошкора эмас, “ўзингни юз ёққа урсанг ҳам, тирикликнинг яна бир бошқа ямоғи чиқиб туриши...” дан зорланиш, яъни, аслида, эланиш, тиланиш шаклида бўлади. “Кўр кўрни қоронгида танийди” деганларидек, Ҳомид бу имо-ишорани яхшигина тушуниб, ўзининг “бегараз” кўмагини кўрсатади. Бунга жавобан кўрбоши “ҳукумат хизматида турғанингдан кейин юз ёқнинг мулоҳазасини қилас экансан...” деб ўз ҳадигини хўжакўрсинга ошкор қилади-ю, лекин Ҳомид ёнчиғидан чиқариб санаган олтинларни кўргач, бад нафсига қул бўлади. Муаллиф бу ўринда “тили бошқа, дили бошқа” кўрбошининг қиёфасини жонли тасвирлайди. Кўрбоши, яъни давлат қўриқчиларининг, мираншабларнинг бошлиғи бўлган ҳукумат ходимининг энг асосий бурчи юртнинг ички тартиб-интизомини, тинчлигини сақлаш, ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш ҳисобланади. Бироқ, Ҳолиқбек кўрбоши шу қадар худбин, нафси бузуқ, танбалки, Ҳомид ўғрини қўллаб-қувватлаб, икки бегуноҳ тўғрини бадном қилаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. Муаллиф кўрбошига “Ҳолиқ” деб бежизга от қўймаган, сабаби арабча “ҳалақа” (кесмоқ, қирмоқ, тарашламоқ) ўзагидан ясалган бу сўз кўрбошини ҳам, у бажараётган ишни ҳам характерлайди. Бироқ кескир пичоқни эзгу мақсадда ҳам, ёвуз мақсадда ҳам ишлатиш мумкин бўлганидек, кўп нарса кўрбоши лавозимидаги одамнинг асл ниятига, феълига, амалига боғлиқ. Ҳомид узатган олтинларни титраб-қақшаб жойлаштирган кўрбошининг балойи нафси, табиийки, уларга ҳам қонмайди-қониқмайди. “Поччангиз ила жиянингизнинг бу ишқа оралашиб қолғанлари ёмон бўлди-да!” дея “афсусланади”, яъни, қўшимча ҳақ талаб қилади. Шунга боғлиқ тортишишлар сўнгига бир тиниқ ва тагдор ҳолат чизмаси келтирилади: “Хоин ила сотилған кўзлар

түқнашдилар-да, бир-бирисидан маъно олишдилар ва орага бир неча дақиқа сўзсизлик, жимжитлик кирди". Айни лаҳзалардагина қўрбоши Ҳомид берган олтинлар, аслида, қариндошларни қутқариш йўлидаги чойчақалар эмас, балки "Отабек ила қутидорнинг қон баҳолари экан"ини сезиб қолади, яъни, хоин кўзлардан шу маънони уқиб олади! "Лекин қўрбоши "икки кишининг хун баҳолари!" деб қичқирмоқда бўлган виждан садосини эшитиб ўтирумади". Шу аснода Ҳомид қўрбошининг зиммасига яна икки ишни усталик билан юклайди. Бири – қариндошларига ҳукм чоғида нима дейишлари кераклигини тушунтириб қўйиш, иккинчиси – ҳукм чоғида Ҳомидни иштирок эттирмаслик, токи қотил мақтулларга юзма-юз келиб, сир очилмасин! "Еган оғиз уялар" деганларидек, қўрбоши бу ҳар икки жиноий ишни ўз елкасига олишга мажбур! Шундай қилиб, Ҳомид ўзи бошлаган жиноий ишининг бутун масъулиятини адолат посбонининг бўйнига усталик билан осиб, ўзи сувдан қуруқ, тегирмондан бутун чиқиб келади! Ўзини, ўзининг асл башарасини нафақат мақтуллари, ҳаттоқи қариндошларига ҳам кўрсатмай, бир чеккада "холис" томошабин бўлиб қолаверади. Шу қадар устомон – устаси фаранг! Бундай устомонликни кўриб, "Балки муаллиф Ҳомид қиёфасини чизиб кўрсатишида, аслида, муболаға қилмагандир – у Кумушни қўлга киритиш йўлида ўзининг мана шу чексиз устомонлигига ишониб, қутидордек бой ва Юсуфбек ҳожидек давлат одамидан ҳам зўроқ чиқмоқчи бўлгандир?" деган ўйга борасиз беихтиёр.

Ўн саккизинчи боб – "Хукмнома" асарнинг китобхон қалбини қаттиқ тўлқинлантирадиган, энг серҳаяжон бобларидан биридир. Негаки шу бобда Кумушбиби чинакам қаҳрамонлик кўрсатиб, ўз оталарини, яъни Отабеги билан отасини жар ёқасидан қайтариб, дор балосидан қутқаради-да! Унинг бу қаҳрамонли-

гига нафақат ҳукмбардор йтаббой қүшбеги, балки барча дўсту-дushman ҳам, бу ишқ достонини ўқиётган китобхон ҳам қойил қолиб, тан беради-да! Мана буни ёрга ошиқлик, ҳаққа ошиқлик, кичигу катта жиҳод, эртагу достонлардаги қаҳрамонлик деса дегудек! Умуман, Абдулла Қодирийнинг воқеаларни қаловини топиб ва кифтини келтириб ўта мароқли тасвирлаш, қаҳрамонларининг руҳий ҳолатларини жонли чизиб кўрсатиш маҳорати хусусида адабиётшунослигимизда кўп ёзилган. Дарҳақиқат, тенгсиз-беназир маҳорат бу! Масалан, мазкур бобда Марғилон шаҳри ҳокими йтаббой қүшбеги “ҳоқон ибн ҳоқон жаноби олий Худоёрхон исми шарифларидан” битилган ўз ҳукмномасини ўқиб эшилтиради. Бунга қарши Отабек “Ҳақсиз жазо!” дея “кулимсираб” қўяди, қутидор эса, “чин ўлик тусига” киради. “Кулимсираб” сўзини бир неча маънода талқин қилиш мумкин: тафтишнинг ҳам, ҳукмнинг ҳам юзаки, ноқақ, адолатсиз бўлганига заҳарханда кулиш, ўзларининг айбсиз айбордога чиқаётганига, “ҳақ бошни қилич кесмас” дея мағруона-исёнкорона кулиш, ўзининг ҳақ эканини исботлай олмагач, тақдирга тан бериб аччиқ-ғазабнок кулиш. Кўрбоши гап-сўзчувалашиб, бирон сир фош бўлиб қолишидан безовтабеҳаловат, шунинг учун у ҳукмни тезроқ ижро этиш илинжида аъёнларга қандайдир узун ҳикояни айтиб ўтирган қүшбенининг гапини бўлиб, “Дор остига бориб ҳукм ижроси вақтида ҳозир туришимга ижозатлари бўладирми?” – дея рухсат сўрайди. Бироқ, айни шу пайт қүшбеги қабулига бир хотиннинг bemavrid келишини кўрган кўрбоши, гарчи ўзининг кетишига рухсат берилган бўлса-да, хотиндан гумонсираб-хавфсираб даҳлизга чиқиб гап пойлайди. Хотин олиб келиб берган хатни унинг қистови билан тезроқ ўқиб чиққан қүшбеги ўрда қоровули Пирматга гуноҳкорларни дор остидан бўлса-да, зудлик билан қайтариб

келишга буюради ва “Буйруғимни кўрбошига айтсанг унар!” деб қўшиб қўяди. Ана шунда Пирмат даҳлиз томонга қараб, “Кўрбоши ҳам шу ердалар” дейди. Күшбеги уни чақиртириб, буйруғини унга ҳам тақрорлайди. Аммо кўрбоши хотинга қараб олиб, қүшбегидан “Сабаб, тақсир?” дея ҳукмнинг ўзгартирилиш сабабини ўзича билмоқчи бўлади. Яхшиямки, қүшбеги “Сабабини суриштирадиган вақт эмас, чоп дедим, чоп!” дея чўрт кесади. Йўқса, дорга осиш ҳукмини тезроқ бажармоқчи бўлган сотқин кўрбошидан ҳар балони кутиш мумкин!

Тасаввур қилинг, Отабек билан қутидорнинг жонлари қил устида турибди, ҳар бир сония ҳал қилувчи аҳамиятга эга, бир томонда қүшбеги билан кўрбоши азроил каби қонсираб туришибди, бошқа томонда Кумушбиби “нажот фариштаси” каби жон қўриш-сақлаш учун шошяпти, бир томонда қора Ҳомиднинг тухмат ва айловга тўла қора(лов) хати, бошқа томонда Юсуфбек ҳожининг тушунтириш ва сақловга тўла оқ(лов) хати. “Вақт – олий ҳакам” деганларидек, барча қаҳрамонлар олий ҳакам ҳукмига бўйсунадилар. Аввал хат олиб келган хотин тергов қилинади. У “кутидорнинг қизи, Отабекнинг хотини” эканини, хатни “шу бугун кўрганини”, хат Отабекнинг “эски камзулининг чўнтағида эканини”, “хатни ўқиганини”, отаси билан эри гуноҳсиз эканини, ҳақсиз жазоланаётганларини, хат эрини ўлимдан кутқаришини бирор ўргатмаганини, балки ўзи билганини айтади. Күшбеги Кумушга рухсатсиз гапирмаслигини тайинлаб, дор остидан қайтариб келинган Отабекни энди обдон тергайди. Натижада айбланувчилар оқланиб, ҳақиқат қарор топгандек бўлади. Бироқ энди Отабек ҳақиқатни тўла қарор топтириш мақсадида ҳокимнинг олдига шундай талаб қўяди: “Ҳозир сизнинг адолатлик ҳукмингиздан бир нарсани сўраймиз; ул шулдирким, бизнинг тўғри-

мизда ёмон мақсад билан сизга чақимчилиқ қилғу-
чи иғвогар ва ғаразгүлар бу мажлисга ҳозирлансин-
лар-да, ўзларининг машъум кашфларини ва кўрган-
шиттганларини исбот қилиб, бизни қайта бошдан дор
остига юборсинлар! Бильъакс қилолмас эканлар, бизга
қазиган чуқурларига ўzlари йиқитилсинглар! Адо-
латингиздан бизнинг талабимиз шу!” Буни қушбеги
маъқуллаб, сўнг Кумушга “Қизим, сизнинг бунчалик
заковат ва жасоратингизга отангиз билан эрингиз ҳар
қанча ташаккур айтсалар ва ўзларининг мундан сўнг-
ти умрларини сизнинг бахшишингиз деб билсалар,
арзир. Мен ҳам сизнинг бу хизматингиз эвазига эрин-
гиз билан отангизни ҳозирдан бошлаб озод қилдим”
дэйиши ҳақиқий ҳокимнинг одилона ҳукми ва Кумуш-
биилининг энг аъло таърифи деса бўлади.

Кейинчалик, айниқса, “Бир ғариби бечора” номли
йигирма иккинчи бобда аён бўладики, Ҳомид усталик
билан “тўқиб чиқарган” бир маккорона режа сабаб, на-
фақат ушбу ҳақли талаб қондирилмай қолиб кетади,
балки Отабек билан қутидор яна (бу гал шахсан Худо-
ёрхон хузурида!) дорга осилишга ҳукм қилинади. Та-
биийки, бу ҳукм атрофидаги тасвир янада қизиқроқ!

Қадим ровийларимиз-қиссагўйларимизда “Бу қаҳ-
рамонимиз шу ерда тура турсин, энди гапни нариги
қаҳрамондан эшитинг!” қабилидаги бадиий тасвир
усули кўп учрайди. Қодирий айни гапни ёзмаган ҳолда
айни усулдан ўқтин-ўқтин фойдаланади. Марғилонда
Отабек билан қутидор дор остидан қайтиб омон қол-
ганиларидан кейин тасвир энди Тошкентга кўчади.
“Истиқлол дарди” деб номланган йигирманчи бобда
етмиш кунлик қамалдан сўнг бир томонда халқнинг
чинакам истиқлол дарди, бошқа томонда ҳоким Азиз-
бекнинг “истиқлол дарди” тасвирланади. Муаллиф
қамал даврида Тошкент халқининг экин далаларию
қишлоқлардан узилиб қолиши натижасида нонсиз,

сувсиз ва бошқа “сиз, сиз” бўлиб қолганини ёзар экан, ўкувчига кўп ўтмай Чор Россияси ҳам Тошкентни худди шундай сувсиз кўйиб забт этганига ишора қилаётгандек гўё. “Ҳар ернинг тулкисини ўша ернинг тозиси билан овлаш керак” деганларидек, Тошкентни сувсиз қолдириш усули янги эмас эди, бу усул аввал ҳам қўлланган, шундан Чор қўшини усталик билан фойдаланган, демоқчидек гўё. Бир томонда халқ қамалдаги қийноқларини ғалаба куйи билан кетказиб, ўзининг кундалик тирикчилигига уннаса, бошқа томонда ғалаба куйидан маст бўлган Азизбек хомхаёлларга берилади: “Азизбек, мундан кейинги Тошканднинг мустақил ҳукмдори Азизбек! Қипчоқларға чалған ғалабаси учун ул терисига сиғмайдир... Ул энди “қипчоқлар Тошкандни олиб қолсалар...” деган мудҳиш хавфдан кутилган, у энди Тошканд ва атрофнинг хони, хоқони! Энди духоба ва атласлар устида ўлтурмоққа қаноатланмай, ўз шаънига, ўз қудратига мувофиқ тожлар, тахтлар ясатмоқчи, ўзининг эски маҳрамига кўнгли тўлмай, бошқа бир ўйинчи, ашулачи, ҳусндор бир маҳрам топмоқчи ва ўзининг бу машхур маҳрами билан ер юзига донғ, шухрат чиқармоқчи”. Нақадар таниш ва кўптармоқли хомхаёллар бу! Қачонлардир яхлит бир бутун бўлиб, ер юзидағи энг қудратли давлатларни ташкил этган кутлуғ она юрт ва ота маконни икки, ўн, юз, минг бўлакларга парчалаб, уни емирган ва ўз халқини қон қақшатган не бир “хоқон ибн хоқон”ларнинг қонли қилмишлари аввал-бошда мана шундай хомхаёллардан бошланмаганми?! “Ўзи хон, кўланкаси майдон”, “Камбағал бой бўлсам, бой худой бўлсам дейди”, “Бўлингани бўри ер, айрилганни айик ер”, “Ўз қадрини билмаган, эл қадрини билмас”, “Қирол ўлди, яшасин янги қирол!...” Буларга ўхшаш аччиқ-тизиқ, кесатиқли гаплар бу жаҳон айвонида (Шарқда ҳам, Фарбда ҳам!) озмунча айтилганми! Янги

пайдо бўлган “хоқон”чаларнинг майл-истакларини қондиришнинг ўзи бўладими?! Бу истак-хоҳишлиари жиловлаб тўғри йўлга солмоқчи бўлган Юсуфбек ҳожидек не бир авлиёсифат зотлар таҳқирланиб хорзор қилинмаган дейсиз! Азизбек энди етмиш кунлик қамалдан сўнг “ғалаба” анчагина қимматга тушгани учун бўшаб қолган хазинани қайта тўлдириш ва ўзининг хом хаёлларини юзага чиқариш учун халқقا ўттиз икки танга солиқ солмоқчи! Бу ўта қалтис ишни Юсуфбек ҳожидек халқ ишонган ва ихлос кўйган одамнинг зиммасига юклаб, сопини ўзидан чиқармоқчи, яъни агар бу ҳақгўй бўйин товласа – ҳокимнинг, кўнса – халқнинг ёзғиришига қолади. Азизбекнинг “Сизни ўрдаға чақирғаним сабабини, албатта, билмагандирсиз?” деган саволига Юсуфбек ҳожининг жавоби бу авлиёсифат зотнинг юртсеварлигини аён кўрсатувчи ўзига хос кўнгил кўзгуси, деса бўлади: “Тақсир... чақиришингиз, албатта, фуқаронинг тинчлиғи, раоёнинг (раиятнинг) роҳати, ҳукуматнинг барқарор турмоғи учундир!” Азизбекнинг “Қарорим шундан иборатдирким, эртадан бошлаб юртга ўттиз икки тангадан солиқ сочасиз!” деган гапига жавобан энди нима десин? “У ёққа қарасанг – отаси, бу ёққа қарасанг – бўтаси ўляпти” деганларидек, Юсуфбек ҳожи ўзи ўғлининг ёзуғига қўйиб турганида энди халқи бошига келаётган балою-офат! Ичиди уни “аблаҳ” ва “золим” дейди. Халқнинг яхшилигига ёмонлик билан жавоб қайтариш абллаҳлик, урушда азият чеккан халқни баттар эзиш зулм, ғалаба келтирган халқни сийлаш ўрнига ундан ҳақ талаб қилиш ҳам абллаҳлик, ҳам зулм-да! Ташида “Қарор беришдан аввал бирор билан маслаҳат қилдингизми, бу қарорингизнинг аниҷчи оқибатини ўйлаб кўрдингизми, бу қарорингиз халқка “ўлганни устига чиқиб тепган” эканлигини англаяпсизми?” десинми? Юсуфбек ҳожидек чи-

накам юртпарвар кенгашчи ўз ўйини “ётиғи билан” юмшоқроқ қилиб айтади, албатта: “... шунисини бироз үйламак керакки, юрт етмиш күн қамал кечирди. Онадан туғма азоблар, очлиқлар үткарди ва үткармакда. Менга қолса бу кунларда үттиз икки танга эмас, үттүз икки қора пул солиш ҳам оғирдир. Юрт беш-үн күн орқа-олдини олсин, сүнгра...”

Бу ҳақ гап жоҳил Азизбекка чивин чаққанчалик таъсир қилмайды, албатта, аксинча, унинг жинини қўзғайди. Қарори қатъийлигини ва топшириқни ўзи бўлмаса, бошқа мулозимига қилдираверишини англа-ган Юсуфбек ҳожи дарров муроса йўлини тутиб, Азиз-бекнинг тор кўнглига хуш ёқадиган гапларга үтади: “Тақсир, сиз йиғ, дер экансиз эртага эмас, бу кунданоқ йиға бошлаймиз. Юрт қани бермасин-чи? Фақат менга сизнинг буйруғингиз кифоядир!” Боб ниҳоясида айни шу гаплари сабаб “эгнида кимхоб чопон билан ўрда-дан чиққан” Юсуфбек ҳожининг ўйлари келтирилади: “Үттиз икки тангадан солиқ йиғ, эмиш... Бир ҳафта-дан кейинга қолмасин эмиш... Солиқ йиғиша қарши-лик қилганни даррага ётқизиш, мувофиқ кўрилганда остириш ҳаққи ҳам менга берилган эмиш... Мен қон-хўрлик учун худонинг фарз қилган ҳажини адо қилма-дим, олдимда ўғлим бор, менда бошқаларнинг ўғлини даррага ётқизиш чоғида кўндаланг келадиган виждан бор, дин бор, диёнат бор. Бизнинг халқ Азизбекнинг тулкилигига учди-да, унинг кечаги қилмишларини унутди, етмиш кунлар бир замон жон бериб, жон олиб, ниҳоят хизмат ҳақи учун үттиз икки танга мукофот, энг кейинги бурда нонингни ҳам бер!” Юсуфбек ҳожи-нинг мана шу дилидан кечирган фикрлари давлатчи-лик ҳақидаги қимматли маълумотлар, давлат арбоби-нинг ҳаётий хulosалари, дейиш мумкин. Маълумки, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг” дидактик асари ўзбек ёзма адабиётининг ilk намунаси ҳисобланади.

Үнда давлатчилик асослари, хусусан, хукмдор, унинг вазири ва бошқа мулозимлару давлат арбоблари қандай сифат ва фазилатларга эга бўлишлари шартлиги ҳақида батафсил маълумот берилган. Абдулла Қодирий, ҳойнаҳой, ўз қаҳрамонига “Юсуфбек ҳожи” деб ном кўяр экан, айни ўша Юсуф Хос Ҳожибга ишора қилмоқда. Эл-юртнинг келажаги мана шундай билгамиш ва оқил кишиларнинг кенгашлари-ўғитлари билан улуғ ва ёруғ бўлиши айтилмоқда. Қолаверса, Юсуфбек ҳожининг қудаси Мирзакаримга “қутидор” атовининг танланиши ҳам бежиз эмас. Бу “қут” ўзагидан ясалган “қут-барака сақловчи” маъносини англатувчи сўзда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарига ишора бор! Ўзбек адабиётшунослигида ҳам, сиёsatшунослигида ҳам Соҳибқирон Амир Темурнинг “Куч – адодатдадир” деган шиор остида яратган “Темур тузуклари”ниadolatли хукумат тузишда асосий манба қилиб кўрсатиш кенг тус олган. Ўйлашимча, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари кўп жиҳатдан “Темур тузуклари”ни тўлдира олади, ундан-да қадимиЙроқ, тўлақонлироқ ва ишончлироқ манба бўла олади... Қани энди бир адабиётшунос олим “Темур тузуклари” асари билан “Қутадғу билиг” достонини қиёсий таҳлил қилиб бир тадқиқот яратса!..

Одатда ҳар қандай исён кўнгилни бездирадиган, оғритадиган, бузадиган ўйлардан – кучли норозилик қайфиятидан бошланади-да, пишиб етилгач, ёрилиб тугайди. Ҳар бир инсон, ҳар бир халқ турмушнинг турли қийинчиликларига сабр-бардош қиласи, ҳатто ноҳақлик ва хўрликларга ҳам имкон қадар чидайди, бироқ кўнгилларда дард-алам ўти йиғила бориб, бир кунмас, бир кун вулқон каби отилиши, инсонни ё халиқни исён қилишга ундаши тайин. “Исён” деб номланган навбатдаги йигирма биринчи бобда Юсуфбек ҳожи кўнглида ҳам, халқ кўнглида ҳам “пишиб етил-

ган" ана шу исён түйғуси тасвиrlанади. Юсуфбек ҳожи ҳоким топшириғини "бажариш" учун халқа юзланар әкан, шундай кесатиқли хитоб қилади: "...мусулмонлар! Яхши деб йўлида жон берганинг Азизбек бу кун сизларға яхшилиғингизни ўттуз икки танга солиқ билан қайтармоқчи бўлди. Ҳозир сизларга икки йўл: ўғул, қизингни сотиб бўлса ҳам ўттуз икки тангани Азизбек хазинасига тўлаш, ёки эс борида этакни ёпиб, Азизбекни орадан кўтариш..." Бу шумхабарни эшитган халқ, табиийки, кучли тўлқинланиб қўзғалади ва Юсуфбек ҳожи кўрсатган иккинчи йўлни – золим ҳокимни таҳтдан қулатишни танлайди-да, зудлик билан кўчаларга тўсиқлар ўрнатиб, ҳукумат қўшини билан урушга тайёргарлик кўради. Чўлпоннинг "Халқ тўлқинидир, халқ денгиздир, халқ кучдир" сатри ва умуман, "Халқ" шеъри романнинг мана шу лавҳаси таъсирида ёзилган-дир, балки. Қонли тўқнашувларда оғир аҳволда қолган халқقا ёрдамчи куч бўлиши учун Юсуфбек ҳожи Тошкентни ололмай қайтган Нормуҳаммад қушбегига чопар жўнатади. Натижада золим ҳоким ўз ўрдасига қочиб кириб қамалади. Барча замон ва маконларда ҳукумат, яъни ҳукмдорлару давлат арбоблари халқ иродаси билан сайланади. Агар ҳукумат халқ манфаатини ўйламай, унга таҳдид қилса, халқ катта кучга айланиб, ҳукуматни алмаштира олади. Шу ўринда саволлар туғилади: нега халқ бошида Азизбекнинг қутқусига учиб, Қўқон хонига қарши чиқди? Нега Юсуфбек ҳожи бошидаёқ халқни бу фалокатлардан огоҳлантиrmади? Ахир, қўл билан ечиш мумкин бўлган тугун тиш билан ечилмадими?.. Ўйлашимча, бунинг асосий сабабини бир ривоят орқали тушунтириш мумкин.

Бир ҳукмдор бир юртни босиб олгач, эзилган халқ олдига чиққан әкан, халқ уни олқишиламабди. Шунда ўша ҳукмдор: "Ахир, мен сизларни қонхўр ҳукмдорларингиздан қутқардим-ку, нега қувонмайсизлар?" –

деб сўрабди. Шунда билгамишлардан бири: “Сиз ниҳояти халқ қонини сўриб ётган нисбатан тўқ пашшаларни учирив юбордингиз. Энди уларнинг ўрнига оч пашшалар қўниб, халқнинг қолган қонини кучлироқ сўради”, – дебди. Аввалига оч пашшадан тўқ пашшша яхшироқ деб ўйлаган халқ ана ўша тўқ пашшанинг оч пашшадан минг карра очкўзроқлигини кўриб-билиб тургач, нима қилсан, исён қиласди-да!..

Хуллас, Юсуфбек ҳожининг халққа кўрсатган қутадғу йўли туфайли ҳам эл-улус Азизбек деган балойи азим-у унинг ўта танг вазиятда бошга солган ўттиз икки танга солиқ балосидан бараварига қутулади, ҳам Юсуфбек ҳожининг ўзи ўринсиз солиқ орқасида эл-улус кўзига совуқ кўринмайди, ҳам Марғилонда қамоқда ётган ёлғиз ўғлига нажот йўли очилади, энг муҳими – Юсуфбек ҳожи чинакам элсуяр йўлбошли сифатида ўзига хос миллий қаҳрамон бўлиб қолади. Ўрдасида қамалда қолган Азизбекнинг “чиқмаган жондан умид” дея ўйлаб, ўрда томида туриб, ўз қилмишлари учун кечирим сўраб халқни яна аврай бошлиши унинг ҳақиқатдан ҳам тулки эканини яна бир карра аён кўрсатади. Бироқ ўлим талвасасида қилинган бу тавба-тазарруни на халқ, на Халлоқ қабул қиласди. “Сендеқ итдан бизга қипчоқ яхши!” деган халқ, юқоридаги ривоятга асосан, “оқ ит, қора ит, барибир ит” дегандек, қипчоқ бошқарувини афзал кўради. Натижада ҳалигина ўзининг ширин, лекин хомхаёллари осмонида учиб юрган Азизбек тезда ерга тушиб, отнинг орқа оёқлари остида судралади. Қамалда қоқ ирим кучини йўқотган Нормуҳаммад қушбеги бирдан голиб сифатида Қўқонга ёруғ юз билан қайтади. Ҳам бутун шаҳар аҳли, ҳам қушбенинг мушкулини осон қилган Юсуфбек ҳожининг ўзи қушбенинг “Тиланг тилагингизни” қабилидаги ҳимматига жавобан айтадики, “Менинг биринчи холис тилагим, албатта,

мазлум халқ тилидан бўладир: мундан сўнг Тошканд ҳокимлиғига ҳар қандай бўлмағир одам қўйилмасин!" Сўнгра, табиийки, ўзининг шахсий дардига ўтади: "...менга энг манзур бўлған мукофот – ўғлимнинг озод қилинишидир. Дунё можаросидан қўл ювмоқчи бўлған бир отаға кексайган кунларида фарзанд доғини кўрмасликнинг ўзи ҳам улуғ мукофотдир!"

Шундай қилиб, Ҳомиднинг туҳмати гўё чинга айланади: Юсуфбек ҳожи ростдан ҳам катта бир исённинг асосий ташкилотчиси бўлиб чиқади! Фақат бу исён, Ҳомид даъво қилганидек, Худоёрхон билан Мусулмонқулга қарши эмас, аксинча, Азизбекка қарши исён эди! Бу исённинг охири баҳайр бўлиб, Нормуҳаммад қушбеги ва Юсуфбек ҳожининг кўрсатмасига кўра тутинган ота Ҳасаналининг қамоқдаги ўғилни озод қилиш йўлида Тошкентдан Кўқонга от чоптириши билан боб ўзининг қонуний якунига етади.

Лекин "Ўлаётган ҳўқиз болтадан қайтмас", "Урушда туриш йўқ", "Ётиб қолгунча, отиб қол" деган мақолларни халқ бежизга айтмаган. Ўн тўққизинчи бобда дор тагидан омон қайтган Отабекнинг ҳаққоний талабидан кейин Марғилон ҳокимининг "Зиё aka билан ўғли Раҳматни бўшатингиз, сўнгра ановини қўлга олингиз!" деган амрини олган қўрбоши ва унинг ҳамтовоғи Ҳомиднинг жон бериши осонми?! "Анови" деётгани қўрбошининг ҳамтовоғи Ҳомид-да, ахир! Ким кимни қўлга олади? Аксинча, Ҳомид қўрбошини аллақачон қўлга олиб бўлган-ку, ахир!.. "Бир ғариби бечора" номли йигирма иккинчи бобда бу икки ҳамтовоқ ҳамкорликда "ишлаб чиққан" навбатдаги "тадбир" пухталигига кўра Юсуфбек ҳожи чинакам давлат арбоби сифатида қўллаган исён тадбиридан ошса ошадики, зинҳор қолишмайди! Натижада энди воқеалар оқими Марғилон билан Тошкентдан ошиб, давлат таянчи, мамлакат пойтахти Кўқонга ўтади!

Бобда хон саройи, таҳтда ўтирган ўн саккиз яшар Худоёрхон ва унинг қайнатаси Мусулмонқул қиёфалари батафсил тасвирлангач, Мусулмонқул ўқиб, мазмунини Худоёрхонга билдириган икки мактуб келтирилди. Биринчиси Ўшдаги аҳвол ҳақида, иккинчиси “Бир гариби бечора” тилидан битилган мактуб бўлиб, у шунчаки оғзаки тергов чоғида айтилмаган гапни айтилди деб тухмат қилишгина эмас, Отабекка қўшиб Марғилон ҳокимини ҳам исёнкорларга ҳамтовоқ, бир халта олтинга сотилган хоин деб айблаш... шунчаки “Кўрқоқ олдин мушт кўтарар” қабилидаги иш ҳам эмас, ғаразгўйлик ва тухматчилик-балоҳўрлик-нинг давлат миқёсида кенг тармоқ отиши, қолаверса, оғзаки эмас, ёзма равишдаги тухмат бу! “Хатга тушдинг – ўтга тушдинг” деганлариdek, бу мактуб Отабек билан қутидорга қўшиб ўзига тегишли шаҳарда адолатни қарор топтирмоқчи бўлиб турган ҳокимни ҳам ўтдек куйдиришга қодир! Куйидаги гапларнинг ёзилиш оҳангига қаранг! “Холис шаҳодатим сўнгида Отабек билан қайнотини отаси Мирзакаримни қушбеги осиб ўлдиришка буюрди. Аммо Ўтаббойнинг кисай хиёнатига Мирзакаримнинг ҳовлисидан келиб тушкан бир халта олтинлар баробарига дор остиға еткан эъвогарларни ўлимдан озод қилди, давлатнинг содиқ қулларидан бўлған камина холисни муттаҳамлар ерига зиндан қилмоқ ва осиб ўлдирмоқ бўлди. Чунки камина қулингизнинг сизга шикоят қилишимдан бениҳоят қўрқар эрди. Аммо давлатлари ёри бериб, садоқатлик хизматкорингиздан бўлған Марғилон қўрбошисининг ёрдами бирлан Ўтаббойнинг чангалидан аранг кутулишға муваффақ бўлдим...” Ҳомиддек “бир ғариби бечора” қўли билан адолатпарвар ҳоким Ўтаббойни орадан кўтариб ташлаб, ўрнига ўзи ўтиришни режалаштирган “адолат посбони” қўрбошининг ҳамтовоғи билан ҳамкорлиқда пишитган бу

“теша тегмаган режа”си ҳар иккисининг юз фоизлик ютқизифини юз фоизлик ютуққа айлантира олади! Мазкур гаплар кетида Отабек билан Ўтаббой шаънига битилган туҳматларни яна-да қуюқлаштириб, бу туҳматларни “содиқ бир қулнинг холис садоқатидан бир намуна” сифатида тақдим этиш ва бунга кимсан Мусулмонқул билан Худоёрхонни ишонтириш!.. Мана буни маккорлик деса бўлади! Айниқса, мактубнинг сўнгги жумласидаги ҳар бир сўзни нишонга аниқ тегадиган ўқ, дейиш мумкин: “Ўзимнинг бу хизматим эвазига бир мукофот олиш муддаосида бўлмағанимдан ва нимаики жаноблари йўлида машаққат чеккан бўлсам, ўзимнинг бир виждон вазифам деб билиб, бу мактубда ўз отимни ёзишға ҳам тиламадим. Ёш хонимизга тинч ва шавкатлик давр, давлат хоинларига ўлим тилаб – бир ғариби бечора”. Агар сўнгги гапдаги “хонимизга” сўзининг ўрнига “давлатимизга” сўзини қўйиб, “давлат хоинларига” сўзларининг қошига эса, “халқ душманларига” сўз бирикмасини қўшиб ўқигудек бўлсангиз, кўп нарсалар ойдинлашади. Масалан, Ҳомиддек ашаддий туҳматчининг “бир ғариби бечора” тилидан ёзган ушбу мактуби қатағон йилларида “халқ душманлари”ни бадному қатли ом (қатли омма, оммавий қирғин) қилиш, урушдан кейинги йилларда эса, не-не тўғрисўз-адолатқўрларни ёмонотлиқ ва гумдон қилишда роса қўл келган “аноним (номсиз, имзосиз) хат”, яъни, “юмалоқ хат” асосчиларига ўзига хос ўрнак, қўлланма-дастуруламал бўлиб хизмат қилган бўлса, не ажаб!

Ҳомиднинг хатига Мусулмонқулнинг қизиққон, куёви Худоёрхоннинг совуққон муносабатларига қаранг: Мусулмонқул “кўзларида ўтлар ёнмоқда”, “ниҳоятда тутаққан”, “аламини тамакидан оладигандек чилимга ёпишди”; “Худоёрхоннинг мутаассир бўлганилиги белгисиз, у бу гапни эшитмасдан илгари қан-

дай бўлса, ҳозирда ҳам шу ҳолда ўзгаришсиз эди". Бу билан юртни аслида Мусулмонқул бошқараётганига, Худоёрхон шунчаки қўғирчоқ эканига ишора қилинмоқда. Мана шу ҳолат хонлик, подшоҳлик, қироллик, императорлик ва бошқа ҳар қандай салтанатни суоловий бошқарув тузумининг нақадар нотўғри ва адолатсиз эканини, ҳукмдор ҳар томонлама етук бўлиши, ҳалқнинг ишончини қозонган бўлиши муҳимлигини яққол кўрсатади. Мана шу каби хонлик тузумининг қора-кир авра-астарини кўрсатувчи ҳолатлар бўлгани сабабли ҳам шўро тузуми "Ўткан кунлар" романининг чоп этилишидан манфаатдор бўлган. Сабаби, шўро тузуми нафақат Ўрта Осиёдаги хонликларга, балки Россия империясидаги чор ҳукуматига қарши курашган. Айтиш мумкинки, XVIII аср охири, XIX аср бошларида Европада, хусусан, Францияда бошланган монархияга қарши кураш ва натижада ҳалқ сайлови билан тузилган республикавий бошқарув тузумини жорий қилиш анъанаси Россия империясига, у орқали Ўрта Осиё давлатларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. "Ўткан кунлар" романида Худоёрхон ҳукмронлик қилган 1845–75 йиллар тасвиirlанади. Тарихдан маълумки, Худоёрхон 1868 йили Қўқон хонлигини Чор Россиясининг вассали деб эълон қиласиди ва 1873–76 йиллардаги Қўқон қўзғолони натижасида таҳтдан ағдарилади. Роман воқеалари тасвиirlанган даврларда ҳали қулдорликка тўла барҳам берилмаган, масалан, Ҳасаналининг Юсуфбек ҳожи оиласида қул экани шуни кўрсатади. 1861 йилда Чор Россиясида "крепостнойлик ҳуқуқи" бекор қилинган, АҚШда фуқаролик уруши даврида 1863 йили қулдорликка расман барҳам берилган, лекин амалда барҳам беришга яна бир асрга яқин вақт талаб қилинган. Яна тарихдан маълумки, ғарб давлатлари, хусусан, АҚШ феодализм тузумидан капитализм тузумига ўтган бўлса, шарқ

давлатлари, хусусан, шўро иттифоқи социализм тузумига ўтади... Хуллас, айтмоқчимизки, Абдулла Қодирйининг мазкур романи дунёда рўй берган тарихий воқеаларга уйғун ва шунинг учун ҳам бу роман ўша воқеаларни ўрганишда жуда қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

“Кўлимда сўнгги тош қолди, ёвимга отмоқ истайман” деб ёзган эди буюк ҳақгўйларимиздан бири Абдулҳамид Чўлпон. Мазкур асарнинг биринчи бўлимидағи йигирма учинчи боб – “Мусулмонқул” ҳам нишонга бехато урилган сўнгги тош, дейиш мумкин. Зотан, асарда ёзилишича, “Мусулмонқул хон бўлмаса ҳам хонликдан-да юқорироқ бир қучка молик бўлған сиёsat курсисига ўлтирган эди”. Куёви Худоёрхон номидан Кўқон давлатини амалда бошқараётган ҳукмдор, уқтириб айтиш керакки, замонавий ўзбек адабиётида ёзиб кўрсатилган биринчи давлатнинг амалдаги эгаси эди! Худоёрхоннинг оталиғи бўлган бу одам Азизбекнинг оталиғи бўлган Юсуфбек ҳожига нисбатан ҳам, табиийки, кучлироқ сиёsatчи, давлат арбоби, тадбиркорлик ва ҳатто таваккалчиликда ҳам беназир бир инсон сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Эътибор беринг, ўзи қатл эттириш учун Марғилондан Кўқонга чақирилган Ўтаббой қушбегига сир бой бермай, асл муддаосини яшириб, унга Худоёрхоннинг ўйига ҳам келмаган бир тадбирни таклиф қиладики, бу одамнинг топқирлигига қойил қоласиз. Гўёки қушбеги билан Отабекни ўз олдига чақиришдан мақсади уларни ўлдириш эмас, балки ҳаддидан ошиб мустақиллик даъво қилган Азизбекни Отабекнинг қўли билан заҳар берибми-бир амаллаб ўлдиририш! Бирорнинг қўли билан бирор ўлдирилса, вақти-соати билан унисини ҳам ўлдириш қочиб кетмас-да! Ўтаббой қушбеги текширув-терговни бошдан-оёқ тушуниради: шикоятчининг (Ҳомиднинг) шаҳодати билан

Отабек ва Мирказарим қутидорни қатл қилмоқчи бўлганини, бир хотиннинг (Кумушнинг) бир (Юсуфбек ҳожининг) мактуб олиб келиб берганини, сўнг уларни шикоятчига юзлаштироқчи бўлганини, бироқ у қочиб қолганини, бу унинг шахсий адовати бўлганини англатишини айтади. Мактубни олиб ўқигач, Мусулмонқул антиқа фикр билдиради: “Юсуфбек ҳожининг қурған ҳийлаларига тушунмагучи, эҳтимол, Марғилондан топилғандур! У тулки ўз ўғлини Марғилонда тўполон чиқариш учун, деб юборишдаёқ, ҳар бир эҳтимолга қарши бу мактубни ёзиб берган, бунга Марғилон калваклари тушунмасалар ҳам, биз тушуна оламиз!” Бу гапи билан Юсуфбек ҳожи шохидаги юрса, ўзининг баргига юра оладиган даражадаги устомонлиги, уддабурролиги, қувлиги, тулкилигини кўрсатиб қўймоқчи бўлади. Аслида, иккови ўртасида ер билан осмонча фарқ бор: Юсуфбек ҳожи Ҳасаналидан вазиятни сўрагандаёқ балоҳўр қора Ҳомид эканини англаған эди. Марғилон қушбегиси Ўтаббой мактубни ўқиб, Ҳомиднинг қочганидан сўнггина унинг балоҳўрлигини фаҳмлайди. Мусулмонқул эса, ўзига келган шикоят хатиннинг имзосиз эканига, Ўтаббой унинг ўрдасига ҳадиксиз кириб келиб, бўлиб ўтган можарони ҳаққоний, батафсил сўзлаб беришига, Ўтаббой берган мактубни ўқишига қарамай, ким ҳаку, ким ноҳақлигини ажратади. “Алининг аламини Валидан олди” деганлариdek, Мусулмонқул Тошкент қўрғонида қурбон бўлган сипоҳларнинг хунини Азизбекнинг ўнг қўли бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғлидан олмоқчи. Шундай ният билан Отабекни ўз ҳузурига чорлаб, уни ҳар боб билан таҳқирламоқчи бўлади. Бунга жавобан Отабек “...сиз тилаган тарафингизга ҳукм қилингиз-да, буйруғингизни бераверингиз!” деба унинг кўзларига-ю ҳақ ўлимнинг юзига тик боқади. Мусулмонқул беихтиёр – “Дов юрагинг бор экан,

йигит...” деб тан берса-да, ўз билганидан қолмайди: аввалига, “Хайфки, гуноҳинг бўйнингда” дейди, сўнг “Жаллод!” дея ҳайқиради.

Айни гаплар тагида муаллифнинг шундай бир изоҳи келтирилади: “Мусулмонқулнинг ўзи ҳам фавқулодда юраклик эди. 1853 милодий тарихида Мусулмонқул қўқонликларга асир тушиб уни тўпдан отиб ўлдириш учун дордек бир нарсанинг устига ўтқизилар. Иккинчи томондан тўпга ўт бериш кутилади. Шу вақтда кишилар Мусулмонқулдан сўрайдилар: “Энди қалайсан, чўлоқ?” Мусулмонқул кулибгина жавоб беради: “Алҳамдилуллоҳ, ҳали ҳам сизлардан юқори бир ерда ўтирибман!..” Мазкур изоҳ, айтса бўладики, Мусулмонқул қиёғасига чизилган энг муҳим, ҳал қилувчи чизгидир. Унинг бу довюраклиги, чунончи, ўлимдан ҳам кўрқмаслиги ва ўз қадрини баланд тутиши босқинчи Чингизхоннинг кўз олдида Синдарёсига аввал онаси билан хотинини, сўнgra ўзини отган Жалолиддин Мангубердининг, ўз ҳаётида бундай довюракликларни кўп бора кўрсатган буюк жаҳонгиришимиз Соҳибқирон Амир Темур ва фотиҳи музaffer Захириддин Муҳаммад Бобурнинг беқиёс даражадаги мардлик-қаҳрамонликларини беихтиёр ёдга солади. Лекин ҳамма фожиа шундаки, бу довюрак инсон ўтакетган золим, чунки, аслида, куёви Худоёрхонга тегишли бўлган давлат жиловини олғирлик билан қўлга киритиб, ўз қўлида тутиб турибди. Ўхшатиш ўринли бўлса, худди шўро давлатининг асосчиси Ленинде! Золимлиги аввало шундаки, бу оламда ўзидан бошқа бирон довюрак қолмаслигини, ҳамма унинг ҳузурида бўрининг олдидаги куёндек кўрқиб-қалтираб туришини истайди! Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикматли гапларидан бири ёдингиздами: “Ҳаммани остириб-чоптириб, ёлғиз ўзи куйган уйнинг мўрисидек қаққайиб қолса”... Шундай бир довюрак, лекин ўзидан бошқанинг довюраклигига тоқати йўқ ин-

сонки, худди Жалолиддинга тан берган Чингизхонга ўхшаб, Отабекнинг довюраклигига ошкора тан бериб турибдими, демак, Отабек, асар бошларида айтилганидек, дарҳақиқат, "хон кўтаришга" ва "хон қизига лойик бир йигит". Афус, Мусулмонқул ўз қизини Худоёрхонга бериб, хонга қайнота ва оталиқ мақомида турибди, акс ҳолда, ўз қизини Отабекка лойик кўрган бўларми эди, ким билсин! Ўн саккиз яшар Худоёрнинг эса, табиийки, бу "хон қизига лойик бир йигит"ни ўзига куёв қилиш имкони ҳали йўқ!

Айни Мусулмонқулнинг "Жаллод!" деган хитобига кўра ойболта қўтарган жаллодлар "Ханжаримиз қонсирафан!" дея олға босгандарида, буни қарангки, айни шу яшаш-ўлиш онларида худайчи Мусулмонқулга эмас, бевосита хоннинг ўзига арз қиласди: "Тошканддан бир чопар бор, ҳузурингизга кириш учун изн сўрайдир!" Айни шу ҳал қилувчи онлардан, айтиш мумкинки, адолат тиклана бошлайди, яъни, ҳар ким ўз унвонига ярашиқли ишни: хон хонлигини, куёв куёвлигини, қайнота қайноталигини қилишга ўтади: "Худоёр Мусулмонқулға қаради. Мусулмонқул эрса Отабекни жаллодга топшириш учун ўнгланған тилини қисишиб мажбур бўлди". Шундан кейин чопар Ҳасанали Нормухаммад қушбегининг хатини Худоёрхонга узатиб, ўзини Отабекнинг устига ташлайди. Буни кўрган Мусулмонқулнинг "Адаб!" деган қичқириғи бир неча маъноларни англатади. Марғилон ҳокими ўтаббойга Кумуш олиб келиб берган сирли хатни кўрган ноинсоф Ҳолиқбек кўрбоши безовталанганидек, Қўқон хони Худоёрхонга Ҳасанали олиб келиб берган сирли хатни кўрган ноинсоф Мусулмонқул безовталаляпти. Ўзини Қўқон хонидан устун деб билувчи Мусулмонқул куч-кудратини ва ҳукмининг қатъийлигини кўрсатиб қўймоқчи. Мусулмонқул ҳам чопарнинг Отабекка жонкуярлигига ҳайратланяпти, ҳам ун-

дан шубхаланяпти... Лекин Худоёр ўқиб бўлгач ўзига узатган хатни ўқиб... “уатсиз равиша Отабекка қараб илжайди ва ҳудайчига буюрди: “Иккита заррин тўн келтир!” Қодирийнинг бир сўз билан кўп маъноларни уқтириш маҳоратига қойил қолади киши. “Уатсиз” сўзи билан “иккиюзламачи”, “адолатсиз”, “ноинсоф”, “жоҳил”, “шарманда”, “номард” ва бошқа кўп маъноларни англатмоқчи. Дарҳақиқат, шунча далил-исботларга қарамай, жоҳиллик, манманлик, ғараз, шошқалоқлик, ўзбошимчалик билан бир бегуноҳнинг қонини тўкмоқчи бўлган одам, ноҳақлиги ошкор бўлгач, ачиниш, афсусланиш, узрҳоҳлик, виждан азоби, одамгарчилик каби ҳис-туйғуларни намойиш қилишнинг ўрнига, илжайиши буни яққол кўрсатиб турибди. Шундан кейин тагзамини яна-да теранроқ иккита гап муаллиф номидан ёзилади: “Отабекнинг мўъжиза қабилицидан сўнг дақиқаларда иккинчи қайта қутилишини кўрган Ўтаббой қушбеги беихтиёр ёқасини ушлади. Худоёрхон ҳам йиртқич қайнотининг чангалидан қутилғанини табриқ қилғандек Отабекка қулиб боқди!” Бу икки гапдаги, айниқса, қушбенининг ёқасини ушлаши-ю, хоннинг қулиб боқиши аввало Худонинг қудратини, қолаверса, халқ айтган “Ҳаққа завол йўқ”, “Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди” каби ҳикматли гапларнинг нақадар ҳақ-ростлигини аён кўрсатиб тургандек. Яна Юсуфбек ҳожининг авлиёдек кўрсатган каромати бу, чунки унинг йўллаган-йўллатган хатлари Отабекни ўлимдан сақлаб қолди-да. Яна, Кумушбиби билан Ҳасаналининг фаришталардек кўрчишлари бу, чунки улар хушхабарни (ҳақиқат битилган хатларни) ўз вақтида етказдилар-да.

Шундан кейинги тасвир юртбоши сифатидаги довюрак инсонни эмас, балки давлатнинг соясида кун кўриш, ўзи соядо тургани ҳолда давлатни бошқаришга хомтама бўлишдек қинғир йўлдаги номард ва уят-

сиз бир кимсанинг асл башарасини кўрсатиб турибди: “Мусулмонқул оқсоқланиб, ўз қўли билан Отабекка заррин тўн кийгузар экан:

– Отангизнинг катта хизмати соясида ўлимдан қуттилғанингиздек, заррин тўнли ҳам бўлдингиз, – деб яна бир қайта уятсизланди”. Қолаверса, хон ким-у, бек ким экани яққол кўринса-да, “отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди” деганлариdek, Мусулмонқулнинг аламли гаплари бу.

Кўп ҳолларда номардни марддан фарқлаш ўта қийин! Айниқса, алоҳида олинган бир инсон мардми-номардми – бунисини билиш яна-да қийинроқ! Мусулмонқул ўзини мард кўрсатишга устомон номардлар тоифасиданки, шунинг учун ҳам доимо у буқаламундек товланиб туради: бир қарасангиз – мард, бир қарасангиз – номард бўлиб кўринади. Ҳамма гап эса, кўп ҳолларда давлатнинг жилови айнан кимнинг қўлида – табиатан буқаламунсифат кимсами ё аслида ҳам мард-дөвюрак қаҳрамоннинг қўлидами эканига узвий боғлиқ бўлади. Буни Абдулла Қодирий ижодий таъсиранган бош достонимиз “Алпомиш”даги ўгай ака-укалар Ҳакимбек ва Ултонтознинг феъл-атворлари-ю “феълига яраша” инсоний қисматлари аён кўрсатиб турибди! “Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли” бобидан бошланиб, “Мусулмонқул” бобида ўзининг мантиқий якунига етган асар, аниқроғи, асарнинг биринчи қисми мана шу ҳаётий ҳақиқатдан ўқувчига сабоқ бергандек бўлади. Ёзувчининг сўз санъаткори сифатида-ги усталиги яна шундаки, асар Отабек билан Ҳасанали тасвиридан бошланиб, Отабек билан Ҳасанали тасвири орқали ўз якунига етади – униси Марғилонга, буниси Тошкентга отланади...

Яна бир ҳолни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур бўлим нафақат улкан романнинг уч бўлимидан бири сифатида, балки тўлақонли қисса сифатида ҳам

яшай олади. (Бу – биринчи бўлимнинг ўзи яхлит китоб сифатида нашр этилгани бежиз эмас эди, албатта.) Ҳатто шу биринчи бўлимни тузган-тузаган йигирма учта бобнинг ҳар бирини алоҳида олиб қарасангиз, уларнинг ҳар бирини тушунарсиз, узук-юлуқ парча эмас, тўлақонли ҳикоя дейсиз! Шундай бадиий маҳорат кейинчалик, айниқса, яна тўрт адид ижодида нисбатан яққолроқ кўзга ташланди. Тарихнавис адид Миркарим Осимнинг камина “Қиссалардан ҳиссалар” бадиамда таҳлил қилган олтида тарихий қиссаси билан Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар” қиссасида тўпланган ҳикоялар (ҳикоялар тўплами!) яхлит бир бутун асар ичидаги ҳам, эркинликда ҳам яшай оладилар! Худди шундай ҳолни Мирмуҳсин ва Асқад Мухторнинг айрим романларида ҳам кузатишими мумкин. Масалан, Асқад Мухторнинг машҳур “Чинор” романи, худди “Ўткан кунлар” романига ўхшаб, ҳар бири эркин ҳолда ҳам яшай оладиган уч қиссадан тузиленган. Бундан ташқари, мазкур қиссалар олдига уч ҳикоят ва уч ривоят ҳам кўшилиб, мавжуд тажриба ижодий бойитилиб ривожлантирилган. Шунинг учун ҳам бу асар “роман” деб эмас, “Ривоятлар, ҳикоятлар, қиссалар” деб кўрсатилганки, бу хусусда қиёсий текширувга асосланган ҳолда кўп гапларни ёзиш мумкин. Бизнинг бу бадиадан мақсад-кўзламимиз эса, қиёсий текширув эмас, қодирийхонлик – Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари “Ўткан кунлар” романини ўқув-уқув! Бинобарин, асосий мақсадга қайтиб, иккинчи бўлим мутолаасига ўтайлик!

ИККИНЧИ БҮЛІМ

Бириңчи бүлімнинг хulosаси, иккінчи бүлімнинг муқаддимаси сифатида берилған уч жумла, Юсуфбек ҳожига хос тадбиркорлик ва ақл-дениш билан Отабекка хос мардлық-довюраклик каби инсоний фазилатлар сабаб, чекилған шунча захмат-машаққаттардан кейин, ниҳоят, давлат турғын, қаҳрамонлар әркин, оиласалар тинч-тотув, хуллас, олам гулистон бўлди, деган тасаввур уйғотади. Азизбекнинг ўрнига Тошкент ҳокими этиб Нормұхаммад құшбеги тайинланди. Бинобарин, ҳокимнинг энг яқын кенгашчиси Юсуфбек ҳожининг мавқеи аввалгисидан ошса ошдики, ҳеч ҳам камаймади. Халқ әмин-әркин нафас олиб, "Замон-замон дориломон, Нормат (Нормұхаммад) тўрам бўлсин эсон" дея қўшиқ тўқиди. Бироқ, модомики, қора Ҳомид ҳали тўла ютилмаган экан, Отабекнинг марғилонлик қизга уйланиб олганига ўз ота-онаси-нинг қараши номаълум экан, демак, бу бўрон олдидан бўладиган сукунатга ўхшайди. Бу жиҳатдан романнинг бириңчи бүлімини "Алпомиш" достонининг бириңчи бүлімига ёнма-ён қўйсак, бир қанча ўхшаш ва фарқли жиҳатларни пайқаймиз. Масалан, достоннинг бириңчи бүлімида Алпомиш, яъни Ҳакимбекнинг уйланиши (Қалмоқ юртига бориб, у ердаги хукмдору ботирлар билан мардона курашиб енгиши, ўз ёри Барчинойга уйланиб, уни юртига олиб келиши), иккінчи бўлімда ўз оиласини сақлаб қолиб, мурод-мақсадига етишиши (яна Қалмоқ юртига бориб, етти йил зинданда ётса-да, Қалмоқшоҳнинг қизи Товка ойимга бўйсунмай зиндандан қутулиб чиқиши, қайнота-қайнотасини Қалмоқшоҳ зулмидан қутқариши, ўз юрти-

га қайтиб, хотини Барчиной билан отаси Бойбүрини ўгай укаси Ултонтоз зулмидан күтқариши) ёрқин тас-вирланган. Романнинг биринчи бўлимида эса, Отабекнинг уйланиши (қора Ҳомиднинг тузоқларидан мардона, эсон-омон чиқиб, ўз ёри Кумушга етишиши), иккинчи ва учинчи бўлиmlарида оиласини сақлаб қолишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилиши (Зайнабга уйланиб ота-онасини рози қилиши, қора Ҳомидни енгиши, иккинчи хотини Зайнабни бошқаришга минг уринса-да, у севгили ёри Кумушдан жудо қилиши ва ўзи ҳам шаҳид кетиши) тасвирланган. Муаллифнинг “Ёзғучидан” деб аталган сўзбошисидағи “халқимизни шу замоннинг “Тоҳир-Зухра”лари, “Чор дарвиш”лари, “Фарҳод-Ширип” ва “Баҳромгўр”лари билан таништириш” ва “... йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир” деган фикрлари ўз қаҳрамонлари Отабек билан Кумушни достон қаҳрамонлари сифатида кўриш истагини ифодалайди. Достончилик анъанала-рига таяниб яратилган ушбу роман чиндан ҳам Отабек ва Кумушнинг ишқ достони деса дегудек. Муаллифнинг ўз достони қаҳрамонларини “Тоҳир”, “Зухра”, “Фарҳод”, “Ширип”, “Лайли”, “Мажнун” каби арабча ё форсча атамай, “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби туркча атагани ҳам ўта муҳим кўрсаткич. Чунки худди “Рам ва Сита” ҳинд, “Одиссей ва Пенелопа” юонон, “Ромео ва Жульєтта” италян, “Дон Кихот ва Дулцинея” испан элининг ўз тилидаги қаҳрамонлари каби, турк улу-сининг достони ҳам турк тилида аталгани ҳарёқлама тўғри бўлади... Келинг, энди, романнинг иккинчи бўлимидағи ўн етти бобни ўқиб-уқишишга ўтайлик.

Энг бошда шуни айтиш ўринлики, биринчи бўлимининг иккинчи бобида билгамиш Акрам ҳожининг “Агарда хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим!” дея эзгу тилак билдиргани шунчаки бир ушалмас орзу ҳолица қолиб кетди.

Хонга хос энг бирламчи инсоний фазилат – билгалик ва ботирлик нодонлар-у номардлар томонидан ҳар боб билан сиқиб эзилаверар экан, бири иккинчиси-нинг ўрнини эгаллайверади, чунки давлат тепасида ўз боши ва ўз юраги билан иш қилолмайдиган Худоёрхон-дек қўғирчоқ хон ва Мусулмонқулдек нодон ва номард кимсалар – чинакам билгамиш ботирнинг энг бирламчи ёвлари ўтиар эканлар, бошқача бўлиши қийин! Бундай давлатда Отабекни хон кўтарадиган куч-кудрат қайдан топилсан?! Уни давлат ишига аралаштириш буёқда турсин, ҳатто яшагани қўймай, икир-чикир иш-ташвишларга кўмиб ташланади, тамом-вассалом! Бизга замондош улуғ шоирнинг ботирга қаратадиган шеърий сатри ёдингиздами: “Сени енгадиган майда ташвишдир!” Ҳа, хон кўтармаса кўтармасинлар, ақалли эл қатори, тинч-тотув, кўнгил истаганидек қўрли-кутли яшагани қўйсалар экан! Кутимаган баҳт ғалари бўлган Отабек билан Кумушнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, маҳалладошлари, юртдошлари, хуллас, кўпчиликни рози қилиб яшашлари, о, қанчалик қийин! Кутимаган шахсий баҳт ўта табиий равишда туриш-турмушда ва ҳатто ижтимоий ҳаётда ҳам кутимаган муаммоларни келтириб чиқараверади. Бу муаммоларнинг энг каттаси ва йўлочари биринчи бобда “Ота-она орзуси” деб аталади.

Ўғилларининг Марғилонда ўзбошимчалик билан уйланиб олгани хабарига ота-онанинг муносабатини тушуниш мумкин! Боб айни мана шу тушунчани ҳосил қилиш, яъни ота-онанинг табиатларию феъл-атворларини рангли бўёқларда чизиш билан бошланади. Қизиқ, нега ёзувчи ота-она тасвирини аввал онадан бошлиди? Бунинг бир неча изоҳлари бор. Ўқувчи Юсуфбек ҳожининг оила масалаларига муносабати, унинг оиласидаги ўрни ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаса-да, ҳар қалай, аввалги бобларда давлат ишларига муносабати.

бати, дунёқараши билан озми-кўпми танишди. Ўзбек ойим эса, биринчи бўлимнинг “Бек ошиқ” бобидаги Ҳасаналининг ўйларида “Отабекнинг онаси Ўзбек ойимнинг ёшли кўз билан: “Сени худога, Отамни сенга топширдим!” – деб ёлворишлари, зорланишлари” бирров эсга олинади, холос. Шу бир жумладаёқ ўкувчи Ўзбек ойимнинг ўз ўғлини отадек азиз деб билишини англайди. Қолаверса, “эр бош бўлса, хотин бўйин” деганларидек, оиласда Ўзбек ойимнинг “айтгани айтган, дегани деган” эканини, унинг оиласда бошлиқми-ўзбошимчами эканини таъкидламоқчи ёзувчи. Буни биринчи жумла оҳангидан англаса бўлади: “Ўзбек ойим элли беш ёшлар чамалиқ, чала-думбул табиъатли бир хотин бўлса ҳам, аммо эрига ўткирлиги билан машхур эди. Унинг ўткирлиги ёлғиз эригагина эмас, Тошканд хотинлариға ҳам ёйилган эди. Ўзга хотинлар унинг соясига салом бериб, тўйларида, азаларида, қисқаси, тиқ этган йиғинларидағи уйларининг тўрини Ўзбек ойимга атаган эдилар”. Бу билан Ўзбек ойим Офтоб ойимнинг нақд тескариси экани уқтирилмоқда. Дарҳақиқат, Офтоб ойим Мирзакарим қутидорнинг йўриғига юрса, Ўзбек ойим Юсуфбек ҳожини ўз йўриғига юргизади. “Онасини кўриб, қизини ол” деганларидек, эҳтимол, Отабек ўз онасининг феъл-атворини яхши билгани учун, биринчи бўлимнинг биринчи бобида айтилганидек, онасини кўра-кўра у танлаган кўп қизларга ён бермай, ўзи кўриб танлашни ўйлагандир. Ўзбек ойимнинг ўқтамлиги, Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони” драмасидаги Фармонбебига ўхшаб, фармонбардорлиги ўз феълида бўлиши билан бирга, табиийки, эри Юсуфбек ҳожининг давлат маслаҳатчисидек юқори мартабасига ҳам боғлиқ. Худди ой нурни қуёшдан олганидек, бу хотин ҳам кучни эридан олади-да! Муаллиф Ўзбек ойимнинг қиёфасини чизиб бўлгач, ота-онанинг муносабатларига ўтади: “Отабекнинг Марғилондан

уйланиб қўйиши отаси учун унча ризосизликка мужиб (сабабчи) бўлмаса ҳам, аммо унинг ўғил тўйисидан бошлаб, Тошкент қизларини ост-уст қилиб, “бунинг қизи яхши бўлса ҳам, уй-жойлари ярамас экан, бунинг уй-жойлари тузик бўлса ҳам, қизи кўрксиз экан, бунинг қизи-да, уй-жойлари-да тузик, бироқ зоти паст экан!” деб қиз, қуда, уй, жой, насл ва насаб текшириб юрувчи Ўзбек ойимнинг Отабекни уйлантириб бунинг орқасидан кўратурган орзу-ҳавас, тўю томошалари-ни шартта кесиб қўйган бу уйланишга нима дейиши ва қандай қараши, албатта, маълум эди... “Энди менга мундоғ ўғул керак эмас... Оқ сутимни оқقا, кўқ сутимни кўкка соғдим... Энди Тошкандга келмасин у ўзбошимча бетиюқ!” деб бақириб-чақириб, ийғлаб-сихтаб, дарду ҳасратини бошиға кийиб олди”. Масалага отанинг ортиқча ҳиссиётларга бериlmай, оғир-вазмин, ақл кўзи билан қараши, онанинг эса, серҳиссиёт, жиззаки, ҳатто ўзи отадек азиз кўрган яккаю ягона ўғлидан воз кечиш даражасида ғазабланиши нақадар ҳаётий, нақадар ёрқин кўрсатилган. Одатдагидек муаллиф “ўзбошимча бетийик” сўзларини шундай топиб ишлатадики, ўқувчи онанинг ҳақ эканига тан бермай иложи йўқ. Ҳар нарсани ўз номи билан аташ керак-да. “Болаларингизга бош бўлинг” деган халқ ибораси кўрсатиб турибдики, ўғил оила бошлиқлари билан келишмай ўзбошимчалик қиляпти. “Тилингни тий”, “нафсингни тий”, “оёқ-қўлингни тий” иборалари эса, ўз хоҳиш истакларини тийишни, жиловлашни англатганидек, ўғил тийилмай, бетийиқлик қилмоқда. Муаллиф она ва ўғил, ота ва онанинг ўзаро муносабатлари тобора чигаллашиб-кескинлашиб боришини уста чевардек бичиб-тикиб, “куйгандан кулли бало чиқади” деганларидек, куйган она охир-оқибат “ўғлини иккинчи бор уйлантириш”дек шумфиркга ўта табиий йўсинда келганига ўқувчини тўла ишонтиради.

Бир йил бўйи Отабек Марғилон билан Тошкент орасида бўзчининг мокисидек қатнайди. Ўғли Марғилонга жўнаб кетиши билан Ўзбек ойим “борлиқ қаҳр-ғазабини эри устига тўқади: “Сиз қариб эсингизни еб қолибсиз, ўғлингизни марғилонлиққа топшириб қўйиб, яна эл ичида бошингизни кўтариб юрмакчи бўласизми?..” – дейдир”. Шарт-шароит пишиб етилгач, энди пишиқ-пухта муаллиф икки ўт орасида қолган Юсуфбек ҳожининг оиласдаги ўрнини белгилашга ўтади. Давлат кенгашчиси сифатида тили бурро одам уй ичида тили қисқа-ю қисик. Агар унга гапирилган гап маъқул тушса, “хўп”, тушунмаса, “хўш”, номаъқул тушса, “дуруст эмас” дейди, жудаям бемаъни тушса, бир илжайиб қўяди, холос. Ишнинг кўзини биладиган ишбилармон ва тадбиркор амал кишиси – амалдорнинг, айтиш мумкинки, энг бирламчи хусусияти-да бу! У ҳамиша “Гап билгунча иш бил”, “Кўп гап эшакка юк!”, “Қисқаси” деб иш кўради-да! Гапдон-маҳмаданаларни иқи суймайди-да. Хусусан, Ўзбек ойимдек дали-ғули, шалдир-шулдур, дилидаги тилида, очиқ кўнгил инсонларнинг кўнгли оқлигини яхши кўрса-да, уларга кўп гапириб барака топмаслигини яхши билади. Ана энди “сўзчан” билан “ўйчан” одамларнинг ўзаро мулоқотини кўз олдингизга келтириб, Ўзбек ойимнинг танг аҳволини кўринг: “ўзининг итоб ва хитобига эридан бир илжайиб қўйиш жавобини олиб, дами ичига тушадир ва чор-ночор ўттуз кунлаб бир замонни ўзича марғилонлиқни қарғаш билан кечирадир”. Ота ва она муносабатидан сўнг энди она ва ўғил муносабатига ўтилади. Ўғлининг Марғилондан ҳар қайтиб келганидан онасининг кинаси бир неча баравар ошган, салом берган ўғлига “ўғлим, менга салом бериб нима қиласан, марғилонлик онангнинг дуосини ол!” деб юзини четга ўгиради. Отабек “онасининг бу киноясини кулгилик билан кечириб, яна эскича араз-

да қола берадилар". Ўтдек куйган она яна эрини эговлашга тушади. Юсуфбек ҳожи аввалига: "Қўя бер, хотин, ўзи соғ бўлса, бир кун эсини топар", – дейди. Одам ҳар қанча пўлат-метин бўлмасин, унинг асаби узлуксиз эговланса, у охир-оқибат асабий, жаҳлдор бўлмаслиги, натижада "жаҳл келса, ақл кетар" деганлариdek, нотўғри қарорлар бермаслиги мумкин эмас. Юсуфбек ҳожининг ҳам ахийри хотинининг йўриғига юришдан бошқа йўли йўқ: "Нима қил дейсан энди?" – деб ноилож сўрайди. Ана бўлди, ихтиёр, бошқарув жилови онага ўтди! "Эр шоҳ бўлса, хотин вазир" деганлариdek, энди "вазир"нинг кенгаши бўйича иш қилинмоқчи. Айни шу ён беришни пойлаган Ўзбек ойим "Отаbekни Тошканддан уйландириб, Марғилонга югиришларига чек қўйиш керак" деган кўнглида сақлаб келганди тилагини очик айтади-қўяди, албатта. Ана энди кейинги босқичга ўтса бўлади. Ўзбек ойим ўғлига ўз ганини ўtkаза олмаслигини яхши билгани учун эрини ўғли билан кенгашишга қистай бошлайди, токи ота ўғилни иккинчи марта уйланишга кўндиrsин. Юсуфбек ҳожининг "Ўғлинг қайтсин-чи... Тура турчи..." деб тўхтатишларига қарамай, муаллиф сўзлари билан айтганда, "Ҳожининг бунчалик бўш келиши Ўзбек ойимга қанот-қўйруқ бергандек бўлди ва бундан сўнг тиниб-тинчиб туролмади", шаҳарни кезиб Кумушдан "ҳам қўҳли, ҳам сулов" қиз излашга киришади-да, тез орада Олим понсад (бешюзбоши) деганнинг қизини топади. Шундай қилиб, ёзуви ёлғиз ўғилнинг тақдирига қарашда оила бошлиғи бўлмиш ота – Юсуфбек ҳожининг оила қўрбошиси бўлмиш она – Ўзбек ойимга бош эгиш тарихини, бутун кент аҳлини ўз оғзига қарата оладиган билга кенгашчининг "Нима қил дейсан энди?" дея ўз хотини оғзига қараб қолишини ҳар томонлама мантиқан асосслайди. Шундай бўлса ҳам, Юсуфбек ҳожини бўш-баёв, ўзи-

нинг эркин фикри йўқ, хотинига ҳукми ўтмайди, хотинига қарам, деб масалага юзаки ёндошиб бўлмайди. Келинг, жиддийроқ ўйлаб кўрайлик. Мана, ота, она ва ўғил меҳмонхонада жам бўлиб, умр савдосини кенгашиб-тортишишга ўтиришди. Ўйлаб қарасангиз, бу Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабекка иккинчи мурожаати. Биринчи мурожаати – ўғлига йўллаган хати, айтса бўларки, уни бир эмас, икки ўлимдан сақлаб қолди. Юсуфбек ҳожининг давлат ва жамиятдаги юксак мавқеи шарофати билан нафақат хотини Ўзбек ойим обрў-эътибор қозонишга, балки ўғли Отабек ҳам Зиё шоҳичи, Мирзакарим қутидор ва бошқа атоқли инсонлар билан танишиб, битишиб, ҳатто қариндошлик ришталарини боғлашга эришди. Отабекнинг “хон қизига лойиқ йигит” бўлиб етишишида ота-она нинг, айниқса, ота тарбияси, қўрчиши ва ўгитларининг асосий омил эканини унутмаслик керак... Отабекка келсак, уни ҳам бўш-баёв, ўз ҳақ-хуқуқини билмайдиган, ўз тақдирига мастьулиятсиз, деб бўлмайди. Отабекнинг оила қуриш, сиёsat, иқтисод ва бошқа соҳаларда ўзининг эркин ва соғлом фикрига эга экани аввалги бобларда жуда яхши айтилди. Яъни у эр ва хотиннинг бир-бирига ярашиқли бўлишини, ўзаро ҳақ-хуқуқларини сақлашлари шартлигини яхши англайди. Тўғри, Отабек ўта андишали, ориятли йигит, бироқ “андишанинг оти қўрқоқ” деганларидек, қўрқоқ эмас. Керак бўлса, ота-онасига ҳам ҳақ гапини ётифи билан, мулоимлик билан тушунтириб, ўтказа олади. Ана, энди, тасаввур қилинг: ота-она бир томонда, ўғил иккинчи томонда ҳақни ўртага қўйиб, ҳақ учун баҳс қилишга киришишди. “Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...” дея ётифи билан гап бошлайди жонкуяр ота. Нима иш эканини Отабек яхши билса-да, адабсизлик, қўполлик қилмайди, балки: “Ақл-

лик кишиларнинг ўғуллари устидан қилған ишлари, албатта, номаъқул бўлмас", – дейди. Отабекнинг тақдирига боғлиқ масалада унинг олдидан ўтмай қилган ишлари ноҳақлик эканини яхши тушунган ота уялиб аввал ерга, сўнг истеҳзо билан хотинига қарайди. "Номаъқул бўлмас" иборасини икки маънода тушуниш мумкин: ҳам "номаъқул бўлмаса керак", ҳам "номаъқул бўлмаслиги керак", акс ҳолда, "ундай киши ақлли эмас". Ота ва ўғилнинг сертакаллуф, илмоқли гапларига сабри чидамаган дали-гули, дилидаги тилида, жонсарак она "Биз санинг учун Олим понсадбошининг қизига унашиб қўйдик... Энди сан билан тўй маслаҳатини қилмоқчи эдик" деб гапнинг пўсткалласини айтади-қўяди. Отабекнинг "Сизларни ранжитиб бўлса ҳам бир мартаба уйланган эдим-ку..." деган гапидан икки маънони уқиш мумкин: ҳам "мен уйланганман-ку" деган таъкид, ҳам "сизлардан бесўроқ, сизларга билдиримай уйланиб сизларни ранжитдим" дея кечирим сўраш, ўзининг ноҳақлигини тан олиш. Отанинг "Сен уйлансанг, биз ранжирмидик?" деб кулиб қўйиши замирида ҳам "сени кечирдик", ҳам "сени яна бир бор уйлантирсак ранжирмидик, аксинча хурсанд бўламиз" деган таъкид маънолари бор. Отабекнинг "Ранжимасаларингиз..." деган биргина сўзидан шундай маъноларни уқса бўлади: "ранжимаган бўлсангизлар, нега мени яна уйланишга қистаяпсизлар?", "ранжиманглар, мен бошқа уйланишни истамайман". Юсуфбек ҳожи "Бу ранжишдан эмас, ҳожатдан, ўғлим" деб Отабекнинг ҳар икки маънодаги сўзига жавоб бергач, "қайин отанг қизини Тошкандга юбормас экан. Ўғил ўсдириб катта қилған онангнинг бўлса олдиға келин қайғуси келадир... бизнинг ҳозирги баъзи бир раъйларимиз сенга ётишиб келмас экан, бунга ҳаққинг бор, лекин иккинчи тарафдан бизни ҳам ҳақсиз ташлаб қўйма, ўғлим... сенинг сабаби вужудинг

бўлған бир киши ўз ҳаёти ичида боласи орқали бир орзу-ҳавас кечирмакчи... Унинг бу орзусига ҳақ берасанми, йўқми, яна ихтиёр ўзингда” деб ҳақ гапларни айтади. Муаллиф ўз қаҳрамонига ҳожи унвонини бе-рар экан, бу билан Юсуфбек ҳожи ислом динининг энг улуғ фарз рукни бўлмиш ҳаж ибодатини адо қилган, демакки ислом аҳкомларини яхши билган зот эканини алоҳида уқтироқда. Бас, шундай экан, у мусулмончиликка ҳам, ўзбекчиликка ҳам тўла бўйсунади. Мусулмончиликда ота-онани ҳурмат қилиш, хизматига доим шай туриш, айниқса, кексайиб заифлашган-ночорлашган пайтида уларни қўллаб-қувватлаш буюрилган бўлса, ўзбекчиликда фарзандлардан камида биттаси (масалан, кенжатойи) ота-она ёнида қолиб, то умрларининг охиригача хизматларини қилиши, улар ўтиб кетишгач, катта уйнинг чироғини ёқиб ўтириши урф-одат ҳисобланади. Мусулмончиликда ижтимоий, иқтисодий, жисмоний, ҳуқуқий ва бошқа вазият тақозо қилса (масалан, хотини соғлиғи туфайли фарзанд кўра олмаса, турли омилларга кўра жамиятда хотин-қизлар эркак-йигитларга қараганда бир неча баравар кўпроқ бўлса ва бошқа шулар каби сабаблар), тўрттагача хотинга уйланишга шаръян йўл-йўриқ берилган. Юсуфбек ҳожи буларни яхши билади. У ўғлини уйланишга мажбурлаб, унга жабр-зулм қилаётгани йўқ, балки унга ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқларини, фарзанднинг бурч ва мажбуриятларини тушунириб-эслатиб, танлаш ҳуқуқини ўзига беряпти. “Эй ўғил, ҳаддингда тур отанг сени сотганда ҳам” деганлариdek, Отабек ўз ҳаддини билиб, ота-онасининг ҳаққи-хурматини юксак қадрлагани учун сўнгги чорани қўллашга мажбур: “Аммо бир бечорага кўра-била туриб жабр ҳам хиёнат...” Бу гапдан ҳам икки-уч маъно англашилади. Шулардан бирини ота савол тариқасида англатади: “Кимга, хотинингғами?” Отабек ик-

кинчи маъносини уқтиради: “Йўқ, сизнинг оладирған келинингизга... келинингиз қаршисида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида тасаввур қилингиз!” Учинчи маъноси – бечора Отабек, сабаби, ота-она ўз ҳақлари-ни талаб қилиш, уни қайта уйланишга ундаш орқали ўзлари билиб-билмаган ҳолда Отабекка жабр ва хиё-нат қилмоқдалар. Ана шунда ота ҳам ўзининг нои-ложлигини, вазият қурбони эканини тан олишга мажбур бўлади: “Биз ҳозир бир андишанинг бандаси, мен эмас, онанг биравни ишондириб қўйған; бизнинг оиласдан лафзсизлик чиқиши менга маъқул кўрин-майдир”. Модомики, масала оила шаъни, ота-онанинг жамият олдидаги обрўсига бориб тақалган экан, баҳсга ўрин қолмайди ва Отабек аччиқ қисматига кў-нишга мажбур бўлади. Зотан, Отабек .одамнинг, ай-ниқса, ота-онанинг лафзсизлигини ўз баҳтсизлиги-дан оғирроқ кўргилик деб билади. Сўзида, яъни лаф-зида туриш, сўз, яъни калом қадрини осмон қадар баланд тутиш эса, сўз санъаткорининг, айниқса, авли-ёи киромларнинг энг бирламчи инсоний кўркидир. Отабек ҳам Юсуфбек ҳожидек авлиёсифат зотнинг адабини олган!

Тўғри, бу бобда ҳам, кейинги бобларда ҳам, уму-ман, бутун асар давомида ҳам Юсуфбек ҳожининг шаҳар ҳокими Нормуҳаммад күшбеги ва бошқа давлат одамлари билан муомала-муносабатлари, чунончи, ўзаро тил топишолмай турган мансабдорларни муро-сага келтириш бобидаги фаолияти мутлақо тасвир-ланмаган. Асарда бунга зарурат ҳам бўлмаган. Лекин шу биргина ўз оиласидаги ҳаёт-мамот масаласида она билан ўғилни тил топиштириш, шундай қилиб, ўзбо-шимчалик билан иш қилган ўғлининг ҳам, хотини-нинг ҳам хатосини ўзига хос тарзда тузатиш!.. Мана шу ишнинг ўзиёқ Юсуфбек ҳожининг давлат одами, қола-верса, ҳожи сифатидаги қиёфасини яққол очиб кўрса-

та олади. Шунчаки күрсатибина қолмайды, бу одамга, унинг ишбилармонлиги, уқувлилиги, донишмандлиги, тинчликсүярлиги, әлпарварлиги, кўйинг-чи, бутун инсоний фазилатлари ўқувчини ўзига мафтун-маҳлиё қилиб қўяди. Ахир, ҳали асар охирларида кўрамиз, бу чинакамига нуроний зот кимсан Кумушбибининг ҳам шу қадар меҳрини қозонадики, у азбаройи қайнатасининг “яраштириш маросими”да айтадиган гапларини хузурланиб эшлиши учунгина кундоши Зайнаб билан атайин уришади!

Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, бир пайтлар рус ёзувчиси Михаил Колесниковнинг “Вазирлар мактаби” романини ўқиганимда “Қани энди бизнинг адабиётимизда ҳам мана шундай давлат миқёсида ўйлай оладиган дунёқараши кенг қаҳрамон, улкан давлат арбобининг жонли қиёфаси яратилса экан!” дея орзу-тилак қилган эдим. Тўғри, бизнинг адабиётимизда, хусусан, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси”, “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони”, “Улуғ салтанат” каби бир қатор мумтоз тарихий романларимизда тарихимиздаги у ёки бу давлатга узвий боғлиқ улкан тарихий шахслар ҳаёти кўламли тасвирланган. “Умид”, “Диёнат”, “Гирдоб”, “Одам бўлиш қийин” каби романларда эса, олимлар – фан арбоблари ҳаёти таъсирчан кўрсатилган. Бевосита ёзувчи ва санъаткорлар ҳаёти ёритилган йирик насрый асарларимиз ҳам йўқ эмас. Улар билан танишиб, масалан, дейлик, “Ўйнашмагин арбоб билан, Арбоб урап ҳар боб билан” деган мақолнинг моҳиятини англағандек бўласиз. Лекин ушбу мақол фан, маданият ва санъат арбобларига нисбатан кўпроқ айнан давлат арбоби бўлган амалдорларга – камида вазир даражасидаги йирик мансаб эгаларига тегишилидир. Кўлида қаламими-мўйқалами бор арбоб қаёқда-ю, давлат миқёсидаги катта бир амалга эга амалдор қаёқда! Шунинг учун ҳам шўро тузуми тарих-

да мавжуд ўзбек давлатчилиги хусусида асарлар яратилишига, гарчи ҳар боб билан қаттиқ қаршиликлар кўрсатса-да, ҳар қалай, йўл қўйиб қўйди, лекин замонамиз қаҳрамони сифатидаги давлат арбоби, аслида мустақил бўлмаса-да, хўжа кўрсин учун айтиладиган “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси” деб аталувчи “мустақил” давлатдаги, дейлик, бирон-бир вазир ҳаёти ҳаққоний ва атрофлича қаламга олинган йирик асарнинг яратилиши... амалда мумкин эмас эди! Чеклову тўсиқнинг энг каттаси мана шу ерда эди! Шу боисдан тўқсон йиллик романчилигимиз тарихидаги ягона давлат арбоби бўлган адабий қаҳрамон, менинг билишимча, Юсуфбек ҳожигина эди! Шунинг учун ҳам Юсуфбек ҳожи ўзбек ўқувчиларининг энг севимли қаҳрамони, ҳаттоқи Отабек ва Кумушдан ҳам севимлироқ қаҳрамонига айланиб кетган эди. Чунки тағин такрорлагим келади: бой ва гўзал она тили тимсоли бўлган Кумушбидек севимли қаҳрамонимиз ҳам бу қаҳрамонга мафтун-маҳлиё эди!

Бугина эмас, Юсуфбек ҳожи ўзбек адабиётида ижобий қаҳрамон сифатида ёритилган деярли ягона диндор-руҳоний ҳамдир. Бу адабий қаҳрамондан кейин яратилган Солиҳ маҳдум, Раззоқ сўфи, Қори ишкамба, Иноят оқсоқол ва бошқа диндорлар қиёфаларида қора бўёқлар анчагина қуюқ эдики, бунинг асосий сабаби – худосиз шўро тузумининг энг хавфли душмани диндорлар бўлганида эди. Бутун шўро адабиёти диндорларга қарши қайраб солингган эди!..

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбек ойимнинг марғилонлик келинини “анди”дан олиб “жодугар”га солиши мутлақо асоссиз, шунчаки чала-думбул қаҳрамоннинг тутуриқсиз сўzlари эмас! Бундай гаплар тагида муаллиф қўзлаган теран маънолар бордир. Ҳинд киноси усталари яратган “Биз ёлғиз эмасмиз” бадиий филмидаги ўзга сайёрадан Ерга келиб, йўлдош-

ларидан ажралиб қолиб кетган қаҳрамон – “Жоду” ёдингиздами? Бир жоду, сеҳр, кашмирилик, тилсим шунчалик бўлади-да! Ҳар қалай, шу нарса шак-шубҳа-сизки, агар бу оламда ўзга сайёрадан ерга келиб қолган “гуманоид” деганлари ростдан ҳам бор бўлса, бу, айтиш мумкинки, аввало “ҳинди” билан “анди” дир. Эҳтимолки, бу икки сўзнинг ўзаги, аслида, биттадир. Шунинг учун ҳам, балки, Андижон билан Кашмир ўртасидаги қамида беш минг йиллик тарихий муносабатларни яхши билган ҳинд халқининг буюк мутафаккири, “Жаҳон тарихига назар” номли улкан илмий тадқиқот муаллифи Жавоҳарлал Неру асли Кашмирда ўсиб-улғайиб, Андижонга талпиниб етолмай армонда кетгандир? Шунинг учун ҳам, балки, буюк Заҳириддин Муҳаммад Бобур, аксинча, Андижонда туғилиб-ўсиб, Ҳинdistонда бобурийлар сулолосига асос сола олгандир? Тараққийпарвар инглиз мустамлакачиларини ўз юритдан сиқиб чиқара олган ҳинд халқидек буюк бир халқ айнан шунинг учун ҳам бобурийлар сулолосини, аксинча, “таг-туғи ўзимиздан, қон-қардошмиз” дея бошига кўтаргандир?.. Бугунги кунда Ҳинdistон билан Покистон ўртасида талаш бўлаётган Кашмир ана ўша Ўзбек ойим айтаётган “анди” билан “жоду” дир? Балки, мазкур романда ҳам фақатгина Марғилон эмас, бутун Фаргона водийси, жумладан, Андижон, хитой манбаларида тилга олинган қадимий “Довон”, хуллас, “яқин тарих” мисолида узоқ тарих тўғрисида гап кетаётгандир? Балки, мазкур асар, аслида, фақатгина “яқин ўткан кунлар”да яшаган қаҳрамонлар эмас, узоқ ва яқин ўткан кунлар ўртасида овора бўлиб нақ аросатда кун кечираётган инсонлар, борингки, энг қадимий халқлар тақдирни ҳақидадир? Буюк ҳинд актёри Раж Капур ўйнаган “Дайди” филмида бош қаҳрамон “Аварахум” дея овора-сарсонлигидан ўртаниб қўшиқ айтиши бежиз эмас! Балки буюк Ғафур Ғулом

ҳам ўзининг “Сен етим эмассан” шеърида ёзган “Халқ бор – отанг бор” сатрида ҳамиша “халқ оталари” сохта ота бўлиб чиқиши, чунки халқнинг ўзи ота эканини уқтириб тургандир?..

Бу дунёни “ёлғончи, ўткинчи дунё” дейдилар. Сабаби, у одамларни бойлик, шуҳрат, мансаб, обрў-зътибор, кайф-сафо, лаззат ва бошқа қўпгина ўткинчи матоҳлар билан алдайди. Кўп ҳолларда турли орзу-ҳаваслару жиноятларни ёлғон ўраб-чулғаб олган бўлади. Бинобарин, ҳар бир одамнинг энг катта ёви – ёлғон. “Бир ёлғондан қирқ ёлғон” деганларидек, кўп ҳолларда бир ёлғонни яшириш учун яна ва яна ёлғонлар тўқилади... Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи нафақат ўтган хонликлар замони ҳақида, балки умуман инсон ҳаёти, бу ёлғончи ва ўткинчи дунё ҳақидаги асар ҳисобланади. Отабек Марғилон гўзалига ошиқ бўлиб уйланиш кўйига тушган экан, ўз ота-онасидан яширмай, яъни ёлғон йўлни тутмай, тутинган ота, ота қадрдони, қайнота ва қайноналар қаторида ўз ота-онасининг ҳам бу ишга розилигу оқ фотиҳаларини олиб, ҳаммалари кенгашиб-битишиб иш тутгланларида, табиийки, инсоний муносабатлар оқими бутунлай бошқа ўзанга тушар, демакки, бутунлай бошқа бир асар ёзилган бўлар эди. Модомики, бўлар иш бўлган экан – ўзбошимчаликка йўл қўйилган экан, бунинг асл сабаблари, оқибатлари ва тўғри ечимлари устида бош қотириш керак бўлади энди. Муаллиф Отабекнинг нима учун марғилонлик қизга қўнгил қўйгани-ю, унга уйланишни тилагани ҳақида кўп нарсаларни айтмайди. Буни китобхон ўз ҳаётий тажрибаси-ю эртак, достон ва ривоятларни ўқиб-tinglab ўрганиш орқали англаши мумкин. Масалан, бунинг бир изоҳи юқорида айтиб ўтилди: Марғилон ҳозирги ўзбек адабий тилига асос қилиб олинган шева, Кумуш – она тили, Отабек – Адабиёт (Адаб), Зайнаб эса, иккинчи

(хоҳ араб, хоҳ форс, хоҳ рус, хоҳ бошқа бир элга мансуб бўлсин, ўзбек адаби томонидан ўзлаштирилган) тил. Романда бу қаҳрамонларнинг ўзаро жўшқин ва чигал муносабатлари ҳақида ўқир экансиз, беихтиёр “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Адабиёт яшаса, миллат яшар”, “Тилга ихтиёrsиз, элга эътиборсиз”, “Дўстинг ҳам – тил, душманинг ҳам – тил”, “Тил – дил калити, тилмочи”, “Тили тилига тушди”, “Тилини топди”, “Тили чиқди”, “Тили қисик”, “Тили кесилди”, “Дили қинғирнинг – тили қинғир”, “Тил билган – эл билар”, “Бахтли қиласиган ҳам – тил, бахтсиз қиласиган ҳам – тил” ва бошқа кўплаб мақол ва иборалар кўз олдингизга келади. Роман охирида Отабек ва Кумушдан туғилган ўғилга “Ёдгор” деб от қўйилишида ҳам рамзий маъно бордек. Ўрхун-Энасой битиклари, яқинда нашр этила бошланган “Ўзбек халқ адабиёти ёдгорликлари” юзжилдлигига кирган достонлар, минглаб ривоят, ҳикоят ва эртаклар ўзбек тили ва адабиётининг ўлмас ва мангу барҳаёт маънавий ёдгорликлари-да, ахир... Келинг, Отабекнинг нега ўзи туғилиб ўсган кентдан эмас, Марғилондан уйланганининг яна икки изоҳини келтирайлик. Биринчидан, ўзбек халқ эртак ва достонларида кўп учрайдиган одат – йигит эр етгач, ўз ёрини қидириб йўлга тушади-да, турли тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтиб узоқ юртлардан ўз бахтини топади. Бунда чуқур ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, наслий ва бошқа кўпдан-кўп маънолар бор. Масалан, кўп халқларда “тўпланган мол-мулк бегона бўлмасин, қон-қариндошлар орасида қолсин” ёки “ўзингники чайнаса ҳам, ютиб юбормайди” каби ақидалар билан эр йигитни ўз амма-хола, амаки-тоға каби яқин қариндошларининг қизига уйлантириб қўйиш одати бор. Бу, табиийки, “ўз ёғига ўзи қоврилиш” билан баробар бўлиб, қон янгиланмай, насл бузилишига, ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий жабҳалардаги турли чекловларга,

турғунликка, қолоқликка олиб келади. Ҳатто, романда тилга олинган “шашарлик ва қишлоқи”, “қорачопон ва қипчоқ” каби айирмачилигу маҳаллийчиликка йўл очиб бериши мумкин... Иккинчидан, кўп халқларда қадимдан қолган шундай анъана борки, икки ўзаро ёвлашган давлатларни яраштириш, маданий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда дўстона алоқалар ўрнаташ учун хукмдорлару оддий халқ вакиллари ўзаро қуда тутишишган, яъни қиз олиб, қиз беришган-да, орадаги кек-адоватга чек қўйишган. Масалан, Искандар Зулқарнайнинг марказий осиёлик Рухшонага уйланиши, Соҳибқирон Амир Темурнинг мўғул хоқони Чингизхонга қуёв бўлиши, рус подшоҳларининг герман ва француз аёлларига уйланишлари... Айни шу маъноларда Отабек ўз тақдирини ўз қўли билан яратдиган, халқларни бирлаштиришга ярайдиган фозил одам, баркамол шахс, етук инсон.

“Унутмайсизми...” деб номланган ўн тўрт саҳифа, беш бўлакдан иборат иккинчи боб бутун бўлимнинг ва умуман, асарнинг энг улкан бобларидан биридир. Бу табиий. Шум тақдирнинг тақозоси билан чил-чил синган шикаста қўнгилларнинг қуйиниб-ўртанишларини унча-мунча бобга сиғдириб бўладими! Алишер Навоийнинг “Кимки бир қўнгли синиқнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай” шоҳбайти инсон қўнгли, айниқса, бечоранинг қўнгли нақадар нозик, муқаддас ва меҳрга зор хилқат эканини аён кўрсатади. Лекин бечоранинг қўнгли шод айланмай, аксинча чўктирилса-синдирилса-чи?! Худонинг ҳам қаҳри келмайдими, зоро, Аҳмад Яссавий “Қўнгли қаттиқ дилозордан худо безор” деб бежизга айтмаган. Мана шундай қўнгли синиқ бечора Отабек энди камида уч инсон – қайнота-қайнонаси ва суюкли ёрининг қўнгилларини синдиришга ноилож отланган. Биринчи синиқ Отабекнинг Марғилон йў-

лига оғир қўзғалишини тасвирлаш билан бошланади. “Ҳар бир гал Марғилон борганида олиб борадиган нафис совғалари бу гал жуда заҳарли, ортиқча аламли бир совғага айланган. Кумушбиби бу совуқ қундош совғасини кўрганда” қандай оғир аҳволга тушишини ййлаб “сувга тушган нондек бўкиб-бўшашиб, юз хил совуқ, ярамас хаёллар қўлида эзилиб, ўзининг дунёда борми-йўқлигига ҳам тушунмай кета берадир”. Бу гапдаги “нафис совғалар” деганда аввало Отабекнинг Кумушни суйиб-эркалашлари, кўнглини овлашлари, ёқимли сўзлари тушунилади. Бу галги совғаси эса, аксинча, кўнглини-ю ўзини заҳарловчи совға. Одатда тўрт қўниб ўтиладиган йўл бу гал олти қўниб аранг кечилади. Жаннатмакон довоннинг кўклам чоғидаги гўзал манзаралари аввал унинг кўзи, димоғи ва қулоғини, сўнг онги-ю қалбини ўзига жалб қиласди. “Унинг фикри анови қоронғуликлар ичida сузса ҳам, кўзи чечак ва сабзалар томошасида, димоғи ҳидлар истишомида, қулоғи қушлар нағмасида бўладир”. Совуқ, қоронғу ва туссиз-сассиз қиши кунларидан сўнг илиқ, ёруғ ва рангин кўклам қунларининг кўкайларни яшнатувчи-яшартирувчи мўъжизасини кўринг. Табиатсевар, руҳоний, синчков ёзувчининг мўъжизавий тасвирини кўринг. Ниҳоят Отабекнинг “фикри ҳам шу кўринишлардан ҳисса олмоққа бошлайдир: – Ҳов ана бир қалдирғоч, тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учган йўлида вижир-вижир сайраб ҳам қўядир. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, севганининг олдига тезроқ етиш учун шошадигандир, сайроғи ҳам севганини кўриш шодлиги учундир... ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваслари йўқдир! Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, иков-иков, севган севганни оладилар-да тоғларда, ерларда, кўкларда учиб юра берадилар... Мен ҳам шу қалдирғочдек, унинг сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим”. Отабекнинг ўз ота-онаси орзуиси-

га тутқун руҳий ҳолати, эркин күшларга ҳавас билан қараши, күнгли озодликка, севгани билан баҳтли ҳаёт кечиришга талпиниши қанчалик жонли тасвирланган. Баъзида кишилик жамияти шу қадар чигал ва поўрин қонун-қоидалар, урф-одатлар, ирим-сиримлар тўқиб чиқарадики, инсон қуш, чумоли, асалари каби жониворларнинг мантиғи-ю турмуш тарзига ҳавас ва ҳайрат кўзи билан қарайди. Эътибор беринг, нега энди Отабек ҳавас ва ўқинч билан томоша қилаётган бу қуш бургут эмас, лочин эмас, ақалли турнами-каптар эмас, айнан қалдирғоч?.. Сабаби шундаки, қалдирғоч эзгулик элчиси, эзгулик тимсоли бўлиб, у жаҳон ва ўзбек адабиётининг мумтоз асарларида қойилмақом кўрсатилган. Масалан, “Қисаси Рабғузий”нинг “Нуҳ пайтамбар” қиссасидаги хабарда айтилишича, қарлуғоч (қалдирғоч) сингак (пашша, чивин)нинг тилини кесиб олиши шарофати билан илон одам гўштини эмас, бақа гўштини ейишга маҳкум этилади. Буюк эпосимиз “Алпомиш”даги ақл-дениш тимсоли Ҳакимбекка эгиз туғилган сингил – эзгулик тимсоли Қалдирғоч деб аталади. Буюк замондошимиз Чингиз Айтматовнинг асарларида Шохдор она буғу, қоранор, бўри, кит сингари ёрқин тимсоллардан сўнг, адабнинг сўнгги романи “Тоғлар қулаганда (Мангу қайлиқ)”да қорли тоғ қоплони билан бир қаторда қалдирғоч тимсоли ҳам яратилган!.. Хуллас, Отабек ҳавас билан боқаётган қушнинг айнан қалдирғоч экани “Алпомиш” достони билан “Қисаси Рабғузий”нинг бевосита таъсири бўлганидек, Чингиз Айтматовнинг сўнгги романидағи қалдирғоч ҳам бу уч шоҳ асарнинг ўзига хос “мантиқий давоми” дейиш мумкин.

Бобдаги беш бўлакнинг биринчиси яна бир манзара кўриги билан ўзининг чўққисига етади: “Узокда кўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи эшитиладир: “Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!” – руҳ-

ли, кучли күкракдан чиққан бу ашула теваракни зирэттириб юборгандек Отабекка ҳам бошқача бир таъсир берадир..." Ҳа, бу куй Отабекни ўтдек куйдиради-ўртайди. Романинг биринчи қисмининг "Тўй, қизлар мажлиси" бобидаги Кумушнинг тушкун аҳволи ёдингиздами? Унда ҳам ота-она орзу-иродаси билан турмушга узатилаётган, ўз севган ёридан ажralаётган Кумушнинг тоқатсиз, дард-аламга тўлиб-тошган кўнгли табиий тасвиirlанган эди. Ахийри, дугоналарининг "Йиғларман" куйини қўйлаганларида Кумуш ортиқ ўзини тутиб туролмай, ёнидаги дугонасига осилиб йиғлай бошлаганди. Энди Отабек ота-она орзу-ҳаваси, фалакнинг гардиши билан худди шу аҳволга солинди. Қирлар, тоғлар, сойлар, чечаклар, қушлар гўё Отабек атрофида базм қилишаяпти. Бу базмнинг чўққиси, энг қизғин нуқтаси ана шу чўпон йигитнинг бўзлаб айтган қуи ниҳоят Отабекни ҳам йиғлатади: "Қўз ёшлари юзи орқали эгарнинг қошига ва отнинг ёлига тома бошлайдир..." Бу ерда муболага йўқ, балки бутун кўнгли чил-чил синдирилган чин ошиқ руҳий ҳолатининг ёрқин тасвири бор!

Бобнинг иккинчи бўлаги ошиқларнинг узокроқ ҳижрондан кейинги дийдорлашуви тасвирига бағишлиланган. Отабекнинг йўлига қўз тикиб ўтирган Кумуш уни кўриб, индамай ичкарига киради-кетади. Отабек ўзининг "кечикиб уни зориқтиргани учун" шу тарзда аразлаётганини тушунади. Кечикканигаки шунчалик қайғуряпти, кундошлиқ бўлишини билгандаги аҳволини тасаввур қилган Отабекнинг кўнгли бир бузилса, қайнонасининг суюкли куёви атрофида парвона бўлишларини кўриб яна ва яна бузилади. Онаизорнинг қизига айтган "Тур, чиқиб сўраш, аразлаб кетиб қолса нима қиласан?" қабилидаги гаплари Кумушнинг бутун жисми-жонини зирқиратиб, "Ростдан ҳам аразлаб кетиб қолса-я" деган хавотирда Отабекнинг

дийдорига юргилаб чиқади, ҳатто унга зимдан бир кулиб боқади. Бу сеҳрчи-жодучи қараш ошиқ қалбда ўзига хос исён қўзғайди. Шу онда ўзича аҳд қиласди: "Уларнинг орзуларини буларга сўзламайман-да, Тошкентларига ҳам бормайман!" Афсуски, у ҳали отоиасининг орзу-ҳавасига, талабига розилик жавобини бериб, Марғилонга келиши хато бўлганини, кишилик жамиятида қон-қариндошлиқ, устоз-шогирдлик, қўни-қўшнилик, дўст-биродарлик каби ришталар нақадар кучли эканини чуқур англамаган эди. Отабекнинг Марғилонда муқим қолишга қарор қилганини билган Кумуш ажабланар, аслида, шодланар эди. Бироқ бу шодлик узоққа чўзилмайди.

Учинчи бўлакда Отабекнинг Марғилонда муқим қолиши сири йигирма кун дегандан очилади. Мирзакарим кутидор қудаси Юсуфбек ҳожининг хатини олиб уйига келади. Ушбу хатни чинакам давлат арбобининг юксак дипломатик муносабатлар малакаси, қолаверса, ўзбекона муомала маданиятининг ёрқин намунаси, дейиш мумкин! "Ҳақ ҳамиша ғолиб" деганлар, бироқ ҳақиқатни айтишда эҳтиёткорлик, андиша, меъёрни сақлаш ўта муҳим. Агар Юсуфбек ҳожи "Отабек сенинг ўғлинг эмас, менинг ўғлим-ку, нега уни Тошкентига жўнатмай ушлаб турибсан, бунга нима ҳаққинг бор?!" қабилидаги аччиқ-тизиқ гаплар қилганида, "саломга яраша алик" деганлариdek, "Менга нима дейсан? Ихтиёр менда эмас, ўғлингда-ку! Ўғлинг сенинг уйингдан менинг уйимни афзалроқ кўриб турган бўлса, шунга энди сен эмас, мен айбдор бўламанми?" сингари нордонгина жавоб олиши мумкин эди, албатта. Ҳожи ўз хатида қудаси ва қудачасининг ҳурматларини жойига қўйган ҳолда уларга шундай бир аччиқ ҳаёт ҳақиқатини уқтириб, масалага инсоф ва адолат юзасидан қарашни ўтинаидики, бу "яхши гап"-нинг таъсирида Мирзакарим кутидор нафақат ўзи хат

ёзувчининг иродасига сўзсиз бўйсунади, балки хотини, қуёви ва қизини ҳам бўйсунишга чақиради! “Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқар” деганлари нақадар ҳақ-рост! Сўзнинг, айниқса, ҳар қандай муаммони тинч йўл, яхшилик ва хуш муомала билан ҳал қила оладиган моҳир элчи-дипломат сўзининг таъсир қудратини кўринг! Юсуфбек ҳожи ўз хатида ҳол-аҳвол сўрашувдан сўнг Отабек ёлғиз фарзанди, кўз тиккан орзу-ҳаваси, умид чироғи эканини таъкидлагач, шундай аччиқ ҳақиқатни, муаммонинг туб илдизини мулойимлик билан англатади: “Муҳтарам сиз буродаримизнинг шул ягона ўғлимизни фарзандликка қабул қилиб, аммо бизнинг келин боламизни Тошкандга юбормағанлари, бизнинг жанобларидин бўлған миннатдорлиғимизни ва яна ўғлимизга бўлған марҳаматларини бир оз тугаллай олмадилар. Аммо каминалари... айбни сизнинг устингизга бутунлай юклай олмаймиз, зероки, бизнинг бошимизда бўлған “ёлғиз туёқлиқ” савдоси сизнинг ҳам бошингизда бордир”. Эътибор беринг, “миннатдорлик” сўзи ҳам ижобий, ҳам салбий маънода кўлланмоқда, яъни ўғлини фарзанд сифатида қабул қилганига миннатдорлик, ташаккур билдириляпти ҳамда ўғлини ўзлаштириб-менчиклаб олгани ва келинини Тошкентга юбормагани учун миннат, таъна, кина-киноя қилинмоқда. Гапдаги “марҳамат” сўзи ҳам “раҳмат”, ҳам “раҳм” маъноларида кўлланган, яъни “ўғлимизга марҳамат кўрсатганингиз учун раҳмат, бироқ унга ҳам, бизга ҳам раҳмингиз келсин” дейилмоқчи. Шундан сўнг Юсуфбек ҳожи уларнинг нимага раҳм қилишлари кераклигига, яъни асосий муддаога кўчиб, Отабекнинг кўп умри Марғилонда кечеётгани, айниқса, онасининг ўғлига орзу-ҳаваси туфайли уни Тошкентдан ҳам тааллуқдор қилиш (уйлантириш) ҳаракатини бошлаб қўйганини айтади. Отабекнинг, ав-

валига бунга қарши бўлса ҳам, онасининг ҳаққи-хурмати учун розилик билдириб, сўнг Марғилонга қайно-та-қайноналарининг розилигини олиш учун кетганини билдиради-да, яна бир карра уларнинг марҳаматидан умидвор эканини таъкидлайди. Муаммо ва ечим айтилгач, энди буни қўллаб-қувватлаш сўралади: “Буродари кироми, сиз дунё кўрган бир кишисиз, она-сининг бу талабини хўб мулоҳаза қилиб кўрингиз, бу тўғрисидағи раяйи ўғлингизга қарағанда ҳам, фақирларича, сизларда бўлғани важҳидин, албатта кўндиришкан саъй ва кўшиш қилурсиз, деб ишонамиз”. Бундай ўтичига Мирзакарим кутидорнинг жавоби қандай бўлиши мумкин? “Қаловини топсанг, қор ҳам ёна-ди” деганлариdek, қопиб эмас, топиб гапириш мана шунаقا бўлади! Бу гапларга жавобан “Йўқ, сенинг айтганингни қилмайман!” дея оладими?! Давомидан келтирилган яна битта гап ҳам чинакам дипломат ва асл ўзбекнинг гапи: “Отабекнинг иккинчи тааллуқи тўғрисида келин боламизга билдирилмаса хўп эрди”. Эрининг яна бир марта уйланмоқчи бўлаётганини хотинига билдирамай туриш уни писанд қилмаслик ва ё алдаш эмас, аксинча, инжа кўнглини синдиримаслик, асрраб-авайлаш, эҳтиётлаш-эъзозлаш! Ҳали ўз келининг юзини кўрмаган қайнотанинг гина-кудурат ўрнига бундай эъзоз-эҳтиромини дил-дилдан ҳис қилиб турган ота, албатта, ҳаққа тан бериб, унинг иродасига сўzsиз бўйсинади-да. Худонинг қудрати ва яхши гапнинг кучи-да бу!

Ушбу бўлакда Мирказарим кутидор билан Офтоб ойимнинг қизғин суҳбати, ҳатто айтиш мумкинки, баҳси жуда ишонарли, таъсирчан, эҳтирос ва таҳлика-га бой қилиб тасвирланган. “Ҳақиқат баҳсда туғила-ди” деганлариdek, ота-она ахийри нисбатан қониқарли ечимга келишади, албатта. Нечоғлик оғир ва қайгули бўлмасин, ота муаммога мантикий ёндошишга

уринса, она ўйлашни ҳам, тушунишни ҳам истамай, ўртаниб-тўлғанади. Мирзакарим қутидорнинг сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмай, посонгини тенг сақлаб, Офтоб ойимни ҳовуридан тушириш ва тил топишиш укувини кўриб, унинг ҳам ўзбекона муомала маданияти Юсуфбек ҳожидан мутлақо қолишмаслигини ич-ичдан тую оласиз. Ёзувчи совуқ хабарни эшитган онанинг безовта руҳиятини шундай тиниқ ва табиий тасвирлайди: “Офтоб ойим учун гўёки қизининг бирар айби учун бу ишқа мажбур бўлинғандек, Кумуш эса энди эрига суюмсиз, ишдан чиқған ва бурчакка тиқилған увададек бўлиб кўрина бошлаған эди”. Ҳеч бир она ўз фарзандининг баҳтсиз бўлишига сира йўл бермайди. Шунинг учун Мирзакарим қутидор бунга қаршилик қилган Офтоб ойимга унинг томонини олиб ётиғи билан тушунтирадики, аслида иккинчи хотин олишга куёвлари Отабек ҳам қарши эканини, бироқ қудалари қистови билан бўлаётганини, кундош номигагина кундош бўлишини англаатади. Лекин Офтоб ойим англашни истамайди, аччиқ устида эридан хатга “бизга маъқул эмас” деб жавоб беришни айтади. Бундай жавоб ноинсофлик эканини англаб турган қутидор хотинидан “куёвинг Тошкентдан иккинчи уйланмасин-да, Кумушни қудаларинг олдига турғун қилиб юборайлик, тузукми?” деган саволига Офтоб ойим “қизимизни беришда Марғилондан ташқариға олиб кетмас ваъдаси билан берганмиз” деб ҳақли эътиroz билдиради. Ана шунда қутидор эътиrozга ўрин қолдирмайдиган, узил-кесил ҳақ гапларини айтади: “... ота-онангдан кечасан, иккинчи уйланмайсан деган ваъдани ҳам олганми эдик?.. Пичноқни ўзингга ур, оғримаса бошқаға...” Бу тушунтиришлар-у уқтиришлар оқибатида хотинининг “Куриб кетсин шу дунёning ишлари!” деган фифонига жавобан қутидор яна бир бор уқтиради: “Қизингни Тошканд жўнатишига

күн, бўлмаса". Чунки жуда яхши биладики, онаизор учун ёлғиз қизини олисларга жўнатишдан севимли кўёвинг янага бир марта уйлангани маъқулроқ!

Аввалги бобда ота, она ва ўғил биргаликда уч бурчакка ўтириб, умр савдоси устида кенгашган бўлсалар, ушбу бобнинг тўртинчи бўллагида энди қайнота, қайнона ва куёв уч бурчакка ўтириб ўша умр савдосини пишишишади. Аввалги ўтиришда ота-она биргаликда ўғилни кўндиришга уринган, шунинг учун Юсуфбек ҳожига ўртада қозилик қилиш нисбатан енгил кўчган бўлса, бу ўтиришда қайнона бетафардек кўрингани билан, у бу ишга қарши ва руҳан-маънан куёви тарафда бўлгани учун Мирзакарим қутидорга қозилик нисбатан оғир кўчади. Аввалги ўтиришда Отабек ўз ота-онасининг ҳаққини адо қилиб, иккинчи бор уйланишга розилик билдиришга мажбур бўлса, бу ўтиришда Отабек қайнота-қайнонасининг ҳаққини адо қилиб, иккинчи бор уйланишга розилик бермасликка мажбур. Мирзакарим қутидор шундай ноzik ва масъулиятли дамда мантиқли ва асосли ўйлаб, Отабекни иккинчи марта уйланишга кўндирап экан, буни ўқиган китобхон ҳам беихтиёр қойил қолади-да, қутидорнинг нафақат Юсуфбек ҳожидек юксак мала-кали дипломат, балки, айни чоғда, биринчи ва иккинчи муаллимлар (Арасту ва Форобий) қаторида тура оладиган янага бир чинакам муаллим, том маънодаги қутидор (китобдор – қути (сандиқ)да сақланадиган китоблар эгаси!) эканига тан беради. Отабек Марғилонга келгач, иккинчи бор уйланиш фикридан буткул айнигар эди. Шунинг учун, қайнотасига "ҳамма айбни менинг устимга юклаб жавоб ёзингиз" дейди. Ўтган бобдаги ўтиришда Юсуфбек ҳожи ўғлининг олдига оила шаънини, яъни онаси бирорни ишонтириб қўйгани, оиласдан лафзизлик чиқиши маъқулмаслигини ўртага қўйгач, Отабек ноилож рози бўлганди. Бу

бобдаги ўтиришда ҳам қутидор айни шу усулни құллайды, яъни оила шаънини ўртага қўйиб, Отабек Тошкентдан рози бўлиб чиққан, Тошкентга норози бўлиб қайтса қутидорнинг оиласи айбдор кўринишига ишора қиласди. Ана шунда Отабек ўз хатосини англаб етади, бироқ ҳудди аввалги бобда “мени ўйламасангиз ҳам, олмоқчи бўлган келинингизга жабр қилманг” деб йўл қидириб ўтинганидек, бу ерда ҳам “кўнишнинг ва ризоликнинг зарури қизингизда эмасми!” деб йўл қидириб ўтинади. Аввалги бобда ташаббускор Ўзбек ойим “Майли, болам, бу ёқни ҳозир сен ўйламай қўй!” деганидек, бу ерда ташаббускор Мирзакарим қутидор: “Сиз қизимизнинг андишасини қилиб ўтирамангиз, бек! Бу ишни, энг яххиси унга билдирамасликдир, кейинроқ ўзи кўнишиб кетар”, – дейди. Юсуфбек ҳожи қутидорга йўллаган хатида Кумушга билдирамасликни маслаҳат берганида, аслида, “кўқон манзират”, яъни шунчаки истиҳола, одамгарчилик, марҳамат қилган, сабаби, ҳожи одам биринчи хотини розилик бермай иккинчи хотинга ўйланиш шаръян мумкинмаслигини яхши билиши керак. Қутидор ҳам буни билади, албатта, бироқ у вазият баттар чигаллашибидан, Отабек кўниб, иш битай деб турганида ишлар чаппасига кетишидан чўчигани учун шундай йўл тутмоқчи. Аммо Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли кўра-била туриб индамаслиги мумкинми? Йўқ, албатта. Шунинг учун у “Қизингизнинг розилигини олмай туриб ўйланолмайман, агар у кўнмаса, мен ҳам кўнмасликка мажбурман!” деб ҳақли шарт қўяди. Буни эшитган Офтоб ойим “қизининг қадрини бунчалик аршларгача қўттармақда бўлған йигитка ўзида чексиз муҳаббат, поёнсиз эҳтиром сезмакда ва нима учундир йиғлағуси ва қуёви юзидан ўпкуси келмақда” бўлса, қутидор қуёвингизнинг бу шартига беихтиёр кўнади ва “унинг ризолигини ўзингиз олмоқчимисиз?” деб сўрайди.

Отабекнинг “Йўқ, негаки, қизингиз учун ҳақорат бўлған бу сўзни айтиш маним қўлимдан келадирган иш эмас!” деган андишали гапини қайнота-қайнона ўйлаб қараб, қизларининг розиликларини олиб беришни ўз бўйинларига олишга мажбур бўладилар. Бу ўринда биз Отабекнинг нафақат кутидордек қайнотага муносиб куёв, аввало Юсуфбек ҳожидек отага муносиб ўғил эканини яққол кўриб, ҳис қилиб турамиз.

Бобнинг бешинчи бўлагими-синифи энг қисқаси! Бу ҳам тушунарли. Ўзларининг кутилмаган баҳтига чанг солиб бошлаган “иккинчи хотин, кундош” балосига севишганларнинг ҳар иккиси ота-оналарининг истак-иродалари деб кўнишга мажбур, лекин юраклари ич-ичдан кўнмай дод-фарёд кўтараётган учрашувининг кенгроқ тасвирини ана ўша юраклар ҳам, кенг китобхонлар оммасининг юраклари ҳам кўтаролмай қолиши мумкин-да! Яна шу ҳолга эътибор берингки, бобда ота-онанинг ўз қизини кундошлиқ бўлишга қандай кўндирганлиги яширилади, фақат тўртинчи “синик”нинг сўнгида қизларини кўндиришни ўз бўйинларига олган “эру хотин яна ярим соатча жанжаллашиб ўтирдилар” ва бешинчи “синик”да “ҳозиргина сўзлашиб ўтирган Кумуш билан онасининг товушлари ўчган эди” деган соддагина гаплар келтирилади, холос! Бу ҳам тушунарли! Натижа шуки, бир тутам бешинчи “синик”да Отабек ўзини ҳам кўнгилни синдирадиган фикрлардан чалғитиш-алаҳситиш, ҳам ишқ дарди, айрилиқ дарди, кўнгил синифига малҳам бўлиши учун Фузулий девонини ўқишига тутинади. Онаси билан бир соатча сирлашган Кумуш энди ўз севгилиси Отабек билан сирлашишга келади. Унинг: “Фузулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?” деган биринчи синовчан саволидаги “сизамми” сўзи қўп маъноларни англатади: “сиз ҳам Фузулийнинг ишқ

девонини ўқишини яхши күрасизми?", "сиз ҳам ёлғиз қолдингизми?", "авваллари ёлғиз эдим, ҳозир сиз борсиз!", "сиз Тошкентга кетиб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда Фузулийни ўқир эдим"... Бундай оғир саволга Отабек нима деб жавоб қылсын? Уялганидан китобни ёпишга ва сукут сақлашга мажбур. Шунда Кумуш яна киноя қиласы: "Китобни нега ёпдингиз? Очиб ўқинг, мен эшитай!". Бу савол замиридаги маънени зукко китобхон уقا олади, албатта: "Менга чин ошиқмисиз ё бошқага?" Чинакам ошиқнинг жавоби ҳаминқадар: "Ота-она ризолигини бир томчи кўз ёшиңгизга арзитдимми?" Ошиғи жавобидан кўнгли тўлган маъшуқа "Мен рози, мен кўндим!" деб ўз ишончини билдиради. Бироқ энди ўз жавобидан кўнгли тўлмай "Мени унутмайсизми?" деган тилак, шарт, нола, ўтинчини билдиради. Отабек ота-она орзусининг қурбони бўлаётгани, ўз орзуси фақат Кумуш билан баҳтли бўлиш эканига ишора қиласы. Нега "Фузулий яхши китоб" деб ёзилмоқда? Фузулийнинг қай китоби назарда тутилмоқда? "Лайли ва Мажнун" достони эмасми мабодо?.. Бундай саволларга тегишли жавоб топиш кўзи ва ақли ўткир китобхоннинг ўзига ҳавола. Ҳар қалай, шуниси шак-шубҳасизки, Фузулийнинг "Лайли ва Мажнун" достони Низомий, Дехлавий, Жомий ва Навоий "Хамса"ларидан бошланган кутлуғ анъянанинг муносаб давоми ва чўққиси ҳисобланади! Бутун туркий халқлар адабиётида Фузулийнинг "Лайли ва Мажнун" достонидан кейинги қарийб беш асрлик вақт ичida Абдулла Қодирийнинг мазкур "Ўткан кунлар" романничалик чинакам севги достони яратилмади! (Ҳаттотки Рашод Нури Гунтекиннинг "Чолиқуши" романи ҳам бу қадар ёрқин ва ижтимоий салмоққа эга муҳаббат достони эмас!) Минг афсус, кейинги тўқсон йил ичida ҳам ҳали-ҳануз бундай таъсирчан ишқ-муҳаббат достони яратилмаяпти. Бинобарин, Отабек билан

Кумушдан ҳам ёрқинроқ замонамиз қаҳрамонлари, ошиқ-қаҳрамонлар, минг афсуски, ҳали-хануз йўқ! Бобнинг “бешинчи синиги” ва умуман, боб шундай бир жуфт гап билан хотима топади: “Кутидор тарафидан эртага Тошканд жўнаш эълони берилди. Иккиси-нинг ҳамма вақтлари шамъ ёнида сўзлашиб кечди”. Шам ёнида сўзлашиб кечани кундузга улаш... ялдо ке-часими бу ва ё қадр кечаси?..

Учинчи боб “Қовоқ девонанинг белбоғи” деб номланиши, албатта, бежиз эмасдир. Бобда қовоқ девонанинг чинакам дарвиш-қаландарларга хос антиқа феъл-автори шунчалик қизиқ тасвирланадики, ундаги ҳар бир жумла, ҳар бир гап замирида олам-олам маънолар бордир. У “ўз замонасининг машҳур девонаси... кўпларнинг тарафидан қилган кароматлари ривоят этилган бир мажнун” сифатида замоннинг, одамларнинг аҳвол-руҳиясини, феъл-авторларини, орзу-ҳавасларини ўзига хос тарзда ифодаловчи мажоз ҳисобланади. Маълумки, шарқ мумтоз адабиётида “Мажнун – гўзал малакка ошиқ”, “Девона – ҳаққа ошиқ” тимсоллар сифатида кўлланади. Чинакам ишқ-муҳабатни, ҳаққа ошиқликни англамаган бандай ғофиллар, табиийки, мажнун ва девоналарни жинни ва телба деб ҳисоблайдилар. Ваҳоланки, улар ёлғончи дунёнинг эмас, ҳақнинг шайдоси, ҳақиқатнинг куйчи-сидир. Қовоқ девона ҳам ана шундай ҳақгўй девоналардан бири. “Бел қовоқ”нинг ўз таъриф-тавсифини кўринг! “Қовоқ девона, белидаги қовоқлардан битта эгри маймоғини кўрсатиб, “манови Мусулмон чўлоқ!” деди, унинг ёнидаги кичкина томоша қовоқни туриб, “бунов Худой бачча (Худоёр бачча) деди, сув қовоғини эркалаб, “Нор калла” (Нормуҳаммад қушбеги) деди. Қолган иккита силлиқ қовоқчаларни “носқовоқ, юпқа томоқ” деб қўйди”. Давлат тепасида шундай қовоқсифат қовоқбошлар турган мамлакатда ҳар

қандай фуқаронинг, ҳаттоқи хон кўтаришга ва хон қизига лойиқ бўлган йигитнинг ҳам кутилмаган бахти кутилган фожиаларга уланиб кетавериши муқаррар! Фожианинг туб илдизи мана шунда! Қолаверса, Юсуфбек ҳожи ўғлининг никоҳ тўйи бўлганини қовоқ девонанинг тили билан эътироф этилиши орқали тўй чинакам тўй эмас, масхарабозлик, кўзбўямачилик, телбалик, ўғрилик, хўжа кўрсин томоша ва ҳоказо бўлганига ишора қилинмоқда.

Маълумки, Абдулла Қодирий ҳар икки романида кулгу-ҳажвдан усталик билан фойдаланган. Унинг “Муштум” кулгу журналига асос солгани, унда қўпдан-кўп ҳажвий асарлар чоп этгани, ҳатто ўзининг “Йигинди гаплар” мақоласида “мансадбор шахсларни обрўсизлантирди” дея судланиб, қамалгани маълум. “Билса ҳазил, билмаса чин” деганларидек, ёзувчи ўз ҳажвияларигина эмас, романларида, хусусан, мазкур боб билан “Мехробдан чаён” романидаги “Қизиқлар” бобида нодон ва жоҳил ҳукмдорларни аччик кулги-ҳажв билан ёзиб кўрсатади... Мазкур бобдаги Қовоқ девона ва “Мехробдан чаён”даги “қизиқлар”, айтиш мумкинки, ўлмас қаҳрамонимиз Хўжа Насриддин афандининг ўзига хос издошлариdir. Мазкур бобларни, дейлик, жаҳондаги йигирма тўрт халқнинг афанди латифалари жамланган “Йигирма тўрт Насриддин” латифалар тўпламидаги “Афанди ҳукмдорлар ҳақида” бобига қиёслаб қарасангиз, бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Боб ниҳоясида Қовоқ девонанинг белбоғига ёпишган, девонанинг “гапни айлантириши” ва “чап беришлари”га қарамай ўзига керакли маълумот – Юсуфбек ҳожи ўғлини Тошкентдан уйлантирганини билиб олган “Қоратегиндан келган кўз оғриқ”... Ким бу одам? Марғилонда қидирувда бўлгани сабабли Тошкентда келгинди-сигинди бўлиб юрган, ўзгалар таниб қолмасин

учун кўзини қароқчилардек боғлаб олган қора Ҳомид эмасми, мабодо? Йўқса, Отабекнинг Тошкентдан уйланганига нега бунчалар қизиқсиниб қарайпти? Ўқувчи нинг кўнглига шундай гумонлар келиши табий.

“Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ” дейдилар. “Жодугар ҳинди” деб номланган тўртинчи бобда ана шундай ёмонлардан бирининг байни ўлганнинг устига тепгандек ёмон қилиғи маҳорат билан қаламга олинган.

Бу оламда ҳамма нарса одам боласининг қай нуқтадан қандай қаравшига боғлиқ. Масалан, яrim ойга қараган некбин унинг ярмини ёруғ, бадбин эса, ярмини қоронғу кўради. Худди шундай, дейлик, Ҳомид хотинбоздек кимсалардан бири Отабекка қараб, “Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди!” дея орзиқса, яна бири “Қани энди бу неъматнинг ҳар куни янгиси бўлса! Манави овсарга қўшалоқ баҳт кулиб боққанини қаранг-а! Марғилонга борса – шаҳарнинг энг гўзал қизи, Тошкентга келса – шаҳарнинг энг гўзал қизи ёш хотин сифатида хизматига шай турса, қўшалоқ баҳт деганлари шунчалик бўлади-да!” дея ҳасад ўтида қоврилса, ажабмас. “Кавказ асираси” бадиий фильмида келин ўғрисининг “Мен бўлсам гар султон, уч хотин олардим ва уч карра чиройга қуршалар эдим” дея қўшиқ куйлаб, кўнгил қўчаларини кўрсатгани бежиз эмас. Ёмоннинг ёмони ҳасадгўй бўлади! Халқнинг ўгитига кўра ёмондан қочиб қутулиш мумкинdir, бироқ ҳасадгўйдан қочиб қутулиб бўпсиз! Қочиб қаёққа борасиз, борган жойингизда камида яна бир ҳасадгўй йўлингизга кўз тикиб турган бўлса, уларнинг уруғи тошлоққа ёйилган бўлса, нима қиласиз?! Отабекнинг кўшхотинлилиги сиртдан қараганда қўш баҳт бўлиб кўринса-да, аслида, ичдан қараганда нақд қўш баҳтсизликдир! Ўзбек асқиячилари ибораси билан айтганда, “Билмаганлар Отабекни қўшхотинли бойвачча, билганлар-чи, билганлар уни қўшхотинли хизматкор

дейди". Ёмонлик, ўйлаб қарасангиз, бошга кундошлик балосини солган ёмонотлиқ түй ўтибоқ бошланганини күрасиз. Бобдаги дастлабки жумлага қаранг: "Қайин отасининг оғриган касалидан тузала олмай ва ё тезроқ ўлиб тирикларни қутултиrmай, "чарлар" балоси билан ўзининг ипсиз боғланғани учун Отабек сўнг чекда сиқилған". Аввалига Отабек учун ортиқча бошоғриқ бўлган түй ташвиши, кейин бехос касалланиб, ё ўлмай, ё қолмай аросатда турган иккинчи қайнотасининг ташвиши, мана энди чарларни кутиш ташвиши!.. Бош айбдорга рўй-рост айтилган аччик-тизиқ гаплар шунга яраша: "Ўйлаб боқинг, онажон! Бир бечора сизнинг орзуингизни деб, қизи устига кундаш юклиди ва биргалашиб тўйингизни ўткузишди. Иш-кучидан қолиб, ўн қунлаб Тошканда юрди. Нима бўлғандა ҳам биравнинг яхшилиғини билиш керак эди". Күёвнинг биринчи ва иккинчи қайнотага муносабати, чунончи, биридан андиша қилиб, иккинчисига ўлим тилаши ("тезроқ ўлиб тирикларни қутултиrmай" сўзларининг айтилиш оҳангига эътибор беринг!)... шунинг ўзиёқ биринчи ва иккинчи хотинга муносабатни, оқибат-натижа Ўзбек ойимнинг кутганига бутунлай тескари бўлиб чиққанини аён кўрсатиб турибди! Бу ўринда бошқа гаплар ортиқча – тасаввур ихтиёри китобхоннинг ўзида! Ўғил билан онанинг ўзаро муносабатларни аниқлаштириш йўлидаги уринишлари, очиғини айтганда, "даҳанаки жанглари", аҳволни яхшилаш йўлидаги уринишлар, ҳаттоки янги келинчакни ўртага қўйишлардан ҳам ҳеч бир натижа йўқ! Ўзбек ойимнинг барча иссиқ-совуқ амаллари кор қилмагач, у шундай хуносага келади: "Марғилонликнинг домласи жухуд ҳам эмас, мусулмон ҳам эмас – ҳинди!.. сеҳрини... Ўша ҳиндининг ўзи қайтармаса ўзга иложи йўқ!" Она "жодугар ҳинди"нинг сеҳр-жодусига бас кела оладиган куч қидириб Ҳасаналига маҳсус топшириқ беради:

Марғилонга боргандарыда у ердан ҳинди домласини топиб, Отабекни ўқитиб юборсин, токи у Кумушдан совисин-да, уни талоқ қиласин. Ҳасаналининг “Марғилонлик қудаларингизнинг давлати олдида бизники йўқ ҳисоб... ўғлингизнинг Марғилонга боргандан сўнг наъдасидан айнаганини, албатта, ҳожидан эшитган бўлсангиз керак... катта келинингиз ўғлингизнинг кўз очиб кўргани... муҳаббат деган нарса ҳуснга қарамайди... анови келинингизнинг ўлса-ўлиги ортиқ” деб тушунтиришлари ҳам унинг фикрини ўзгартиромайди. Бу бобда биринчи бор Зайнаб бўй кўрсатади. Бироқ... “Кутилмаган баҳт” бобида тасвирланганидек, қойилмақом тўйдан сўнг Отабек чимилдиққа Кумушнинг ёнига кирганида “Жоним!.. Нега қочасиз?! Нега қарамайсиз?!” дея унга талпинган эди. Асарда Зайнаб билан бўлган тўй қовоқ девона тилидан базур айтилса-да, чимилдиқ умуман тилга олинмайди. Отабек эса Зайнабга талпинмайди, аксинча, ундан қочади, унга қарамайди. Отабекнинг Зайнабга совуққонлиги шу бобда илк бор китобхон кўзига кўрсатилади. Ўзбек ойимнинг “Ўғлим... янги уйланган отинг бор! Менинг олдимда ўтириб нима қиласан? Бечора ёлғиз ўтирибдир!” дея зорланишига Отабек индамайди. Сўнг онаси чўри Ойбодоққа ёш келин-куёвнинг овқатларини ичарига олиб киришни буюрса, Отабек ўзиникини ҳам онаси олдига олиб келишни айтади. Ўзбек ойимноилож келинникини ҳам шу ерга келтиришни буюради. Ибо-ҳаё ва тавозе билан кириб келган Зайнабга Отабек қиё ҳам боқмай “чойга нон ҳўллаб емоқда эди”. Ўзбек ойимнинг кесатиб айтган “қайин отангни... чарларсиз ҳам кўра қоласанми?” деган саволига Отабек дангал “Кўрсам бўлади...” деб Зайнабга кулимсираб қарайди. Зайнаб ҳам кулган бўлади. Асарда берилган “Тошкентликлар одатича “чарлар” бўлмасдан туриб, куёв қайин ота, қайин онага кўринмас эди” деган изоҳ

Отабек билан Зайнаб тұлақонли әр-хотин бүлмаганига ишора қилмоқда. Зайнабнинг қайнонасига чойли пиёлани ўрнидан туриб узатгач, эрига ҳам ўрнидан туриб узатмоқчи бўлганида Отабекнинг уни тўхтатиб “Бундан кейин чой беришда ўрнингиздан туриб ўтиранг, ўтирган ерингиздан берсангиз ҳам бўладир” дейишида ҳам имо-ишора бор. Бу билан унинг кўнглига йўл топаман деб овора бўлмаслиги, кўнгли банд эканини англатяпти. Буни Ўзбек ойим ҳам, ўкувчи ҳам яхшигина тушунса-да, Зайнаб ҳали тўла тушунмайди. Отабек чарларни тезроқ ўтказиб, Марғилонга – Кумушнинг ёнига боришни интизорлик билан кутиб юрган кунларнинг бирида Ҳасанали унга хат тутқазади. Кумушбибининг “Вафосизга” деб бошланиб “Сизга янги ёр, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборак! Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим” деб тугалланган, Отабекни “вафосиз”, “сизда виждон, инсоф, раҳм, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, боринг-чи, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш”, “ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод, уятсиз бир йигит!”, “учинчи ёр топганда, иккинчи бечорага ҳам шундай уятсизлик қилинмаса эди!” дея айблаб ёзган бу хати нафақат бош қаҳрамонни, балки китобхонни ҳам анчагина шошибириб-ўйлантириб қўяди. Отабекнинг Ҳасаналига айтган “Кўрқитмоқчи бўлиб баъзи бир киноялар ёзибди!” дейиши ҳам ўкувчининг кўнглига таскин бермаса-беролмаса, ажабмас! Бундай аччиқ-тизиқ гапларнинг туб сабаби қаёқда?

Туб сабаб тубандаги “Хиёнат” деб тамғаланган бешинчи бобда очиб кўрсатилади.

Хиёнатнинг турлари кўп: омонатга хиёнат, дўстга хиёнат, жуфти ҳалолга хиёнат, ҳаққа хиёнат, эл-юртга хиёнат... Ёзувчининг усталиги шундаки, у бобга қўйилган ном орқали мана шу хиёнатларнинг барчасини назарда тутиб, барчасини ҳаётий мисоллар билан

тасвиirlайди. Онгли равища ҳасад ва ғараз билан эр на хотин орасига тушиб, унисининг номидан бунисига сохта талоқ хати ёзиш!.. Хиёнатнинг каттаси мана шу! "Үт балоси-ю сув балосидан тухмат балоси ёмонроқ" деган гап бор. Хиёнат тухматдан ҳам ёмонроқ, чунки тухмат хиёнатнинг ҳосиласи, хиёнат эса, тухматнинг оиаси!.. Хат ташувчи дўст қиёфасидаги мастан кампир на унинг каллакесар ўғлининг хиёнатлари! Оқкўнгил на ишонувчан келинчакнинг сохта хатга ишониб ўз жуфти ҳалолини хиёнатда гумон қилиши! Қайнота-қайнонанинг ҳам ўша қорахат туфайли куёвларини хоин деб ўйлашлари! Уларнинг ачинарли ҳолатини сувчи шундай таъсирчан тасвиirlайди: "Офтоб ойим олган таассуротини ичига юта беришкан чидалмадида, ёмғирдек кўз ёшини тўка берди. Кутидор ҳам хотинини кутиб тургандек кўз ёшлари билан соқолини ювмакка олди. Кўзи юмуқ бўлса ҳам, уларнинг ҳозирги ҳолларини сезиб ётган Кумушнинг-да қайнаб чиқған кўз ёшлари икки чаккасидан ёстиқға оқиб туша бошлади. Шу чоқда на учундир тоқчада ёниб турған шамъ ҳам лип-лип қилди-да, ўчди... Шунинг ила бу ҳавлини чин маъноси билан қоронғулиқ босди..." Ўхшатишларни қаранг: гўё офтобни булат қоплаган-у, ундан ёмғир тўкила бошлаган; гўё Кумушнинг юраги лопуллаб ёняпти-да, унинг кўз ёшларини қайнатяпти; гўё уларнинг аччиқ кўз ёшларига шам ҳам чидолмай ўчди-қолди; гўё оиланинг кўр-қути ўчди-ю, қоронғу кунлари бошланди... Кумушбиини ҳушдан айирган на уч кунда хазон япроғидек сарғайтириб, "Тупроқбиби"га айлантирган сохта талоқ хотини олиб келган шумқадам ва унинг бус-бутун киноядан иборат жавоб хотини ундирган ўзига хос ялмоғиз кампир тасвири ўткир кўзли мўйқалам соҳибининг жонли тасвири-дир: "Ул ердан бичиб олғандек пак-пакана, бурни юзи билан баравар, деярлик теп-текис, кўзи қоққан қозик

ўрнидек чуп-чуқур, оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғриқларни кидек сап-сариқ, қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин эди". Кумушбиби таърифлаганидек бу "оч арвоҳ" эртаклардаги ялмоғиз кампир бўлса, унинг ўғлини жони Ҳомиднинг қўлида турган девга қиёслаш мумкин. Бу девнинг қиёфаси келаси бобда ўхшатиб берилади. "Ўғри қариса сўфи, ғар қариса отин бўлади" деганлариdek, ялмоғиз кампирнинг исми Жаннат, дев ўғлининг исми Содик экани уларнинг нақадар уста қаллоб эканини, одамлар кўзларини шамғалат қилиш учун атайин ўзларини жаннати ва содик қилиб кўрсатишига уринишини кўрсатади. Эртакларда ҳам ялмоғиз кампирнинг жонон қиз, девнинг алп-ботир қиёфаларига кира олишлари бежиз эмас. Зеро, шайтон ва унинг малайларининг асосий макри – одамга бойлини кўрсатиши-у гадой қилиш, шухратни кўрсатиши-у шарманда қилиш, баҳтни кўрсатиши-у баҳтсиз қилиш... Лекин ҳар қанча уринишмасин, бундай кимсаларнинг юзларида фаришталари йўқ, аксинча, турқлари бири-биридан совуқ, бири-биридан кўрқинчли. Боб "биз энди хиёнат қаҳрамонлари билан ўқувчини таништирамиз" дея ана шу турқи совуқларнинг дунёқараши-ю туриш-турмуши билан яқиндан таништиришга ўтади.

Ўтган "Хиёнат" бобида Кумуш сохта хатга ишониб ўз Отабегини билиб-билмай "Вафосизга" дея хиёнатда айبلاغан бўлса, ушбу "Иситма орасида" бобида энди Отабек Кумушни "телбаларча мактубингизни иситма орасида ёзғон ўхтайсиз..." дея билиб-билмай айблайди. Боб Содик "дев"нинг турқини чизиб кўрсатиши билан бошаланади: "Йигирма икки ёшлар чамасида бўлған бу йигит сариқ танлик, уккининг кўзида чакчайиб ўйнаб ва ёниб турған қизил кўзлик, юзига парчинлангандек юза (пучук) бурунлик, манглайи қанча ташқариға ўсиб чиқған бўлса, юзи ўшанча ич-

карига кеткан, қисқаси, вақтсизроқ яратилиб қолған бир махлук әди". Бундай махлукнинг тасвиридан одам сесканиб-чўчийди, ўзини кўрса, қай аҳволга тушар экан? Гапдаги "вақтсизроқ" сўзи ё "вақтидан олдин", е "вақтидан кейин" туғилганига, яъни унинг ногирион, майиб-мажруҳ эканига ишора қилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳеч ким унга қизини бергиси келмайди. Аслида, гап унинг совуқ турқидагина эмас, балки совуқ на қора қалбида. Сабаби, севги ёшу қиёфа танламайди, балки кўнгил танлайди. Шунинг учун ҳам эртакларда махлукқа айлантирилган ботирнинг кўнгли оқ бўлгани учун гўзал қиз уни севиб қолади-да, уни ўз аслига – барно йигитга айлантиради... Ялмоғиз камшир билан дев яшайдиган файзсиз-жирканч ҳовли тасвири уларнинг бу дунёси ҳам, у дунёси ҳам нақд дўзах эканини аён кўрсатиб тургандек. Қора Ҳомиднинг "Хўш, Содиқ полвон, ишлар қанақа, Тошканда шима гаплар бор?" деган саволига у сохта хатни Ҳасапалиига олиб бориб бергани-ю жавоб хатини олиб келганини мақтаниб айтади. Қора Ҳомид рақиби Отабекнинг "Умидим юлдузи, орзум чечаги, ҳаётим тираги Кумушимга!" дея бошланган хатини ўқир экан, "иситма орасида ёзғон ўхшайсиз" деган жойида "хахолаб юборди-да, "вой аҳмоқ" деб қўйди". Унинг бу қаҳқаҳа отиб кулишига ўқувчи "вой ярамас бузғунчи-еў!" деб ўйласа, ажабмас. Отабек ўз хатида "шу кунгача чарлар балоси билан тутқун бўлишим, орзу ҳавас қайин отасининг оғриб ётиш шумлигидир" дея ўзини оқлайди-да, "Сиз ўзингизни тупроқ билан тенглашдирмакчи бўлғансиз, лекин ман ҳозир Кумушка ҳам қаноатланмай Олтинбиби деб атамоқ фикрига тушдим... Борлиғим муҳаббатингиз алангаси билан туташқани ҳолда завжингиз Отабек" дея яқунлайди. Эътибор беринг, Отабек "қайин отам" дейишга тили бормай, "қайин отаси" дея ётсираяпти. Худди бу ёқда Ҳомид

ва унинг малайларининг ҳийлалари каби, у ёқдаги ўз онаси-ю қуда тарафнинг ҳийлаларини шумлик деб атаяпти. Ҳайнаҳой, буюк Ғафур Ғулом мазкур романда тасвирланган шумликлардан таъсирланиб, ўзининг “Шум бола” қиссасида хон замонидан кейинги чоризм замонининг шумликларини ёрқинроқ очиб бермоқчи бўлган ва бунга эришган. Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ҳали кўплаб асарлар яратилишида муаллифга илҳом бахш эта олади. Сидқидил тилак билдираманки, бу романда тасвирланган “кеча”, “тун”, “қон”, “шумлик”, “қўзғолон”, “исён”, “қорайиш”, “ўфри”, “ўлим”, “тобут”, “ёндирмоқ”, “қасос”, “фожиа”, “шайтон”, “махлук”, “жин”, “дев”, “уруш”, “баҳтсиз”, “мағлуб”, “гуноҳ”, “хатар”, “жиноят”, “иблис”, “даҳшат”, “зулат”, “дўзах” каби ёмонликлар эмас, балки “кутлуғ”, “наво”, “севги”, “кундуз”, “ёдгор”, “тўй”, “баҳтли”, “тинчлик”, “нур”, “офтоб”, “куёш”, “ойдин”, “иймон”, “мехр”, “ғолиб”, “ҳаёт”, “хазина”, “туғилиш”, “соғиниш”, “вафо”, “умид”, “нажот”, “орзу”, “руҳият”, “сўз”, “жаннат” каби яхшиликлар ёрқинроқ очиб берилган, ўқувчи кўнглини чўқтирадиган эмас, қаршинча, ўстирадиган битиклар шояд кўпайса! Ақалли асарда қораликка нисбатан оқлик устунроқ бўлса! Ахир, ҳаётда шундай – оқлик, ёруғлик устунроқ-ку!.. Отабекнинг хатини тўлиқ ўқиб чиқсан қора Ҳомиднинг юзи баттар қораяди гёё. Сабаби: “Бу кун-эрта Отабек келар-да, Кумуш билан топишар, хиёнатноманинг ўзиники бўлмағанлигини исбот этиб, Ҳомиднинг ўйлаған ишини яна кейинга силтар, ёки бутунлайга Ҳомиднинг умидини узар”. Ўйлай-ўйлай, у шундай қоп-қора режа тузади: Жаннат опасига яна бир сохта хатни қутидорникига олиб бориб беришни ва Содиқ инисига қутидорнинг эшиги олдида пойлаб, йўлагида Отабекни ўлдиришни буюради. Ҳомиднинг “Башарти одам ўлдириш бўлса-чи?” деган саволига берилган жавобни қаранг! “Бу кунга-

ча иккитасини жойлаштирдим, учунчига ўтса нима қилади? – деди Содиқ ва мағрур кулиб қўйди". Одам ўлдиришдек энг оғир жинояту гуноҳи кабирани қилишдан тап тортмайдиган тубан кимса дўзахи бўлмасинми?!

Жаннат билан Содиқнинг энг катта баҳтсизлиги шундаки, улар Худога ва ўзларига эмас, Ҳомиддек ўзларини баайни косовдек ўтдан олиб сувга солишга устомонларга ишонадилар. Ўзлари ясаб олган жонли бутларга сиғиниб, Ҳомид қиёфасидаги шайтонларга малайлик қиладилар. Ҳолбуки, халқ айтганидек, бирорвга қолган кунинг кун эмас! Айниқса, ана ўша хўжайинининг қутқуси билан бирорвни қон қақшатиш эвазига икки дунёда ҳам баҳтиёр бўлолмаслигини англамайдилар. Романда қора Ҳомиднинг икки хотинга қандай уйлангани айтилмайди, лекин хотинларининг баҳтсиз эканидан ва унинг қінғир йўллар билан Кумушга эришмоқчи бўлишидан англашиладики, у хотинлар ҳам макр қурбони. Демак, Ҳомид ҳам, аслида, икки инсоннинг ҳаётига зомин бўлган қотил. Шунинг учун ҳам Ҳомид бадбахт ва унга эргашган Жаннат билан Содиқ ҳам бадбахт.

“Кувланиш” деб аталган икки бўлакли еттинчи бобнинг биринчи бўлаги хиёнат қаҳрамонларидан бири – Содиқнинг қутидор эшиги олдида кун-у тун пойлаши, иккинчиси – Ҳомиднинг тез-тез келиб текшириши тасвиридан бошланади. Хоин-у сотқин кимсалар дин-диёнатдан, демакки, иймон, инсоф ва тавфиқдан, умуман, одамгарчиликдан чиққан, одамийлик сиёқини йўқотган бўладилар. Ўзининг бад нафси йўлида ҳар қандай жиноятни қилаверадилар. “Жиноят” ва “жинни” сўзларининг ўзаги бир экани бежиз эмас, зеро жинни учун ҳеч қандай қонун-қоида йўқ! Лекин, “юрганники эмас, буюрганники” деганларидек, Тангри ёмонларни уриб, яхшиларни қўрийди.

Мана, Ҳомиднинг кўрсатмаси ва уйлантириб қўйиш ваъдасига кўра икки карпа қотил учинчи ўлжаси Отабекни қутидор уйи олдида пойлаб турибди. Ҳомид Отабекни қутидорнинг йўлагида ўлдиришни тайинлаган! Чунки Ҳомид Содиқнинг қотиллигини қутидорга тўнкаса-да, ўзига қўшиб Содиқни ҳам сувдан қуруқ олиб чиқса! Ахир, бу оламдаги энг аҳил икки инсон – севимли куёв билан қайнотанинг орасига соvuқчилик соглан бу маккор энди бирини ўлдиртириб, иккинчисини қаматиб, Кумушбибига тўла эга чиқмоқчи-да! Мана шундай ўлиш ё қолиш чоғида Тангрининг қўриши билан ўёқда Содиқни бир тўда ўртоқла-ри аллақандай Шамшодбекнинг тўйига судрагудек қилиб олиб кетишади, бўёқда Отабек қайнотасининг уйига келиб тўхтайди. Ўртоқларининг Содиқни “те-гирмончининг ишсиз қолған эшаги”, “бурнингми, Рисолат холамнинг рапидаси”, “башарангми, дўлда қолған таппими”, “эҳхумса”, “юр, итбачча, жинни-минни бўлдингми?” деб калака-масхара қилишлари орқа-ли ёзувчи Содиқقا ҳам, ўкувчига ҳам адаб беряпти. Ёзувчининг боб номларига бир неча маъноларни сингдирганини кўп бора кузатдик. Мазкур бобнинг “Кувланиш” деб аталишининг бир маъноси – Содиқнинг қувланишига ишора.

Бобнинг иккинчи бўлагида қайнотанинг куёвга нохуш муомаласи тасвирланади. Гарчи Ҳомид Отабекни ўлдиртиролмаса-да, ҳар қалай, қайнотасини бу севимли куёви билан уриштиришга эришади; талоқ хатидан хотини ва қизи қаторида қаттиқ куюнган қутидор энди билиб-билмай “Уятсизга манинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишкан ҳам тоқатим йўқ... Борингиз, манинг эшигим ёнида тўхтамангиз!” дея севимли куёвини уйига киритмай, ошкора қувлаб юборадики, Отабекка ҳам, бобга ҳам “Кувланиш” деб тамға босилиши аввало шу боисдан. Қайнотаси-

дан бундай совуқ муомалани кутмаган Отабек отнинг бошини бўш кўйган кўйи Марғилон кўчалари бўйлаб боши оққан томонга кезинади. От боши берк кўчанинг охирига бориб тўхтайди. Ана шунда шу ердаги бир дарвозадан оқ салла ўраган киши ичкаридан хайрлашиб чиқиб келади-да, Отабекни кўриб, унинг адашган мусоғир ғариб эканини билиб ўз уйига, буни ғарангки, Тангрининг яна кўриши билан, айнан Жаннат ва Содиқ яшайдиган уйга девор-дармиён қўшни уйга бошлаб келади!

Нима бу, тасодифми, ё қонуният? Айнан Отабек келаётганида Содиқни ўртоқлари судраб тўйга олиб кетиши, Отабекнинг айнан Жаннат билан Содиқнинг қўшниси уйида қўним топиши муаллифнинг хоҳиш-истагига кўра битилган ясама, бадиий жиҳатдан қучсиз жойларми? Йўқ! Чунки бу ерда муаллиф ўз хоҳиш-истагига кўра иш қилаётганий йўқ, балки Тангрининг қудрати қанчалик чексизлигини кўрсатмоқчи! Зотан, қоронғу кечаларда қора тош устида кетаётгани қоп-қора қумурсқанинг қимирлашини ҳам Кўргувчи ва Билгувчи, ҳар нега Қодир Аллоҳ чеварлик билан ҳаққоний тўғриласа, муаллиф ҳам буни чеварлик билан ҳаққоний тасвиirlаса, бунга қойил қолмаслик мумкинми?! Айниқса, отнинг айнан Отабек учун керакли, сув билан ҳаводек зарур хонадон соҳибининг олдига бориб тўхташи Отабекнинг шу лаҳзалардаги чинакам мажнунона, машрабона, дарвиш-қаландарона саъй-ҳаракатларининг қонуний ҳосиласи, дейиш мумкин! Ахир, “Телбанинг ишини Худо ўнглабди” деб бежизга айтмаганлар. Қолаверса, отда ҳам гап қўп! Гарчи очиқ айтилмаса-да, Отабекнинг оти ишончли эш, содиқ дўст ва тийрак жонивор сифатида “Алпомиш” достонидаги Ҳакимбек мингган Бойчибордан қолишмайди! Бойчибор Алпомишни икки юрга орасида олиб юрган, уни етти йиллик зиндондан

думи билан тортиб чиққан, дўсти Қоражонни ўзига мингизиб Барчиной учун пойгада енгиб чиққан бўлса, Отабекнинг оти уни икки шаҳар ўртасида олиб юрди, қоронғу кечадан ёруғ уйга бошлаб борди, оталиғи Ҳасаналини ўзига мингизиб ҳаётбахш номаларни ўз вақтида етказди...

Отабек янги танишининг уйида чақирилмаган меҳмон бўлиб ўтирас экан, ўзининг асл отини яшириб, “Шокирбек” деб таниширишида ҳам гап кўп! Бунинг сабаби бир эмас, икки бор ўлимдан қолиб, бутун Марғилонга овоза бўлгани учун ўзини танитишни истамаганидагина эмас. Асосий сабаб унинг “Шокирбек” деган янги оти, ўзи қидирган манзил эса, Комилбойнинг уйи эканидадир! Комиллик сари интилиб турган шокирни яна бир карра – учинчи бор Ўзи ўлимдан қўриган ҳар нега Қодир Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!.. Гарчи севимли қайнотаси ҳайвондек уйининг олдиdan қувлаб юборган бўлса-да, ўзи шаҳар кўчала-рида баайни буюк шоиримиз Фурқатга ўхшаб, “адашган ит каби қаён боришини билолмай” юрган чоғида ҳам куфрони неъмат қилмай, Худонинг кўрсатганига шукур қилган шокирни нега энди Қодир Аллоҳ от ёрдамида қутлуғ кутулиш кўchasига йўлламаслиги керак?! Исқирт ҳовли эгаларининг қўшниси уста Олим айнан тўқувчи бўлиб чиққани... бу ҳам тасодиф эмас, аслида, қонуният! Зотан, бу ердаги тасвир шунчаки тўқима эмас, айни ҳақиқат, Худонинг қудрати, халқнинг “Сурнайчининг уйига сурнайчи, карнайчининг уйига карнайчи келади” деган ҳикматли гапи қанчалик тўғрилигига яна бир исбот! Табиийки, тақдир синовлари олдида инсоннинг гоҳида ақли лол қолади. Кумушнинг ғалати хатидан сўнг, энди қайнотасининг антиқа ҳаракати Отабекнинг қотган бошини баттар қотирди, албатта. Кўним топган уйининг боғида ўтириб ўйлай-ўйлай, ахийри “ичига ел қамалган пуфак-

дек уфф этиб" юборади. Уй соҳиби уста Олим Отабекнинг ўйчан, қайғули аҳволини кўриб ўзи соғлиғи учун ичиб турадиган мавиз (май)ни Отабекка ҳам таслиф қиласди-да, буни шундай изоҳлайди: "қаттиқ узр бўлмагандан ичмаган ҳам маъқул, лекин бу нарса бир томондан кишининг саломатлигига фойда берса, иккинчи жиҳатдан тириклиknинг қайғу ва аламларини да упунтдириб турар экан". Бу лавҳадаги майни ҳам тўгри, ҳам кўчма маънода, яъни тасаввуфий майи ноб деб ҳисоблаш мумкин! Ёзувчи усталик билан шундай восита ва усуллар қўллайдики, ўқувчи воқеаларнинг табиий оқимиға беихтиёр бўйсунади. Масалан, "Мастлик – ростлик" деганларидек, ичилган май уста Олимнинг дардли кўнгил дафтари ни очиб юборади. "Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит" деганларидек, кейинги "Бахт ва бахтсизлик" бобида уста Олимнинг фожиавий ишқ достони батафсил баён этилар шави, унда Отабекнинг ишқ достонига ўхшашиб, ҳатто туташ жиҳатларни аён кўриш мумкин. Яъни, муаллиф бу икки инсоний тақдирни ўзаро параллел қўйиб тасвирланти.

"Бахт ва бахтсизлик" деб номланган саккизинчи бобни асарнинг биринчи бўлимидағи "Кутилмаган бахт" бобининг мантиқий давомигина эмас, шарқона қиссанахонликдек асрий анъаналаримизнинг янги даврда янгича шамойилда жонлантирилиши, дейиш мумкин. Шарқ қиссанахонликлари, айниқса, "Минг бир кечча" қиссалар туркумида "қисса ичидаги қисса, ҳикоя ичидаги ҳикоя"дек тавсир усули қўп учрайди. Айни шу Абдулла Қодирий қайта жонлантирган усул янги давр насррида замонамизнинг буюк адаби Чингиз Айтматов ижодида жаҳоний миқёсларга олиб чиқилиди. Адабнинг "Бўронли бекат" ва "Кунда"дек мумтоз романлари таркибидағи қисса ва ҳикоялар, айниқса, сўнгги "Тоғлар қулаганда (Мангу қайлиқ)" романи-

нинг мантиқий якуни сифатида унга илова қилиб берилган (ўлиш ва ўлдириш ҳақидаги!) ҳикоя бунинг яққол далилларидир. Камина ҳам бу усулдан ўз асарларимда баҳоли қудрат фойдаланганман. Масалан, “Тилсим (Туркистон достони)” асаримда “Дастурхон” ҳикояси келтирилиб, унда Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпоннинг кечки дастурхон атрофидаги учрашуви тасвирланган... Уста Олим билан Саодатнинг севгиси Отабек билан Кумуш севгисидек чин ва чексиз. Бироқ сирли ўлим уни Саодатидан айиргач, қайта уйланиб баҳтли бўлолмай ажрашган уста Олим баҳт ва баҳтсизлик ҳақида шундай ху-лоса қиласди: “Балки муҳаббат баҳтлик кишилар учун яхшидир, лекин ўз тажрибамча, баҳтсиз киши учун бадбаҳтликдир”. Шундан сўнг уста Олим ўзининг баҳтли ва баҳтсиз кунлари ҳақида узун ва мароқли ҳикоя қиласди. Роман таркибида баайни узукка кўз кўйилгандек ярашиб-сингишиб турган мазкур ҳикоядан яққол англашиладики, инсоний тириклик – баҳт, ўлим эса, баҳтсизлик! Баҳт билан баҳтсизликнинг бундан бошқа тўлақонли таърифи йўқ! Вақтингчалик айрилиқ, тушунмовчилик, араз, алам ва ҳоказолар, аслини олганда, ошиқ учун чинакам баҳтсизлик эмас, аксинча, баҳтнинг кўринишлари, турфа рангдаги товланишлари! Зотан, тирик юрган – ўлмаган севишгандардан ҳам баҳтлироқ ким бор бу ёруғ оламда?! Бу ҳолни жаҳон достончилигига ҳам кузатиш мумкин: ошиқ ё маъшуқанинг ўлимидан сўнг ҳаётнинг маъносини йўқотган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мужнун, Ромео ва Жулетта, Тристан ва Изолда ва бошқа ошиқи-бекарролар... Уста Олимнинг ибратли ва мароқли ўтган кунлари ҳикоясини тинглаб ҳам мушоҳада қилиб, Отабек ўзини уста Олимга менгзамоқчи бўлади, бироқ унинг Саодати уни сўкмаган ва ташламаган, балки эрининг гуноҳи сабабли ёш умрини хазон қилган,

бунинг Кумуши ўлмаса-да, уни сўккан ва ташлаган, бунинг устига қайнотаси қувиб соглан ва унга тузоқ қўйган (бобда ёзилишича, Отабек “ўзининг Тошкандан уйланишига қутидор томонидан розилиқ берилишини, ҳатто унинг тўйни ўз қўли билан ўтказиб келишини илгаридан ҳозирланиб келинган тузоқ деб тушунгандай эди”) каби тафовутларни кўриб, чиқарган мантиқий холосани қаранг: “...уста Олим даражасига стиш учун ўзида ҳеч бир муносабат кўрмади... Уста Олим ёзиб берган ўринга кириб ётар экан, ўз-ўзига айттар эди: “қувланишға, таҳқир этилишка лойиқ кўрилган Отабек уста Олим бўлишга ҳам сазовор эмас!” У йўқуга кетар экан, юраги болаларини учуриб кетган Карруқнинг уясидек бўм-бўш эди...” Айниқса, сўнгги гапдаги юракка боғлиқ ўхшатишни қаранг! Карруқнинг уясидек бўм-бўш юрак, ҳувиллаган юрак, майи ноб билан тозаланиб-покланиб, яшаш учун керакли даражада кенгайиб-яшараётган, янги қувват олаётган юрак!.. Отабек сухбатдоши, қисматдоши уста Олимни ўз маъшуқаси билан дил-дилдан топишган баҳтли инсон деб, ўзини эса, маъшуқаси томонидан ноз кечилган, юз ўгирилган баҳтсиз инсон деб ҳисоблайди. Тасаввуф таълимотига кўра, бандасига ошиқлик мажозий ишқ бўлиб, Ҳаққа ошиқликнинг ўзига хос ёғудуси ёки кўриниши, чақноғи, шуъласи, жилваси, ирқироғи, ялтироғи, товланиши, жилоланиши... Ҳар бир одам “Ўзинг бандам дегайсан” деб Ҳақ Таолога сигинар экан, бу дунёю у дунёда баҳтга ёрлик ва ёрлиқ сўрайди. Яратган ўз жамолини кўришга кимни муносиб деб билса, ана ўша одам чинакамига баҳтиёр ҳисобланади. Ишқий достонлардаги ошиқ ўлимидан сўнг маъшуқанинг, ё аксинча, маъшуқа ўлимидан сўнг ошиқнинг ўзини ўзи ўлдиришини (дейлик заҳар ичиб ўлишини) юзаки тушуниб, қотиллик ва ўз жонига сунқасд деб эмас, балки ўз ёридан айрилган ошиқ

ё маъшуқа учун ҳаёт тугади, ҳаёт заҳарга айланди, деган рамзий маънода тушунмоқ керак. Сабаби, ҳар қанча бандасига ошиқ бўлмасин, Ҳаққа ошиқлик бар-часидан устун ҳисобланиб, Яратганга куфрони неъмат қилмаслик керак. Уста Олим ҳам, келгусида Ота-бек ҳам ўз ёридан айрилгач, ошиқ девонаага, мажнунга айланадилар, бироқ ҳаёт учун, тириклик учун, ҳаёт учун курашни тўхтатмайдилар. Ҳа, донишмандликда беназир халқимизнинг “Бирорни кўриб фикр қил, бирорни кўриб шукур!” деган ҳикматли гапи бежиз айтилмаган! Ҳам фикр қилиб, ҳам шукур қилиб турган қаҳрамонгина яшашга қобил ва курашда қодир чинакам қаҳрамон – замонамизнинг ва барча келгуси замонларнинг қаҳрамони! Айни шу роман таркибида ги “Бахт ва бахтсизлик” ҳикояси билан бутун асарни қиёсий таҳлил қилиб яна бир карра амин бўласизки, худди халқ достонлари ва хамсачилар (Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий)нинг достонлари каби, “Ўткан кунлар” романни реализм, романтизм, символизм, натурализм, модернизм ва бошқа жамики “изм”лардан баландроқ турадиган асардир. Чунки бу асар биронта ижодий усул, ҳаттоқи реализмдек имкониятлари чексиз ижодий усул қолипига ҳам сиғавермайди, зотан, жамики мавжуд “изм”ларни ўзига хос тарзда мужассамлаштиради! Асар таркибида бу “изм”ларга хос унсурларни истаганча топиш мумкин! Бинобарин, бундан ўттиз-қирқ йил муқаддам бўлганидек, Қодирийни романтизмга берилиб, реализмдан чекинишда айглаш масалага тор бир нуқтаи назардан қарашдан бошқа нарса эмас эди!

“Унугулмаса нима қилсин...” деб номланган тўқ-қизинчи бобда уста Олим билан Саодатнинг мухаббат қиссасидан сўнг баайни онадан қайта туғилгандек бўлиб, борингки, афандимизга ўхшаб, “ҳаммаси-

шириб ташлаб, қайта бошдан бошлаш" иштиёки шида бош күттарган бош қаҳрамоннинг руҳий болати тасвирланади. Тошкентга қайтиб келгач, гарчи бинда-ёнбошида отаси, онаси, иккинчи хотини ва унрга боғлиқ бутун бир мардум бўлса-да, том маънодаги ёлғизлик-танҳоликда, узлатда, меҳмонхона(!) машрабона кун кечира бошлайди. "Машраб" суннинг ўзаги "шароб" эканини билсангиз, у севги ва зирилиқ дардидан ўртангандарагини шароб билан учирешга, миясида ғужғон ўйнаган ўйларни шароб билан унутишга муккасидан кетади. Унинг бу очишли руҳий аҳволини қайси яқини тушуна олиши мумкин? Юсуфбек ҳожи давлат ишлари-ю кенгаш ва нефатлардан ортмайди. Сиёсатдан отани ажаблантирган нарса ўғлининг "тадбирсиз сиёсат ва аҳмоқ бошлиқлар мавзуъидан олиб қилатурған шикоят ва ҳасрати"дан жимиб қолгани бўлади, холос. Ўз орзусига берилган она эса, ўғлининг орзуси билан қизиқиш үрнига, ҳалиям Отабекни ўқитиб юборишни, бирор ромчи топиб, уни иккинчи хотинига ром қилишни ўйлайди, холос. Бундай ёлғизликда танига сунячиқ ша жонига қўрчиқ бўла олган ягона инсон – тутинган ота Ҳасанали, албатта. Зотан, "Отабекнинг қайғулик қуллари, уйқусиз мутолаада ўтган тунлари ва умуман ундаги ўзгаришлар... муҳаббати орасиға чўб бўлиб тушкан кейинги уйланиши алами"ни кўрадиган-билидиган, ҳатто юракдан тую оладиган дилдош дўст, "Қул Хожа Аҳмад"дан бошланган жамики чинакам қуллар – Аллоҳнинг қулларига ўзига хос тимсол бўлган шу оиласиб қулдан бошқа ким ҳам бўлиши мумкин?! "Китоблар – менинг қулларим!" деганида таничили билгамиш-файлласуфлардан бири нақадар ҳақ бўлган, ўйлаб қарасангиз! Зотан, китобни энг содик қул деб билган одамгина чинакам билгамиш-файласуф бўла олади!..

Ҳасанали Отабекка ҳамдард дўст бўлса, бош дар дисар душман ким? Албатта, шу оғир дардни – айрилик дардини унинг эгилган бошига солган ўз онаси Ўзбек ойим-да! Лекин Ўзбек ойим буни англамайди, терсча, не-не орзуладар билан олган келинига ўғли қиё боқмай ноинсофлик, адолатсизлик, нотўғри қилмоқда, деб ўйлайди. Ўғлини ўзича қутқармоқчи, баҳти қилмоқчи, гўё уни келинига тупуклаб ёпиштираса, олам гулистон бўладигандек. “Ота-она орзуси” бобида айтилганидек, Отабекнинг “келинингиз қаршисида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида тасаввур қилингиз” деган шартига ота ҳам, она ҳам бир гап бўлар, изга тушиб кетар, деб юзаки қараганлари оқибати эндиға келиб кескин тус ола бошлайди. Ўзбек ойимнинг “Инсофсиз, адолатсиз!.. Ота-онамдан ваъда олғанман, деб шундай хотинға жабр қилиб юра берасанми?” деган таънаси сабр косасига охирги томчи, худди пичноқ бориб суюкка қадалгандек бўлади. Отабек ўз адолатни кўрсатади: “келинингизга жабрни хоҳламасангиз мендан талоқ қилдирингиз... Сиз билган инсофни мен ҳам биламан. Бир бечорани фақат сизнинг кайфингиз учун азоб эмас, чеккан хўрлигини ўйлаб ҳар куни бир қат этдан тушаман... Агар ўз кайфингиздан кечсангиз, яхши билингизким, бир эмас, икки жонни азобдан қутқарған бўласиз, онажон!” Ёзувчининг “кайф” сўзи ни топиб ишлатганига қаранг. Бу сўз ҳам “кайф-сафо”, “кўнгилхушлик”, “хузур-ҳаловат”, ҳам ҳозирги баджаҳл, жizzаки, тажовузкор “кайфият”, ҳам “қайсар, ўжар аҳди қарор” маъноларини англатади. Келининг хўрланиш, таҳқирланиш, рад қилиниш дардини онадан ҳам кўпроқ шу дарддан оғриётган Отабек ҳис қила олади. Ўғлининг қатъиятини кўриб ҳамда муаммонинг янаем чигаллашишидан кўрқиб она бироз ҳовуридан тушади, “эсингни ебсан, болам!” деб меҳмонхонадан чиқади. Ёзувчининг чинакам сўз санъат-

кори сифатидаги маҳорати шундаки, ўғил “бир эмас, иккى жон”нинг айнан кимлигини айтмайди, она ҳам сурдайди, лекин иккаласи кимлигини аниқ-тиниқ билиб туради. Бу манфаатлар тўқнашувида ким ҳақ, ким поҳақ, айнан ким эсини еб қўйган, фикрсизлик ва пошукурлик қилаётган аслида ким ўзи – бу хусусда ҳулоса чиқариш имкониятини муаллиф китобхоннинг йига беради, китобхонни мушоҳадага, муҳокамага, фикрлашга ундейди. Китобхоннинг баҳти ҳам шунда! Йотаң, аввалги боб мутолааси асносида айтилдики, ҳам фикр, ҳам шукр қилиб турган қаҳрамонгина етук қаҳрамон! Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам етук қаҳрамон бўлишини қай китобхон истамайди дейсиз!

Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзиди! Мөхмонхонада шу улкан уйнинг ўткинчи қўноғидек шашб юрган, бу билан ҳам чекланмай, “Кечалари аллақаёқларга кетиб йўқоладиган одатлар ҳам чиқар”-гян бош қаҳрамоннинг ҳолати на давлат ишлари-ю қуюқ зиёфатлар билан банд ота, на орзузи ушалган она, на бошқа бирорни заррача қизиқтирумайди, ҳам масининг парвойи палак – ўз ҳолига ташлаб қўйишган! Фақатгина Ҳасанали – тутинган ота, тушунган ота... ҳамиша унинг хизматига белбоғлиқ, уни доим қўллаб-қувватлаб турган ҳамдарду сирдош инсон! Шу ҳадар ҳамдарду сирдошки, “Бу гал Марғилонга кечик-дингизми?” деган биргина саволи билан тарки дунё ва мастилик оқибатида севгисидан кўнглини-ю умидини утай деб турган ошиқ дилидаги чўғни пуфлаб қайта ғлангалатишга ҳам қодир!

Отабек Марғилонга боради, бироқ йигирма кун утар-ўтмас у ердан натижасиз қайтиб келади-ю, Ҳасаналини олиб Оқмасжид (Қизил Ўрда)га икки йилдан бери тўхтаб қолган савдо ишини қайта бошлаш учун кўнаб кетади. Одатда шундай, одамнинг шахсий ҳаётгода омади чопмаса, ишига-касбига зўр беради, токи

бу билан у ҳам ўзини чалғитсин, ҳам омадга эришиб ўрнини түлдирсін. Аммо муаммодан қочган билан у ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмайди-ку. Бу, айтиш мүмкінки, “сендан ҳаракат, мендан баракат” деган Тангри-нинг бу икки ошиқни синаши. Синовдан ўта олишадими-йўқми, буни кейинги фасллардан билиб оламиз.

Тошкентдаги ошиқнинг кўрган куни мана шундай бири биридан қора, қоп-қора, лекин у, ҳар қалай, ўзини мутолаа, иш, борингки мастилик билан овута олади, хўш, Марғилондаги маъшуқа-чи? Талоқ хати қўлига текканидан кейин атиги уч кунда хазон япроғидек сарғайган соҳибжамол Кумушнинг ҳоли олти ойда не кечди экан? “Қора кунлар” деб номланган ўнинчи боб бу сўровга аниқ ва ёрқин жавоб беради. Атиги беш яrim бетга сиғдирилган бу боб уч бўлак, яъни, “си-ниқ”дан куралган!

Биринчи “синиқ”даги беш жумланинг учтасида талоқ хатидан кейинги совчилик ҳангомалари нақл қилинади. “Тешик мунчоқ ерда қолмас” деганлар. Оддий мунчоқ эмас, дур-гавҳар, Марғилоннинг марвариди бўлганидан кейин, “хотинли ва хотинсиз орзумандлар қутидорникига совчиларини турна қатор” қиладилар-да. Машхур қўшиқда “Ошиқларинг гар мингта бўлса, ...сардори менман” дейилганидек, бу турнақатор совчиларнинг сардори Ҳомидбой, албаттa. Эътибор беринг, энди Ҳомид хотинбоз эмас, Ҳомидбой! Керак бўлса, Мирзакаримбойга муносиб куёв бўлиш учун бойга ҳам айланади-да. Ўзбекона удумни ардоқлаб сақлаган, ёмонликни яхшилик билан енгиг келган қутидор оиласи эса, ичида унинг хотинбоз, золим, қизидан анча катта эканини яхши билса-да, ташида билдирмай “Биз Ҳомидбойни ўзимизга куяв ўғул қилишдан ҳеч бир монеълик кўрмаймиз. Аммо қизимиз мундан сўнг эр қилмасға қаттиғ исрор этадир. Шунга кўра, Ҳомидбой бизни кечирсин!” деб жавобини бе-

ради. Шундай жавобни бошқа совчиларга ҳам бериб келишади, бироқ қизининг бутун умр тоқ ўтишини таиси ота-она тилайди. Шунинг учун улар ич-ичдан түтукроқ жой чиқишини кўзлашади. Шундай жой чиқиши ҳам: “Кутилмаган ерга шаҳарнинг энг олдинги гапи ва сарватдорларидан бўлган Салим шарбатдор деганинг Комилбек исмлик ўғлидан совчилар келиб келди”. Бу ерда “Комилбек” исми икки маънода кўлланган. Биринчидан, кутидор оиласига, қутидорнинг қизига ҳар жиҳатдан мос, Отабекнинг ўрнини босади-еън деган шаҳарнинг энг комил йигити. Иккинчидан, Шокирбек сифатида Отабек интилиб-талпиниб отолмаган Комилбойнинг ўрни ва унвони. Бу қадимий шаҳарда ва бу ёруғ оламда Мирзакарим қутидорга Салим шарбатдордан ҳам муносиброқ қуда бўладими?! “Ширу шакар” деганлари шунчалик-да, қаранг-а, қутидор билан шарбатдор, Мирзакаримбой билан Салимбой! “Ота-онанинг кутгандари шундай тегу тахтлик түеън бўлгани учун” таомилга кўра биринчи гал совчилар яхшилаб сийланадилар, сўнг уларга ўйлашиб-кеншиб иккинчи гал келганларида жавоб бериш айтилади. “Эру хотин узоқ ўйлашиб турмай (чунки ўйлашибдиган жой эмас эди!) совчининг иккинчи келишида жавоб беришга қарор кўйдилар”. Буни қаранг, биринчи гапда “ота-она”, иккинчи гапда “эр хотин” дейилмоқда. Сабаби, биринчи гапда қизи Кумушнинг толеи, келлажаги, баҳти учун ота-онанинг қайғуриши, иккинчи гапда эса, эру хотиннинг қизларининг раъига (демакки умид ва баҳтига) қарши бориб бўлса-да, уни турмушга бериш қарори кўрсатилган. “Қизи борнинг поли бор” деганлариdek, бу ерда Кумушнинг раъийи деганда унинг нози эмаслиги аён. Бунинг нима экани қуийдаги “си ник”ларда очиб кўрсатилади.

Иккинчи “си ник”да сарғиш куз охири ва совуқ қиш боши манзараларидан сўнг Кумушнинг озғинланган,

шунга қарамай, гүзаллашган келбати келишитириб тасвирланади. “Кўз – кўнгил ойнаси” деганлариdek, “шахло кўзлар бурунғидек ўйнаб турмас ва сўнг чекдаги бир оғирлик билан ҳаракатланар эди”. Шундан сўнг Кумушнинг кўнгил мулки шундай таъсирчан кўрсатилади: “...ҳар бир япроқни юқоридан кузатиб ерга кўя борди. Ул ерга тушкан ҳар бир япроқда ўзининг таржумай ҳолини ўқур, ўзини-да мавқиъидан айрилиб, ҳечка чиқиб турған шу хазонлардан айира билмас эди. Айира билмади-да, латиф кўкрагини тўрт энлик кўтариб тин олди ва кўзлари жиқ ёшға тўлди”. Айниқса, сўнгги гап бош қаҳрамоннинг тушкун руҳий ҳолатини ёритишда чинакам бадиий топилмадек гап бўлиб, тасвир икки карра кучайтирилган, яъни шунчаки “тин олди” эмас, балки “латиф кўкрагини тўрт энлик кўтариб тин олди” дейилганда унинг чукур-чукур нафас олиб хўрсинишини ва шунчаки “кўзлари ёшға тўлди” эмас, “кўзлари жиқ ёшға тўлди” дейилганда янаем жонлироқ кўз олдингизга келтирасиз-да, “Мана, чинакам сўз санъаткори шундай бўлади!” дея беихтиёр қойил қоласиз. Совчилар эшигининг турумини бузаётган, қолаверса, ота-она, буви ва чўри, бутун атроф-жавонибининг ардоғи-эъзозида турган, лекин ўзини “ташландик” ҳис қилаётган бош қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, кўнгил бисоти бу! Беихтиёр бу боладек масъумани қучиб юпатгингиз ва уни шу кўйга солганларни қарғаб-йўйгингиз келиб кетади. Чинакам адабий асарнинг бош мурод-мақсади ҳам шу – ўқувчи, тингловчи ва кўрувчига адаб бериш, яъни уни ёмонлиқдан қайтариб, яхшиликка ундаш!

Ташқари ҳовлида ана шундай эзгин кўйи турган Кумушбибининг олдига онаси Офтоб ойим билан Ойша бувиси (аҳамият беринг, ойим билан ойша!) чиқади-да, улар ҳам гўёки муаллифнинг ишини кенгайтириб, бибининг кўнглига қўл солиб кўради. Ич-

карида совчи хотинлар кутиб ўтиришибди, икковлон
 юа. Кумушнинг сўзини олмоқчи. “Аммо Кумуш бўлса
 сочиларнинг олдидан ризосизлигини онглатқандек
 бир намойиш билан кеткан эди”. Онаси-ю бувисидан
 ючиб “меҳмонхонага киргандан сўнг ҳам терсайиб
 тоғчалардан недир ахтаргандек юрина бошлади”!
 Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “терсаймоқ” сўзи
 “хафа бўлиб қовоқ солмоқ, тумтаймоқ, аразламоқ”
 ҳамда “ўжарлик қилмоқ, қайсарлик қилмоқ, акси-
 га олмоқ” дея изоҳланган. Бу сўз Кумушнинг ҳозир-
 ги руҳий ҳолатини худди рентгенда кўрсатгандек
 бўлади гўё! Ана ўшанд... “Токчада сан қидирған нар-
 са йўқ, келиб ёнимизға ўлтур!” – дейди Офтоб ойим.
 “Ўлтурганимдан сизга бир пуллик фойда йўқ, совчин-
 гига ўзингиз билган жавобни бераверинг!” – дейди
 Кумуш. Ҳар икки гап қаҳрамонларнинг қанчалик дил
 қаъридан вулқондек отилиб чиқаётганини, онаизор
 қизининг ёлғизлигидан юраги эзилаётганини, қизи
 пр зотидан кўнгли совиб юраги безиллаётганини
 дил-дилдан ҳис қилиб турасиз. Яхшиликча тушунти-
 риб-уқтиrolмагач, онаизор ноилож энди ёмонликча
 уқтиришга ўтади: “Ман санинг ҳали ҳам ўша уятсиз
 тингдан кўнгил узолмағанинг биламан. Санинг
 бу хомтамаълиғинг кони болалиғингдир. Сан яхши
 билки, мундан сўнг отанг у уятсизга ўз уйидан жой
 бормаганидек, уятсизнинг ўзи ҳам узил-кесил сани
 ташлағандир. Агар сўзимга ишонмасанг, мана буни
 ўқуб қара” дея қора Ҳомиднинг иккинчи сохта хатини
 қизининг қўлига тутқазади. “Мўталлақа (талоқ хати
 берилган) Кумушбибига” деб бошланган ва “Энди-
 лиқда сизга мендек вафосиз ҳийлагар бўлмаған янги
 пр топилғай эди, деб аддои Отабек Юсуфбек ҳожи
 ўғли” дея тамом қилинган бу иккинчи талоқ хатидан
 сўнг хушдан кетиб йиқилмайди-ю, лекин дил-дилдан
 бўзлаб айтган “мен ўзимнинг суйган ва муҳаббат қўй-

ған әримдан бунча уятсизлик, бу янглиғ вафосизлик күрдим. Энди эр деган шу бўлибдими? Мундан кўра дунёда тоқ ўткан яхшироқ, ёлғиз юрган тинчроқдир” сидқидил гаплари таъсирида “Офтоб ойимнинг оналик кўнгли эриб”, ичкарида жавоб кутиб ўтирувчи совчиларга қандай баҳона топишни ҳам ўйламай, қизини “Йиғлама” деб юпатади. Хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, инсон ҳаётнинг ўта оғир зарбаларидан эсанкираб, йўлсиз-кучсиз қолганда бўшашиб кўзига ёш олади. Одамнинг кулгуси қанчалик юқумли ва таъсирчан бўлганидек, унинг йиғиси ҳам шунчалик юқумли ва таъсирчан бўлади. Онаизорнинг кўнглини кўтариш учун айтган биргина “йиғлама” сўзи ҳам икки маънени англаатади: биринчидан, қўй, йиғлама, булар йиғлашингга арзимайди, иккинчидан, сени тушунаман, ҳамдардман, сенинг кўнглингни оғритишларига йўл бермайман. Шу иккинчи “синиқ”да кўнгли синиқ она билан қизнинг руҳий ҳолатини ҳис қилас экансиз, буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг бир шоҳбайтини дил-дилдан ёниб такрорлайсиз: “Мен синиқ, кўнглум синиқ, кўнгул уйи худ ерга паст, Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган бунча шикаст”.

Бобнинг ҳиссият эмас, мантиқ кўзи билан қаровчи учинчи “синиғи” оила бошлиғи бўлмиш қутидорнинг дўконидан эркак совчилар билан битишиб келиб, хотинига “Мен буқун фотиҳа қилиб келдим, нима бўлганда ҳам энди қизингни кўндирамасанг бўлмайди” дейишидан бошланади. Ана шунда Офтоб ойим (аникроғи, муаллиф!) ўз ҳолини икки томондан ўқталган икки ханжар орасида қолган одамнинг ҳолига ўхшатади! Танг ҳолатни аён кўрсатувчи нақадар гўзал ва ҳаққоний ўхшатиш бу! Буниси етмагандек, ханжардан ҳам ўтқирроқ шундай сўзлар онаизорнинг бошига дўлдек ёғилади: “Қизингни деб шаҳарда бош кўтариб юролмайтурған бўлдим. Кўндиранг кўндири, бўлмаса мен-

дан умидингни уз, мен энди санларнинг дастингдан шаҳардан қочиб кетмасам бўлмайдирған даражага етдим!” Ишонган боғи, суюнган тоғи – умр йўлдошидан шу сўзларни эшлиши Офтоб ойимга осонми?! Турмушнинг бундай босимларига чидолмай, ожиз қолган она энди йиғлашга тушади-да, йиғи аралаш “Бу кунлардан кўра, дунёға келмаган бўлсам эди. Бу тириклигимдан кўра, ўлиб кеткан бўлсам эди!” деб нолинади. Бунга жавобан онасиға меҳрибон Кумушбиби шундай арзи-ҳол қиласди: “Янглиш сўзлайсиз, онажон, сиз дунёда туришка лойиқ эдингиз, лекин сизнинг дунёдан тўйишингизга ва қон-қон йиғлашингизга сабабчи мен бўлдим. Мен сиёҳ баҳт дунёға келмаган бўлсам эди, сизга мунчалик кулфатлар, мунчалик андуҳлар ҳам йўқ эди... Сизни бу ҳолда кўришқа ва ўз тилагим йўлида сизни қурбон этишқа ортиқ тоқатим битди. Ташландиқ бу қизингиз, қўлма-қўл юргучи бу ўйинчиқ қизингиз киму, сиздек бир меҳрибон онани қон йиғлатиш ким? Йиғламангиз она... сиз отамға манинг ризолифимни ташвишланмай билдираверингиз! У ҳам кишилар олдида бу баҳтсиз қизининг таънасиға қолмасин”. Она ва қизнинг қайноқ оху зорларини ўқир экансиз, худди ўтган кунларни кўргандек бўласиз. Қандай қилиб мана шу мунис ва муштипар она биринчи сафар Кумушни ўзи қўрмаган-билмаган йигитга турмушга чиқишига кўндирганини ҳам, эри Отабекни иккинчи бор уйланишга кўндирганини ҳам англағандек бўласиз. Ҳар икки галда ҳам Мирзакарим кутидор хотинини шундай ночор-ноилож ҳолатга солиб, қизини кўндиришига мажбур қилгани англашилади. Ҳар икки галда ҳам Кумуш ота ва онасининг юз-хотирини қилиб, ўз орзу-умидларидан воз кечиб бўлса-да, кўнгани англашилади. Ота-она орзу ва иродасига бўйсуниш жиҳатидан Отабек билан Кумуш бир-биридан қолишмайдиган, аксинча, ошиб тушадиган қаҳрамонлар. Бу

билан уларнинг чинакам шарқона, хусусан, ўзбекона феъли, қараши, турмуш тарзи, орзу-интилишлари намоён бўлади. Бошқа элларни камситмаган ё ортиқ кўрмаган ҳолда айтиш мумкин: дунёда шундай эллар ҳам борки, уларда ўғил-қиз ота-онасига “Кечирасиз, бу менинг ҳаётим, мен нима қилишни ўзим биламан, илтимос, аралашманг!” дея орани очиқ қиласди-кўяди. Шунга қарамай, чинакам ҳаққа ошиқ, чин мўмин-мусулмон бўлган бу қаҳрамонлар инсоф ва адолат мезонларини унутмайдилар ва ўз ҳақ-хукуқларини қўрий оладилар. Худди Отабек ота-онасининг орзусига розилик билдира туриб ўзини “жонсиз ҳайкал” бўлиши шартини қўйганидек, Кумуш ҳам онасига розилик билдира туриб “тўй келаси кузга бўлсин” деган шартини қўяди. Айни шу шартда мазкур асарнинг буюк эпосимиз “Алпомиш”нинг бевосита таъсирида яратилгани яна бир карра кўзга ташланади. Шартлардаги фарқ фақат шундаки, достонда Барчиной алплардан олти ойга муҳлат сўрайди, Кумушшиби эса, онасидан “келаси кузгача кутиш”ни ўтинади. Бу ўринда афандига ўхшаб, “Ўшангача ё подшо ўлади, ё эшак” деб хаёл қилмайди, балки халқ достонларида кўп бора айтилганидек, “Мен ҳам ўз юртимда бекман, тўраман!” деб юрган Отабек, аслида, вафосиз эмас, вафодор эканини, асл табиатини, ўзлигини ўшангача кўрсатар деб умид қиласди!

“Наво куйи” деб номланган ўн биринчи боб “хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриш-туриш ҳам мусулмонча эди”, бироқ ўғрилик, фоҳишиалик, майхўрлик ва бошқа қинғир ишлар ҳам етарлича бор эди, деган тушунтириш билан бошланади. Сўнг шаҳарнинг Чуқур қишлоқ деган жойидаги бўзахоналар таърифи келтирилади-да, “беш ойлаб Оқмасжид сафарида юриб кеткач”, дам Тошкентда, бўзахонада, дам Марғилонда, уста Олимнинг уйида ўзини

күйгани жой тополмай, күнгил чигилини ёзиш йўлларини қидириб, безовталаниб тўлғанаётган ошиқ Отабекнинг руҳий ҳолати тасвирланади. Отабекнинг “Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!” деган буюртмасига машшоқ умрида бундай куйни эшитмаганини тан олиб, ундан қаерда эшитганини сўрайди. Шунда Отабек бу куйни Марғилонда эшитганини айтади. Ўқувчи Марғилондаги куйчи Отабекнинг ўзи эканини, уни ҳайдалиш ва ажралиш ўтига ташлаб кўйдиришганини яхши англайди. Хоҳ қувноқ, хоҳ ғамгин бўлсин, ҳар қандай куй шунинг учун ҳам куй дейиладики, у эшитган одамнинг руҳига таъсир ўтказиб, уни кўйдиради-уртайди. Оллоҳ одамни яратгач, унга ўз руҳини сехрли куй ёрдамида пулаб киритгани бежиз эмас. Жаҳоншумул файласуф Форобий ҳазратлари куйнинг инсон руҳиятига таъсири бўйича рисолалар ёзгани ҳам бежиз эмас. Асқад Мухторнинг “Чинор” романида бу аллома Ватан согинчида ўлар ҳолга келган ҳамюртларини куй-наво орқали ҳаётга қайтариб, уларда яшаш иштиёқини қайта уйғотгани ҳам шоирона муболаға эмас, айни ҳақиқат, куйнинг илоҳий кучи ва Форобийнинг илоҳий қудратидан яққол далолатдир. Буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг укаси Дарвишалига бағишлиб ёзган машҳур шоҳбайти ёдингиздами: “Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл!” Бу байтдаги “навосиз” сўзи “яшаш иштиёқи сўнган”, “навобахш” сўзи эса, “яшаш иштиёқини қайта бахш этувчи, ҳаётбахш” маъноларини англатади. Инсонлар ўзларининг қувноқ ва ғамгин кунларида алла, ялла, ёр-ёр, лапар, ўлан айтиб-куйлаб ўз руҳий ҳолатларини ифодалashi ҳам бежиз эмас. Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Муножатни тинглаб” шеъридаги сўнгги сатрларда “Куи шундай бўлса ғамнинг ўзига қандай чидай олган экан одамзод?”

дея күйилган құндаланг савол ёдингиздами? “Наво” күйи чинакам ошиқ дилидаги фақатгина ғам-қайғу, дарднингина эмас, қувончни ҳам ифодалай олади, аслида! Акс ҳолда, буюк мутафаккиримиз ўзига “Навоий” тахаллусини танламаган бўлар эди. Шунинг учун ҳам бу куй гоҳида савти (қувонч ифодаси!) олдинга олиниб, “савту наво” деб ҳам аталади. Бобдаги, айникса, шундай гапларга диққат қилинг: “Наво”нинг сеҳрли “савти” Отабекнинг кўз ёшларини қуритди-да, бир енгиллик бағишилади. “Наво” билан ювилиб кетган унинг умид гулзорида янги чечаклар униб чиқди...” Бу ўринда фақатгина айрилиқдаги ошиқнинг қийноқла-ри кўзда тутилаётгани йўқ, балки “наво” куйининг bemisл таъсири қудрати ва илмда “катарсис”, яъни, оқартиш, тозариш, покланиш деб аталувчи руҳий ҳолатнинг моҳияти санъаткорона ёритилмоқда ҳам. Кумушбиби – Тилнинг, Отабек – Адабиётнинг, Адібнинг тимсоли эканини ёдда тутсак, англашиладики, бундай “оқартиш-покланиш” фақат “наво” күйи билангина эмас, ҳазрат Навоий ижоди билан ҳам узвий боғлиқ! Ўзбек тилининг сўз бойлиги, гап тузилиши ва ўй ифодаланиши имкониятларини англаб етиб, улар билан тиллашиб иштиёқида турган ёзувчи кўнглини ёриширадиган-оқартирадиган энг қудратли куч – ҳазрат Навоий асарлари-да, ахир!

“Наво күйи” таъсирида Отабек ўзида куч топиб Марғилонга, пойабзал раастасигача борарди-ю, бироқ андиша-кўркув-ҳаяжонини енголмай, журъа-ти етмай, “отининг бошини чапга буриб юборар ва орқасидан кимнингдир ...борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз... уятсиз!” товуши эшитилгандек бўлар эди... У ўз-ўзига “ҳақиқатан мен уятсиз!” деб қўяр ва шунинг ила ҳамма кутилган-кузатилган гаплар, беш кунлик йўл машақатлари ҳавога кетар, ҳатто, хаёлда эмас, ҳақиқатда ўйлаб қўйган қайин отаси билан

хотинини шариатга чақириш фикри ҳам унугилар ва йўқолар, “ҳийлагарнинг юзини қозихонада кўрайми! Ўзи ҳам қурсин, юзи ҳам!” дер эди”. Отабекнинг бу ҳолатини нима деб аташ керак: тушкунликми, андешами, қўрқоқликми, афандиликми, енгилтакликоми?.. Тўғри, Отабекка қийин, ўзини қувланган, хўрланган ҳис қиласпти, бироқ ярим йилдан ортиқ вақт ўтса-да, муаммо (талоқ хати) нимада эканини, ўзидан қандай хато ўтганини (ёзилмаган, жўнатилмаган талоқ хати) аниқламагани ўқувчида бироз шубҳа уйғотса, ёзувчи бироз муболаға, ўз қаҳрамонига нисбатан бироз ноҳақлик қилмаяптими, деган гумонга борса, эҳтимол. Ахир, Отабек эр-хотиннинг ўзаро ҳақ-хукуқларини ўта қадрларди-ку, шариат талабларига риоя қиласпти-ку, ўзининг ҳақ эканини ҳатто бошига қилич келса-да, барада айта оларди-ку! Нима ўзгарди, Отабекнинг ўта андишалигими, ўзини уятсиз ҳис қилишими, лекин уятсизлик қилмаганини ўзи яхши билар эди-ку, қайнота-қайноаси ва асосийси Кумушнинг розиликларини олганди-ку! Бунинг устига Отабек ҳам, Мирзакарим қутидор ҳам моҳир савдогар бўлсалар, омонат, ваъда, ишонч, келишув каби тушунчаларни юксак қадрлаб, умр савдосида ҳам шу жиҳатларни намойиш қилишлари керакмасми эди?! Бошқа томондан қутидор Юсуфбек ҳожи оиласини узоқ йиллардан буён яқиндан билиб келгани ҳолда, Юсуфбек ҳожининг минг истиҳола билан ёзган хатини билгани ҳолда, нега шундай ҳаёт-мамот масаласи, қизининг ва ўзининг оиласи шаъни ўртага қўйилганда, у муаммони аниқлаштирмайди ва индамай кўя қолади?.. Бу мулоҳазаларнинг қанчалик асосли эканини ўқувчи ҳукмига ҳавола қилиб, муаммоли тугуннинг кечикиб бўлса-да ечилишини келгуси боблардан кутамиз.

Навбатдаги ўн иккинчи боб “Жонсўз бир хабар ва қўрқунч бир кеч” деб аталади. Бобнинг “жонсўз бир

хабар"га боғлиқ биринчи бўлагида "Наво" куйининг шарофати билан (буни "Асар муаллифига буюк мутафаккиримиз Алишер Навоий ижодининг ҳаётбахш таъсири ва далдаси билан!" деб ҳам тушунаверсангиз бўлади!) "умид гулзорида янги чечаклар униб чиққан" бош қаҳрамон не бир умидлар билан нафақат Марғилонга, ҳаттоқи қайнотасининг уйи остонасигача боради! Бу ерда ҳам, азбаройи тасодифан ва ё муаллифнинг хоҳиш-иродасига кўра эмас, айни "Наво" куйининг таъсири, яъни, Худонинг қудрати билан, ҳалқона ибора орқали айтадиган бўлсақ, "босувига қашуви тўғри келиб қолади": айни у дарвоза қошига келганда қутидорнинг уйидан икки бегона чиқиб қолади-да, Отабек аввалига ўзини базўр четга олиб улгуради, кейин уларнинг ортидан қадамларини пойлайди. Бу икки бегона Салим шарбатдорнинг ўғли Комилбекнинг совчилари бўлиб чиқади! Бегона шунинг учун ҳам бегонақи, у Отабекнинг кўнгил тўридаги Кумушга менсимай қараб, "Нима, жувонга ҳам тўй бошқа, никоҳ бошқа бўлармиди? Борди-келди битта жувон қизи бор-ку, мунча тўйни бошқа, никоҳни бошқа қиласиз деганига ҳайронман" деб кинояли гаплар қиласиди. Бундай "жонсиз хабар"ни ўз қулоқлари билан эшигтан Отабек нима қилсин? Уларнинг гапларида жон бор, бироқ бу хабар Отабекни жонсиз қилиб кўйди, деб тушуниш керак. Қаҳрамоннинг қуидаги руҳий ҳолати тасвирида теран тагмаънолар бор, таъсирчан манзаралар бор, гўзал ўҳшатишлар ва бошқа бадиий тасвир воситалари бор, муаллифнинг ҳаққоний эътирофи бор, лекин муболаға йўқ! "Гўё устидан бир челак қайнаған сувни ағдарган эдилар-да, бутун териси оёғига сидирилиб тушкан эди... Беш дақиқалаб йўл устида эсанкираган, хушсизланган кўйи қотиб турғач, мошинавори бирдан юриб кетди... "Кишининг хотинини талоқсиз чиқариб ол-да, бу кун эрга бер!" – деди ва телбаларча нима

учундир кулиб қўйди, ўз-ўзига сўзланиб Марғилон қўчаларида тентакларча югурга бошлади. Унинг бу кунги ҳолиға қараш юракларни ёрганидек, тасвирга ҳам қалам кучи ожиздир...” Бугунги кунда келтирилган парчадаги бундан бир аср муқаддам ўзига хос удумга айланган русча “машиналний” сўзини “машинаворий” дея “ўзбекчалаштириш” китобхонга бир қадар эриш туюлиши мумкин, албатта. Лекин бошқа ҳамма сўзлар ва гаплар бош қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини тасвирлашга моҳирона йўналтирилганки, у, дейлик, хотини эрга тегаётгани устидан чиқиб қолган Алпомиш – Ҳакимбек ва Одиссей тасвиридан ёрқинроқ десак, биз ҳам муболаға қилмаган бўламиз.

Севимли хотинидан тириклайн жудо бўлиб турган ошиқи шайдо эр Тошкентда ўзини қаерга қўйишини билмай бўзахонага борган эди, энди Марғилонда, севимли хотини бошқа эрга тегаётганини эшитганидан кейин, қаёққа борсин?! Бобнинг бир ярим саҳифадангина иборат иккинчи синиғида Отабекнинг “Хўжа Маъоз” қабристонида киприк қоқмай кечани кундузга улагани тасвирланади. Худди “Алпомиш” достонидаги зурриётсиз ака-укалар Бойбўри билан Бойсари Шоҳимардон пирнинг равзасида қирқ кеча-қирқ кундуз илтижо қилиб ётганларидек ва ё Барчиной йўлидаги Ҳакимбекнинг Яратганга ёлвориб, пирлардан мадад сўраганидек, Отабек ҳам Хўжа Маъоздан мадад сўрайди. Бу “синик”да ана ўша “сўраш”нинг ўзи ҳақида ҳеч гап йўқ, бус-бутун ваҳимадан иборат тунги мозористоннинг кўрқинчли манзаралари тасвирланади, лекин улар бош қаҳрамоннинг тушкун кўнглини очиб кўрсашибга усталик билан йўналтирилади. Боб якунидаги мана бу тасвир бугунги кун китобхонига кўп нарсаларни англата олади: “Масжид минорасидан руҳонийят ёғдириб мунглик аzon товши эшитилди-да, уйқу кучоғида ётқан табиъат уйғониб жавоб берган каби

жонгираб кетди. “Оллоху Акбар”нинг сўнгғи тақорида Отабек зиёратхона айвонидан тушди-да, шилдираб оқиб турған ариқ ёнида таҳорат олишка ўлтурди...” Бобни якунлаб турган мазкур парчадаги, айниқса, битта сўзга алоҳида дикқат қилинг: “жонгираб”. Бу сўз икки маънода қўлланган: биринчидан “ёнди, жонланди”, иккинчидан “лаббай, деган жавоб янгради”. Юқорида айтиб ўтганимиздек, илоҳий куйнинг таъсири бу! “Руҳоният ёғдириб турган аzon”, унинг табиатни уйғотишга қодир илоҳий кучи, “Оллоху акбар”нинг тақори ва айниқса, таҳорат замирида олам-олам маънолар бор, мен сизга айтсан! Худосиз шўро тузумининг бошланғич йилларидаёқ қойилмақом қаламга олинган бу жонли тасвир, айниқса, ошиқи шайдоликнинг бошланишида бўлганидек, мазкур зиёратнинг ҳам таҳорат билан узвий боғлиқлигини теранроқ ўйласангиз, Отабек шунчаки отаси бобосининг шарафига қўйган оддийгина исм эмас, том маънодаги Ота, яъни, авлиёи киром, Дарвиш ота, Занги ота, Нур ота, Чўпон ота, Чўлпон ота каби қадимий Туркистон заминида яшаб ўтган кўпдан-кўп муҳтарам зотлар қаторидаги авлиёсифат зот, Авлиё ота эканини англаб етасиз ва муаллифнинг чексиз маҳоратига яна бир карра тасанно айтасиз. Худосизни Худонинг номи билан енгиш – Худонинг құдрати шунчалик бўлади-да!

Навбатдаги “Кулиб қарамаған баҳт” боби Отабекнинг руҳий аҳволи тасвиридан бошланади: “Энди унинг умиди ортиғи билан узилған эса-да, юрагининг ёниши босилурлиқ эмас эди... “Нихоят, отаси ўз муддаосига етди, қизини янги куявга топшириб тинчланди, кеча кечаси у...” дер эди-да, бундан кейинги оғулик ҳақиқатини бир турлиқ ҳам ўзига сингдира олмас ва буни ўйламасликка тиришиб, ўзини алаҳситмоққа ўла теварагига бежо-бежо назар ташлар эди”. Бир кўнгли “умрликка Марғилон билан

видолашмоқ"ни тиласа, бир кўнгли "ошна бир кимса унинг кўзига кўрингандек ва бегона раҳмсиз бир йигитнинг қучоғидан қутилиш учун ундан имдод суроғандек" ҳис қиласи. Ёзувчи "ошна" сўзини жуда ўрнида қўллаганига қаранг. Бу ерда имдод (мадад) сўраган ошна Кумуш кўзда тутиляпти, бироқ Отабек уни "ошиқ" дейишга тили бормай, унга ўзакдош "ошна" сўзини, яъни ошно, таниш, дўст-ёр эканини уйғирияпти. Отабек қабристондан чиқиб, маъюс, бошини қуии соглан қўйи тўғри уста Олимникига келиб кираётганида қўшни Содиқнинг уйидан чиқаётган Ҳомид билан қисқа кўришса-да, бу уни танимайди, бироқ у буни таниб ўрнида қотиб қолади. Ана шунда Марғилонни бутунлай тарк этиб, Тошкентга кетишга чоғланган бош қаҳрамоннинг шундоққина кўз олдида Худонинг қудрати ва албатта, зиёратнинг шарофати билан кўргина сирлар ва кутилмаган янги қўриқлар очилади: уста Олимнинг янги меҳмони уста Фарфи билан суҳбати Отабекнинг кўз ўнгидаги унга ҳам, китобхонга ҳам жуда кўп сирларни англатади, жумладан, бош қаҳрамоннинг бош рақиби Ҳомид табиатининг янги қирраларини очиб кўрсатади. Бу ҳол худодан қўрқмайдиган худосиз кимсанинг қанчалик ёвузлашиб, ҳеч нимадан тап тортмайдиган бир ваҳшийга, даррандага айланиб кетиши мумкинлигини англаш етишга кўмаклашади. Ҳомиднинг болакай Сайфига "ёмон кўз билан қараб юргани", яъни, хотин-бозгина эмас, бачабозлиги, Кумушни қўлга киритиш йўлида тўй арафасида бўлажак куёв Комилбекни ўлдирган қотиллиги, Отабекка бир эмас, икки марта тухмат уюштирган фитнакорлиги, ҳатто Кумушнинг отаси Мирзакарим қутидорни ҳам орадан кўтариб ташлашдан тап тортмайдиган абраҳлиги ва бошқа шулар сингари кўпдан-кўп кирдикорлари ошкор бўлади. Жумладан, уста Фарфи аввалига Ҳомиднинг

дүсті, сүнг душманига айланған Умарбекдан бир сирни әшитганини ва Комилбекнинг қотили Ҳомид эканини фаҳмллаганини айтади. Отабекнинг күз олдидә дафъатан жамики жумбоку тугунлар ўта табиий равишда ечилиб, масала ойдинлашади. Ана шунда Отабек Содиқнинг уйидан чиқиб келган қора чүтири Ҳомидни юзаки (юзидангина) эмас, ич-ичдан танийди-билади. Кўзлари баайни мошдек очилиб, юраги қонга тўлган бош қаҳрамонга уста Олимнинг “Сиз ҳали Ҳомиднинг қўшнимнидан чиқиб кетканлигини сўзлаб эдингизми?” деган саволидан кейин унинг руҳий ҳолати шундай тасвирланади: “Ҳақиқатан уста Олимнинг бу кейинги сўроғи уни энтиқтиралик эди. Ўткан кунларини заҳар билан булғаб келган бу мудҳиш душманига қайси йўсун билан жавоб қайтариш йўлларини излаб турған чоқда бу савол берилиб, Ҳомид билан бояғи учрашишини унга хотирлатқан ва энди ҳам кулиб қарамаган баҳтиға лаънат ўқутқан эди. Ул ўзининг ҳозирги ҳаётини-да улуғ таҳлика остида бўлғанлигини ва бу таҳликанинг ўткандагиларга қарағанда тамоман бошқача бир даҳшатда бўлишини онглар эди”. Мана шундан кейин Отабекнинг уста Олим билан тезда хайр-маъзур қилиб, унинг “Ошга сабзи босилди, атиги ярим соатдан кейин ош еб кетарсиз” деганига ҳам кўнмай, савдо ишига боғлиқ баҳоналарни айтиб, Тошкентга отланиб қолади. “Хароба уйнинг деворидан бир бош кўтарилиб”, Отабекнинг ўз отини эгарлашини кузатиши, сүнг Ҳомид ўз малайи Содиқни Отабекнинг кетидан жўнатиши китобхонни турли хаёл ва хавотирлар исканжасига ташлайди: “Отабек “бошқача бир даҳшат”дан қўрқиб қочиб кетяптими”, “хужум режасини пухтароқ ўйлаб олиш учун чекиняптими?”, “Содиқ ўтмишда уddeлай олмаган қотиллигини охирига етказмоқчими?... Отабек кетгач, уста Фарфининг “Бу йигит билан қандай

ошналиғингиз бор?" деган саволига уста Олимнинг жавобини қаранг: "Мен сизга ўзоғи йили бир йигитнинг Ҳомиднинг дарбозасида юрганлигини ва мен билан бирга ҳавлиға келиб бир кун ётиб кетканлигими сўзлаб эдим, шекиллик?" Шунда ўқувчи англайдики, қайнотаси қувиб солгач, Отабек тентираб боши берк кўчага кириб қолганда тўғри Ҳомиднинг дарбозаси олдига бориб тўхтаган экан. Худонинг қурдати ва ёзувчининг маҳоратига қойил қолади киши: бу ерда Отабекни боши берк кўчага киритган ҳам, Отабек яkkама-якка курашиб енгиши керак бўлган рақиби ҳам Ҳомид экани таъкидланяпти. Бироқ, Ҳомиднинг уйидан чиқиб келган оқ саллали уста Олим гўё "ҳали вақти эмас, вақти-соати келганда ҳисоб-китоб қиласан" дегандек Отабекни ўз уйига бошлаб кетиши ҳам ўта ҳаётий ва айни чоғда, рамзий.

"Рақиб изидан" деб номланган кейинги ўн тўртинчи боб аввал-бошдан яна-да сирли тус олади. "Ўн олти-ўн етти кунлик ой оқ булатут ичида қўтосланиб кўринар эди" деб бошланади у. "Қўтосланиб кўриниш" – бундай "теша тегмаган" қодириёна ибора орқали бош қаҳрамон Отабекнинг руҳий аҳволи тасвирланяпти. Тасавур қилинг, Отабек ўз бошига ёғилган қулфатларнинг бош сабабчиси Ҳомид эканини аниқ билгач, яъни унинг кўзини шамғалат қилган булатулар тарқагач, қандай ҳолатга тушади? Бундай вазиятда қўрқоқ одам тумтарақай қочиб қутулади, бироқ Отабекдек ҳатто ҳокиму ҳукмдорга ҳам тик қарай оладиган мард, жасур, алномиш одам худди кўзлари қонга тўлган, пишқирган қўтос-буқадек ўз рақибига ташланишга чоғланмайдими? "Рақиб изидан" деган ибора ҳам Отабекнинг бу хужумига ишора эмасми?.. Шундан кейинги уч жумлада ғира-ширада аллақандай номаълум кимсанинг уста Олимнинг уйига келиб нималардир қилаётгани шунақанги сирли-мубҳам

тасвириланадики, энг машхур детектив-саргузашт фильмларда ҳам бунақасини камдан-кам учратасиз. Учинчи – қысқагина жумла шундай: “Барги түкилиб қуруқ шохлари билан қолган майдон ичи туманли эди, мажхул киши юзини ойдинга бериб, хароба уй остида қадалиб турғанликдан унинг ким эканлигини таниш осон эди. Бу аламзада, зулмдийда юз, энг сүнгги курашга ҳозирланган бир йигит эди...” Шу билан мубҳамликка чек қўйилади-да, тўртингчи жумла “Отабек” сўзидан бошланади. Шу учта жумлани юзакигина ўқиб эмас, улар замиридаги маъноларни теранроқ ўйлаб-уқиб қарасангиз, яна бир маъно ойдинлашади-ки, “Ойнинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ” деганларидек, ўн олтинчими-ўн еттинчи кундан бош қаҳрамон ҳаётидаги ёруғ-ойдин кунлар бошланаётганига ишора қилинмоқда! У аввалига ғира-ширада ҳаракатланаётган эди, шунинг учун мубҳам эди, “юзини ойдинга бериб, хароба уй остида қадалиб турғанида” гина “мажхул киши”нинг кимлиги ойдек равшан бўлади: “Бу аламзада, зулмдийда юз, энг сўнгги курашга ҳозирланган бир йигит” Отабекдан бошқа ким бўлар эди, албатта, Отабек-да! Бобнинг тўққиз бетлик каттагина биринчи бўлагида Отабекнинг бир жиноят изидан тушган “мана мен” деган изқуварнинг, қирриқ махфий агентнинг саъй-ҳаракатларидан қолишмайдиган абжир ва сергак хатти-ҳаракатлари, янги бир жиноятга қўл уриш режасини тузаяётган жиноятчиларнинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглаб, мантиқ элагидан ўтказаётгани... агар бир детектив-саргузашт фильм суратга олингудек бўлса, энг камёбу ноёб “кадр”лардан бири бўла олади бу! Китобхон “... ичидан тақинған ханжарини қинидан суғуриб олди-да, дамини ойдинға солиб боқди ва ханжарнинг учини ёнбошидан орқасиға ўтқузиб ушлади, яна уйни кутиб тўхтади” деган гапни ўқиб, “наҳотки Отабек қотиллик қилса, наҳотки адоди

латни бундай ноқонуний йўл билан тикласа, наҳотки орқадан пичоқ уриш сингари номардликка борса?” деган хавотирга, эътиroz билдиришга ҳақли. Эҳтимол, китобхон “ханжарни ўз мудофааси учун олиб келган” ёки “душмани Ҳомид билан очиқчасига, яккама-якка жанг қилиш учун олиб келган, сўнг унинг жиноятларини қонун олдида исботлайди” деган фикрлар билан ўзини бироз тинчлантириши мумкинdir, лекин тўла қониқтиrolмайди. Китобхоннинг “Ахир, ҳар қандай бадий асар бўлмасин, ёвузликка қарши ғузуллик қилиш, эзгуликка ишонмаслик, Халлоқ ҳамда ҳалқнинг қонунларига инонмаслик ва шундай қилишни тарғиб қилиш ёзувчи учун ҳам, ҳаёт ҳақиқати учун ҳам номуносиб иш ҳисобланмайдими, деб танқидий кўз билан қараши табийй. Бироқ, хулоса чиқаришга ошиқмаслик керак. “Берди”си – кейинги бўлакда (билмаганлар учун: бир кишидан унинг кимлигини сўрашган экан, у “Мен Худой” деб ҳали “берди”сини айтиб улгурмай, “ўзини Худойман деяпти” деб уни шаккоклиқда айглашган экан). Муаллиф кейинги бўлакда ўз қаҳрамони Отабекнинг бу хусусдаги ички ўй-кечинмаларини очиб кўрсатиш орқали китобхоннинг бу шубҳа-гумонларини батамом кетказа олади. Отабек ўз душманларининг қабоҳатга тўла суҳбатларини тинглар экан, уста Фарфининг айтганларига, уларнинг жиноятларига тўла ишонч ҳосил қилиб, минг тўлғониб-ўртанди. Содиқнинг “Кумуш опамнинг саломатлиги учун ҳам ичмайсизми?” деганига Ҳомиднинг “Ораға нозик бир исмни келтуриб солмасанг, худо ҳаққи, ичмас эдим. Қани бўлмаса бер-чи, Кумуш апангнинг саломатлиги ҳаммадан ҳам менга кеरакдир!” дейишига ориятли Отабекнинг не ҳолга тушганини тасаввур қилиш мумкин. Отабекни тўсатдан кўриб қолган Ҳомид сергаклашади, албатта. Содиқнинг Отабек изидан бориб унинг шаҳардан чиқиб

кетганини қайта-қайта уқтирса ҳам, Ҳомид унинг бу кетиши “кўз бўяш учун бўлган ҳийла” деб ўйлаб, ўз сирини (яъни Комилбекни ўлдирганини) душманлари (яъни уста Олим, Умарбек) орқали билган бўлишидан қаттиқ гумонсирайди. Ана шунда Содиқ антиқа фикрни билдиради: “Хайр, кетмаган ҳам бўлсун: у ҳолда ўзингиз айткандек қилиб тўппа-тўғри эртага Салим шарбатдорнинг олдиға бораман-да, ўғлингни Мирзакарим аканинг илгариги тошкандлик куяви ўлдирди, мен ўз кўзим билан кўрдим, дейман. Ана ундан сўнг хумсанинг ҳолиға маймунлар йиғласин!” Ўзлари ўлдиришга ўлдириб, энди бошқа бир бегуноҳга тўнкамоқчи бўлишларини қаранг! Бунга жавобан онаси Жаннатнинг “Қих... Содиқнинг гапи жўялик” дейишига нафақат яширинча кузатиб турган Отабек, буни ўқиётган китобхон ҳам жунбишга келади. Шундан сўнг суҳбатга Мутал исмли яна бир каллакесар қўшилади-да, Ҳомид уни чақиришдан мақсади, худди Содиқни сотиб олганидек, уни ҳам сотиб олмоқчи экани тасвирланади. “Пес билан қоронғида топишар” деганларидек, Мутал полвон у икковидан ошиб тушадиган бузғунчи. Ҳомид ўзининг қора режасини айтишдан олдин “Эшикнинг занжирига бир қараб келингиз-чи, имон топкур Жаннат опа!” деб яна бир карра сергаклик қиласи. “Билса ҳазил, билмаса чин” деганларидек, гапдаги “имон топкур” ибораси Ҳомид тилидан ҳам койиш-ёзғириш, ҳам киноя-кесатиқ маъноларида айтиляпти, лекин ўқувчига “иймонсиз Жаннат опа” деган фикр уқтириляпти. “Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” деганларидек, чинакам ёзувчининг маҳорати мана шундай “бир ўқ билан икки қарғани уриш”да кўринади. Отабек “замбил остида ханжарини қисимлаб, гўё сичқонни пойлаган мушукдек ҳужумга ҳозирланиб ётар эди”. Боб бошида Отабек ой тимсолида “кўтос”га билвосита ўхшатилган

бўлса, бу ерда энди бевосита ҳужумга шайланган “мушук”ка, эҳтимол, мушуксимонлар оиласига мансуб “шер”га менгзалиятни. Ҳомиднинг қора нияти – Кумушни ўғирлаш. Содик билан Мутал шошқалоқлик билан ишни тезроқ дўндиришни айтишса (аслида, Ҳомид учун қайғуриб эмас, у ваъда қилган бойликка тезроқ эришиш учун, яъни ғаразли ниятда), Ҳомид уларни тўхтатиб, ҳозирлик кўриб олиш кераклигини айтади: “Олиб чиқғандан сўнг уни Марғилон ичидаги олиб туриб бўлмайдир: то ром қилғунча бирарта қишлоқга юборишкага тўғри келадир... Кечаси маълум, Марғилон дарбозалари ёпиқ бўладир. Шунинг учун бирарта дарбозабонни қўлга олиб қўймоғимиз, албатта, керак...” Ўзбек, қозоқ, озарбайжон ва бошқа кўпгина халқларда (“Кавказ асираси” филмини осланг) қадимдан “қиз ўғирлаш” одати бор. Бироқ бу одат шартига кўра ҳар икки томон бунга олдиндан кўнишлари керак, яъни ҳар икки томон қизнинг ўғирланишига розигина эмас, шунга тарафдор бўлиши керак. Бу одатни, табиийки, “одам ўғирлаш” жинояти билан ёнма-ён қўйиб бўлмайди. “Кавказ асираси” филмида ҳам, бу асарда ҳам қиз ўз инон-ихтиёрига қарши ўғирланмоқда. Ўзининг совчилари рад қилиниб, Комилбекнинг совчиларига розилик берилганини кўриб, ўз қора ниятига яхшиликча етолмаслигини англач, Ҳомид ёмонликча етмоқчи. Кумушни қуч билан бўлса ҳам ўзига ром қилиб, аслида унга зулм ёзилмоқчи. Ана шунда икки гумаштаси ўзларининг қора амалларидан келиб чиқиб кимўзарга ўғирлаш усулларини айтиб, ҳатто исбот-далиллар келтириб мақтанишади. Муталнинг лаби-лабига тегмай одам ўғирлаганини ҳикоя қилиб бергач, “бу кимўзарда мен енгдим” дегандек Содикқа айтган холосасини қаранг: “Эй-й Содикча, сен ҳали нимани кўрдинг-ку, нимангга ишондинг, бузоқ бўғузлағандек қилиб бир-иккитани

сүйган билан одам бўлдинг-қўйдингми?” Яна бир бор ёзувчининг сўз устаси эканини кўринг. Мутал тилидан айтилан “одам бўлдинг-қўйдингми” деб аслида булар “одам эмас, ўтакетган ваҳший ҳайвон” деган фикрни уқтирияпти. Яъни “адабни беадабдан ўрган” деганларидек, ёзувчининг асосий иши шундай беадабларни кўрсатиб ўқувчини адабга ўргатиш ҳисобланади... Қора режаларининг қачон, қаерда, қандай амалга оширилишини билган Отабек қандай келган бўлса, шундай яширинча чиқиб кетади.

Бобнинг бир ярим бетдан ҳам камроқ иккинчи “синифи”да эса, юқорида айтиб ўтганимиздек, айрим мубҳам-баҳсталаб тасвирларга тегишли ойдинлик киритилиб, бош қаҳрамоннинг қўнглига қўл солинади ва унинг дард-алами, тузаётган режаси, ўч олиш иштиёқи ёритилади. Жумладан Отабек уста Олимникида ўз отини эгарлаётганда қўшни девордан оша қараган бошни (Ҳомид) кўргани ҳамда ўз ортидан кузатиб келаётган Содиқни пайқагани, шунинг учун бир дарбозадан чиқиб, бошқасидан Марғилонга қайтиб киргани айтилади. Марғилондан шошилинч чиқиб кетишга мажбур қилган нарса айнан Комилбекнинг ўлдирилгани ва Ҳомид уни қотилга чиқариш гумони бўлади. Шаҳар ташқарисида узоқ ўйлаб, Марғилонга ошкора қайтиш қуруқ тухматга қолиш эканини, қайтмаслик Ҳомидга ютқизиқни англатгани учун шаҳарга яширинча қайтиб кириб, “Ҳомиднинг мундан сўнгги режаларини ўрганишка ва шунга қараб кураш бошлашға қарор берган” эди. Содиқнинг уйидаги душманларининг қора режаларини билгач эса, Отабек “душман билан бетма-бет учрашмоқ куни белгуланганликдан ўзининг бу кунги кутилмаган муваффақияти тўғрисида ҳеч бир таажжубланмас, фақат душанба кун кечаси билан мияси машғул эди. Душанба кун кечаси бир эмас, уч душман билан кураш тўғрисидағи-

на ўйлар эди". Ҳар қандай урушда душманнинг куч-қудрати-ю, ҳаракат режаларини, махфий сирларини билиб олиш ютуқнинг бош омили саналади. Отабек-нинг ютуқقا бўлган ишончи мана шунда. Китобхонда биргина шубҳа уйғониши мумкин: "Уста Олим билан уста Фарфи Ҳомиднинг бачабозлигини-ку, билса билгандир, бироқ унинг Отабекни икки маротаба дор остига олиб боргани ва Отабек номидан Кумушга икки маротаба талоқ хати ёзганини қаёқдан билишди, ахир, булар Ҳомид билан Содиқнинг ички сирлари эди-ку?" Ўйлаб қарасангиз, бу шубҳада ҳам асос йўқ. Чунки ҳар икки уста Ҳомиднинг қўл остида кўп йиллардан бери ишлайди, уста Олим Содиқка деворўрта қўшни яшайди, уларнинг кўпдан-кўп кирдикорларини яхшигина билади, қолаверса, бутун Марғилонга ва ҳатто мамлакат пойтахти Қўқонга роса овоза бўлган воқеаларга боғлиқ "узун-қулоқ гаплар"ни эшитмасликлари мумкин эмас! Бас, бу ёғи тушунарли! Фақат бир нарса тушунарсиз: битта-иккита эмас, бирйўла учта жиноятчига бас келиб, уларни одилона жазолаб бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак?.. Куйидаги кўчирма гап бундай саволларга тўла жавоб беради: "Бу бирга уч масаласи бироз унинг мияси-ни қотирған; кишилар ёллаш, хукуматка билдириш, қутидорни хабардор қилиб қўйиш мулоҳазаларигача келиб еткан бўлса ҳам, аммо иззати нафси бу қўрқоқлиқقا тамоман зид турар эди. Бора-бора бу мулоҳазасини тамоман кўнглидан чиқариб ташлади; на кишилар ёллайтурған, на хукуматка билдиратурган ва на қутидорни хабардор қилатурған бўлди. Чунки рақиб билан дилдорнинг уйи орқасида танҳо олишмоқ, ёр оёғи остида қонлик тупроқقا қоришмоқ – унинг учун жуда лаззатлик ва шоирона туйила бошлиған эди. Саройга кирап экан, ўзича: "Ширин ўлим!" – деб қўйди". Сирасини айтганда, Отабек қонунга қарши бораётга-

ни йўқ, душманларига босим ва босқин ҳам қилмаяпти, балки уларнинг босим ва босқинидан ўзини, ўз уйи ва оиласини, эл-юртини қўришга бел боғлаяпти. Ахир, Ҳомидга ўхшаган учига чиққан сотқин, ўғри, айирмачи, қотил, қўпорувчи, ҳозирги атама билан айтганда, террористдан ҳукмдору мансабдорлардан тортиб оддий фуқарогача жабр-зулм кўрса-ю, ҳеч ким, ҳатто миршаблару қозихоналар уни тутиб, жиноятларини бўйнига кўйиб, танобини тортиб кўёлмаса?! Бундай вазиятда Отабекдек ҳақ ва адолат қўриқчиларининг Ҳомид ва унинг гумашталарини ўзлари қазиган чукурга йиқитишдан бошқа қандай йўллари бўлсин?! Маълумки, Европа халқлари адабиётида рицарлар элнинг тинчи ва ўсишини қўрувчи курашchan қаҳрамонлар сифатида тасвирланадилар. Ҳатто ўрта асрларда Европа адабиётида “қаҳрамонлик эпос”ларини ўзига хос давом эттирган “рицарлик роман”лари яратилган. Худди шундай, Япония адабиётида самурайлар (бу сўз япон тилида “хизмат қилмоқ”, “қўриқчи” маъноларини англатади) юксак қадрланадилар. Таниқли япон қиличбози ва “Беш узук китоби” муаллифи Миямото Мусаши самурай ҳақида шундай ҳикматли гап айтган: “Самурай оддий одамдан шуниси билан фарқ қиласдики, у хавфли вазиятда нафақат душманидан ўзини қўрий олиши, балки уни енга олиши ҳам керак”. Туркий халқлар, хусусан, ўзбек адабиётида ҳам ботирлар ана шундай қаҳрамонлардир. Бинобарин, Отабек – ўз душманини енга оладиган ботир қаҳрамондир. Тўғри, у Чўлпоннинг “Ёрқиной” драмасидаги Пўлат ботир билан Ўлмас ботирга ўхшаб, “Отабек ботир” дейилмайди – ботирлик лақабда ва ё таъриф-тавсифда тилга олинмаса-да, тасвирда кўрсатилади... Бош қаҳрамоннинг аҳду қарори нима учун ўзига лаззатли туюлаётганини тушуниш мумкин, бироқ нега “шоирона”? Бунинг бир неча сабаб-

лари бор. Биринчидан, кўпгина муқаддас китоблар, давлат мадҳиялари, қўшиқлар, достонлар шеърда битилган бўлиб, улар инсоннинг онгига-руҳига кучли таъсир ўтказиш, инсонга жўшқинлик, эҳтирос, илҳом, қизғинлик-қизиқонлик бериш қудратига эга. Иккинчидан, шоир халқи табиатан бироз хаёлпараст бўлади. Отабек ўлимга ҳам тик боқа олади, шунинг учун бироз хаёлпарастлик қиляпти. Учинчидан, шоирлар табиат гўзалликларига ошиқи-шайдо бўладилар, бу гўзалликларни муболагаю мажозлар билан таърифлаб-тавсифлайдилар. Отабек эса, Кумушойдек сулувга ўлгудек ошиқ. Шундай экан, оташин севгиси кўйида ўзини парвонадек қурбон қиласрли ошиқ, яъни шоирона ошиқ! Тўртинчидан, ўзбек халқи шоирларининг саноқли авлиёлари (Яссавий, Югнакий, Отойи, Навоий...)дан бири Бобораҳим Машрабнинг биргина шоҳ сатри саволга етарли жавоб берга олади: “Бошимни қўяй остоналарга”. Худди, “Ватан остоандан бошланади” деганлариdek, бу ерда гап фақатгина севикили ёр ва жуфти ҳалол остонасигина эмас, Тил, Эл, Ул, Ўнг, Сақ, Кўр, Кут ва бошқа шулар каби энг қутлуғ тушунчаларнинг остонаси ҳақида ҳам кетмоқда! “Бу йўлларда жон бермасдан имкони йўқ!” дея хитоб қилган эди Ҳаққа Ошиқ авлиёи киромлар сарвари Қул Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари... Яна такрорлаймиз, Қодирий ўз романи орқали янги замон достонини яратишни истаган, бу асарини шу йўлдаги бир мажбурият, тажриба, ҳавас деб айтган. Маълумки, эртагу достонларда битта ботир ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб ёвни енга олган. “Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар” деганлариdek, “Уч оға-ини ботирлар” эртагида Кенжаботир қирқ қароқчини енггани, “Алпомиш” достонида Алпомиш ботир тўқсон алпни енггани бунга ёрқин мисолдир. Отабекнинг билими ҳам, билаги ҳам, қолаверса, жидду-жаҳди ҳам зўр бўл-

гач, атиги учтагина ёвни ер тишлиши шунчалик қи-йинми?!

Навбатдаги “Душанба кун кечаси” деб аталган бобда Отабек билан Кумушнинг ҳаёт-мамот онлари тасвириланган бўлиб, бобнинг бундай аталиши орқали бир неча маъно уқтирилмоқда. Биринчидан, бу ўғрибоши Ҳомиднинг ўйи бўлиб, унда ўғри-босқинчиларнинг касбий одатига ишора қилинади. Сабаби ёғин-сочин, қоронғу пайти ёки одамлар ўз юмушлари билан овора бўлган бегим кунлари ўғирлик-талончилик қилиш нисбатан қулай-да. Иккинчидан, Отабек ва Кумуш учун ҳам, Ҳомид хотинбоз учун ҳам янги ҳаёт бошланишига ишора қилиняпти. Учинчидан, форсча “ду” (икки) сўзи икки рақибнинг ниҳоят юзма-юз келиб олишувини башорат қилиб тургандек... Камина ҳам бир ўқувчи сифатида англағаним ҳолимга яраша, бинобарин, асарнинг ҳар бир ўқувчиси ўз ҳаётий таж-рибаси ва маънавий дунёсидан келиб чиқиб бу боб, қолаверса, бошқа барча боблар номларининг мағзла-рини ўзича чақа олади. Зеро, каминанинг мурод-мақсади ҳам ўқувчини шу ишга ундаш, токи у асар воқеалари билан юзаки танишибгина қолмай, ҳар бир воқеа ва ҳолатнинг туб моҳиятини, тагмаъносини, тилсимини, ёзувчи аслида нима демоқчи-ю ўқувчи-дан нимани кутаётганини англашга қўмаклашишdir. Романда шу бобга қадар, ҳаётда душанба кечасига қадар Ҳомид Отабекка фақат орқаваротдан хужум қилиб келди, ҳеч қачон унинг олдига мардларча чиққани йўқ. Мана энди, чинакам мардлик-ботирлик қандай бўлишини кўрсатиш мавриди келди. Мана энди, оқботир Отабек билан қоработир Ҳомид бирга-бир курашмоқчи! Худди қаҳрамонлик достонидаги Ал-помиш ботир Коражон ботир билан курашгани каби. Аммо фарқ шундаки, Қоражон душман бўлса-да, марди-майдон душман, ўз ютқизигини тан олиб, Алпо-

мишга ашаддий душмандан содиқ дўстга айлана оладиган мард паҳлавон эди. Гарчи Отабек Ҳомиднинг барча ҳужум-у тўсиқларини ёриб ўтиб, Кумушга уйланиб, моҳиятан уни енгган бўлса-да, Ҳомид ўз ютқизигини тан олиш буёқда турсин, “йиқилган курашга тўймас” деганлариdek, то Отабек уни ер тишлатмагунича тинчимоқчи эмас! Ушбу бобда Отабек Ҳомидни унинг ҳамтовоқ-шерикларига қўшиб қандай тинчитгани – бу камдан-кам курашчига насиб қиладиган чинакам қаҳрамонлик шундай табиий ва таъсирчан тасвирланадики, гўё китобхон ҳам Отабек билан бирга, ҳозирда оммалашаётган 3-Ў (уч ўлчовли) фильмларни кўраётган томошабин каби ҳамқадам-ҳамнафас бўлаётгандек сезади ўзини! Бундай тасвир маҳорати чинакам ёзувчидагина бўлади, зотан у кўникума, тажриба орқасида орттирилган маҳоратгина эмас, аввало Тангри Таоло ато этган истеъдод ҳисобланади.

Отабек Маликбойнинг майдонига вақтлироқ, яъни шом билан хуфтон орасида келади. Ҳаёт-мамот жангидан олдин у Кумушнинг уйига, “саодатли кунларининг ширин хотиралари сақланган ва шу дақиқада ҳам унинг ҳаёт тираги бўлған Кумушбиби ўтирган уйга кўзини тўлдириб қарайди, гўё бу қаравща у дунё малаги билан видолашади... қўйнига қўл солиб бир қоғоз олади, хаёл ичиди қоғознинг тахларини тузуклайди-да, қайтариб яна қўйнига тиқади”. Эътибор беринг, “Маликбой” дейиш орқали Отабек ва Ҳомиднинг уй мулки, оила маликаси, гўзал малак учун бўладиган ҳаёт-момот жангига ишора қилиняпти. Қолаверса, юқорида ўхшатиш қилганимиздек, Отабек тимсолидаги “Адабиёт” Кумуш тимсолидаги “Сўз” мулки, “Тил” бойлиги учун жанг қиласаяпти. Бунинг устига, Маликбойнинг “ҳовлиси”, фарғонача “эшиги”, “томорқаси” эмас, айнан “майдони” дейиш орқали “кураш, жанг майдони” эканига ишора қилиняпти.

Одатда жанг олдиdan жангчилар турли жисмоний ва руҳий машқлар бажариб қизишиб оладилар. “Хаёттираги бўлган”, “дунё малаги” деган иборалар Отабекнинг кучига куч, руҳига жўшқинлик, аҳдига содиклик берәётган илҳом манбаи, яъни руҳий тайёргарлиги бўлса, “видолашади” сўзи унинг сўнгги томчи қони қолгунча курашиш, ҳатто ҳаётидан кечиб бўлса ҳам ўз орзу-мақсадига етишиш жаҳдида турганини кўрсатувчи деталлардир. У қўйнидан олиб-солиб қўйган сирли қоғознинг нима экани кейинги бобда маълум бўлади. Отабекка бу қоғоз ҳам, унда ёзилган сўзлар ҳам далда берәётганига ишора бу. У лойхонада яшириниб ётади. Ярим тунда Мутал билан Содик олдинма-кетин кириб келиб, девор тагини тешишни давом эттирадилар. Худонинг қудрати билан Отабекнинг баҳтига бу икки шумқадам ўзаро жанжаллашиб, натижада Мутал деворни тешадиган, Содик эшик олдига бориб пойлайдиган бўлади. Мутални, сўнг Содикни бирма-бир ер тишлатгач, кириб келган Ҳомиднинг ханжарли қўлига ёпишади. Отабек “Мутал ўлди. Содик ҳам ўлим ёқасида. Энди сиз билан иккимизгина қолдик!” дейиш орқали Ҳомиднинг ишонган одамлари йўқлигини, энди иккови мардларча олишишини билдирияпти. Бироқ Отабек Ҳомидни енгишга шошилмайди, балки унга гуноҳларини бирма-бир санаб сўнгги сўз айтиш имконини беради: “Сиз мендан ҳам яхшироқ биласизки, шу уйда сизни аллақанча мashaқатларға солған, чексиз жониворлиқлар ишлаткан ва ҳисобсиз тиллалар тўйкирсан, ниҳоят, шу дақиқаға келтириб тўхтатқан бирав ухлайдир. Агарда сизнинг маним тилимдан ёзиб берган талоқ хатингиз дуруст ҳисобланмаса, бу ухлағучи маним ҳалол рафиқам бўлиб, икки йилдан бери мен ҳам унинг кўйида саргардонман. Демак, сиз билан манинг орамизда шу бирав учун кураш борадир. Лекин сиз шу

шоғиқача маним устимдан муваффақият қозониб келдингиз, қорачопончи деб дор осталариғача олиб бордингиз, Мусулмонқул қўлиға топширдингиз, бу ишларингиз фойдасиз чиқғач, исмимдан талоқнома ёзиб, икки йиллаб рафиқамдан айриб туришга муваффақ бўлдингиз, бу орада гуноҳсиз бир йигитни ҳам ўлдирдингиз. Ниҳоят, ўғирлик йўлиға тушиб, икки йигитнингизни ҳам маним қўлимда ҳалок қилдингиз... Энди менга жавоб берингиз-чи: бу ёмонлиқларингизда сиз ҳақлими эдингиз?" Ҳомид бундай ҳақ гапларга қарши гап айта оладими ва умуман уларни англай оладими? Яхши ёмонни тушуниши ҳам кечириши мумкин, лекин ёмон яхшини тушуниб, кечира оладими? Йўқ, албатта. "Ёмоннинг ёмони ёмон" деганларидек, Ҳомид "Ҳақли эдим!" деб бир силтаниб ханжарли қўлини бўшатади-ю, чалқанча йиқилади. Бу орада Отабек унинг қорнини ёриб улгурган бўлади. Ҳар қанча гуноҳкор бўлмасин, кўнглида зифирча виждони, иймони, умиди бўлган одам ўлим талвасасида тавба қилишга ошиқади. Ҳомид эса, тавбани билмайди, аксинча, яна бир бор "ҳақли эдим!" деб ханжарини Отабекка қараб улоқтиради. "Ноумид шайтон" деганларидек, Ҳомиднинг дўзахи экани шу бир қилифи-қилмишида яқзол кўринади. Отабекнинг ханжарни Ҳомиднинг кўксига урмай, қорнини ёрганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Бир авлиё "мен икки итимни олдимга солиб ҳайдаб юраман" деганидек, одамни бузадиган нарса – унинг нафси. Қорин бу нафснинг ўзига хос энг ёрқин рамзи ҳисобланади. "Қорин қайғуси", "Қорнимгамас, қадримга йиғлайман", "Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ", "Тўйдирганинг қорнига", "Қоринбой" ва бошқа кўплаб ибора ва мақоллар буни яқзол кўрсатиб турибди. Бу нафақат ўзбек ё туркий халқقا, балки жаҳоннинг барча халқларига хос қарашдир. Масалан, Япониянинг шундай миллий рамзи бор: қўллари би-

лан бири – оғзини, иккінчіси күзларини, учинчиси – қулоқларини, тұртінчиси – қорнини ёпиб турган тұртта маймун. Бунинг маңынан, “оғзимдан ёмон гап чиқмайды”, “күзларим ёмон нарсани күрмайды”, “кулоқларим ёмон нарсани эшитмайды” ва “қорним ёмон нарсани емайды”. Қойилмисиз?! Японияни жаһонда етакчи халқ қилиб турған мана шундай юксак маңывият ва теран тафаккур-да, шундай эмасми?

Кези келганды шуни айтиш шартки, бир ўқувчи ва шархловчи сифатида камина ҳам Отабекнинг, гарчи маңнавий ҳаққи борлиги, жиноятчиларнинг жиноятлари бўйинларига қўйилганлиги, ўз уйи ва оиласини қўриш мақсадида экани ва бошқа ҳар қандай оқловчи-юмшатувчи омиллар бўлишига қарамай, бирвара-кайига уч кишини ўлдирганини тўла оқлашга ҳаддим сиғмайди. Эҳтимол, ҳуқуқшунос ва уламо-фукаҳоларимиз бунга ўзларининг қонуний қарашларини билдирарлар. Эҳтимол, эртак ва достонларда “ботир девни, маҳлуқни ўлдирди” деган ғоя ўзини тўла оқлар. Эҳтимол, “Ўткан кунлар” романи аслида бу жиҳатдан достон хусусиятлари ва талабларига тўла жавоб берар. Эҳтимол, худди “Алпомиш” достонида “Қалмоқ, Кашал юрти” дейилганидек, “Ўткан кунлар” романи яқин-узоқ келажакда “Отабек ва Кумуш” достони ёки “Отабек” достони деб аталиб, унда “Хомид, Қораҳомид юрти” деган ибора қўлланар... Лекин фуқаролик жамиятида, хоҳ Ислом, хоҳ Рим, хоҳ бошқа қонунчиликка асосланган демократик жамиятда қонун устуворлигини қадрлаш ва таъминлаш шарт ҳисобланади. Ҳаттохи, ёзувчи айтган “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”да” ҳам қозихоналар, миршаблар, расмий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи кучлар йўқ эмас эди. Буни ёзувчи ўзи ҳам “Наво куйи” бобида ўғри, фоҳиша, фарзи айнни унугтганларни жазоловчи кучлар борлигини айтган эди. Хўш, бўлмаса, муаммо

нимада? Муаммо, ўйлашимча, бир қонунчиликнинг бошика қонунчиликка, бир тузумнинг бошқа тузумга ўтишида-ўтказилишида, турли қонун тизимларининг узаро рақобати ва қарши туришида! Ўйлаб қаранг; Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли экан, дасти ҳам, тили ҳам узун бўлиши керакмасми эди? Ҳомид сотиб олган қўрбончи-бекларни кўлга олишга кучи ҳам, имконияти ҳам етмасми эди? Фараз қилинг, Отабек Ҳомиднинг режаларини билгач, уни миршаблар ёрдамида тузоқقا туширсин-да, жиноятларини фош қилишда жонбозлик қўрсатсан. Ҳомид қилган жиноятлари учун осонгина ўлиб кутулмай, аввалига қозихонада бу жиноятлари бўйнига қўйилсан, халқ олдида юзи шувут бўлсан, сўнг ҳаққоний қамоқ жазоси бўладими, ўлим жазоси бўладими, олсан! Воқеалар шундай ё шунга ўхшаш ижобий ёки ҳуқуқан асосли қилиб ривожлантирилса бўлмасми эди? Ким бунга қаршилик қилиши мумкин? Эҳтимол, рески хонлик тузумини, унинг ҳуқуқий асосларини бушиб кўрсатиш кимгадир керак бўлгандир? Бунда ёзувчи масалага холис ёндошяптими ёки муайян мафкуралар босимига учраяптими, аниқлаб олиш керак бўлади. Яна такрорлаймиз, биз ёзувчининг мантигини, унинг асарини тушунишга ҳаракат қиляпмиз. Бунда ёзувчи яшаган даврни, сиёсий тузумни четлаб ўтишга, ёдда тутмасликка ҳаққимиз йўқ. Биргина мисолни келтириб, холоса чиқаришни азиз ўкувчиларимизга ҳавола қиласмиз. АҚШда “Линч суди” деган негрларни ва инқилоб арбобларини судсиз-сўроқсиз ваҳшийларча жазолаш ҳаракати яқин-яқингача кенг тарқалган эди. Гарчи 1782 йилда (маълумот учун, АҚШ 1776 йилда мустақиллик декларациясини эълон қилиб, 1787 йилда конституциясини қабул қилган) маҳсус қонун билан бу ҳаракат расман таъқиқланган бўлса-да, у то XX асрнинг ўрталаригача давом этиб келган. Шўро тузумида ҳам шунга ўхшаш “тройка (уч кишидан тузил-

ган қўмита)" деган ҳаракат кенг тус олганди. Шундай экан, бундай ноқонуний ва жоҳилона хатти-ҳаракатни, хоҳ бадиий асарда бўлсин, хоҳ амалда бўлсин, халқقا ўтказишдан, халқ онгига сингдиришдан кимга фойда-ю, кимга зарар? Бунга ўқувчи ўзи хулоса қилсин, деб таҳлилимизни келган жойидан давом эттирайлик.

Шундай қилиб, Отабек битта эмас, учта жоннинг қотилига айланди. Келинг энди буни Отабекнинг кўзи билан қараб тушунишга уриниб кўрамиз. Америка адиби Уилям Сарян (асли миллати армани бўлган инглиз ёзувчиси!)нинг "Муҳожир" деган қизиқ ҳикояси бор. Тасаввур қилинг, улкан шаҳардаги кенг кўчалардан бирида бир муҳожир қочиб кетяпти, уни бир маст-аласт ортидан қўлида пичоқ билан қувлаяпти! Муҳожир қочган кўйи: "Хой одамлар, анавини қутқариб қолинглар, йўқса мен уни ўлдириб қўяман! Мен қотилга айланишни истамайман! Менга раҳмингиз келсин, одамлар!.." – дея бақириб, ёрдамга чақиради, бироқ ҳеч ким ёрдамга келмайди! Ахийри, муҳожир ҳожатхонага қочиб кириб бир бўлмага буқинади, маст таъқибчи ҳам бостириб кириб ташланганида муҳожир унинг қўлидаги пичоқни тортиб олиб, кўксига қадайди-да, мунгли зорланади: "Ана, мен нима дегандим?! "Ўлдириб қўяман!" дегандим-ку, мана, ахийри айтганим бўлди!.."

Қизиқ ҳикоя! Муҳожирнинг дарди-дунёсини бунчалик таъсирchan очиб кўрсатишни камдан-кам ёзувчи уddалай олади, мен сизга айтсам! Муаллифнинг ўзи ҳам қонидан-жонидан ўтказган муҳожир бўлган-да, ахир!

Юқорида айтилган ҳикоянинг мазмун-моҳиятини ўзбек халқининг шундай ҳикматли гаплари лўнда кўрсатади-кўяди: "Буққанинг сари суқади", "Андишанинг оти қўрқоқ", "Бўш келганни бўри ер"... Ана энди, бирорларнинг юртида муҳожир эмас, ўз юртида эмин-эркин

Шиаб турган одам, бунинг устига, аввал ёзганимиздек, "Мен ҳам ўз юртимда бекман, тўраман!" деб юрган бир қирчиллама бек... ноҳақликка қачонгача чидайверади?! Пичноқ бориб суюкка қадалгач, нима қилсин у?! Қолаверса, "қилмиш – қидирмиш", "қинғир ишнинг қийиги қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" деганларидек, ҳар қандай жиноят ўз жазосини эртадир-кечдирилиши керак эмасми?!

Асарда Отабекнинг қотиллигини оқладиган, бизга Отабекни "ашаддий қотил" деб эмас, "халоскор қаҳрамон" дея олқишлиш ҳуқуқини берадиган яна иккита асос ҳам келтирилади. Биринчидан, Содиқ ҳам, Мутал ҳам бўғзигача жинояту гуноҳга ботган қотиллар. Ҳаттоқи Ҳомидбой ҳам, азбаройи ўзининг ўтакетган хотинбозлиги сабаб Кумушнинг шаръий эрига тўрт карра (тўрт карра!) тухмат қилиш билан, ҳатто унга Содиқ орқали суиқасд қилиш билан (баҳтли тасодиф туфайли у амалга ошмади) чекланмай, унинг бўлажак умр йўлдоши, бегуноҳ Комилбекни ўлдириди! "Ал қасосул минал ҳақ" деганларидек, қотилни ўлдириш эса, гуноҳ эмас, аксинча, савоб! Ҳар қандай жиноятчига, айниқса, қотилга муросасизлик – чинакам қаҳрамонлик-да, агарки у ўлдирилган одам суюкли умр йўлдошингизнинг бўлажак иккинчи эри эса-да!

Бундан ҳам минг карра жиддийроқ иккинчи сабабга келамиз. Модомики, оила ҳар қандай жамиятнинг энг кичик ва энг дахлсиз бўлаги-қўргони экан, унга қайта-қайта дахл қилган, наинки ниҳояти дахл қилган, балки оилани бузиб тўзитган, эрни сургун, хотинни тутқун, элни нотинч қилган бузуқи-бузғуничи... қотилдан минг карра хавфлироқ душман эмасми у?! Айниқса, оилани, оила мулкини бу оламдаги ҳар нарсадан азизроқ деб билувчи, "Мен уйланганман! Менинг уйим! Менинг оиласм! Менинг болаларим! Менинг элим!" дея фахрланган кўйи кўкрак кериб юрган

чинакам ўзбекка қилинган энг катта ноҳақлик – бузғунчилик! Бузғунчилик бўлғандан ҳам – аввало муқаддас оиласа қилинган бузғунчилик, зотан, қолган ҳамма ноҳақликлар айни мана шу оила бузиш негизида урчиди! Бинобарин, битта эмас, бирваракайига учта бузғунчини наинки ўлдириш, балки уларни эл кўзига кўрсатиб, “Мана, бузғунчи! Мана, кўриб қўйинг, мен бузғунчидан қандай қасос олдим!” дея намойиш этиш... ноҳақлик ё гуноҳи азим эмас, аксинча, оилату зарликдек савоб ва ҳақ ишнинг энг каттаси мана шу, мен сизга айтсан!

Агар Отабек бугунги кунда суд қилинса, қотил сифатида қораланаармиди ва ё халоскор, қасоскор сифатида оқлананаармиди? Бу ҳол, биринчи галда, жиноятнинг қаерда қандай қилинганига боғлиқ, албатта. Отабек ўзининг учта душманини айнан хотини Кумушнинг оёқлари остида, қайнотаси Мирзакарим қутидор уйининг орқасидаги майдонда, уйбузарлар кавлаган чуқурликнинг ён-верида эмас, бошқа ҳар қандай жойда ўлдирганида ҳам қотилликда айбланиши тайин эди! Лекин уйбузар – девортешар бузғунчи!.. Тўғри, ўзбек халқи, яна бир буюк адабимизFaфур Гулом ўзининг “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида қойилмақом тарзда кўрсатганидек, томошар ўғрини ҳам “Менинг ўғригина болам” деб суйиб-эркалай оладиган даражада бағрикенг, меҳрибон, оққўнгил, мўмин-қобил, ювош-беозор халқ! Лекин бу халқ “Ювошдан йўғон чиқади, Чиққанда ҳам бирйўла чиқади” деган ҳикматли гапни бежиз яратмаган-да! Айниқса, оиласига – энг муқаддас ва дахлсиз қўрғонига чанг solaётган бузғуни чи уйбузарни!.. Нега энди аяб ўтиурсин?!

Суд жараёнининг энг бирламчи шарти, маълумки, жиноятчини ўз жиноятига иқрор қилдириш, унинг айбини ҳар томонлама далиллаб бўйнига қўйиш ҳисобланади. Отабекнинг душмани Ҳомид устидан чиқар-

Ган хукмидан аввал унга айтган гаплари шунчаки давлат айбловчисининг жиноятчига берган қонуний саноллари эмас, ноҳақлиқдан юрак-бағри қон бўлиб кетган оқкўнгил-ювошгина инсоннинг юрак қаъридан чиққан сидқидил ёлвориш, зорланиш, борингки, ғириш дейиш мумкин. Бу оламда ўғриликнинг турлари кўп! Мол ўғриси, вақт ўғриси, жон ўғриси, жонон ўғриси!.. Буларнинг ҳаммасидан ёмонроғи, кечириб бўлмайдигани, албатта, жон ўғриси эмас, жонон ўғриси! Чинакам ошиқдан “Жонми, жононми?” деб сўрасангиз, албатта, “Жонон! Жононсиз жоннинг нима кераги бор?!” дейиши аниқ! Ҳомид хотинбоз, модомики, ўзлақаби билан хотинбоз экан, ҳаром-ҳаришга муккасидан кетиб, бузғунчилик йўлидан қайтишни паққос истамайдиган уйбузар-ултешар экан, саволга жавобан бақрайиб туриб “Ҳақли эдим!” дейди. Ана шундан кейингина Отабек “чексиз жониворликлар қилган” ва ўз қилвирилик-қинғирликларини давом эттиришга шайтурган бу ярамас-тузалмаснинг “ишини тўғрилади”, яъни, “Ҳомиднинг қорнини шир этдириб ёриб юборади”. Мусоғирнинг сўнгги чорасидан минг карра зарурроқ сўнгги чора-да бу! Зотан, “Ёмоннинг ёмони ёмон!”, “Ёмоннинг жазоси – ўлим!”, “Букрини қабр тўғрилар!” Эътиборингиз учун, сўнгги мақолдаги “букри” сўзини “ўгри” деб ҳам ўқиш мумкин, “жонон ўғриси” десангиз, моҳият яна-да ойдинлашади...

Айниқса, ўн учинчи боб ва шундан кейинги ўн тўртинчи-ўн бешинчи бобларни мутолаа қилиб яна бир карра амин бўласизки, мазкур роман фақатгина биринчи ўзбек романи, биринчи ўзбек тарихий романи, биринчи ўзбек ишқий романи, биринчи ўзбек қаҳрамонлик романигина эмас, биринчи ўзбек детектив-саргузашт романи ҳамдир. Яна шуниси кундай равшанки, на буюкFaфур Гуломнинг “Шум бола” саргузашт қиссаси, на Худойберди Тўхтабоевнинг Қо-

дирий орзусини рўёбга чиқариб ёзган “Қасоскорнинг олтин боши” ва бошқа саргузашт романлари, на Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” туркум қиссалари, табиийки, на Нуриддин Исмоилов ва бошқа бугунги кундаги детектив-саргузашт адабиётидаги энг сермаҳсул адиблар асарлари ҳам, минг афсуски, бу асар юксаклигига кўтарила олмади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Зотан, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари ўз насли-насабига кўра хўжаилғорлардан бири бўлганидек, буюк Абдулла Қодирӣ хўжааламбардорлардан, яъни байроқдорлардан бири эди-да! Қолаверса, бу одам Қодир бобонинг тўрт марта уйланиб, тўртинчи хотинидан нақд етмиш икки ёшида «Ё Ҳақ!» дея Тангридан тилаб-тиланиб олган отаули бўлганидан кейин, бунинг устига, гап Хўжа Маъздан олинган руҳий куч-мадад хусусида кетаётган экан, ўзининг ёзган асарини Қодирйининг бу асаридан ким қанақасига ошира олсин?! Ҳар ким ўз ҳолига яраша тақдирга тан беришга мажбур-да!

Қаҳрамон шунинг учун ҳам “қаҳрамон” деб аталадики, биринчидан, у ҳаётнинг қийинчиликларида тобланган, ёвларига аёвсиз, “қаҳҳор, қаҳри қаттиқ” бўлса, иккинчидан, у ҳеч қачон “Мана, кўриб қўй, мен қаҳрамонман!” демайди, яъни, ўзининг қаҳрамонлиги билан мақтанмайди. Нари борса, “Яхшиси, сен мени тўғри тушун, мен қаҳрамонлик кўрсатганим йўқ, қилишим шарт бўлган ишни қилиб, ўзимнинг виждоний бурчимни бажардим!” дейди. Чинакам ёзувчилик ҳам ўз табиатига кўра қаҳрамонликдир. Бинобарин, чинакам ёзувчи зўр асар ёзиб қўйган бўлса ҳам, асарининг зўр эканини ўзи яхшигина билса ҳам, у бу билан мақтанмайди. Атрофидаги мардум “Туя кўрдингми – йўқ!” дея индамай турган бўлса, “Хой, Худо хайрингни бергур, барака топгур, мени мақтамай қўя қол, майли, лекин қилган ижодий ишимни бағрикенглик билан

қицқоний тан олишинг шунчалик қийинми? Кўзингни каттароқ очиб қарасанг-чи, ё кўрмисан-кўролмасмисан?” деб ҳам куйиб-ўртаниб айтмайди. Балки “Савоб қил-да сувга от – балиқ билар, Балиқ билмаса Холиқ билар” дейди! Бу ҳикматли гапдаги “Холиқ” сўзи билан “халқ” сўзи ўзакдош экани бежиз эмас. Балиқдек жим турувчилар билмаса-қадрламаса-да, катта халқ билса ва қадрласа, шунинг ўзи чинакам баҳт-да! Тасаввур қилинг, Отабек Мирзакарим кутидорнинг уйи ортидаги майдонда бирйўла учта душманини ер тишлатганидан кейин қайнотасининг уйига кириб, уй соҳибларига “Мана, мен шунақа-шунақа ишларни қойил қилдим!” деганида.. шу иши қаҳрамонлик бўларми эди? Йўқ, албатта. Айни шу хатти-ҳаракати ва гап-сўзи билан қаҳрамонлик мавқеидан тушиб, оддийгина бир одамга айланади-қолади. Кўпгина асарларнинг қаҳрамонлари эса, аксарият ҳолларда ўзларининг “қаҳрамон” эканликларини, нима деймиз, буткул унутиб қўядилар. Улар шу қадар майда ва майдакашдирки, бири-биридан майда гапларини эшишиб ё ўқиб энсангиз қотади. “Ҳе, сенек қаҳрамондан ўргилдим!” деб қочиб кутулиш, китоб бўлса – ёпиб, кино бўлса – ўчириб қўйишни истайсиз. Адабий қаҳрамоннинг саъй-ҳаракатларига қараб туриб унинг ўзи эмас, ўқувчи сифатида сиз уялиб кетасиз! Шунга кўра, айтиш мумкинки, “Ўткан кунлар” романидаги Отабек замонавий ўзбек адабиётидаги ўй ва бўйда тенгсиз етук қаҳрамон! Унинг аксарият ўй, сўз ва қилиқларига суйиб-суюниб қарайсиз!

“Ўзни танитиш” деб номланган ўн олтинчи бобда Маликбойнинг майдонидаги сирли қотиллик деярли бутун Марғилонга овоза бўлгани, одамлар ҳайрон бўлиб “Мутал билан Содик бўлса шаҳарнинг томтешар йигитларидан... Хайр, Ҳомиднинг ўғрилиқ хунари ҳам бор бўлсин, буларни ким ўлдирган? Кутидор

бўлса эрталаб уйқудан турғач, бу ҳангамани билдири, жуда ажойиб!..” деганлари айтилади. Эътибор беринг, “ажойиб” сўзи икки маънода ишлатилмоқди: ҳам “ажаблантирувчи”, ҳам “ажаб бўлибди”, яъни “хўп бўлибди, бу балолардан кутулибмиз”. Гапдаги “ҳангама” сўзи ҳам худди шундай. Олишув пайтида Содиқ Отабекнинг оёғини, Ҳомид қўлини оғир яралган бўлади. Эртаси кун оқсоқланиб кетаётгган Отабек тўсатдан Раҳматга йўлиқади-да, Раҳмат тоғасининг чавақлаб кетилганини, қорни тикишга келмаслигини айтади. Отабекнинг “Чавоғлағувчини айтдими?” деган саволига Раҳмат, “Тил бўлса айтади-да, йиқилиб ётган жойида яна икки йигитнинг ўлиги бор экан... Шулардан зарб олганми деб ўйлайман”, – дейди. Отабек “Худо шифо берсин!” деб ўз йўлига, яъни уста Олимникига қараб кетади. Ёзувчи буларни нега учраштириди, бу учрашув тасодифми ё қонуният? Ҳар иккиси! Биринчидан, Раҳмат воқеа тафсилотларини суриштириш учун уста Олимнинг қўшниси бўлган марҳум Содиқнинг уйига бориб келаётганини тахмин қилиш мумкин. Иккинчидан, қотиллик жойида бирон из қолдими, асосий гумондорлар ким, деган саволларга Отабек учун ҳам, ўқувчи учун ҳам тушунтириш бериляпти. Ҳомиднинг тили йўқлиги ҳақидаги гапда ҳам физиологик (қорни чавақланган одам гапиришга хуши ҳам, кучи ҳам бўлмаслиги), ҳам рамзий (иғво қилишга ҳам, тавба қилишга ҳам энди ҳаққи йўқ) сабаблар бор. Раҳмат тоғасининг чавақланишини анави икки ўлиқдан гумон қилади. Нега? Ўйлаб қарасангиз, ёзувчи ўз қаҳрамонларининг психологиясини чукур англаб, ўта ҳаққоний тасвирлайпти. Юқорида ёзувчи халқ тилидан “ҳангама” сўзини бежизга ишлатмаган. Сабаби, Ҳомид билан унинг икки шериги (ҳоҳ эшикни бузиб бўлсин, хоҳ девор остини қазиб бўлсин) бостириб кирмоқчи бўлган уйнинг ягона эркаги Мирзака-

рим кутидорнинг бу қотилликларни қилмагани аниқ (үкувчи бунинг тафсилотларини келаси бобда била-ди). Бошқа бирор гумондор қилинса, нега қотил икки кишининг кўксига пичоқ суқиб ўлдирди-ю, учинчи-сини ўлдирмай тирик қолдирди, деган савол туғида-ди. Ахир, тирик гувоҳ қолдирадими ҳеч бир қотил? Бундан чиқадиган холоса: босқинчилар ўзаро жан-жаллашиб қолишган, бири қолган иккисини ўлдир-гани-у, улар буни оғир жароҳатлаган. Чинакам ҳангома эмасми бу? Жиноят оламида кўп учрайдиган ҳолат-ку бу: ўғрилар ўмарган бойликларини тақсимлаш пайти қўзлари ўйнаб, ҳирслари қўзиб, ўзаро келишолмай бир-бирларини ўлдириши...

“Тегирмон навбати билан” деганлариdek, қотиллик ҳақида аввал одамларнинг миш-мishлари келтирилди, сўнг Ҳомидга алоқадор Раҳматнинг муносабати, ана энди Содиққа алоқадор уста Олимнинг муносабати ёритилмоқчи. Содиқнинг жанозасига бориш учун таҳорат олаётган уста Олим уйига кириб келган Шокирбекни (Отабекни) кўриб “Тошкандға жўна-мағанми эдингиз!” деб ажабсинади. Шокирбек орадан уч-тўрт кунгина ўтган бўлса-да, “Тошкандга бориб келдим...” деб кулади. Уста Олим қизиқ воқеани, яъни қотилликни айтиб “Ёмонлар жазоларини топибдилар!” деб холоса ясади. Қотил ким экани ҳақида уста Олим “Менга қолса, ўлдиргучи албатта, Мирзакарим аканинг куяви Отабекдир... зап иш қилған-да, мен унга қойилман!” деб ўз тахминини айтади. Шундан сўнг Шокирбек: “Йўлда бора туриб гуноҳимдан ўкин-дим-да, сизга тавба қилғали Қўқондан қайтдим... Агар сиз гуноҳимни кечирсангиз, мен шу дақиқада Тошканд жўнайман”, – дейди. Шу гапдан сўнг ўкувчида “Ие, уста Олимга ўзининг қотил эканини айтмоқчи-ми?” деган ҳадик-хавотир уйғонса, эҳтимол. Ахир, бу ерда “айб” сўзи эмас, “гуноҳ” сўзи ишлатилмоқда. Шо-

кирбек уста Олим билан қалин дўст, ҳамфир, дардкаш бўлса, қандай гуноҳ ҳақида гап бўлиши мумкин? Лекин бевосита бўлмаса-да, билвосита айнан шу хавотирли фикр айтилади. Шокирбек: “Мен сиз билган Шокирбек эмас, тошкандлик Юсуфбек ҳожининг ўғли ва марғилонлик Мирзакарим аканинг куяви – Отабек!” – дейди. Қарабисизки, “сих ҳам қўймайди, кабоб ҳам” деганлариdek, на униси “мен қотилман”, на буниси “сен қотилсан” дейди. Сан-манга борилмайди – дўстлик риштасига путур етмайди. Шундан сўнг уста Олим Отабекни қучоқлаб, янги меҳмонга кўрсатила-диган илтифот билан кўрпачага чорлайди. Шу пайт қўшни ҳовлидан Жаннат опанинг “шаҳид ўлган болам” деган ўкириги эшитилади. Отабек уста Олимга гуноҳкорона қарайди. Уста Олим “Зап қилғансиз, Отабек, ёмоннинг жазоси шундай бўладир...” деб уни қўллаб-куватлайди. “Заб (зап)” сўзи икки маънода қўлланган: ҳам “жуда яхши қилғансиз”, ҳам “боплагансиз”. Уста Олим Отабекни оқлаётганининг сабаби, Отабек (ёки Шокирбек) унинг дўсти бўлгани учун эмас, балки Содик ёмон бўлгани учун, бироннинг ҳаққига кўз олайтиргани учун. Жаннат опанинг “шаҳид ўлган болам” деганида ҳам икки маъно бор: биринчидан, “кўнғиз боласини оппоғим, типратикан юмшоғим” деганидек, она ҳар доим боласини оқлайди, иккинчидан, “адабни беадабдан ўрган” деганлариdek, ҳақ учун курашда жон берган шаҳид ҳисобланади, Содик шаҳид эмас, жоҳил, агар Отабек ўлганида, уни ҳақиқий шаҳид деб аташ мумкин бўларди. Воқеа икир-чикирларини билгач, уста Олим Отабекнинг довюраклигига қойил қолиб, айтиш мумкинки, биринчи оқлов ҳукмини, биринчи таъриф-тавсифни айтади: “Сизнинг ақллар ишонмаслик қаҳрамонлиғингизға юрагим қинидан чиқиш даражасига етди”. Эътибор беринг, юқорида айтганимиздек, бу гапда “билиғи зўр бирни йиқар, би-

тими зўр мингни йиқар” деган ҳикматли гапга, эртагу достонлардаги “бир ўзи юз-минг ғанимни ер тишлатди” деган лоф-муболағасимон ботирлик-қаҳрамонликларга ишора бор. Отабек уста Олимга таҳорати сабабини эслатганида, у “ёмоннинг жанозасидан, яхшининг ҳикояси фойдалик кўринадир... Қани сўздан келинг!” деб жавоб қиласди. Шу биргина гап билан минг гап ўғтирилаяпти. “Содиқقا ўхшаган ёмонга жаноза ҳайф”, “Қозонга ёндошсанг – қораси юқар, ёмонга ёндошсанг – балоси юқар”, “жанозадан топган савобдан яхшининг ҳикоясини эшишиб топган савоб афзал”, “яхшининг ҳикояси фойдали, ибратли, мароқли”, “Оталар ўзи – ақлнинг кўзи”, дўстона қайғуриш-ғамхўрлик... Мана шу охирги фикр уста Олимнинг кейинги гапи билан ўз тасдиғини топади: “Сизда чин юрак бор, дўстим!.. Аммо мендан чин исмингизни яшириб келганингиз учун сизни айблай олмайман. Бироқ жумъа кун кечаси Ҳомид изидан маним ҳавлимга кириб, менга ўзингизни билдиrmай кетканингизга хафа бўламан, худой кўрсатмасин, бир фалокат юз берганда нима бўйлар эди?” Бу – чинакам дўстнинг чинакам дўстига мичиқ гаплари, кўнгли ярим ошиқнинг дилшикаста ошиқ кўнглини ҳис қилиб кўнгил сўраши, чинакам хунарманд-савдогарнинг моҳир савдогарга айтган хисобли дўст сифатидаги дил сўзлари... Отабек “Мен шу соатнинг ичida Тошканд жўнашға мажбурман. Шунинг учун сиз бу хатларни қайин отамникига ўз кўлингиз билан элтиб берсангиз” деган илтимос билан иккита хат берганида уста Олим “Нега энди Тошканд жўнайсиз, ўзингиз...” дея ажабланиб қарайди. “Ўзингиз” сўзидан кейин қўйилган уч нуқта кўп маъноларни англаатади. Бобнинг номи “Ўзни танитиш” экан, Отабек ўзини дўстига танитган экан, энди қайнота-қайнонаси, севикли ёри ва бошқа мардумга ўзни танитиш вақти келмадими? Худди достонлардаги ботир

йўлидан чиққан тоғни кемириб, сувни симириб, барча ғовларни енгиб ўтгач ўз мурод-мақсадига эришгани каби, Отабек ҳам мурод-маррасига етиб келди-ку, нега энди ортга чекиняпти? Уста Олимнинг қаршилигига жон бордек, бироқ Отабекнинг жавобида мантиқ устунроқ: “Ўзимга мумкин эмас, чунки... икки томонға ҳам ўнгғайсиз. Мен ҳозир кетишкан мажбурман, балки ўзингиз ҳам онгларсиз”. Уста Олим бу ундовни ўзича тушунади. “Онгладим, гап-сўз босилаёзғач келмакчимисиз?” Отабек қисқа қилиб “Балки...” дейди, холос. “Икки томон”ни турлича тушуниш мумкин, албатта. Икки жабрдийда, яъни бир томонда қутидор оиласи, иккинчи томонда азадорлар оилалари деб тушуниш мумкин. Ёки, бир томонда қутидор оиласи, иккинчи томонда Отабекнинг ўзи. “Ўнгғайсиз” сўзини “гап-сўзчувалмасин, шубҳа-гумон уйғонмасин, ортиқча хавотир қилинмасин” маъносига тушуниш мумкин бўлганидек, “ҳар қанча хайрлик иш, марднинг ўзи бўлмасин, одам ўлдирган кишининг ўз яқинларининг кўзларига тик боқиши ўта мушкул” деган маънони уқиш мумкин. Юқорида Отабек ўз қилмиши учун дўсти уста Олимгаки гуноҳкорлик туйғуси билан қарагани айтилганди, энди қайнота-қайнонасининг, айниқса, суюкли ёрининг кўзларига қандай қарайди-ю, улар қандай тушунишларини тасаввур қилиш нафақат Отабекка, балки ўқувчига ҳам қийин. Отабекнинг “Учрашқанингиз тўғрисида менга маълумот ёзсангиз, тағин миннатдор қилардингиз...” дегани бу фикрни тасдиқлагандек. Ўқувчи Отабекнинг бу андиша-хавотирини келгуси бобда унинг ҳурматли қайнотаси ва суюкли хотинига ёзган хатларининг мазмунлари билан тўлиқ танишгандан сўнг англайди. Отабекнинг “балки” дегани уста Олимга ҳам, ўқувчига ҳам мужмал, қизиқ туюлса, ажабмас. Сирасини айтганда, Отабек қиладиган ҳаракатини қилиб бўлди, энди баракати Ол-

лоҳдан, қолаверса, қутидор оиласига ва тергов-сурингирив натижаларига боғлиқ-да. Балки ўз ихтиёри билан келар, балки ихтиёрига қарши миршаб-терговчилар келтиришар, балки қайнотаси узр сўраб уни чорлар, балки қарғаб яна бир карра ҳайдар, балки... Кутимаган "балки"ни китобхон келаси бобда ўқийди. Худди жаҳон ё ўзбек телесериалларининг ҳар бир қисмидаги ишончи энг қизиқ жойига келганда таққа тўхтатилиб, томошабинни ҳам ўқинтиргани, ҳам давомини кутишга орзиктиргани, ҳам, энг асосийси, ўйлашга, башорат қилишга унданганидек, бу ерда ҳам ёзувчи ўкувчини шундай тўлқинлантириб тебрантироқда. Қодирийдек улкан адабнинг ушбу юксак адабий асари катта-ю кичикка, еттидан етмишгача, тепса тебранмасдан таъби нозиккача барча ўкувчиларнинг кўнгилларига ёқади, кўнгилларини ёқиб-ёриширига олади. "Ёқимли асар" дегани шунаقا бўлади-да! Дарҳақиқат, боб одамларнинг "ундаймиш, бундаймиш" деган миш-мishлари билан бошланган бўлса, энди китобхонларни мишмиш эмас, "кан-кан"-у "син-син" қилишга ундаши билан тугаяпти: "энди нима бўларкан?", "Отабек қайтарми экан?", "Отабекни оқлашарми экан?", "Отабек билан Кумуш ниҳоят топишишарми экан?", "охири бахайр бўлсин!", "ёмонлар ўлиб, яхшилар қолгани ҳак-рост бўлсин", "бечора Отабек ҳам, қутидор оиласи ҳам балолардан кутулганлари қутлуғ бўлсин!"... Юқорида "Ўткан кунлар" романида достонга хос жиҳатлар бор эканини кўп марта уқтиридик. Шуни ҳам уқтириш керакки, йигирманчи асрда яратилган саноқли асарларниги на халқ кўлма-кўл қилиб ўқиган, ёстиғини тагида сақлаб ўқиган, чордоғида, сандиғида ё бошқа маҳфий жойларда яшириб ўқиган, қисқаси, камдан-кам асар халқ орасида бу қадар машхуру тилларда достон бўлган! Яна шуни ҳам айтиш мумкинки, ҳар бир элнинг ўз ули яратган элчи асари ўша халқ ижодининг ўзига хос

уютқи-хамиртуруши бўлиб, кейинчалик бу асарни ри-
вожлантириш, қўшимча-олимчалар қилиш, маромига
етказиш устида бутун халқ ижод қиласди. Қарабсизки,
замонлар ўтиши билан асар халқ ижодига айланан-
ди-кўяди! Ахир, “Тоҳир ва Зухра” достони, “Афанди”
латифалари бунга ёрқин мисол эмасми?..

Ниҳоят, иккинчи бўлимнинг сўнгги – ўн еттинчи
бобига ҳам етиб келдик! У “Хайриҳоҳ қотил” деб ата-
лади. Боб асадаги энг катта боблардан бири бўлиб,
уч парчадан қуралган. Биринчи парча Мирзакарим
қутидорнинг миршабхонадан уйига қайтганида авва-
ло хотини “Хўжа Баҳоваддин йўлига ўгириб қўйган
етти танга пулини Тўйбекага бериб, дарров эшонни-
кига” жўнатганини айтиш билан бошланади. Шу бир-
гина гапнинг ўзида замон руҳи, одамларнинг ақида-
лари, урф-одатлари ҳақида бир олам маълумотлар
бериляпти. “Садақа радди бало” деган қараш ўша за-
монларда ҳам бўлган, ҳозирги кунда ҳам бор. Маълум-
ки, Хўжа Баҳовуддин Нақшбандий халқ орасида “Ба-
логардон”, яъни дуо билан бало-қазони даф қилувчи
унвони билан танилган. Абдураҳмон Жомий, Алишер
Навоий, Бобур, Бобораҳим Машраб каби шоирлар
нақшбандия тариқатига ихлос қўйиб, ўз шеърларида
унинг ўй-ғояларини тарғиб қилганлар. Ўрта Осиёга
VIII асрда ислом дини кириб келиши билан бу ҳудудда
саид, хўжа, шайх, эшон, сўфи ва бошқа мартабали
одамлар синфи шакллана бошлаган. Халқ бу улуғ мар-
табали кишиларга юксак ҳурмат ва ишонч кўрсатган,
бироқ, айниқса, эшонлар орасида халқнинг бу ишон-
чини суиистеъмол қилувчилар ҳам бўлган. Таъмагир,
риёкор эшонлар, хўжаларни Яссавий ҳазратлари ўз
ҳикматларида, Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида
ҳаққоний тасвирлаган бўлсалар, халқда “эшоним деб,
эшагимдан айрилдим, тўрам деб, тўрвамдан айрил-
дим, хўжам деб, хуржунимдан айрилдим” деган истех-

юли иборалар яратилган... Мирзакарим қутидор хотини билан қизига, шу билан бирга, китобхонга ҳам узининг оқланиш сабабларини шундай тушунтиради: "Чинданам менда қандай айб бўлсунки, ўзимиз ҳам бу ҳангамани уйқудан туриб пайқаған бўлсақ. Ўнимиз остини ёмонлар тешкан бўлсалар ҳам, аммо киши сифмаслиқ бўлғанлиғи мени оқлиққа чиқарди. Лекин киши сифатурған бўлиб тешилганида ҳам, мени айблай олмас эдилар, зероки, ўнимиз остини тешкан муттаҳамлар, албатта, яхши ният билан тешмаган бўлиб, молимиз ва жонимиз қасдида эканликлари маълум эди. Башарти қотил мен бўлиб кўринганимда ҳам, молим ва жоним қўруғида ўғриларни ўлдирганлигим учун яна гуноҳкор бўлмас эдим". Эътиборингиз учун, муаллиф томонидан ўз қаҳрамонига айттирилаётган ушбу гаплар "мана мен" деган энг малакали адлия ходими – адвокат, яъни, оқловчи келтираётган мантиқли далиллар, дейиш мумкин! Қутидорнинг охирги гапидан икки маънони уқамиз: биринчидан, бу гап Отабекка ҳам тегишли: у ўз оиласи, ўз моли ва жони қўриғида ўғриларни ўлдиргани учун гуноҳкор бўлмайди, иккинчидан, қутидор бу ишни қилган Отабекни гуноҳкор ҳисобламайди, яъни уни кечиради. Хотинининг ўғриларни кимлар ўлдириб кетгани ҳақидаги саволига қутидор шундай жавоб қилади: "Қизик сўз айтасан-а! Бу ишка бутун шаҳар ҳайрон. Қилни қирққа ёрадирған донолар ҳам бир нарса тўқуй олмайдирлар... ўғрилар беш-олти киши бўлиб уйни тешаёзған вақтларида оралариға низо тушиб, бир-бирлари билан пичоқлашқан бўлсалар кепрак?" Агар "қизик" сўзи "қизимоқ" феълидан ясалганини ёдга олсангиз, англашиладики, "бу иш" ҳам ажаблантиради, ҳам одамнинг ичини қиздиради, асабийлаштиради. "Қилни қирқ ёрадиган доно" ким? Аввало, микроскоп билан текширувчи, барча да-

лил-исботларни түплаб мантиқий фикр юритувчи изкувар-терговчи-да. Қолаверса, күпни күрган, ер та-гида илон қимирласа биладиган донишманду оқ-соқоллар-да. Халқ тилининг ифода-тасвир қудратини кўринг, буни кўролган ёзувчининг истеъдоди-маҳо-ратини кўринг. Нафақат ифода-тасвир қудрати, балки кучли мантиқни ҳам кўринг. Лекин Кумушнинг мантиғи ундан-да кучлироқ: “бир-биравларини ўлдиришиб, бизга зарар бермасдан қуруққина кетмас эди-лар”. Қутидорнинг “Тонг отиб қолғандир ёки улар ҳам ҳолдан тойғандирлар” деган мантиқли гапидан ан-глашиладики, у “уй тегини туни билан тешишган” деб тахмин қиляпти. Қутидор билмайди, лекин ўқувчи биладики, Ҳомид икки шериги билан қора режани жума куни кечқурун тузишган бўлса, шанба ва якшанба тунларида ҳам улар тешишган. Бундай “туйнук очиш” усули “Алпомиш” достонида ҳам қўлланган, ҳатто мазмунан ўхшашлик жиҳатлари ҳам бор. Зин-донда ётган Алпомишни айёрлик ва муттаҳамлик билан ўзиники қилиш учун Тойчахоннинг қизи Товка ойим ўз саройидан зиндонгача туйнук қазиттиради. Бироқ тили қисиқлик оқибатини билган Алпомиш туйнук орқали эмас, кейинчалик ўз отининг думига тирмашиб зиндондан қутулади-да, душмани Тойча-хондан ўчини олади. Сирасини айтганда, иккови ҳам тажовуз ва муттаҳамлик қилишяпти. Фарқи шундаки, достонда Товка ойим – муттаҳам аёл бўлса, бу ерда Ҳомид хотинбоз – муттаҳам эркак. Офтоб ойимнинг “бу орада Ҳомид нима қилиб юрибдир, ўзига тузиккина бой киши эмасми эди?” деган саволига қутидор Ҳо-миднинг феъл-атворини боплаб тасвирлайди: “Тий-нати бузуқ бир йигит эди” ва “эҳтимолки, унинг то-пқан давлати ўғрилиқ орқасидадир”. Ҳомиднинг ичиқора, бузғунчи йигит эканига ҳамда Кумушга қай-та-қайта совчи қўйиб эга чиқолмагач, нияти бузилга-

нига, яъни Кумушни ўғирламоқчи бўлганига ишора Қилинмоқда. Бундан чиқадиган яна бир хулоса шуки, Ҳомиднинг икки баҳтсиз хотинлари ҳам ўғирланган! Муаммонинг ана шу даҳшатини англаган Кумуш “Худойимдан ўргулайки, ёмонларнинг жазасини ўзи бергани. Ўғрилар тешиб олдимға чиқғанларида мен нима қиласр эдим? Ох, отажон! Мен ажалимдан беш кун бурун ўлар эдим. Қизингиздан ажралур эдингиз!..” деб тутёён қиласди. Қаранг, “отажон” деб икки маънода айтилияпти, ҳам ўз отасига, ҳам ўз Отабегига. Агар қора Ҳомид ўз ниятига етганида, Кумуш ўлиб, нафақат отаси, балки Отабек ҳам ундан ажраган бўларди-да. Мана шу лавҳаданоқ кўриниб турибдики, қадим-қадимдан турк, хусусан, ўзбек элида оталар юртбоши ва балогардон бўлиб келишган. Нурота, Авлиёта, Олмаота, Зангюта, қўйингки, Бухорий ота, Хоразмий ота, Яссавий ота, Рабғузий ота, яқин ўтмишимизда Қодирий ота, Чўлпон ота, Ойбек ота ва яна кўплаб атоқли (атовли) оталар шулар жумласидандир. Бу оталар турк әлиниң қутлуғ оти-атоғини улуғлаб келишган. Турк әлиниң ўзига хос ўзаги бўлган ўзбек миллати ҳақида Отойининг “Бу улуста кўпни кўрдук, vale эй ўзбеким, дилраболиқта ўзингтек шўхи раъно кўрмадук” шоҳбайтининг қанчалик табиий, қанчалик қўйма эканини Қодирий “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” асарларида, айниқса, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим қутидор сингари ёрқин қаҳрамонларда, ҳаттоки бу отларда очиқ-оидин кўрсатиб турибди... Юқорида қутидор ушибу қотилликни гуноҳ деб ҳисобламаслиги айтилган эди. Энди Кумуш ўз ҳукмини айтади: “Бу мақтуллар (қатл қилинганлар) кимлар бўлса бўлсин, бизнинг уйимиз орқасига яхши ният билан келувчи кишилар эмас ва буларни тупроққа қоришдирувчи ҳам бизга хайриҳоҳ бўлган қотил ва ё қотиллардир... Биз-

га мунча яхшилик қылган киши ким бўлса ҳам худо умрини берсин!”. Гапдаги “уйимиз” сўзини “оиламиз, юртимиз, ватанимиз” дея кенгроқ тушуниш мумкин. Тушуниш ҳам керак! Ким бўлмасин, ҳаддидан ошиб оила қўрғони, ватан чегарасини бузган ёвуз ниятли киши аёвсиз жазога лойиқ! Контрабанда йўли билан юртга оғу олиб кирмоқчи, юртда сиёсий-иқтисодий бекарорлик ва қўпорувчилик қилмоқчи, турли миллат ва элатларни айирмоқчи бўлган ёвуз ниятли кимсалар оғир жазога тортилади. Бу каби бало-офатларнинг олдини олган яхши ниятли кишилар эса, табиийки, ўз қаҳрамонликлари учун юксак мукофотларга муносиб қўриладилар. Гапдаги “худо умрини берсин!” тилаги “бундай қаҳрамонлар мангу тирик, халқ ёдида сақланади” деган маънени англаради. Кенгашни қутидорнинг ва умуман, ўзбек халқининг ҳаётий қарашини аён кўрсатувчи шундай теран маъноли гаплари тугаллайди: “Бизга ёмон ният билан қараған бўлсалар, худо жазаларини берди. Бизга хайриҳоҳ бўлгандарнинг ҳам хайри жазаларини берар!” Ёмоннинг жазосини ҳам, яхшининг ажрини ҳам аввало Аллоҳ беради, дея астайдил ишониш, айтиш мумкинки, ўзбекчиликнинг ҳам, мусулмончиликнинг ҳам ўзига хос таянч қарашларидандир. Албатта, Ҳақ Таоло ёмоннинг жазосини ҳам, яхшининг ажрини ҳам бевосита Ўзи эмас, Ўзи назар қылган, ёрлақаган бандасининг қўли билан беради. Ушбу гаплардаги “жазо” сўзи ҳам салбий, ҳам ижобий маънода қўлланганига ажабланманг! Худди арабча “мафтун” сўзи билан “фитна” сўзи ўзакдош бўлгани каби, арабча “жазо” сўзига ўзакдош бўлган “жоиз”, “ижозат”, “тажовуз”, “маъжоз”, “жузъя (солиқ тури)” сўzlарининг маъно товланишларини англаб, араб тилининг нақадар илоҳий, нақадар қудратли тил эканига ҳамда туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили сўз бойлигининг каттагина улуши арабча сўzlардан

иборатлигига амин бўласиз. Қолаверса, ёзувчининг арабча сўзларнинг бундай маъно товланишларини икши билганига ва ўз ўрнида қўллай олганига ҳам тан берасиз. Бу сўз “хайриҳоҳ қотил” шаънига айтилган на унинг қотиллигини жиноят, гуноҳ эмас, қасоскорлик, қаҳрамонлик дея талқин қилиш имконини бера оладиган яна бир энг мантиқли оқловчи далил, дениши мумкин. Юз берган қўрқинчли воқеадан сўнг Офтоб ойим Кумушни иккинchi уйга кўчиради. “Иккинchi уй”ни қандай тушунмоқ керак? Кўзга яқин бўлган Кумуш уйнинг чекка, қўшнининг ҳовлисига туташ хонасида эмас, балки уйнинг ичкарироҳ хонасида сақлангни яхшироқлигига ишора қилингапти. Ожиза хотин-қизларни уятсиз эр-йигитларнинг олайиб-суқлашиб қарашидан қалин деворки сақлай олмаяпти, кўчада очиқ-сочиқ ярим-яланғоч юрган хотин-қизларнинг ҳолига вой эмасми? Мана шунинг учун ҳам қадим-қадимдан нафақат туркий элатларда, балки ҳинд, араб, юонон, рус ва бошқа жаҳон халқларида хотин-қизларни асраб-авайлаш, қўриқлаш, муҳофаза қилиш учун қошбоғ, рўмол, косинка (қийиқ рўмол), дурра, сари, сарафан (узун устки кўйлак), ҳижоб, панжи, ридо, бурқа ва бошқа кийим-кечаклар урф бўлганд-да.

Бобнинг иккинчи парчасида уста Олим қутидорга Отабекнинг хатини олиб келиб беради-да, қутидорнинг таъбири билан айтганда, аввалги парчада бутун шаҳарни ҳайрон қолдирган сирни очади. Қутидор Отабекнинг ўзига ёзган бир жумла хатини зўр тантана ва фахр туйғулари ила хотини билан қизига ўқиб эшиттиради. Ҳомиднинг кирдикорлари фош тигилган хат шундай якунланади: “... мен бу ишка мажбур қолдим... Сиздан бу улуғ гуноҳим учун афу сўраб, ҳайдалған ўғлингиз – Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли”. Хатда Отабек Ҳомидни ваҳшиёна тилагига етолмаган

түнғиз деб атайди ва уни рафиқаси қасдида бўлгани учун тупроққа қориштирганини айтади. Шер, бўри, тулки, тимсоҳ ва бошқа этхўр ваҳщий ҳайвон турла-ри кўп. Лекин улар орасида фақат түнғиз исқирт жой-ларда яшагани ҳолда нажасни ҳам еяверадиган ифлос ваҳщий ҳайвон ҳисобланади. Ҳомид ҳаром-ҳаришни билмайдиган, Отабекнинг хасмига тажовуз қилга-ни учун түнғизга бежиз менгзалмаяпти. “Тупроққа қориштириш” ибораси орқали ҳам түнғизнинг ҳоли тасвиirlаняпти, ҳам нафси бузуққа “кўзингни тупроқ тўлдирсин” деган қарғиши уқтириляпти. Қаранг, қу-тидор “Отабек” сўзининг олдидағи “ҳайдалган” сўзи-ни атайин ўқимайди. Чунки у бор ҳақиқатни билгач, куёвини ҳайдалган дейишга тили бормайди ҳамда хотини ва қизидан ўз қилмишини яширади. Ёзувчи шу тобдаги Кумушнинг ҳолатини чизиб кўрсатишга ожизлигини тан олиб, “Ул титрар эди, кўкарап эди, тўлғанар эди. Ҳозирги энг кучлик ҳаяжон ва ҳисси-ётини, ҳиссиётнинг аъло ифодачиси бўлган ёш билан тўкар эди” дея умумийроқ тасвиirlайди. Дарҳақиқат, Кумушнинг кўз ёшлари севинч, алам, қўрқув, ачиниш, афсусланиш, нафрат, шукроналик, умид ва бошқа кўпгина туйфуларни бирваракайига ифодалайди-да. Ҳаяжонлари бироз босилганда қутидор меҳмонини эслайди-да, унинг олдига қайтиб чиқади. Ана шунда уста Олим уста айтакчи сифатида Отабекнинг боши-дан ўтганларини миридан-сиригача айтиб беради. Қутидорнинг “нега бизникига бир келгани билан қайтиб келмади экан?” деган саволига уста Олим “Чунки... сиз уни оғирроқ тариқа билан дарбозангиз ёнидан жўнатган экансиз. Тошкентдан уйланишида сизнинг билфеъл бош қўшишингизни фақат қизин-гизни ундан чиқариб олиш учун қурилган бир ҳийла экан деб ўйлаб, қайтиб эшигингизга оёқ босмаган, ҳатто хотинини қозига чақириш тўғрисида фикри

бұлса ҳам, сиз билан учрашишдан қочиб, бу фикридан ҳам қайтган, яғни сизнинг қизингиз бўлгани учун сенгандан хотинидан ҳам кечмакка қарор берган!” дея тушунтиради. Бунга жавобан қутидор: “Қизиқ йигит, менидан ҳам катта нодонлик ўтган!” – дейди. Тасаввур тўлиқ бўлиши учун “Кувланиш” бобидаги қутидорнинг гапларини эслайлик: “Уятсизга менинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашиб шаҳар тоқатим йўқ... Борингиз, эшигим ёнида тўхтамангиз!” Келинг, шу фикрларни чуқурроқ ўйлашиб-кенгашиб кўрайлик. Пафақат Отабек, балки Мирзакарим қутидорнинг ҳам узига яраша қизиқ феълини тушунишга уринайлик. Улар чиндан ҳам қизиқми? “Чимилдиққа ош еганлар кирсинлар” деб ўпкалаган афандидек қизиқми? Ёки ёзувчи ўз қаҳрамонларига адолат ва ҳақиқат юзасидан холис қарамаяптыми? Уларга нисбатан лофт-мубоблаға, бадий тўқима ҳаддан ошмаганми? Тўғри, Отабек жуда андишли ва ориятли йигит, ноҳақликка чи-даб туролмайди, мазлумни кўрса, уни ҳимоя қилишга ошиқади. Шу билан бирга у юрт равнақи, жамият фаровонлиги, иқтисод, маданият, илм-фан ривожи учун жон куйдиради, яғни у дунё кўрган, дунёқарashi кенг йигит. Ана шу йигит ҳатто ўзини ватан хоини деб қоралаб, ноҳақ айблаб турган Ўтаббойга “Маним бу сўзларимга ишонинг, ишонманг, ихтиёр, албатта, сиздадир. Аммо бундоғ энг жўн бўхтон билан қораланишимға виждоним қаршисида сўнг даражада муazzабман (азобдаман), тақсир!” ёки Мусулмонқулга “Мен билан отам сиз билан қушбегига бир неча турлик бўлиб танилсак-да, ўз виждонимиз олдида бир турлигинадирмиз! Шунинг учун сиз тилаған тарафингизға ҳукм қилингизда, буйруғингизни бераверингиз!” деб дадил айта олган эмасми эди? Нега энди Отабек бир томондан қайнотаси қутидорни ҳийла қилган деб ўйласа, бошқа томондан ўзини ҳақман деб ҳисобла-

са, бир чеккада жим қўйл қовуштириб турди? Унинг бу қизиқ феъли дунёқарашига, аввалги хатти-ҳаракатларига тўғри келяптими? Дейлик, у қутидорни ҳийлагар деб ҳисобласин, у ҳолда жабрдийда Кумушни золим отанинг чангалидан қутқаришга шошилиши керакмасми? “Шариатда шарм йўқ” деганларидек, модомики, Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли экан, унинг ҳам дунёвий, ҳам диний билимлари етук экан, Кумуш унга турмушга чиққач, ота хасмидан унинг хасмига ўтган экан, нега ўз ҳаққини шариатан талаб қилолмайди? Қайнотаси билан кўришмаслик муаммосими? Ахир, ашаддий жиноятчи Ҳомиддан унинг ўлими ёқасида “сиз ҳақлимни эдингиз?” деб сўраган одам, қайнотасидан “сиз ҳақлимисиз?” деб сўрай олмаслиги мумкинми?.. Шундай бир қадар беўхшовликларни қутидор тасвирида ҳам кўрсак бўлади, лекин бу ишни укувли ўқувчига қолдириб, таҳлилга қайтайлик.

Шундай қилиб, уста Олим қутидорга иккинчи хатни “каримангизга бўлса керак” деб тутқазади-да, кетишга изн сўрайди. Мехмондўст қутидор дастурхон ёзиб сийламоқчи бўлади, бироқ у бошқа сафар каттароқ зиёфатга чақирилишини айтиб ҳазиллашади. Қутидор уни кўчагача қузатиб чиқади. Буларнинг суҳбатини зимдан тинглаб турган Кумуш йиғидан бир зум тўхтамайди. Гап тагидаги асосий гап хат тагидаги иккинчи хатда эканини яхши билган китобхон ҳам, қаҳрамон (Кумуш) ҳам унда нималар ёзилганини тезроқ ўқиши бетоқатланиб кутади, албатта.

Тугун ечувчи бобнинг учинчи – тугун ечувчи парчаси, табиийки, Отабекнинг Кумушбибига аталиб, “Ой юзли рафиқам, қундуз қошли маъшуқам Кумуш хонимга!” деб бошланган ана ўша иккинчи хати, қолаверса, унинг муҳокамаси ва мушоҳадасига бағишланган. Асарда келтирилган барча мактублар ўта кучли таъсир қувватига эга, бундай кўпсонли ва таъсирчан

мактубларни “Ўткан кунлар” романидан бошқа (дейлик, “Кеча ва кундуз”, “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Сароб”, “Чинор”, “Юлдузли тунлар” сингари) энг мумтоз асарларда деярли учратмайсиз, учратсангиз ҳам улар бунчалик асарга узукка қўйилган кўздек ярашиб турмайди. Лекин икки йиллик айрилиқ ва тентирашлардан сўнг ошиқнинг маъшуқага ёзган бу мактуби!.. Асардаги уч қиссадан иккинчисини ва умуман, асарнинг ўзини нақ осмон қадар юксалтириб турибди бу мактуб! Ундаги ҳар бир жумла, гап, сўзни ўқиб-уқиб, асар бош қаҳрамони ҳам табиатан муаллифнинг ўзидан қолишмайдиган сўз устаси – моҳир ёзувчи эканини англайсиз. Отабек қутидорга битган мактубида Ҳомидни “ваҳшиёна тилагига етолмаган тўнғиз” деб таърифланган бўлса, Кумушга ёзган хатида: “Шайтон устаси бўлған Ҳомиднинг маним отимдан сизга ёзған талоқ хати ила менга қарши ёниб кеткан юрагингизнинг нафрат ўти, эҳтимол, энди ўча тушкандир”, – дейди. Жумладан, Ҳомидни “шайтон устаси” деб таърифлайди. Дарҳақиқат, Ҳомид ўзининг сохта хати билан шайтоний қутқу, шайтоний алдов қилиб, барчаларини ўтдек куйдирди-да. Ҳақиқатни билмай икки йилдан кўпроқ азоб-уқубат чеккач, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг қудрати ва марҳамати билан барчаларининг кўзлари мoshдек очилиб, ғафлат уйқуларидан уйғона олишди. Хатдаги шу биргина гапнинг мағзини чақиб боқинг: “Сизга очиб сўзлай, гўзал рафиқам: гўё маним бу мактубим сизнинг Комилбек учун ҳасратлиқ ёшлар тўккан, ўтлик оҳлар тортқан чоғингизда эришар-да, унутилған, эскирган бир юракнинг арзини тинглай олмассиз ва ёниб турған юрак ўтингиз билан куйдирарсиз...” Бу гапдан камида икки маънони уқиш мумкин: биринчидан, ўз Кумушининг иккинчи марта – Комилбекка эрга тегишга кўнганини эшифтган чоғларидаги куйиб-ёниб девонавор кезинишлари хотира-

га нақадар ўчмас бўлиб муҳрлангани; иккинчидан, Кумушдан ўпкалаb, унга кесатиb, уни синаб тургани. “Алпомиш” достонида Алпомиш юртга қайтгач, Қултой қиёфасида Барчин билан ўлан айтишганида “Ўлиб кетган алпингдан умидинг бўлса, ёр-ёр, Ултонтоздай кулларга нега тейдинг, ёр-ёр” дея унга ўпкалаш, кесатиқ ва синовчан гаплар қилгани ёдингиздами? Оtabекнинг дил сўзлари таъсирчанлиқда Ҳакимбекнинг ўланидан қолишмайди, мен сизга айтсан! Ёзувчининг одил тарозибондек Отабек ва Кумушга тенг қарашини кўринг: “Қайтар дунё”, “Аввал ўзингга бок, кейин ноғора қоқ”, “Бошидан ўтказган табиб” деганларидек, Отабек ўз ихтиёрига қарши иккинчи бор уйланганида Кумуш қандай қийналган бўлса, Кумуш ўз ихтиёрига қарши иккинchi бор турмушга чиқаётганида Отабек шундай қийналган! Бу қийноқлар аввал юракка, сўнг хотирага, ниҳоят, хатга ўчмас бўлиб мурланган! Отабек ва Кумушнинг бир-бирига ҳар томонлама тенг эканини бундан-да гўзал кўрсатиб бўладими!?

Отабек дил сўзларини шундай давом эттиради: “Аммо хатимни ўқумасангиз-да ва марҳумингиз учун тортқан оҳингиз ўтида куйдирсангиз-да, маним учун фарқсиздир. Нега дейсизми? Чунки сиз маним шаръий рафиқамсиз – яхшилиқ билан-да ва ёмонлиқ билан-да, мен буни исбот қилишфа ҳозирман! Уйингиз орқасида қилған адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз... чунки мен бу ваҳшийликни ишлашда ихтиёrsиз эдим: ҳаётингизнинг, номусингизнинг сақланиши буни тақозо этар эди... Албатта, мен ишонаманки, сиз маним бу яхшилиғим учун миннатдорлик қиласиз. Лекин мен бу миннатдорчиликка ўзимни сазовор ҳисоблай олмайман”. Бу гаплар чин ошиқнинг, алп ботирнинг, комил шахснинг, ориятли эркакнинг, жуфти ҳалол эрнинг, қисқаси, етуқ қаҳрамоннинг гаплари! Улардаги “миннатдорлик” сўзи ҳам “раҳмат айтиш”,

ҳам "миннат, таъна қилиш"дек ҳар икки маънода қўлланиб турибди. Хатининг давомида Отабек, аслида, ўзи Кумушнинг ҳаётини хавф-хатардан сақлаб қолмагани, балки, аксинча, Кумуш ўзини иккинчи маротаба муқаррар ўлимдан сақлаб қолганини айтади. Бирйўла уч душманни қандай қилиб енга олгани, айнан нима сабабдан бош душманини "тилимлаган"и шундай шоирона ва чинакамига ошиқона бир самимият билан очиб кўрсатилади: "...туйнукчага кирдим. Кирдим-да, сизнинг бўйингизни олдим, хафиф тин олғандағи латиф ухлаған товшингизни эшилдим... Шу вақт, субҳонполлоҳ... ўзимда кутилмаган бир куч сезган эдим, икки эмас, икки юз душманга муқобала этишкан ўзимда қудрат кўрган эдим... Мен ўзимга бағишлиланған куч манбаъини жуда яхши англардим, мендаги бу ўзгариш манбаъи уй ичидаги ухлағучи бир малак эди... Сиз эдингиз!"... "Алпомиш" достонидаги ҳал қилувчи ҳаёт-матот саҳнаси ёдингиздами? Ҳакимбек энг катта душмани Кўкалдош билан қирқ кеча-ю қирқ кундуз курашиб уни енголмай турганида Барчинойнинг "Енголмасанг, чиқ майдондан, мана мен енгаман!" қабилидаги "бир сўзи"дан таъсирланиб, қалбидаги эрлик-эркаклик ҳамияти ва алплик қудрати жунбушга келиб, Кўкалдошни кўкка чирпирак қилиб шундай улоқтирадики, у қирқ кеча-қирқ кундуздан кейин ерга қайтиб тушиб, ерпарчин бўлади, яъни, унинг Ойбарчиннинг тенги эмаслигини амалда кўрсатади! Бу асарда эса, Кумушбиби Ойбарчинга ўхшаб Отабекка бевосита бир сўз демайди! Лекин, билвосита, ғойибона сўзлайди у! Севигига бағишлиланган илмий рисолаларда "афлотунча муҳаббат" шарҳланар экан, "эффект присутствия" сўз бирикмаси кўп қўлланадики, уни ўзбек тилига "висол нашидаси" дея таржима қилиш мумкин! Сунъий ғорда турган ошиққа маъшуқанинг рўйини кўриш эмас, ҳаттоқи бўйини туйиш ва нафас олишини эшитиш...

икки эмас, икки юз душманга қарши кураш қудратини бахш этмоқда! Бу ҳол ҳам, аслида, муболаға эмас, балки чинакам сўз санъаткорининг тилга нақадар ошиқи шайдолиги, она тилимиздаги кўзларга тўтиё қилгудек ҳар бир сўзнинг ифоридан қанчалик енгиб бўлмас куч-кувват олишини аён кўрсатувчи ажиб аломатdir. Бу ҳол эса, ўз навбатида, мазкур асарнинг нафақат ҳаққоний-реалистик, балки, айни чоғда, романтик-кўтаринки ва мажозий-рамзий асарлигини аён кўрсатувчи белгидир. Зотан, чинакам сўз санъаткори ҳамда чинакам қаҳрамон битта-иккита-учта эмас, юзлаб, эҳтимолки, минглаб рақибларини доғда қолдириб ўз мурод-мақсадига ета олади – Адабиёт оламида чинакам бадиият мўъжизасини яратишнинг бундан бошқа йўли йўқ!

Хатдаги яна бир жуфт гапга тўхталишни истар эдим: “Сиздан эмас, отангиздан бир ўпкалашим бор: сохта талоқ хатини маним ўз қўлим бўлиб-бўлмағанини ажратса олмаған. Гумонимча, бу сохта хат сизга ҳам кўрсатилмаған ўхшайдир, чунки, айниқса, сизнинг кўз ўнгингиздан бу хақиқат қутила олмас эди...” Бу гаплар, айниқса, Кумушбибига оғир ботиши тайин, зотан, Отабек гумон қилганидек, отаси қизига бу сохта талоқ хатини кўрсатмаган эмас, кўрсатган! Ҳатто ўз ҳаётидаги энг ярамас у қора хатни сақлаб ҳам қўйган! Бинобарин, айб нафақат күёвини қувлаб юборган отасида, балки сохтани чиндан ажратиб, эрининг ёзувини таниёлмаган Кумушнинг ўзида ҳам! Эҳтимолки, ўзининг айби отасининг айбидан ҳам каттароқдир! Шу кечирилмас хатосига, шу аччиқ ҳаёт зарбасига чидаёлмаган Кумуш икки хатни икки қўлида тутган кўйи “Буларга қарангиз, ота! Бизни нечоғлиқ ғафлат босқан экан!” дея беихтиёр отасига юкинади. Айниқса, Кумушбибининг Отабек ёзган хатни буклаб чўнтағига солиши-ю, сохта хатни шамга тутиб ёндириши,

шундан кейин отасини кетма-кет сўроқقا тутиши, жумладан, шу бир ўринли саволи нафақат қутидорни, балки ўқувчини ҳам ўта жиддий ўйга толдира олади: "Қизингизни талоқ қилған бир кишининг Тошканд деган жойдан эшикингизга келиши сизга ғариб ту-юлмағанми эди?!" Ўйлаб қаранг, бу ўринда қандай ға-риблик тўғрисида гап кетмоқда? Албатта, фикрнинг, мантиқ кучининг ғариблиги! Саволга жавобан уялган ва ўкингган қутидор тилидан бош сабаб келтирилади: "Жаҳолат келса, ақл қочадир, қизим!" Худди шундай! Ҳар бир ишни ақл тарозисида ўлчаб, мантиқ ғалвири-дан ўтказиб, туб моҳият англаб етилмаган ўринда - фақат жаҳл чиққанида эмас, балки жаҳолат тантана қилганида... мана шунақа кишини уялтирадиган ва ўкинтирадиган кечирилмас хатоликларга йўл қўйи-лаверади! Лекин китобхон бу "ақлсизликлари" учун на Мирзакарим қутидорни ва на Кумушбибини айблаёлмайди! Нима учун? Биринчидан, уларнинг қўл-ларида соҳтами-чинми, қатъий назар, қора хатдан ҳам ёвуздроқ талоқ хати - инкор қилиб бўлмас далил, хужжат турибди! Бундай қўлга ушлагулик далил-хуж-жатсиз ҳам, кўча-кўйдаги ҳasadчи, ғаразчи, ғийбатчи-ларнинг миш-меш гапларигагина таяниб оилани еми-риб, мулкини кемириб, болаларини тирик етим қилиб ажрашаётган эр-хотинлар бугунги кунда озмунчами?! Иккинчидан, бу ҳол содиқ қайнота учун ҳам, садоқат-ли хотин учун ҳам кўзларни кўр-басир қилиб қўя оладиган энг ёвуз бало, энг оғир кулфат - талоқ хати эканини, демакки, оила нақадар эзгу-муқаддаслигини алоҳида уқтириш учун хизмат қилиб турибди! Соҳта-ми-чинми, ҳар қандай талоқ хати, ҳар қандай ажра-лиш-айрилиш юракни қон қилмасинми?! Ғаламис шу-нинг учун ҳам ғаламиски, у оққўнгил ва ишонувчан инсонларнинг энг оғриқли, нозик жойи қаердалигини яхши билади ва айни шу ерига ниш уриб, юрагини қон

қиласы! Хатида Отабек ўз хатосини ҳам тан олади, албатта: "...сизнинг биринчи мартаба менга ёзған хатингиз маңносидан даҳшатлик суратда ўзимни тағофилға солған ва хат келтиргучини суриштирмасдан жавоб хати бериб юборган эдим. Шунинг ила сизни-да, ўзимни-да Ҳомид қўлида ўйин бўлмоғимизға катта йўл очқан эдим". Ўйлаб қаралса, Ҳомид қўлида қўғирчоқ қилиб ўйнатган Жаннат билан Содик ўзларини олийхиммат хат ташувчи – хабар элтувчи элчи қилиб кўрсатар эканлар, Кумушдан ҳам, Отабекдан ҳам қизиқ устида жавоб хатларини ундирганлари бежиз эмас! Хатлардаги ақл бовар қилмас даҳшатли гаплардан эсанкираган эр-хотину уларнинг яқинлари ўзларини йўқотиб қўйишлари ва ортиқча суриштириб ўтиришга кучлари ҳам, ҳушлари ҳам бўлмаслиги турган гап! Тезкор жавобларини шумқадамларга олди-кетини ўйламай бериб юборадилар-да, "Ҳомид қўлида ўйин бўлмоқларига катта йўл очиб берадилар". Начора, одам боласи, айниқса, ўзгаларни ҳам ўзларидек оққўнгил хаёл қилувчи кўнгли тоза ва ишонувчан одамлар шундай қизиққон ва ожиз қилиб яратилган. Шунинг учун муқаддас "Қуръон"нинг "Хужурот" сурасида меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ "Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, бир қавмга билмасдан мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар" дея марҳамат қиласи. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтишимиз ўринлики, ҳар қандай адабий асарни нафақат халқнинг урф-одатлари-ю дунёқараши ва жамият қонун-қоидалари, балки халқ диний қарашларининг таянчи бўлган муқаддас китоблардаги қонун-қоидаларга чоғишириб текширилса тўғрироқ бўлади...

Ҳар қалай, англашилмовчиликлар тугатилиб, ҳаммаси кундек ёруғ, кўзлар очиқ, кўнгиллар қўтариинки бўлди. Энди буёғига нима қилмоқ керак?

Учовлоннинг шу савол теграсидаги кенгашлари сўнггида энг ақлли гапни, албатта, қутидор айтади: “Келиб қолса, яхши! Келмаса, Тошкандга ўзимиз тушамиз-да!..” Кундош балосидан қўрққан Офтоб ойим “Бир ойдан ортиққа мен рози эмасман, шунда ҳам куёвимнинг яхшилиги учун!” деб шарт қўяди. Қачон боришни ҳам қутидор ўта мантиқий асослайди: “Отабек билан кетма-кет чопишмоғимиз ҳам унча маъқул кўринмайдир. Ундан сўнг қиши куни арава сафари ҳам қулай иш эмас. Шунинг учун орадаги уч ой қишини ўтказиб жўнармиз, – деди. Кумушнинг уч ой муддатни эшитгач, жуда ҳам хурпайиб кеткани учун бўлса керак, – балки ўзи ҳам бирар ойларда келиб қолар, – деган сўзни-да қўшиб қўйди”. Оила бошлиғи бўлмиш Мирказарим қутидорнинг ўз хотини-ю қизининг кўнгилларини нечоғлиқ яхши билишини кўринг. Офтоб ойим қизини Тошкентга қўйиб юбормоқчи эмас, Кумуш эса, аксинча, Тошкентга шу бугуноқ қанот боғлаб учишга тайёр! Афанди олдига қарама-қарши даъво билан келган икки одамга “Сен ҳам ҳақсан, сен ҳам ҳақсан” деб жўнатиб юборганида “Ие, бу қанақаси, ахир, иккови ҳам бараварига ҳақ бўлолмайди-ку, бири ноҳақ-ку!” дея ажабланиб сўраган хотинига “Сен ҳам ҳақсан!” деб жавоб берган экан. Афандитабиат Мирзакарим қутидор хотинига ҳам, қизига ҳам ён босиши, ҳар иккисининг кўнглига баравар қараши табиий-да! Келтирилган жумладаги ҳар бир сўз байни таранг тортилган тордек жаранглаб турганини айтинг! Масалан, уч ой муддат, хурпайиб кетиш, қўшиб қўйиш!.. Буларда қаҳрамонларнинг муайян руҳий ҳолати, инсоний табиати ва айниқса, инсоний шаън-шавкати яққол зухур қўрсатиб турибди, дейиш мумкин. Биргина “кетма-кет чопишмоғимиз” иборасига алоҳида диққат қиласанг! Бу ҳам “кетма-кет чопқиллаб югуришимиз”, ҳам “кетма-кет чопишке-

сишимиз” маъноларида айтилиб, агар шу тобда қутидор оиласи Отабек кетидан Тошкентга жўнасалар, ҳам Отабекнинг чопиш-кесиши ишини маъқулла-ган, ҳам ўлдирилганлар атрофидаги гумондорларда шубҳа уйғотган бўладилар-да! Кутидорнинг “бирав ойларда келиб қолар” дейишида нафақат Кумуш кўнглини тинчтиш, балки “бўлди, Отабек бизнинг оиласа ҳам, қизим, сенга ҳам етарлича қараб-қўриди, энди ҳожи оиласига ҳам, иккинчи хотинига ҳам қара-син” деган маъно ҳам бор!

Шу билан асарнинг уч бўлимидан иккинчиси, яъни уч қиссадан иккинчиси ҳам ўз адогига етди. “Куш тилини куш билади” деганларидек, агар мазкур уч бўлим ёки уч қиссанинг ҳар бирига от қўйиш хуқуқи каминага берилгудек бўлса, биринчи қиссани “Оила ва эл қути”, мазкур иккинчи қиссани “Кут қўриғи”, учинчи қиссани эса, ўз-ўзидан, “Кут синови” дея атаган бўлардим. Зеро, ҳар бир ўқувчи-ю ёзувчи ўқиб-уқилган асаридан ўзининг севимли қаҳрамонларини топиб, ўзи учун қимматли ҳаётий хуросаларини чиқаришга ҳақли...

УЧИНЧИ БҮЛİM

Айни шу учинчи бўлим мазкур романнинг нафақат реалистик, романтик, символистик, натуралистик, детектив, қаҳрамонлик асари, балки, энг аввало, муаллифнинг ўзи белгилаганидек, “тарихий роман” эканини яққол кўрсатиб турибди. Шунинг учун ҳам бўлимнинг биринчи боби “Мусулмонқул истибодига хотима” деб аталади ва унда давлат жиловини, худди большевикларга ўхшаб, ўтакетган ноҳақлик ва сурбетлик билан қўлга киритган Мусулмонқулнинг ўзи ясад олган соҳта таҳтдан шармандаларча ағдарилгани тасвирланади. Боб “Мусулмонқулнинг аҳоли устига бўлған жабру зулми ҳаддан ташқари кетди” дея бошланишида тагдор ишора ва башорат бор. Шундан сўнг ёзувчи шаҳарлардаги оғир аҳволни, жонкуяр юрт бекларининг ожизлиги-ю Мусулмонқул тарафдори бўлган сотқин бекларнинг қудратини яққол тасвирлайди. Ўзининг “қўғирчоқ хон” эканидан қайнотасига кек сақлаб юрган, бироқ ўзи ишонган бекларидан мунтазам айрилиб келган Худоёрхон аввало ўзи учун, қолаверса, эзилган халқ учун нажот йўлини қидиради. Тарих кўп бора шоҳиди бўлганидек, ҳар бир юртда, ҳар бир жамиятда эрк ва нажот йўлини ҳам ҳамиша зиёли табақа вакиллари кўрсатиб келган. Қачонки чинакам зиёлилар қувғинга олиниб, қатағон қилинса ва соҳта зиёлиларга имтиёзлар яратилиб, юрт тўрига ўтқазиб қўйилса, билингки, ўша юртда улкан ноҳақлик ва зулм амалга оширилаётган, ўша юрт эрксизлик домига туширилаётган, демакки, охирзамон аломатлари кўриниш бераётган бўлади. Зеро, Яссавий ҳазратлари “охирзамон олимлари золим бўлди” дея бежизга айт-

маган! "Мусулмонқұлнинг бириңчи сүянчиғи ўзининг одамлари бўлса, иккинчиси уламолар эди. У, уламо орқали ўз зулмини машруъ бир тусга қўйган, ўзи учун заарли унсурларни йўқотишда уламолардан "улул амрга боғийлик" деган фатво олишни унутмаган эди. Уламонинг бу янглиғ истибодни "боғийлик" ранги билан бўяб бериши мукофоти учун Қўқон ва Андижон каби шаҳарларга маълум мадрасаларни бино қилган ва бу мадрасаларга хизмати билан танилган уламодан мударрислар тайинлаган эди". Чуқурроқ ўйлаб қаралса, Қодирий ўтган кунлардаги Мусулмонқұл истибоди ва буни амалга ошириш усулларини тасвирлар экан, ўз таъбири билан айтганда "мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик" деганидек, аслида ўз замони ва келажак кунлардаги шўро тузуми истибоди, бу истибододан қутулиш усулларини боплаб тасвирлаб ҳамда башорат қилиб тургандек. Дарҳақиқат, шўро тузумининг бириңчи қилган иши эски мактаб ва мадрасаларни тугатиб, янги усулдаги мактаб ва мадрасалар очиш, халқни ёппасига заводсизликда айблаб, ўзини гўё бу юртга маънавият ва маърифат олиб келувчи зиё-нур элтувчи элчи-элпарвар, фуқаропарвар сифатида тақдим этмадими? Аввало туркий элатларни араб ёзувидан кирилл ёзувига ўтказиб, яъни минг йиллик бадиий ва илмий меросдан узиб, сўнг туркий тилларни бутқул чеклаб, яъни фақат рус тилини давлат тили мақомига кўттармадими? Ахир, худди Хитой давлати Уйғуристонда араб ёзуvida қолишга имкон берганидек, шўро тузуми ҳам туркий элатларга шу имкониятни берса бўлмасми эди? Бу тузум юрт равнақи ва истиқболи учун курашган зиёлиларни қирғин-қатағон, оёқости қилиб, аксинча, ишчи ва хизматчиларни юртбоши қилиб қўймадими? Агар ўқувчи ўқитувчига, бемор шифокорга, мурид муршидга, бола отага ақл ўргатиб бошласа, ўжарлик ва жоҳиллик билан уни ўз из-

миға солишга уринса, бу ишнинг охири негавой бўлмасин?! Ахир, Қодирийдек зиёли ўтган аср бошида “мана, кўринг, Мусулмонқулдек маккор Худоёрхонни қўғирчоқ хон қилиб халқقا зулм ўтказди, бу зулмга Юсуфбек ҳожи каби зиёли чек қўйди”, яъни “халқقا зулм қилувчи соҳта ҳукуматга алданмаслик керак, зиёлиларни хор қилмаслик керак, аксинча, зиёлиларни қадрлаш ва уларга итоат қилиш керак” деб тўғри йўлни кўрсатгани учун шўро қатағонига учрамадими? Ағусуски, маккор тузумлар ҳамиша “ақлли ўз билимидан фойдаланса, доно ақллининг билимидан фойдаланади”, “ҳар бир жойнинг тулкисини ўша жойнинг тозиси билан овлаш керак”, “сопини ўзидан чиқариш” қабилидаги усуллардан усталик билан фойдаланади. Ҳудди шундай, Мусулмонқул ҳам ўз зулмини яширишда сотқин уламолардан усталик билан фойдаланади. Яна такрорлаймиз, Яссавий ота “охир замон олимлари золим бўлди”, “ҳимояти халқнинг коғир бўлди, кўринг” деб ёзғирганидек, ҳар қандай халқнинг тақдирни ҳамиша оқил ва жоҳил олимларнинг қай бири устун келишига боғлиқ бўлади. Мана шундай уламолар тўқнашувида Худоёрхон оқил уламоларни қўллаб-куватлагани, хусусан, Тошкентдаги Юсуфбек ҳожининг ўз хатида айтган амалий ўгитига киргани учун ҳам у Мусулмонқул истибдодини тугатишга эришди. Шундай экан, давлат миқёсидаги бу улкан “инқилоб”да ҳам, табиийки, асарда кўрсатилган энг улкан давлат арбоби сифатида Юсуфбек ҳожи ҳал қилувчи марказий қаҳрамон ролини ўйнайди. Юсуфбек ҳожининг Худоёрхонга йўллаган хати “Сиз Хўқанд уламойи киромларининг Мусулмонқул хунхўрлиғидан фарёдга келиб ва шариаъти мустафони ораға восита қилиб ёзған маҳфий хатларини олдик” деб бошланади. Шу бир гап ўша замон ва маконнинг руҳияти ҳақида олам-олам хабар беради. Қаранг, хат Худоёрхонни

улуғлаб саломдан бошланаётгани йўқ, балки хоннинг қайси ва қандай мурожатини аниқлаштиришдан бошланаётгани Юсуфбек ҳожининг қанчалик сиёсий пухталигини яққол кўрсатади. Худоёрхоннинг ҳам сиёсий пишиқлигини шундан кўрса бўладики, у қайнотаси Мусулмонқулни ўз ташаббуси эмас, балки уламойи киромларнинг ташаббуси билан мингбошилик лавозимидан четлатмоқчи. Гапдаги “шариъати мустафо” ибораси орқали ҳам Мұхаммад Мустафо С.А.В. шариати, яъни ислом шариати эканини, ҳам XIX аср ўрталарида давлат ва жамият ислом қонунчилиги асосида яшаганини англашимиз мумкин. “Хўқанд”, “хунхўр” каби форс-тожикча сўзлар ўша даврда форс-тожик тилининг мавқеи ва қанчалик оммалашгани ҳақида муайян маълумот берибина қолмай, балки айни чоғда, форс-тожик тилига бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардаги “қ” ҳарфи “х” (“к”) ҳарфларига алмашинишига ишора қиласди. Дарҳақиқат, “Қўқон-Хўқанд”, “қонхун” (“қани-кани”)… Шундан сўнг хатда Юсуфбек ҳожи “...Биз фақирлари ҳам Мусулмонқул ҳаракати бехудасини шариъатга хилоф, юрт ва эл учун музир (зарарли), халойиқнинг осойиш ва умр гузаронлиги важҳига халалdir деб билдик” деган қўллаб-қувватловчи гапи келтирилади-да, сўнг Мусулмонқулни енгиш усули тушунтирилади: Тошкент Қўқонга қарши мустақиллик эълон қилсин, бундан дарғазаб бўлган Мусулмонқул Тошкентга қўшин тортиб келсин, бироқ қўшинга Худоёрхон ўз одамларини қўпроқ киритсин, ана шунда “бизлар ташқаридин ва сизлар ичкаридин бўлиб Мусулмонқулни орадин кўтаргаймиз”. Нафақат шаҳар ҳокими, балки Қўқон хонига отабекликка ярайдиган Юсуфбек ҳожининг, аксинча, нафақат хонга, балки шаҳар ҳокимига отабекликка ярамайдиган Мусулмонқулга қурган сиёсий тузоғини кўринг! Юсуфбек ҳожи режасини шундай давом эттиради: “Тошканд

бети бўлған зот борасида андиша лозим эрмас, зеро ул одам фуқаронинг осойиши йўлида жонбозлиқ қилғучи кишиидир. Бизлар лимаслаҳатан нима десак, ул бўйин тўлғамас". Бу гапда "андиша" сўзи фақат "хавотир"ни эмас, балки "хижолат"ни ҳам англатади, чунки уни ўз вақтида Худоёрхон исёнкор Азизбекнинг ўрнига ҳоким этиб тайинлаган ва шу даврга қадар у хонга исён қилмай садоқат билан хизмат қилиб келган-да. "Бизлар" деб Юсуфбек ҳожи уламоларни назарда тутаётганига-ю ҳалқ фаровонлиги учун чинакамига жонбоз-жонкуяр ҳукмдор уламоларнинг маслаҳатлариға бўйин товламаслиги кераклигига ишора қилингапти. Шу ўринда "бўйин тўлғамас" ибораси "бўйин товламоқ" ё "бўйин тортмоқ" ибораларидан ҳам аникроқ ва таъсирчанроқ эканини, масалан, от бўйини унга солинган арқондан нафақат тортиши, балки уни у ёқдан бу ёққа тўлғashi-тўлғанишида кўриш мумкин. Хулоса ўрнида Юсуфбек ҳожи хонга яна бир маслаҳат беради: "Иншооллоҳ, бул андишамиз киромларга маъқул тушкан тақдирда жаноби тождорнинг ҳам раъйиларини олмоқ ва имкони бўлса ул жанобнинг исм шарифларидин бизларга писанднома ёзмоқ маржудир. Токи бизлар ишонч бирлан муддаоға шурув (киришиш, бошлиш) қиласайлик". Мана, етук ва тўқис давлат кенгашчиси, давлат беги, яъни, ҳақиқий ОТАБЕК – Отабекнинг отаси мана шундай бўлади! Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва буюк фотих Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳам кенгашчилари мана шу одамдек билгамиш бўлган, албатта. Ҳар қалай, Юсуфбек ҳожи таклиф қилган ҳарбий тактика, ҳар қандай улкан кашфиёт каби, бир қараашда ўта содда ва бажариш жуда осон ҳам камталафот! Давлат жиловини ноқонуний рашишда ўз қўлига олган золим, қонхўр ва маккор кимса – у Мусулмонқул бўладими ва ё большевизм дохийси Ленинми, айнан кимлигидан қатъий назар – ағда-

риб ташлаш йўлини тўғри кўрсатиб бериш фақатгина Юсуфбек ҳожининг топқирлиги эмас, балки аввало бу қаҳрамон сиймосини яратган муаллифнинг билгамишлиги, ижодий ботирлиги ва энг эзгу тилаги десак янглишмаймиз. “Домла Солиҳбек охунд, мулла Юсуфбек ҳожи, саркардалардан Қосим ва Ниёз қушбегилар, Каримқул ва Мухаммадражаб қўрбоши ҳам Қамбар шарбатдорлар” номидан Худоёрхон номига битилган маҳфий хатда ёзиб-чизиб берилган “ҳарбий юриш” бу жаҳон айвонида туркий тил айнан нима учун “ҳарбий тил” деб қаралганини аён кўрсатиб тургандек гўё. Худоёрхон хатда келтирилган юришни ёқлаб тезда ўз отидан ташаккур ва писанднома йўллайди, яъни хонни қувватлаганларга ташаккур ва қувватламаганларга писанда қилинади. Жавоб хати ўzlари ёзган хатга қўшиб Нормуҳаммад қушбегига ўқиб эшиттирилганида у нима учун анчагина хатарли бу юришга бажонидил унайди? Бу асада шундай асосланади: “Юсуфбек ҳожи ва домла Солиҳбек охунлар қушбенининг пир деб инобат қилган одамлари бўлганлари учун”. Англашиладики, Юсуфбек ҳожи Тошкент ҳокимининг ниҳояти отабеги эмас, пири муршиди ҳамдир! Энг муҳими, бу таклифнинг “элнинг осойиши ва мамлакатнинг ободлиги”га хизмат қилишига ишонгани учун! Айни шу тадбир, яъни, “ҳарбий юриш”нинг шарофати билан бошланғич тўқнашувдаёқ ўзининг алданиб чув тушганини англаб етган, “ўзида куч йўқлигини билган Мусулмонқул бир от ва бир қамчи аранг қўшундан чиқиб қочди ва бир қанча йўлғача қувланди”. Натижада “гўё ҳамма адоват Мусулмонқул билан бирга кеткандек бўлиб, икки халқ бир-бири билан кўришди”. Шу муносабат билан ўрдада уч кун зиёфат берилиб, унда икки халқ – қипчоқ билан ўзбек итифоқининг фойдалари, тарқоқликнинг заарлари сўзланди. Бобнинг биринчи парчаси нақадар гўзал ва

умидбахш пардаларда яқунланганига оқкүнгил ўқувчининг кўнгли ёришиб, икки халқ тил топишгани учун севиниши тайин. Бироқ иккинчи парчада бу умид чиппакка чиқади. Афсуски, Ўрта Осиё худуди шу чоққача уч хонликка – Хива, Бухоро ва Кўқонга бўлиниб келган бўлса, яқин келажақдаги шўро иттифоқи даврида у бешга – бешта давлатга парчаланди-парокандаланди... Мусулмонқулнинг ўрнига Марғилон ҳокими Ўтаббой мингбоши этиб тайнинанишида ҳам ўзига хос ишора бор. Сабаби Ўтаббой мингбошиликка Мусулмонқулдан кўра ҳар жиҳатдан тўғри келишини ўқувчи кўриб гувоҳи бўлганди. Масалан, Ҳомиднинг чақимчилигига лаққа учиб бегуноҳ Отабек ва қутидорни қатл қилгани йўқ, балки муайян текширув ўтказди. Айбланувчиларни оқладиган ҳеч бир далил тополмагач, ноилож уларни дорга остирмоқчи бўлди-ю, лекин Кумуш олиб келган хатни ўқиб ишонч ҳосил қилгач, ўз ҳукмини ўз истаги билан бекор қилди. Мусулмонқул эса, барча далилларга юзаки қараб, Отабек ва унинг отаси Юсуфбек ҳожини ёқтиргмагани учун Отабекни қатл қилмоқчи эди, бироқ инкор қилиб бўлмас жонбозлик – Юсуфбек ҳожининг Тошкентдаги исённи бостиришдаги кўмаги туфайли ўз ҳукмини ўз истагига қарши бекор қилди...

Бобнинг иккинчи парчасида бу улкан ютуқнинг, нима деса бўлади, қандай қилиб “чуви чиққани” кўрсатилади. Орадан йигирма кунча ўтиб-ўтмай Муҳаммад Ражаб қўрбошининг уйида бир йигин уюширилиб, унга Юсуфбек ҳожи қайта-қайта чакирилади. Ниёз қушбеги йигиндан мақсадни, истар-истамас келиб қатнашаётган ҳожига, жумладан, шундай тушунтиради: “Худо ҳожи акамизнинг умрини узун қилиб, болачақасининг эгалигини кўрсатсинки, аввало унинг ақллик тадбири, ундан кейин оғайниларнинг бир ёқадан бош чиқариши соясида Мусулмонқул балосидан ен-

гилгина қутылдик. Аммо бу қутилишни чин қутилиш деб бўлмайдир. Нега десаларингиз, оқ ит бўлмаса қора ит товоқ-қошиққа тегмақда. Ҳали биз саҳройи қипчоқ элидан узил-кесил қутылғанимиз йўқ. Анови Мусулмонқул бўлмаса, бошқа Алимқулнинг бош кўтариши аниқ!.. Қачонғача биз бу саҳройи итлар билан сан-манга боришиб юрамиз. Яхшиси шулки, бу бош оғриғларни бирваракай орадан кўтариб тинчишайлик". Бу гапдан кейин, табиийки, барча Юсуфбек ҳожига нима деркин деган маънода кўз тикади. Ана ўшанда Отабек эмас, ақалли Қамбар Ота эмас, аллақандай Қамбар шарбатдор деганлари, худди "Алпомиш" достонидаги Ёртибой оқсоқолга ўхшаб, қуюшқонга қистирилиб қолади. "Сўзингиз жуда тўғри, қушбеги, – дейди у, – сиз айткан-дек, бизга икки йўл бор: қипчоқни қириб йўйиш ва ёки бутунлай қипчоқ қўлида қолиб кетиш!" Асл муддаони андак аниқлаштиргач, ҳожи истеҳзоланиб кулганча, ҳар қандай ақлларни шошириб қўя оладиган оғир бир саволни ўртага кўндаланг қўяди: "Сизларни бу ишка нима ва ким мажбур қиладур?.. Мусулмонқулни ҳайда-моққа мажбур бўлған эдик – ҳайдадик. Барча ёмонлик ўшанинг боши билан бирга кеткандек қипчоқ оғайнилар илиа тотуклашдик, қипчоқларнинг эски адоватла-ри битди... Бас бизга тағин нима керак?" Қушбенининг куракка турмас далили ва қистовидан кейин ҳожи чинакам тинчликсур давлат арбоби ва чинакам ҳожи сифатида энг тўғри, инсонпарвар-элпарвар йўлни кўз-ларга нуқиб кўрсатади: "икки ҳалқни бир-бирисига совуқ кўрсатиб, адovat тухумини сочиб келгучи бир нечагина одам бор... Менга қолса мамлакатни тинчи-тиш учун шулар тўғрисида ўйлаш керак. Наинки тўрт-та муттаҳамни деб бутун бир ҳалққа ҳужум қилиш!" Агар башарият бошига фашизм балосини ағдарган, буюк шоиримиз Ғафур Ғулом таъбири билан айтганда, "олий ирқ даъвогари, малъюн Гитлер" Юсуфбек ҳожи-

нинг шу ўгитини эшитганида, инсофга келиб, қонли йўлидан қайтган бўларми эди, дея ўйлаб қоласиз беихтиёр. Зотан, ернинг тагида илон қимирласа биладиган Юсуфбек ҳожи бу янги бир балонинг боши қаёқдалигини ҳам яхши билади. “Ниёз қушбегининг барча кинаси Ўтаббойнинг (Мусулмонқулнинг ўрнига!) мингбоши белгуланган қунидан бошланғанини, “мен турған ерда, қипчоқ мингбоши бўлсинми?” деган кек!” Мажлиснинг бошқа аъзоларини эса, Юсуфбек ҳожи, мана, қаранг, ўзича қандай таърифлайди: “иш йўғидан юмиш чиқаришга талабгор бекорчилар”. Шундан кейинги ҳожининг юраги ўртаниб айтган гапларини лоқайдлик билан, ҳаяжонланмасдан ўқиш амалда мумкин эмас, шунинг учун, келинг, уларни яна бир карра ўқиб ўқайлик: “Беклар, маним ҳамма мулоҳазам юрт, эл манфаати нуқтасидан туриб айтиладир!.. Бас, айб қипчоқда эмас, балки ўзининг манфаати шахсияси йўлида иш кўргучи бошлиқларида ва қипчоқлар ўйлағандак гуноҳ қораҷопонлilarда бўлмай, балки уларнинг уч-тўртта маънисиз бекларида!.. Буродарлар! Ўрус аскарлари ўз ичимиздан чиқадирған фитна-фасодни кутиб дарбозамиз тегида (Оқмачитда) кўр тўкиб ётибди. Шундай маҳшар каби бир кунда биз чин ёвға берадирган кучимизни ўз кўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсак, ҳолимиз нима бўладир. Бу тўғрида ҳам фикр қилғу чимиз борми? Кунимизнинг кофир қўлиға қолиши тўғрисида ҳам ўйлаймизми ёки бунга қарши ҳозирлик кўриб қўйғанмизми?!”

Сиз Юсуфбек ҳожининг ҳолатини ҳис қиляпсизми?! Қуни кечагина халқни Мусулмонқул деган балодан қутқариб, эндингина енгил тин олиб турганида манави балоҳўрлар унинг бошига яна бир кутилмаган балойи азимни ағдаришмоқчими?! Ё фалак! Қипчоқ ким, қораҷопон ким? Бир ота, бир онанинг болалари-да! Бу жаҳон айвонида яшаб турган жамики туркийлардан

туркманлар, озарбайжонлар, усмонлилар – асли ўғизлар; қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, татарлар, бошқирдлар – асли қипчоқлар; уйгурлару күхна тарих бағрида йўқолиб-йитиб кетган яғмо, тухси ва бошқа не бир туркий қавмлар асли қорлуқлар бўлса, бутун туркий халқнинг шу уч илдизини ўзида бирлаштириб турган халқ – ўзбеклар эмасми?! Бугунги кунда айни шу уч илдиз уч томонга тортқилаб, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги билан Кўқон хонлигини ташкил этиб тургани йўқми? Фарғона водийси шунинг учун ҳам “олтин водий” деб аталадики, қадимда “Довон” деб (“Алпомиш” достонидаги Ҳакимбекнинг отаси Бойсарининг отаси Алпинбийнинг ҳам отаси Довонбий деб!) аталганки, унда учала илдиз бирлашиб турибди! Шу водийдагина учала илдиз – ўғиз ҳам, қипчоқ ҳам, қорлуқ ҳам аҳил бир оила бўлиб ёнма-ён яшаб турибди! Шугинани ҳам кўп кўрмоқдами бу балоҳўрлар?! Қачонгача бу халқ ўзи билан ўзи қирпичноқ бўлиб, ўзи ўтирган шохга ўзи болта ураверади?! Наҳот нажот йўлини топиб, тинчлик-тотувликни сақлаб бўлмаса?!. Тарихга боқсангиз англшиладики, бу юртга гул эмас, қилич кўтариб келувчи ҳар бир босқинчи хавфидан огоҳлантирувчи билгамиш-кўрагон адиби бўлган. Масалан, араб ва хитой истилоси олдидан Йўллуғ тегин “Култегин”, “Тўнюкуқ” ва “Билга хоқон” битиктошларини битган бўлса, мўғул босқини олдидан Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”, Аҳмад Яссавий “Девони ҳикмат” асарларини ёзганлар. Қодирий ҳам шу анъянани давом эттириб, “Ўткан кунлар”и билан рус босқини ҳақида кечикироқ бўлса-да чексиз қайғу-куюнчаклик билан огоҳлантираяпти... Юқорида “кўр” сўзининг кўпдан-кўп маъно товланишларини кўрган эдик. Юсуфбек ҳожи қўллаган “кўр тўкиб” ибораси бу сўзнинг яна бир маъносини англатади (луғатда “кўр тўкмоқ” ибораси “1) қўшин тўпламоқ; лашкар тўкмоқ. 2) олишувда, тортишувда жавлон

урмоқ" дея кўрсатилган). Агар ҳожининг ҳолатини ҳис қилисангиз, қуидаги гапларини чуқурроқ ўйлаб қарап икансиз, унга қўшилишиб ўртаниб-йиғлашингиз аниқ: "Ҳожи ўзини тутолмай кўз ёшисини оқ соқолиға қўйиб давом этди: – Мана, буродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиған фурсатда ўрис аскарлари бизга тун ўқладайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманнингиз қилиб қипчоқни кўрсангиз, мен бошқа ёвни ҳар имон ўз яқинимға еткан кўраман! – деди ва рўймоли билан кўз ёшисини артиб ўрнидан турди. – Агарда дунёдан ўтаёзған бир кексангизнинг маслаҳатига қулоқ берсаларингиз, бу фикрингиздан қайтинг, буродарлар. Илло Юсуфбекни ўлдиға чиқариб, бу шум ишингиздан мени ташқарида ҳисоблангиз, – деди ва мажлиснинг "ўлтуриңг, тўхтанг" сўзига қулоқ солмай, ўлтуришни ташлаб чиқди".

Юсуфбек ҳожининг юраги ўртаниб айтган шунча гапларини менсимай ўз билганидан қолмаган йиғин аҳли Худоёрхон номига битилган номани пишитиб, бирин-кетин имзо чекишиади. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янги бир фитнадан дарак берувчи шундай бир жумла билан биринчи боб тугатилади: "Бу нома эртаси кун хонга юбориладирған бўлиб, бунга маҳсус киши белгуланди. Мажлиснинг кўрқунчи Юсуфбек ҳожидан бўлған учун унга сохта қарорни эшитдирмак тўғрисиға Мухаммад Ниёз қушбегининг ўзи бевосита мажлисдан чиқиб кетди. Шунинг ила бу мажлис тарқалди". Гапдаги "сохта қарор" орқали Юсуфбек ҳожини алдаб тинчлантириш, яъни гўё унинг доно маслаҳатига кўнгандлари айтилмоқчи.

Эл бошига тушажак қирғинбарот қора кунлардан дарак берувчи иккинчи боб "Қора кунлар" деб аталади. Қолаверса, бу бобда уч ойлик совуқ ва қоронғу қиш кунлари, яъни Отабек учун ҳам, Кумуш учун ҳам чексиз туюловувчи айрилиқнинг қора кунлари тасвиранади.

Бу оламда ҳар кимнинг ўз дарди-дунёси бор. Юсуфбек ҳожи-ку, ичига сиғмай кетаётган дардини, гарчи тушуниб етмасалар-да, эшитгувчи қулоқларга қўрғошиндек қуиб, ҳаттоқи ошкора кўз ёш тўкиб кўнглини бир қадар бўшатгандек бўлади. Лекин Отабекнинг дарди-дунёси!.. Кошки бировга айтиб ва ё йиғлаб қон бўлган юрагини бўшатиб бўлса! Марғилондан қайтиб келганидан кейин, икки ҳафталар ўтиб, уста Олимдан хат олган, хатда у қутидор оиласи билан учрашган пайтдаги уларнинг “хуши бошидан учганини”, Отабек кетганидан кейин бир кун ўтиб Ҳомиднинг ўлганини, гумондор йўқ бўлгани учун маҳкамалар ишни текширмай қўйганини, ўлган Содиқнинг онасининг дами ичидалигини айтиб, охирида “Бул хотиннинг қўлидан ҳар бир иш келадур деб ўйлаб, ўткан кун қайнотангизга айтдим: бегона хотинни уйингизга йўлатмасинлар ва четдан келган таомни емасинлар деб, ҳар ҳолда, ёмондан ҳазар лозимдир” дея ёзган ва бу билан юрак чўғини қайта алангалатган бўлса ҳам, Марғилонга боролмайди у! Бир томондан уста Олимнинг “Фикримча, қишида бўлмаганда ҳам, кўкламда чиқиб ўзлари Тошканд тушарлар, деб ўйлайман” деган далдаси уни “бугун бўлмаса эрта... кириб келади” дея умидлантирса, бошқа томондан “У ўзининг душманларини ўлдириш учунгина Марғилонга қатнаб юрган экан, ҳисобини тугатди-да, бедарак кетди-қолди. Тузукроқ жой чиқса, бериб қолайлик Кумушни... умри ҳам ўтиб борадир!” деган шубҳа уни умидсизлантиради. “Кампирнинг дарди – ғўзада, Йигитнинг дарди – бўзада” деганларидек, Ўзбек ойим ўғлининг Тошкентда уч ойлаб муқим қолиб кетишига ўзининг қилдирган иссиқ-совуғи кор қилди, дея ўйлаб, энди уни келини Зайнабга иситиш учун дуога зўр беради. Кўнгли така-пука бўлгач, Отабекнинг қўли ишга бормайди, савдо иши билан сафар қилишни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ишсиз қол-

ган Ҳасанали ҳожи ёрдамида баққоллик дўкони очиб олади. Ўзини қўйгани жой тополмаган Отабек дам кутубхонага, дам Ҳасаналининг дўконига, дам Чукур қишлоқдаги бўзахонага бориб ўзини алаҳситмоқчи бўлади. “Марғилонга нега кетмай юрибсиз?” дея кўнгил сўраган Ҳасанали отага “Ҳафсала йўқ...” дея жавоб берар экан, Отабекнинг кўнглидан “ўзим боролмасам-да, Ҳасаналини юборишим ва кезини топиб ўтган гапларни отага ҳикоя қилишим керак” деган ўй ўтади. Ҳатто уни меҳмонхонага чақириб, дастурхон устида шу ўйини билдиromoқчи ҳам бўлади, бироқ Марғилондаги вазиятни билмай туриб уни бекорга овора қилиб кўйишини ўйлаб бу фикридан қайтади. Отабекнинг ҳозирги ҳолати биргина “ҳафсала” сўзи билан ифодалангани ёзувчининг маҳоратини кўрсатадиган яна бир деталдир. Ишлашга ҳафсала йўқ, боришга ҳафсала йўқ, кутишга ҳафсала йўқ, сўзлашга ҳафсала йўқ... Юқорида Отабек адабиёт, Кумуш тилнинг тимсоллари эканини эсласак, адабиёт тилсиз ҳеч бир ишга ҳафсала қилолмайди-да. Адабиётни сўзлатиб-сайратадиган ҳам тил, бўзлатиб-гунглатадиган ҳам тил...

Яхшиямки бу оламда табиат бор, табиатнинг кўклами бор, йўқса дарди-дунёси қоронғу бўлиб турган одамнинг кўзига дунё баттар тор кўриниб, сиқилишдан юраги тарс ёриларди. Бобнинг иккинчи “синифи” шундай умидбахш сўзлар билан бошланади: “Бу кун қуёш очиқ ҳавода кезиши учун жим-жим товланиб, ер юзига қулиб қаради. Икки кундан бери қуёш бетини қоплаб, турли ерларга жон суви сепиш ила чарчаган баҳор булувлари бурчак-бурчакка тарқалиб борар эдилар... Қисқаси, бу кун уйғонишданоқ бутун коинотнинг яхши туш кўриб турганлиги сезилар эди. Баҳорнинг бу кунги сеҳрли куни Отабекни ҳам қитиқлади”. Ўқувчи бу ёруғ кунлар тасвири билан бобнинг “Қоронғу кунлар” деб номланишида зиддият

йўқми, деб ўйлаб қолса, ажабмас. Одатдагидек, бердиси (сабаби) кейин айтилади. Гузардаги Ҳасаналига қўшни дўкондор Али Мингўрикка қимизхўрликка таклиф қилганида Отабек, табиийки, бажонидил рози бўлади. Ёзувчининг “Минг ўрук мавзиъи, отидан ҳам маълум – бунда минг чоғлиқ ўрук дараҳти ўсқан учун бўлиб, Шиблининг сувидан бошлаб то Салор ариғиғача қатор-қатор ўруклар эди... Али ўтовдан кийгиз олиб, Салор бўйига ёзди. Келинчак ёстиқ кўрпача ташлаб берди. Отабек ҳордиқ чиқариб ясланди” деган тасвирида қадимги Тошкент ҳақида олам-олам маълумот бор. Қодирий Тошкентда туғилиб ўсгани учун бу она шаҳарни ҳаддан ошиқ севиб, уни чексиз меҳр-муҳабbat билан тасвирлайди. Камина 1966 йилдан буён Тошкентда, 1985 йилдан то ўтаётган йилгача Тошкентнинг айни Минг ўрик мавзеига яқин Дархон мавзеида Салорнинг бўйида яшаб келаман. Ҳозирги кунларда ҳам шаҳарнинг Чилонзор, Олмазор, Бодомзор, Ўрикзор каби мавзелари бор бўлиб, узоқ ўтмишдан бу шаҳарда турли боғлар-мевазорлар яратилиб келинганини кўрсатади. Аммо шўролар даврида мевали дараҳтлар ўрнига манзарали дараҳтлар экиш баҳонаси билан нафақат бундай боғ-роғлар йўқ қилинди, балки уларнинг номлари ҳам ўзгартирилди. Мана, энди, эркинлик-эгаманликнинг шарофати билан ўтган кунлар анъаналари тикланиб, халқнинг ҳам, хусусан, Қодирийдек зиёлиларнинг орзулари ҳам ушаляпти... Икковлон поёнсиз қир бағрида кўнгилли чўзилиб ётар эканлар, “Отабек табиатнинг шу кўркам ва латиф кўринишига мафтун бўлиб бир оз ётганидан кейин, “Ул ҳам бўлса эди” деб ўйлади ва узоқ тин олиб қўйди”. Отабекнинг-ку, мана шундай – дарди ичидা, айрилиқ қийноғига чидаш оғир! Лекин ҳали уйланмаган ёш йигит Али табиатнинг бу кўркамлигини кўриб “Зап яхши кунми!” дея орзиқади. Табиийки,

бу орзиқиш Отабекнинг ёнган юрагини баттар алан-галатиб, у ўзининг кўнгли кемтиқ эканини айтади: "Шундай кунларда каму қўстинг бўлмаса..." Алининг "Сизнинг ҳам кам-қўстингиз борми?" деган илмоқли саволидан бошланган гурунг авжида Али ўз таажжубини шундай изҳор қиласди: "сизнинг билан отангизнинг обрўси қушбегида ҳам йўқ, давлат тўғрисидан бўлса, очиқарли ерда эмассиз... Иккита тўтидек хотинчигиз бек акам учун сочини тараб ўлтирадир... тағин қанақа каму қўст?" Қаранг, гапдаги "тўтидек" сўзи билан Кумуш ва Зайнаб ҳам "ранг-баранг кийинувчи", ҳам "одамдек бурро сўзловчи" қушга ўхшатиляпти, эҳтимол, "билса ҳазил, билмаса чин" деганларидек, кейинчалик улар, айниқса, Зайнаб "тўтиқушдек гап қайтаради" деган фикрга ҳам ишора қилингапти. "Бойлар ҳам йиғлайди" деганларидек, баҳт ва кўнгил тинчлиги бойлик, обрў-эътибор, ижтимоий мавқе-га боғлиқ эмас. Кўпинча камбағалга бой бекаму қўст кўринганидек, бойга камбағал баҳтиёр кўринади. Тескари дунё, ёлғончи дунё, синов дунёси деган иборалар бежизга яратилмаган-да. Ҳомид хотинбоздек бадбин кимсаларнинг кўролмаслиги-ғаламислиги эмас, йўқсиллиги учун уйланолмай юрган йигитнинг самимий ҳаваси, соддадилларча дунёга қарashi, ўзига яраша "қаричи"-да бу! Худди бир пайтлар Отабек Марғилонга иккинчи уйланиш хабарини айтиш учун кетаётганида эшигтан кўшчи йигитнинг кўшиғи каби, Алининг ҳам ўз дарди-дунёсини ёрқин ифодалай оладиган ўз кўшиғи, демакки, ўзига хос юпанчи, овунчи, ўлани, ичига сиғмаган юрак сирларини тўкиб енгиллашадиган "кудуғи" бор:

"Кўзларим йўл устида, келмайди ёр,
Ушбу кенг дунё кўзимга бўлди тор!
Қай қароқчи тўсади ёримнинг йўлин?
Бундаги баҳтсиз йигит йўл узра зор!"

Табиийки, бу қүшиқ Алига нисбатан яна-да күпроқ Отабекнинг дарди-дунёсини ифодалаб тургандек бўлади. Алининг “Кўшилишмайсизми, бек ака?” деган ундовига Отабекнинг “Ўзингиз яхши айтасиз, тўхтаманг!” дейиши буни уқтириб тургандек. Ҳомиддек қароқчи-йўлтўсарни бирёқли қилгач, яна қандай қароқчи ўрталарида тўғаноқ бўляпти, дея ўртаниб ёруғ очун кўзига тор кўринади-да Отабекнинг! Бош қаҳрамоннинг мана шу ҳолати бобнинг “Қоронғу кунлар” деб аталишига бир асос бўлса, иккинчи асос Алининг “Кўқонга кетган сипоҳлардан дарак эшитдингизми, бек ака?” деган саволи замиридаги уруш эҳтимолидир. Яъни, Ниёз қушбеги тўдасининг қора фитнаси юрт бошига қоронғу кунларни бошлаб келаётганига ишора қилингапти.

Мазкур учинчи қиссадаги, умуман, бутун асардаги энг аянчли ва юракни ўртовчи боб, сўзсиз, пешанасига “Қипчоқقا қирғин” деб ёзилмиш учинчи боб ҳисобланади.

Отабек Мингўрикдаги бинафша сайридан қайтиб, Қоймос дарбозасидан шаҳарга кирганида “дарбозадан ўн одим нарида боши танидан олинған уч кишининг гавдаси”ни қўради. Табиийки, “Булар қандай гуноҳкорлар экан?” деб дарбозабондан сўрайди. Дарбозабон бекни таниб, қўл қовуштирганча “Тақсир, қипчоқлар” дейди. Отабекнинг “Кимлар ўлдирди?” деган саволига дарбозабон шундай жавоб қиласди: “Йигирма чоғлиқ эдилар, ўзимизнинг Тошканд йигитларидан ҳам бор, қўқонликлар ҳам кўринадилар... Кўқонга кеткан бекларданми, хонданми, ишқилиб, шунаقا буйруқ кепти-да, тақсир...” Шундан кейин то уйга етиб олгунига қадар Отабекнинг кўзлари кўрганлари ва қулоқлари эшитганлари, айниқса, Ҳасаналининг ўз кўрган-боқсанлари ҳақидаги ҳикояси!.. Гузарга олиб борувчи биргина кўчада етмишдан ортиқ қирилиб

Эттан одамларни, гузарда яна қирқ чоғлик ўликларни күриб Отабек билан йўлдоши Али қон қақшайдилар. Дўкони олдида ўтирган Ҳасанали уларга “Худди қиёмат бўлди!” деб кўз кўриб, қулоқ эшитмаган йиртқичликларни айтар экан, Отабек “Бас!” деб уни тўхтатади. Бу қонхўрликка нафақат Отабек, табиийки, ўкувчи ҳам чидаёлмай қолади. Отабекнинг руҳий ҳолати шундай тасвиранади: “Уйга бориб кечки ошни ҳам емади ва отасига ҳам учрашмади, гўё шу йиртқичлар дунёсидан яширинғандек оқ кундаёқ тўшагига ётиб, кўрпасига бурканиб олди”. Нима қилсан, жоҳилларга қарши жаҳл қилсинми? Фишт қолипдан кўчиб, бўлар иш бўлди, энди ўлганларга мотам тутиб, тўғри йўлни эртасига совуқ ва соғлом бошга қидиради-да!

Эртасига эрталаб “Отабек терсайғанча келиб чойға ўлтурди, отасига салом ҳам бермади. Чунки ул ўз отасини қипчоқ қирғинининг бош омилларидан деб қарор қўйған эди”. Отабекнинг айни ҳолатини “терс томони билан турди” ва “тўнини терс кийди” иборалари билан ифодаласа бўладигандек. Ўғил билмайдики, қипчоқ қирғинини уюстирган фитначилар буни Юсуфбек ҳожидан сир сақлаганлар. Ота билан ўғилнинг суҳбати, Юсуфбек ҳожининг хон ёрлифи мазмун-моҳияти ва шунга боғлиқ ҳикоялари, айниқса, боб сўнгидаги уйидаги мажлисда шу қирғин режаси тузилганидан хабар топганини айтганида, Юсуфбек ҳожи ўғидан астойдил ўксиниб, унга одатдагидек оталарча панд-насиҳат қилади: “Отангни ҳам шу жониворлар орасига қўшиб ўлтиришинг қисқалиғингдир! Ўзинг ўйлаб кўр, ўғлим! Ўз қўлимиз билан ўзимизникини кесишимиздан мамлакат учун қандай фойда бор? Башарти, мен бу ваҳшатка иштирок қилған бўлсан,

қайси ақл ва қандай манфаатни кузатиб қүшилишқан бўламан? Агарда маним юрт сўрамоққа ва шу восита билан бойлик орттиromoққа орзум бўлса, бошқалардан ҳам кўра ўз ўғлимға – сенга маълум бўлмасмиди? Нега ҳар бир нарсага еткан ақлинг шунга қолғанда оқсайдир. Нега ёнған юракимга яна сен ҳам заҳар сочасан?” Отабек “ҳақ гап келганда отангни ҳам аяма” деган ҳикматли гапга риоя қиляпти-ю, бироқ Юсуфбек ҳожи айтгандек, қисқалик қиляпти, яъни қисқа ўйлајпти. Бироқ унинг қисқа ўйлашини тушунса бўлади, чунки Юсуфбек ҳожи мажлисда қатнашгани, қирғин режасини билгани ҳолда қаршилик қилмаган бўлса, демак, отаси ҳам бош омил ҳисобланади-да. Нафақат Отабек отасининг, ҳатто уста сиёsatчи Юсуфбек ҳожи ҳам ўзининг алданишини ўй-хаёлига келтиролмади-ку! Буни англаған Юсуфбек ҳожининг ёнган юраги баттар ўртанади-да. Асл ҳақиқатни билгач эса, Отабек отасига ноҳақлик қилганидан астойдил ўқинади. Юсуфбек ҳожи ўғлига бу шайтоний фитна қандай адo қилинганини сўзлаб беради. Фитнага учган Худоёрхоннинг Тошкент ҳокими Нормуҳаммадга йўллаган ёрлиғи шундай бошланади: “Биз Туркистон мамлакатининг хони ўз қаламравимиз ва салтанатимиз учун қипчоқ тоифасини музир (зараарли) деб билдик. Бу янглиғ ҳукмимизни ўз қаламравимизда бўлған барча бекларимизга, ҳоким, қўрбоши ва даҳбошиларимизга билдириб буюрамизким, ушбу фармонимизни олған он дарҳол ўн беш ёшдан то етмиш ёшғача бўлған қипчоқ эр зотини қиличдан кечиргайлар ва ҳеч бир силаи раҳмни восита қилмағайлар...” Ҳозирги атама билан айтганда бу геноцид (уругини қуритиш) бўлиб, ёзувчи “тарихимизнинг энг кир, қора кунлари бўлган “хон замонлари”дан” деганда айни шу ҳолатни кўзда тутган бўлса, эҳтимол. Бироқ хоннинг ёрлиғида бир католик бордек. Яъни “Туркистон мамлакатининг

хони" эмас, "Қўқон хони" дейилиши мантиқан тўғри бўлмайдими? Ахир, ўша даврда ота Туркистон уч хонликдан тузилгани ҳолда Худоёрхоннинг ўзини "Туркистон мамлакатининг хони" деб аташга маънавий ҳам сиёсий ҳаққи йўқэди. "Бирники мингга, мингники туманга" деганларидек, бу билан бутун Туркистонни ёмонотлиқ-олабўжи қилишга уринилмаяптими? Бу уринишни Худоёрхон қиляптими, ёзувчи унинг тилидан қиляптими ёки устомон шўро тузуми ҳар иккисининг номиданми? Қодирийдек юртпарвар ва туркпарвар ёзувчи ўз қаҳрамони Юсуфбек ҳожи тилидан кўп марта туркий халқларнинг бирдам ва тотувлигини ёниб-куйиб гапиргани ҳолда бутун Туркистон мамлакатини бунчалик ёмонотлиқ қилиши мумкин эмас диди, ахир... Юсуфбек ҳожи ҳоким Нормуҳаммадни бу қирғиндан қайтаришга ҳар қанча уринмасин, уддала-ёлмайди. Отабекнинг "Йиртқичларнинг бу қирғиндан қандай муддаолари ҳосил бўларкин?" деган саволига Юсуфбек ҳожи дангал жавоб беради-қўяди: "Биттаси мингбоши бўлмоқчи, иккинчиси Нормуҳаммад ўрнига минмакчи, учинчиси яна бир шаҳарни ўзига қа-рам қилмоқчи. Хон эрса Мусулмонқулға бўлған адова-тини қипчоқни қириб аламдан чиқмоқчи!" Айниқса, хоннинг жоҳил-золимлигига тараф йўқ! "Алпомиш" достонида Алпомиш тўқсон алпни ер тишлатиб, Барчинойини ўз юргига олиб кетгач, Қалмоқшоҳ бунинг аламини Барчинойнинг отаси Бойсаридан олади. Шунда ҳам уни қатл эттирмай, таҳқирлаш учун бўлса-да, отбоқарларнинг сардори қилиб қўяди. Худоёрхон эса, ўз халқига ана ўша ғаним юртнинг шоҳидан минг чандон кўпроқ ноҳақлик қиляпти. Юсуфбек ҳожининг ўз ўғлига бўзлаб айтган қуйидаги гапларини мен кўчирма гап сифатида ўз асаримга киритганман: 2009 йилда "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Тилсим (Туркистон достони)" китобининг

бош қаҳрамонлари бўлмиш “уч оға-ини ботирлар”-нинг ўртганчаси Қодир учар ўз ўйларида туб бурилиш ясаган, ўзини ўзгартирган китобдан бир парчани ёлғиз ўғли Тоҳирга йиғлаган қўйи ўқиб беради: “Мен кўп умримни шу юртнинг тинчлиги ва фуқаронинг осойиши учун сарф қилиб, ўзимга азобдан бошқа ҳеч бир қаноат ҳосил қилолмадим. Иттифоқни нима эканини билмаган, ёлғиз ўз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб, ичган мансабпаст, дунёпаст ва шуҳратпаст муттаҳамлар Туркистон тупроғидан йўқолмай туриб, бизнинг одам бўлишимизга ақлим етмай қолди... Биз шу ҳолда кетадиган, бир-биримизнинг тагимизга сув қуядиган бўлсак, яқиндирики, чор истибоди Туркистонимизни эгаллар ва биз бўлсак ўз қўлимиз билан келгусимизни ўрис қўлига қолдирган бўлармиз. Ўз наслини кофир қўлига тутқун қилиб топширувчи – биз кўр ва ақлсиз оталарга худонинг лаънати албатта тушар, ўғлим! Боболарнинг муқаддас танаси мадфун Туркистонимизни кофирихона қилишга ҳозирланган биз итлар яратувчининг қаҳрига албатта йўлиқармиз! Темур кўрагон каби доҳийларнинг, мирза Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрагувчи, албатта тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим! Гуноҳсиз бечораларни бўғизлаб, болаларини етим, хоналарини вайрон қилувчи золимлар – қуртлар ва қушлар, ердан ўсиб чиққан гиёҳлар қарғишига нишонадир, ўғлим!..”

Юсуфбек ҳожини йиғлатган ва юқорида келтирилган қарғиши каби оғир гапларни айттирган тарихий ҳодиса – қипчоқ қирғинининг туб илдизлари, асл сабабларини биз қанчалик чуқур биламиз? Бу қирғинга давлатни қайнотасининг отабеклигисиз эркин бошқаришга киришган Худоёрхон фармони олий берган

жанки, жиддийроқ сабаблари бўлгандир? Умуман, биз бир эмас, уч марта (уч марта!) Кўқон хонлиги таҳтига ўтирган “Худоёрхон” деган одамнинг ҳаёти, иши, ўй-кечинмаларини қанчалик яхши биламиз? Қани энди бирон ёзувчи буюк адабимизнинг “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романларига сиғмай қолган тарихий воқеалар кенгроқ ёритилган, балки, бевосита “Худоёрхон” деб аталган йирик эпик асар ёза олса ёкан! Модомики, Қодирий “Амир Умархоннинг канизи” деб номланган учинчи тарихий романини ёзолмай армонда кетган экан, қани энди яна бир ёзувчи, устознинг шу армонини ушатиб, “Амир Умархон” деган тарихий романни ҳам ёза олса! Амир Умархон (Амирий) вафотидан кейин нега, айнан қандай сабабларга кўра 1842 йилда Бухоро амири Насруллохон Кўқон давлатига бостириб келиб, бу давлатни амалда бошқараётган буюк шоирамиз Нодирабегим ва унинг ўғилларини қатл этди? Шу тарихий фожианинг туб сабаблари атрофлича ва ҳаққоний ёритилган яна бир йирик эпик асар яратилса экан! Худди устоз Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” ва “Авлодлар довони” асарлари каби, шундай бир ўзига хос роман-дилогия дунёга келса! Худди Худойберди Тўхтабоев Номоз ботир ҳақида асар ёзишни орзу қилган устоз Қодирийнинг армонини ушатиб, “Қасоскорнинг олтин боши” саргузашт романини ёзганидек, бир фидойи ёзувчи устознинг ана ўша армонини кўнгилдагидек ушата олса шояд!

Масалага бундан ҳам кенгроқ қамровларда қарашга уриниб кўрайлик. Ҳалқимиз ва давлатчилигимиз тарихида кейинги уч аср мобайнида уч давлатни – Бухоро амирлиги, Хива ва Кўқон хонликларини амалда бошқарган манғитлар, минглар ва бошқа сулолалар, агар олис тарихларга боқсан, Буюк Турк хоқонлигини бунёд этган ашиналар, ўзларини буюк Алп Эр Тўнга-

Нинг бевосита ворислари деб билган қорахонийлар, кейинроқ темурийлар, бобурийлар, шайбонийлар, қолаверса, адабиётда ҳам, илмда ҳам жуда кам ўрганилган қарлуқлар, уйшунлар, қўнғиротлар... сулолалари ҳақида, дейлик, Мақсуд Қориевнинг “Ғазнавийлар” тарихий романига ўхшаган бутун бир тарихий романларнинг туркуми ҳам яратилса экан! Умуман, давлатчилигимиз тарихида сулолавийликнинг тутган ўрни, давлатни сулолавий бошқариш тажрибалари, бундай бошқаришнинг ижобий ва салбий жиҳатларини илмий ва бадиий изланиб-ўрганиш биз учун кўпдан-кўп Муаммоларни ойдинлаштириб, шонли тарихимизнинг Коронғу юзаларини ёриштириши мумкин. Масалан, Туркий барлос уруғига мансуб Соҳибқирон Амир Темур яратган қудратли империя қурувчилари фақатгина барлос уруғига тегишли эмас, балки барча туркий Уруғлар ва бошқа кўпгина тараққийпарвар халқларга Тегишли эканлиги, чунки Соҳибқирон бобомиз давлатчилик масалаларига тор бир уруғ, маҳалла, шаҳар, Қабила ва ҳатто бутун бир ўзбек халқигина эмас, бутун инсоният манфаатлари ва хоҳиш-иродаси юзасидаң кенг ёндаша олгани билан узвий боғлиқ. Аксинча, Темурийлар давлатининг инқирози Соҳибқирон ва фотидан кейин бу сулола вакилларининг давлатчилик масалаларига қарашлари тобора торайиб, сулолавийлик, уруғчилик ва маҳаллийчилиқдек торгина “Тирқиши”лардан қараш қадар пастлашиб борганининг оқибати! Фақатгина темурийлар эмас, тарихимизда юзага келган жамики сулолалар тақдирида ҳам шунга яқин ҳолни кузатишимиз мумкин. Масалан, бундан ўн беш асрча олдин, тўғриси, 552 йилда Буюк Турк хоқонлигини барпо этган ақа-укалар Бумин хоқон ва Истеми хоқон давлатчилик масалаларига торгина ашина Уруғи, туркий қабилалар ва умуман, турк халқигина эмас, бутун башарият миқёсларида қарай олганлик-

лари учун ҳам Хитой, Эрон ва Рум (Византия)дек ўша даврнинг энг қудратли давлатларини ҳам қўрқитгудек куч-қудратга эришган, лекин бу сулоланинг кеинги вакиллари... Орадан бир ярим асрча ўтар-ўтмай, Хитойга бутунлай қарам бўлиб қолган бепоён худудларни янги бир эркин-эгаман давлатга бирлаштириб, Иккинчи Турк хоқонлигини қурган Қутлуғ Элтариш хоқоннинг таҳтига ўтирган унинг укаси Қопағон хоқон, Бумин хоқоннинг укаси Истеми хоқонга батамом зид равишда, уруғчиликни урчитгани шунчаликки, ўз давлати худудидаги бир уруғнинг қўзғолонини аёвсиз бостириб, “ютуқ” билан қайтаётганида бошқа бир уруғ (басмиллар) пистирмада туриб, уни номардларча ўлдирадилар! Билга хоқон, Тўнюқуқ, Култегин ва Йўллуғ тегинларнинг бу буюк давлатни уруғчиликка ўчиллари, улар келтириб чиқарадиган қарамлик балосидан кутқаришга қаратилган курашлари ҳам кутилган натижаларни бермайди-да, Иккинчи турк хоқонлигининг ўрнида Қорлуқ жабғулияти ўрнатилади. Орадан кўп ўтмай, бу жабғулият ҳам Боғдод халифалиги томонидан тугатилади... Хуллас, уруғчилик, маҳаллийчилик, айрмачилик, ола қараш-олайиб қараш сингари бошга битган балолар бутун тарих давомида барча туркий халқлар, шулар қаторида, биз, ўзбекларни озмунча кучсизлантирганми! Айниқса, кейинги икки аср ичida бу балолар келтириб чиқарган, Қодирийнинг сўзи билан айтганда, “тартибсизликлар” сон-саноқсиз бўлди!.. Уларнинг қай бирини айтаверасиз?! Мана, энг яқин тарихимиз – бундан атиги ўттиз уч йил олдин – “СССР” деб аталган қип-қизил империя таркибидағи Ўзбекистон бошига ёғилган “ўзбеклар иши”дек қоп-қора балони эсланг! Унинг ҳам туб илдизи, чукурроқ ўйлаб қаралса, собиқ Марказнинг хоҳиш-иродасидан ҳам кўпроқ мана шу маҳаллийчилик ва уруғчилик майлларига бориб тақалади!

Агар Жиззахда туғилиб ўсган Шароф Рашидов ўли-мидан кейин унинг ўрнини фарғоналик Усмонхўжаев эмас, бошқа бирор эгаллаганида эди, балки ўша одам бу фожиага ўрин қолдирмасми эди, дея ўйлаб қоласиз беихтиёр. Ўзи империя таркибидаги қарам давлат бўла туриб, Усмонхўжаев атиги бир неча йил ичидаги республикадаги деярли барча раҳбарлик лавозимларига фарғоналикларни байни шоли эккандек экиб ташлагани ёдингиздами?! Давлатчилик масалаларига мана шундай торгина тирқишдан қарашиб, афусуски, тез орада ёмон оқибатларини кўрсатди-да, империя бундан усталик билан фойдаланиб қолди!.. Юрт эркинлиги арафасида Фарғона водийсида мескети турклари, Ўшда қирғизлар билан боғлиқ қонли воқеалар ҳам бир томонда – ўзимизнинг ичимииздан чиқсан балоларнинг фитналари, иккинчи томонда – “Ўлаётган хўқиз болтадан қайтмас” деганларидек, жон талвасасида турган қизил империя Марказининг зимдан гижгижлашининг ёмон оқибатлари эди!..

Худога шукур, мана, йигирма олти йилдан бўён эркин давлатимиз бўйини тобора ростлаб, энг муҳими – маҳаллийчилик ва уруғчилик сингари ўпқонга тортилиб кетмай, юртимизнинг тинчлиги-осойиштаги, халқимизнинг фаровонлиги ва эркин бунёдкорона меҳнатини таъминлаб, қўриб-қутлаб турибди! Илоё кўз тегмасин! Энди уруғчилик ва маҳаллийчилик, жумладан, “қорачопон”, “қипчоқ”, “Сурқаш”, “ФАН” ва бошқа шулар каби торгина тирқишлардан дунёга қараашларнинг юзи тескари бўлсин! Айниқса, муҳтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ўтаётган 2017 йилимизнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилиниши масалага умумхалқ ва умуминсоний кенгликлардан туриб ёndoшишнинг ёрқин намунаси бўлди! Яна бир карра такрорлаймиз: илоё кўз тегмасин!

Тўғри, худди “Шарқий хун ҳоқонлиги” ва “Ғарбий хун ҳоқонлиги”дек қоқ иккига ажралиб кетган қадимий хун салтанати ва ё “Шарқий турк ҳоқонлиги” ва “Ғарбий турк ҳоқонлиги”га парчаланган Буюк турк ҳоқонлигига ўхшаб, ўз вақтида қоқ иккига ажралган Бойсин-Қўнғирот давлатини энг буюк миллий қаҳрамонимиз Алпомиш – Ҳакимбек қайта бирлаштириб, қудратли марказлашган давлат тузди. Бу иши билан, масалан, ҳаттоти Билга ҳоқон уддалаёлмаган оламшумул ишни уддалай олди бу бош эпосимизнинг бош қаҳрамони! Лекин ўша давлат ҳам!.. Масалан, Ёдгорбек отаси Ҳакимбек тузган қудратли марказлашган давлатни хавф-хатарлардан омон-эсон сақлаб қолиб, янги авлодлар довонига оширдими, ё тарих сўқмоқларида ўзига яраша йўл тополмай тентираб қолдими? Худди буюк Соҳибқирон Амир Темур қурган улуғ салтанат каби, бу жаҳон айвонида ва бу ўткинчи дунёда, афсуски, узоқ қололмади ўша Алпомиш тузган марказлашган давлат ҳам!.. Илоё энди мустақил Ўзбекистон давлати умрибоқий қолсин!

Қодирийхонликка қайтайлик!

“Ой этак билан ёпилмас” деб номланган тўртинчи боб билан олдинги боб ўртасида бир чой ичгулик вақт бор. “Тегирмоннинг навбати билан” деганларидек, нонуштадан сўнг Юсуфбек ҳожининг ўғлига тушунтириш-у ёзғириғидан оталарча сўров-тергов ва койишларга ўта табиий ўтилади. Отабек фотиҳа ўқиб ўрнидан қўзғалмоқчи бўлганида “Турма!” дея буюрган Юсуфбек ҳожи бошқа “бир сўз демасдан салласини олиб тиззасига қўйди. Бош қашиниб яна саллани кийди. Дадасининг салла олиб, бош қашиниши кейинидан кўпинча ўзини бир тергов остида” кўрадиган Отабекнинг бошига, кутганидек, “Марғилонда нима ишлар қилдинг?”, “Жўн одамлар қаторида одам ўлдириб юрдим дегин?!”, “Одам ўлдириш учун ким сени

зўрлаб мажбур қилди?", "Эсинг ўзингдами, йигит?" қабилидаги саволлар дўлдек ёғилади. Яъни, сўз санъаткори тагдор имо-ишоралар қиласиди. "Турма" сўзини ҳам Отабекни ўрнидан турмаслиги учун, ҳам унинг Марғилондаги қотилликлари турма (қамоқ) билан тугаши мумкинлигига ўзига хос ишорадир. "Дўпини бошдан олиб ўйла" деганлариdek, Юсуфбек ҳожи салласини ечиб, бошини қашлаши орқали ўғлини ўйлашга, қилган ишларининг оқибатларини тушунишга нечанчи бор ундаяпти. "Тубан", "Жиноятчи", "Жоҳил" ва ё бошқа сўз эмас, айнан "жўн" сўзи қўлланганида ҳам бир қанча маънолар англашилади. Биринчидан, ота ҳар қанча аччиқланмасин, ўғлиниң қилмишини тўғри тушуниб, унинг ҳақ эканини англайди, бироқ у қўллаган усулни оқлаёлмайди. Иккинчидан, у ўғлини ҳар қандай вазиятда ҳам ўз қаҳр-ғазабини жиловлаб, қилмоқчи бўлган ишининг олди-орқасини, сабаб-оқибатини яхшироқ ўйламайдиган жўн-оддий одамга ўхшатяпти. Учинчидан, ўғлини эркин шахс қилиб етиштиromoқчи бўлган ота унинг бировлар қўлида қўғирчоқ, бировларнинг кўрсатмаси ё қистови билан иш юритадиган малай, шотир, югурдакка ўхшатяпти. "Қайтар дунё" деганлариdek, боягина ўз отасини қипчоқ қирғинида бош омил деб ўйлаган Отабек энди ўзи ўшандай вазиятга тушди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у қипчоқ қирғинидек ноҳақликни қотиллар қирғинидек ҳақликка ("Ал-қасосул мин ал ҳақ") параллел тасвирлаяпти, яъни у "бегуноҳларни эмас, балки бўғзигача гуноҳга ботган ашаддий жиноятчиларни қирғин қилиш керак" деб таъкидлаётгандек. Худди Юсуфбек ҳожи ўзининг ноилож қолганини, яъни уни Ниёз бошлиқ шайтонлар алдаганини ўртаниб айтганидек, Отабек ҳам ўзининг "мажбуrlар қаторида, зўрланганлар қаторида!.." қолганини, аслида ота ва онаси уни ўз орзу-ҳаваслари йўлида мажбуrlаганларини

ва бу билан улар душманларига йўл очиб берганини, натижада у бундай жониворликни истаб-истамай қилишга мажбур қолганини айтади. Ана шунда Юсуфбек ҳожи “ўз гуноҳи ўқилига тушиб” ўғлидан “бизни кечир” деб кечирим сўрайди. Эътибор беринг, Отабек ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиб, қисматининг оғир тўқмоқларидан пишиб, энди ўз ҳаққи-ҳуқуқини қўрияпти, ҳатто отасига ҳам тик боқиб ҳақ гапини айта оляпти. Агар у ота-онаси иккинчи бор уйланишни таклиф қилганларида мана шундай ҳақ гапини айта олганда эди, аччиқ кўргиликлари бўлмас эди, балки! Агар Юсуфбек ҳожи хотинининг тилагига эмас, ўғлиниң тилагига қараганда эди, ҳозир кечирим сўрашга ўрин қолмас эди! Аттангки, “ҳар тўқисда бир нуқс” деганларидек, ота ҳам, ўғил ҳам янгишди. Муносабатларни анча очиқлагач, Юсуфбек ҳожи айтган қуидаги ўгитлар, худди юқоридаги ёзғириқ каби, чинакам тинчликсуяр давлат арбоби ва нуроний-руҳоний зотгина айта оладиган ўзига хос ҳикматли гаплардир: “Кишининг бошиға бир иш тушканда, дарров биравдан кенгаш ва ёрдам сўрайдир. Ҳатто ота-онасидан ҳам сир сақлаған бир йигитни ўз ўғлум бўлиб чиқғани менга қизиқ қўринадир... Мирзакаримнинг ёзғаниға қарағанда, бирмунча янгишшиқ ундан ҳам ўтған қўринадир ва лекин сенинг болалиғинг олдида уники ҳолвадир... Ўзинг айт, менга шу касалингни бир оғиз билдирсанг, мен қайин отангға хат ёзмасми эдим. Ҳасаналини юбориб ҳақиқатни очмасмидим ва бу тақдирда одам ўлдириб юришларга қандай ҳожат қолар эди?” Худди уста Олим каби, бу ерда ҳам Юсуфбек ҳожи ўғлининг қизиқ феълига ажабланяпти. Уста Олимку дўст, ҳатто содик дўст бўлса-да, унга ишонолмабди-кенгашолмабди, лекин Юсуфбек ҳожи ўз туқсан отаси бўлса, бунинг устига давлат арбоби бўлса, у ўғлини қанча оғир вазиятлардан кутқарган бўлса, нега

Отабек кенгаш қилмади, нега ёрдам сўрамади, деган саволни нафақат Юсуфбек ҳожи, балки ўқувчи ҳам беришга ҳақли. Отабек фикрича, Мирзакарим қутидор қизини ҳийла билан ундан ажратиб олмоқчи бўлган дейлик, лекин Юсуфбек ҳожи бу ажралишни ёқламасди-ку?! Буни Юсуфбек ҳожининг ўзи ҳам уқтиради: “Биз сени Тошканддан уйлантирсак-да, катта хотинингдан ажратиш фикрида эмас эдик. Агар сен шу хаёл билан биздан сирингни яшириб келган бўлсанг, катта аҳмоқлиқ қилибсан, болам”. Юқоридаги гапда “сенинг болалифинг олдида уники ҳолвадир...” ибораси икки маънода келтирилган: биринчидан, “туюни шамол учирса, эчкини осмонда кўр” деганлариdek, Мирзакарим қутидордек кўпни кўрган, кайвони одам шу тузоқقا тушгач, Отабекдек ёш ва укувсиз йигит бу тузоқقا тушмаслиги мумкин эмас эди; иккинчидан, бу тузоқдан чиқолмай, яъни тузоқ эканини ҳатто тушунмай, қизини куёвидан ажратиб, бошқа эрга бермоқчи бўлган Мирзакарим қутидор янгишлик (болалик) қилган бўлса, Отабек қўл билан ечадиганни тиш билан ечиб, бу тузоқдан чиқиши учун дўстлари, отонаси, қайнота-қайнонасига айтиб, масалани тинчлик йўли билан, қонун йўли билан ҳал қилишнинг ўрнига, қотилликка қўл уриб болаларча қисқа ўйлади... Хуллас, Отабекнинг “қизиқ феъли”ни тушунишга ҳар ким ўзича уринаверсин, биз эса, “кенгашли тўй тарқамас” деганлариdek, ҳар бир киши ҳар бир муҳим ва қалтис ишда ўз яқини ва ё ўша ишнинг устаси билан кенгашиб иш тутмоғи яхшироқ эканини уқтирайлик-да, таҳлилимиизни давом эттирайлик. Ёзувчи ушбу бобни “Ой этак билан ёпилмас” деб аташ орқали ҳам Отабек, ҳам Юсуфбек ҳожи “сир”ларининг очилишига ишора қиляпти. Отабекнинг яна бир қизиқ феъли Юсуфбек ҳожининг “Қайнотанг келин болани олиб шу ҳафта ичи йўлға чиқмоқчи экан!” деганидан кейин кўри-

нади. У “иссиф бир нарса баданига тегиб кеткандек хуркиниб қўйди ва “ниҳоят, эндими?” дегандек қилиб энтиқди... отасиға мувофиқ жавоб беришни билмади”. Гапдаги “эндими?” сўроғи ҳам Отабекнинг айрилиқ-соғинч ўтида ёниб кул бўлганини, ҳам унинг араз-ўпкалашини кўрсатади. “Хўп, отажон” дейишга қурби келмаган ўғлининг сусткашлигини, қизиқ феълини кўриб турган Юсуфбек ҳожининг безовта бўлмаслиги мумкинми? Йўқ, албатта, вазият баттар чигаллашмаслиги учун у зарур ўгитини беради: “Ўғлим, сийлағанни сийлаш керак, энди сенга қадрсизланған бўлсалар, аммо бизнинг қошимизда уларнинг қадру қийматлари юқори. Қутидор бўлса кўз очиб қўрган қудамиз, хотининг бўлса бош келинимиз! Агар сен мени отам дейдирган бўлсанг, шуларнинг кўнглини олмоққа тириш! Қайинг отангдан мени қувлади, деб кўнглинг олинмасин, чунки у бечора ҳам бир шайтоннинг васвасаси билан бу хатога тушкан. Ҳар ҳолда, ҳурматларини бажо қелтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни деб келадилар”. Шу бир жумлада буюк ўзбек отанинг, буюк арбобнинг оқиллиги, тинчликсеварлиги, бағрикенглиги, ширинсўзлиги, инсонпарварлиги, оиласпарварлиги, қисқаси, юксак маданияти ва маънавияти яққол кўриниб турибди...

“Мактуб” деб номланган бешинчи боб ўз номи билан мактуб бўлиб, табиийки, атиги икки бетлик бобнинг ярмидан кўпроғи Кумушбибининг Отабек-ка ёзган мактуби матни, қолгани унга боғлиқ тасвири ва таҳлиллардан тузилган. Саккиз букланган, қизил ипак билан бир-икки еридан чатилган мактубни қутидор ёзган мактубнинг ичидан чиққанини айтиб Юсуфбек ҳожи ўғлига беради. Мактуб тасвиридан бир неча маъноларни уқамиз: биринчидан, саккиз сони хосиятли бўлиб, мукаммалликни, қут-баракани англатади (жаннатнинг саккиз қопқаси борлиги ҳақи-

даги қарашларни эсланг!); иккинчидан, қизил ипак билан чатилгани унинг ўта маҳфий, фақат эгаси Отабекка аталганини билдиради; учинчидан, қутидор мактубининг ичидан чиққани қутидорнинг омонати-ю бойлиги Кумуш эканини кўрсатади, ва ниҳоят, тўртинчидан, “санамай саккиз дема” деганлариdek, тақдирнинг келаётган оғир синовига ишора қиласди. “Юсуф савдосида бекарор Зулайҳо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаған Лайли отидан – сизга бошимдағи соchlаримнинг тукларича беҳад салом. Мендан – ҳадду ҳисобсиз гуноҳ, сиздан – кечириш. Ўткан ишга салавот” деб бошланган бу мактуб, айтиш мүмкинки, Кумушбибини бош қаҳрамон Отабек ёнига юксалтириб, ҳар иккисини Юсуф ва Зулайҳо билан Лайли ва Мажнун сингари илоҳий ишқ соҳиблари қаторига қўйғандек бўлади. “Беҳад салом”да ҳаммаси мужассам: тинчлик-омонлик тилаш, айрилиқ азоби тугаб юзлашиш онларини алқаш, гина-кудурат, англашилмовчиликка чек қўйиб, ярашиш, кўнгил сўраш... Шундан сўнг Кумуш Отабекка жуда тагдор қочирим-аския қиласди: “Сиз – қочоқсиз... сизнинг барча машақатларингиз – душманларингиздан ўч олиш учун бўлғанини онгладим. Йўқса, мени кўрар эдингиз... Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб биравларни қувишқа бел боғладим... хизматингизға – чўрилигингилизға эрта-индин юраман, суйганингиз кундош им олдида қадру қийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан...” Ёзувчи Кумуш тилидан Отабекнинг феъл-авторини қанчалик аниқ ва жонли тасвирлаяпти. Тўғри-да, кўрқиб қочдими, уялиб қочдими, ғазабланиб қочдими, гумонсираб қочдими, бошқа ёрни деб қочдими... нима бўлганда ҳам, Мирзакарим қутидор бир қувлаб солгач, кетига ҳам қарамай қочганини инкор қилиб бўлмайди-да. Аввал қутидор билан уста Олим, сўнг ҳожи, мана энди Кумуш тилидан Отабек-

нинг бу афандиларча қизиқ феъли яна бир карпа тас-вирланяпти. “Бел боғладим” ибораси ҳам, “белингда белбоғинг борми?” деганлариdek, “йигитмисан, эр-какмисан?” деган маънони, ҳам сизни қўлдан бериб қўядиган бўш-баёв йўқ, сиз учун “йигитлардек белни боғлаб бўлса-да, курашаман” деган маънони англатади. Кумушнинг бундай жасурлиги-ўйноқилиги Барчинойнинг Қалмоқ юртидаги алпни даст кўтариб, тиззасига уриб белини синдиргандаги жасоратига ўхшаб кетади, шундай эмасми? Қолаверса, Отабек бел боғлаб Ҳомидни енггач, энди Кумуш бел боғлаб рақиби Зайнабни енгиши керак! Бундай ҳаёт-мамот олишувини кузатган ўқувчи ҳам белини маҳкамроқ боғлаб олиши керак! Кўрагон-жонкуяр ёзувчининг олдиндан огоҳлантириши бу! “Ўзи келар Лайлихон, ўзи кетар Лайлихон” деганлариdek, Отабек Кумушни излаб келмагач ёки Отабекнинг ўзи Кумушни Тошкентга олиб келмагач, аксинча, Кумушнинг ўзи Отабекнинг олдига келиши унинг кундоши олдидаги обрўсими тўқади. Кумуш ўз ёри Отабек учун бундай таҳқирланишга ҳам, унинг чўриси бўлишга ҳам рози, фақат: “Сиз олижанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматига, кўнгил учун кулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам баҳтсизни масъуда қиласиз!.. Нихояти мақсадим икки дўстка бир чўрилик ва шу муносабат билан биравларини кўриб юриш...” деган умиди бор унинг. Ҳа, севган киши учун энг олий баҳт, бу – ўз севгилисининг баҳтини кўриб юриш! Бу гап Кумушбибининг нафақат кундошлиқ тақдирига кўнгани, балки кундошни ҳам кундош эмас, дўст ва кўнгилдош деб била оладиган бағрикенг инсон, чинакам ёр-дўст эканини ойдек кўрсатиб турибди. Эътибор беринг, Кумушнинг хатида бир ўринда “биравларни қувиш”, иккичи ўринда “биравларни кўриб юриш” деган иборалар қўлланди. “Бирав” сўзи икки маънода қўлланяпти: ҳам

бегона, ҳам битта. Яъни ҳам “бегонани қувиш”, “бего-нани кўриб юриш”, ҳам “биттасини қувиш”, “биттаси-ни кўриб юриш” деган қочиримлардир. Бироқ мак-тубдаги Отабек алоҳида ажратиб олиб қайта ўқиган яна битта гап (“Аммо... суйганингиз – кенжангизнинг жеркишларидан, қарғинишларидан беҳад қўрқа-ман...”) нафақат бош қаҳрамонни, балки тушунган ўқувчини ҳам қаттиқ ўйлантириб қўя олади. Бунинг икки сабаби бор: биринчидан, Зайнабнинг исми тил-га олинса-да, ҳалигача унинг феъл-автори мавҳум (бу сўзнинг ўзак маъноси “ваҳима” экани бежизга эмас!) қолмоқда, иккинчидан, барча муаммоларнинг боши-да турган, Кумушни “жодугар”, “анди”, “хитой”, “қал-моқдан тарқаган”, “лўлиларнинг бир тоифаси” деб ҳисобловчи Ўзбек ойим ва у танлаган келин Зайнаб биргалашиб Кумушнинг бошида тегирмон юргизи-ши ҳеч гап эмас. Шунинг учун Отабек Зайнабдан кўра онасининг хунарларидан кўпроқ қўрқади. “Бошидан ўтказган табиб” деганлариdek, кундошликнинг бу-тун алам-дардини фақат кундош бўлган одамгина тўла ҳис қила олади. Бироқ ўрни келганда шуни айт-моғимиз шартки, кундошликни салбий-ярамас ҳолат деб қарашиб жуда тўғри ва холис-объектив эмас. Саба-би, ўтмишда ҳам пайғамбарларнинг, ҳукмдорларнинг, бойларнинг бир неча хотинлари бўлган ва шариат бунга изн берган. Масалан, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Бобур, Ҳусайн Байқаро ва бошқа ҳукм-дорларнинг бир неча хотинлари бўлгани, улар ўзаро аҳил-тотув бўлишгани тарихдан яхши маълум... Кези келганда, келинг, “кундош” сўзининг этимологияси бўйича бир фараз қиласлилар. Кошғарийнинг “Девону луғотит-турк” асарида “кун” сўзи “кўн” тарзида кел-тирилган бўлиб, унда “кўндош” сўзи умуман йўқ, бал-ки “кўнгўлдаш” (фикрдош, кўнгилдош, ҳамдил) сўзи бор. Эҳтимол “кўнмоқ” феълининг буйруқ шакли ва

“кўнгил”, “кўникма”, “кўна” сингари бир қатор сўзлар-нинг ўзаги бўлган “кўн” – “рози бўл, тақдирга тан бер, уна, қаноат қил” маъноларини англатиб, бинобарин, “кўндош” – “кўнувчилар, тақдирга тан бериб яшовчилар” маъносидадир? Қолаверса, эҳтимол, “кундош” сўзи аввал-бошда “кўндош” ҳам эмас, “кўнгилдош” бўлган-у, кейинчалик “кўндош-кундош”га қисқаргандир? Сабаби, худди “синфдош – бир синфда ўқувчилар”, “сафдош – бир сафда турувчилар” дейилганидек, “кўнгилдош – бир эрнинг кўнглини оловчилар” дейилади-да. Шу маънода, Кумуш ва Зайнаб Отабекнинг кўнглини оловчилардир. Агар улар ўзаро тил топишсалар, биргалашиб эрининг кўнглини топишсалар, барчалари яйраб яшайдилар, акс ҳолда, фожия юз беради... Афсуски, бу ишқ достонида Кумуш Отабекнинг кўнглини топади, Зайнаб эса, топа олмайди, натижада кўнгилдошлар ўзаро тил топишолмайдилар. Кўнгилдошига ўлим тилаган Зайнаб бу қилмиши билан ўз ёри Отабекни баҳтсиз қилганини англағач, эсдан оғиб телба-девонага айланади. “Эсини киргизди” бобидан кейин эсидан оғади-да!.. Келинг, шошмайлик-да, ҳар бир воқеа-ҳодисанинг туб сабаб ва оқибатларини мавриди билан уқишига уринайлик.

“Ўзбек ойим оғма, Зайнабнинг дарди” деб отми-ташхис қўйилган боб, отидан ҳам кўриниб турибдики, ўзида икки бўлакни яхлит бир бўлакка бириттирган боб. Буни “тил бириттириш”, “кўш мозор”, “илоннинг иккиланган тили”, “аждарҳонинг икки боши”, “танганинг икки томони” деб... тушунаверса бўлади! Ҳамма гап – муаллифнинг маҳорати ҳам, айтмоқчи бўлаётган фикрлари ҳам мана шунда аён кўринади, дейиш мумкин. Яъни, Зайнабнинг дарди – Ўзбек ойимнинг оғвалигида ва аксинча, Ўзбек ойимнинг оғвалиги – Зайнабда чидаб бўлмас янги бир дард пайдо қилишида! Зотан, биз ўзбеклар оиласида қай-

нонанинг оғмалик қилмай, (хоҳ кундош бўлсин, хоҳ овсин!) ҳар икки келинига тўғри ва тенг қараши эрнинг ҳар икки хотинига тўғри ва тенг қарашидан ҳам муҳимроқ. Чунки ўзбек оиласарида кўпинча айни шу қайнона-келин муносабатлари оиласинг ўсиб-ўнгигишига ҳам, ўсмай-сўлишига ҳам сабабчи бўлади. Юсуфбек ҳожи уйида Зайнабнинг суюнадигани ҳам, ишона-дигани ҳам фақатгина Ўзбек ойим эди, ёлғиз угина Отабекнинг “жонсиз ҳайкал” лигини бир қадар сездирмай, “Марғилондаги анди”ни ҳар боб билан ёмонлаб, ўзини мақтаб-эркалаб яшар эди. Энди у ҳам ҳали ўзи кўрмаган кундоши Кумушга ошкора оғиб турса, Зайнаб учун бундан оғирроқ дард борми, ахир!

Айниқса, ушбу бобда Юсуфбек ҳожининг чинакам оила бошлиғи экани, ўз қарамоғидаги ўғли, хотини, келинини тўғри йўлга қандай солиши яққол кўрина-ди. Ҳожи ёлғиз ўғли билан иложи борича тил топишиб, унга боғлиқ бир муаммони ақл кўзи ва кенгаш билан ечиб хотиржам бўлгач, табиийки, “чала-думбул табиатлик хотинининг феъли хўйини яхши билгани учун... унинг марғилонлиқ келинга бўлған адоваратини Отабекдан ҳам яхшироқ билгани учун... ўз тарафидан Ўзбек ойим тушкурни яхшилаб эбка олмоқ, юз қизарадирған ишларга қарши чораларни кўрмак фикрига тушди”. Келтирилган жўмлада Юсуфбек ҳожининг ўз хотининг муносабати байни кўзгудагидек тиник кўриниб турибди! Одатда “тушмагур”, “яшамагур”, “ўлгур” каби бўлишсиз феъллар қаҳр ва ғазаб билан айтилган ёмон ниятни, “тушкур”, “яшагур”, “барака топгур” каби бўлишли феъллар яхши ниятни билдиради. Юсуфбек ҳожининг “тушкур” дейишида ҳам хотинининг оғир феълига кесатик, ҳам унга нисбатан меҳрибонлик ва кўнгилчанлик туйғулари билинади. Қолаверса, бу сўзга Ўзбек ойимни ҳовуридан тушириш, уни ўз йўлига солиш, тушунтириш каби маънолар ҳам юкланганди.

“Үглингиз Марғилондан уйланмади, бир балодан уйланди!” деб арз-дод қиласынан Ўзбек ойим эртага келини билан күришса қандай “юз қизартырадын ишлар” бўлишини тасаввур қилиш ҳам қийин-да. Дарҳақиқат, бу иш ҳам қийин, ҳам қалтис. Биринчидан, хотинига Отабекнинг сирини, яъни Марғилондаги воқеаларни зинҳор айтиб бўлмайди. Иккинчидан, Отабекнинг Марғилонга уч ойлаб бормаганининг чин сабабини ҳам гапириб бўлмайди. Учинчидан, қудаларнинг Тошкентга келиш ташаббуси улардан чиққанини сўзлаб бўлмайди. Сабаби, буларнинг ҳаммаси ўзаро чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, Юсуфбек ҳожи оташнафас дуохон ёки тажрибали руҳшуносдек Ўзбек ойимга бўлган ва бўлажак воқеаларни ўта табиий кўрсатиши ва унинг ўйлаш йўсинини ўнглаши керак. Шунинг учун у Ўзбек ойимнинг ўзи нобоп ўғли ва “анди” келини ҳақида гап бошлишини кутади. Сўздан сўз чиқиб, куттилгандек хотини ўғил ҳасратини бошлайди-да, эрини “ўғил-қиз ўстиришга уқуви йўқ”ликда айблайди. Бунга жавобан Юсуфбек ҳожи уни ўринсиз чиранмасликка чақиради-да, “Сенинг муддаонг – марғилонлик келинни ўғлингдан ажратиб юбориш ва бу келининг билан қолдириш – шундоғми?” деб очиқчасига сўрайди. Ўзбек ойимнинг “Албатта шундоғ!” деган жавоби аввалги бобда келтирилган Отабекнинг ўз онасини “давосиз дард” деган ўйини тасдиқлагандек бўлади. Юсуфбек ҳожи бўш келмайди, хотинига куйиб-пишиб уқтиради: “ўғлингдан сўрасанг “қайси хотининг билан бўлишни хоҳлайсан? Хоҳламағанингни қўй!” – деб. Нима дейишини ўзинг ҳам яхши билсанг керак, хотин!” Хотини бўлса, ўз билганидан қолмайди-да, яъни кўриниб турган ҳақиқатни тан олгиси келмайди-да, буни марғилонликнинг ҳинди домласининг кучлилигига йўяди. Шу пайтгача кулгу аралаш гапирган Юсуфбек ҳожи жиддий тусга киради ва хотинига ачиниш билан

қарайди. Ундаги бу ўзгаришни қандай тушунмоқ көрек? Аввалига, “аччиқни аччиқ кесади” деганларидек, Юсуфбек ҳожи чала-думбул хотинига унинг тилида гапириб тушунтиromoқчи бўлди. Бироқ жоҳилликни жоҳиллик билан эмас, маърифат билан енгиш мумкин бўлганидек, кулгуни жиддийлик билан, жиддийликни кулгу билан енгиш мумкин. Шунинг учун Юсуфбек ҳожи кескин ўзгариб “Бундоғ ақлсиз ишларни қўяйлиқ, хотин!.. бизга лозими ўғлимизнинг хурсандлиғи нима бўлса, шуни ахтаришдир. Мен яхши биламанки, сен бу ишларни фақат ўғлингни аяғанингдан қиласан...” дея хотинининг кўнглига йўл қидиради. Сўнг ўғлини Марғилон йўлидан қайтарганини айтади. Бу билан ҳам юқорида таъкидланган сирларни яширади, ҳам Ўзбек ойим топган доуохонларнинг ишларини йўққа чиқаради. Ана шундан кейин: “Отабекни койиб тўхтатқанимдан сўнг сенға кенгаш солмасданоқ қудаларингга бир хат ёзған ва келин болани Тошкандга олиб келишларини сўраған эдим. Ҳайтовур, сўзимни ерда қолдирмаған ўхшайлар, букун кудадан битта жавоб хати олдим... Ақули кишиларнинг садағаси кетсанг ҳам арзийдир: “Шу чоққача сизларга айттирмасданоқ зиёратларингизга боришимиз керак эди. Хатингизни ўқиб ниҳоятда хижолат чекдик, айниқса, келин болангиз бек ойимға қайси юз билан қарайман, деб юзини юлди. Бу одобсизлигини борғандан сўнг, албатта, юзинга солмаслар, деб ишонамиз” дейдир...” Бу гапларда ўзбекона муомала маданияти, арбобга хос ҳар қандай муаммони яхши тадбир ва яхши гап билан ҳал қилиш маҳорати яққол зухур кўрсатиб турибди. Ўғлини йўлдан қайтаргани, қудаларга хат ёзгани, аслида, ёлғон, ёлғон гапириш эса – гуноҳ, лекин дўйстларни яраштириш ва бошқа хайрли ишларда ёлғон гапириш жоизлигини Юсуфбек ҳам ҳожи, ҳам оила бошлиғи, ҳам давлат арбоби сифатида яхши билади. Ёзувчининг

маҳоратини унинг “билса ҳазил, билмаса чин” услубида ёзишидан ҳам кўрса бўлади. Яъни, ёзувчи Юсуфек ҳожининг ўз қудаларига хат ёзиб, уларни чақиргани ҳақиқидаги ёлғонини тасвирлаши орқали у буни эртадир-кечдир қилиши кераклигини таъкидлаяпти. Сабаби, Отабек Марғилондан уйланиб, тўғрироғи, Мирзакарим қутидорнинг уйига ичқуёв бўлганини билган Юсуфек ҳожи қудаси Мирзакарим қутидорга мурожаат қилиб, Кумушни Тошкентдаги уйга келин қилиб туширмаса-да, уларни чақириб танишишлари жоиз ёди-да. Яна шуни таъкидлаш жоизки, Юсуфек ҳожи Ўзбек ойимга қудаларини ҳам, келинини ҳам боплаб мақтаб турибди. Фараз қилинг, агар қудаларни Юсуфек ҳожи чақирмаганини, балки улар ўз ташаббуслари билан келаётганларини Ўзбек ойим билса, унинг кўнглида қудаларга нисбатан “ўғлимни менчиклаб олганлари етмаганидек, энди уйимга келиб ўғлимни зўрлик билан олиб кетишмоқчими?” ёки “чақирилмаган меҳмон” деган малоллик туғилмасмиди? Гапдаги “юзини юлди” ибораси туркий халқларга, хусусан, ўзбекларга хос имо-ишора бўлиб, уятни билдириш учун ўзбек бош ва кўрсаткич бармоғи билан юзини чимчилайди ёки бош бармоғи билан юзини силайди. Қайнона ва келин ўзаро тил топишиб, иноқ яшашлари учун энг асосий шарт – келиннинг ўз қайнонасига кўнгилчанлиги, юмшоқ-ювошлиги, камсуқум-тийиқлиги, андишалилиги, ширинсўзлиги, қисқаси одобли-оқиласилиги ҳисобланади. Юсуфек ҳожининг ўз келинини одобли-оқила қилиб кўрсатиши қайнона кўнглини мумдек эритади-да, “Ўзбек ойим эрига анқайғанча қараб турар эди”. Ўзбек ойимнинг обрў-эътибор, мартаба, шуҳратга ўчлигини жуда яхши билган Юсуфек ҳожи қудаларини мақташни кучайтиради: “Қайси уйни бўшатдирсақ экан?.. тuya сўйиб чарлаганингда ҳам келмайдирган кишилар!” Бу гаплардан кейин Ўзбек ойим бу томондан у томонга –

бир юз саксон даражага оғади. Жумладан, “Узоқ, яқин хотинларнинг “Хой, Ўзбек ойимнинг марғилонлик келини ҳам келибдур, худди түтининг боласи эмиш...” деган сўзлари эшитилгандек бўлди... Шу чоғқача Зайнабга ялиниб, ялпоғланиб кун кўриб юрган бўлса, мундан сўнг бир қўша келинни ўзининг оёғлари остида ялиниб юрган ҳолда кўрди...” Хуллас, “уч йиллик гина ва адсоват ўрнига ниҳоятда олий марҳамат ва меҳрибончилик келиб ўтирган эди”. Натижада Ўзбек ойим тағин ташаббусни ўз қўлига олиб, эрига таклиф қиласди: “Ҳар нима бўлганда ҳам, теги нозик, – деди ойим, – иззати учун шу уйимизни бўшатиб берамизми?” Юсуфбек ҳожи нима дерди, тилакка етилгач, қўноқ кутишга, тўй-маърака тадбирларини уюштиришга уста хотинига “Ўзинг биласан” дейди-да!

Қадрли меҳмонларини яхши кутиб-кутлаб олишга ўғли руҳан тайёрланди, хотини ҳам, мана, таппа-тайёр, энди иккинчи келини Зайнаб қолди. Шунинг учун ҳожининг “Зайнабка ҳам бу хабарни ётиғи билан айтиб қўямизми?” деган синовчан саволига Ўзбек ойимнинг берган тўрс жавобини қаранг: “Сиз билан мен бир ишни мувофиқ кўрганимиздан кейин, Зайнабга чикора!” Шу гапнинг кетидан муаллиф тушунтириш беради: “Мундан уч дақиқа илгари саодати учун тиришилган орзулиқ Зайнабнинг оқибати ҳам шу бўлиб қолған эди”. Бундай қутимаган ўзгаришни “оғмалик” дейиш ҳам камлик қиласди, аслида. Бунда қайнонанинг ўз келинига тўла эгалик қилиш ҳисси кўзга яққол ташланади. Қолаверса, қайнонанинг келинлари орасидаги соғлом рақобатни ўзи билиб-билмай ёқлаётганини ҳам кузатиш мумкин. Юсуфбек ҳожи хотинининг жавобидан ҳам қониқмайди, ҳам чўчийди. Зайнаб кундошини очиқ юз билан кутиб олишга руҳан тайёр бўлмоғи керак! “Қош қўяман деб кўз чиқарадиган” хотинига бундай нозик

ишини ишониб бўладими?! Шунинг учун у хотинига насиҳат қилгач, Зайнабни чақиртиради. “Ўзбек ойим Зайнаб билан Отабекнинг кутилмаган равишда очилиб сўзлашиб ўлтурғанлари устидан чиқиб қолди”. Бу ҳам бежиз эмас. Тасаввур қилинг, бу ёқда Юсуфек ҳожи хотинининг, у ёқда Отабек хотинининг кўнглини овлаб, бўлажак учрашувга тайёрлашяпти. Ўзбек ойимнинг Отабек ва Зайнабга “Ўғил-қизнинг кенгашими?” деган киноясидан камида икки маъно англашилади. Биринчидан, Ўзбек ойимнинг ҳақиқатдан ҳам чала-думбуллиги, дангалчилиги, тап тортмаслиги. Иккинчидан, у иковига, айниқса, Зайнабга қуруқ гапда эмас, амалда ҳаракат қилиш керак деган ҳам кесатик, ҳам насиҳат, ҳам огоҳлантириш қиляпти. Сирасини айтганда, Ўзбек ойимни, ёзувчи таърифлаганидек, чала-думбул эмас, балки ичидан пишган содда-муғом-бир деса бўлади. У ўзини содда қилиб кўрсатади-ю, лекин аслида муғомбирона мақсадларни кўзлайди. Бу борада, эҳтимол, у сиёsatдон эридан қолишмайди. Бу дунёда ҳар бир мавжудоту маҳлуқот жуфт-жуфт қилиб яратилган. Ҳар бир жуфтлик ўзаро бир-бирини тўлдириб, бир-биридан куч-кувват олибгина қолмай, бир-бирига ҳар жиҳатдан мос ва ўхшаш бўлади. Масалан, қуёш билан ой, ер билан осмон, кун билан тун ва ҳоказо. Шундай экан, Юсуфек ҳожи билан Ўзбек ойим ҳам нафақат бир-бирларини тўлдирадилар, балки бир-бирларига ўхшайдилар ҳам. Униси ҳожи, художўй бўлса, буниси дуохон, домлажўй; униси давлат ишларида тўра-ю сўзамол бўлса, буниси оилада ўзига хониму сергап; униси оғир-босиқ ва ўйчан бўлса, буниси енгилтабиат ва ўзбилармон; униси халқнинг кўз ўнгидаги атоқли арбоб бўлса, буниси элнинг кўз ўнгидаги донгдор кайвони... Одатда ҳар қандай асарда ҳар бир қаҳрамоннинг биринчи айтган сўзи ёки амали унинг бутун дунёқарашию феъл-атворини кўрса-

тади. Қайнонасининг саволига жавобан Зайнабнинг кулимсираб “Шунақаға ўхшайдир, ойи! Ўғул-қизнинг кенгаши худди шу кунга йиғилиб қолған экан” дейишидан бир қанча маъноларни уқса бўлади: зоҳиран кулиб турса-да, ботинан йиғлаётганини; неча вақт ўзини олиб қочган эри худди шу кунга келиб кутилмагандек очилиб гаплашиб қолганини; кута-кута сабр-бардоши тугаётган келин ўзининг ўғил-қиз кўриш истагини шартакиларча очиқ-ойдин айтиётганини; ўғил-қиз кенгашини эрининг раъига қараб шу кунгача “йиғиштириб” (тўхтатиб, четга суриб, ортга ташлаб) келганини... Сўнг Ўзбек ойим ўғлига томдан тараша тушгандек шундай насиҳат қиласиди: “Иккаласига бир пардан кўйлаклик ол! Бирини паст, бирини баланд қилма, бу хотининг бўлғанда, ул ҳам кўз очиб кўрганинг...” Ўзбек ойимнинг чинакам қайноналарга хос одилона ва оқилона бу гапининг маъносини Ота-бек бироздан кейин англаб етади-да, ойисининг Кумушга оғганидан, тўғрироғи, ҳар икки томонга ҳам ён босаётганидан кўнгли жойига тушади. Ўзбек ойимга эргашиб чиққан Зайнабга Юсуфбек ҳожининг “Болам, Зайнаб, биз Марғилондаги опанг кўчини олиб келмакчи бўлдиқ... Сен шунга нима дейсан?” дея берган биринчи синовчан саволига Зайнаб эсанкирайди. Ўзбек ойимнинг айтган бояги гапларини англаб, “дўст душман ёнига ўтди” (яъни қайнона кундош ёнига ўтди) дея хулоса чиқаради. Зайнаб “Мен нима дер эдим...” деб анқовсираганида, “яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи” деганлариdek, Юсуфбек ҳожи саволини аниқлаштиради: “ул келган чоғда эгачи-сингилдек бўлиб кета оласанми?” Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, деб ҳисобловчи ҳожига Зайнаб “Бўлиб кетармиз...” дея муғомбirona гап қайтаради. “Хўп бўлади, отажон. Сизни уялтириб қўймайман”га ўхшаш ижобий-келишимли жавоб беришнинг

үрнига илондек тўлғониб, тутқич бермаётганидан унинг асл қиёфаси мана мен деб турибди. Юсуфбек ҳожи анойи эмас, “Эгачи-сингил бўлиб кетарсиз-а?” дея бурч ва жавобгарликни келини елкасига юклаб тинчланмоқчи. Лекин шунда ҳам Зайнаб “Билмадим...” деб тониб чиқади. Юсуфбек ҳожининг үрнида жizzакироқ одам бўлса, бу гап-сўзлардан аччиқланиб келинини койиб-қарғаб юбориши ҳеч гап эмас. Лекин Юсуфбек ҳожи босиқ ва зийрак одам сифатида келинини тушунишга ҳаракат қиласди: “Нега тағин билмай қолдинг?” Шунда Зайнаб бурро-бурро жавоб бериб нафақат қайнотасини, балки ўқувчини ҳам ақли балолиги ва топқирлиги билан қойил қолдирса, ажабмас: “Қарс икки қўлдан чиқадир, мен яхши бўлғаним билан опам ёмон бўлса, ҳозирги берган ваъдамдан нима фойда бўлсин...” Юсуфбек ҳожи ҳам бўш келмай “Жуда тўғри гапирдинг, болам, сендан олған ваъдани ундан ҳам оламиз” дея оқилона хукм чиқаради. Зайнабни ҳам тушунса бўлади: у ўз ҳақ-хуқуқини билади, қачон сабр қилиш кераг-у, қачон тадбир қўллаш кераклигиди ҳам билади, у содда-муғомбирликда қайнонасидан қолишмайди, зеро қайнона кўра-кўра ўзига ўхшаганини танлаган-да. Шу пайт Ўзбек ойим гапга аралашиб: “Зайнаб сиз ўйлаған келинлардан эмас, худоға шукур, ақл-хуши бошида”, – дейди. Унинг бу гапини ҳам ижобий, ҳам салбий маънога йўйиш мумкин: ўз келинини ҳимоя қиласяпти, унинг айтган гапларини оқласяпти; ўз келинига “ўзинг ақллисан, яхши келинсан, вазиятни тушунгин” дея насиҳат қиласяпти. Юсуфбек ҳожи қинғир талқиннинг олдини олиб, адолат мувозанатини тиклайди: “Бошқа гапларни кўнглингга келтурма, қизим! Марғилонлиқ келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ, иккавларинг ҳам боламизнинг қўшоғи – боламиzsиз!” Қайнота-қайнонасининг шунча куйиб-ёниб гапирганларига “Хўп, мен рози” деган

маънода бир нима дейишнинг ўрнига “бошини ирғатиб қўйди”. Зайнабнинг мана шу чучмал сўзлари ва чакки қилиқлариданоқ унинг ичимдан-топ феъли, писмиқлиги, “ичидаги оласи” аён кўринади.

Шундай қилиб, Юсуфбек ҳожи ўз бурчини қоийиллатиб бажарди: хотини ва келинини озми-кўпми тинчитди. Энди навбат Отабекка! Қайнотасигаки ўжарлик билан беандиша жавоб берган Зайнаб, эрига юз чандон ошириб тўнглик-тўрслик, араз-алам, инжиқлик қилиши табиий. Бу жиҳатдан ҳам у ўз эрини “ўғил-қиз ўстиришда уқувингиз йўқ” дея ёзғирган Ўзбек ойимга жуда ўхшайди. Отабек ва Зайнабнинг қизғин сухбатини ўқир экансиз, ҳар иккисининг дардларию қўрқувларини яққол тия оласиз. Отабекнинг “Нега чақирған эканлар?” деган саволига Зайнаб “Билиб туриб сўрайсизми?” дея пиchinг қиласди. Отабекнинг “Нимани билиб туриб?” деб анқовсираши Зайнабнинг жинини кўздирди-да, у “Марғилондан келадирган кишингизни...” дея баттар кесатиқ қиласди. Гап нима ҳақда кетаётганини тушунган Отабек “Бунда менинг ихтиёrim йўқ... Ҳамма ишни отам қиласлаётиди...” дея ҳам тўғрисини айтади, ҳам ўз кўнглининг майлларини яширишга ва Зайнабнинг кўнглига қарашга тиришади. Аслида унинг кўнглини билмоқчи бўлган Зайнаб “Отангиз қилсалар ҳам, сизнинг кўнглингиздагича!” дея муғомбирлик билан кўнглига қўл солади. Отабек яна “Нима кўнглимдагича?” дея анқовсирайди. Зайнаб аламиси келиб “Суйганингиз билан биратўласига қўшилиб олиш, албатта, сизнинг кўнглингиздагича...” дея кўнглига ошкора чанг солади. Қаранг, “ҳақиқат аччиқ” деганларидек, Зайнабнинг “биратўласига қўшилиб олиш” дея ҳам аччиқ гапга усталигини, ҳам унинг иши мана шу қўшилишга сергак қоровул эканини кўрсатади. Худди шундай қоровулликни шу пайтгача қора Ҳомид қилиб келди,

ҳатто биратўла қўшилиб олишгандан кейин ҳам се-
вишганларни ажратиб ташлай олди. Мана энди За-
йнаб бу қўшилишга олайганча кўз тикиб турибди!
Шундай экан, Отабек Зайнабга ўз кўнглини очишни
ҳам истамайди, ҳам бунинг оқибатидан қўрқади. Гап-
ни чалғитиш учун “Мен уни суюманми?..” деб анқовси-
райди. Зайнаб “Албатта суюсиз...” деб баттар бурчакка
қисганида Отабек “Янглишасиз!” дея тониб чиқмоқчи
бўлади. Зайнаб навбатдаги аччиқ гапини айтади: “Хеч
янглишмайман! Сиз уйланишдаёқ уни суйиб олған-
сиз, мени бўлса... мен: ота-онангизнинг орзуларича!”
Лғуски, мана шу айтишувда Отабекнинг яна бир қи-
зиқ феъли кўринади. “Ҳақ бошни қилич кесмас” де-
ғанларидек, агар Отабек ҳақ гапни, яъни ҳақиқатдан
ҳам Кумушга кўнгли борлигини тан олиб, ўз муно-
сабатларини аниқлаштириб олганида эди, тақдир-
лари бутунлай бошқача бўларми эди. Отабек бу ишга
ботинмай, бир ёлғондан минг ёлғон тўқиб, Зайнабни
алдамоқчи бўлади. Ахир, “касални яширсанг, иситма-
си ошкор қилар” деганларидек, эртадир-кечdir Зай-
наб мана шу ёлғонлар ўзига нисбатан хиёнат экани-
ни тушунмайдими?! Отабек ёлғонга ёлғонни улайди:
“Бошда... суйиб уйланганим сиз айтганча тўғри, аммо
ҳозир ундоғ эмас!” Зайнаб бунга, табиийки, ишонмай-
ди-да, терговни баттар кучайтириб, нега ўзини хотин
ўрнида кўрмаслиги сабабини сўрайди. Ва ниҳоят, но-
чор қолган Отабек ўзининг мизожи заифлигидан уя-
лишини айтади. Зайнаб “Менга сизнинг мизожингиз
керак эмас... Ўзингиз!” дея йиглаб ёлборган ҳолда Ота-
бекнинг қучоғига ўзини ташлайди. Отабек унинг шу
қадар юрак дарди борлигини биринчи марта билади.
“Бечора Зайнаб – жонсиз ҳайкални ўпиб қучоқлар ва
ёлборар эди”. Ўйлаб қаралса, кейинчалик Кумушнинг
бўйида бўлгач, Отабекнинг ёлғони ўз-ўзидан фош
бўлади ва бу Зайнабнинг қонини қайнатиб, эсини бут-

кул оғдиради. Энди, келинг, Отабекнинг тутган йўлини англашга уриниб кўрайлиқ: унинг бу қизиқ феъли – Кумушни севмаслиги ҳақида ёлғон гапиришга нима мажбур қилди? Инсонда ишқ-муҳаббат, нафрат, ҳасад ҳислари каби рашқ-қизғаниш ҳисси ҳам ўта кучли бўлади. Отабек Зайнаб билан турмуш қурганига икки йилдан ошган бўлса-да, жонсиз ҳайкал бўлиб ундан бирон марта ёлчитиб кўнгил сўрамагани учун Зайнабнинг юрак дардини эшишиб ҳайрон қолди. Энди тасаввур қилинг, у Кумушни севишини тан олса, Зайнабдаги ишқ-муҳаббат ҳиссига рашқ ва нафрат ҳислари қўшилиб, эртага Марғилондан келган Кумушни ўз алангасида куйдириб кул қилиши тайин-да. Шундай экан, худди Юсуфбек ҳожи “Марғилонлик келин билан сенинг бизга ҳеч бир фарқларинг йўқ” деганидек, Отабек ҳам худди шу гапни такрорлашга мажбур. У Кумушни ўз вақтида Ҳомиддан қўрганидек, энди Зайнабдан қўришга мажбур. Йўқса, Зайнаб Ҳомиддан беш баттар аламзадага айланиши ва ҳар бало қилиши мумкин. Демак, Зайнабнинг дарди Ҳомиднинг дардидан минг карра хавфлироқ...

“Қудаларни кутиб олиш” деган қутлуғ номли еттинчи бобда қизғин тайёргарликлару меҳмонларни кутиб олиш жонли тасвиранади. Ўзбек ойимнинг кичик қудаси Моҳира ойим, унинг қизи Хушрўйбиби билан келини Ҳанифа, қолаверса, қўшнилар Карима отин, Шарофат чевар, Маҳина бону, хуллас, “ўн чоғли хотин бўлишиб совутмачоқ дастурхонга ўтириш” ганларида у айтган қўйидаги гаплар нафақат қайнона кўнглидаги фахр-ифтихор, мақтаниш иштиёқи, балки, айни чоғда, ўзи ёниб турган оловга билиб-билмай қўшимча саржин қалаштириши ҳамдир: “Бечоранинг бори-йўғи пешанасидаги боласи шу бизнинг келинимиз. Отабекни ўз боласидан ҳам яхши кўриб, “ўғлим бўлса шундоғ бўлар эди-да, мендан кейин ҳамма

давлатим шуники, илоҳи омон бўлсин!" дер экан". Бу аёлнинг оқибатини билиб-билмай мақтаниб айтган гаплари тингловчилар, айниқса, қудаси Моҳира ойим билан унинг катта қизи Хушрӯйбиби қалбida қандай туйғулар (бахиллик, алам, рақиблиқ, кеккайиш,...) уйғотиши аниқ! "Билса ҳазил, билмаса чин" дегандек, Моҳира ойим "Ҳа, айланай қуда... қарс икки қўлдан чиқадир, деганлар... Бузоқ яхши бўлса, икки онани ҳам эмар экан..." деб ҳам қудасига, ҳам куёвига асқия қиляпти. Ўзбекча асқия санъати сўз ўйинига таянган бўлиб, унда бир сўз, изора ё гап билан бир неча (устки ва остки) фикрлар уқтирилади-да, ундан кичик бир маънони англаса, катта бошқа маънони англайди. Масалан, Моҳира ойимнинг "қарс икки қўлдан чиқадир" ибораси ҳам Ўзбек ойим билан Офтоб ойимни (устки маъно), ҳам Ўзбек ойим билан Моҳира ойимни (остки маъно) англатади. Яъни, Моҳира ойим Ўзбек ойимга ҳам "Ҳа, энди, сиз билан Офтоб ойим бирга ўғил-қизларга бош-қош бўласизлар-да" демоқчи, ҳам "Ҳа, энди, менга боқиб оқибатли бўлсангиз, мен ҳам сизга жим қараб турмайман-да" демоқчи. Худди шундай у куёви Отабекни яхши бузоққа ўхшатяпти. Яна бу ерда гап қайси оналар (яъни, она ва қайнонами ё икки қайнонами) ҳақида кетаётганини англаш тингловчига боғлиқ. Хуллас, бу гапларининг тагида ҳам мақтов, ҳам алам, ҳам кесатиқ яширган. Ва ниҳоят, чўри Ойбодоқнинг "Келишганга ўхшайди" деганида хотинларнинг сўз-қилиқлари уларнинг кўнгилларини яққол кўрсатади: "Ўзбек ойим гапириб турган сўзини ярим йўлда қолдириб, ирғиб ўрнидан турди ва меҳмонлар ҳам унга эргашдилар. Зайнаб бўзарған ҳолатда уйига югуриб кетди. Ўзбек ойим бошлиқ хотинлар ҳавли юзасига тушдилар. Моҳира ойим қизи Хушрӯйнинг қулогиға нимадир шивирлаб кулиб қўйди". Ўзбек ойим марғилонлик азиз меҳмонларини кутиб олиш-

га ошиққаныда Моҳира ойим ва қизларининг, аксинча, тайсаллашлари ҳам, ҳатто Зайнабнинг очиқчасига қочиб қолиши ҳам бежиз эмас. Бу уларнинг безовта кўнгиллари-ю “қийшиқ ичаклари”ни кўрсатувчи деталлардир. Кумуш ўзбекона ибо-ҳаё билан уялиб ичкарига киролмай турганида Офтоб ойим қудаси Ўзбек ойимнинг ёнига келиб “Уялиб тургандир” деб кулади. Ўзбек ойим кулимсираб “Хой пошша келин! Бизлар кутиб қолдик-а, уялманг, болам!” деб чорлагач, сўнг яна Ҳасанали йўлакка қараб имлагач, “қип-қизарган ҳолда Кумуш кўринди...” Худди қўшиқда айтилганидек “Битта-битта қадам босиб ибо билан келибди, Келибди-ё келибди, ҳаё билан келибди”. Шундан кейин Ўзбек ойимнинг Кумушни “маҳкам қучоқлаб, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб-ўргилиши ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиғлаши” тилга олинади. Сезилиб турадики, бу чала-думбулгина эмас, ўта самимий-беғараз, дилидаги тилида аёлнинг йифиси фақатгина севинч ёшлари эмас, балки Марғилонда шундай гўзал келини бўла туриб, ёлғиз ўғлининг бошига кундошлиқ балосини орттирганидан афсус-надоматнинг ҳам ифодаси! Кейинги гапнинг тагмаъноси яна-да теранроқ! “Кутиб турган хотинлар, Моҳира ойим, Хушрўй ва Ҳанифалар Кумушни кўрган он бир-бирларига қарашиб лабларини тишлашдилар”. Қаранг, шу биргина гапнинг ўзида олам-олам маънолар чиқиб турибди. Биринчидан, кутувчилар иккига бўлиб кўрсатиляпти: бир томонда дўст-ёр хотинлар, иккинчи томонда Моҳира ойим бошлиқ душман-ағёр хотинлар. Иккинчидан, дўст дўстга, душман душманга қараб, ўзига қўлдош-ўйдош қидиради. Учинчидан, Кумушнинг ой юзини кўрган дўст-у душман лаб тишлайди. Луғатларда “лаб (тил) тишламоқ” иборасининг икки маънони англатиши кўрсатилган: “кутилмаган ҳодисага дуч келиб, нима дейишини билмай

қолмоқ”, “гапдан тийилмоқ”. Қолаверса, вазиятга қараб, бу ибора “ҳайрат бармоғини тишлади” ва “бурнини тишлади” каби ибораларга teng кучлидир. Демак, ой юзли Кумушни күрган дўст-ёр хотинлар ҳайратдан лол қолиб лабларини тишласалар, Кумушнинг кўз қамаштирувчи гўзаллигини кўриб-кўролмаган душман-ағёр хотинлар лабларини ҳам бурунларини тишлайдилар... Ўзбек ойим уйдан чиқиб келган Зайнабга имлаб “Қани, ўзинг тани-чи, ким экан бу!” деб сўраганига Кумушнинг “Зайнаб опам!” дейиши кўп маъноларни англатади. Аввало Зайнаб Кумушни кутиб олишга кечикиб чиққани унинг “нохуш келибсизлар” деганини англатади. Кумуш Зайнабдан ёши катта бўлишига қарамай, уни синглим эмас, опам дейиши унинг бағрикенглигини, уни ўзига яқин олишини ва тинчликсеварлигини англатади. Қолаверса, аслида ҳам Кумуш ёшроқ, Зайнаб каттароқ кўринадилар. Табиийки, меҳмонларни кутиб олиш маросимига, яъни, бутун бобга бу муҳим тадбирнинг бош уюштирувчиси Юсуфбек ҳожининг эзгу тилаклари, айтиш мумкинки, илоҳий бир мағиз бағишлайди: “Бизнинг Марғilonда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрған эканмиз-да! – деб теварагига қараб кулинди ва қўлини дуога очди. – Бизни шунчалик сийлаб келибсизлар, бу яхшиликларингиз биздан қайтмаса, худодан қайтсан. Оллоҳ таоло ёшларға тинч ва баракатлик умр берсин... Илоҳим тақаббул (қабул бўлсин) дуо...” Буюк эпосимиз хотимасида янграган “Бугун қадр кечалари!.. Бундай кунда кўнгли тўқлар, Ҳар ким бир-бирини йўқлар” хитоби ҳам яққол кўрсатиб турибдики, инсон қадрланган жойида азиз! Юсуфбек ҳожининг бу оққўнгил гаплари Ҳазрати Инсон шаънини, унинг қадр-қимматини, дарҳақиқат, илоҳий, самовий, осмоний юксакликларга кўтариб турибди. Кудалар ҳам, қудағайлар ҳам, эр-хотинлар ҳам – бар-

чалари бир-бирларини йўқлаб, қадрлаб, сийлаб турибди-да, ахир! Юсуфбек ҳожи чин кўнгилдан айтган эзгу тилакларнинг чўққиси, табиийки, келинлари Кумуш билан Зайнабга аталган: “Мен сизларнинг кўришиб турғанларингизни қўриб жуда қувондим. Мундан сўнг ҳам шу йўсунда бир-бирларингизга эга-чи-сингилдек бўлмоқларингизни тилайман”.

Бу гап айтишгагина осон! Гап, айниқса, кундошлиқ борасида кетар экан, Юсуфбек ҳожидек авлиёсифат нуроний ва руҳоний зотнинг тилаклари ҳам ҳамма вақт ҳам ижобат бўлавермайди. Аччиқ ҳаёт ҳақиқати-да бу, начора. “Зимдан адоват” деб номланган кейинги – саккизинчи бобдан то асарнинг сўнгги – ўн олтинчи бобигача бўлган нақд саккиз боб ана ўша кундошлиқ руҳиятини атрофлича очиб кўрсатишга моҳирона йўналтирилган.

Аввало шу ҳолни айтишимиз керакки, кундошлиқ руҳиятини ёзиб ҳам ёйиб кўрсатишда шу мавзуда қалам тебратган бошқа бирон-бир ёзувчи (на Ҳамза, на Чўлпон, на Ойбек!) Қодирий билан бўйлаша олмайди. Кундош қалбидаги қиттак тебранишларни ҳам илғаб тасвирлаш маҳоратида Қодирий нафақат қодир сўз санъаткори, балки, айни чоғда, қодир руҳшунос олим сифатида иш кўради. Айниқса, шу бобда тилга олинган Ўзбек ойим ва бошқа қаҳрамонларнинг ўзбекона урф-одат, расм-русумларга жонқуярлиги ҳамда ас-кияга уста эканликлари ёрқин мисолларда кўрсатилиди. Меҳмонлардан уялиб туриб қолган Кумушга Ўзбек ойим “Ийманма, Кумуш отин, бу кун-эрта бизга янги келинсан, учунчи кундан бошлаб сен муғам-бирнинг бошингда тегирмон юргизишни ўзим яхши биламан! Яна, ҳали сен маним собунимга кир ювиб кўрганинг йўқ!” дея барчани, ҳатто Кумушни ҳам кулдиради. Кулги-аския ҳам худди курашга ўхшайди, ҳар иккисида ҳам “кўтариб уриш”, “қарши қўйиш” усули

қўлланади. “Ийманма”, “Кумуш отин”, “янги келин” дея юксак ҳурмат кўрсатилиб, сўнг “муғамбир”, “бошингда тегирмон юргизиш”, “совунимга кир ювиб кўр” деб ерга уриляпти. Моҳира ойимнинг “Марғилондан етиб келгунча ҳам жуда бир ерга еткандирсизлар?” деган илмоқли саволига Офтоб ойим “Унча чарчағанимиз йўқ...” дея чап беради. Агар Офтоб ойим “Тўғри айтасиз, қуриб кетсин, йўл азоби – гўр азоби” йўсинида жавоб қилса, бу гапи қудаларининг кўнглига оғир ботиши тайин эди-да. Маҳинабонунинг “Йўл лойдир?” деган илмоқли саволига ҳам Офтоб ойим “Лой эмас, йўл жуда яхши экан...” деб яна чап беради. Кўйни сўйиш учун Ўзбек ойим Офтоб ойимдан фотиҳа беришини сўраса, Офтоб ойим Моҳира ойимдан сўраб мулозамат кўрсатади. Моҳира ойимнинг “фотиҳа бериш сизнинг ҳаққингиз, биз бўлсақ фотиҳани кўп берганмиз...” дейиши унинг ҳам мулозаматини, ҳам манманлигини кўрсатади. Ўзбек ойимнинг Кумушга суқланиб қарashi ва уни томоққа қисташида келинига нисбатан меҳрибонлик, маҳдиёлик, сехрланишни уқса бўлади. Ҳозирда “овқат”, “таом”, “егулик” сўзлари кўлланса, қадимда “томуқ” сўзи кенг қўлланганига ҳам эътибор беринг. Ўзбек ойимнинг “эшикдан киришингданоқ сансирай бошлиғаним учун хафа бўлдингми?” сўроғига Кумуш “Хафа бўлиш эмас, суюндин!” Офтоб ойим эса “Сансирашингиз уч йилдан бери Кумушни болам деб юрганингизни бизга очиқ онглатди. Айниқса, мен бунинг учун сиздан миннатдорман!” дейишилари она ва қизнинг нақадар оққўнгил ва хушмуомала эканликларини кўрсатади. Шу тобда Зайнабнинг “Мени ҳам чимилдиқдан чиқишим биланоқ сансираган эдилар...” дейиши ҳам кўп маъноларни англатади: Қайнона-келиннинг бир-бирига меҳри тобланиб қўяётганини кўролмаслик. Ўзининг ҳам келин эканини барчага эслатиш. Ўзбек ойимнинг

Кумушни чимилдиқдан чиққанида қутламаганини таъкидлаш... Лекин “касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласи” деганлариңдек, Зайнаб бу гапи билан ўзининг шумлигини кўрсатяпти: биринчидан, бу уйга остона ҳатлаб кирганида эмас, балки чимилдиқдан чиққандан сўнггина қайнонаси сансираганини билдирияпти, иккинчидан, чимилдиқдек муқаддас жойни тилга олиб ибосизлик, шартакилик қиляпти, қолаверса, Отабек жонсиз ҳайкал эканини Ўзбек ойим ҳам, китобхон ҳам яхши билгани учун англайдики, унинг бу гапи, аслида, фирт ёлғон! Ўзбек ойим таом ейишга қисталанг қилганида Кумуш: “Чарчадим шекиллик, иштиҳом бўғилғанға ўхшайдир...” – дея узр сўрайди. Шунда Ўзбек ойим “Иштиҳонг бўғилған бўлса чарчағанингники эмас, эрингни соғинганингники” дея яна асқия қиласи. Барча қатори Зайнаб ҳам кулади. Бироқ унинг кулгиси самимий эмас, таҳқиромуз, истеҳзоли кулги, албатта. Кумуш юзини четга буриши унинг уялишидандир. Кўнглида эса, у қайнонасининг заковатига таҳсин айтади. Худди Ўзбек ойим Кумушнинг хусни ва одобига мафтун бўлганидек, Кумуш ҳам қайнонасининг заковатига ва шўх-шодонлигига мафтун бўлади. Қайнона ва келин тил топиша бошлаганлари шу эмасми? Кудалар, келинлар ва уларнинг ҳамроҳларининг бир-бирларини синашлари, зимдан қилган баҳслари тасвирланган бу бобни “Зимдан адват” эмас, балки “Синов” деб номласа тўғрироқ бўлар, балки. Сўнг Ўзбек ойим қудаларига яна бир асқия қиласи: “Олинг, қуда, сиз, ёшларни қўяберинг, буларни йигит асраса, сиз билан мени томоқ асрайдир!” Яна гуррос кулги бўлади. Бу гал энди барча, хусусан, Кумуш ҳам, Зайнаб ҳам очиқ ва самимий кулишади. Бу енгил кулгидан сўнг Зайнабнинг янгаси Кумушга оғир савол ташлайди: “Бегингиз билан кўришмаганингизга қанча бўлди?” Яхшиям қутқарувчи она бор,

у “Уч ой, шекиллик” деб қизини қутқаради. Хушрүй эса, “Ха, бўлмаса, холам айтганлариdek иштиҳонгиз бўғилғани ўшаники” деб босимни кучайтиради. Яна жонкуяр она ёрдамга келади: “Жилла уники бўлмаса керак. Маним ҳам иштиҳом бўғилғандек...” Гап айлануб-айланиб бош қаҳрамон – бош айбдор Отабек қаердалигига, нега меҳмонларни кутиб олишга чиқмаганига келиб тақалади. Шунда Зайнаб “Эрталаб мендан уст тўйларини сўраған эдилар... бир жойда ишим бор, деган эдилар!..” деб зимдан Кумушни чақиб олади. Кумуш билан ойиси оғир аҳволда қоладилар. Уларни бу аҳволдан Ҳасанали қутқаради: “Қимизни куявингиз сизга киргизди!.. Кеча ҳожи унга иш буюрған эканлар... бугун эрталаб эсига тушиб, меҳмонлар келгунча бориб келарман, деб шунга кеткан экан...” Бу билан Отабек меҳмонлар келишига бефарқ эмас, балки отаси топшириғи билан юргани ва жон койитиб қимиз келтиргани англашилади. Карима отин “Кечирилмайдир...” деганига Офтоб ойим “Ўзимиз жуда чўллаб келган эдик, шунинг учун кечирдик!” деб куёвингиз ёни ни олади. Гаплардаги “чўллаб” сўзи замирига “соғиниш, дийдорга ташналиқ” маънолари, “қимиз” сўзи замирига “соғинчни қондириш, олқишлиш, дийдорлашиш” маънолари сингдирилган. Ҳасанали “Сиз-чи?” деб Кумушдан сўраганида, у “бақадек қотиб ўлтурган Зайнабка қаради ва уялинқираб “Мен ҳам кечирдим...” деб жавоб берди”. Бу билан Кумуш нафақат Отабекни, балки ўзини чақиб олган Зайнабни ҳам кечираётгани англашилади. Аввалги ҳолатларда душманларнинг оғир сўроқларига Офтоб ойим жавоб қайтарган бўлса, бу ҳолатда дўстнинг саволига Офтоб ойим ҳам жавоб қайтармайди-қайтаролмайди. Ҳасанали “Сизнинг икки бошдан кечиришингизни ўзим ҳам билар эдим” дея асқия қилгач, “бўғоз-қисир уй ичини қулги босди”. Асқияда яна “кўтариб уриш” усули қўлланяпти, яъни

Кумушдан “сиз кечирасизми?” дея унинг хурмати кўкка кўтарилиб, у “кечирдим” дегач, “у бошдан олиб қараса ҳам, бу бошдан олиб қараса ҳам, кечирмай қаёққа борардинг” дея унинг хурмати ерга уриляпти...

“Ҳожи этак силккан” деб номланган навбатдаги тўққизинчи боб асарнинг энг ихчам бобларидан бири. Унда тасвир аёллар гурунгидан эркаклар гурунгига кўчади. Давра тўрида, табиийки, энг қутлуғ меҳмон Мирзакарим қутидор, унинг ёнида маҳалланинг имоми Юнус Муҳаммад охунд, юрт оғаси Пирназар (собиқ) жаллод, Сотиболди отлиғ яна бир кекса ва ниҳоят, Отабек, Юсуфбек ҳожи, Ҳасанали – жами етти киши. Тўртинчи куни бўлиб ўтган қипчоқ қирғини устида сўз кетар экан, Юсуфбек ҳожининг давра аҳлига айтган аччиқ гаплари, қўпни қўрган билгамишнинг ҳар бири ҳикматга teng гаплари: “Мен биз халқнинг одам бўлишимиздан тамом умидимни кесиб қўйдим... Эсимни таниғанимдан бери амал демай, мансаб демай, фақат шу мусулмонлар манфаатини қўзлаб келиб, оёғида ўзини қушбеги, мингбоши олған уч-тўрт манфаатпарастлардан гўё ёш бола каби алдандим... Улулъамир бўлған киши ҳам шу манфаатпарастларнинг хароб фикрларига қулоқ бериб, биздек одамлардан бу тўғрида бир оғиз кенгаш сўрашни унуди. Ҳолбуки, Мусулмонқул балосидан уни нажотка чиқарғучиларнинг биттаси биз эдик. Натижада эрса, сўзи – сўз, кенгаши – кенгаш бўлғанлар шу уч-тўртта калла бузарлар бўлиб, бизга ўхшағанларнинг даражамиз ёш боладек алданиш экан... Шу кунгача бўлмағанларға бўлишмоқчи бўлиб умримнинг ниҳоятига етиб қолдим, бу соқол шу эл қайғусида оқарди. Бу қўнгил шу манфаатпарастлар таъсирида қорайди. Ёшим олтмиш бешка етиб, бир вақт бўлсин ибодатимни жаноби Ҳаққа бевосита йўналтирганимни ва қўнгил қўзим очилиб қилған саждамни хотирлай олмайман. Бу ал-

данишм эрса, Ҳақ тарафидан бир танбех, бўлмағанларға бўлишмоқчи бўлғаним учун бир киноядир. Энди мундан кейинги беш кунлик умрим дунё можароларидан этак силкиб, тўшаъи охират тадорикини қилмоғим учун ғанимат кўринадир!” Олтмиш беш йиллик умрнинг сўнгидаги бу аччиқ ҳаёт синовларидан келиб чиққан аччиқ хулосалар, баайни авлиёи киромларимиз Аҳмад Яссавийнинг “Ер остиға қочиб кирдим нодонлардин” ва Машрабнинг “Этагимнинг силкишидан юз минг ҳидо пайдо бўлур” ҳикматлариdek, чина кам авлиёсифат зотнинг донишмандона гаплари! Улар донишмандликда беназир халқимизнинг “Қари билганни пари билмас”, “Қарисини қадрламаган халқ хор бўлади”, “Оч бўри қарисини ейди” қабилидаги гаплари нақадар ҳикматли эканини яна бир карра чинлатиб тургандек гўё. Келтирилган узуқдаги халқона ибора – “калла бузарлар”ни олиб қаранг! Бу ўринда гап фақатгина калла оларлар – каллакесарлар эмас, ҳозирги атама билан айтганда “мафқуравий босқинчи”, яъни одамнинг онгини оғулаб, калласини гаранг қилгувчи бузгунчилар ҳақида ҳам кетмоқда! Юсуфбек ҳожининг бу астойдил иқроридан яна шуни ҳам англаш мумкинки, ҳар бир соҳанинг мутахассиси ўз ишини бажаришда укув ва яроқни йўқотдими, бас, ўз ихтиёри билан ишдан бўшashi тўғрироқ, бўлмаса ишдан бўшатилиши тўғри, йўқса ҳаммага кони зарар! Ўкинчилики, шўро тузуми йилларида кўплаб мансабдор шахслар касбий яроқлари талабни қондирмаса-да, ўн йиллаб мансабда ўтираверишарди, оқибатда юрт турғунлик, қолоқлик, тарқоқлик ботқоғига ботди. Ёзувчи ўз қаҳрамонини келажак авлод учун ўрнак қилиб кўрсатиб, тўғри мансабдор мана шундай бўлади, вақти келганда ўз ўрнини бўшатиб беришга журъати етади, демоқчи. Юнус Муҳаммад охунд ҳожига шундай таскин беради: “Эй ҳожи, ҳамма фасод улулъамир-

да, агар уулульамир дуруст одам бўлса, уч-тўртта муттаҳамнинг ёмонлиги ҳеч қаерға бормас ва бунча гуноҳсиз бечоранинг қони ўринсиз тўкилмас эди. Жаноби пайғамбари худо ҳадиси шарифларида айтадилар-ким: “Изо васад ал-амру ило ғайри аҳлиҳи фантизир ас-соата”, яъни ул сарвари коинот марҳамат қилурлар-ким, агар бир қавмнинг иши ноаҳил одамға топширилған бўлса, бас ўшал қавмнинг қиёматини яқин бил, яъни ҳалокатига муентазир бўл”, – деб. Қаранг, охунд, яъни ўқимишли, зиёли одам бирон қавмнинг тўзиш-тўзғиши-ю йитиб кетишига бош сабаб қилиб ноаҳилликни кўрсатяпти. Аввало шуни айтиш керак-ки, Қодирий охунд тилидан пайғамбари акрамнинг қутлуғ ҳадисининг арабчаси ва унинг шарҳини келти-рар экан, бу билан кўп асрлик илмий-адабий анъанага бўйсунган. Масалан, Рабғузийнинг “Қисас ул анбиё” асарида ҳам худди шундай усул, яъни арабча матн, сўнг унинг шарҳи берилган. Бундай усульнинг афзал жиҳати шундаки, ўқувчи ё тингловчи шарҳнинг қан-чалик тўғри бўлганини яққол кўра олади. Масалан, “ғайри аҳлиҳи” иборасини охунд “ноаҳил одам” дея шарҳлаган, бироқ, ўйлашимча, уни “ғаюр (ғайир) одамлар” дея шарҳлаш тўғрироқ бўлади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ғаюр (ғайир)” сўзи “бировни кўролмайдиган, рашқ қиласидиган, қизғанадиган; ёмонлик қилишни хоҳлайдиган, ичи қора” дея таърифланган. Ҳа, ичи қора, ичаги қийшиқ, нияти қинғир, кўнгли эгри одамлар ярамас, ноаҳил, бузғунчи бўлиб, ундейлар ҳар қандай қавмни ҳалокатга олиб борадилар. Шунинг учун халқ “Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетади”, “Олтоворлон ола бўлса, оғзидағин олдирад”, “Оила аҳил бўлса, омад ўз оёғи билан кела-ди” ва бошқа кўп ҳикматли гапларни бежиз яратма-ган. Юқорида айтганимиздек, Қодирий ўз қаҳрамони-ни “Юсуфбек ҳожи” деб атар экан, уни буюк “Кутадғу

билиг” муаллифи Юсуф Хос Ҳожибга менгзайди. Бу ўринда ҳам Қодирий ўз қаҳрамони – маҳалла имомини “Юнус Мұхаммад охунд” деб атар экан, уни 1784–1801 йилларда Тошкент ҳокими бўлган Юнусхўжага менгзайди. Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида шундай ёзилган: “Юнусхўжа ўзаро курашлардан толиққан рақибларини, жумладан, Туробхўжани енгишга ва 4 даҳани бирлаштиришга муваффақ бўлган... Тошкент давлати ташқи ва ички савдони ривожлантириш мақсадида олд томонида “Мұхаммад Юнусхўжа Умарий” деб ёзилган, сиртига лочин ёки йўлбарс тасвирлари туширилган ўз тангаларини зарб этиб, мустақил ички ва ташқи сиёsat юритган. Юнусхўжа, айниқса, Россия билан муттасил савдо алоқалари олиб бориш ва уни кенгайтиришга интилган... 1802 йилнинг кузиди Юнусхўжа вазири аъзам Муллажон Охунд Маҳзум билан Ашурали Баҳодир мингбошини Санкт-Петербургга элчи килиб юборади. Элчиликдан мақсад, фақат савдо алоқаларини кенгайтиришгина эмас, балки Россиядан қурол-яроғ, чўян ва мис рудаларини сотиб олиб, ўз ҳарбий кучини мустаҳкамлаш ҳамда Россиядан тўп қуювчи уста ва кончиларни Тошкентга таклиф этиб, бу ерда тўпчилик ҳунармандчилигини ривожлантириш ва конларни ишга солиш ҳам кўзда тутилган эди”. Кўряксизми, Юнус Мұхаммад охунд аҳиллик ҳақида гапирап экан, ўтмишда яшаган Юнусхўжадек фикрлайди ва бу фикрлари Отабекнинг рус идора усуллари ҳақидаги фикрларига жуда мос келади. Айниқса, Юнусхўжанинг юрт қўриғи учун ҳарбий куч-қудратни ошириш бобидаги фикрлари ҳамма замон ва маконлар учун ўта қимматлидир. Эҳтимол, Қодирий ўз қаҳрамони Юнус Мұхаммад охунд тилидан мана шундай фикрларни ўз асарида кўплаб билдирган-у, бироқ шўро тузуми қоровуллари у фикрларни ўтказмай, аёвсиз қисқартиргандир. Шунинг учун бу боб

бошқа бобларга қараганда анча қисқа ва түмтоқ бўлиб қолгандир... Пирназар жаллод "Ёмонларни битта-битта, териб-териб бош кесмасдан элни тинчтиш қийин!" деган фикрига ҳожи олдин шундай пичинг қилади: "Тўғри айтдингиз, жаллод! Бу тақдирда ёнингизда ўлтурған бизнинг ўғулни ҳам қўмакингизга чақира оласиз..." Отабекни "қип-қизил лавлаги"га айлантирган бу кинояниг мағзини яхшиямки қутидор ва Ҳасанаидан бошқа одам тушунмайди. Шу ўринда Афандининг битта латифасини эслаб ўтайлик: овда Афандининг камонда отган ўқи кийикка тегмагач, у вазирга "бу сизнинг отишингиз, жаноб" дебди, иккинчи ўқи ҳам тегмагач, подшоҳга "бу сизнинг отишингиз, олам-паноҳ!" дебди. Ниҳоят, учинчи ўқ кийикнинг туёғидан кириб қулоғидан тешиб чиққач (туёғи билан қулоғини қашиб турган кийикнинг икки аъзосини бир-бирига "михлаб" қўйгач!), икковига қараб "Мана буниси менинг отишим!" дебди... Юсуфбек ҳожи ўғлига киноясидан сўнг ўзининг шундай афандиларча самарали усулени қўллайди: "Бизнинг каттадан-кичигимизнинг топған-тутғанимиз фақат бош олиш... Биз ўйлаймизки, гўё бош олиш билан олам тинчийдир... лекин бунинг нозик шартлари бор: аввало манфаати шахсиясидан кечиб, фақат эл баҳти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслаки йўлида кузаткан маълум бир нишонаси бўлмоғи зарур... Йўқса, сизнинг бош олишингиз ҳам ановиларнинг қирғинидан фарқлик бўлолмас!" Ҳожининг гапидан англашиладики, эл баҳти учун курашувчи фидойилар жамоаси керак, бу жамоанинг нишонаси, яъни эл манфаати йўлидаги мағкураси, мақсади, дастури, қонуни, борингки, конституцияси – Бош қомуси керак! Ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни ўзида мужассам қилган арбоб Юсуфбек ҳожининг ҳикматли гаплари, айтиш мумкинки, ўзига яраша қутадфу битиги ва тузуги бу!

Боб меҳмондорчилик ниҳоясида Ҳасаналининг Отабекка ичкарига кириб чиқиши кераклигини айтиш билан тегишли якун топади.

Юқоридаги икки боб яна бир ёқдан алоҳида таҳсин ва ибратга арзиди. Маълумки, Юсуфек ҳожи Тошкентнинг энг обрўли ва бой-бадавлат кишиларидан бири. Олтмиш беш ёшида катта келинини уйига тушириб оляпти. Қолаверса, Марғилоннинг энг обрўли ва бой-бадавлат кишиларидан бири бўлган кудасини азиз меҳмон сифатида кутиб оляпти. Шундай бир пайтда бутун шаҳарга овоза қилиб, дабдаба билан минг кишига ош берса, бунга ҳеч ким ажабланмаслиги, ўзининг ҳам қудрати келиши аниқ эди. Йўқ, наинки бутун шаҳар казо-казолари, ҳаттоқи ўз қариндошларини ҳам овора қилишни маъқул кўрмайди-да, тегишли кишилар чақирилган тор даврада бутун диққатни ёлғиз ўғлининг баҳтли-саодатли, қўрли-қутли, ували-жували бўлишига қаратади. Унинг хон кўтарилиб, элга манзуру тилларда достон бўла оладиган янги бир қудратли давлат қуришидан аллақачон умидини узиб қўйган бўлса-да, бу ота олтмиш беш ёшида ҳали ҳам бўш келмоқчи эмас. Ўғлининг, ўғли бўлмаган тақдирда, туғилажак невараларининг ҳалқ баҳти ҳақида қайғура оладиган фидойи инсонлар бўлишидан умидини буткул узган эмас ҳали! Шу боисдан юқорида келтирилган дил сўзлари азиз меҳмонларидан ҳам кўпроқ ўғлига ва у орқали келгуси наслларга қаратилган ўзига хос тилак эканини англаш қийин эмас.

“Ҳасаналининг ҳийласи” деб номланган ўнинчи боб муаллифнинг “киши ортиқча қўрққанда гангид қолиши... бизни дунё баҳти кутганда, бизга саодат ба-шорати берилганда нега биз ўлим кутгандаги ҳолга тушамиз” деган ўйлари билан бошланиб, Отабек ҳам худди шу кейинги аҳволга тушгани айтилади. Ҳа, баҳтли одам қўрқади – ўз баҳтини йўқотиб қўйишдан, унга

күз тегишидан күркәди. Шунинг учун халқ “күз тегмасин”, “күзи ерга урсин”, “бало-қазодан арасин”, “күшганинг билан күша қари” деб тилак билдирап экан, турли күрчиловчи ирим-амаллар қиласы. Бобда Отабекнинг бахт қўриқчиси бўлган Ҳасаналининг ҳийласи, аслида қўрчиғи эпчиллик билан чизиб кўрсатилади. Мана, унинг узоқ айрилиқдан кейин Отабекка меҳмонлар билан қандай қўришиш бобида берган йўриғи: “Онангиз билан Зайнаб анови можароларингиздан хабарсиздирлар, буни қайин онангиз билан келинга ҳам уқтириб қўйганман. Улар билан сўрашиб-сўзлашганингизда, гўё уч ойдан беригина қўришмаганлардек бўлингиз!” Бу йўриққа юриш ўнгайми? Деярли уч йилдан бери юзлашмаган суюкли хотини билан учрашган чоғида ўзини гўёки уч ойдан буён қўришмагандек тута оладими сира?! Юраги чидай оладими бунга?!. Отабек шу андишасини унсизгина англатганида Ҳасанали ҳам дарров тушуниб, “ҳийла” ишлатади: Отабекни Кумуш билан овлоқда топиштиради! Агар Кумуш, юқорида бир неча бор уқтирилганидек, гўзаллигу жозибада тенгсиз-беназир ўзбек тилининг ўзига хос тимсоли бўлса, Отабек адабиётнинг – адибнинг тимсоли! Бу бош қаҳрамонга андазани ўзидан олганини муаллиф ҳам кўп бора уқтирган ва ҳатто, мазкур асар асосида бадиий фильм суратга олинмоқчи бўлганида ўзи Отабек ролини ўйнаш иштиёқини билдиранки, булар бежиз эмас, албатта. Ёзувчи қизғин қовушиши шундай жонли тасвиirlайди: “Отабек титрар эди. Бир оздан сўнг иккиси ҳам ўзларини бирмунча тўхтатдилар-да, бир-бирларига томон юришиб келдилар ва сўзсизгина қучоқлашдилар... Отабек сунбул исли соchlардан рух олар, Кумуш гўё унинг бағрига сингиб кетган эди”. Бу тасвири қайноқ илҳом оғушида турган чинакам ёзувчининг илоҳий саодат онларига ўзига хос кўзгу десак янглишмаймиз! Қани эди Отабек ва

Кумушнинг бу севги достони “улар эзгу тилакларига етиб, қўрли-кутли яшадилар” дея шу ерда тугалланса-да, ўқувчи ҳам суюниб кўнгли тўқ қолса! Қани энди илоҳий илҳом онлари ҳеч қачон тугамаса! Начора, ўқувчи “уларнинг баҳтларига кўз тегмасин-да, охири баҳайр бўлсин-да!” деган тилак билан бу достонни ўқишида давом этади. Кумушнинг “Сиз қочқосиз!” деган кесатиғига Отабек “Сиз қувлоқсиз!” дея кесатади. Бу билан нафақат Отабекнинг Марғилондан Тошкентга қочиб, Кумушнинг қувиб келгани кўзда тутиляпти, балки бу сўзлар худди ошиқ-мошиқ, кун-тун, ер-осмон каби жуфтликка ишора қиласпти. Агар “Лайли” сўзининг маъноси “кеча”, “Мажнун” сўзининг маъноларидан бири “ёлқин, аланга” эканини ҳисобга олсангиз, Отабек ва Кумуш айнан Лайли ва Мажнун, яъни, кеча ва кундуз каби ошиқ-маъшуқлар экани англашилади. Бунинг устига, “қувлоқ” сўзининг ўзаги “қув” жуда пурхикмат сўздир. Бинобарин, Кумушнинг “қув”, яъни “айёр” (маликаи айёр) эканлигига ишора ҳамдир. Бу ўзак сўздан ясалган “қувноқ” сўзи Кумуш табиатан қувноқ эканини, “қувонч, қувонтириш” сўzlари унинг ташрифи Отабекни қувонтирганини ва бошқа кўп маъноларни ҳам англатади. Қолаверса, Отабек ўзининг нафақат қайнотаси томонидан, балки Кумуш томонидан қувланганига (Кумушнинг кинояли хати, бошқага турмушга чиқаётгани ва б.) ҳам нозик ишора қилмоқда. (“Қувлоқ” сўзининг туб луғавий маънолари ҳақидаги тўлиқроқ билимларни каминанинг “Кўзларга тўтиё сўзлар” китобчасидаги (“Маънавият” нашриёти, 2013) “Қувлоқ” деб аталган жажжи бадиадан олсангиз бўлади).

Хўш, қувлаган одам қувланган одамни тутганида нима қиласди? Тўғри, жазолайди. Кумуш ҳам “Ажаб қиласман” дея эрининг юзига шапалоги билан секингина уриб қўйиши орқали ҳам жазолаган бўляпти, ҳам но-

зу-карашма қиляпти. Отабек ҳар қандай оғир жазога күнгилли бўлгани учун “Бу ёқقا ҳам...” дея ювошлик билан иккинчи юзини тутади. Кумушнинг “У ёқقا Зайнаб урсин!” деганида ҳам эрини тушуниш ва ке-чириш, ҳам уни иккиюзламачиликда айбситиш маънолари бор. Бу нозик ишораларни тушунган Отабек ҳам “Зайнабнинг... уришга ҳаққи йўқ!” дея ўзининг иккиюзламачи эмаслигини, юзи ҳам, юраги ҳам ёлғиз Кумушга аталганини, унга чинакам ёр деб қарашини уқтиради. Ўзининг севилишини билган Кумушнинг кўзида қувонч ўйнайди-да, у қувларча “Мана бўлмаса!” дея Отабекнинг иккинчи юзини кафти билан се-кин силайди. Бундан ҳам “Зайнабни хафа қилманг” деган койиш, ҳам “сизни севаман, сиз ҳам мени севинг” деган рағбат англашилади. Кумушнинг “Бироннинг фамида куйиб қаридим...” гапи, худди сўфий шоир ўз ёрини васф қилиш орқали худога бўлган ишқига ишора қилганидек, унинг “биров” дея биру-бор севгилиси Отабекка ишора қилаётганини англатади. Гапдаги “ғам” сўзи севги, айрилиқ, соғинч ва бошқа дардларни ифодалайди. Отабек “Бекор айтасиз... Мени айтсан-гиз тўғри”, дер экан, ҳам Кумушнинг у учун ҳамиша ёш ва гўзал ёр бўлишига, ҳам ўзидағи дард-аламларга ишора қилмоқда. Кумуш “Сизними? Сиз энди қир-чиллабсиз!” дея уни қирчиллама йигитга ўхшатади. Отабекнинг “Аммо сиз... Кейин айтаман...” деган сирли гапларига Кумуш ўпкалаб “Айтинг ҳозир!” дея қиста-ланг қилганида, “Отабек жавоб ўрнида Кумушнинг юзидан ўпди”. Бу билан у “сиз ой юзлигимсиз, менинг Кумушойимсиз” демоқчи, албатта... Кумушнинг ку-либ Отабекнинг юзига ураг экан, “Бизнинг овлоқда кўришканимизни ойим ва Ҳасанали отамдан бошқа ҳеч ким билмайдир, айниқса Зайнабнингиз билса яхши эмас” дейишида тортиниш, ибо-ҳаё, эркалик-ноз, ко-йиш, огоҳлантириш, қувлаш каби бир неча маънолар

бор. Тасаввур қилинг, байни Яссавий ҳазратларидек ғаюр кўзларни шамғалат қилиб, улардан холи хилватда учрашиб-тиллашиб турган тил билан адабиёт! Бу "хийлаи шаръий"ни ўюштирган зот эса, том маънодаги тутинган ота, яъни, пири муршид!..

Ана энди, чексиздек туюлган айрилиқдан сўнг, чекли лаҳзаларга бўлса-да, дийдорлашиш баҳтига эришган икки ошиқ юрак бир-бирининг тафт-қўрини олишди. Отабек "энди тамом ўзини босиб олган ҳолда... Кумушнинг уйга кириб олиши фурсат ўткандан кейин, уйдан чиқди ва парвосизча меҳмонлар ўлтурган уйга борди. Унинг келишини ўз уйидан кўрган Зайнаб юргурганча Отабек орқасидан меҳмонлар олдиға кирди". Гапдаги "парвосизча" сўзи "сир бой бермай, гёё Кумуш билан учрашмагандек, гёё Кумушни қаттиқ соғинмагандек, гёё Кумушни кўришга ошиқ-маётгандек..." маъноларини англатади. Аввалги "... Зайнабнинг дарди" бобидан маълумки, Отабек Кумушга бўлган чексиз севгисини ёмон кўзлардан, айниқса, Зайнабнинг жоду эмас, жодугар кўзидан имкони борича яширишга мажбур. Отабекнинг ортидан эргашиб кирган Зайнаб "Мана биз биргамиз!" деган фикрни меҳмонларга уқтиришга тиришяпти. Қолаверса, уч қаҳрамоннинг уйга кириш кетма-кетлигига (олдин Кумуш, кейин Отабек, сўнг Зайнаб) ҳам ўзига хос имо-ишора бордек. Яъни Зайнаб Отабекни дейди, бироқ Отабек Кумушни! "Отабек Офтоб ойим билан кўришди... Офтоб ойим уни қучоқлаб юзидан ўпди ва кўзига ёш олди... Сўнгра кичкина қайин онаси билан, Зайнабнинг опаси ва бошқалар..." Отабек ўзбек удумига кўра аввал катта, сўнг кичик қайноаси билан кўришяпти. Эътибор беринг, ёзувчи "Офтоб ойим" ва "қайин она" дейиши орқали Отабекнинг унисини ўз ойисидек, бунисини қайин онадек кўришига ишора қиляпти. Офтоб ойимнинг кўзига ёш олиши

нафақат унинг меҳри дарё инсон эканини, күёвини ўғлидек кўришини, балки куёви чеккан қийноқларга ҳамдардлигини, қизининг баҳтини деб курашгани учун миннатдорлигини, суюнишини кўрсатади. Бу кўз ёшларнинг маъноларини унинг яқинлари ҳамда азиз китобхонлар англайдилар, холос. Отабекнинг ҳамма билан кўришиб-сўрашиб бўлганидан кейингина Кумушга (кулимсираган ҳолда!) "эсонмисиз..." деб кўйиши, Кумушнинг ҳам "шукур" деб кулиниши... улар фақат "душман кўзи"гина эмас, балки, айни чоғда, Пир билан Онадан ўзга ҳеч ким билмайдиган сирни биладиган сирдошларнинг қойилмақом суратлари! Шундан кейинги тасвир яна-да тиникроқ! "Сўрашиш тамом бўлғандан кейин ўлтуришдилар. Отабек онасининг ёниға, Зайнаб унинг ёниға ўлтурдилар. Кумуш Зайнабнинг бу қилиғиға ғижиниб бир-икки қайта ер остидан унга кўз юборди". Кундошларнинг ҳар бир қадамларини азбаройи кундошни куйдириш учун пухта ўйлаб босишлари-ю бир-бириларининг қадамларини пойлаб яшашлари – шу аччиқ ҳаёт ҳақиқати тасвирининг бошланиши бу! Давра сухбати асносида Ўзбек ойимнинг "Қимиз киргузиб қайн онангнинг оғзини ҳўлламағанингда, нах балоға қолиб эдинг, болам!", Карима отиннинг "Кумушой бўлса, сен эримни яширгансан, деб Зайнабнинг энка-тенкасини чиқарди" деган учириқ гаплари Отабек ўртага ташлаган пиchinг савол ("Нега Зайнаб семиз-у, Кумуш озғин?!"") га ўта табиий йўсинда уланиб кетади. Бу саволга жавоб берган асқиячилар Ўзбек ойимнинг жавоби ("Кумушинг ўзингга ўхшаш серфикр кўринадир, Зайнаб бўлса менга ўхшаш қувноқ!"), Карима отиннинг жавоби ("Бундаги фарқни Юсуф-Зулайҳо қиссаларини ўқуған киши биладир... Уч ой деган фурсат озғина вақт эмас. Кумушхонимнинг озғани соғинишники"), Зайнабнинг онаси Моҳира ойимнинг жавоби ("Зайнабнинг озғани соғинишники")

наб қувноқ, Кумуш эса менинг кўзимга ҳам серфирга ўхшаб кўринадир") – буларнинг ҳеч бири Отабекни, яъни муаллифни қониқтирумайди. Ана ўшанда Карима отин, модомики Карима отин бўлганидан кейин, ўзича ҳақиқатга яна-да яқинроқ деб билган бошқа бир жавобни айтади: "Қизил гулнинг ҳам ўз олдиға, оқ гулнинг ҳам ўз олдиға иси бор, демакчи!" Бу гап кўпчиликка ёқиб тушади, фақат Отабек "тополмадингиз, тополмадингиз" деганча уйдан чиқади.

Отабекнинг, яъни, муаллифнинг айнан нима демоқчи бўлгани – нега Зайнаб семиз-у Кумуш озғинлиги "Кумушнинг сўз ўйини" деб номланган ўн биринчи бобда оидинлашади. Ҳамма гап Зайнабнинг "Ичимдагини топ!" дейдиган даражада ичидан пишган писмиқлиги ва шунга боғлиқ равишда андак танбал-хомсемизлиги, Кумушнинг эса, аксинча, очиқ-ёриқлиги, дилидагиси тилидалиги, ҳазил-мутойибага мойиллиги, қувноқлиги, яшовчанлиги, ўйчанлиги, қўйинг-чи, худди Отабек каби, ҳар ёқдан ҳавас қиласа арзигулил баш қаҳрамон эканлиги! Мана, асосий сабаб мана шунда!

Олти ярим бетлик бу боб Кумушнинг сўз ўйинига қанчалик усталиги ва умуман, ўзбек тилининг ифода кўлами қанчалик чексизлиги, бу тилда ҳар бир сўз байни кумушдек жаранглаб туришини яққол кўрсата олади. Айни шу жиҳатдан, худди асар бошларидағи ариқ бўйида ўтирган Кумуш тасвири билан шайхзода Отойининг "Ул санамким, сув яқосинда паритеқ ўлтурур" дея бошланган ғазалидаги ўхшашлик каби, Кумушнинг сўз ўйини билан, айниқса, Отойи ғазалларидаги сўз ўйинлари ўртасида ажиб бир уйғунлик бор! Сирасини айтганда, ўзбек тилининг беқиёс жозибаси ва ифода қудрати, хусусан, ундаги ҳар бир сўзнинг сеҳргар таёқчаларидек эмин-эркин ўйнаб-ўйноқлаб туриши жиҳатидан мумтоз адабиётимиз намоянда-

лари орасида Отойининг ўрни бўлакча, бу шеърият ҳаттоки халқона оҳанглар янграб ёки тарагиб турган Яссавий, Бобур ва Машраб шеъриятларидан ҳам бўлакчароқ! Худди шундай, замонавий адабиётимизда, айниқса, Абдулла Қодирий асарларининг тили!. Унинг нақадар кўркамлиги мана шу “Кумушнинг сўз ўйини” бобида манаман деб кўриниб туриби.

Зиёфатдан сўнг меҳмонлар тарқалишгач, меҳмонхонада тўрт нафар эркак – ҳожи, қутидор, Ҳасанали ва Отабек, ичкари уйда уч нафар аёл – Ўзбек ойим, Офтоб ойим ва Кумуш ўзлиги-ўзи қолишиди. “Зайнаб ўз уйида уймаланишиб ётар ва меҳмонларни Ўзбек ойимнинг танҳо ўзига ташлаган эди”. Фурсатдан фойдаланган содда-муғомбир Ўзбек ойим қудасига “Мен сизлардан жуда хафа бўлған эдим. Сизларни чурук латтаға туғиб, токчаға ташлаш даражасига етган эдим. Наҳотки уч йил бўлса-ю, бир йўли ўз билгуларингизча келмасаларингиз. Ўғлим бечора ой ўтмасдан бўзчининг мокисидек қатнаб турса...” дейа ўпкалайди. Тўғри-да, Офтоб ойим қизини қизғанмай, шу олиб келишини аввал-бошда олиб келганида эди, эҳтимол, Ўзбек ойим Кумушнинг сехр-жодусига ўшандаёқ мафтун бўлиб, ўғлига босим қилмаган, демакки, барчаларининг тақдирлари бутунлай бошқача бўлар эди. Гўё ёзувчи мана шу фикрни ўқувчига зимдан уқтираётгандек. Ўзбек ойим ҳасратини давом эттиради: “Ахир, маним ҳам ўзимга яраша обрўйим бор, Тошканда кимсан, Юсуфек ҳожи деганинг қўчиман, Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб бизга меҳмон бўлдилар... Күшбегининг уй иchlари бўлса бир ишни маним кенгашимсиз қилмайдирлар... Шундай обрў кўрган бир киши, келиб-келиб наҳотки ўз қудасидан ва келинидан мунчалик обрўсизлик кўрса. Шаҳардаги каттадан-кичик эртаю кеч қулоқ-миямни ейдирки, ҳой марғилонлиқ келинингиз келдиларми, нега шундоғ келинингиз бўлатуриб

Марғилонға ташлаб қўйибсиз?..” Бу гапларни эшитган-үқиган одамнинг Ўзбек ойимга раҳми келса керак. “Келин” деган қадим туркий сўз “келмоқ” феълидан ясалган экан, эр келиннинг уйига эмас, келин эрнинг уйига келиши керак-да. Модомики, Офтоб ойим қизини Тошкентда муқим яшашига қўйиб юбормас экан, ҳеч бўлмаса қизини худди шундай бир ойга бўлса ҳам қайнонасига олиб келиши, қизининг ўз келинлик бурчини адо этишига йўл бериши шарт эди-да. Айниқса, Отабекни ўз ота-онасига билдиримай уйлантирган Мирзакарим кутидор билан Офтоб ойим, тиллари қисиқ бўлгач, қудалари олдига бош эгиб келишлари яхшироқ эди-да. Мана шундай ҳолатларда “кенгашли тўй тарқамас” деган халқнинг ҳикматли гапи қанчалар тўғри эканини узил-кесил билади киши. Аслида, вазиятни ўнглаш учун Офтоб ойимга бир эмас, икки қулай имконият берилган эди. Агар Юсуфбек ҳожининг ўз ўғлини иккинчи бор уйланишига изн сўраб ёзган хатига кутидор билан хотини кўнмай, зудлик билан Кумушни Тошкентга олиб келганларида эди... Эҳтимол, ўшандаги барчалари кенгашиб энг адолатли йўлни топган бўлишарми эди! Эҳтимол, ёш келин-куёв бир муддат Тошкентда, бир муддат Марғилонда ўzlари ҳам баҳтиёр, ота-оналари ҳам баҳтиёр яшашарми эдилар!.. Хуллас, Офтоб ойимнинг орзу-ҳаваси Ўзбек ойимнинг орзу-ҳавасидан ҳеч ҳам қолишимайди. Ёзувчининг маҳорати ўқувчини мана шундай ўй-мулоҳаза юритишга ундашидир. Ёзувчи ҳаётдаги муаммони бадиий тасвирлар экан, ўқувчини бу муаммога ўз ечимини топишга ундейди. Масалан, камина ҳам бир ўқувчи ўрнида асардаги бош муаммонинг яна бир ечимини ҳар бир оиласда камида икки бола туғилишида деб биламан. Нега? Аввало, ота-она кексайганларида қаровсиз қолмасинлар. Қолаверса, аҳоли ўсиши учун, ўзидан кўпайиши учун оддий арифметика шуки, ота-она дунёдан ўтгач, ўрни-

га икки боласи қолса, аҳоли сони ўзгармайди, иккидан кўп боласи қолса, аҳоли сони ўсади, шундай эмасми? Шарқ давлатлари, хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг кескин ўсишида ҳам, ғарб давлатларида аҳоли сонининг кескин озайишида ҳам халқларнинг болажон-болапарварлиги бош омил эмасми? Ўзбекистон президентининг БМТ минбаридан туриб дунё ёшларининг истиқболи ҳақидаги куйиб-ёниб айтган гаплари ўзбек халқининг нақадар болажонлиги-болапарварлигини яна бир карра бутун жаҳонга намойиш этди. Илоё кўз тегмасин!..

Уйга Отабек киргач, “Офтоб ойим билан Ўзбек ойим улар олдида ўлтиришни эб билмадилар-да, сирлашиш учун бошқа уйга чиқиб кетдилар”. Гапдаги “улар” – Отабек билан Кумуш, “сирлашиш” нафақат ўзларига, балки “улар”га ҳам тааллуқли. Ёзувчининг бир сўз билан кўп фикрни уқтиrolадиган сўз санъаткори, сўз заргари экани шундай мисолларда аён кўрилади. Тушунган одамдан ўргилсанг арзийди, ана энди айрилиқ ўтида куйиб-қоврилган юракларни севги булоғида жонлантириш учун висол онлари келди! Буни ҳар икки она нақадар теран ҳис қилди ва икковини холи қолдириб чиқиб кетишиди-я. Ўғил-қизларининг неча ойлаб, ҳатто йиллаб Лайли-Мажнун каби қийналганларини кўриб-куйган икки она буни яхши тушунишади, эҳтимол, мевасидан мағзи ширин, дея неваралик бўлишни орзу-ҳавас қилишади, лекин... “Уларнинг чиқиб кетишини кутиб турғандек, қўлиға бир чойдиш чой кўтаргани ҳолда Зайнаб кирди ва Отабекдан чой ичиб-ичмасини сўради. Отабек ичмайман, деб жавоб берган эди, Кумуш ораға тушди: “Мен ичаман, ўзингиз ҳам ўлтуринг!” Мақсади чой олиб кириш бўлса, қайнонаси ичкарида ўтирганида олиб киарди, пировард мақсади чой баҳона икки севишганинг орасига тушиб тўғаноқ бўлиш. Бу ерда “чой”нинг кўчма –

рамзий маъноси ҳам бор. Отабек рад қилган “чой” аслида “ишқ майи” бўлиб, у бу “чой”ни Кумушнинг қўлидан ичишга муштоқ. Отабекнинг инкори Зайнабнинг кўнглига оғир ботишидан чўчиб ҳамда кундоши, яъни кўнгилдоши Зайнабнинг кўнглига йўл топиш учун Кумуш унинг “чой”ини ичиш истагини билдиради, яъни “ишқ майи”ни “дўстлик, эгачи-сингиллик майи”га айлантиради. Тасаввур қилинг, агар Отабек ичмайман деганидан кейин Зайнаб “Узр, сизларни безовта қилдим” дея чойини кўтариб ортига қайтиб кетганида ҳеч гап йўқ эди. Ана ўшанда Кумуш “Мен ичаман” демаслиги ҳам мумкин эди. Лекин бундай демаслик меҳмоннинг мезбонга, кундошнинг кундошга илтифот-сизлиги бўлиши аниқ эди. Зайнаб эса, “ўзингиз ҳам ўлтуринг!” деган илтифотга жавобан “унча қистат-масдан, ўлтириб Кумушга чой қуйиб бера бошлаш”-нинг ўрнига “Мана, чойни икковларингизга қолдираман” деб ортига қайтганида, бу ҳам мезбоннинг янги меҳмонга илтифоти – ўзбекона муомала маданияти бўлиши аниқ эди! Лекин у бундай қилолмади! Бундай қилишни юраги кўтармади! Кўзга тушган чўпдек бўлиб икки ўртага ялпайиб ўтириб олди! Бу ҳолатларни кузатган ўқувчи Кумушнинг фаросати ва андишасига, Зайнабнинг бефаросатлиги ва танбаллигига гувоҳ бўлади. Уч ой эмас, уч йил ҳатто юзини кўрмаган Отабеги билан холи қолишга маънан ҳақли бўлса-да, Кумуш бағрикенглик қилади, аксинча, Зайнаб, гарчи меҳмонхонада ётиб юрган бўлса-да, ҳарқалай, ўтган уч ой мобайнида ҳар куни кўриб-кўришиб турган Отабекни бир онга ҳам Кумушга бериб қўйишини истамайди. “Бетамиз тўрини бермас” деганлариdek, ялпайиб ўтириб олиши унинг Отабек айтгандек “семиз” эмас, “тепса тебранмас тўнка” лигини кўрсатади. Кумушнинг навбатдаги “Менинг бало-қазодек етиб келишим учун хафа бўлгандирсиз?” деган синовчан саволига

Зайнаб “Нега хафа бўлай! Сиз келмаганингизда ҳам ўзлари борар эдилар...” дея яна қовун туширади. “Хуш келибсиз, қайнота-қайнонам ҳам, хўжайиним ҳам хурсанд бўлишди” деган маънода сўзлашнинг ўрнига, “келиш-келмаслигингиз, эрим узоқ йўлга овора-сарсон бўлиши, ота-онаси қайғуришларининг менга фарқи йўқ” деган маънода гапириши унда на фаросат, на хушмуомалалик маданияти борлигини кўрсатади. Зайнабнинг калтафаҳмлигини билган Кумуш, “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” дегандек, ўзининг сўз ўйинини бошлайди: “Бормас эдилар! Мен билан уришиб келган эдилар!.. аразимизга бир тўнғуз сабабчи бўлған эди!.. яқинда ўшани бир бек ўлдирибдир?.. Ўша бекнинг ҳақига эшиткан кунимдан бери дуо қилиб келаман... Ўша тўнғуз уйланмакчи бўлиб маним бир ўртоғимға совчи қўйиб юрар эди... Мен эрса ўртоғимни унга тегишдан айнаткан эдим. Айнатишими ҳалиғи тўнғузнинг қулоғига етиб мени бу кишига чақибдир. Бу киши бўлса нега биравнинг ўртасиға тушасан, деб мендан хафа бўлдилар... айб бизнинг орамизға чўп бўлиб тушкан холамнинг қизи Зайнабда... холам Зайнабдан шикоят қилиб, ҳамма гапни Ҳомид чўчқанинг қулоғига еткизгучи ўз қизи Зайнаб гумбаз бўлғанини бирма-бир айтиб берди... Зайнаб гумбазда ҳам айб йўқ, менга қолса ҳамма гуноҳ бек отам билан хон ойимда!.. Ҳалиги мен айткан ўртоғимнинг отаоналари... Орзу-ҳавас қидириб бечора қизларини қаритиб қўйдилар!.. Киши давлат учун эрга теккандан ерга тексин... Бизнинг уришиб қолишимиз учун Карим сандиқчининг ҳам дахли бор!.. Нега ўйламай-нетмай эшигига бош уриб келган бир йигитни қувлаб соладир?.. ҳаммаси худонинг тақдири!.. Икки ўртада дум қидириб қулоқдан ҳам ажralган пучук ойимнинг ҳоли ҳам худонинг тақдири!” Кумушнинг бундай сўз ўйини – гап тагидаги гапларига Зайнаб тушунмаса

ҳам, Отабек билан ўқувчи яхшигина тушунади. Бу сўз ўйинида бефаросат-лақма одамларни жазолаш ҳам, уларни фикрлашга ундаш ҳам бор. “Ўткан кунлар” ро- мани билан “Алпомиш” достони ўртасида бир қанча ўхшашликлар борлигини аввал ҳам айтган эдик. “Ал- помиш” достонида Қалмоқ юргидан қайтган Алпо- мишининг ўзини “Култой” деб танитиб, бир чеккадан ўлан айтишиб дўст ва душманларини синаганларини эсланг. “Култой” Ултонтознинг энаси Бодом бикач билан ўлан айтишгани ёдингиздами? Бодом бикачнинг тилини олаҳақقا чўқиган, соқовтоб бўлишидан ташқари, у ўз ўрнини-ҳаддини билмайдиган аёл эди. “Култой” Бодом бикачни ўлан айтишда енггач, девон- беклар “Култой” билан Барчинойни ўлан айтиштира- дилар. “Култой” “Ултонтозга текканча, Ўл Барчиним, ёр-ёр” деса, Барчин “Ултонтозга текканча, Қора ерга тей дейсана, ёр-ёр” дея жавоб қайтаради. Эътибор бе- ринг, достонда Ултонтоз Алпомишнинг хотини Барчи- нойга, романда Ҳомид Отабекнинг хотини Кумушойга зўрлик билан уйланмоқчи. Унисида Барчиной “Ултон- тозга текканча, қора ерга тей” деса, бунисида Кумуш “эрга (Ҳомидга) теккандан ерга тегсин” дейди. Униси- да Ултонтознинг энаси тили пучук Бодом бикач бўлса, бунисида Кумуш айтган пучук ойим Ҳомидга энага- лик қилган Жаннат... Эҳтимол, Зайнаб бу ердаги “гап тагида ғап, коса тагида нимкоса”ни мутлақо тушун- майдиган ғалча-бефаросат ҳам эмасдир, лекин, ҳамма гап шундаки, у кундошини “Сиз нималар деяпсиз?” дея “тилидан тутиб ололмайди”. Кетма-кет савол бе- риб “масала”ни аниқлаштиришга бехуда уринади, хо- лос. Кумуш эса, ўз “чўпчаги” билан уни баайни қўлида- ги урчуқ каби ўйнатади! “Чўпчак”да Зайнаб мутлақо кўрмаган-бilmagan Ҳомид кабилар ўз отлари билан бемалол “сайр қилаверади”, лекин у кўрган-билган “Мирзакарим кутидор” “Карим сандиқчи” сифатида

тилга олинади. Шундай қилиб, тагдор имо-ишора бевосита Зайнабнинг ўзига келиб тақалади! “Зайнаб кейинги сўзларга тушуна олмаған, шунга кўра Кумушдан изоҳлар олмоқчи эди. Кумуш унга изоҳлар уюшдиришни хоҳламағанликдан сўзни четка чалғитиб юборди”. Яъни, “Неча ёшга кирдингиз, Зайнаб опа?” қабилидаги кетма-кет саволлари билан уни буткул гарангситиб, ўзи шундай ғолибона якунга келади: “Сиздан, албатта каттаман”. Шундан кейин муаллифнинг, яъни, Отабекнинг сўз ўйини якунига доир изоҳи келади: “Кумушнинг “албатта каттаман” деган сўзини Отабек ичидан тасдиқлади, унинг хусндағина эмас, ақлда ва бошқада Зайнабдан неча баравар юқорида эканини ўйлади”. Кумуш ўзининг Отабекнинг катта хотини эканига ҳам ишора қиляпти, албатта. Шунинг учун ҳам у учовларига шу биринчи кеча тақсимотини фаросат ва андиша билан қойиллатиб бажаради. Натижада на Отабек, на Зайнаб, на Офтоб ойим Кумушни ёлғизлатмай, у билан ётиб қолмайди. Кумушнинг таклифи шундай: Зайнабниса Отабек билан ётсин, лекин ўзининг ёлғиз ётиб қолганини улар ойисига ҳам, отасига ҳам билдирмасинлар. Бу тақсимотдан Зайнаб суюна-суюна ўз уйига чиқиб кетади, бироқ Отабек индамай чиқиб кетишга кўнгли бўлмайди. Унинг Кумуш ёнига бориб “Сиз...” дейиши ва Кумушнинг “Мен?” дейишида ошиқ ва маъшуқсанинг юраклари оҳу нола қиласиди. Отабек “Сиз кувсиз...” деганида ҳам Кумушнинг қув-айёрглигига, ҳам ўзининг тагин қуввланаётганига ишора қиласиди. Кумуш “Мен қув эмасман! Мен ҳали уришиғлиқ ҳолдаман, ярашқаним йўқ!” дейдики, бунда ҳам ноз, ҳам қочирим бор. Отабек унинг Зайнаб олдидаги “сўз ўйини”дан сирлари очиладими деб жуда кўрқсанини айтганда Кумуш “Мен сиз билан ўткан ишлар ҳақида сўзлашмоқчи бўлиб тураг эдим – ўзи жўрттага кириб келди. Мен ҳам

сўзимни тўхтатмай жўрттага бошқа йўлда айтиб чиқдим” дея ўзининг “сўз ўйини”га моҳир ҳамда довюрак эканини, айб ичи тор Зайнабда эканини англатади. Отабекнинг “Аниқ қўрқмайсизми ёлғиз?” деган саволига жавобан Кумуш “Ҳамроҳим бор... Ҳамроҳим бирорвнинг хаёли, бирорвнинг фикри” дейиши уни бир нави тинчлантиради. Кумушнинг “Чиқинг... уйқум келди” дейиши, Отабекнинг “зўрғагина ўрнидан туриши” қувиш-қувилиш эмас, вазият тақозоси, ғаюр кўзлардан ҳимоялаш-ҳимояланиш. Бу ғаюр кўзлар кўп ўтмай ўзини кўрсатади. Даричадан кўринган Зайнаб: “Ҳали ҳам шу ерда экансиз, мен сизни ташқариға чиқфансиз деб ўйлабман...” – дейди. “Зайнабнинг “ҳали ҳам шу ерда...” сўзи билан Кумушнинг кўзи уйқудан очилиб кетган эди... Отабек эшикни ёпиб чиқди”. Кумуш Отабекнинг ўзини севишига ишонса-да, қундоши Зайнабга ишонмайди. Худди ўтмишда Ҳомид уларни айириб минг қийноқقا согланидек, ҳозир Зайнаб уларни айирмалаб бошлайти. Ҳомид норасмий айирмачи, устига устак, ҳар қалай, эркак эди, Зайнаб эса, расмий айирмачи, бунинг устига, “макри минг туяга юк бўладиган” хотин! Эрининг кўнглига қарашнинг ўрнига, унга “Ҳали ҳам шу ерда экансиз” дея ошкора хўжайинлик, ҳатто ўзига хос қистов-зўрлик қилишига Кумушнинг уйқуси учиси, юраги сиқилиши, Отабекни аяб, қундошидан қизғаниши табиий, албатта. Кумушнинг уйқусини ўчирган куч – ўзининг чексиз бағрикенглигига жавобан Зайнабнинг чексиз зиқналигидир. Уч ой эмас, қарийб уч йиллик айрилиқдан сўнг “ниҳоят, қайта топишдик, қайта қовушдик” деганда яна айрилиқ азоби Кумушнинг уйқусини ўчирмасинми!..

Айни шу “Кумушнинг сўз ўйини” бобини етмиш йиллик ўзбек шўро адабиётининг бошидан кечирганларини ўзида акс эттириб турган тошойна десак

бўлади. Зотан, Абдулла Қодирий ва Чўлпондан бошлаб то, дейлик, Саид Аҳмад ва Шароф Бошбековга қадар ўнлаб буюк сўз санъаткорлари кундошдан беш баттар ҳар бир қадамни кузатиб турган пойлоқчи-исковичларнинг ошкора ўқрайиб қарашлари ва сиқув-босимлари остида уларнинг ақли етавермайдиган “гап тагида гап, коса тагида нимкоса”, “сўз ўйини”, “мажоз” деган қудратли қурол ёрдамида кўрки, ясови ва ифода йўсинлари чексиз тилимиз орқали ўз ўқувчилари ва ўз эли билан тиллашиб-сирлашмадими?! Мазкур бобдан ва умуман, мазкур асардан келиб чиқадиган энг аччиқ хулоса шуки, миллий Адабиёт ўз миллий Тилига эга, миллий Тилнинг кўнгилдоши-кундоши ҳам, куйинчаги-куйдургиси ҳам, боли-оғуси ҳам ўзга Тил – ўзлашма Тил!.. Айниқса, ҳозирги глобаллашув шароитида ҳеч бир ўзлашма тил ўзак тилни – ўзбек тилини заҳарлаб ўлдирмаслиги керак! Тил масаласида ҳар икки “кундош”га Зайнабнинг зиқналиги эмас, аксинча, Кумушнинг бағрикенглиги керак! Лекин бағрикенгликнинг ҳам чек-чегараси бор! Бошга чиқарип тили қисиқлик қилиш тўғри эмас!.. Қодирийнинг айтмоқчи бўлган гапи, кўнглидаги тилаги мана шу. Мехрибон ва раҳмли Тангрига шукрки, Қодирийнинг ҳам, ўзбек элининг ҳам қутлуғ тилаги ушалди – Ўзбекистон давлати ўз тили бўлмиш ўзбек тилига 1989 йилда ва ўз эркинлигига 1991 йилда эришди. Қора Ҳомиду Зайнаб қиёфасидаги қизил мафкуравий тил ва адабиётлар ўтган-кечаги кунларда қолиб кетди! Ҳар қандай кенг юракни торайтириб, эгасининг уйқусини ўчириб, кўнглини қора қилган қоп-қоронғу кечалар, ялдо кечалари тугаб, ёруғ кундузлар бошлангани ҳақрост бўлсин илоё!..

Айни шу “сўз ўйини”дан сўнг, худди ўйиндан ўт чиққанидек, кейинги ўн иккинчи боб “Кундаш – кундашdir” деб аталиши бежиз эмас, албатта. Номидан

ҳам кўриниб турибдики, нафақат ушбу асардаги, балки, умуман, ўзбек адабиётида кундошлик руҳияти энг ёрқин очилган боб бу!

Олдинига ҳаммаси гўзал бошланади. Кумуш назоқати, шириңсўзлигию меҳрибонлиги билан нафақат суюкли ёри Отабекни кучлироқ ошуфта, балки оз вақтда ардоқли қайнота-қайнонасини ҳам ўзига буткул мафтун-маҳлиё қилиб қўяди. Натижада Юсуфбек ҳожи ҳанг-манг бўлиб, “бу одам фарзанди эмас – фаришта!” деб таърифлайди. Ўзбек ойим келинини кўргани келган меҳмонларга “маним чин келиним Марғилонда эди-да” дея мақтанади. Эрини овлоқроқда учратиб қолганида “алҳазар, ўғлингиздан – уйланган хотинини қаранг!”, “Рост, бу келиннинг хуснидан ҳам бошқа яна тағин бир алоҳида хосияти борға ўхшайдир!” дейди. Ҳатто “Ойбодоққа исириқ тутатдириб аввало Кумушка, ундан кейин кўнгли қолмасин деб Зайнабка солдирар, агар Отабек кўриниб қолса, уни ҳам қуруқ қолдирмас эди”. Ҳожининг қутидорни ҳар куни “мухлисларидан бирининг уйида меҳмон” қилиши, Ўзбек ойимнинг Офтоб ойимни ўтқазгани жой тополмай, қуда сўзи ўрнига синглим деб ўзига яқин олиши ҳам Кумушга мафтун-маҳлиёликнинг оқибатидан, албатта!

Ўн беш кун мобайнида юзбоши ойимдан тортиб, понсадбоши, кўрбоши, то ўрда ойимларгача казо-казо меҳмонларини Офтоб ойимга бир чеккадан танишириб чиққан Ўзбек ойим, аксинча, меҳмон бўлиш таклифларига биноан “шонли юриш”ини Нормуҳаммад қушбегининг хотини Сорабек ойимнидан, яъни ўрдадан бошлайди. Ана ўшанда Кумуш дабдурустдан “Мен ҳам бораманми?” деб сўрашдан ийманиб, “Зайнабнингиз ҳам борадими?” деб қайнонасидан сўрайди. Ўзбек ойим “Зайнаб бир марта бориш бўлса борган” деб жавоб берганидан кейингина “Мен-чи?” деб сўрашга ботинади. Қайнонанинг бу саволга жавобида

Кумушни ардоқлаш ҳам, фахрланиш ҳам, тақаббурлик ҳам, қызғаниш ҳам, суқ күзлардан асраш ҳам – ҳаммаси бор! “Сен Тошканддаги Юсуфбек ҳожининг келини бўласан, болам! Чорламаған жойга бориш учун сенинг кафшинг кўчада қолған эмас!”...

Хуллас, ўша куни Отабек қаёққадир от миниб кетган, қудаларнинг аёллари – ўрдага, эркаклар – Солихбек охундинг Кўкалдош ҳужрасига меҳмонга кетган, энди ҳайҳотдек ҳовлида уч аёл – Кумуш, Зайнаб ва Ойбодоққина қолиб туришибди! Ўзбек ойим Ўзбек ойим бўлганидан кейин, ўзини кузатиб чиқсан келинларига “Икки кундаш уйда опа-сингил бўлиб тинч-иноқ ўтиринглар” деб эмас, “Икки кундаш уйни холи топиб тағин юлишманглар! Ойбодоқ, сен кундашлардан ха-барсиз қолма!” деб тайинлайди. “Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейди” деганлариdek, Ўзбек ойимнинг мана шу гали худди “ана холи қолдинглар, энди юлишинглар” деб қутқу қилаётгандек гўё. Кумуш ҳам, табиийки, Кумушбиби бўлганидан кейин, қайнонасилининг киноясига киноя қиласди: “Мени ташлаб кетканнингиз аламини Зайнабдан олмасам, кимдан олай?” Сўнгра Зайнабдан сўрайди: “а, юлишамизми?” Шалдир-шулдор қайнона билан балойи оғат кундошга қўшилиб ҳазил-хузул қилишни писмиқ Зайнабнинг юраги кўтарадими! Аксинча, усиз ҳам сиқилиб турган юраги баттар тораяди-да, шунинг учун бу саволга жавобан лом-мим демайди.

Уйга қайтиб кирганларидан кейин, табиийки, кундошининг қилифидан Кумушнинг кўнгли хира тортади. Муаллиф Зайнабгина эмас, Кумушда ҳам кундошлиқ ҳиссининг туғилиб чечак оча бошлаганини шундай батафсил тасвирлайди: “Зайнабнинг ҳасадини кўзғатмас учун Отабек билан муомалада қилған эҳтиётлари заррача фойда бермаганига ҳайрон, энди қайси йўсинда муросани созлаш йўлини

ўйлар эди. Ўн беш кун ичидаёқ бунча кескинлашган Зайнабнинг ички адоватининг бир ойда қайси дарражаларга бориб етишини ўйлар ва муроса бу ҳолда кетган тақдирда бу уйда узоқ қола олмасини фаҳмлар эди. Лекин бу уйдан чиқиб кетишни, бир-икки ойлаб Отабекни Зайнаб қўлига топшириб қўйиши яна мувофиқ кўрмас, яъни Кумушда ҳам бир қизғончиқлик ҳисси уйғонган. Фикри шу ерга етганда қайси куни дир Отабекнинг Зайнабга бошқачароқ қилиб кулиб қарагани ва Зайнабнинг шу вақтдаги ойдек жозибали тўла юзи кўрингандек бўлди... Бу кўринишдан сўнг у сакраб ўрнидан турди-да, токчадаги ойнани олди ва ўзига қаради..."

Аёл қалбida кечеётган руҳий жараёнлар, кўнгил эврилишларининг гўзал бадиий таҳлилини кўрингки, яқиндагина сўз ўйинида қозонган ғалабасидан сўнг Зайнабга "Сиздан, албатта, каттаман!" дея фахрланган аёл... энди бу катталикни фазилат эмас, нуқсон деб, ўзини қариб қолган, Зайнабни эса ёш деб ҳис қилмоқда! Бир пайтлар Отабекнинг иккинчи хотини ҳақида кўзгуга боқа туриб ўйлаганида "Гўзал бўлса ҳам холи йўқдир" дея овунган эди. Энди кўзгуга боққанида узукка қўйилган кўздек холи ҳам юпатолмайди. Мана шу ерда руҳшунослик фанида кашфиёт деса арзийдиган яна бир гап келтирилади: "Маълумки, киши ойнага боққанда нечоғлиқ айбсиз бўлса ҳам, ўзини бир камчилиги орқалиқ кўрадир. Шунга ўхшаш бир қарашда Кумуш ҳам ўз-ўзидан рози қолмади. Шаҳло кўзлар, ўсиқ жинггила киприклар, қундуз қош ва қора холлар ва бошқа латофатлар ўзига писанд бўлмадилар..." Сирасини айтганда, айниқса, аёл зотининг табиати шундайки, ўзининг чиройда тенги йўқлигини билса-да, унга гўзал эканини қайта-қайта айтишса-да, у кўзгуга боққани боққан. Боққанда ҳам ўта синчковлик билан боқади, митти нуқта, митти ажин кўрса,

уни йүқотишига-яширишга тушади. Ҳатто, баъзида ҳеч қандай гард-ғубор бўлмаса-да, кўзларига қўша кўриниши, кўнгли тўлмаслиги мумкин. Бунда айб, табиийки, гўзал юз ё қоматда эмас, балки етарлича таърифу тавсиф эшитмаган қулоқлар, севги ва меҳр туймаган кўнгилларда. Энди нима қилсин, кўнглига юпанчни тағин қайдан қидирсан? “Ойнани токчаға қўйиб, Зайнабка чинлаб ҳасадланган ҳолда келиб бояғи ўрнига ўлтурди”. Табиийки, ўйларини келиб тўхтаган жойидан давом эттириди. Энди холидан эмас, “у мени сўйса бўлди-да” деган ўйдан ўзига тасалли-таскин топгандек бўлди, лекин... Зайнабнинг тўлган ойдек юзи бу севилишга ҳам тез орада барҳам берадигандек туюлди. Шундан кейин “унинг ҳусн кучини синамоққа қарор бериб ўрнидан турди”.

Зайнабнинг “ҳусн кучи” деганда унинг Отабекни ўзига тортиш-жалб қилиш хунарлари, сўзлари, хатти-ҳаракатлари тушунилади, албатта. Демак, Зайнабнинг айни мана шу кувватини синаш зарур. Кумуш ўзига етгулик қув-қувноқ эмасми, дарича ёнида тўппи тикиб ўтирган Зайнабга “Хорманг, зерикмай ўтирибсизми?” йўсинида жўн гап қилмайди, эҳтимол, Зайнаб тўппини Отабекка тикаётганини англаб ичи қизийди-қизғанади, шунинг учун у “Ойим айткандек, сиз билан юлишқали келдим!” деб қармоқ ташлайди. Мақсади – Зайнабни руҳий мувозанатдан чиқариш, яъни жаҳлини чиқариш, токи у кўнглини ёрсин – кўнглидагини тўкиб солсин. Отабекни қанчалик яхши кўришини-ю, Кумушни қанчалик ёмон кўришини билдирсан. Зайнаб сир бой бермай “Мен ҳам олдингизға чиқайми деб турған эдим...” дея саломга яраша алик олади, эҳтимол, унга тенглашмоқчи бўлади. Лекин Кумуш кесатиққа зўр беради: “Тўппи тикиб ўтирибсиз-ку, менинг олдимга чиқармидингиз, бара-калла сизга!” Зайнаб гап тополмай талмовсирайди.

Буни кўрган Кумуш мақсадга яқинроқ ўтади: “Чокни яхши тикар экансиз, кимга?” Бу қитмиона саволда, табиийки, гапдан гап чиқаришга ишқибоз одамнинг ўзига етгулик макри-ҳийласи бор! Қани энди Зайнаб “Эримга!” дея тилидан илинса-ю, Кумуш уни чирпирақ қилса. Аммо Зайнаб ўз сирини олдирадиган жуда-ям анойи эмас, ичидан пишган. У “Бировга атаганим йўқ, ахир, биттаси кияр”, дейди-да, илтифот қўрсатган бўлади: “Ўлтиринг!” Худди Кумушдаги “бировнинг хаёли” Зайнабда ҳам бор. Зайнаб “Бировга атаганим йўқ” дея ёлғон гапираётган бўлса-да, ўша “биров” ахирни унинг тиккан тўпписини кийишига умид қиласди. Йигитнинг кўнглини топишда қизнинг гўзал, одобли, иболи, хушмуомала бўлишидан ташқари пазанда, чевар, саранжом-саришта бўлиши ҳам муҳим. Зеро, “Чиройига нон бўктириб емайди”, “Чиройли қизларни яхши қўрадилар, лекин уйим-жойим дейдиган қизларга уйланадилар”, “Эркакнинг кўнглига йўл ошқозони орқали ўтади”, “Эр – топарман, хотин – тутарман” деган нақллар бежиз яратилмаган... Хуллас, Зайнаб ўз баҳти учун ўзича, ўз билганича, ўз феъли ва дунёқарашига мос йўсинда қурашади.

Шундан кейинги муаллифнинг гапига эътибор беринг! “Икки кундаш қаршима-қарши ўлтиришдилар”. “Юзма-юз” ва ё “ёнма-ён” эмас, “қаршима-қарши”. Ҳолбуки, халқ ўзининг ҳикматли гапини бежиз айтмаган: “Қаршиликдан чиқмас яхшилик!” “Қаршима-қарши” ўтиришгач, Кумуш Зайнабга тикилиб-тикилиб қарайди, Зайнаб эса, “қизаринқираб ерга боқади”. “Кўз – кўнгил ойнаси” деганларидек, шу қилиқларданоқ уларнинг кўнгиллари яққол кўринадики, Кумуш оқкўнгил, очиқ-ёриқ, мўмин-қобил, одамнинг кўзиға тик боқа олади, Зайнаб эса, ичиқора, ёпиқ-зиқна, кўр-ноқобил, ўз қилмишини яшириш учун нигоҳини олиб қочади, кўзини яширади. Икки кундошнинг

бу қилиқлари ортидаги ниятлари уларнинг кейинги айтишувларида янаям ойдинлашади. Кумушнинг ўткир қарашига чидолмаган Зайнаб, ниҳоят, кўнгил сўраган бўлади: “Чиқмаганимни ҳам кўнглингизга олибсиз-да!” Юракдан гаплашиб муносабатларни аниқлаштиришни истаётган Кумуш учун бу айни муддао. У Зайнабнинг ўзини олиб қочиши “юзингни кўришга тоқатим йўқ” дегани эканини айтиб, ўн беш кундан буён йиғилиб қолган аламини тўкиб солади. Зайнаб “қўйинг-чи...” дея уни тинчлантирмоқчи бўлади, аслида гапчувалиб, сири фош бўлишидан чўчиди. Шундан кейин уларнинг “билиб айтаман”, “ичимни билмайсиз”, “баъзи ишларингиз билдиради”, “қайси”, “айтсан хафа бўласиз”, “тўғри гап бўлса, хафа бўлмайман” қабилидаги ади-бади айтишишлари ошкора “гап талашиш”га айланади. Ана шунда Кумуш дангал гапни айтади: “Эрингиз менинг олдимга кирса, нега ишингиз бўлса-бўлмаса кириб ўтириб оласиз-да, ёлғиз қолганимда кирмайсиз?” Зайнаб бу тўғри гапни эгрига буради-да, бошқа кирмаслигини айтади.

Шундан кейинги кундошларнинг ади-бади айтишувини шарҳлашга, очиғи, қалам ожиз – Қодирий қалами билан битилган қойилмақом тасвирнинг ўзини ўқиб, мағзини чаққанга не етсин! “Гапни кавласанг гап чиқади” деганларидек, гапдан гап чиқиб, даҳанаки жанг, гарчи соч юлишиш бўлмаса-да, ҳар қалай, бўғишиш-бўғилиш даражасига қараб тобора кўтарилаверади. “Бурун бўлмаганида кўз кўзни ўярди” деганларидек, яхшиям уйда икки кундошдан ташқари Ойбодоқ ҳам бор, яхшиям Ўзбек ойим унга “хабарсиз қолма” дея тайинлаган. Ойбодоқ келиб, қандай овқат тайёрлашни сўраганида улар дарров эгачи-сингилга айланишади. Нима буюртиришни Кумуш Зайнабдан сўрайди, Зайнаб Кумушдан. Кумуш “Зайнабниса яхши кўрган томоқни қилинг!” деганда Ойбодоқундан “Лағ-

мон қиласайми?" деб сўрашида ҳам нозик ишора бор. "Кулоғига лағмон осди" деган ибора алдаб-лақилла-тишинг англашади. Ёзувчи Зайнабнинг яхши кўрган таоми лағмон эканини бежиз танламаган. Ойбодоқ кетгач, икки қундош гап талашишни тўхтаган жойидан давом эттиришади. Кумушнинг "... азбаройи мени ёлғиз ташлаб қўйғанингиздан айтдим... Мен сизнинг уйингизга бутун умрга келган эмасман... Атиги учтўрт кун қайин ота, қайин оналаримни кўриб кетиш учунгина келганман. Шунчаликка бир-биравимиздан четлашиб, минғайишиб юришимиз кишига оғир келар экан" деган гапини эшитган "Зайнаб ёришиб кетгандек бўлди". Бу гапларда Кумушнинг оқ кўнгли, Зайнабнинг қора кўнгли яққол чизиб кўрсатилган, шундай эмасми? "Уч-тўрт кун"дан хурсанд бўлган Зайнаб сохта илтифот кўрсата бошлиди: "Вой ўлай, Кумуш опа! Чиндан ҳам кўнглингизга олибсиз дейман. Кўнглимда тариқдек ёмонлиғим бўлса, эртагача етмайин!" Зайнабдаги бу кескин ўзгаришдан Кумушнинг кулгиси қистайди-да, унинг яна қувлиги тутиб, ичида ўйлади: "энди ўлсан ҳам кетмайман, сен қараб тур!" Дарҳақиқат, у кетмайди, шу ерда ўлса-ўлади, лекин кетмайди! Отабекнинг уйида, кўнглида абадий кўним топади! Кумуш – миллий Тил, Отабек – миллий Адабиёт тимсоллари экан, бу билан ёзувчи миллий Тилнинг ўлгани, унинг ўлик тилга айланганини эмас, балки бу миллий Тил ўз ҳақ-хуқуқи учун курашиб, уни сифдирмай, сиқиб чиқармоқчи бўлган ўзга Тилга қарши туриб, охир-оқибат ўз Адабиёти билан ўзларининг уйида топишиб, бу уйда абадий қолганини уқтироқчи...

Шундан сўнг қундошлар яна жимиб қолишади. Кумушнинг сидқидил гапидан таъсиранган ҳам ҳайрон қолган Зайнаб "Сиз мунчалик кўрқмасангиз ҳам бўлар эди..." дея, нихоят, ёрилиб, ўз дардининг учини чиқа-

ради. Нимани назарда тутаётганини сўраган Кумушга у “жек кўрмасангиз ҳам бўларди”, “Мен эрим билан ўлтирганда устимга кирма дейишингиз уят” дея таъна-маломат қиласди. Кумуш бу гапни унинг ўзини олиб қочишига айтганини такрорлаб, “сиз эрингиз билан ўлтирганда мен устингизга кирдимми?” дея қарши хужумга ўтади. Зайнаб ҳеч кирганини эслай олмайди-да, кирса, кўкрагидан итармаслигини, ўзи жек кўргани учун бошқаларни ҳам ўзига ўхшатишини айтади. “Кишини бўғасиз, Зайнаб! Гапка темирчилик яхши эмас!” дея ёзғиради ана ўшандаги Кумуш. “Гапка темирчиликдан худой сақласин, ота-онам темирчи ўтган эмас”, деб тегишли жавоб қиласди Зайнаб ҳам, Кумушнинг отаси қутидор-сандиқчилигига истеҳзоли ишора қилиб! Кумуш унинг “жек кўрасан”, “ўзингдек фаҳмлайсан”, “сен кўрқмасанг бўлади” деганларини темирчиликка ўхшатишини айтади. Дарҳақиқат, икковининг ўзаро суҳбатидан кўринадики, сўз заргари – Кумуш, сўз темирчиси – Зайнаб, сабаби Кумушнинг ҳар бир сўзи ҳам мантиқли, ҳам жонли, ҳам таъсирчан, Зайнабнинг сўзлари эса, пойма-пой, зерикарли, мужмал. Зайнаб “Рост-да, сиз кўрқмасангиз ҳам...” дея фикрини ойдинлаштиришга чоғланади. Аммо бехосдан ўз хатосини англаб, ҳақиқатни тан олишга тили бормай ғулдирай бошлайди. Бундан кўринадики, Зайнаб писмиқгина эмас, калтафаҳм ҳам. У Отабекнинг Кумушни яхши кўришини билади, шунинг учун Кумуш ҳеч кўрқмаса ҳам бўлади, деб ўйлади. Лекин бу ўйини Кумушга тан олиб айтиши унинг олдида ўз қадрини ерга уриш, қолаверса, ҳаётининг мазмуни бўлган эрини йўқотиш билан баробар эканини кеч фаҳмлаган Зайнабнинг чайналиши табиий. Писмиқ одамнинг феъли анча мураккаб бўлади. Одатда бундай одамни гапиртириш жуда қийин, у саволга зўрға жавоб қайтариши мумкин, лекин ўзича гапирмайди. Писмиқ одам камгап

бўлгани учун тили ривожланмай, гапга нўнок, эзма, туркистонча сўз билан айтганда, “милжинг” бўлади, гапида кўп адашади-тутилади, мос сўзларни топишга қийналади. Яна бундай одам ёлғончиликка мойил бўлади. Сабаби ўз қилмишларини яшириш учун ҳам камроқ гапиради, ҳам гапирганда ёлғон ишлатади. Унинг талмовсираётганини кўрган Кумуш ўзи гумон қилган фикрни Зайнабнинг ичидан суғуриб олишга уринади: “Мен тушундим! Сен қўрқмасанг ҳам бўлади, эринг сени яхши кўради, демоқчисиз!” Бу гапни бирорвга очиқ айтиш бу ёқса турсин, ҳатто ўзига тан олиб айтишга қўрқадиган Зайнабнинг аҳволини тасаввур қилиш мумкин. “Айтилган сўз – отилган ўқ”, энди у гапни қайтариб ололмайди, гапига изоҳ бериши керак. “Ҳа” деса ҳам бало, “йўқ” деса ҳам бало. Ана шунда у даҳшатли ёлғонни тўқиб чиқаради: “Ахир... мен сенсиз туролмайман, деб сизга ҳам айтгандирлар...” Бу гапдан Кумуш эсанкираб, зўрға “Ҳеч!” дея олади, холос. Зайнаб-ку “сўймаганга суйкалма” деган иборани буткул тан олмайди, лекин Кумуш учун севиб-севилиш – ҳаётининг мазмуни. Ўз вақтида Ҳомиднинг сохта талоқ хатини ўқигач Отабекдан ҳам, умуман, эр зотидан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаётнинг қизиги қолмаган эди унга. Энди худди шундай “талоқ хати”ни Зайнабдан эшишиб турган Кумушнинг аҳволини ҳис қилса бўлади. Аслида Отабек бундай ноўрин гапни наинки суюксиз Зайнабга, ҳатто суюкли Кумушга ҳам айтмаган, сабаби ҳар нима бўлганда ҳам, у уч йилга яқин Кумушсиз туролган-да. Зайнаб ўзининг ёлғонидан илҳомлануб баттар писиллатади: “Сизга айтмаган бўлсалар... менга юз қайталаб айтганлар... У кишини сизга ҳам шунақалар, деб ўйлабман...” Зайнабнинг макр кучини кўринг! Ўз вақтида Ҳомид башарасини кўрсатмай Отабек ва Кумуш орасига совуқчилик сола олганди, Зайнаб эса, безбетларча улар орасига совуқчилик со-

лишдан ташқари, Отабекни ўзига иситиш амалларини қилиб ётибди. Кумушни ўз вақтида Ҳомид хотинбоздан қўрийдиган ота-онаси бор эди, лекин ҳозир уни Зайнабдан ҳимоя қиладиган одами йўқ. Бунинг устига, Зайнабнинг онаси-ю қариндошлари унинг ортида тоғдек суюнчиқ. “Ўзингдан чиққан балога, қайга борай давога” деганларидек, Ҳомид хотинбоз, ҳар қалай, ташқи душман эди, лекин Зайнаб ўзингдан чиққан душман. Шундай экан, Зайнабни на уришиб бўлади, на қувлаб, на ўлдириб. Аксинча, Зайнаб бундай ишлардан тап тортмайди. Зайнабнинг заҳарли гапи ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. “Зайнаб тўғри айтади, агар уни яхши кўрмаганда Тошкандга келишимни кутиб ўлтуармиди?..” деб ўйлайди Кумуш. У “моддий ҳаётидан айрилған жонивордек бўшаши”. Бу гапдаги “бўшаши” сўзи ҳам заифлашди, ҳам қалбida бўшлиқ пайдо бўлди, деган маъноларни англатади. Ойбодоқ она олиб келиб ўрталарига қўйган лағмон анчагача совуб ётади. “Зайнабнинг қўрқа-писа “олинг, опа!” сидан сўнг” икки кундош икки тарафдан чимчиб еган бўлишади. Кўнгиллари ярим икки кундошга овқат татимайди. Улар ошга шерик ҳам, ҳамтовоқ ҳам бўлишолмайди, бу ёлғонни ҳазм ҳам қилишолмайди.

Юқорида Кумушнинг “Кишини бўғасиз, Зайнаб!” деганини чуқурроқ таҳлил қилиб қўрайлик. Ёзувчи Кумуш тилидан “кишини” дея нафақат Кумушни, балки Отабекни, унинг қайнона-қайнотасини, қўйингчи, ҳар қандай одамни қўзда тутяпти. Қолаверса, “бўғасиз” дея нафақат сўзи билан, балки ўз қилифи билан ҳам бўғишига ишора қиляпти. Кумуш – ўз, миллий Тил, Зайнаб – (хоҳ араб тили бўлсин, хоҳ форс, рус ё инглиз) ўзга, чет Тил экан, ё бу икки Тил ўзаро тил топишади, ё бири иккинчисини бўғади, бошқача бўлиши мумкин эмас. Тилнинг қудрати-ю жозибаси эса, хоҳ бадиий, хоҳ илмий бўлсин, Адабиётда кўринади.

Адабиёт ўзида бир неча Тилни сиғдира олиши мумкин, агарда улар ўзаро уйғун ва жонли бўлса. Масалан, ўзбек тили ва адабиёти ўтмишига боқсак, кўрамизки, унга ҳинд, лотин, форс, юнон, араб, мўғул, рус ва бошқа тил ва адабиётлар ўз таъсирини ўтказиб келган. Лекин шуни фаҳр билан тан олиб айтишимиз керакки, саналган тиллар ва адабиётларга нисбатан ўзбек тили ва адабиёти яшовчанроқ ва жонлироқдир. Сабаби, ўзбек тилида яратилган энг қадимги адабий асарлар бўлмиш Ўрхун-Энасой битиклари, "Алпомиш", "Гўрўғли" ва бошқа юзлаб достон, эртак ва ривоятлар, Юсуф Хос Ҳожибининг "Қутадғу билиг"и, Аҳмад Яссавийнинг "Ҳикматлар"и, Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит-турк"и, Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий"си, Бобурнинг "Бобурнома"си ва бошқа юзлаб-минглаб ёзма ва оғзаки адабий асарларни бугун ҳам ўқиб bemalol тушуна оламиз. (Ҳолбуки, қадимий санскритни ҳозирги ҳинд, қадимий лотинни ҳозирги италян, қадимий славянни ҳозирги рус ўқиб тушунолмайди!) Ўзбек тилига қанча чет тиллар ўз таъсирини, борингки, босимини ўтказмади дейсиз! Аммо у ҳамиша ўзлигини сақлаб қола олди. Бунинг бош сири нимада? Ўйлашимча, бу аввало ўша тилнинг феълида, яъни феъл сўз туркумида! Қолаверса, феълининг буйруқ майлида! Ўзбек тилидаги аксар феъллар икки, уч ё тўрт ҳарф-товушдан таркиб топган бўлиб, улар ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди. Юқорида саналган асарлар қатори Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"и ҳам бундан минг йил кейин ҳам китобхонларга тушунарли бўлишига шак-шубҳа йўқ! Сабаби бу асарда ўзбек тилининг феъли, ўзбекнинг феъли жонли ёзиб-чишиб кўрсатилган. Ўзбек адиби Алишер Навоий ўз асарларида жами 28 минг, рус адиби Александр Пушкин 25 минг, инглиз адиби Уилям Шекспир 22 минг, испан адиби Сервантес 18 минг сўз қўллаган, деган ўлчов-

лар айтилади. Ўйлашимча, бу бирёқлама баҳо. Бирон ёзувчининг тилига баҳо берганда унинг шоҳ асарини танлаб, қўлланган турли тилдаги сўзларнинг нисбатиу үйғунлигига қарап керак, менимча. Аминманки, агар “Ўткан кунлар” асаридаги ўзбекча сўзлар ҳисобланса, улар асарнинг 80–90 фоизини ташкил этади. Асарда қўлланган чет тилидаги сўзлар эса, ўзбек тилидаги сўзларга уйғун, ўзбек тилининг ўз сўзларига айланган, ўзлашган-ўзбеклашган сўзлар. Асарнинг бутун куч-кудрати мана шунда! Келинг, гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун асарнинг кейинги жумласини ўқиб бунга амин бўлайлик:

“Шундан бирар соат кейин Отабек қайтиб Зайнаб томондан қарши олинди. Уст тўнини ешиб Зайнабка бергандан сўнг, қайси уйга кириш тўғрисида ҳавли юзасида бир оз тараддуланиб қолди. Теварагида ғилдираб юрган Зайнабнинг уйига кирабериш учун Кумушнинг мулоҳазасини қиласар, Кумушнинг олдиға кирмак учун Зайнабни ўйлар эди. Кумуш уйда кўринмади, шунга кўра “ухлағандир” деб ўйлаб Зайнаб билан кирди. Зайнаб оёғи олти, қўли етти бўлған ҳолда эрини тўрт қават кўрпача устига ўтқузиб, ёнига учта пар ёстиқни уйди. Эрининг маҳсисини артишкага кўмаклашиб, еллиб қўймоқ учун изн сўради. Отабек узр айтиб бунчалик меҳрибончилик маъносидан чўчиб қўйди. Отда келган бўлса ҳам куннинг иссиқлиғидан бир пиёла чойга муҳтоҷ эди. Чой сўзи оғзидан чиқмасданоқ Зайнаб ўчоқ бошиға югуриб кетди. Унинг кети билан Кумушнинг уйига қаради. Эшик ва даричалар очиқ бўлсалар ҳам, уйда бирав кўринмади”.

Ўн битта гап, бир юз йигирма бешта сўздан тузилган бу жумлада тўққизта арабча ва иккита форсча сўз қўлланган, холос. Агар ўзбекча асарда арабча, форсча, русча ва бошқа чет сўзлар ҳаддан ташқари кўп қўлланса, уни ўқиган ўқувчи бўғилади-да. Бирон асарни ўқи-

ганды зериксангиз, энсангиз қотса, ҳафсалангиз пир бўлса, қисқаси бўғилсангиз, билингки, унинг тутуруқсизлиги аввало ундаги сўзлар нисбати ва уйғунлиги бузилганида, сўнгра асарнинг бадиияти саёзлигида... Келинг, қодирийхонликка – бевосита асар воқеалари-нинг таҳлилига қайтайлик.

“Шундан бирар соат кейин Отабек қайтиб Зайнаб томонидан қарши олинди” гапидаги “қарши” сўзи кўп муносабатларни билдиради, албатта. Отабек Зайнабни кўришга қарши, Зайнаб Отабекнинг Кумуш билан кўришишига қарши, хуллас, бир-бирларига қарши! Шу гапдан кейинги тасвирда асосий эътибор, табиийки, икки кундошнинг эри Отабекка, унинг кўнглига қаратилади. Зеро, икки кундош орасидаги олий ҳакам ҳам, тарозибон ҳам – Отабек. У Зайнабнинг уйига кириш учун Кумушнинг, Кумушникига кириш учун Зайнабнинг андишасини қиласди. Ўз кўнглига эмас, уларнинг кўнглига қарайди. Қарашга мажбур! Чунки бир томонга кўпроқ оғса, бошқа томонга озор беринини яхши англайди. Шунинг учун “Кумушга қандоғ муомала қиласа, Зайнабга ҳам шундоғ қилишга мажбур эди”. Ҳатто Ўзбек ойим ҳам аввало “чин келини” Кумушга, сўнг кўнгли қолмаслиги учун Зайнабга исироқ тутаттиради. Сабаби Зайнабнинг кўнглини қолдириш яхшиликка олиб бормаслигини она ва ўғил яхши тушунадилар-да. Қолаверса, ўзлари пиширган ош, энди ўзлари айланиб-ўргилиб ичишга мажбур. Ўзбек ойим-ку икки келинининг роҳатини, орзу-ҳавасини кўриб-кўриб юравериши мумкин, қийин-қийин Отабекка қийин. Чунки у икки ўт орасида. Кумушга чин юракдан, ростдакам муомала қиласди. Ёзувчининг сўзлари билан айтганда, “Отабек ва Кумуш ишқларида самимият, яна тўғриси – шеърият бор”. Зайнабга эса, мажбуриятдан, ёлғондакам муомала қиласди. Отабекни мажбурлаган нарса эса, айниқса, бир неча

ҳафта илгари Зайнабнинг ўз дардини унга очиқчаси-
га айтгани эди. Зайнаб дардисарнинг бу дарди “Ўзбек
оим – оғма, Зайнабнинг дарди” бобида батафсил
тасвириланган эди... Отабек Кумушни “ухлагандир” деб
ўйлаб Зайнабнинг уйига киради. Зайнаб елиб-югу-
риб эрининг хизматини қиласи, ҳатто ундан “елпиб
қўймоқ учун изн сўрайди. Отабек узр айтиб бунчалик
мехрибончилик маъносидан чўчиб қўяди”. Бир томон-
дан Зайнабнинг хотинлик бурчи эрига хизмат қилиш-
ни буюрса-да, бошқа томондан бу хизматлар Отабек
учун қўшимча мажбурият юклайди-да. Отабек ўзи ва
Зайнаб орасига кўринмас девор тиклаб, у билан ма-
софа сақлашга тиришса-да, Зайнаб бу деворни бузиб,
у билан масофани яқинлаштиришга тиришади. Агар
Отабек бунга қаршилик қилса, у биладики, бунинг
оқибати ўзига, айниқса, севгилиси Кумушга ёмон бў-
лиши мумкин. Отабек ана шуларни ўйлаб қўрқади.
Отда юриб чанқаб-очқаб келгани учун Зайнаб таклиф
қилган чой-ошга кўнади. Ейилмай совиб қолган лағ-
монни биргаликда ейишади. Сўнг Зайнаб тағин макр-
хийла қиласи, яъни Кумушга айтган ёлғонининг
“рост”лигига ишонтириш томошасини кўрсатади: бу
ёқда ухлаб кетган Отабекни Зайнаб елпиб ўтиради, у
ёқда Кумуш буларни бу ҳолатда кўради-ю, куйиб кул
бўлади. “Кўнгилга буюриб бўлмайди” дейдилар. Маъ-
лумки, эртак ва достонларда “дев” ҳар нарсага эпчил
қилиб тасвириланади. У бир зумда одамни узоқ йўлга
кўчириш, данғиллама кошона қуриб бериш, бойлик-
ка кўмиб ташлаш ва бошқа ақл бовар қилмас моддий
ишларнинг эпини қиласи, фақат битта ишни эплай
олмайди: одамнинг кўнглига қўл солиб, уни севиб
қолишга қистолмайди. Яъни, дев одамнинг кўнглига
буюра олмайди. Худди шундай, шайтон ҳам одамнинг
кўнглига бевосита ўз ҳукмини ўтказа олмайди – уни
бирон ишни қилишга зўрлай олмайди, балки кўнгил-

га қутқу солади – қутини ўчиради, васваса қилади, ростни ёлғон, ёлғонни рост қилиб кўрсатади... Зайнабнинг ростни ёлғон, ёлғонни рост қилиб кўрсатишини кузатиб, “вой, шайтон-эй” дейсиз беихтиёр. Афсуски, оққўнгил ва ишонувчан Кумуш унинг бу қутқусига учади...

Бирор соатдан сўнг Отабек Зайнабнинг уйидан чиқиб Кумушнинг уйига киради. Зайнабнинг қутқусига учгани шунчаликки, Кумуш эрига елиб-югуриб хизмат қилиш, унинг кўнглини овлаш бу ёқقا турсин, қош-қовоғини уйиб, совуқ муомала қилади. Отабек “адоват қилишингизга арзимайди” деса, у “икки юзламалифингиз ва тил тегида тил сақлағанингиз ҳам арзимайдими?” дея баттар ўпкалайди. Кумушнинг асабий ҳолатини шундан ҳам кўрса бўладики, у Тошкентга келгач, илк учрашувда Отабекнинг бир юзига урганди, Отабек иккинчи юзини тутиб берганида, иккинчи юзига Зайнаб уришини айтиб, унинг иккисизламилигига нозик ишора қилган эди. Ҳозирга келиб шу қадар куйганки, бундай нозик ишора қилишга ҳам хуши йўқ, ўйини очиқ айтишдан тоймайди. Айниқса, “тил тагида тил сақлаш” ибораси Отабекнинг – Адабиёт, Кумуш ва Зайнабнинг эса – Тил тимсоллари эканига қаҳрамон тилидан айтилаётган ишорадек. Тил тагида тил сақлашнинг даҳшатини яқин ўтмишимизда, яъни шўро тузуми даврида роса кўрдик: давлат, яъни расмий тил – рус тили, халқнинг сўзлашув тили эса – ўзбек тили. Натижада барча каттаю-кичик идора ва минбарларда оғзаки ва ёзма нутқ рус тилида қилиниб, кенг халқ оммаси уларга тушуниб-тушунмай роса қийналмадими? Сирасини айтганда, аввалги тузумларда ҳам бундай ачинарли ҳолларни кўришимиз мумкин. Масалан, адабий асарларнинг номларини олиб қаранг. Нега ўн асрлик ўтмишда Юсуф Хос Ҳожиб асарининг номи “Кутадғу билиг” ҳам, асар қаҳра-

монларининг номлари “Кунтуғди”, “Ойтўлди”, “Ўгдулмиш”, “Ўзғурмиш” ҳам ўзбекча сўзлар бўлгани ҳолда, беш аср ўтмишдаги биз юксак қадрлайдиган Алишер Навоийнинг аксарият асарлари ҳам, асарларининг қаҳрамонлари ҳам ўзбекча эмас, арабча аталган? Бу ҳам тил тагида тил сақлаш намунаси эмасми? Абдулла Қодирийнинг буюклиги шундаки, у ўз асарини ҳам, асари қаҳрамонларини ҳам соф ўзбекча атаган. Бу кутлуғ анъянани Чўлпон “Кеча ва кундуз”, “Ёрқиной”, Ойбек “Кутлуғ қон”, “Қуёш қораймас”, Абдулла Қаҳҳор “Ўтмишдан эртаклар” асарларида, бошқа бир қатор ёзувчилар ўз асарларида давом эттиридилар. Айтиш мумкинки, тил тагида тил сақлашдек ёқимсиз ҳолга қарши бош кўтарган қудратли куч ҳам мана шу ўзбек Тилидаги Адабиёт бўлди! Эркинлик-эгаманлигимизнинг биринчи тирилтирувчи булоғи – тириклик суви 1989 йилда қабул қилинган Ўзбекистон давлат тили ҳақидаги Қонун бўлгани, бу руҳбахш Қонуннинг қабул қилинишида жон куйдирган энг етакчи фидойилар айнан Ўзбек Ёзувчилари бўлгани ҳам бежиз эмас, албатта!.. Отабек Кумушнинг “мундай терс гапларни умрида биринчи мартаба” эшитиб, “Зайнаб сизга бир нарса дедими?” деб сўрайди. Ана шунда Кумуш “Деди, “Сенсиз туролмайман” деб айткан сўзларингизни ҳам деди!” дея Зайнаб билан ораларида ўтган барча воқеаларни миридан-сиригача айтиб кўнглини бўшатади. Кумушнинг озор чекишини истамаган Отабек энди уни “кувлашга” мажбур бўлади. Кумуш эса, “Юрагим: қувланишга ким сазовор, деб сиздан сўрайди... Сиз ўз юрагингиздан олиб жавоб беринг!” дея Отабекнинг “энг нозик жойидан ушлайди”. Кумушнинг бу аччиқ саволи ҳар қандай одамни эсанкиратади! Дарҳақиқат, Отабек аслида кимни қувлаши керак: Кумушними, Зайнабними? Отабекнинг уйида ким қолиши керак: суюкли хотиними ёки суюксиз хо-

тини? Отабек кимга қулоқ солиши керак: ўз кўнглигами ё ўзга кўнгилларга? Зайнаб кўнглининг кўчалари, кўнглининг тусаганлари чексиз-чегарасиз эмасми? Отабекдан сўнг Кумушнинг кўнглини қолдирган Зайнаб, қўйиб берилса, қайнотаси-қайнонасидан бошлаб барчанинг кўнглини қолдириб бахтсиз қилмайдими? Уни қувлаш энг тўғри иш эмасми? Адабиёт аввало адабни ўргатар экан, Отабек Зайнабнинг адабини бериши керак эмасми? “Тўғри тил тошни ёради, эгри тил бошни ёради” деганларидек, Кумушдек тўғри Тил йўл-йўриғига кириб, Отабек Зайнабдек эгри Тилни жиловламас экан, оқибатда бош ёрилиб, кўз чиқмайдими? Отабек тош бўлмаса-да, ҳарқалай, ўсал кўнглини шундай ёради: “Мақсадингизга яхши тушунаман, ҳар жиҳатдан қаралганда ҳам сиз бу тўғрида ҳақлисиз. Аммо ўшангача... балки буни ўзингиз ҳис этарсиз, деб ўйлайман...”

Эътибор берган бўлсангиз, “Кундаш – кундашдир” бобида атиги бир кун, наинки бир кун, атиги бир неча соат ичида кундошлар ўртасида рўй берган мажаролар ва ади-бади айтишувлар тасвирланган. Шу қисқа вактдаки шунча ғиди-биди, энди йиллаб, ўн йиллаб кундош бўлиб, ҳаттоқи опа-сингиллардек иноқ бир оила бўлиб, бола-чақаларини бирга-бирга тинч-тотув ўстириб-ундирган бибиларимизу бибихонимларимизнинг юракларига балли-ей, нақадар кенг экан-а бу юраклар, деб ўйлаб қолади киши. “Куч адолатдадур!” дея, нафақат инсоний жамиятда ва улуғ салтанатда, балки ўз оиласида, оиласидаги кундошлар ўртасида ҳам ҳақ-хуқуқ ва адолатни қарор топтира олган буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг инсонпарварлиги, билга-кўрагонлиги ва ишбилармонлигига қойил қолса арзийди, шундай эмасми?..

Шу ўринда бир савол туғилади: нима учун “Эр бермоқ – жон бермоқ”, “Жон олов – жон эр” қабилидаги

хикматли гаплар хотинлар тилидан эрларга нисбатан яратылған, нега аксина әмас? Бунинг сабаби, ўйлашимча, шундаки, бир турмуш қурган әркакнинг янги турмуш қуриш имконияти то ўлгунича тұла сақланиб қолаверади, бу имкониятни әрнинг ўзидан бошқа ҳеч ким йүққа чиқаролмайди. Лекин бир әр күрган аёл бошқа турмуш қуриш имкониятининг камида саксон фоизини қўлдан буткул бой беради. Турмуш қурилганидан кейин хотиннинг әрга чиппа ёпишиб олиши ва әрни ўзидан бошқа ҳеч кимга бериб қўймасликка ўчлиги мана шундан келиб чиқади. Айниқса, ёши ўтиб қолганида әрни қўлдан бой бериш жондан кечишдан оғирроқ туюлади ва уни, Ўзбек ойим ҳазил тариқасида айтганидек, овқатгина асрамайди, балки аввало әр асрайди, нафақат шунчаки асрайди, балки хузурижон олов бўлиб жон-танни иситади.

“Эсон бўлсак кўришармиз” деб номланган ўн учинчи боб асосан бир-бирлари билан хайр-маъзур қилишаётган қуда-қудағайлар ва она билан қиз ҳақида, лекин бу хайр-маъзурларнинг ҳам бош мавзуи, табиийки, кундошлиқ балоси теварагида чирпирак бўлиб айланади. Масалан, ҳожи қудасига “Энди келин болани юбормаймиз-да” деб кулади. Қутидор “Менинг болам әмас – сизники, у ер ҳам, бу ер ҳам ўзининг уйи. Жанобингиз нимани мувофиқ кўрсалар, менга ҳам маъқули ўша!” деб оқил ўзбек отасининг гапини айтади. Ҳожи “бирмунча гап айлантириб”, “Агар сизга оғир тушмаса, юртдаги гап-сўз босилғунча би-рар йил Тошканда турсин, сўнгра Марғилон борсин, дердим!” дея ўзининг нимани мувофиқ кўришини билдиради. Бу тўғри гапга қутидор қандай қаршилик қилсин! Ҳолбуки, у Офтоб ойимнинг “Кумушни Тошканда қолдирмаймиз!” деб қўйған шартига қайта-қайта розилик билдириб, сўз берган эди. Сўзида турмасликнинг туб сабablари ҳақида муаллифнинг

изоҳи-тушунтириши шундай: “Сўзни чўзмоққа ҳожат йўқ: эрларимизнинг Офтоб ойимларға қараши ҳамиша шундан бошқа эмас!”, яъни, хотинига хўп дейди-ю, ўз билганидан қолмайди!

Табиийки, онаизор Кумушнинг Тошкентда қолиш дарагини Ҳасаналидан эшитгандаёқ қизининг олдига кира солиб, “Кумуш, қайтар эканмиз, даданг айтибидилар!” – дейди. Эътибор беринг, бу гапни Офтоб ойим атайин дадасининг буйруғи шаклида айтяпти. Дадасининг ихтиёри Кумушни бу ерда қолдириш эканини атайин яширяпти. Сабаби она яхши биладики, бу уйдан кетиш-кетмаслик ихтиёри отадан кўра кўпроқ қизида. Кумушнинг Тошкентда қолиши кераклиги борасида Юсуфбек ҳожи ва Мирзакарим кутидорларнинг ўз қарашлари бўлгани ҳолда Кумушнинг ҳам бу масалада ўз қараши бор, албатта. У энди ота қарамоғида эмас, эрининг қарамоғида, шунинг учун у ота эмас, эрининг кўнглига қараб иш қилиши керак. Эри унинг кетишини истамаса, у эрининг ёнидан бир қадам ҳам жилмайди. Шундай экан, Кумушнинг жавоби тайин, ҳатто сақмоннинг тошидек қақшатгич: “Қайтсаларингиз, хайр-хўш!” Онаизорнинг бирга қайтиш кераклигини тушунтиришу-уқтиришларига жавобан айтилган кўп гаплардан бири яна-да шиддатли: “Қолсам ўз эримники, бегона эмаски уят бўлса...” Онанинг “мен сени кундошлиқ уйга ишонмайман...” дея йиглаб айтган гапига жавоб ҳам тайин: “Кундошим битта бўлса, дўстларим саккизта!” Шу ўринда бир ўқувчи Кумушнинг, бошқа ўқувчи онаизорнинг томонини олса, эҳтимол. Она тараф ўқувчи “Дўстинг юзта бўлса ҳам – кам, Душманинг битта бўлса ҳам – кўп” деган мақолни халқ бежизга яратмаганини, ахир, энг ишонганд дўст-ёри Отабек ҳам Зайнабнинг кирдикорларидан уни сақлай-кўрий олмаяпти-ку, бошқалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, дейиши мумкин. Кумуш тараф

ўқувчи эса, “Интилганга толе ёр” дея унинг ўз баҳти учун курашганини ёқлаши тайин. Кумушнинг “Ул кундаш бўлганда мен кундаш эмасми?” деган кесатиғига она “Сен чин кундаш бўлолмайсан! Нимагаки, эринг сен тарафда, чин кундашлик ва чин душманлик Зайнаб тарафда!” дея уқтиради. Яна икки тарафнинг ёнини оловчи ўқувчилар ўз асосларини келтира бошлайдилар: Ҳа, кундошга кундош бас кела олади, Кумуш жуда қув, эри ва қайнота-қайнонасининг меҳрларини обдон қозонгач, бош ва чин келин сифатида Зайнабнинг попугини пасайтиради, керак бўлса, кавушини тўғрилаб қўяди... Йўқ, Кумуш қув бўлса, Зайнаб шум, у ҳам қараб турмайди. Ахир, Кумуш Зайнабнинг “менга юз қайталаб айтганлар” деган ёлғонига чидолмай Отабекни нақ бўғзидан олгудек бўлмадими? Ҳозир-ку Отабек икковига хўжакўрсинг учун бўлса-да, тенг муомала қилишга тиришяпти, лекин эртадир-кечдир сир очилиб, Зайнаб керакмас матоҳдек четга итқитилса, у раşқ ва нафрат ўтида ёнмайдими? Зайнаб ўз ютқизиғини мардана тан олиб, индамай ўз йўлига кета қоладими, йўқ, Ҳомидга ўхшаб бир балоларни бошлайди-да... Кумуш “Хотиржамъ бўлинг, агар Зайнаб менга кундашлик қиласерса, куявингиз унинг жавобини бермакчи... мен кетсам, ҳеч қачон Зайнабка жавоб бермайдир, чунки қудачангиз келинсиз қоламан деб ораға тушадир, аммо мен шу ерда бўлсам, албатта тилига калтак келадир” дея ўз қутини, кутлуғ келажагини қўримоқчи. Кумуш мана шу оқилона ва одилона қарорини аввал-бошда билдириб, эрининг уйига келин бўлиб келганида эди, шу чоққача бўлган ва бундан кейин бўладиган барча фожиалар юз бермасми эди?! Вазиятни ўнглаб бўладими, бунисини энди қаҳрамонларнинг кураши-ю олий ҳакам бўлмиш вақт кўрсатади. Қизининг қатъий сўзларига жавобан онаизор худонинг зорини қиласи: “... биравга ёмонлик

соғинма, ман билан бирга кет, нима қилишса ўзлук-үзи қилишсин... Зайнаб ҳам умид билан бир ёстиққа бош қўйған". Ёнбосарлар: Ҳа, Кумуш ортга чекинмаслиги керак, Зайнабнинг макридан қўрқулик, йўқса, эридан ажраб қолиши ҳеч гап эмас... Йўқ, Кумуш ма-салагаadolat ва кенглик билан қараши керак, Зайнабни қувғин қилишда бевосита иштирок этмаслиги лозим, онаси айтгандек, нима қилсалар ҳам ўzlари қилишсин, Кумуш кейин қайтиб келаверади-да бу ерга! Ҳаёти мазмуни бўлган Отабекдан айрилиш Зайнаб учун ўлим билан баробар экан, айтиш мумкинки, Кумуш кундошига ўлим тилаяпти. "Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга" деганлар, ахир... Тасаввурдаги бу баҳсда ҳар икки томон ўзича ҳақли, албатта.

Она билан қиз ўртасидаги тортишув авжига чиққанида ўта табиий йўсинда Ўзбек ойим худди қозилик қилиш учун кириб келади ва табиийки, у қудаларининг кетишини ёқламайди. Офтоб ойим "Кумушнинг ҳам, шунча турганимиз бас, энди Зайнабни олиб ойимнинг ўzlари бизникига борсинлар, дейди..." дея бир ўқ билан икки қарғани урмоқчи, яъни Кумушни кетиш тарафдори қилиб кўрсатиш орқали ҳар икковининг тилларини қисиқ қилмоқчи бўлади. Ахир Кумуш "Йўқ, мен қоламан" деб ойисини ёлғончига чиқаролмайди-да. Ана ўшанда "Ҳали Кумуш ҳам кетмакчими?" дейди ҳам таажжуб, ҳам ўзи уч йилда энди топишган келинидан ажраб қолишидан хавотир аралаш оҳангда Ўзбек ойим. Мана, шундан кейинги ҳаракат тасвири: "Кумуш кулимсираб онасиға қаради". Бу қарашибмирида бир неча маънолар яширган: ҳам ўзининг қайноаси томонидан қадрланишидан суюниш, ҳам онасини тинчлантириш, ҳам онасига ўзининг қарори қатъийлигини уқтириш! Офтоб ойим унамагач, Ўзбек ойим "Йўқ, йўқ, Офтоббону, сизларга жавоб берсам-да, Кумушка йўқ!" дея ўз аҳдини айтади. Кетаман, деб

бекорга хомтама бўлмаслиги учун келинига шартта ўгирилиб: “Уят эмасми, келин? Кеча келдинг сурилиб, бугун кетгин бурилиб!” дея пичинг қилади. Бундай кесатиқли мақолга Кумушдек сўз ўйинининг устаси ўзига етгулик қувлик билан жавоб қайтаради, албатта: “Менда ихтиёр йўқ, ойижон! Сизлар нимани маъқул кўрсаларингиз менга барибир” Айниқса, гапдаги “ойижон” сўзи худди “ойижон, сизга айтаман, қайнонам, сиз эшитинг” дегандек машхур иборанинг янгича шаклига ўхшаб кетади, шундай эмасми? Энди қайнона келинига “баракалла” деган маънода бош чайқайди. Тил топишиб олган қайнона-келинга кучи етмагач, Офтоб ойим тактикани ўзгартиради, яъни ажратиб ҳукмини ўтказмоқчи бўлади. Қизини ташқарига чиқариб юбориб, қудасига қизининг феъли ёмонлиги, кундош билан келишолмаслигини тушунтиришга уринади. Ўзбек ойим Кумушнинг одобини жуда яхши кўрди-билиди-синади-ку, шу боис қудасининг гапларига ҳайрон қолиб, кесатади: “Ўз боласини ёмонлағучини мен ўз умримда биринчи марта кўрдим... Ундан кўра болами сенга ишонмайман, деб айтинг!” Офтоб ойим ўзини оқлаб яна важ келтирмоқчи бўлганда Ўзбек ойим “Нима бўлганда ҳам, Кумушга жавоб йўқ!”, “Қизингизга ёмонликни ўзингиз ўргатиб кетмасангиз, сиздан ўпкам йўқ” каби гаплар билан чўрт кесади. Натижада икки қуда бирга Зайнабнинг уйига келишади. Ўзбек ойим қудасини ишонтириш ҳамда тинчлантириш учун, Офтоб ойим эса, йўл-ёрдам қидириб! Бир томондан Ўзбек ойим “... Опоқ ойингга қолса, Кумуш опангни ҳам бирга олиб кетмакчи”, иккинчи томондан Офтоб ойим “Кетмаса бўлмайди, був Зайнаб!..” дейишгач, Зайнабнинг “ер остидан қайн онасига кўз юбориши”дан кўрқулик! Кумушнинг жўнаб кетишини сабрсизлик билан кутаётган Зайнабни бу хабар эсанкиратади. Айниқса, Офтоб ойимга қарши бориб бўлса-да, Ўзбек

оимнинг жон куйдириб Кумушни олиб қолишга уринаётганини билган Зайнаб қайноасига ёвқур қарайди ва мана шу қарашидан кўрқулик! Кумушнинг уйида Офтоб оим билан Кумуш Ўзбек ойимни қози қилган бўлса, энди Зайнабнинг уйида икки қуда Зайнабни қози қилишади. Ўзбек ойимнинг "... опоқ ойингнинг ҳамма мулоҳазаси сенданга ўхшайди. Зайнаб сиқиласмикин, икки ўргаға совуқчилик ораласмикин, деб кўрқади. Мен: Зайнаб сиз ўйлаған келинлардан эмас, тегу тахтлик, аслзода... десам ҳам унамайди..." қабилидаги гаплар билан Зайнабнинг ваъдасини олмоқчи, шу йўл билан қудасини тинчлантирмоқчи бўлади. Зайнаб "Мени худо уриптими" дейди, холос. Одатда оққўнгил одам "Худо сақласин", "Астағурилло", "Худо хоҳласа, эгачи-сингил бўлиб кетамиз", "Хавотирланманг, ҳаммаси яхши бўлади" каби ижобий гап қиласиди. Ичиқора одам эса, "жинни бўпманми", "нега сиқиларканман", "нега совуқчилик оралаши керак" дея худди ўзини ҳимоя қилаётгандек, оқлаётгандек гапиради. Ўзбек ойимнинг феъли шундайки, унинг нияти яхши бўлса-да, бирон гапни гапириш ёки бирон ишни қилиш усули ҳар доим ҳам яхши бўлавермайди. Кўп ҳолларда ортиқ қиласидан деб тиритиқ қиласиди ёки қош қўяман деб кўз чиқариб қўяди. Мана ҳозир у Офтоб ойимни қийин аҳволга солиб қўйди. Офтоб оим "гўё Кумушни қолдиришға тарафдор бўлса ҳам, фақат Зайнабнинг кундашлиқ қилишидан кўрқиб тургандек кўрсатилған эди". Бечора Офтоб оим энди эрига юкунади! Лекин кутидор кўплар қаторида энг ашаддий муҳлисига айланиб, ўзи алоҳида ихлос қўйиб улгурган ҳожининг бир гапини икки қила оларми эди! "Охирда Отабекка ҳам мурожаат қилиб кўрди. Ундан ҳам асли мақсадни ҳосил қилолмай, фақат уларницидан жўялироқ узр эшитди... талабингизни маъқул қиласидирған бўлсан, айниқса қизингизнинг кўнглига шубҳа кела-

дир..." Ҳар қалай, күнгилда умид уйготувчи узр эди бу! Айниңса, шу бир гап: "...Жуда бўлмагандан Кумушнинг ўзини олдингизга жўнатарман, хотиржам бўлинг!" Ёзувчининг қадим туркий сўзлар қўлланган мана бу жонли тасвирига қаранг: "Офтоб ойим шу йўсун ҳар тарафдан ҳам умидсизланиб, менгравсиб қолди". Гапдаги "менгравсиб" сўзи, аслида, "ҳанг-манг" сўзидағи "манг" сўзи, "менгров" сўзининг қисқарган шакли эса, "меров"дир. Ўз қизини фожиадан қутқариш йўлини тополмаётган онаизорнинг руҳий ҳолати-да бу! Муштипар онанинг бу ҳанг-манг, олазарак ҳолатини ўқувчи, айниңса, асар фожиавий тугаганида кучлироқ ҳис қила олади. Ўшанда у "онанинг кўнгли сезибди, она ҳақ экан!" деб ачинса ажабмас. Ноилож, тақдирга кўнар экан, онаизор энди қизига ўгит бера бошлайди: "қайнин ота ва қайнин оналарингға хизмат қил, яхшиликни қўлингдан берма, айниңса кундашингга ёмонлик соғинма. Яхшилиқдир, ёмонликдир, ҳар нимаики ўзлари қилсинлар, зинҳор сен аралашма!.. Кундашингнинг кўриниши баёвға ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан... Бундай одамдан албатта ҳазар керак! Агар ораларингга совуқчилиқ тушадирған бўлса, сен ўчакишиб юрма, яхшиси қайнин отангға узрингни айтиб, бу уйдан кетиш ҳаракатини қил! Мен бу тўғрида эринг билан ҳам сўзлашиб қўйдим, тузикми?" Бу ўгитларда Онанинг қанчалик "кўзи ўткирлиги", "одам таниши", ернинг тагида илон қимиirlаса билиши, қолаверса, яхши инсон сифатидаги феъл-атвори офтоб-ойдек кўриниб турибди! Дарҳақиқат, қайнона чала-думбулга ўхшаб кўринса-да, аслида енгил табиатли эканини, кундоши бўш-баёвга ўхшаб кўринса-да, аслида ичидан пишган писмиқ эканини, ҳар икки тоифали одамлардан ўта эҳтиёт бўлиб, "қозонга яқин юрсанг – қораси, ёмонга яқин юрсанг – балоси юқади" деганларидек, қизига улардан узоқ туришини айтяпти-да

ўта оқила ва кайвони Она. Кумуш “Тузик” дея онасини тинчлантиради. Бир оздан сўнг Кумуш онасига кулиб бўйида борлигига ишора қилганда она “Муборак бўлсин!” дейди-да, шивирлаган кўйи уқтиради: “бу сирни эрингдан бошқа ҳеч кимга билдирма, қайнин онанг ҳам енгил хотин, айниқса кундашинг сеза кўрмасин!” Аслини олганда, айни мана шу интиқлик билан кутилган воқеа – қизининг ҳомиладор экани қизини бу уйда қолдириш учун энг катта асос бўлиб хизмат қиласи. Нима учун? Чунки Офтоб ойим жуда яхши биладики, туғилажак чақалоқ аввало қудалари Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойимнинг невараси, ана ундан кейин эри билан ўзининг невараси! Қолаверса, фарзанднинг ота уйида эмас, она уйида туғилиши ўзбекчиликдан ва умуман, яхшиликдан белги бўлолмайди. Шу боис туни бўйи қизи иккови сирлашиш ва туғилажак неварасини орзиқиб кутиш билан қониқишга тўғри келади. Эртаси кун хайрлашиш пайти Офтоб ойимнинг “Худойга топширдим. Кумуш, қазом етиб кўролмай ўлсам, мендан рози бўл!” деганига Кумуш “Сиз ҳам, ойи!..” деб, қутидор унинг манглайидан ўпид “Кўришгунча, қизим...” дейишида кўп ишоралар бор. Яхши одамларни ёмонлардан аввало худо асрайди, шунинг учун она қизини худога топширяпти. “Ўлим – ҳақ”, лекин ким аввал, ким кейин ўлади, буни фақат Яратган билади. Она ва қизнинг ўзаро рози-ризолик тилашишлари кўнгилларининг нотинч эканини кўрсатса, ота яхшиликдан умидвор. Аммо-лекин, бобнинг “Кўришгунча” эмас, айнан “Эсон бўлсак кўришармиз” деб номланиши отанинг умидидан онанинг қўрқуви устивор эканига ишора қилаётгандек. Бу ном гўё Отабек ва Кумуш достони яхшилик билан тугамаслигига ўқувчини руҳан тайёрлаётгандек...

Шундай қилиб, Кумушнинг Марғилонга қайтиб кетмай, Тошкентда қолиши шартлигининг ташқи

омилини боб бошида Юсуфбек ҳожи (тоташарлик билан қотилликка ишора қилиб), “анови гап-сўзларнинг тинчиши керак” лигига, ички омилини боб сўнгидаги Кумуш “бўйида борлиги” да очик-оидин кўрсатиб беради. Қолган ҳамма гап-сўзлар шу икки бош сабабнинг ўзига хос кўмакчилари гина, холос.

Айниқса, мазкур бобда муаллифнинг байни фалакнинг гардишидан андаза олиб палакни – шоҳи сўзанани “гуллатаётган” – гулини гулига тўғри келтираётган чевар каштадўздек бекиёс ёзувчилик маҳорати ёрқин намоён бўлади. Агар бобни бутун асардан алоҳида ажратиб олиб қарасангиз, кўрасизки, унинг ўзиёқ тўлақонли ҳикоя, дейлик, Абдулла Қаҳҳор биланFaфур Гуломнинг энг сара ҳикоялари қаторида эркин яшай оладиган ҳикоя!

Ўн тўртинчи боб “Хушрўйбиби ва Зайнаб” дея қўшалоқ исм билан аталган. Ўқувчи асарнинг деярли бошидан кутидор оиласи, бу оила аъзоларининг феъл-атворлари, дунёқарашлари, туриш-турмушлари тўғрисида етарли билимга эга бўлиб келди. Ҳатто, “қариси бор уйнинг париси бор” деганларидек, Кумушбиби, айниқса, бувисининг тарбиясини олиб ҳуснда ҳам, одобда ҳам тенгсиз бўлиб улғайганини билди. Бувисининг исми Ойша экани ҳам бежизмас... Аммо ўқувчи Олим понсадбошининг оиласи, у оила аъзоларининг феъл-атворлари, дунёқарашлари, туриш-турмушлари ҳақида деярли ҳеч нарса билмайди. Фақат “Кудаларни кутиб олиш” бобида Зайнабнинг онаси Моҳира ойим, эгачиси Хушрўй ва янгаси Ҳанифа ҳақида юзаки билдириш берилди, холос. Ҳатто Зайнабнинг феъл-атвори бир неча бобларда турли вазиятларда қойилмақом чизиб кўрсатилса-да, унинг ички дунёси, айниқса, қандай тарбия кўргани-ю, қандай орзу-ҳаваслари борлиги ҳали очиб кўрсатилмади. “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр” деганла-

ридек, мазкур бобда Олим понсадбошининг оиласи, айниқса, Хушрўй ва Зайнабнинг олган тарбиялари шундай жонли чизиб кўрсатиладики, Зайнаб гўё шамол учирган эчкига ёки сувда сузиб юрган музтоғнинг сувдан чиқиб турган учига ўхшаб кетади. Зайнабнинг шу чоққача кўрсатган минг бир хунарлари опаси Хушрўйнинг макрлари олдида ҳолва бўлиб қолади. Боб билан танишган ўқувчи "Э-э, гап бу ёқда эканда" деб ўйласа ажабмас. Умуман, бу романни - уйга, ёзувчини - уста муҳандис-қурувчига ўхшатсак, айтиш мумкинки, уй - ҳожининг оиласи, уйнинг устунлари - қутидор ва понсадбоши оилалари. Роман қутидор оиласи билан бошланиб мана понсадбоши оиласи билан тугаяпти, ўртада эса, ҳожининг оиласи. Устун пишиқ бўлса, уй турғун, аксинча, устун чирик бўлса, уй омонат бўлади. Қутидор оиласининг нақадар пишиқ ва файзли эканини, унинг Юсуфбек ҳожи оиласининг шаънини ҳар боб билан сақлаб келганини кўрдик. Мана, ҳожининг пушти-палаги ўзидан кўпайиш, ўсиб-униш учун қутлуғ қадамини қўйди - Кумуш бу оиланинг давомчисини дунёга келтириш остонасида турибди. Ҳа, устуннинг пишиқлиги уйнинг мустаҳкамлигига гаровдир. Минг афсуски, чирик устун эса, ҳар қандай уйни қулатиб вайрон қиласиди... Атиги беш бетлик бу бобда понсадбоши оиласидаги муҳит, ундаги опа-сингилларнинг инсоний феъл-автори ва феълларига яраша қисматлари шундай ишонарли кўрсатиладики, ҳатто зўрман деган ёзувчи ҳам уни наинки кичик боб, каттакон асарда уddeлаши қийин!

Боб "Хушрўйби Зайнабнинг эгачисидир" деган таништирувчи гап билан очилади. Шу биргина гап билан зукко ўқувчига кўп фикрлар уқтирилмоқда: аввало Хушрўйби Зайнабнинг гўёки эгаси, яъни хўжайини; қолаверса, катта арава қайдан юрса, кичиги ҳам шундан юради деганлариdek, у Зайнабнинг йўл-

бошчиси; Зайнаб шохида юрса, опаси Хушрўйбиби баргыда юради ёки юқорида айтганимиздек, түяни (Хушрўйбиби) шамол учирса, эчкини (Зайнаб) осмонда кўр... Икки қиз ва икки ўғилли оиласа Хушрўйбибининг иккинчи, Зайнабнинг кенжা қиз экани айтилиб, бу опа-сингилларнинг ташқи ва икчи кўринишлари бир-биридан тубдан фарқ қилиши айтилади. Лекин бири ижобий, бири салбий маънода эмас, балки ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деганларидек, салбийнинг икки қутби маъносига айтилади. “Хушрўй узун бўйлик, қотмароқ ва зарча танлик эди. Зайнаб қисқа бўй, гўштдор ва оқ танлик эди. Хушрўйнинг ҳаракати енгил ва лавзи тез эди. Зайнаб лоппос ва ўнта сўзга аранг битта жавоб қайтарадиган эди. Хушрўйнинг кўзи ўйнаб, ҳар секундда ўн ёққа аланглар эди. Синглиси бўлса бирав билан бетма-бет келиб сўзлашқанида ҳам кўзини ҳамиша бир нуқтадан узмас эди. Хушрўйга болалик чоғидаёқ уй ичи ва қўуни-қўшни “шаддод” деб исм берганлар, чунки ул кимдан бўлса-бўлсин, айтканини қилдирмай қўймас, агар бирарта иш унинг тилагига тескари кетса шовқин-суронни худди бошига кийиб олар эди... Зайнаб... ўз яқинларидан “писмиқ” деб исм олған, онаси бўлса аччиғи чиқғанда “минғаймас ўлгур” деб уни қарғар эди”. Кўриниб турибдики, ҳар икки опа-сингилга ҳавас қилгулик эмас. “Оқ ит, қора ит, ба-рибир ит” деганларидек, Хушрўй тили узун, олазарак, шаддод золим, Зайнаб эса, тили қисқа, анқов, писмиқ золим, лекин иккаласиям золим. Ёшлигидан Офтоб ойим ёлғиз қизи, Ойша буви ёлғиз невараси Кумушбиини эркалаб-суйиб ўстирган бўлса, Моҳира ойим кенжатой қизи Зайнабни “минғаймас ўлгур” дея қарғаб ўстирган. Эътибор беринг, луғатда “минғаймас” сўзи “дардини, юрагидагини ёрилиб гапирмайдиган; индамас”, “писмиқ” сўзи эса “мақсадини, сирини бировга айтмайдиган, индамай ишини битирадиган, ичи-

дан пишган" дея таърифланган. Онанинг ўз қизининг кўнглини, қолаверса, ёзувчининг ҳар иккаласининг кўнгилларини тасвирлашда топиб сўз қўллашига қойили қолмасликнинг иложи йўқ. Яна айтиш мумкинки, ёзувчи ўзбек тилидаги "шўх-шаддод" қўшма сўзидағи "шўх"ликни Ўзбек ойимга, "шаддод"ликни Хушрўй-бибига тақсимлаб бергандек! Ўзбек ойим шўх, нари борса, ўқтам, лекин у ҳечам шаддод эмас, хусусан, эр билан муносабатда ўзининг аёллик ҳаддини билиб, бу ҳаддан ҳеч қачон ошмайди! Хушрўйбиби, аксинча, шаддод, лекин мутлақо шўх эмас! Унча-мунчага тишининг оқини кўрсатмайди. Ўзини жиддий тутиб, гапини қисқа қилиб, шу гапини ҳаммага, табиийки, ўз әрига ҳеч бир эътиrozга ўрин қолдирилмайдиган энг олий ҳукм сифатида ўtkазади.

Муаллиф опа-сингилнинг характердаги фарқларини очиб кўрсатиш учун шундай ҳаётий мисоллар келтиради: Моҳира ойим ҳар бир ҳайитдан бирор ой аввал қизларига атаб кийим олдирап эди. Хушрўйга кийим ёқмаса, у буни дарров айтиб, алмаштириб беришга мажбур қиласр эди. Зайнабга кийим ёқмаса, у то ҳайит кунигача бу ҳақда лом-мим демай, аммо кундан-кунга тумшайиб, ҳурпайиб, қовоқ-дудоғини солиб юраверар эди. Ҳатто ойиси "минғаймас, писмиқ ўлгур, тағин нима жин урди сени?" деб сўраганида ҳам индамас эди. Ахийри, ҳайит куни кириб келгач, йиғлаб-сиқтаб ўз дардини айтар эди. Ёки бирор жойга меҳмонга борилса, Хушрўй "Мен ҳам бораман!" дея ўзининг қатъий қарорини эълон қиласр эди. Зайнаб оса, аввалига индамас эди, лекин онаси меҳмондорчиликдан қайтиб келгач, у йиги аралаш "нега мени бирга олиб кетмадингиз..." дея хархаша қиласр эди. "Сут билан кирган, жон билан чиқар" деганлариdek, Зайнабнинг бу феъли эрга текканда ҳам ўзгармайди. "Эри унга ойлаб, йиллаб қарамай қўйғанида ҳам ул

их деб товуш чиқармади". Қизлик давридаги каби эрлик бўлганда ҳам Зайнаб эрига ўз муҳаббатини фақат кундоши келиши арафасида айтиб солди. Тиббиётдан маълумки, одам жисмидаги бирон дард ўз вақтида даволанмаса, у йиринглаб-қуртлаб кетади. Одам тафтини одам олади деганларидек, одам руҳидаги дардни бошқа одамга айтиб енгиллашмай, ичига ютаверса, охир-оқибат у ғирт аламзада-ёвуз бўлиб кетади. Муаллиф Зайнабга кийимнинг ёқиши-ёқмаслиги билан эрнинг ёқиши-ёқмаслигини атайин ёнма-ён қўйиб тасвирали орқали эр-хотин бир-бирларининг кийимларидир, деган ақидага ишора қилмоқда.

Ёзувчи "аксарият қизларимиз ота-она кимга мувофиқ кўрса, шунга тегишга мажбурдирлар. Лекин Хушрўйники мундоғ бўлмади", дея Хушрўйнинг феълатворини тасвирашга ўтади. Ўн саккизга кирганида унга совчилар кела бошлаганини, ота-онаси унинг раътийига қараб қанча яхши жойларни бой берганини айтади. Ҳатто бир гал ота-она қизидан яширинча бир яхши жой билан битишиб қўйганида, Хушрўй совчиларнинг олдига келиб бетларига "Ҳали мен эрсираб қолғаним йўқ, фотиҳа ўқуб ташвиш чекмай уйларингга жўнай беринглар!" деб жавобларини беради. Совчилар бундай уятсиз қиздан қочиб қутулибгина қолмай, унинг шумтакалигини бутун юртга достон қиласидар-да, натижада Хушрўйга совчилар келмай қўяди. Лекин кўп ўтмай мартабали оиланинг Нусратбек деган бекидан хотини устига совчи келади. Ота-онаси, aka-укаларини ҳам ажаблантириб, ҳам суюнтириб Хушрўй ўша бекка турмушга чиқишига кўнади. Кейинчалик унинг бўлажак эри билан олдиндан тил бириктиргани билинади. Тўй ўтар-ўтмас Хушрўйнинг икки болали ўз кундошига қилиб бошлаган жабр-зулмини ўқиган китобхоннинг Хушрўйга жирканиш, кундошига ачиниш кўзи билан қараши тайин. Хушрўйнинг

ёвузликлари тасвири шундай хулосаланади: “Хушрўй уч ой ичида томир ёйиб қолган бир оилани илдизи билан юлқиб ташлаб тинчийдир... Энди етти-саккиз йил, у ўз кайфича яшаб келадир. Ҳар нарсадан ҳам мамнун, бироқ... Шунча муддатдан бери она бўлолмаганидан хафа, ҳамма қайғу, ҳасрати ана шу туғмаслиқда”. Енгилтаклик билан эркакни ўз домига илинтириб, қўрли-қутли оиласини бузган бузғунчига Худонинг қаҳри келгани шу – тумсаликда! Хушрўй эрининг маломатига жавобан уни, сўнг ўзини заҳарлаб ўлдиришини айтиб қўрқитгач, эри нима қилади – тилини тишлаб, дардини ичига ютишга мажбур бўлади.

Ёзувчи икки инсоний феъл-атворнинг муайян ният ва амалларда кўринишини ёрқин тасвиrlайди. Хушрўй кўнглидагини яширмай шартта-шартта айтиб ташлайверадиган ва айтганини қилдирмай қўймайдиган, ҳукмини ўтказадиган нусха. Зайнаб эса, терсинча, ҳамиша асл ниятини кўнглида яширин сақлайдиган, ҳалқона ибора билан айтганда, “тўй ўтгандан кейин ноғора чаладиган”, пичоқ бориб суюкка қадалган пайтдагина, “ювошдан йўғон чиқади” деганларидек, беихтиёр қучли “портлайдиган” нусха! Ҳар иккенинг оилавий баҳти, тўғрироғи, баҳтсизлиги мана шу феъл-атворнинг аччиқ меваси!

Яна бир бор жиддийроқ ўйлаб қаранг: одам боласи, айниқса, қиз бола уйига ўзи учун совчилар келиб кетганидан кейин “Худой кўттарсин эрни! Ўшанга текканимдан кўра, қора ерга текканим яхши!” дея калондимоғлик қилиш ва ҳатто уйида фотиҳа ўқиши учун ўтирган совчиларнинг олдига безрайиб кириб, “Хали мен эрсираб қолғаним йўқ, фотиҳа ўқуб ташвиш чекмай уйларингга жўнай беринглар!” дея уларни шаллақиларча қувиб солиши учун у қанчалик шаддод, тап тортмас, қайтмас-қайсар бўлмоғи керак! Нима истайди, кимни кутади бу қиз? Оқ от минган шаҳзоданими?

сам ҳам зерикмас әдим, фақат бир жойигина мени зериктиради. Бу күн мен... ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишга мажбур бўлдим" дея ёзувчи икки маълумотни беряпти: биринчидан, асадаги кўпгина воқеаларни Қодирий ўз отасидан эшитган, қолаверса, худди қаҳрамони Отабек ўз отаси Юсуфбек ҳожи билан сиёsat, иқтисод, жамият ҳаёти, оила ҳаёти ва бошқа мавзуларда муҳокама-мунозара қилганидек, ёзувчи ҳам ўз отаси билан суҳбат қурганларини айтяпти; иккинчидан, ёзувчи кундошларнинг бир-бирларига қиласиган аччиқ-тизиқ муомалалари тасвирини қисқартиришга қарор қилганини айтяпти. Унинг бу икки маълумоти жуда қимматли. Қодир бобо 72 ёшида кўрган ўғли Абдулла Қодирийни 32 йил тарбиялаб, 1924 йилда 104 ёшда вафот этиши, "Ўткан кунлар" романи илк бор 1926 йилда китоб бўлиб чоп этилгани ёдда тутилса, ўғил бу китобни ота билан кенгашиб яратганини англаса бўлади. Шу маънода элшунос ота билан ёзувчини худди халқ бахшисидан халқ достонини ёзиб олган фольклорчи олимга менгзаш мумкин. (Кези келганда мазкур қодирийхонликни ёзишимда менинг ўғлим ҳам ўзимга кенгашчи-кўмакчи бўлганини фахр билан айтиб ўтмоқчиман). Чўлпоннинг 1936 йилда китоб бўлиб чиқсан "Кеча ва кундуз" романида ҳам кундошлар можаролари боплаб кўрсатилган. Бу романда мингбошининг тўртта хотини бўлиб, икки катта кундош кенжакундошни заҳарлаб, учинчи кундошга тўнкашмоқчи, шу билан икки кичик кундошлардан бирйўла қутулишмоқчи бўлишлари, бироқ кутилмагандаги чойнақдаги заҳарли чойни эрлари ичиб ўлиши тасвирланади. Менимча, бу икки фожиавий романнинг асосий фарқи шундаки, булардан биринчиси – баайни нурли-ёруғ кундуз, иккинчиси – нурсиз-қоронғу кечаки! Абдулла Қодирийнинг буюклиги

аввало мана шу кундошлик можаросининг тасвирига ҳаддан ташқари берилиб кетмаслигига, тасвирланганда ҳам, сўз ўйини, қочиrim, кесатик, ҳазил-хузул сингари бадиий воситалар орқали кўнгилларни аяб, ҳатто ёриширадиган тарзда тасвирлашида ёрқин кўринади.

Ёзувчи “Эсини киргизди” номи орқали фақат опа сингилнинг эсини киргишини эмас, балки Қодир бобо ўғли Абдулланинг, ёзувчи ўкувчининг эсини киргизиб қўйганига ишора қилаётгандек. Ўзбек тилидаги “если”, “эссиз”, “эсдалик (эслатма)”, “эсирик (маст)”, “эсхона (калла)”, “эсвос (эси паст)”, “эсанкирамоқ”, “эси бор”, “эси йўқ”, “эси бутун”, “эсини емоқ”, “эсини йифмоқ”, “эсига келмоқ”, “эсига солмоқ”, “эсига тушмоқ”, “эсидан чиқмоқ”, “эсидан оғмоқ”, “эсида тутмоқ”, “эси жойида”, “эси кетди”, “эси кирди-чиқди”, “эси паст”, “эси курсин”, “эсини танимоқ”, “эси ўзига келди” “эс борида этагини ёпмоқ” каби “эс”га боғлиқ кўпдан-кўп сўз ва иборалар одам боласининг эс-хуши ҳақидаги бири-биридан жонли тасвирлар, таъсирчан бадиий кўриклардир. Эс бу одамнинг билиш, ўйлаш қобилияти, унинг ақли, онги, мияси, хотираси экан, одамнинг одамийлиги ҳам айнан унинг эси билан ўлчанади. “Эсини киргизди” ибораси “ақлини киргизди”, “кўзини мошдек очди”, “эс-хушини жойига келтирди”, “эсини танитди”, “эсига солди” ва бошқа салбий ҳамда ижобий маъноларни бараварига англатиб турибди. Одатда доно одам нодоннинг эсини киргизади, лекин нодон нодоннинг эсини киргиши мумкинми? Ўзбек ва умуман жаҳон адабиётида доно ва нодон ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Масалан, “Сўзлагувчи нодон бўлса, эшитгувчи доно бўлсин” деган ўзбек мақоли, “Билганини билган одамга эргашинг, билганини билмаган одамни огоҳлантиринг, билмаганини билган одамга ўргатинг, билмаганини билмаган одамдан қочинг” де-

ган хитой донишманди Конфуций доно ва нодонни жуда аниқ таърифлаганини күрамиз. Ана энди билмаганини билмаган икки билмас (русча балбес!) одамнинг аҳволини кўз олдингизга келтиринг! Мазкур бобда айнан мана шу аянчли ҳолат тасвиранган. Хуллас, демоқчимизки, “Эсини киргизди”ни айни сўзлар англатувчи юза маънода юзаки тушунмаслик, иборани унинг тагидаги истеҳзо-заҳарханда билан бирга англаш керак! Ўзи ўзлигидан тониб чиққани учун Худо уриб қўйган аслида, ўзининг эси кирди-чиқдироқ бўлиб турган шу бир бандай ғофилу бандай ожиз Хушрўй!. Бироннинг эсини киргиза оладими?! “Ўзига енг бўлолмаган бирорга эн бўлармиди!” дейди кўпни кўрган элимиз. Бу аёлнинг нажот йўлини қидириб қаёққа боришини билмай остонасига бош уриб келган синглисига айтаётган гапларини ўйлаб қарсангиз, тепа сочингиз тик бўлиб кетади. “Ранг кўр – ҳол сўр” деганларидек, “сумбула ойининг мўътадил ҳавосига қарамасдан маржон-маржон терлаган” синглисингни юрагини бир жуфтгина савол билан қаттиқ шувиллатиб, бир тутам қиласи-қўяди: “Нега мунча ўзингни олдириб қўйдинг, Зайнаб! Уйингдан тинчмисан, эринг эсон-омон юриптими?” Юраги аламга тўлиб келган Зайнаб “Куриб кетсин!” дея ошкора йиғлаб юборади. Қаранг, бир ўқ билан кўп нишонлар урил япти: унга қарамаган эри қуриб кетсин, унга рақиб бўлган кундоши қуриб кетсин, кундош томонга оғган Ўзбек ойим қуриб кетсин, ёруғлик бўлмаган ўша уй қуриб кетсин, жонига теккан бу ҳаёт қуриб кетсин. Хушрўй ҳам, ўқувчи ҳам Зайнабнинг феълини яхши билганлари учун унинг бу қарғиниши ичига ютиб келган дард-аламини одатдагидек кечикиб (бўлари бўлиб, бўёғи синггач) айтилаётганини англайдилар. Ўзини андак босиб олганидан кейин, азбаройи опасидан ҳам кўнгил, ҳам йўл-йўриғ сўраб: “Поччам эсон-

омонмилар?" – дейди. Саволга жавоб гүёки "Мана, эрга қандай муомалада бўлиш керак!" дея уқтириб-ўргатиб тургандек: "Поччанг ўлсин! Нажмиддинбек деганинг даласига кеткан эди. Тўрт кундан бери довудараксиз, ўлдими-қолдими, билмайман!" Хушрўйнинг бу гапидан кўп нарсалар англашилади: биринчидан, унинг эрига совуққонлиги, яъни эри кўчада ўлиб қолса ҳам унга жони ачимайди, аксинча, қутулганига суюнади; иккинчидан, юқорида айтганимиздек, иккови ҳам золим – Зайнаб суст ва писмиқ золим бўлса, Хушрўй фаол ва шаллақи золим, шунинг учун иккови ҳам эрга ёлчимаган, бироқ икковининг ҳам эрлари улардан қочиб қутулолмайди, учинчидан, Зайнабга йўл-йўриғ кўрсатишга Хушрўйнинг на маънавий ҳаққи, на ҳаётий тажрибаси, на ҳавас қилгулик ҳоли бор; тўртинчидан, мана шу биргина савол-жавобдан икковининг ҳам билмаганини билмайдиган нодонлар экани англашилади... Зайнаб опасини тушунмайди ҳам ўзича уни инсофга чақирмоқчи бўлади: "Ношукур экансиз, опа, поччамдан нолишингиз яхши эмас, сизнинг ҳам бошингизга менинг кунимни солса нима қиласр эдингиз?" Бу, аслида, савол эмас, беихтиёр айтилган оҳ-нола, имконсизнинг ягона имкони! "Бири тоғдан, бири боғдан" деганларидек, икковининг дунё-қарashi бошқа-бошқа бўлгач, тил топишишга қийналадилар. Хушрўй яна манманлик қилади: "Мен ҳам Зайнаб бўлсан, албатта солар эди. Менга қолса, ҳар ким ўз нафсига яхшилиқ ёки ёмонлиқни ўзи ҳозирлайдир!.." Яратганга эмас, ўз нафсига қул бўлиб қолган кимсанинг фалсафаси-да бу! Зайнаб табиатан ундан салгина берироқда! Шунинг учун опасини яна инсофга чақиради: "Тавба денг, опа!" Хушрўй шунақангиги шаддодки, тавбани билмайди! Аксинча, яна-да юқорироқ пардаларда фалсафа сўқади: "Мен шу чоқғача бандасига бош эгишни ва бандаси олдида тавба қилишни

ор билдим ва шу орланишим орқасида ҳар кимнинг устида юрдим...” Бу гап, аслини олганда, ҳақ гап. Яъни, бандаси бандасига эмас, фақат Яратганга бош эгиши, Аллоҳга тавба қилиши керак. Қолаверса, банда ўзининг бад нафсиға эмас, худога бош эгиши керак. Бироқ “камбағал бой бўлсам, бой худой бўлсам дейди” деганлариdek, шу ҳақ гапни айтиётган Хушрӯй, аслида, худолик даво қилаётган худосиз. Буни унинг кейинги гапларидан уқса бўлади. Қанчалик ҳasadчи ва писмиқ бўлмасин, ҳар қалай, зифирча иймони бор Зайнабнинг “Худо урар...” дейишига жавобан опасининг “Айтсанг, айтмасанг, худо уриб қўйипти!” дея икковининг қандай усолда эрга текканларини қиёслаб оғзини кўпиртирган кўйи гап беради: “...энди келайлик сенинг эрга тегишингга: албатта, тона олмассан, сенинг эр қилишда тариқча ихтиёринг ва ризолиғинг йўқ эди. Эҳтимолки, ихтиёр нима, орзу нима, ўзинг ҳам пайқамас эдинг. Балки ихтиёр ва орзуларинг ҳам бўлғандир, бироқ уни ҳеч ким майдонда кўрмас эди. Шунинг учун тизгининг ойинг билан дадангнинг қўлида, бошқача айтканда, уларнинг туяга ортқан юки, кимга сотса, қаерға жўнатса ихтиёrsиз эдинг... Ёдингда борми, никоҳ куним мен кулиб, чақчақлаб аравага миндим, сен бўлсанг уйдан йиғлаб чиқдинг ва эрингникига йиғлаб бординг... Яхши, эринг сенга ёқди, аммо эринг фақат сенга ёқиш билан иш битмаслигини яна хотирингга келтирмадинг. Эринг сени ташлаб қўйди, сен чурқ этмадинг, истиқболинг тўғрисида ўйламадинг... Фақат ғалвир сувдан кўтарилигандан сўнггина, сен ўзингни ҳар тарафга ташлай бошладинг... Лекин энди бир минг тоблансанг ҳам натижа ўзингнинг феълингча битта: сенинг учун ҳар кун бир ўлим, ёки ўша уйдан бошингни олиб чиқиш!” Юзаки қараганда, ғамхўр опа, жонкуяр дўстнинг аччиқ гапларига ўхшайди бу гаплар. У ҳар бир киши ота-онасига бўлса-да, кўр-кўrona бўйсун-

маслиги керак, балки ўз тақдири, ўз истиқболини ўзи белгилаши керак, деб гүё жуда түғри гапиряпти. Зайнабнинг ё тақдирига тан бериб ҳар куни ўлиб тирилиш, ё уйидан бош олиб чиқиш – икки йўли борлигини айтиб жуда түғри йўл кўрсатаётгандек. Аслида-чи, зимдан синглисини ота-онасига, эрига, қайнота-қайнонасига, қўйингчи, уни қуршаб турган одамларга қарши қайраб соляпти. Ўз ота-онасига итоатсизлик қилганини, “ота-она рози – худо рози” деган ақидага зид равишда ота-онасидан яширинча ўзининг бўлаҗак эри билан тил бириктирганини, кундошини сургун қилиб эрга буткул эга чиққанини, хуллас, ўзининг бад нафси нимани буюрса, шуни қилишини синглисига ўрнак деб кўрсатяпти. Тўғри, бойлик, мартаба, ножўя орзу-ҳавасга учиб ўғил-қизининг раъйига қарши, уларга молдек муомала қилиб уйлантираётган ёки узатаётган ота-оналарни қоралаш-ёзфириш керак. Лекин у чегарадан бу чегарага оғиб, бугунги куннинг атамаси билан айтганда, экстремизмга йўл қўймаслик, яъни ота-онага ҳам, элнинг урф-одатлари-ю жамиятнинг қонун-қоидаларига ҳам буткул бўйсунмаслик яхши эмас-да!.. Қисқаси шуки, Хушрўй синглиси Зайнабни ўз томонига оғдиришга уриняпти. Бечора синглисини гўёки “Қани, сен ҳам майдонга чиқсанг-чи, менга ўхшаб ўз эрингни байни бир эшшак қилиб менинг олсанг-чи!” дея ошкора ундан, ўзининг қаторига қўшиб олмоққа шайланиб турибди! Опасидан аччиқ ҳақиқатни эшитган Зайнаб йиғлаб юборади. Хушрўйнинг “Мен йиғлашни билмайман! Кишилар йиғлаганда, менинг кулгум қистайди” дейиши ҳам унинг бағритошлиги, ҳам эси пастлигининг белгиси. Опа-синглининг шундан кейинги айтишувга ўхшаш қизғин сухбати чоғида ундов яна-да кучлироқ уқтирилиб, энди унинг гапларига “захар” сўзи ҳам оппа-очиқ ва ундалма кўринишида аралашади: “Сенинг ўрнингда бўлсам,

биласанми, нима қилар эдим, Зайнаб, дунёсини оствуст қилар эдим, бир томчи ёшимни юз томчи заҳар билан күшиб ташлар эдим!" Бундан ҳам оғирроқ ва аччиқроқ таъна-маломатлару дакки-дашномларга чидаёлмай қолган Зайнаб, табиийки, анави зимдан айтилган ундовларни тұлық англамай, яна ёрилтошдек ёрилади: "Сиздан үзимни чақадирғали келган эмасман, – деди ииғлаган күйи Зайнаб, – үз уйимда ҳам тегмай чақадирған газандаларим бор... Сиз ҳам маним қуйган жонимга үт ёқманг-да, агар қўлингиздан келса, бу ўртанған синглингизни тинчитинг!" Шундан кейин опа-сингил ўртасида ким кимни қандай тинчтиши юзасидан яна-да кучлироқ баҳс-мунозара, шунчаки үй алмашув эмас, ошкора тортишув бўлади. Унинг ниҳоясида Хушрўйбиби "Чиқ эрингдан!.. Негаки сенинг дардингнинг давоси, менга қолса, фақат шу!" дея чинакам опаларча тўғри маслаҳат берадигандек. Лекин хоҳ ўзи бўлсин, хоҳ синглиси, Хушрўй ҳеч қачон ўзининг оғзидагини олдириб қўядиган лапашанг эмас. Шундай экан, унинг бу гапини кесатиқ деб тушуниш тўғрироқ бўлади. Негаки, эсни киргизишнинг энг синашта усулини қўллаб, синглисига "эрингдан ажра" деб унга ёқмайдиган гапни дангал айтапти, токи синглиси "ўламан, лекин ажрашмайман" деб тетиклашсин. Хушрўйбиби "Жавоб сўрасанг, сени талоқ қилиш учун эрингнинг кўзи қияди. Аммо сен аҳмоқсан, кўрпангга қараб оёқ узатишни, қарс икки қўлдан чиқишини билмайсан!" дея яна үз таклифини мантиқли асослаётгандек, гўё синглисига тўғри йўл кўрсатаётгандек. Аслида, у синглисига "ҳаракатингни қилмасанг, эринг сени талоқ қилишдан тоймайди" дея кесатяпти. Опасининг кесатиги үз ишини қилади-да, Зайнаб ўзининг пинҳона ўй-сирларини очиқ айтади: "Этагингни қоқиб кета бер, дейсизми? Сен ҳасратда ўл, кундашинг яйраб-яшнасин, шуми мақсадингиз?" Хушрўй баттар

кесатади: “Ҳозир ҳасратда эмасмисан, кундашинг яйрамайдими?” Зайнаб “Тузик, лекин ҳар қадамда унинг ҳузурини бузаман, бир чўқитиб, ўн қаратаман” дея ўзини ҳимоя қилган, ўз кураш усулини оқлаган бўлади. Юқорида “кундош” сўзи “кўнгилдош” сўзининг қисқаргани, яъни икки хотин бир эрнинг кўнглини олишда сафдош, дея фараз қилган эдик. Шунга кўра эрининг кўнглини олишда кундоши-кўнгилдоши Кумуш билан ҳамкорлик-дўстлик қилишнинг ўрнига у билан рақиблик-душманлик қилиши Зайнабнинг катта хатосидир. Хушрўйнинг “Бундан нима чиқади?” деб сўраши остида “Қўй, сингилжон, бу ишинг яхшиликка олиб бормайди” эмас, “Бор ҳунаринг шугунами?” деган маънони уқса бўлади. Зайнаб ҳам саволга яраша жавоб қайтаради: “Ишқилиб, келгиндини тинчтимайман”. Бу гапнинг тагмаъноси жуда чуқур, мен сизга айтсам. Ўғри ўзгани ўғрилиқ, ёлғончи ўзгани ёлғончилик, жиноятчи ўзгани жиноятчиликда айблайди, яъни ўз айбини, ўз жиноятини ўзгага тўнкашга уринади. Шўро тузуми Туркистонни босиб олиб, ўзининг босқинчилик сиёсатини юргиза бошлаганида бу юртнинг эркинлиги учун курашган ватанпарвар, фидойи, элчи-элсевар зотларни босмачиликда айبلاغани эсингиздами? Бу тузум эл-юрт эркинлиги-эгамалиги ва ёруғ келажаги йўлида курашган зот, халқ дўсти – мазкур асар муаллифи Абдулла Қодирийни “халқ душмани” дея айبلاغан эмасми эди? “Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан” деганлариdek, Зайнаб ўзи келгинди бўлгач, Кумушни келгинди дея сўкиб-камситади-да. Бу ерда Кумушнинг Марғилондан Тошкентга келганига ишора қилиняпти, деб тор ўйламаслик керак, балки, аслида, Зайнабнинг келгинди эканини, яъни Зайнаб Кумушдан кейин Отабекнинг уйига кириб келди, Кумуш Отабекнинг кўнглига ҳам кириб боргани ҳолда Зайнаб унинг кўнглига йўл тополмади,

дея кенгроқ тушуниш керак. Яна Отабекни – Адабиёт-га, Кумуш ва Зайнабни – она ва чет Тилларига менгзасак, билинадики, она тили эмас, чет тили ҳамиша келгинди бўлган. Ахир, бу юртда она турк тили, хусусан, она ўзбек тилига четдан форс, юонон, араб, мўғул, рус ва яна озмунча тиллар келгинди бўлиб келиб, сўнг вақти-соати етгач, ортларига қайтиб кетмаган дейсиз. Илдизи чуқур ва шохлари осмонўпар дараҳтга бошқа кўчатларни минг пайванд қилманг, дараҳт ўзлигини йўқотмайди, илдизидан сув ичиб, яшнаб ўз мевасини бераверади-да... Қолаверса, “келгиндини тинчтимайман” ибораси бузғунчи, айрмачи, террорист, қўпорувчининг оилани ҳам, юртни ҳам алғов-далғов қилишга, энг олий неъмат – тинчлигига таҳдид қилишга, оилани ҳам, жамиятни ҳам ич-ичдан қўпоришга қаратилган. Бу халқ ўтмишида озмунча келгиндилар аслзода, келажаги порлоқ бекларни ҳақ йўлидан оздириб, иккинчи хотин сифатида тегиб олган-да, эрининг биринчи хотинини келгиндиликда айبلاغан кўйи уни сургун қилиб в ё қириб-йўйиб, эрга бош-бутун эга, хўжайин чиқмаган дейсиз! Ёзувчи Хушрўй билан Зайнабнинг, аслида, ўzlари келгинди эканини очиқ айтмайди, асар ёзилган ўрин-пайтда буни айтолмасди ҳам! Лекин укувли китобхон “гап тагидаги гап”ни, жумладан, “Хушрўй” деган асли форсча ва “Зайнаб” деган асли арабча исмлар замиридаги тагмаънолардан, айниқса, Зайнабнинг Кумушни келгиндиликда ёзғириб турганидан унинг кимлигини тушуна олади. Иккинчи бўлимнинг “Ота-она орзуси” деб аталган илк бобида айтилганидек, Отабекнинг “Анди, деганингиз нима, ўзи?” деган сўроғига Ўзбек ойим “анди... ўзи хитойми, нима бало... ўзи қалмоқдан тарқаган бўладир... Тушунмаган бўлсанг, лўлиларнинг бир тоифаси...” дея Кумушни таърифлаган эди. Аввало Ўзбек ойимнинг бу гапи ким келгинди-ю, ким ўз ер-

лик эканини англатяпти. Қолаверса, Ўзбек ойим бу гапни ҳали Кумушни кўрмай-билмай туриб, кесатиб айтган. Марғилонлик келинини кўриб, суйиб, ўз кўнглидан жой бергач, тўғрироғи, Зайнабдан Кумушга оғгач эса, ўз-ўзидан Зайнаб келгиндига айланади-да. Демак, Ўзбек ойимнинг гапини “қизим сенга айтаман, келиним сен эшит” қабилида тушуниш керак. Аслида Зайнаб хитойми, қалмоқми ё бошқа элатми, хуллас, лўлининг бир тоифаси бўлиб, унинг қони қирқ йил бирга қайнаса ҳам кўшилмаслигига ишора қилиньяпти. Худди қора Ҳомид Отабекни “тинчтиб” Кумушга эга чиқмоқчи бўлганидек, энди қора Зайнаб Кумушни “тинчтиб” Отабекка эга чиқмоқчи! Бу икки бузғунчи-айирмачининг қора ниятлари қанчалик ўхшаш. Аслида, “тeng tengи билан, тезак қопи билан” деганларидек, бу икки ичиқора бир-бирларига мос. Кумуш ва Зайнаб – миллий ва ўзга Тиллар, Отабек – миллий Адабиёт тимсоллари экан, у ҳолда Комилбек ёки Ҳомид ниманинг тимсоллари, деган савол туғилади? Уларни миллий Адабиётга ижобий ёки салбий таъсир этувчи чет эл Адабиётига қиёслаш мумкиндек... Хушрўйбиби “Сен тинчитмасанг, бошқалар сени тинчтар... Яъни роҳатини буза берсанг, эринг сени кўяр!..” дея, ниҳоят, асл башарасини кўрсатади. Синглисини “Кўй, уларнинг тинчлигини бузма” деб эмас, “чўзма, тезроқ тинчтиб улгуриб қол” дея гиж-гижлаяпти. Ахир, Хушрўйнинг ўзи уч ойга қолдирмай кундошини қувиб тинчитмаганми эди? Айниқса, “Хушрўй ўзининг ваҳший кўзлари билан синглисига қараб қулимсирар эди. Бу қулимсираш ораси “кўлингдан нима келади?” – дегандек бўлар эди” гапларида, “дўст ачитиб, душман кулдириб гапирав” деганларидек, “куйинар” эмас, “кулимсирар” сўзи унинг дўстлик эмас, душманлик қилаётганига ишорадир. Ана шунда Зайнаб йигидан тўхтайди ва энди у опасига ўхшаб бошқаларни йифлатиб

ўзи кулишга шайланади. Кескин оҳангда “Эсимни киритдингиз, опа, раҳмат, сизга!” дея ана ўша қора ниятини амалга оширишга унданған шаддодгина эмас, ўтакетган шайтон опасига раҳмат айтапти. Бунга жавобан шайтон ўз малайига яна бир васваса қиласы: “Раҳматни менга айтма, ишонсанг, юрагингга айтарсан...” Бу шайтоний гапнинг замирида “Юрагингни, жонингни менга ишониб топширсанг, қора ниятингга етасан. Қани, сенинг ҳам дов юрагинг борми ё қүёнюракмисан? Қўлингдан нима келишини кўрсата оласанми? Бу дунёи дунда жон берасанми ё жон оласанми, опангга ўхшаб олғирроқ бўлсанг-чи мундок!..” деган маънолар яширган.

Кўриниб турибдики, опа, аслида, синглисининг эсини киргизмади, аксинча, эсхонасини чиқарди, ўзидек ашаддий аламзада қасоскорга айлантириди, холос. Минг афсуски, писмиқдаги бу ўзгаришни эри, кўпни кўрган қайнота-қайноаси ва бошқалар сезолмадилар-билолмадилар! Наинки улар, ҳаттоқи айни лаҳзалардаги бош кенгашчиси ҳам ўз гапларининг оқибатини ҳойнаҳой билмас, ақалли тасаввур қилолмас эди.

Савол туғилади: “Танлай-танлай тозисига учрабди” деганларидек, нега Ўзбек ойим шаҳардаги қизларни кўра-кўра, таг-тугини суроштира-суроштира келиб-келиб Олим понсадбошининг оиласи билан куда бўлди? Бу оиланинг нимасига ҳавас қилди-ю, нимасига учди? Зайнабнинг опаси Хушрўйбиби ҳақидаги миш-миш гапларни эшитмаганми, унинг хотин устига хотин бўлганини, ҳатто икки болали кундошини сазойи қилганини билмасми эди? Йўқ, билган, у айнан мана шу ҳолга қизиққандир, эҳтимол. Аввало, понсадбоши (бешюзбоши) мингбошидан кейинги энг мавқе-ли лавозим. Қолаверса, ўғли Отабек ҳадеб Марғилонга кетиб қолаверишидан куйган Ўзбек ойим ўғлига шунақанги маккор хотин олиб бермоқчи бўлганки, у кун-

дошини сазойи қилсин-да, ўзини “анди” келинидан, ўғлини оворагарчиликдан қутқарсан. Буларни ёзувчи очиқ айтмайды, лекин “куйгандан кулли бало чиқади” деганлариdek, Ўзбек ойимнинг эри ва ўғли билан “анди” келини атрофида уришишларини, мана энди понсадбоши қизларининг феълларию қисматларини ўқиб-билгач, китобхон шундай фараз-тахминлар қишлишга ҳақли, албатта.

“Ой-куни яқин эди” деб аталган ўн олтинчи боб “Кумушнинг ой-куни яқин эди”, дея бошланади. Ҳа, Кумушнинг она бўлиш бахти яқин эди. Эрини оталик, ота-онаси ва қайнота-қайнонасини набиралик қилиш бахти яқин эди. Ўзларидан кўпайиш, болани бирга-бирга тарбиялаб ўстириш, қўша қариш бахти яқин эди. Уларнинг мурод-мақсадларига етканларини кўрган минглаб-миллионлаб ўқувчиларни бахтиёр қилиш куни яқин эди. Отабек ва Кумуш достони “Алпомиш”, “Гўрўғли”, Афанди достонлари каби тўла ютуқ билан тугаш куни яқин эди. Ўзбек ва қипчоқнинг бирлашиш куни яқин эди. Миллий Адабиёт ва миллий Тилнинг бир умрга чамбарчас уланиш, улли бўлиш куни яқин эди. Яхшилик ёмонлик устидан, эзгулик ёвузлик устидан ютуққа эришадиган кун яқин эди. Зулмат кечаси ёруғ кундузга алмашадиган кун яқин эди... Аммо, минг афсуски, бу кунда кутилган орзу-умидлар тўлиқ ушалмай қолди. Минглаб-миллионлаб ўқувчиларнинг кўзлари севинч ёшлари билан бирга қайғу-нафрат ёшларига жиққа тўлдилар. Янги чақалоқ туғилишидан суюниб, бироқ кутилмаган ўлимдан йиғлагувчиларнинг энг бошида муаллифнинг ўзи турди. Ўғилларини йўқотганидан аламзада Сурхайил мастан Алпомишни етти йилга зиндонбанд қилганидек, эрини ўзига жалб қилолмаганидан аламзада Зайнаб писмиқ ҳам уни етти йил, тўғрироғи, етмиш йилга зиндонбанд қилди... Аммо Тангрига минг қат-

ла шукурки, бу кун күнгилларга юпанчиқ ва умид ҳам бағишилади. Отабек ва Кумуш достони абадий давом этажаги, бу достон келгуси авлодларга боқий ёдгорлик бўлиб қолажаги ҳақида мужда берилди. Ёвузлар уларнинг бир-бирига бўлган чин севгисини ўлдиролмадилар. Ҳаққа ошиқ бу қаҳрамонлар ўзларининг ишқ достонига боқий ёдгорлик қолдирдилар. Бу ёдгорлик қуёш каби зулматларни абадий ёриштиришга хизмат қиласди...

Асарнинг барча оғриқли ва тушкун боблари каби, бу сўнгги боб ҳам уч “синик”дан қуралган. Гўёки муаллиф ҳажми ҳам, таъсир кучи ҳам энг катта ва энг фоже синикини икки кафтдеккина мухтасар “синик” орасига қўйиб, ҳам оқ фотиҳа, ҳам дуои жон қилаётгандек!

Биринчи “синик”да асосан Кумушбибининг тўлғоғи арафасидаги яқинларининг “тўлғоқлари” тасвирланади. Бир томонда “Ўзбек ойимнинг иши бошидан ошқан... ул бешик ясатиш билан машғул эди. До-яча ким, ақиқага нечта қўй керак, нечанчи кунда тўй ўтказиладир, нечта эркак, нечта хотин айтиладир ва кимлар?” Иккинчи томонда “Кумушни хизматдан бўшатилиб баъзи ўчоқбоши юмишларини Зайнаб идорасига топширилғаниға энди бир ойлар бор”. Учинчи томонда “Ўзбек ойим набира масаласида қанча хурсанд бўлса, Отабек шунчалик хафа, чунки Кумушни кўрган сайин, уста Олим фожиасини хотирлар эди”. Тўртинчи томонда “Юсуфбек ҳожи маълум алданишдан сўнг юрт ишидан қўл ювған, кўб вақтини меҳмонхонада “Қуръон” ва “Далойил” (диний китобнинг номи) ўқуб кечирав, кундаш ораси бузилиб, ўртадан сўз чиқғанини гоҳо эшитса, иккала келинини олдиға чақиритириб уларни қатор ўтқазар”, аввало Кумушга “ойим”, сўнг Зайнабга “болам” деб амри-маъруф қиласар, сўнг “иккисини дуо қилиб бир-бirisига салом бердиран” эди. Улардан сўнг хотини Ўзбек ойимга

ваъз ўқир, "Зайнабни худой кўтарсин, айб ўзида..." дея ўзини оқлаган оғма хотинини "Секин-секин, уят! Қайнин она деганинг адл туриши лозим! Зайнаб сиз билан маним орзу-ҳавасимиз эмасми?!" дея инсофга чақирап эди. Бешинчи – ҳал қилувчи томон Кумушнинг онасига ёзган хатида батафсил баён қилинган: "...Ўлим ҳақ, аммо бечора бувим жон берар экан, ёнида туриб дуосини олиб қолмағаним учун кўп ҳасрат чекдим... Сизни ва отамни жуда соғиндим... Кудангиз мени на ерга ва на кўкка ишонадир... Маним бўлса нима учундир юрагимда бир кўрқув бор... Ўткан хатларимда кундашим билан мirosamiz келишмай турғанини кулгулик тарзида ёзган эдим... Зайнабнинг битмас хусумати эса ғолибо маним иккиқатлигим ошкор бўлғандан бошланди... бизнинг можаролардан қайин отам жуда сийрак хабардор... гоҳо унинг қулоғига етиб қолар ва биз икки ёв унинг олдиға чақирилиб насиҳатини эшитар ва лекин яна ёмонлиғимиздан қолмас эдик... Зайнаб билан уятсизча кўп олишдиқ, бу ит-мушукликдан биз зерикмасак-да, куявингизни жонидан тўйдираёздиқ... ул биз икки кундашнинг юзимизга: "Агар шу ҳолда давом эта берсаларинг икавларингга ҳам баравар жавоб бериб қутуламан!" деди... Зайнаб... бир неча кундан сўнг ёвошқина бўлиб... Кечалари кўкка қараб келаси ой шу кунларда ёруғ дунёда борманми, йўқманми дейман... қизингизнинг кўнгли учун ҳали ҳам келганингиз яхши... Кўришалмасак мендан рози бўлинг, дадам ва бошқа ёру дўстлар ҳам..." Шу бир "синиқ"да катта уй, катта оила аъзоларининг кўнгил кечинмаларини ўқир экансиз, қаҳрамонларнинг кураша-кураша ҳолдан тойиб, зўрға шу кунларга етиб келганини ҳис қиласиз. Отабекдек биттаю битта мард уч ёвни енгганида лолу ҳайрон бўлган ўқувчи Зайнабдек биттаю битта ёвни тўртта мард енголмаганига ҳанг манг қолса, ажаб-

мас. Аслида, Ўзбек ойим, Юсуфбек ҳожи, Отабек ва ҳатто Кумушдан ҳам ўтган катта хатолик шуки, улар аввалбошдан Зайнаб келин қилиб олинишида “бу ҳам инсон-ку” дея унинг кўнгли ва орзу-ҳавасларига қарамадилар. Бир инсоннинг тақдири билан ўйнашдилар. Аввалбошда Зайнаб бу уйга зўрлиқ билан келгани йўқ, балки уни ўзлари авраб-алдаб олиб келдилар. Шундай экан, улар энди айбни ўзгадан эмас, аввало ўзларидан қидиришлари керак. “Ўзингдан чиққан балога қайга борарсан давога” деганлариdek, Зайнаб бу ували-жували бўлиш илинжида турган қўрли-қутли оиланинг ўзидан чиққан қутулмас балоси. “Бурунни сассиқ деб кесиб ташланмайди” деганлариdek, уни на сўкиб бўлади, на уришиб. Бир койишни минг койиш қилиб қайтаради у. Очик қайтармаса, аламини ичига писмиқларча йиғиб-йиғиб, сўнг ҳаммасини бирвара-кайига қайтаради! Писмиқ одамнинг табиати шундай. Нафақат одамда, балки табиатда ҳам, жамиятда ҳам шундай. “Тўфон олдидан тинчлик” деганлариdek, қуруқлик устидаги ҳаво исиб, юқорига кўтарилигач, денгиз устидаги совуқ ҳаво қуруқликка қараб шиддатли равишда эса бошлайди ёки шамол жазирамада сувсизликдан қақраб турган ер устига булатларни шиддат билан четдан ҳайдаб келади-да, жала ёғдирали. Худди шундай, қачонки инсоний жамиятда зулм, бузғунчилик, бошбошдоқлик, қонунсизлик каби ёвузлик кўпайса, четдан “эзгулик” ва “қутқарув” байроғини юқори кўтарган кучлар шиддат билан бостириб келади. Бунга жаҳон тарихида ҳам, ўз тарихимизда ҳам мисоллар ошиб-тошиб ётибди. Доро билан Кир, Искандар, Кутайба, Чингизхон, Черняев, Ленин билан Сталин каби “байроқдорлар” бу юртга аслида эзгулик олиб келишдими ё ёвузликми, буни ҳам тарихимиз очик-ойдин кўрсатиб турибди. Лекин асл хўжааламбардор, чин байроқдор Қодирий ўзининг

“Ўткан кунлар” асари орқали ана шундай тўфон олдидан бўладиган тинчлик ҳақида ёзib огоҳлантириб турибди! Ҳамиша жамиятдаги тўфон хавфидан зиёлилар огоҳлантириб келадилар-да! Шу ўринда “Тинчликни истасанг, урушга тайёр тур”, деган ўта аччиқ ҳаёт ҳақиқати борлигини эслатиб ўтиш лозим. Бунда ҳам жисмонан, ҳам маънан уруш-кураш назарда тутилади, албатта. Мазкур асарда ҳам муқаддас Қуръон ва “Далойил” (Далиллар) диний китобларини ўқигувчи энг улуғ зиёли Юсуфбек ҳожи бўлгач, у барчани, хусусан, оила аъзолари – хотини, ўғли, икки келинини яраштириб, дин-диёнатга чақириб, тўғри йўлга солиб турибди. Аммо, “Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун қут-барака кетади” деганлариdek, кундошларнинг ўзаро адовати-ю қайнона ва ўғилнинг бу адоватни яна-да кучайтиришлариdek зулматларни биргина Юсуфбек ҳожининг зиёси ёришира олмайди. Агар улар бирлашиб-биргалашиб ҳаракат қилгандарида эди, ўзишарди, минг афсуски, бирлашмадилар ва натижада тўздилар, бўлиндилар. Хуллас, демоқчиманки, биринчи “синик”да яқинлашиб келаётган улкан фожиа – қотилликнинг аломатларини ҳеч ким, ҳаттоки ернинг тагида илон қимиirlаса биладиган улкан арбоб ва руҳоний зот Юсуфбек ҳожи ҳам кўрмайди-кўролмайди. Тўғри, бу одамнинг Зайнаб қандайдир “хунар” кўрсатишидан хавотири, бу келинининг кўнглига қарашни лозим деб билиши аён сезилиб туради. Лекин у Зайнабга ўзининг насиҳатлари кор қилиб, кўринишидан мўмин-қобилгина туюловувчи аёл янаем мўмин-қобиллашиб қолганига ишониб, табиатан оққўнгил-ишонувчан ўзбек бўлганидан кейин, эҳтиёт чорасини кўрмайди. Масалан, Ўзбек ойимга “Ҳар эҳтимолга қарши Зайнабни қозон-товоққа яқин келтира кўрма, нима қилганда ҳам кундош-ку...” дея огоҳлантиришни ўйламайди. Чунки, аввало, одам бо-

ласи, тағин денг, аёл кишининг бундай ёвуздлик қилиши – болани дунёга келтирган ОНАГа заҳар бериши мумкинлигини бошқалар қатори у ҳам ақлга сифиролмайди. Қолаверса, донишманд рус ҳалқининг “Сокин ботқоқда иблислар яшайди” мақолини эшитмаган – ўзи табиатан писмиқ одамнинг нега янайм писмиқлашиб қолганини ва эгачиси Хушрўйбиби уни ҳам ўзидек ёвуздлашибириб улгурганини билмайди- билолмайди.

Иккинчи “синик” Кумушнинг тўлғоги, Офтоб ойимнинг Марғилондан йўлга чиққани, аввалдан белгиланган доя хотиннинг чақиртирилиши каби хайрли хабарлар билан кўнгилдагидек бошланади. Барча ҳаяжон билан чақалоқнинг дунёга келишини кутмоқда. Ниҳоят, ичкаридан Ойбодоқ югуриб чиқиб “сўйинчи!” сўрайди. “Ўғил!” учун суюнчилар берилиб, қутловлар, дуолар қилинади: “Оллоҳ таоло умри билан берган бўйсин!”, “Ўғил муборак бўйсин!”, “Баракалла”, “Қутлуғ бўйсин!... Отабек ойисидан Кумушнинг тетиклигини билгач, бир қадар енгил тортиб, иккинчи хотини Зайнабнинг уйига келади. Қисқа қутловдан сўнг Зайнаб “Ҳалиги...” дея гап тополмай қолади. Унинг бу ҳолати ҳаяжонми, эсанкирашми, довдирашми, асабийлашишми, аниқ айтиш қийин. Бироздан кейин “Оти курсин... ҳа, айткандек ошингизни ейсизми?” дея алланечук талмовсираши ўқувчини баттар ажаблантириши табий. Отабек Зайнабдаги эсанкираш сабабини сўраганида Зайнаб туғишдан қўрққанини айтиб гапни айлантиради, аслида, салгина ўтиб маълум бўладики, бутун ўй-хаёли кундошини заҳарлашгага қулай пайтни пойлаш билан банд. Отабек Кумушининг қийналганини эшитиб безовталанади, ҳатто ухлаганида ҳам босинқираши бежиз эмас. Тушида чаманни кўриши, бу чаман уники экани, теваракка келган ёвни ханжари билан қувиши, ёв орасида ота-онасининг ҳам бўлиши,

чаманда бир сигирнинг гулларни босиб, янчиб ўтлаб юриши, Отабекнинг у сигирга қўлидаги ханжари билан югуриши, сигирнинг сариқ сочли алвасти экани, дунёни қоронғулиқ босиши.. Булар ўзига хос рамзлар ва имо-ишоралардир. Отабекнинг чамани – Кумуш, ёв – Ҳомид, Содик, Мутал, Жаннат, ҳатто ўз ота-онаси, ва ниҳоят, энг сўнггида сариқ сочли алвасти – Зайнаб! Отабек шайтонга малай одамларга бас келиши мумкин, лекин одам қиёфасидаги шайтонга қандай бас келсин?! Тонг отгач, Отабек соғ-омон Кумушни ҳам, ўғилласини ҳам кўриб суюнди, айни чоғда, қаттиқ безовталанди: “Хўрак қилдингизми?” Қарабсизки, йўзбек ойим “Кечадан бери ичига иссиф киргани йўқ. Зайнабка айтай, сутлик атала қилиб берсин!” дея қўзи-чоқнинг тақдирини бўрига топширади-қўяди. Тамом, Кумушнинг аталасига Зайнабнинг захри қўшилади-ю, кўп ўтмай Кумуш ўқчиб қуса бошлайди. Кумушнинг хонасидан чиқиб келаётган Зайнабдан нима гаплигини сўраган Отабек “Билмадим, опам кўнгиллари айнаб қусяптилар...” деган писмиқона-мунофиқона жавоб олади. Йўзбек ойимдан эса “Ўша аталадан бошқа хўрак қилмади. Ундан ҳам ярим косагина ичди. Қолгани ана, токчада...” деган жавоб қайтади. Отабек ташқарига чиқиб Ҳасаналини табибга жўнатгач, қайтиб кирганида “Зайнаб чақалоқни кўтарган, Кумуш ҳамон қусмоқда!..” Айни мана шу ҳолат содир бўлиши кутилаётган ва тушда аён кўринган балодан қаттиқ қўрқиб турган ўқувчига ҳам, бош қаҳрамонга ҳам Зайнабнинг қора ниятини сўзсиз англағандек бўлади. Афтидан, опаси Хушрўй унинг “эсини киргизганидаёқ” Зайнаб шундай қабиҳ режа тузган: боласини туққач, Кумушни ўлдиради-ю, Отабек билан болага – бирйўла иккаласига эга чиқади-қўяди, қарабсизки, макрни эгачиси Хушрўйдан бир баҳя оширади – кундошининг эригина эмас, боласига ҳам эга чиққан бўлади! Унгача эса,

сабр қилиб, барчанинг ишончини қозониш ва қулай пайт топиб зимдан иш битириш зарур!.. Табиб аталага заҳар қўшилганини, тезда дорисини юборишини айтиб чиқиб кетгач, Отабек бу тубан ишни айнан Зайнаб қилганини дарров фаҳмлайди-да, “Ич муни, ич, жалаб!” дея ортига тисланган Зайнабга косани улоқтириб уст-бошини аталага белайди. Нихоят, “Кет, ифлос, кет! Талоқсан, талоқ!” дея, жуда кеч бўлса-да, Зайнабни қувиб солади. “Талоқ!” сўзи Кумушнинг узилай деб турган жонини киритгандек бўлади. Ҳожи ҳам Зайнабга “Чиқ, Зайнаб, чиқ. Лаънат сендек хотинга!” дея уни қарғайди. Кумуш “Оий... дада... бегим!” дея инграниб, “эрининг юзини юзига қўйди, уялгансимон кўзини юмди...” Иккинчи “синиқ” ҳар бири теран рамзий маънога эга шу уч нидо, сўнгги ингроқ, юзни юзга қўйиш, уялгансимон кўз юмиш тасвири билан тугайди. На табибининг дориси етиб келади, на бошқа бирон мўъжиза рўй беради, ичи зардобга тўлиб кетган Зайнабнинг заҳри ўз ишини адо қилмай қўймайди. На Тоҳир ва Зухра, на Лайли ва Мажнун ва на бошқа ишқ достонлари бунчалик фожиавий тугамаган десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Учинчи “синиқ” Кумушбибининг кўмиш маросимидан бошланади. Учинчи куни етиб келган ота ва онанинг қайгуларини ифодалашга ёзувчинингки қалами кучсиз экан, табиийки, йўйишга бизнинг қаламимиз ҳам... “Еттинчи кун хатми қуръон қилиниб халққа ош берилди ва ... чақалоққа “Ёдгорбек” деб исм қўйилди”. Чақалоқнинг “Ёдгорбек” деб аталишига бир сабаб, ажойиб қодирийшуносларимиздан бири Хайриддин Султонов қиссасининг номи орқали айтадиган бўлсак, бу “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” Кумушбибидан ягона ёдгор бўлиб қолгани бўлса, яна бир сабаб шундаки, буюк эпосимиз “Алпомиш” достонидаги Бойсин-Қўнғирот давлатининг меросхўри,

Ҳакимбек билан Барчинойнинг ўғли ҳам “Ёдгорбек” деб аталган! Қодирий бу ўринда ҳам “Алпомиш” достонига ўзига хос жавоб-татаббу қиляпти! Худди Навоий ўз “Хамса”сини Низомий, Деҳлавий ва Жомий “Хамса”ларига татаббу қилганидек!.. Фожиадан сўнг Зайнабнинг жинни бўлиб қолиши, унинг жиннилигини қозилар ва табиблар тасдиқ этишлари, шунинг учун унинг устидаги жазо кўтарилиши бир томондан худонинг Зайнабни уриб қўйганини кўрсатса, иккинчи томондан у замонларда жиннихона, яъни руҳий касаллар шифохонаси мавжуд бўлмаганига ишора қилаётгандек. Фожианинг йигирманчи куни яна хатми қуръон қилиниб, бутун юртга ош берилгач, Мирзакарим қутидор билан Офтоб ойим Марғилонга қайтиш тадоригини кўрадилар. “Ёдгорбек ҳам Офтоб ойимнинг қучогида кетмакчи, унинг олиб кетилишига қарши ҳеч ким йўқ эди”. Ёзувчи бу ҳолатнинг сабабини айтмаса-да, зукко ўқувчи ўзи тушуниб, ҳис қила олади: Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойим ҳам, ҳатто Отабек ҳам ўзларини озми-кўпми Кумушнинг ўлимида айбдор ҳис қилишлари, шунинг учун улар Ёдгорбекнинг кўзига тик боқишли амримаҳол! Онасиники ғаюр кўзлардан асрай олмаган одамлар, мурғак чақалоқни қандай асрасинлар?! Қолаверса, худди бўлган ёмон воқеаларни Ёдгорбекнинг кўнгли сезгандек, “мени бу золимлардан кутқаринг” дея ялинаётгандек, у бувиси Офтоб ойим билан кетишни истаяпти. Бу билан ёзувчи Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим ва ҳатто Отабекка ўзига хос жазо берилаётганига ишора қилмоқда...

“Энг кейинги видоълашиш куни етди, Отабек, Мирзакарим қутидор ва Офтоб ойим (...) қабристонининг икки туп қуриган чинор ёғочи орасиға турғизилған янги хиштин сафана қарсисида тўхтадилар. Сағананинг ўнг бошидағи тошдан ўйиб ясалған лавҳа

кўзга чақилиб турар эди” Мазкур жумладаги “(...)” уч нуқтани ҳам “ва бошқалар” деб, ҳам “Кумушбибининг энг яқинлари” деб тушуниш мумкин. “Кўзга чақилиш” иборасини ҳам ҳар икки маънода – “чақнаш”, яъни “порлаб туриш” ва “чақиш”, яъни “кўзни куйдириб, юракни эзиб”, деб тушуниш керак. Китобда Кумушбибининг қабртошига арабча ёзувда битилган лавҳанинг сурати қўйилиб, кетидан унинг шундай кирил ёзувига ўгирилган матни келтирилган: “Кумушбиби бинни Мирзакарим Марғиноний, тарихи таваллуди 1248, вафоти 1269 йил ҳижрий, жумод-ул-аввал. Бу лавҳа бир дилпорадан хусн санамига ёдгордир. Бунда мадфун кундош балосининг намоён бир қурбонидир...” Лавҳанинг сурати ва ўгирмаси, қолаверса, матннинг ўзи ҳам бир неча жиҳати билан аҳамиятли. Аввало арабча ёзувдаги “Ла илаҳа илаллох, Мұхаммадур расуллоллох...” калимасининг кирилчада келтирилмагани шўро сиёсатининг чекловидан далолат беради. Арабчада “бинти” деб ёзилгани ҳолда, кирилчада “бинни” дея нотўғри кўрсатилган. Бугунги кунда асосан “Марғилон” дея талафуз қилинган шаҳар қадимда “Марғинон” деб аталган. Бу шаҳарда буюк аллома Бурҳониддин Марғиноний, шоира Увайсий (Жаҳон отин) ва бошқа кўп буюк шахслар туғилганлар. Бу лавҳада фақатгина туғилган ва ўлган сана эмас, Кумуш ҳақидаги шахсий маълумотлар, айтиш мумкинки, Ўрхун, Энасой, Ирқ битиктошлари руҳида анчагина батафсил ёзилган... Мирзакарим қутидор ва Ёдгорбекни кўтарган Офтоб ойим аравага чиқиб Марғилонга жўнамоқчи бўлиб турганларида қабристонда ту nab қолган Отабек етиб келиб Ҳасаналининг ўрнига отга минади-да, улар билан Марғилонга бутунлай жўнаб кетади. Бу ҳам орзу-ҳавасни деб ҳаддидан ошган Ўзбек ойим ва Юсуфбек ҳожилар учун яна бир оғир жазо бўлади. Шундай қилиб, бу боб

Кумушбигининг ўз ҳаққи, ўз ёри, ўзининг ёруғ келажаги учун мардона курашиб шаҳид бўлгани билан тугайди.

Учинчи бўлимнинг, қолаверса, бутун романнинг “Хотима” деб номланган сўнгги ўн еттинчи боби Отабекнинг ҳам қаҳрамонларча шаҳид кетганини эълон қилиш билан тугайди. Ўйлашимча, Қодирий ўн еттинчи бобни “Хотима” деб аташ орқали 1917 йилги Октябр инқилобига ва бу инқилоб натижасида чоризм тугатилиб, шўро тузуми ўрнатилганига ишора қиляпти. Маълумки, 1917 йил ноябрда Туркистон генерал-губернаторлиги (вилояти) ўрнида Туркистон муҳторияти, сўнг 1918 йил апрелда Россия Совет Федерацияси таркибида Туркистон Мухторият Совет Социалистик Республикаси ташкил этилган. 1924 йилда эса, Туркистон МССР тугатилиб, унинг ўрнида уч бўлак республика, жумладан Ўзбекистон ССР ташкил этилган. Бошқача айтганда, Қодирий Туркистоннинг хотималаниши, яъни турк юртининг тугатилишига ўзига хос ишора қилиб турибди... Боб шундай бошланади: “Бир йилдан сўнг Отабек уста Олим билан бирга Тошканд келди. Ҳожи ва Ўзбек ойим оғиз очиб ундан ранжий олмадилар. Ул меҳмонлар каби эди. Отаси ва онаси билан очилиб сўзлашмади. Уста Олим билан бир ҳафта чамаси Тошканда туриб, энг сўнгғи кеч ёлғиз кўйи Кумуш қабри ёнида бўлди”. Удум ва таомилга кўра Отабек ўз ёрини бир йилдан сўнг яна эслаб зиёрат қилиш учун келди. У билан бирга келган уста Олим нафақат бош қаҳрамоннинг ўртоғи ва йўлдоши, балки қисматдоши ва кулфатдоши ҳамдир. Романнинг “Бахт ва бахтсизлик” бобидаги уста Олимнинг гапларини эсланг: “Туришқа Саодатлар уйи ортиқ торлиқ қила бошлиғанликдан шу ҳавлини (Жаннат опа ҳовлисиға ишора қилиб) ҳозирғи қўшнимиздан сотиб олишга муваф-

фақ ҳам бўлдим. Қайнин онам, қайним ва эру хотин шу ҳавлиға кўчиб келиб тура бошладик. Кундан-кунга Саодатка бўлған муҳаббатим ошгандек, касбим ҳам унумлик бўла бошлаган, уйланишимнинг иккинчи йили ҳалиги қўшнимиздан ўзингиз кўрган боқчани ҳам сотиб олған эдим. Уйланишимнинг учунчи йили Саодат юклик бўлди. Эру хотин биримиз ота ва биримиз она бўлмоғимизни ўйлаб қувонар эдик. Кечалари ётиб уйқумиз келмас эди. Нихоят, Саодатнинг ой-куни яқинлашди... яқинлашди... лекин абадий баҳтсизлик кунларим, манхус (иши юришмаган) соатларим ҳам яқинлашди... Саодат боладан қийналиб уч кунгача азобланди-да, тўртинчи куни ўлди... қайнин онам Саодатнинг вафотининг иккинчи йили мени зўрлаб уйлантирди. Лекин бу иккинчи хотин менга Саодат бўлолмади... хотиним фаҳш суратда рўзғоримни тўзита бошлади... кейинги хотинимни талоқ қилдим". Нақадар ўхшаш тақдирлар. Ёзувчи уста Олим фожиасининг асл сабабчиларини очиқ айтмайди, балки тагдор имо-ишоралар қиласди. "Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур!" деганлариdek, уқувли ўқувчи "Жаннат опанинг ҳовлиси? Тасодифми ё қонуният?" дея буни ўзи фаҳмлайди. Ахир, Тошкентда Хушрўй ва Зайнаб каби алвастилар Отабекнинг баҳтли оиласини тўзитганидек, Марғилонда Жаннат ва анави оти йўқ иккинчи хотиндек алвастилар уста Олимнинг баҳтли оиласини тўзитган-да... Отабек энди ўз уйида меҳмон. Уни туғилган уйига боғлайдиган на ота, на она, на Зайнабдек тушов бор. Унинг тақдери билан ўйнашган ота-онанинг ҳам на ундан ранжишга, на уни койишга ҳаққи қолмаган. Қабр ёнига тиз чўккан Отабекнинг "кўз ёшлари ҳам қуръон оётларига қўшилишиб оқар эди". Ҳам ҳаққа, ҳам ёрга ошиқлик бундан-да гўзал тасвирланиши мумкинми? Шу пайт унинг орқасидан ярим яланғоч

кўлага (шарпа) пайдо бўлди. “Ким бу?” деган Отабекка “Мен Кумуш!..” дея жавоб берди мажнуна Зайнаб. “Кет мундан!” деб қувилгач, у орқасига қарай-қарай узоқлашди. Телба Зайнабнинг қабристонга келишини бир неча хил тушуниш мумкин: оч арвоҳга ўхшаб у на тирик, на ўлик; “бу ошиқлар яна топишиб кўйишмасин” деган қора ниятли писмиқ шу ерда ҳам ёвузлигини кўймайди; ўз қотиллигидан сўнг мияси айниган Зайнаб Кумушнинг қабри атрофида ўралашиб, ундан кечирим тиланади... Эртаси куни Отабек уста Олим билан Марғилонга жўнаб кетади ва бошқа Тошкентга қайтиб келмайди.

“1277 йилнинг куз кезларида бўлса керак, Юсуфбек ҳожи Қаноатшодан бир хат олди, Қаноатшо Авлиё отадан ёзар эди: “Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Авлиё ота устидаги чор аскарлари билан тўқунишмамиизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди. Мен ўз қўлим билан иккисини дафн этдим...” “Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб юртка ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди”. Айтишларича, муҳаррир мазкур асарнинг биринчи нашрини тайёрлар экан, мана шу жумлани олиб ташламоқчи бўлибди. Ўшанда муаллиф “Ахир, мен бутун асарни шу бир жумла учун ёзганман-ку!” дея қаршилик билдириб, базур сақлаб қолган экан. Худди мусулмоннинг шаҳодат калимаси, аскарнинг ватан қўриғи қасамёди сингари, бу жумла романнинг бош ғояси эканини уқтиromoқчи бизга Абдулла Қодирий! Отабекнинг чор аскарларига қарши курашишида ҳам, унинг айнан Авлиё ота шахрида шаҳид бўлганида ҳам теран маънолар бор. Ҳозирги Қозоғистон давлатида жойлашган, V асрдан Тароз (Талос, Кошғарий девонида “Тироз”), X асрдан 1936 йилгacha Авлиё ота, 1938-йилдан 1998 йилгacha Жамбул деб аталган бу шаҳар 1998 йилдан

бугунга қадар Тароз деб аталади. Қолаверса, Кошғарийнинг девонида “Атлуқ – Авлиё ота шаҳри яқинидаги бир шаҳар” дея келтирилган. Авлиё ота шаҳри X–XII асрларда қорахонийлар давлатининг пойтахти бўлиб, у қорахонийлар давлатининг асосчиси Қорахон, яъни Буғроҳон шарафига қўйилган. Қорахонийлар ўзларини буюк Алп Эр Тўнганинг ворислари деб билганлар. Тарихдан яхши маълумки, қорахонийлар давлати “Фозил одамлар шаҳри”ни битган элчи Абу Наср Форобий, “Кутадғу билиг”ни битган элчи Юсуф Хос Ҳожиб, “Девони ҳикмат”ни битган авлиёлар сарвари Ҳўжа Аҳмад Яссавий, “Девону луғотит-турк”ни битган элчи ва тилчи Маҳмуд Кошғарий, араб тили бўйича ёзган китобини бутун араб халқи энг бирламчи дарслик сифатида фойдаланган тилчи Маҳмуд Замахшарий, “Хибат ул ҳақойик” (“Ҳақиқатлар армуғони”)ни битган авлиёи киром Адаб Аҳмад – Аҳмад Юғнакий каби жаҳон эътироф этган буюк сиймоларни етиштириб берган улуғ салтанатdir! Айни шу қорахонийлар даврида, яъни бундан минг йил муқаддам жамики туркий халқларнинг муштарак эпоси – “Алпомиш” достони (аниқроғи, қадимий достоннинг ислом таълимоти таъсирида қайта яратилган шакли!) дунёга келгани ҳам, албатта, бежиз эмас! Айни шу оламшумул сулола асосчиси Қорахон Авлиё ота дея улуғланган! Яна шуниси ҳам борки, у бутун башарият тарихидаги бирдан-бир, якка-ягона ҳукмдор-авлиё – ҳукмдорларнинг авлиёси ҳисобланади! Ҳудди ҳозирги Ўзбекистон давлати уч хонлик (Бухоро, Хива ва Қўқон) ҳудудини ўзида бирлаштирганидек, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари барпо этган улуғ салтанат ўзидан аввалги учта улуғ салтанат – қорахонийлар, ғазнавийлар ва сомонийлар давлатларига тегишли ҳудудларни ўзига хос тарзда бирлаштирган бўлиб, бу уч давлатнинг каттаси қора-

хонийлар давлати эди!.. Шундай қилиб, хулосага келамизки, Отабек ана ўша Авлиё ота шаҳрини қўриш кўйида шаҳид кетди, яъни, туркий давлатчилик, хусусан ўзбек давлатчилигини сақлаб қолиш йўлида ўзини қурбон қилди! Аминманки, “Алпомиш” достонинг бош ғояси туркий элнинг ўзлиги ва бирлигини сақлаб қолиш бўлганидек, Отабек ва Кумуш достонининг бош ғояси ҳам айнан мана шунга ундов! Агар халқнинг марказлашган давлат қуришга боғлиқ ҳаёт-мамот кураши ўзининг бетакрор бадиий ифодасини топган “Алпомиш” эпосимиз бундан минг йил муқаддам қайта яратилиб, ҳозирги биз билган шаклга келтирилган бўлса, “Алпомиш” достонига татаббу тарзида битилган мазкур “Ўткан кунлар” романи ҳам бу умрибоқий эпосимизга янги ҳаёт бахш этгандек бўлди. Бу асар буюк эпосимиз қаторида наинки тўқсон йил, яна тўққиз юз-минг йил яшаши тайин!

Келтирилган жумла замиридан яна бир фикр англашилиб туради. Юсуфбек ҳожидек авлиёсифат давлат арбобининг якка-ёлғиз ўғли Отабек, агар замон имкон берганида, кундалик турмуш икир-чикирлари қуюнига ўралашиб кетмай, отасидек давлат одами, давлат арбоби бўлиш йўлини қаттиқ тутганида, бу хон кўтаришга ва хон қизига лойиқ бир йигит, худди қораҳонийлар давлатининг асосчисидек чинакам Авлиё Ота, хукмдорларнинг авлиёси, авлиё-хукмдор бўлиши мумкин эди. Начора, унинг аччиқ қисматига шу йўсинда шаҳид кетиш ёзилган экан! Ҳар қалай, Ёдгорбеки ортида қолди-ку! Энди умид мана шу Ёдгорбекдан!..

Бу фикрни хотима сўнгидаги “Ёзғучидан” деган бир жумла ҳам ўзига хос тарзда тасдиқлаб турибди! “Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисини суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлик йилла-

ри миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғил қолибдир. Ўғилларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ному нишонсиз, ўлуктириги маълум эмас, дейдилар". Юзаки қараганда, бу жумла азбаройи "Романда қаламга олинган воқеалар муаллифнинг уйдирмаси эмас, аслида – ҳаётда рўй берган воқеалар, гирт реалистик асар-да бу!" деган гапни сўнгги бор уқтириш учун ёзилгандек. Аслида, Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойимнинг эваралари, Отабек билан Кумушбибининг неваралари, Ёдгорбекнинг икки ўғлидан бири – шўро давлатининг масъул кишиси, иккинчиси – бу давлатга қарши курашаётган "босмачи", яъни, бой берилган ўзбек давлатчилигини қайта тиклаш йўлидаги миллий озодлик ҳаракати қатнашчиси эканига аҳамият беринг! Эътиборингиз учун, шўро давлати шу ака-укалар ўртасида яна бир Ҳомидми-Қоработир бўлиб, уларни бир-бирларига қаттиқ ёвлаштириб турибди! Улар бирлашиб, яхлит бир кучга айлансалар, ана ўшанда мустамлака балосидан озод бўлиб, империя таркибидаги қўғирчоқ давлат эмас, чинакамига эркин-эгаман ўзбек давлати қайта тикланади, дейилмоқчи бу жумлада! Сўнгги гап эса, асаннинг реал воқеаларга асосланганини яна бир бор уқтириб, ҳар бир жумлага лупа билан тикилиб турган ғаюр кўзларни шамғалат қилишдан бошқа нарса эмасдир: "Бу кунда ному нишонсиз, ўлуктириги маълум эмас, дейдилар".

"СССР" деб аталган империя таркибидаги "Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси" деб номланган қўғирчоқ давлатнинг дастлабки йилларида, табиийки, аслида, эркин давлатчиликдан ному нишон йўқ, унинг ўликтириги маълум эмас эди! Бу ному нишон кейинги йигирма етти йил ичida амалда бўй кўрсатиб, ўзбек халқининг Алномишдек зинданбанд

Этилган давлатчилиги баайни Гүрүғлидек қайта тирилиб, Қодирийнинг ва бошқа не бир улуғ аждодларимизнинг муқаддас орзулари ушалди ва ушалмоқда! Илоё, Тангри таоло “тур” дея ёрлақаган Турк ҳам, “ўз” дея ёрлақаган йўзбек ҳам дунё тургунча турсин! Омин, Аллоҳу Акбар!

6

СҮНГСҮЗ

“Ўткан кунлар” романы – Отабек ва Күмуш достонини ўқир эканмиз, бир томондан, ҳам ўтган хон замонларининг, ҳам чор ва шўро замонларининг кир, қора кунларини яқиндан кўргандек бўлсак, иккинчи томондан, барча замонларда қўрли-кутли бўлган элнинг ўз турмуш тарзи, қарашлари, тилаклари, интилишлари, қувончлари, севгилари, қўйингчи, бой қўнгил бисоти ва тил хазинасини туйгандек, яъни унинг оқ кунларини ҳам кўргандек бўламиз. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романida тасвирланган қоронғу кечагина эмас, ҳар қалай, тўлақонли, яъни ҳам кечаси, ҳам кундизи бор кун бу! Шунинг учун ҳам, “икки ёрти – бир бутун” деганларидек, бу роман бир бутун асар-да. Бутунликда гап кўп! Жонажон тилимиздаги “ота-она”, “эр-хотин”, “қозон-ўчоқ”, “ер-сув”, “топарман-тутарман”, “эл-юрт”, “оқлиқ-қўклиқ”, “таг-туг”, “тан-жон”, “тинч-тотув”, “тож-тахт”, “уй-рўзгор”, “кун-тун”, “кеча-кундуз” сингари қўш сўзлардан бири “қўр-қут” дир. “Қўр” нима-ю, “қут” нима? Бу сўзларнинг туб луғавий маъноларини тўлароқ англаб етиш учун шу ўзаклардан ясалган сўзларни йўйиш керак. Масалан, “қўр” қўра, қўрбоши, қўриқ, қўриқчи, қўрс, қўрчи, қўрқмоқ, қўргон сингари, “қут” эса, қутадғу, қути, қутидор, қутли, қутлов, қутлуғ, қутулмоқ, қутурмоқ, қутқармоқ, қутқу сингари қўпгина қадим туркий сўзларнинг ўзагидир. Бу сўзларнинг маъноларини яхшироқ тушунмоқ учун эса, икки буюк асар – халқнинг “Қўрқут Ота” достони билан Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони моҳиятини чуқурроқ англаб етиш лозим. Бу ўринда иложи борича қисқа ва лўнда тушунтирайлик: “қўр” овқат пиширилаётган қозоннинг тагидаги

оловнинг чўфи, “кут” эса, ана ўша қозоннинг ичига солинган масаллиқ демакдир. “Қўрли-қутли, ували-жували” жуфт сўзларида қозонининг тагида ўтини, ичидаги масаллиғи етарли, бой-бадавлат ва бола-чақалари кўп оила таърифланади. “Юрак қўри” ибораси “юрак ўти”ни англатса, “Оқсоқол уйнинг тўрида қўр тўкиб ўтирибди” деган гапдаги “қўр тўкмоқ” сўз бирикмаси истараси иссиқ, юзи порлаб, кўзи чақнаб, ёруғликка ўралиб, нур таратиб ўтирган нуроний отахонни англатади. “Кут-барака” деган қўш сўз эса, “кут” сўзининг “барака” сўзига маънодошлигини билдиради... Хуллас, демоқчиманки, Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асари, худди қадимиј Туркистон шаҳридаги авлиёлар сарвари, шайхулмашойих Хожа Аҳмад Яссавий мақбрасида қўним топган, ўз вақтида Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ясаттирган қирқ қулоқли улкан дошқонзона га ўхшаб, ўзида бекиёс қўр билан қутни мужассамлаштирган ўта ноёб адабий-бадиий ёдгорлик, топилдик, устун, кўрсатма, кўмма-кўмушдир.

“Кўр” ва “кут” сўзлари шундай пурҳикмат-пурмаъно сўзларки, олов, ўчоқ, қозон кабилар кашф этилган энг узоқ ўтмишда дунёга келган бу қўш сўз, ўз-ўзидан, бугунги кунда кўпгина қўшимча маъноларни ҳам англатади. Бу хусусда каминанинг “Кўрдан – қутга!” ва “Кутимизни ўчирамайлик!” деб аталган жажжи бадиаларимда кенгроқ ёзилган. Бу ўринда, масалан, қозоқ ва қорақалпоқ биродарларимиз “қўр” сўзини арабча “жамғарма” ва лотинча “фонд” сўзлари англатувчи маънода қўллашини эслатиб ўтиш мумкин. “Кўр” сўзи, булардан ташқари, арабча “хазина” ва “давлат” маъноларини ҳам англатади. Шунинг учун, масалан, “кўрбoshi” – “қўрнинг бошлиғи”, яъни, “давлат ҳимоясидаги масъул шахс”, “давлат одами”, “давлат арбоби” демакдир. Кошғарий девонида “кўр” сўзи “қатиқ томизғиси”, яъни “уютқи” деб келтирилгани ҳам бежиз эмас,

чунки сутга томизилган қүр сутни уютиб қатиқقا айлантиради-да. “Күт” сўзи ҳам “қўр”дек сермаъно!.. Хуллас, бу икки пурҳикмат сўзнинг маънолари кўп бўлиб, туб луғавий маънолари, ҳозирги давлатчиликка хос энг етакчи илмий атамалар билан айтадиган бўлсак, “қўр” – “базис”, “күт” – “устқурма” демакдир. Башарти бу илмий атамалар тили “Ўткан кунлар” романидаги бадиий ташбеҳлар тилига кўчирилса, оидинлашадики, Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойимнинг хонадонида – қўр, Мирзакарим кутидор билан Офтоб ойимнинг хонадонида – кут бор! Лекин Зайнабнинг отаси Олим понсадбоши билан онаси Моҳира ойимнинг хонадонида, аксинча, на қўр, на кут, на бара-ка, на файз бор! “Понсадбоши” дегани на юзбоши, на мингбоши эмас, балки буюк эпосимиздаги Яртибօй оқсоқолга ўхшаб, чала-ярим, на дон, на сомон демакдир. Шунинг учун ҳам бу хонадонда тарбияланган икки қиздан каттаси шаддод Хушрӯй, кичиги писмиқ Зайнаб! “Танлай-танлай тозига учрабди” деганларидек, соддадил ва чала-думбул Ўзбек ойим “шаҳарнинг энг гўзал қизи” деб топгани, аслида, шу “шумтака тоз”, яъни, қўрни ҳам, қутни ҳам ўчирадиган, яъни, оиласи тўзитадиган, оласи ичида бўлган писмиқ! Агар Ўзбек ойим ўзининг анди келинидан шу писмиқ келинининг қўли билан кутулишни кўзлаб, бировга ёмонлик соғинган бўлса, Худонинг қудрати билан бу ёмонлиги охир-оқибат ўзига қайтиб, қўрдан ҳам, қутдан ҳам айрилди... Бир томонда Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойим, иккинчи томонда Мирзакарим кутидор билан Офтоб ойимнинг невараси, Отабек билан Кумушнинг ёлғиз боласи Ёдгор эса, табиийки, ана ўша қадимий қўр билан кутдан қолган ягона эсадалик-ёдгорлик!..

Умуман, “Ўткан кунлар” романи, хусусан, асардаги ҳар бир бўлим (қисса), боб (ҳикоя), жумла ва ҳатто гап билан сўздаги маънолар қатламини очиб кўрсатиб,

ҳозирга қадар икки юз бетдан ошиб кетган таҳлил ва талқинларни яна чексиз давом эттираверсак бўлади! Аммо энди гапни иложи борича қисқароқ қилишга ва фикримизни жамлашга киришайлик. “Чучвара туғишдан мурод гўшт ейиш” дейди халқимиз. Мазкур қодирийхонликдан мурод кўпчилик яхши билиб-бilmаган, пайқаб-пайқамаган ва ўйлаб-ўйламаган маънолару тагмаъноларни сеп қилиб ёзишгина эмас. Балки уларга асосланган ҳолда бугунги адабиётимизга асқата оладиган муҳим хulosалар чиқаришдир. Зоро, “Тилга эътибор – элга эътибор” ва “Ўтмишсиз келажак йўқ” экан, айниқса, Қодирийнинг тилига эътибор – элимизга эътибор, ўтмишимизга қараш – келажагимизга қараш демакдир. Ҳар бир элнинг ўзигагина хос феъл-автори унинг тилию ўтмишида яққол бўй кўрсатади-да, ахир!

Олдинига шуни алоҳида қониқиши билан айтмоғимиз керакки, буюк Қодирий бошлаб берган ва буюк Ойбек ўзининг “Навоий” асари билан янги юксаклийка кўтарган тарихий романчилигимиз Ўзбекистон давлат мустақиллиги йилларида улкан ижодий ютуқларга эришди ва бу билан, айтиш мумкинки, отадек улуғ устозларимизнинг дилларида тилсимланиб кетган энг эзгу орзу-армонларини ушатди. Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тарихий эпопеяси, Пиримқул Қодировнинг “Она лочин видоси”, Мирмуҳсиннинг “Турон маликаси”, Мақсад Қориевнинг “Ғазнавийлар”, Саъдулла Сиёевнинг “Аҳмад Яссавий”, Эркин Самандарнинг “Султон Жалолиддин” ва “Куюн излари ёхуд Огаҳий”, Асад Дилмуроднинг “Маҳмуд Торобий” ва “Паҳлавон Муҳаммад”, Ғулом Каримийнинг “Наршах қалъаси”, Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо”, Шаҳодат Исахонованинг “Бибихоним”, Тўлқин Ҳайитнинг “Вафо маликаси”, Абдуҳамид Исмоилнинг “Жинлар базми”, Наби Жалолиддиннинг “Тегирмон” тарихий роман-

ларида Соҳибқирон Амир Темур ва унинг тўрт ўғли, Гавҳаршодбегим, Маҳмуд Фазнавий, Аҳмад Яссавий, Жалолиддин Мангуберди ва Огаҳий, Маҳмуд Торобий, Паҳлавон Муҳаммад ва Ҳусайн Бойқаро, Наршахий, Бибихоним, Қодирий ва Чўлпон каби улуғ аждодларимиз сиймолари адабиётимиз тарихида илк бор кенг бадиий гавдалантирилди. Ҳали инсоний тақдирлари ёзib кўрсатилмаган буюк ота-боболаримиз шунчалик кўпки, улар тўғрисида ўнлаб адиллар ўн йиллаб ёзсалар ҳам етарлича кенг қамраб олишлари қийин! Юқорида айтилган Амир Умархон ва Нодирабегим, улардан ҳам олдинроқ Алп Эр Тўнга – Афросиёб, Тўмарис, Широқ, Ўғизхон, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Абдуллахон, Абулғози Баҳодирхон, Ялангтўшбий баҳодир, Бедил, Муҳаммад Раҳимхон – Феруз, Амир Олимхон, кўпдан-кўп хоразмий, бухорий, самарқандий, термизий аждодларимиз сингари бири биридан атоқли тарихий сиймоларимиз йирик насрый “сўзаналар”нинг марказида бор бўйлари билан кўкрак кериб туришга тўла ҳақлидирлар.

Тарихий шахс, у хоҳ подшоҳ бўлсин, хоҳ авлиё, хоҳ муаллим, хоҳ мукаллим, муҳаддис, мутафаккир... ким бўлмасин, том маънодаги замонамиз қаҳрамони бўлолмайди, балки ана ўша замонамиз қаҳрамонига йўлдош-қўлдош, елқадош-орқадош, руҳан таянч бўллади! Бутун ҳалққа замонавий қаҳрамон тимсоли бўлишга тарихий шахс эмас, балки буюк эпосимиздаги Ҳакимбек ва Ойбарчин сингари тўқима, умумлашма қаҳрамонлар ҳақли-да, ахир! Жаҳонда бекиёс ўзбек ҳалқ достонлари ва эртаклари, айниқса, атоқли адабиётшунос олим Тўра Мирзаев таърифидаги “достонлар гултожи” – “Алномиш” эпосимиз билан энг мумтоз эртагимиз “Уч оға-ини ботирлар”нинг енгилмас бош қаҳрамонлари, латифаларимизнинг ўлмас бош қаҳра-

мони Ҳўжа Насридин Афандининг инсоний қисматлари аён кўрсатиб турибдики, ўлиш (борингки у шаҳидлик даражасидаги ўлим бўлса ҳам!) – чинакам қаҳрамонлик эмас, аксинча, ашаддий қотилларга қарши курашиб яшаш, ўлмай яшаш, ўлмаслик – чинакам қаҳрамонликдир! Яна бир эпосимиз – “Гўрўғли”нинг енгилмас-енгаман бош қаҳрамони байни афсонавий қақнус қушдек, гўрдан қайта тирилиб чиққан қаҳрамон эканлиги ҳам бежиз эмас, албаттa. Зотан, инсоний тириклиқдан мурод-мақсад ўлиш эмас, аксинча, ўлмаслик, мангулик-умрибоқийлик – абадий тириклиқдир! Афсуски, қадимиюн драматургияси ва замонавий Farb адабиётининг таъсирида бизнинг кейинги бир асрлик адабиётимизда ўлим фожиаси – фожиёна ўлим тасвирлари ҳаддан ташқари кўпайиб-урчиб, ошибтошиб кетди! Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Падаркуш” драмасидан то, айтайлик, Ўлмас Умарбековнинг “Одам бўлиш қийин”, “Фотима ва Зухра” романларига қадар юзлаб (юзлаб!) асарларни олиб қарасангиз, кўрасизки, уларда ўлим, ўлим, ўлим!.. Ҳар қанча уринилмасин, ушбу асарлар Тоҳир ва Зухра, Юсуф ва Зулайҳо, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро, Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам сингари кўпдан-кўп бош қаҳрамонлар ҳаёти ёритилган ишқий-китобий достонларимиз юксаклигига кўтариолмади! Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг бош қаҳрамонлари Отабек билан Кумуш бу юксакликка кўтарила олишдики, буни ушбу қодирийхонлик ҳам рўйи-рост кўрсатиб турибди. Қодирийдан кейин, агар буюк Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романидаги Йўлчи билан Гулнор сингари саноқлигина қаҳрамонларни айтмасак, “ишқий-қаҳрамонлик достони” деб аталувчи энг қутлуғ анъянанинг ўзи ҳам тобора унутилиб, бугунги кунда ҳатто бутунлай тугаб битаёзди, дейиш мумкиндек! Ёнг олий мақомлардаги тасаввуфий ишқ, севги, муҳаббатнинг ўзи тугаб бит-

моқдами?! Түғри, Абдулла Қаххорнинг “Мұхаббат” ва Одил Ёқубовнинг “Муқаддас” асарларидан бошланган “севги қиссалари” кўп, лекин “Ўткан қунлар”, “Меҳробдан чаён” ва “Қутлуғ қон” романлари қаторида “ишқ достони” деса дегудек ишқий-қаҳрамонлик романни борми кейинги етмиш беш йиллик адабиётимизда?!

Тағин такрорлагимиз келади: ўлим эмас, тириклик, ўлимдан сақланиб яшаш – қаҳрамонлиқdir! Буюк замондошимиз Абдулла Ориповнинг “Онажон” шеъридаги бир қуйма шоҳбайтда битилганидек, “Лекин, она, тириклик ҳам Билсанг, ярим ҳикматдир”. Ҳа, ҳар бир банда учун бошни бало-қазолардан омон сақлаб яшаш ярим ҳикмат бўлса, ҳаётда ўз түғри йўли ва ўрнини топиб, ўсиб-униб, ҳалол ва ёруғ юз билан яшаш бу ҳикматнинг иккинчи ярми. “Икки ёрти – бир бутун” деганларидек, бутун ҳикмат билан яшай олган инсонгина эл достонидаги Ҳакимбекдек қаҳрамон бўла олади. Демак, чинакам ҳаёт қаҳрамони ҳам, адабиёт қаҳрамони ҳам нафақат ўлмаслиги, балки мурод-мақсадига етиши шарт! Шунинг учун ҳам аксарият ўзбек ҳалқ эртаклари қаҳрамонларнинг мурод-мақсадларига етиши билан тугайди-да! Бундан ўттиз икки йил олдин ўша пайтдаги ёшлар қиссачилиги ҳақида “Қаҳрамоннинг қисмати – кураш” деб аталган танқидий мақола ёзган эдим. Ҳа, барча замон ва маконларда, дарҳақиқат, қаҳрамоннинг қисмати – кураш, лекин бу курашда ютқизиқ ва ё ўлим эмас, ютуқ ва яшовчаник ҳақиқий қаҳрамонлиқdir! Ўлим эса, “қаҳрамонларча ҳалокат” деб аталиши мумкин, бироқ чинакам қаҳрамонликнинг ўзи бўлолмайди! Айни шу нуқтадан қаралса, айтиш мумкинки, мана, минг йиллардан буён бутун адабиётимизнинг бош қаҳрамонлари ва шу минг йиллик адабиётимиздаги замона қаҳрамонлари, демак, бизнинг бугунги замонамизнинг ҳам қаҳрамонлари, сўзсиз, “Алпомиш” эпосимизнинг бош

қаҳрамонлари Ҳакимбек билан Ойбарчин бўлиб турибди! Буюк Қодирий ўзининг иккинчи тарихий романи “Мехробдан чаён” асари билан бу борада – замонамиз қаҳрамонлари ҳақидаги янги бир достонни яратиш йўлида – янги ижодий қадамни кўйиб, энди ёзма-китобий достонларимизгина эмас, балки оғзаки достонларимизнинг гултожи бўлган “Алпомиш” эпосимиз қаҳрамонлари билан ҳар томонлама бўйлаша оладиган ўлмас қаҳрамонлар – ўлимга чап бериб яшай олган ва нақ аждаҳонинг оғзидан гавҳарни юлиб олиб, беомон тегирмондан бутун чиқсан қаҳрамонлар – Анвар билан Раъно сиймоларини яратиб берди... Энди бир жойда депсиниб туравермасдан ва ё тобора ортга чекинмасдан, аксинча, навбатдаги ижодий қадам кўйилмоғи – Отабек билан Кумуш ва Анвар билан Раънонинг ёнида тура оладиган замонамиз қаҳрамонлари жуфтлиги эртадир-кечdir яратилмоғи керак! Ишонаманки, ҳозирги ўзбек ёзувчилари шу ўта мушкул ишни ҳам уddaлашга қодирдирлар!

“Ўткан кунлар” романи янги ўзбек адабиётидаги реализм, романтизм ва бошқа шулар каби ижодий методларгина эмас, балки аввало символизмнинг, аникроғи, шарқона мажознинг замонавий адабиётимиздаги энг ёрқин намунасини берди. Абдулла Қодирий ўз қаҳрамонлари Юсуфбек ҳожи билан Мирзакарим қутидор орқали Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Кутадғу билиг”ига имо-ишора қилганини юқорида айтдик. Бу кутлуғ асарни шимолий, жанубий ва шарқий хитойликлар мос равишда “Хукмдорлар одоби”, “Хукмдорлик қонун-қоидалари” ва “Хукмдорлар зийнати” деб, эронликлар “Туркий “Шоҳнома” деб аташлари бежиз эмас. Асар қаҳрамонлари Кунтуғди –adolat, Ойтўлди – давлат, Ўгдулмиш – ақл, Ўзғурмиш – қаноат тимсоллари экани шарқона – туркона мажознинг энг юксак намуналаридан бири, десак тўғри бўлади. Абдулла Қоди-

рий ана шу туркона мажозга ўзига хос рух бағишилаб, Юсуфбек ҳожи – давлат, Мирзакарим қутидор – бойлиқ, Кумуш – Тил, Отабек – Адабиёт тимсолларини яратди. Бу тимсолларни панд-насиҳат руҳидаги фалсафий асарда эмас, Ғарб адабиёти тажрибаларига таянган реалистик асарда бадиий гавдалантириди. Қодирий ижодидаги бундай тимсол яратиш анъанаси қарийб бир асрлик адабиётимизда изчиллик билан давом эттирилди ва давом эттирилмоқда. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз”идаги Зеби – поклик, Ойбекнинг “Кутлуғ қон”идаги Йўлчи – меҳнат, Асқад Мухторнинг “Чинор”идаги Очил бува – ўсиб-унишнинг ёрқин тимсоллари бўлиб, Абдулла Қодирий яратган Давлат, Бойлик, Тил ва Адабиёт (Адаб) тимсолларининг ўзига хос мантиқий давомидир. Айниқса, чинор тимсоли шарқона мажознинг ғарб илмида “психологик параллелизм” (руҳий уйқашлик) деб аталувчи бир қўринишини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, бу тимсол, ўз навбатида, ўзбек адилари билан бир қаторда рус адаби Михаил Булгаков ва рус тилида ижод қилган қирғиз адаби Чингиз Айтматов асарлари тъсирида дунёга келган, десак янгилишмаймиз. Булгаковнинг энг машхур асарларини ит билан мушук, Чингиз Айтматов қиссалари ва романларини эса, шоҳдор она буғу, ит, от, бўри, қоранор, кит ва қорли тоғ қоплони каби қатор тимсолларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Адабиётда шулар қаторида тура оладиган янги бир тимсол яратиш осон эмас, албатта!

Қодирийхонлик асносида қайта-қайта амин бўлдикки, энг юксак тасаввуфий маънолардаги ошиқлик, қаҳрамонлик достонларига хос оқиллик, ботирлик, тинчликсеварлик, эл-юртсеварлик, ишга-сўзга усталлик ва бошқа кўпгина инсоний фазилатларига кўра Отабек билан Кумуш замонамизнинг ҳам қаҳрамони бўла олади, албатта. Фақат биргина жиҳатдан – дунёй

қараш бобидан бу қаҳрамонлар баайни бутун олам күш кафтилизда ва кўз ўнгимизда тургандек туюлувчи бугунги илмий тараққиёт ва ахборот технологиялари асрида замонамиз қаҳрамони бўлишга ожиздек кўринадилар. Зотан, уларнинг, ҳаттоти Отабекнинг отаси Юсуфбек ҳожи билан Кумушнинг отаси Мирзакарим кутидордек авлиёсифат зотларнинг ҳам дунё-қарашлари шу қадар чекланган ва ё муаллиф билиб-бильмай чеклаб кўрсатганки, улар айни шу жиҳатдан бугунги китобхонга ўrnак бўлиши қийин. Начора, бугунги кунимизнинг эмас, дейлик, поезд “шайтонарава” дея таърифланиб, қолоқлик ботқогига ботган замондан ҳам нарироқдаги ўтган кунларнинг қаҳрамонлари-да улар, аслида ҳам! Бинобарин, том маънодаги замонамиз қаҳрамонларини яратиш учун миллий адабиётимиз, қолаверса, бутун жаҳон адабиёти ўзининг неча минг йиллик тарихида қўлга киритган ижодий ютуқларни атрофлича ўрганиш, шу билан бир қаторда буюк Қодирийнинг ижодий тажрибаларини тўлароқ ўзлаштириш ва уларни ижодий юксалтириш керак бўлади! Бундан бошқа йўли йўқ! Акс ҳолда, до-нишмандликда беназир ҳалқимиз “Кўй келади қўзи билан, бир-бирининг изи билан” деганидек, ҳамма ўзбек ёзувчилари буюк Қодирийнинг издошлари бўлиб қолаверадилар, лекин улардан биронтаси бу адабига ёндош, елқадош, бўйдош бўлолмайди! Бу адабиёт майдонида улоқ Қодирийда қолаверади! Энг юксак мақсад-марра, энг эзгу истак-тилак эса, Қодирийдан ошириб, Қодирий орзу қилган чинакам ҳалқ достонини яратишидир.

Яна бир аччиқ ҳаёт ҳақиқатини унутишга ҳаққимиз йўқ! Буюк Қодирий икки оламшумул романини агар шўро замонидаги “социалистик реализм” деб аталган адабий қолип исканжасида туриб эмас, бугунги давлат мустақиллиги ва фикр эркинлиги замонида

туриб ёзганида эди, бутунлай бошқача асарлар ёзар эди, албатта. Шундай исканжада туриб ҳам, нафақат “социалистик реализм”, балки, умуман, реализм қолипларига сиғавермайдиган гўзал бадиий асарларни амалда яратиш – энг қойил қоларлик иш, менингча, мана шу! Демоқчиманки, бугунги адабиётимиз, хоҳ у реализм бўлсин, хоҳ романтизм, хоҳ натурализм, хоҳ символизм, хоҳ модернизм... – ҳар қанча яшовчан ва ҳаётбахш ижодий метод бўлмасин, биргина “изм” доирасида қолиб кетмаслиги керак! Адабиётшунослари-миз ҳам, реализм ва ё модернизм каби биргина ижодий методни адилларга ҳадеб тиқишириб, ёзувчига қандай ёзишни ўргатавермасликлари керак энди! Ўзларининг биртомонлама қарашлари билан ёзувчини ҳам, ўқувчини ҳам чалғитиб, уларнинг туясини адаштирмасликлари керак! Ёзаётган асарларимиз ҳар қандай “изм”лардан юқорироқдаги, иложи бўлса, уларнинг барчасини ва ҳали очилмаган қўриқдек бутунлай янги “изм”ларни ўзида юксак бадиият билан умумлаштироғи керак!

Шу ўринда бир мисолга тўхталиб ўтгим келиб турибди. Мана, биринчи қодирийшунос олимимиз Матёқуб Кўшжоновнинг 1994 йилда адаб таваллудининг юз йиллигига “Қодирийга армуғон” деган қўшимча ном остида Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриётида чоп этилган китоби – “Ўзбекнинг ўзлиги”дан бир кўчирма. Унда атоқли олим Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ёзувчининг улкан ижодий журъати-жасорати эканини алоҳида таъкидлаб, жумладан, бу журъат-жасорат моҳиятини шундай шарҳлайди: “Журъат ва жасорат шунинг учунки, ҳали бугунгига нисбатан ниҳоятда кам бўлган китобхонларимизнинг ҳам аксарият қисми диди диний афсона, ривоятлар, ишқ-муҳаббат темасидаги саргузашт характеридаги ярим афсонавий достонлар

даражасидан ҳали унча юқори кўтарила олмаган бир пайт эди” (66 бет). Тушуняпсизми, бу ерда “Қодирий адабиётимизни достон даражасидан роман даражасига юксалтириди”, деган фикр уқтирилмоқда! Бу эса, аслида, Farb адабиётига хос роман жанри ва реализм ижодий методини идеаллаштириб талқин, тарғиб ва ташвиқ этишдан бошқа нарса эмас! Аслида эса, юқоридаги қодирийхонликдан ҳам аён кўриниб турибдики, бутунлай тескариси! Қодирий Farb адабиётига хос реалистик роман тажрибаларига таянган ҳолда шарқона достонга иккинчи нафас бахш этиб, буюк Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонидан кейин достончилик анъanasини қайта тиклаб, янги даврнинг янги достонини яратмоқчи эди! “Ўткан кунлар” ҳам, “Мехробдан чаён” ҳам оғзаки ва ёзма достонларимиз юксаклигига кўнгилдагидек кўтарилиш йўлидаги дастлабки уринишлар эди! Шунинг учун ҳам ҳар икки асар жанри достон эмас, роман деб кўрсатилган эди! (Асар қаҳрамонлари, юқорида кўриб ўтганимиздек, Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достони ва “Бобурнома” асарига алоҳида ихлос билан қарашлари ҳам, китоб аввалидаги “Ёзгучидан”да “достончилик”-нинг “романчилик” ва “ҳикоячилик”дан олдин тилга олингани ҳам шундан яққол далолат бериб турибди, ахир!) Бу икки роман тажрибасига таянган ҳолда янги даврнинг янги достони сифатида “Амир Умархоннинг канизи” ва “Номоз ботир” асарларини ёзмоқчи эди, афсуски, мустабид тузум бунга йўл бермади: Қодирий романдан достонга ўтолмади, аксинча, “Обид кетмон”-дек қиссага чекинди!.. “Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ” дейдилар. Ўзбек ҳалқи юзлаб (юзлаб!) оғзаки ва ёзма достонларга эга бўлгани ҳолда жаҳонда шундай ҳалқлар ҳам кўпки, уларнинг битта-иккита достони ё бор, ё йўқ! Ҳаттоқи инглиз, немис, француз, рус сингари бугунги куннинг энг тараққий этган ҳалқла-

рида ҳам!.. Биз ўзимизда мавжуд достонларимизнинг эстетик моҳиятини етарли даражада англамаётган ва уларни муносиб қадрлаб, жаҳон аҳлига яхшироқ танитолмаётган бўлсак, бу “достоннинг савияси романдан пастроқ, чунки унда реализм етишмайди” дегани эмасда, тўғрими? Биринчи қодирийшуносимизнинг фикри шундай биртомонлама ва чалкаштирувчи бўлганидан кейин, “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр!” деганлариdek... Камина бу ўринда адабий танқид боғидаги энг биринчى устозимни айбламоқчи эмасман, зотан, адабий асар, хусусан, Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ажойиб адиларимиз асарларига хос бадииятни эстетик таҳлил қилиш бобида бу устоз барчамизга ибратдир! Бу кўзи ўткир синчига ўзимнинг чексиз ихлосимни, масалан, 1998 йилда олим таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон радиосидаги маҳсус чиқишимда атрофлича изҳор қилган эдим. Ўшанда мунаққидимизнинг Қодирий асарларини шарҳлаш маҳоратини “муаллими соний” Абу Наср Форобийнинг Арасту асарларини шарҳлаш маҳоратига қиёслаган эдим. Ҳозир ҳам ўхшатишим етарли асосларга эга, деб ўйлайман. Бу ўринда гап атоқли олимнинг теран таҳлиллардан келиб чиқадиган айрим хulosаларнинг янглишилиги, аникрофи, Шўро тузумининг ғоявий-сиёсий талабларига бўйсимишга мажбур бўлган олимнинг нотўғри хulosалари эканидадир. Буни ҳам биргина мисолда аниқ-равшан кўриш мумкин. Матёқуб Қўшжоновнинг яна бир асари – 1992 йилда “Фан” нашриётида чоп этилган “Қодирий – эрксизлик курбони” китобининг 42-бетида шундай гапларни ўқиймиз: “Одил Ёқубов 1989 йил октябрда Ўзбекистон Олий Совети мажлисида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи муҳокама қилинганда Абдулла Қодирий номини Отабек,

Кумуш ҳақида достон яратган адид сифатида тилга олди. Буни у бекорга айтганий ўйқ, чунки аввало Отабек ва Кумуш қисматини тасвирлаган роман – “Ўткан кунлар” адидни Абдулла Қодирий қилган асардир”. Атоқли романнавис гапини маъқуллаган биринчи қодирийшунос олимнинг бу гаплари биз юқорида келтирган гапларига нисбатан масаланинг моҳиятига ҳам, муаллиф билан қодирийхоннинг кўнглига ҳам ҳар жиҳатдан яқинроқ, албатта. Бунинг тўғрилигини яна бир қодирийшунос олим Умарали Норматовнинг кўйидаги гаплари ҳам тасдиқлаб тургандек: “Қарангки, “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” чиққач, бизда Фарҳод, Ширин, Тоҳир, Зухра каби севимли исмлар сафида Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно деган номлар кўпайди” (“Ўткан кунлар” ҳайрати”, Т. “Ўқитувчи”, 1996, 42-бет). Худди Юсуф, Аҳмад, Алишер, Бобур, Ноңира, Абдулла, Зулфия исмларининг кўп учраши бу сўзларнинг туб луғавий маъноларидан ҳам олдин энг севимли адиларимизнинг исмлари экани билан узвий боғлиқ бўлганидек, Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно исмларининг кўп учраши Қодирий асарлари билан узвий боғлиқ, албатта. Шу ҳодисанинг ўзиёқ, “Мана, худди Тоҳир ва Зухра, Фарҳод ва Ширин каби, Отабек ва Кумуш достони!” дея уқтириб тургандек гўё!

Атоқли рус олими В.Жирмунскийнинг “Алпомиш” ва “Одиссея” достонлари қиёсий таҳлил қилинган “Алпомиш” ва “Одиссея” илмий тадқиқоти таниқли олим Нуъмон Раҳимжонов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, “Жаҳон адабиёти” журналининг 1999 йил март сонида эълон қилинган эди. Жаҳондаги бошқа бирон ҳалқ эпоси эмас, айнан ўзбек ҳалқ эпоси билан юонон ҳалқ эпоси қиёсий таҳлил қилингани етарли илмий асосларга эга эди, албатта. Худонинг қудрати билан Шарқда – “Алпомиш” достонидан илҳомланниб яратилган “Ўткан кунлар” романни дунёга келган

бир вактда Ғарбда – ирланд адиби Жеймс Жойснинг “Одиссея” достонидан илхомланиб яратилган “Улисс” романи дунёга келди. Бу икки романдан бири шарқона мажоз – Шарқ адабиётида энг юксак мавқега эга “мажозий-фалсафий достон”га иккинчи нафас бахш этди, яна бири эса, Ғарб адабиёти ва умуман, жаҳон адабиётида “модернизм” деб аталувчи ижодий методни бошлаб берди. Бу ҳар икки асар, худди “Алпомиш” ва “Одиссея” эпослари каби, бутун жаҳон адабиётиниң келгуси тараққиётига ўзининг кучли таъсирини кўрсатди ва ҳали-ҳануз бу ҳаётбахш таъсир жараёни давом этмоқда. Абдулла Қодирий ва Жеймс Жойсдан кейин жаҳон адабиёти майдонига кириб келган жамики оламга машҳур ёзувчилар, дейлик, Михаил Булгаков, Габриел Гарсия Меркес, Чингиз Айтматов, Фозил Искандар, Пауло Куало... асарларини кузатсангиз, бир ҳолни аён кўрасиз. Масалан, Фозил Искандарнинг “Куёнлар ва бўғма илонлар” фалсафий эртаги билан Пауло Куалонинг “Алкимёгар” романи шарқона мажоз билан ғарбона модернизмни ўзига хос тарзда умумлаштириб-уйғунлаштириб турибдики, жаҳон адабиётидаги бундай ижодий таъсир жараёнлари кенгроқ миқёсларда илмий тадқиқ этишга арзигулиқdir. Хусусан, Жеймс Жойснинг “Улисс” асари билан “Одиссея” достони қиёсий таҳлил қилинган тадқиқотлар инглиз адабиётшунослигида ҳам, умуман, жаҳон адабиётшунослигида ҳам кўплаб яратилган. Лекин “Ўткан кунлар” романи билан “Алпомиш” достонини қиёсий таҳлил қилиш, бу икки оламшумул асарнинг бутун Шарқ адабиётига, хусусан, юқорида номлари тилга олинган Мухтор Аvezov, Чингиз Айтматов, Тўлепберген Қаипбергенов, Хидир Деряев, Жалол Икромий, Абиш Кекилбоев, Мухтор Мағавин каби машҳур адиллар ижодига ҳаётбахш таъсирини илмий ўрганиш ўзбек адабиётининг ҳам, қардош халқлар адабиётларининг

ҳам келгуси тараққиётига ўзининг унумли таъсирини кўрсатиши тайин. Айниқса, “Ўткан кунлар” ва “Улисс” романларини қиёсий текшириш жаҳон адабиёти оламидаги бу ўзига хос икки чўққи, борингки, ўзаро зид икки қутбнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини ойдинлаштирган бўлар эди. Чунончи, “Ўткан кунлар” романида “Алпомиш” достонига мустаҳкамроқ таянилганми, ё “Улисс” романида “Одиссея” достонига?” қабилидаги саволларга аниқ илмий жавоб топиш адабиёт оламида янги қўриқ очиш билан баробар, дейиш мумкин!

Жаҳон халқларининг достонларини кузатар эканмиз, достоннинг энг бирламчи белгисини англағандек бўламиз. Бу белги – достонда бир эмас, икки ва ундан ортиқ элларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда бир элнинг ўз эркинлиги ва ўсиб-униши йўлидаги кураши кенг тасвирланганидир. Масалан, ўзбек достонлари “Алпомиш”да Бойсин-Қўнғирот эли билан Қалмоқ эли, “Гўрўғли (Кўрўғли)” туркумидаги достонларда Марказий Осиё ва Кавказ эллари, “Фарҳод ва Ширин”да Чин эли билан Арман эли, юнон достони “Одиссея”да Итака эли билан Трой эли, ҳинд достонлари “Маҳбаб-ҳарата”да Каврав эли билан Пандав эли, “Рамаяна”да шимолий ҳинд эли билан жанубдаги Шри-Ланка эли, немис достони “Нибелунглар ҳақидаги қўшиқ”да хун эли билан бургунд (нибелунг) эли, француз достони “Роланд ҳақида қўшиқ”да баск эли билан франк эли, испан достони “Сид ҳақида қўшиқ”да араб эли билан испан эли, арман достони “Сосунли Довуд”да арман эли билан араб эли, гуржи достони “Амираниани”да одамлар ва девлар, англо-саксон достони “Беовулф”да скандинав эли билан афсонавий маҳлуқ ва аждар, рус достони “Игор полки жангномаси”да рус эли билан қипчоқ эли, бошқа достонларда турли элларнинг ўзаро муносабатлари кўламли тасвирланган. Бу жиҳат-

дан “Үткан кунлар” романы ҳам достон хусусиятига әга, сабаби унда қипчоқ ва қорачопон элларининг ўзаро муносабатлари кенг ёритилган.

Достонга хос яна бир белги шундаки, йиллар-асрлар ўтгани сайин келгуси авлодлар уни қайта ишлаб, пишишиб, кенгайтириб, кучайтириб борадилар, қолаверса, унинг бир неча варианtlарини яратадилар. Шунинг учун, дейлик, “Алпомиш” достонининг ўнлаб вариантлари мавжуд бўлиб, энг юксаги Фозил Йўлдош ўғли айтган вариант ҳисобланади. Шу маънода, “Үткан кунлар” романига келгуси авлодлар яна ва яна қайтишлари, унга янгича ёндошишлари, унинг устида ишлаб, бадий ва ғоявий савиясини яна-да оширишлари табиий. Сирасини айтганда, 1969 йилда роман асосида ишланган бадий фильмда ана шундай янгича ёндошувни кузатиш мумкин: фильм Зайнабнинг аразалаб уйдан чиқиб кетиши ва Кумушнинг ўзи табиий ўлиши билан якунланади. Яъни на фарзанд туғилади, на Зайнаб Кумушни заҳарлайди. Тўғри, фильм шўро тузуми даврида яратилгани боис муайян чекловларга учраган, хусусан, бадий фильмда романнинг сиёсий, ижтимоий ва диний томонлари анча қисқартирилган ҳолда кўрсатилган... Кези келганда икки таклиф билдиришни истар эдим. Биринчидан, шояд ҳозирги эркинлик замонида бу роман асосида бадий фильм (балки кўп бўлимли) ишланса-ю, мазкур қодирийхонлиқда ёритилган анчагина ҳолатлар маромида кенгроқ кўрсатилса. Иккинчидан, шоядки асардаги мазкур қодирийхонликда айтиб ўтилган муаммоли ва баҳсталаб ўринлар қайта ишланиб, у чинакам халқ ижодига айланиб кетса. Дейлик, “Алпомиш” достонида ўзига ошиқ бўлиб қолган Товка ойимни Ҳакимбек чўпон Қайқибетга эрга бериб, барчалари баҳтиёр бўлганларидек, бу романда ҳам Отабек суймас хотини Зайнабнинг жавобини берсин, сўнг, балки, Оренбург ё Ша-

майда орттирган бирон дўстига эрга бериб, барчали-ри мурод-мақсадларига етиб, қўрли-қутли бўлсинлар. Дейлик, Отабек қутидор уйида ичкуёв бўлмасин-да, аввал-бошда Марғилондан данғиллама уй сотиб олиб, Кумушга том маънода уйлансин! Қарабсизки, ҳам Офтоб ойимнинг шарти (қизини Тошкентга жўнат-маслик), ҳам Ўзбек ойимнинг шарти (ўғлини ўзи орзу-ҳавас қилганидек ўзбекона удумларга риоя қилган ҳолда уйлантириш) бажарилган бўлади. Айни чоғда, романнинг умумий мазмунига путур етмайди. (Бу романга қайта ишлов берадиган адибнинг истеъдодига боғлиқ, албатта).

Бир жиҳати – “дастлабки тажриба” бўлгани боис, иккинчи жиҳати – азбаройи камтарлик юзасидан “роман” деб аталса-да, шарқона достон руҳи баайни уфуриб турган “Ўткан кунлар” асарининг умрибоқийлик сири, бошқачароқ айтганда, ўтган тўқсон йил мобайнида бу романдан бадий жиҳатдан бақувватроқ асарнинг дунёга келмаётганига бош сабаб нимада? Ўйлайманки, ҳамма гап илдизга бориб тақалади. Чинор, бобоёнгоқ, арча, бойтерак, сада сингари улкан ва улуғвор дарахтларнинг умрибоқийлик сири уларнинг илдизлари она ер бағрига нечоғли чуқур сингиб, кенг томир ёйганидадир. Худонинг қудрати шу қадар чексизки, Қодир Эгам баайни кўрар кўзларга ибрат учун бундай илдизи чайир дарахтларнинг батамом аксини ҳам яратиб кўйган! Масалан, Даشتни Қипчоқда “туяқорин” (қомусда ёзилган: кампирчопондошларга мансуб бир йиллик заҳарли ўт; бўйи 30–60 см, сершох) деган бир антиқа бутами-ўт ўсади. Ақалли саксовул қадар кўп йил яшай олади деб бўлмайди, бир йиллик ўсимлик у! Ана ўша ўсимлик сув мўл кўкламда олти ойлик чанқоқдан сўнг сув ичган туюнинг қорнидек тезда катталашиб-думаланиб кетади-да, садарайҳон билан росмана саданинг ўртасидаги дарахтсимон бир

ўсимлиқ ҳолига келади. Лекин, дейлик, ўша даштдаги янтоқ билан шувоқдан фарқли равища, бу түяқориннинг илдизи шу қадар калта ва мўрт бўладики, натижада ёзниг бошларига етиб-етмай салгина эпкинга илдизи чирт узилиб, түяқориннинг ўзи чексиз дашт бағрида изиллаб-изғиб, думаланиб кетади. Лекин, энг қизиги шундаки, у на бир йиллик ўсимлиқдек хашак, на кўп йиллик дараҳтдек ўтин бўлолмайди, шунчаки бир даҳмаза, дардисар бўлади, холос!.. Ўзбек адабиёти тарихи ҳам, жаҳон адабиёти тарихи ҳам мана шу түяқоринга ўхшаш синувчан ва ўткинчи “даҳмаз”ю “дардисар”ларни кўп кўрган! Улар дунёга келганидан сўнг озгина вақт ўтар-ўтмай унутиладики, ҳатто муваҳассислар ҳам “Қаранг-а, шунақасиям бўлган эканда!” дея кулибми-ажабланиб эслайдилар. Агар эслай олсалар! Лекин “Ўткан кунлар” романи!.. Бу асарнинг умрибоқийлик сири аввало шундаки, у нафақат асар бошида тилга олинган “Тоҳир ва Зухра”, “Фарҳод ва Ширин”, “Чор дарвиш”, “Баҳромгўр” достонлари, асарнинг ўзида тилга олинган Фузулий (бу беназир шоирнинг девонигина эмас, “Лайли ва Мажнун” достони!) билан Бобурнинг “Бобурнома” асарлари, балки мутлақо тилга олинмаган “Алпомиш”, “Қутадғу билиг”, “Мантиқ ут тайр” ва “Лисон ут тайр” дек азим Шарқда машҳур энг баркамол фалсафий-мажозий достонлар тажрибалирига мустаҳкам таяниб турибди! Энди “Ўткан кунлар” романидан ҳам зўрроқ асарни амалда яратишга астойдил чоғланган адид асарининг илдизи, табиийки, яна-да чукурроқ бўлмоғи керак!

“Ўткан кунлар” романида Кумуш тимсолида таъриф ва тасвир этилган тил жозибаси, хусусан, сўз ўйини, ажойиб шоиримиз Эркин Воҳидов қаламига мансуб энг гўзал китобнинг номи билан айтганда, “Сўз латофати” нуқтаи назаридан минг йиллик ўзбек адабиёти тарихига ялпи назар ташласак, қандай манзара-

ни кўрамиз? Муazzам Шарқдаги уч тил (туркий, араб, форс) ва бу уч тилдаги бири биридан бақувватроқ уч Адабиёт ютуқларини ўз ижодида бетакрор тарзда мужассамлаштирган буюк мутафаккиримиз Алишер Навоийнинг бадиий олами бекёс ва ўзига хос мураккабликларга эга бўлган тилсимли дунё, албатта! Аммо менинг ўта шахсий қарашимга кўра, Яссавий, Отойи, Лутфий, Бобур ва Машраб ижодига хос гўзал бир соддалик ва халқчиллик янги давр ўзбек адабиётида, айниқса, Чўлпон, Ҳамид Олимжон,Faфур Гулом, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф шеъриятида яққол бўй кўрсатиб, ҳатто янги юксакликларга кўтарилиб турибди! Лекин бадиий насрда... етти ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир китобхон қўлдан қўймай тушуниб ҳам мароқланиб ўқийдиган асарлар Рабғузий билан Бобурдан кейин буюк Қодирий асарларигина бўлиб тургандек! Бадиий насрда ҳаттоки Чўлпон билан Faфур Гулом, Саид Аҳмад билан Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов билан Шукур Холмирзаев ҳам Рабғузий, Бобур ва Қодирийга хос ажиб соддалик ва халқчилликка эришолмагандек! Хусусан, Қодирий тилининг халқ баҳшилари тилидек ёқимли-ўйноқилиги, тасвирининг кўримли-туйимлилиги, гапларининг пишиқ-сайроқилиги, мана, тўқсон йилдирки, бадиий насрдаги эришиш-етишиш қийин устунлик бўлиб турибди! Айниқса, ҳар бири ихчам, етук ва эркин ҳикоя бўла оладиган олтмиш олти асар(боб)ни “қаловини топиб” ва “кифтини келтириб” қураштирганча улкан бадиий асар эҳромини тиклаш тажрибаси!.. Бу ижодий тажриба, худди Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асариdek, ҳали юз йил, ҳатто минг йиллаб ўзбек ёзувчиларига ибрат мактаби бўлиб хизмат қила олади!

Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссаси номиёқ аён кўрсатиб турибдики, асар бош қаҳрамони меҳнаткаш

дәхқон – кетмон ишлатадиган жисмөнүй мөхнат кишиси. “Мөхробдан чаён” романининг бош қаҳрамони Айвар мирзо хон саройида мунший – қалам ишлатадиган ақлий мөхнат кишиси. Бу икки қаҳрамонни, табийики, катта бир рўзғорни юргизаётган уй бекаси Раъонони ҳам мөхнатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хўш, Отабек билан Кумуш-чи? Масалан, Отабекнинг асар бошида савдогарлик билан аввал Шамайга, сўнг Марғилонга боргани айтилади, савдо ишлари яна бир-икки жойда йўл-йўлакай қисқагина тилга олиб ўтилади, лекин уни савдогар сифатида, дейлик, ақалли Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидаги “чакки шу сартияда туғилиб қолган америкача бизнесмен” Мирёқуб эпақадек аниқ-равшан тасаввур қила оламизми? Кумуш-чи, бирон ҳунар-касб қиласидими ё бекорчими?.. Сирасини айтганда, китобхон Отабек билан Кумушнинг ёрқин сиймосига мафтун-маҳлиё бўлиб қолади, лекин, айни чоғда, “Булар бекорчими ўзи?” деган ўйга бориши табийий. Шу маънода қодирийшунос олим Матёқуб Кўшжонов ҳам “Ўзбекнинг ўзлиги” китобининг (Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994) 59-бетида шундай ёзганида ҳақ эди: “Кўриниб турибдики, Отабек давр ижтимоий ҳаётига нисбатан маълум бир позицияда турган шахс. Аммо ёзувчи уни даврнинг муҳим ижтимоий ва сиёсий масалаларига фаол ва бевосита қатнаштирмайди. Бу жиҳатдан Отабек фаол яратувчи эмас, балки пассив кузатувчи, воқеалар оқимига ўзининг кириб қолганини ўзи сезмай қоладиган кишидир”. Кумушнинг ўз отаси билан эрини ўлимдан кутқариб қолиш йўлидаги жонбозлигини айтмасангиз, бу қаҳрамоннинг ҳам ижтимоий фаолияти, аникрофи, фаолиятсизлиги ҳавас қилгулик эмас. Демоқчиманки, айни шу жиҳатдан ҳам Отабек билан Кумуш замонамизнинг қаҳрамони бўлишга ожизлик қиласиди! Чунки замондошимиз

эпсиз-бекорчи эмас, давлат ва жамият ҳаётидан узилиб, ўзининг шахсий ғам-ташвишларига ўралашиб қолган биқиқ ва бўшашиб инсон эмас, фаол ижтимоий ҳаёт кечираётган, халқ ғами билан яшаётган яратувчи инсон! Тўғри, у, дейлик, Ўзбекистон халқ шоири Ўйғуннинг бир пайтлар ўрта мактаб дарслигига ўрганилган “Назир отанинг ғазаби” шеъридагидек “Менга деса тош ёғмайдими! Барибир, пахтани терамиз!.. Ҳукуматга тўплаб берамиз!” дейдиган даражадаги уқубатли меҳнат ва сиёсий ғоянинг қули, жонсиз плакат, шиор эмас, балки эркин ва соғлом дунёқарашга эга жонли одам! Жонли бўлганда ҳам, хоҳ жисмоний меҳнат, хоҳ ақлий меҳнат, хоҳ ижодий меҳнат бўлсин, нима биландир астойдил машғул бўлаётган ва фойдали нарсаларни яратадиган бунёдкор инсон!

Қодирийнинг ҳар қанча ўрганса арзийдиган ёзувчилик маҳорати шундаки, у хоҳ кулгили, хоҳ баҳтли, хоҳ қайғули бўлсин, ҳар қандай ҳолатни юзаки эмас, асосли, ишонарли кўрсата олади. Дейлик, Зайнабнинг кундоши Кумушни ўлдиришида айбдорлар фақат унинг ўзи ва ё кундошлиқ балосигина эмас! Бу фожиада Зайнабни қуршаб турган жамики одамларнинг оздир-кўпdir ўз улушлари бор! Масалан, Зайнабнинг ота-онаси уни “писмиқ”дан олиб, “минғаймас ўлгур”-га солиб ёмонлашнинг ўрнига қизларининг кўнглига йўл топиб, кўнгилни кўтариш ва юракни кенгайтиришга ҳаракат қилганларида у ўз қобиғига ўралиб, ўз ёғига ўзи қоврилиб, ич-ичдан зил кетиб, баттар писмиқлашмас, ичига зардобни йиға-йиға, пичоқ бориб суюкка қадалгачгина бирйўла тўкиб соловчи ашаддий аламзадага айланмас эди. Ўзбек ойим оғмалик қилмай, ҳар икки келинига teng қарай олганида, Отабек айни Кумуш Тошкентга келиш арафасида иккинчи хотини Зайнаб беихтиёр “портлаб”, ўзини унинг кўксига отганида кўнгилчанликка берилмай,

демакки, уни умр йўлдоши бўлишга умидвор қилмай, “жонсиз ҳайкал” лигича қолганида ва тез орада жавобини берганида, Кумуш ҳам Зайнабни ҳар боб билан куткилаб, кундошлик қилмаганида, ниҳоят, опаси Хушрўй ўлганнинг устига тепгандек қилиб, унинг йиллар давомида шаклланган, аникроғи, яқинлари шакллантирган “асл табиати”ни очиб кўрсатиб, байни юзига ойна тутиб, яшашга уқувсизлиги, ё ўлиш, ё ўлдиришга маҳкумлигини “исботламаганида”... кутилмаганда ювошдан йўғон чиқиб, қотиллик юз бермаслиги мумкин эди. Зайнабни қуршаган одамлар орасида ҳаттоки катта оила бошлиғи Юсуфбек ҳожининг ҳам озми-кўпми айби бор, лекин у ҳамиша она ва ўғил, қайнона ва келин, ўғил ва келин, ўғил ва қудаларга нисбатан муроса-келишув йўлини, ҳақ-адолат йўлини тутишга тиришгани унинг чинакам эр, ота, қайнота ва куда эканини кўрсатади. Фақат угина келинига тўғри муносабатда бўлиб, ҳар икки келинига баравар оталарча ўгитларини айтади, лекин бу ўгитлар атрофини қуршаган бошқа одамларнинг муносабатларидаги кўпдан-кўп ноҳақликлар исканжасида, табиийки, Зайнабга тескари таъсир кўрсатади: бош айбдор – кундошга кекини сусайтириш ўрнига, аксинча, баттар кучайтиради. Бошқача айтганда, худди Ҳомид ўзининг тубан қилиқлари билан Отабекни қотилликка мажбур қилганидек, атрофидағи ҳамма, ҳаттоки Кумушнинг ўзи ҳам Зайнабни қотиллик қилишга мажбурлагандек! Ягона чора кундошни заҳарлаб ўлдиришдек! “Оғзим ошга етганда бошим тошга тегди” деганларидек, икки йиллик сабр-тоқат билан кутишлар адояда Отабек ўзига эндиғина кулиб боқа бошлаганида ҳамма унинг оғиз-бурни-ю юрак-бағрини баттар қон қиласверса, Зайнабнинг шундоқ ҳам зиқна-писмиқ кўнгли баттар торайиб, кўзига шундан бошқа қутулиш йўли қўринмай қолади!.. Шундай

бўлса-да, Зайнабни ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди: у жоҳил, у кўрнамак, у худбин, у ҳасадчи, у ёвуз жодугар... Бу ўринда Зайнабнинг қотиллигини ҳеч қандай узрли ҳолатлар билан оқлаб бўлмаганидек, муаллифнинг ўзини йиғлатган ўлим-ўлдириш фожиасига келиш йўлларини атрофлича очиб кўрсатишдек ибраторумуз маҳоратини алоҳида таъкидламоқ керак.

Хулоса шуки, Отабек ва Кумушбиби сингари бош қаҳрамонларнинг жамики инсоний фазилатларини ва уларни тасвирлаш бобидаги муаллифнинг бекиёс маҳоратини пухта ўзлаштирган, айни чоғда, дунёқарашиборлиги ва фаолиятнинг чекланганлиги сингари жиддий кемтиклар тўлдирилган ҳолда бугунги куннинг жонли қаҳрамонларини, халқ тақдири, давлат ва жамият қурилиши, башарият истиқболи борасида астойдил қайғура оладиган дунёқараши ва фаолият миқёслари кенг, келгуси авлодлар учун ҳам ҳар жиҳатдан ибрат бўла оладиган тўлақонли замонамиз қаҳрамонлари сиймоларини яратиш ҳозирги адабиётимиз олдида турган энг бирламчи, энг улуғ ва энг мушкул вазифадир. Бу вазифани шараф билан адо этишда буюк Абдулла Қодирийнинг ижодий тажрибалари ҳар бир адаб учун ўзига хос ибрат мактаби бўла олади.

Қодирийхонликка таяниб яна бир хуносага келиш мумкин. “Ўткан кунлар” романни, дарҳақиқат, замонавий ўзбек адабиётида ўзбекнинг ўзлиги, ўзбек халқининг миллий хусусиятларини энг ёрқин бўёқларда кўрсатувчи асар ва айни чоғда, бу асарда ўзбек халқининг миллий хусусиятлари бузиб кўрсатилган ўринлар ҳам йўқ эмас! Майда одамларнинг хатоси ҳам майда ва аксинча, йирик давлат арбобининг хатоси ҳам ўзига яраша каттагина – давлат миқёсида бўлади! Худди шундай, ёзувчи қанчалик улкан бўлса, ижодий ютуғи билан бир қаторда камчилиги ҳам

шунга яраша улкан! Юқорида айтилганидек, масалан, Отабекнинг ота-она розилигисиз, ўзбошимчалик билан уйланиб олиши, айниқса, қайнотасининг уйида ичкуёв сифатида яшаши ўзбек халқининг миллий менталитетига тўғри келмайди! Ўзбекнинг ўзлигини Қодирийдан ҳам ёрқинроқ кўрсатмоқчи бўлган адид замон талабига кўра ночор-ноилож қўлланган бундай нотўғри талқинларга ўрин қолдирмаслиги керак, албатта.

Абдулла Қодирий анъаналарини ижодий ривожлантириш, хусусан, биринчи ўзбек романида йўл қўйилган “бекорчилик” ва ижтимоий фаолиятсизликдек кемтикни тўлдириш бобида, айниқса, икки ёзувчининг ижодий ютуқлари ҳам, менимча, ҳар бир ўзбек ёзувчисига катта ибрат мактаби бўлиб хизмат қила олади. Булардан бири – Ойбек, иккинчиси – Чингиз Айтматов. Масалан, Чингиз Айтматов қаламига мансуб ўнлаб шоҳ асарларнинг бош қаҳрамонлари “замонамиз қаҳрамони” деса дегудек фидойи ўқитувчи, йўл қурувчи, ҳайдовчи, деҳқон, чорвадор, балиқчи, темир йўл ишчиси..., қўйинг-чи, оддий меҳнат кишилари, аввало шуниси билан том маънодаги қаҳрамонлар! Ораларида биронта bekorchesini kunduzi chiroq ёқиб ҳам тополмайсиз! Ҳаммалари шунақанги меҳнат кишисики, ҳар бири нафақат ўзи ва ё оиласи, бутун бошли халқ ва ватан тақдирини баайни қўш елкасида кўтариб турган афсонавий паҳлавон дейсиз! Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романи бош қаҳрамони Йўлчининг қанчалик меҳнаткашлигини тўнка қўпориб кўрган одамгина тушуна олади! Қадимда ота-боболаримиз йигитни күёвликка танлаганларида унинг ғулани қандай ёриб, тўнкани қандай қўпорганига қараб қизларини берганлар. Йигитнинг қанчалик азаматлиги, енгилмас куч-куvvват эгаси экани ва ишнинг кўзи ни нечоғлик билиши ана ўша ёриш билан тўнка

кўпоришда кўринган-кўйган! Қаҳрамонлар ўлими тасвирланган юзлаб асарлар орасида Отабекдан бошқа яна иккита бош қаҳрамоннинг ўлимини чинакамига қаҳрамонона ўлим – шаҳидлик дейиш мумкин. Булардан бири Ойбекнинг “Кутлуғ қон” романи бош қаҳрамони, миллий озодлик кураши йўлида ўзини қурбон қилган Йўлчи, иккинчиси Чингиз Айтматовнинг сўнгги романи “Тоғлар қулаганда (Мангу қайлик)” асари бош қаҳрамони, қорли тоғ қоплони, умуман, ўз Ватани сарҳадларининг дахлсизлиги, Халқ ва Ватан бойликларини асраш йўлида жонини фидо қилган Арсен Саманчин, яъни, Сомон йўлидан келган Орсан – ориятли инсонсан! Бу ҳар икки қаҳрамоннинг тўккан қони, худди Отабекнинг Авлиё отада тўккан қони каби, дарҳақиқат, қутлуғ қон, чунки у Халқ ва Ватанга бахшида қон!..

Отабек, Йўлчи ва Арсен Саманчиндан зинҳор қолишмайдиган чинакамига замонамиз қаҳрамонларини бугунги ҳаётимизда кўплаб учратишимиз мумкин! Уларнинг қаҳрамон сифатидаги яна бир фазилати шундаки, ўзини қурбон, жонини фидо қилишлари зинҳор шарт эмас, чунки озод ва обод Ватанда, мустақил давлатда халқ билан ҳамнафас ҳолда фидокорона ва бунёдкорона меҳнат қилиш, байни Фарҳоддек меҳнатда ўзлигини намоён қилиш имкониятига тўла равишда эга! Энг тараққий этган давлатларда таҳсил кўриб келиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларини юксалтиришга астойдил бел боғлаган, Отабек, Анвар ва Йўлчига тенгдош, қирчилама, малакали мутахассисларимиз фаолияти, Асака автомобил заводи, Устюрт, Муборак ва бошқа кутлуғ манзил-маъволарда қад ростлаб турган улкан қўшма корхоналарнинг олий малакали ишчи-хизматчилари, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаб турган мард чегарачиларимиз, жонажон Ўзбекистонимизнинг

довруғини жағонға тарататын ган эпчил спортчиларимиз, уста санъаткорларимиз жағон фанига үз улуштарини күшәтгандар олимларимиз... Бундай кундалик ҳаётдаги замонамиз қаҳрамонлари фақатгина кичик публицистик мақола ва очерклар әмас, йирик насрий асарлар қаҳрамонлари бўлишга, Отабек ва Кумуш, Анвар ва Раъно, Йўлчи ва Гулнор каби мангу барҳаёт сиймолар қошида етук асар қаҳрамонлари бўлиб бор бўйлари билан туришга тўла ҳақлидирлар. Фақат улар ҳаёти Қодирий ва Ойбекдек маҳорат билан ёзиб кўрсатилса бас!

МУНДАРИЖА

Сүзбоши ўрнида	3
Биринчи бўлим	22
Иккинчи бўлим	115
Учинчи бўлим	223
Сўнгсўз	356

Адабий-бадиий нашр

ОТАУЛИ

ОТАБЕК ВА КУМУШ ДОСТОНИ

*“Үткан күнлар” романини яңгича уқиши
ёхуд қодирийхонлик
(бадиа)*

Мұхаррир: *Дилрабо Мингбоева*
Бадиий мұхаррир: *Акбарали Мамасолиев*
Сәхіфаловчи: *Азамат Қаюмов*
Мусаҳхих: *Шаҳзода Ҳакимова*

“MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI”
Нашриёт лицензияси № А1 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ-15. 1/90-үй.
e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишига 2019 йил 3 декабрда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/₁₂. Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.
Шартли босма табоги 12,06.
Адади 2000 дона. Буюртма № 42



Агиб
ба
жамият

ОТАУЛИ

Отабек ва
Кумуш достони

Бадиа



«MASHHUR-PRESS»

ISBN 978-9943-5672-7-6



9 789943 567276